

Шарк юлдузи

Ўзбекистон Ёзувчилар
союзининг органи

ОЙЛИК АДАБИЙ-БАДИИЙ,
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖУРНАЛ

■
49-ЙИЛ ЧИҚИШИ



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЁТ ВА САЊАТ
НАШРИЁТИ

1981

7

МУНДАРИЖА

И. Раҳим. Оқибат. Роман	3
ЁШЛАР ШЕЪРИЯТИДАН	
У. Отаева. Пахтакор монологи	61
Х. Ризо. Коммунист	64
О. Шукурова. Қишлоқ	65
М. Ҳайдаров. Мудроқ тун қўйнида...	66
Ч. Ёқубов. Эски раис. Қисса	67
О. Ҳожиева. Бўзтўрғай. Шеърий қисса. Давоми	94
Г. Марьяновский. Минг бир тақдир. Ҳужжатли қисса. Охири.	104
Г. Жўраева. Денгиз — худдий менинг ўзимдир	160
ҚАРДОШЛАРИМИЗ АДАБИЁТИДАН	
Л. Жариков. Довюррак дўстим қиссаси. Қиссадан боблар	163
Т. Қаҳдор. Журъат. Шеърлар	187
ҲИКОЯЛАР	
У. Муҳаммадиев. Мармартош	193
Тўлқин. Амма	201
Қ. Нурмухамедов. Дўстлар. Айбсиз айбдор	205
В. ЛУГОВСКИЙ 80 ЁШДА	
Ю. Мориц. Қўнгил мамлакатига саёҳат	209
ОЧЕРКЛАР	
Н. Саъдуллаев. Прометей ворислари	212
О. Жуманазаров. Бола бошидан...	217
ЎЗБЕКИСТОНДА ПУШКИН КУНЛАРИ	
Ғ. Мўминов. Пушкин ва халқ ижоди	221
ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК	
И. Ғафуров. Мўъжизалар ҳар кун керак	224
ТАҚРИЗЛАР	
Б. Имомов. Имконият ва ижро	231
Н. Йўлдошев. Парвоз «баландлиги»	233
Б. Содиқов. Қирқинчи афсона	235
ГУЛҚАЙЧИ	
М. Очилов. Ёзувчи бўлай десангиз. Ҳажвия	237
У. Саидов. Пародиялар	238
Маданий ҳаёт	239
«Звезда Востока» июль сониди.	239



Иброҳим Раҳим

ОҚИБАТ



РОМАН

Россия, Россия, менинг Ватаним,
Мен сенинг ўғлингман, эмасман меҳмон.
Сенинг тупроғингда улғайди таним,
Ҳозирман сен учун бўлмоққа қурбон!

Ҳамид ОЛИМЖОН.

Биринчи боб

I

Бир минг тўққиз юз етмиш бешинчи йил, иккинчи январь куни, оқшом чоғида ўрмонлар оралиғидаги кенг майдонга — қалин қор устига биринчи десант туширилди. Оппоқ қор ҳаммаёқда оқ кўпикдек кўпчиб ётарди. Совуқ шамол самолёт атрофида маст туядай ўкиради, оғзидан кўпик сочади. Ўзбекистондаги майин шабаданинг елпишлари қаёқда-ю, бу ерда аччиқ изғириннинг изиллаши қаёқда!— ўйларди десантчилар.

Зина қўйилиб, самолёт эшиги очилар экан, ичкарига прожектор нури билан бирга қор аралаш аччиқ совуқ ғизиллаб кирди-да; эшик олдида тизилиб турган десантчилар юзини ялаб ўтди. Набижоннинг бундай соғуққа биринчи бор дуч келиши эди. У жизиллаб ачишаётган юзини ишқалади.

— Уҳў-ў, тишлаяпти-ку!

— Ҳали бу ҳолва!— деди Бойбеков унга қараб.— Бу ёққа пашмак егани келган бўлсанг янглишибсан.

Шамолда зириллаб турган зинага биринчи бўлиб Қудратов қадам қўйди. Кейин бошлиқлари изидан гурс-гурс одимлаб, ғарчиллатиб қор босиб, жанговар десантчилар туша бошладилар.

— Уни қаранглар, йигитлар, бизни қуршаб оляптилар!..



Биринчи десантчиларни шахсан Қудратовнинг ўзи битталаб, сиңчиклаб саралаганди.

У, «Ўлсовхозқурилиши бошқармаси» деб аталмиш идорасида қалин папкалардаги турли-туман ҳужжат ва ёзишмаларни қайта-қайта ўқиркан, гоҳо-гоҳо «Нега индамаяпсан?» дегандай оппоқ телефон аппаратига қараб-қараб қўярди. Сабаби, туғуруқхонадан қўнғироқ кутаётганди. Хаёли ўша ёқда. Севикли ёри Дилафруз унга олтинчи фарзанд инъом қилмоқчи. Уғил туғадими, қизми — унга бир хилда азиз, эсон омон кўзи ёриса кифоя. Ташвиши шундаки, Дилафруз туғуруқхонага кетаётиб «огоҳ бўлиб туринг, отаси, шу сафаргисидан қўрқяпман» деганди. Икки марта хабар олди, аммо докторлар унга бирор далла берувчи гап айтмадилар. Туғуруқхона доялари унга ўзлари қўнғироқ қилмоқчи бўлдилар.

«Нега индамаяпти, бу соқов телефон?..» У аппаратга тикилиб турарди. Шу пайт телефон жиринглаб қолди. Қудратов ошқиқиб трубкани кўтарди.

— Қудратов эшитади...— деди у, микрофонга ҳаяжон билан ва ким, нима деяётганини англамай туриб, шоша-пиша гапира кетди.— Туғдими?! Нима туғди?.. Ўзи омонми?! А!.. Ие... кечирасиз...

Қўнғироқ туғуруқхонадан эмасди.

— Сизни ўртоқ Розиков кутяптилар,— деди қабулхона котибаси мулойимгина.

Розиков Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари бўлиб, республика ва ундан ташқарида олиб борилаётган муҳим қурилиш ва ер ўзлаштириш ишлари билан шуғулланувчи барча ташкилот ва муассасаларнинг бошини бириктириб, ишини қовуштирадиган катта ваколатли одам эди. Қудратов тер босган юзини рўмолчаси билан сидириб артди-да, ўзини ўнглаб улгурмай, итоаткор оҳангда:

— Ҳозир... ҳозир бораман...— деди.

«Тоза қизиқ бўлди-ку, у қизалоқ жинни бўлганми, бу одам,— деб ўйламасайди!..» Қудратов шунга ўхшаш турли-туман хаёллар билан столини йиғиштирди, тортмаларини қулфлаб, сейфдан керакли ҳужжатларини олиб чўнтагига жойлагач, «Қўнғилдилар колоннаси папкаси»ни қўлтиқлаётган пайтида телефон қўнғироғи яна жиринглади.

— Ҳозирнинг ўзида етиб бораман, пропуск буюриб қўйинглар!

Қудратов бу гал ҳам санамай саккиз деб қўйганди. Чунки, бу қўнғироқ Розиков қабулхонасидан эмас, туғуруқхона доясининг қўнғироғи эди. Афсуски, у ўзи муштоқ бўлиб кутган туғуруқхона хабарини эшитмади. Осмонўпар замонавий бинонинг ойнаванд эшикларини дадил очаётганида ҳам, ёлғиз ўзи лифтда тепа қаватга кўтарилаётганида ҳам унинг хаёли ўзида эмасди.

Қабулхонанинг тўрида иккита котиба қиз ёнма-ён қўйилган столларда нималарнидир ёзиб, нималарнидир ўқиб ўтиришарди. «Менга қўнғироқ қилгани қайси бири бўлди?..»— хаёлидан ўтказди атрофга хижолатлик билан қараб. Улардан бошқа яна икки-уч киши, афтидан Қудратовга ўхшаб бу ерга чақирилган ёки бирор зарур масалани ҳал қилгани келгандирларки, папкаларини бағриларига босганларича жигарранг дерматин қопланган кабинет эшигига кўз қадаб ўтирардилар.

«Сен аллақачон туғуруқхонага боришга ҳам улгурардинг, ҳеч бўлмаса телефон қилиб Дилафрузнинг аҳволидан огоҳ бўлардинг-да, хотиржам ўтирардинг?» У беихтиёр дераза олдида борди. Ойнали девор ортида ажиб манзара: шундоқ пастда Анҳор суви лиммо-лим, жимир-

лаб оқмоқда. Соҳилда Юрий Гагарин ҳайкали. Атрофда кўм-кўк да-
рахтлар, қурувчиларнинг кранлари...

Ниҳоят, кабинет эшиги очилди. Ичкаридан қалин папка қўлтиқла-
ган одамлар чиқа бошладилар. Қабулхонадагилар қимирлаб қолишди.
«Кимни чақираркин? Албатта бу ерга олдин келганларни, кўпдан бе-
ри қабул кутаётганларни чақирса керак-да!..»

— Уртоқ Қудратов!— деди қўлида блокнот ва жажжигина ручка
ушлаб ичкаридан чиққан котиба. Бу овоз боя телефонда ҳам худди
шундай жаранглаган эди.— Марҳамат, киринг!

«Бу қизнинг қўнғироқ қоқиши бежиз эмас экан-да, шунча одам
турса ҳам сени навбатсиз киритяпти...» Қудратов қабулхонадан кўра
кенгроқ, ёруғроқ, аммо оддийгина жиҳозланган кабинетга чаққон ки-
риб борди. Шинам хонага кўз ташларкан, унинг гашлиги тарқалгандай,
кўнгли ҳам ёришиб кетгандай бўлди. Розиков самимий кутиб олди уни.
Бу нуруний одам унга ҳар учрашувда нимаси биландир ўзгача бўлиб
кўринар, нимаси биландир уни қойил қолдирарди. Бу гал ҳам худди
шундай бўлди. Унинг оқ оралаган сочлари пича сийраклашгандай кў-
ринса-да, юзлари, аксинча, қуёш тобида пишгандай, ёноғи анор суви-
да йўғрилгандай тиниқ кўринар ва кўзлари эса, гўё қандайдир шодлик
даракчисидай кулиб боқарди.

У инженер-мелиоратор, аниқроғи «чўлқувар Қудратов» билан кўп-
дан қадрдон, яқин биродардай очиқ кўнгилдан гаплашди. Аввало ун-
дан сиҳат-саломатлиги, болаларининг ўқиши, Дилафруз Ҳакимовна-
нинг ҳол-аҳволини сўради; бу йил қаерда дам олгани, оилавийми ёки
бир ўзими, шунга оид ҳамма гапни билиб олгач, унинг кўзларига синч-
ковлик билан боқди-да:

— Курорт сизга анча ёқибди,— деб қўйди.

Қудратов кўп иш кўриб, неча-неча синовлардан ўтган одам эмас-
ми, аввалдан бу суҳбатга ўзини ҳозирлаган, гўё унинг оилавий аҳво-
лида ҳеч қандай ташвишли ҳодиса рўй бермагандай ҳамма сўровга
бирдай бардам, хушчақчақ жавоб қилиб, ҳар ишга ҳозир-нозирдай те-
тик ўтирарди.

Розиков суҳбатдошига мулоим қараб, табассум билан гап бош-
лади:

— Сизнинг бу ерга киришингиз олдида статистик маълумотга кў-
зим тушувди. Республикамизда кейинги йилларда аҳоли салкам бир
миллионга кўпайибди. Мамлакатда эса ўн беш миллион! Хуллас, ейди-
ган оғиз кун сайин кўпайиб, талаб-эҳтиёж борган сари кучайяпти. Би-
нобарин, қўл урилмаган имкониятларни ишга солмоғимиз лозим. Шу-
нинг учун партиямиз саноят ривожига кўмаклашадиган ва аҳолини тўй-
дирадиган қишлоқларимиз муаммоларига астойдил киришди. Бу ҳақ-
даги оқилона тадбирлардан хабардорсиз. Шундайми?

— Ҳа. Партиямизнинг бу янги аграр программаси ҳаммага
маъқул.

— Баракалла. Россиянинг унумсиз ерларини халқ учун хизмат
қилдириш, уни ишга солиш — ана шу тадбирларнинг муҳимларидан му-
ҳими бўлиб қолди. Гапнинг пўс калласини айтганда, нон, гўшт, сут ва
кийим-кечакнинг катта резерв хазинасини очмоқ керак. Бу иш ўзича,
осонликча бўлмайди. Шу муҳим ишда фаол иштирок этишга аҳд қил-
дик. Кўп ўйладик. Катта режалар туздик. Режалардан хабардорсиз.

Қудратов «тўғри» дегандек бош қимирлатиб, маъқуллади. Рози-
қов унинг кулиб турган юзига, ёниб турган кўзига боқиб қўйди-да, сў-
зида давом этди.

— «Нима билан?» деб кўп ўйладим. Ва ниҳоят «Мелиорация соҳа-
сидаги тажриба билан!» деган хулосага келдим. Мирзачўл лаборато-
рияси Россиянинг сағизтупроқ ерларида ҳам иш бериши мумкин.

— Ҳақиқатан ҳам шундай.

— Шу мақсадда, мана, биринчи қалдирғочлар учирма бўляпти...
Сухбат асосий масалага — қардошлар диёрига бораётган кўнгиллилар масаласига келганда Қудратов неча кундан бери дилида такрорлаётган гапини айтди:

— Десант сафарга тайёр, ўртоқ Розиков! — деди-да, папкасига ишора қилди.

Қорачадан келган, кўнғир соч, юмалоқ юзли, алп қоматли Қудратов сағизтупроқ ерларда катта ишлар бошланиб кетган чоқларданоқ у ерларга бориб, куч синаб кўришни орзу қиларди. У Мирзачўлда чўлқуварлик қилиб юрган кезларида ва ўша чўлқуварлар пойтахти Янгйер шаҳрини қуриб, ундан сўнг Жиззах, Толлимаржон саҳроларига сув чиқариш учун кураш жараёнида, қаерда бўлмасин, шу мақсад билан яшади. Унинг фикрича, Сирдарё областида чўл қолмади, асосий чўл майдонлари экинзор, боғ қилинди. Чўл қувғинда, энди у Жиззах тоғлари этагидагина, холос. Мана, энди уни Россия ерлари ўз бағрига чорляпти. Шу боисдан у партиямиз Марказий Комитетининг ноқоратупроқ деб аталмиш унумсиз сағизтупроқ ерларини унумдор ерларга айлантириш ҳақидаги тарихий қарорига «Лаббай!» деб жавоб берган ва ҳашарга боришга кўпни даъват этиб, мурожаат эълон қилган Ўзбекистон мелиораторларининг бири эди.

— Мурожаатларингизни ҳам, социалистик мажбуриятларингизни ҳам маъқулладик. Бундан қардошларимиз ҳам мамнун бўлдилар, — деди Розиков унга табассум билан.

Қудратов севинчини яширолмай сўради:

— Йўлга қачон чиқайлик?

— Қанча тез бўлса шунча яхши. Аниқроғи, келаси душанба кунини. Лекин колонна бўлиб эмас, ҳозирча кичик отряд, яъни биринчи кўнгиллиларни бошлаб борасиз...

Шу он Розиков андак хаёлга берилгандай унинг кўзлари олисларга боқаётгандай эди. Ҳа, шу пайт унинг кўзига улуг Россиянинг бепоён далалари, ҳали одам оёғи етмаган асов ерлари, балчиқли бутазорларини, фойдасиз ётган заҳқашликлари, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон ҳашарчиларини кутаётган меҳнат фронти майдонлари кўринарди. «Қийин бўлса-да, фахрли ишни зиммага олдик» деб ўйларди у Россиянинг унумсиз ерларини унумдор ва обод қилиш борасидаги ишлар кўламини чамалаб. Унинг миқёси озмунча эмасди ва осонликча битмасди. «Уддалай оламизми? Аҳд қилдикми, уддалашимиз шарт!» деди у ўзига далда бериб.

Қудратов «Кетсам майлими?» деб рухсат сўради.

Розиков уни қўлтиқлаб олди-да, кабинет эшигигача кузатиб қўйди. Розиковнинг шунақа одати бор эди. Ҳузурига кирган кишини ўрнидан туриб кутиб олар ва суҳбатдан сўнг остонагача қўлтиқлаб борар, эшик олдида қўлини маҳкам қисиб, самимий хайр-хўшлашарди. Розиковнинг бу яхши одати ҳақида Қудратов кўп одамлардан эшитганди. «Шундай эътибор билан кузатилишингдан, балки, кимсан ўртоқ Розиковнинг ҳурматига сен ҳам сазовор экансан, бу ҳурматга лоийқ бўлишинг керак!»

Кабинет эшиги олдида Розиков унинг қўлини маҳкам қисди-да, салмоқдор оҳангда деди:

— Россияда намунавий совхозлар қурасизлар. Ўз номи билан намунавий!.. Ута масъулиятли иш! Сизлар бутун халқимиз, бепоён Россия назаридасиз. Марказком ҳам сизларга қаттиқ ишонади.

— Раҳмат. Ишончини оқлаймиз.

— Яна шунинг ҳам айтиб қўйай: бургутнинг кучи — қанотида, одам-

нинг кучи — дўстликда, — деди у ва бир оз ўйланиб тургач, қўшиб қўйди. — Сиз ана шу дўстликни янада мустаҳкамлагани кетяпсиз.

— Тушунаман, ўртоқ Розиков. Қўлимиздан келганича ишлаймиз, Сизларни уялтириб қўймаймиз.

— Омад тилайман!..

Қудратов кабинетдан чиқаркан, қабулхонада тўнғич қайниси Ҳамид Ҳакимовични кўриб қолди. «Қандай ҳодиса юз берди экан? Дилафрузга бирор нарса бўлдикин? Нега орқамдан етиб келди бу Ҳамиджон» деб ўйлаган Қудратов бирор сўз қотмай жим қолди. Ҳамид Ҳакимович ҳам унга бирор гап айта қолмайди. Улар бир неча дақиқа сўзсиз турдилар. Бу жимликда Қудратовнинг хаёлидан нималар кечмади. «Дилафруз опасига бирор кор-ҳол бўлиб қолгандирки, орқамдан келибди. Индамай туриши нимаси?..»

— Тинчликми? — деб сўради у ниҳоят ташвишли оҳангда.

— Тинчлик.

— Ҳеч нарсани яшираётганинг йўқми?

— Йўқ, — деди Ҳамиджон ажабланиб.

Маълум бўлишча, уни ҳам Розиков чақиртирган экан. Ҳамиджон ер ўзлаштиргани Новгородга кетаётганлигини айтди.

Қудратов қўлидаги папкасига ишора қилди.

— Ивановога биринчиларни олиб кетяпман.

Улар қўл олишиб хайрлашдилар.

II

...Десантга одам танлаш Қудратов учун жуда қийин бўлди. Чунки талабгорлар беҳад кўп эди. Қудратов сафарга ҳозир у нозир турганлардан саралай бошлади. Биринчи десантнинг сони тайин — ўттиз кишидан ортмаслиги керак.

Бошда Қудратов биринчи десантга аёлларни қўшмасликка аҳд қилди. «Ким билади, разведкага ярайдими, шаронгга чидайдими? Нотаниш жой, қаттиқ қиш, қаҳратон совуқ, қаерда ётиб, қаерда туришларини ҳам ўйлаш керак-да!..»

Шундай қилиб, хотин-қизларнинг бирортасини: яхши мутахассис бўлса ҳам, жилла қуриса машинисткалик қиламан, пазанда бўламан, деганларини ҳам рўйхатга киритмади. Йигитларни эса, аризаларидаги оташин сўзларга, фидойи бўлиб, жонбозлик билан ишлаши ҳақидаги ваъдаларига қараб эмас, ўзининг шахсий ишончига суяниб саралади: «Буниси бўлмайди. Ичади. Буниси-чи? Ўзи яхши мутахассис, лекин шилқимроқ. Аёлларни кўрса бир тош наридан эгилади. Бу-чи? Совуққа чидармикин? Чидайди. Қарши совуғини еган, Янгирер шамолида чиниққан...»

Ҳамма иш ҳал бўлганда Қудратовнинг кичик қайниси, колоннага биринчи бўлиб ёзилган Набижон келди-да, зарбдор десант рўйхатида ўзининг номи йўқлигини билиб, жанжал бошлади.

— Мирзачўлни бошдан-оёқ грузовикда кезиб чиққанман, ҳар бир қарич қўриқда баллонларимнинг изи қолган. Уша ёқларда ҳам энг керак одамман!..

Қудратовнинг баҳона кўрсатишдан бўлак иложи йўқ эди.

— Жиззахга ҳам одам керак-да! Ундан кейин Дилафруз опанг туғуруқхонада ётибди.

Набижон эса, ўзиникини маъқулларди.

— Менсиз Жиззах ҳувиллаб қолармиди?! Жиззахда шундай устунлар борки, Жиззах чўлинигина эмас, бутун Ўрта Осиё чўлларини бир елкасида кўтара олади.

— Келаси эшелонни кут, Набижон, бу гал самолётда ҳам ўрин йўқ.

— Самолёт бўлса думига, поезд бўлса дўнгалагига осилиб ҳам бо-
раман, ўзингиз биласиз-ку, мени Набижон қайсар дейдилар!

Қудратовнинг вақти зиқ эди. Десант тўплангунча у яна туғуруқ-
хонага бориши, Дилафруздан хабар олиши ва, энг муҳими, уни таниш
врачу ҳамшираларга тайинлаб кетиши керак эди. Набижонга қисқа
қилиб «бормайсан!» деди-да, кетаверди.

Туғуруқхонада Дилафрузнинг кўзи тўрт эди. Эрининг қаёққадир
кетаётганини орқаворатдан эшитгану тафсилотини билмасди. Ниҳоят,
Қудратовнинг ўзи туғуруқхонага келди, аммо «карантин» эълон қилин-
гани сабабли уни ичкарига киритмадилар. Эр-хотин навбатчилар ор-
қалигина гаплашдилар, холос. Қудратов икки энлик хат киритиб юбор-
ди! «Муҳим тошшириқ билан кетяпман. Сиздан укаларингиз, болалар
хабар олиб турадилар. Омон-эсон кўзингиз ёриб, уйга боринг! Кўриш-
гунча хайр».

Биринчи десант отряди тузилаётгани ва уни кимсан Қудратов са-
ралаётганини эшитган ҳар бир талабгор «борганга яраша энг бирин-
чи бўлиб бориш керак-да» дерди. Бунақа иштиёқ айниқса Гуландомда
кучли эди. У биринчи десант орасида битта ҳам хотин-қиз йўқлигини
эшитгач, «аёлларни камситаётган Қудратов билан» шахсан ўзи гап-
лашмоқчи бўлиб, унинг уйига борди: Дилафруз Ҳакимовнани ҳам ёр-
дамга чақирмоқчи бўлди. Бахтга қарши Дилафруз Ҳакимовнани ка-
салхонада дейишди. Қудратов ҳали ишдан қайтмаганди, кутди. Охири
уни йўлакда учратди.

— Ҳали ҳам бизларни чордевор бекалари, деб ўйлайсизми, ўртоқ
Қудратов!— деди у дафъатан.— Нега мени рўйхатга қўшмадингиз?!

Қудратов бу қизни яхши танирди. У айтганидан тоймайдиган чўрт-
кесар қиз бўлиб, қурувчилар орасида ном чиқарган сувоқчи эди. Унга
ётиги билан муомала қилиши кераклигини яхши биларди.

— Битта сиз эмас, бошқа қизлар ҳам бор. Орқамиздан борасиз-
лар,— деди Қудратов табассум билан.— У ёққа ҳали жуда кўп одам
керак.

— Йўқ, мен эргашиб бормайман. Биринчилар сафида бўламан!
Гуландом сўзида қатъий эди.

— Иложи йўқ,— деди-да, Қудратов йўлида давом этди.— Новго-
родга бора қолинг, у ёққа ҳам одам керак.

— Иложини ўзим топсам майлими?— деди қиз унинг йўлини тў-
сиб.

— Майли,— деди у аста.

— Бўпти!— деди-ю Гуландом орқасига қайтди.

— Мунча ошиқасанлар,— деди Қудратов унинг кетидан.— У ерда
ҳеч ким ҳолва улашаётгани йўқ. Биринчи эшелонни одам оёғи етмаган
ерлар, тизза бўйи қор, қаттиқ совуқ, оғир машаққат, жиддий синов
куत्याпти.

Тезлаб кетаётган Гуландом йўл-йўлакай жавоб қилди:

— Майлига... Ҳаммасига майли!.. Манга ўшаниси қизиқ-да!

Қудратов ўз айтганини қилиб, Набижонни ҳам, Гуландомни ҳам
автобусга чиқармади. Эшикни ёпиб олиб, ўтирган одамларни қайта-қай-
та санади.

Ҳаммаси ўз жойида эди.

Десантчилар «Икарус»ни бошларига кўтариб, ашула айтиб, шовқин-
сурон билан Тошкент аэропортига кириб келдилар. Уларни аэропорт
майдонида махсус шайланган «АН-24» самолёти кутарди. Майдонда
беқасам тўнли карнайчилар, қизил камзулли ногорачилар, чуст дўппи
кийган сурнайчилар пайдо бўлдилар. Улар карнайларини варанглатиб,

сурнайларини чийиллатиб, дўмбираларини гумбирлатиб юбордилар. Йиғилди одам — йиғилди одам!.. Шу пайт бир йигит оломон орасидан сирғалиб чиқиб, десантчилар тўдасига қўшилиб олди. Даврада шивир-шивир бошланди.

— Набижон-ку! — деди кимдир.

— Айтганини қиладиганидан бу Набижон, — деди олдинги сафда турган Бойбеков.

Кутилмаганда жимлик чўкди. Бир неча салобатли кишилар қуршовида Розиков пайдо бўлди.

Десантчилар ҳарбийлардай сафлана бошладилар. Набижон, бўйи баландлигидан фойдаланиб, сафнинг энг бошига туриб олди. Қудратов уни четлатиб улгурмаган эди ҳамки, кузатгани келган одамлар «Хайр-хўш» маросимини олдинги сафда турган Набижондан бошладилар. Қудратов унга ҳеч нарса деёлмай қолди, аммо зарда билан «ҳап саними?!» дегандай жағини силаб қўйди.

Розиков десантчилар билан бирма-бир қўл олишиб хайрлашди-да, уларга оқ йўл тилади:

— Сизлар жуда қийин, аммо фахрли ишга отландиларингиз. Ҳар қандай қийинчиликларни мардонавор енгиб, янги қўриқда ҳам катта жасорат кўрсатишларингизга ишончим комил. Сизлар учун республика бюджетидан маблағ ва энг замонавий техника воситалари ажратилди. Ҳар бирингиз ишлаб чиқаришда, қўриқ ерларни ўзлаштиришда бой тажриба орттирган ажойиб мутахассис эканликларингизни ишда, амалда кўрсатиб, қардошлар даврасида интернационал бурчингизни шараф билан адо этишларингизга бизда ҳеч бир шак-шубҳа йўқ!

Оқ йўл, сизларга!!!

«Оқ йўл!» дея кузатувчилар қарсак чалдилар.

Тантанали кузатув маросими авжига чиқиб, карнай, сурнай садолари баландроқ янграб, ноғоралар гумбири зўрайгандан зўрайиб турган чоғда самолётга ҳаммадан олдин Набижон чиқиб олди-да, пастдаги одамларга икки қўли кўксида қўлиқ қилди.

Ҳамма самолётга жойлашиб бўлгач, зина олинаётган, аэропорт радиоси карнайида «махсус рейсли самолётда пассажирлар чиқариш тўхтатилди» деган овоз янграб турган чоғда кузатувчилар орасида Гуландом пайдо бўлди. Унинг бир қўлида катак ғилофли чамадон, иккинчи қўлида қандайдир қоғозни баланд кўтарганича овозининг борича қичқирарди:

— Тўхтатинглар! Тўхтатинглар! Мен ҳам бораман. Мана путевка! Комсомол Марказий Комитетидан путевка бу!..

Унинг сўзлари мотор овозига қоришиб кетди. Уни ҳеч ким эшитмади.

III

Гуландом тик турганча узоқ жим қолди. Кейин бўшашиб «Справка бюроси» деган ёзув ёниб-ўчиб турган жойга борди, қатор турган одамларни қиялаб ойнабанд дарчага мўралади-да, Ивановога яна қаочон самолёт учишини сўради. Қатордаги одамларнинг шовқини ва аэровокзалдаги доимий ғала-ғовурдан ходиманинг нима деганини ҳам англамади. Нима қилсин?! У ойнабанд дарчага такрор яқинлашган чоғида қатордаги одамлардан бири унинг елкасидан тортди-да, «Кармисан?» деди ажабланиб қараркан, иккинчи киши «Ивановога самолёт йўқ эмиш» деб қўшимча қилди.

Гуландом тарвузи қўлтиғидан тушгандай бўлиб чамадонига боқди. Кейин «камера хранение»га қараб кетди. Қўли бўшаб, юкдан халос

бўлган Гуландом ўзини қушдек енгил сезди-да, керакли жойларга учиб боргиси, «мени ташлаб кетдилар» деб арз қилгиси келдию ўйланиб қолди. «Ўзингдан кўр, лапашанг қиз, Гуландом!» демайдиларми? Дейишлари турган гап!» Шундай мулоҳазалардан кейин у кутиш залининг курсиларидан бўшига ўтириб хаёлга чўмди. Хаёл уни бир зумда қаёқларга олиб бориб, олиб келмади. Шу онда унинг кўз олдидан не-не кўрган-кечирганлари тизилиб ўтмади.

Гуландом жиззахлик бўлиб, тоғ бағрида жойлашган кичик бир қишлоқда қурувчилар оиласида туғилди. Отаси уста дурадгорлардан эди. Қишлоқдагилар, э-ҳе, уйларнинг пойдеворидан тортиб томию тўсини, вассаларигача у кишининг қўли тегмаган жой йўқ, деб гапириб юришарди. Бу гапларни эшитган Гуландом ич-ичидан қувонарди.

Фарзандлар ҳам ота изидан бордилар. Каттаси Элбой фишт терувчиликда бутун областга таниқли одам. Кичик акалари Сафо, Боқи ва Тоҳиржонлар Гуландомдан олдинроқ бу мақсадга эришиб, яхши қурувчи бўлиб етишдилар. От босган изни той ҳам босаркан. Гуландом сувоқчилик ҳуңарини пухта эгаллаб, Мирзачўл қурувчилари қаторига қўшилди. Бунгача ҳам аввал Сирдарё қурилиш техникумида ўқиди, техник гувоҳномаси билан Янгиерга келиб малака оширди.

Набижон деган ўт-олов шофер билан у ана ўшанда танишганди.

Шаҳар ўртасида, икки чети сердарахт кўчанинг марказидаги «Хурмат тахтаси»да уларнинг сурати ёнма-ён турарди. Суратдан чўзиқ юзли, жингала сочли хушбичим йигит унга қараб тургандек эди. «Балки, суратда шундай ёқимтой кўринаётгандир, ҳаётда қандай экан?»... Қиз унга қизиқиб қолди. Гуландом шу хаёлда юрар экан, тасодифан бир куни иш жойига Набижоннинг ўзи келиб қолди.

Гуландом маданият саройи қурилишида уч-тўрт қиз билан биргалашиб ташқи деворни сувоқ қилмоқда эди. Айни қорیشма етишмай турган паллада ағдарма машина келиб тўхтади. Унинг шофери кабинадан бошини чиқариб, табассум қилди.

— Ҳой, яхши қиз, қорیشма керакми?

— Жуда керак!— деди иш билан овора бўлган қиз унинг юзига қарамай.

— Буюринг, қаерга тўкай?

У «Хурмат тахтаси»даги кўзлари қуралай йигит эди. Дафъатан қиз унга тик боқа олмади. Бир оздан кейин эса зимдан қараб қўйди-ю, бирор гап айтишга сўз тополмади. Набижон керакли жойга қорیشма ни ағдариб жўнаб кетаверди. Аммо Гуландомнинг бағрига умрбод бевозталиқ ташлаб кетди.

Ўшандан бери Гуландом уни кўрмаса туролмасди, кўришганда эса, бирор сўз айтолмасди. Бу жиҳатдан замонавий қизларга ўхшамаслигидан ўзи ҳам норози бўлиб, неча марта ўзини ўзи койиб ҳам юрди.

Шу орада Жиззах области тузилиб Набижон ишлаётган ерлар янги областга қўшилиб кетди. Область ажралди-ю, уларнинг йўли ҳам айри тушди.

Сағизтупроқ ерларда ишлаш учун кўнгилли колонна тузилаётган кезларда эса, Набижон қатори у ҳам ариза бериб, биринчи колонна рўйхатига қўшилди. Гуландом Набижон билан бирга учиб кетолмаганидан беҳад ачинган бўлса ҳам у билан ўша узоқ ерларда учрашиш, у билан бирга ишлаш умидида яшади, тинмай ўйлади. «Нима қилсам экан? Бирор йўл топайки, Қудратов орқамга қайтариб юбормасин... Ҳа, Дилафруз Ҳақимовнадан хуш хабар олиб борилса Қудратов учун энг-яхши совға!» деган қарорга келди-да, Гуландом туғуруқхонага борди. У йўлиққан навбатчи доя эътиборсизлик билан «кутиб тулинг» деб кетаверди. Гуландом учун ҳар дақиқа йилдай узоқ ўтаётгандай эди. Анча вақтдан сўнг бояги доя пайдо бўлди-да:

- Беморнинг кими бўласиз?— деб сўради.
- Синглиси бўламан,— деди Гуландом ўйлаб ўтирмай.
- Ундай бўлса ростини айта қоламан. Опангизнинг аҳволи оғир.

Кесерово қилишяпти...

Гуландом бу тиббий атамани биринчи марта эшитиши эди.

— Бу нимаси?

— Операция йўли билан болани қабул қилишяпти.

— Вой ўлмасам!..

— Поччангиз қаердалар?

— Узоқда. Чақиртирайми?

— Узоқда бўлса овора қилманг.

Гуландом бош врачга йўлиқиб, беморга қараб туришга рухсат олди. Операциядан кейин Гуландом беҳол, алаҳлаб ётган Дилафрузнинг бошида турди. Бемор ҳушига келганда эса, унга вафодори Қудратов акасидан салом айтиб, унинг кўнглини кўтарди.

Орадан уч-тўрт кун ўтгач Дилафруздан ўзи ва чақалоқ ҳақида икки энлик мактуб ёздириб олган Гуландом Иваново йўлига отланди. Уни кузатаркан, Дилафруз хаста овозда аста деди:

— Бўлган воқеани отасига айта кўрманг. Узоқдаги одам... ташвиш тортмасин... Ўғлига қандай ном қўйишни ёзиб юборса бас... Қиз туғилса номини ўзим танлаб қўювдим. Ўғил туғилди...

Иккинчи боб

I

Десантчилар қатор тизилиб самолёт зинасидан пастга туша бошладилар. Гувиллаган бўруну қадам босилишидан қорнинг гарч-ғурчи эшитилди.

— Йигитлар, уни қаранглар, бизни қуршаб оляптилар,— деди Набижон ҳазиломуз самолёт томон келаётган одамларни кўрсатиб.

— Масхарабозликни бас қил, Набижон!— деди Бойбеков унга ўқрайиб.— Йўқса Қудратов сени шу самолётнинг ўзида орқанга қайтариб юборади.

Набижон одамларни яна кулдириш ниятида эди, оркестр садолари янграб қолди. Шу он елкаларига кашта тикилган, попуклиж рус сочиқларини ташлаган қизлар икки қўллаб Қаравай деб аталмиш оппоқ бўрсилдоқ нон, туз кўтариб келдилар-да, аввал Қудратовга, сўнг-ра десантчиларга тутдилар.

Қучоқлашиб, ўпишиб сўрашиш бошланди. Уларнинг ичида ёш-ёш аёллар, қизлар ҳам кўп эди. Набижон уларга қараб нимадир демоқчи эди, Бойбеков уни тирсаги билан аста туртиб қўйди:

— Жим тур, буларнинг Розикови гапиряпти!

Майдон ўртасидаги микрофони кўргач, Набижон жим бўлди. Проекторлар ёруғида шаҳар раҳбарлари саф бўлиб турарди, микрофон олдида гапирётган одам эса, кўзга таниш эди. Бу баланд бўйли, тўлин юзли, салмоқ билан сўзларни чертиб айтаётган истараси иссиқ одамни Набижон қаерда кўрган экан? Ҳа, айтмоқчи, уни Ўзбекистон газеталарида босилиб чиққан фотосуратларидан билади. Унинг нутқларини радиода эшитган. Бу киши ўзбеклар билан тез-тез борди-келди қилиб турадиган Иваново обкомининг биринчи секретари Кудимов эди.

Минбарга ундан кейин чиққан чечан аёл ҳам унга таниш. Адашмаса, фамилияси Виноградова. Умумиттифоқ аҳамиятига эга бўлган мусобақанинг ташкилотчиларидан бири. Мана буниси ҳам илиқ кўрин-

япти кўзига... Рогозинами, Жениховами? Уша: Рогозина. Султонова билан борди-келди қиларди.

Иваново-Тошкент меҳнаткашларининг анъанага айланган ҳамкорлигини Қудратов юксак одамийлик хислатлар бирлиги деб атади. Унинг назарига ҳозирги кутиб олиш таътанаси шу бирликнинг яққол намоёниши эди.

— Биз ўзбеклар Ивановога халқларимиз ҳамкорлигининг янги варағини очгани келдик,— деди Қудратов жавоб нутқида.— Биз Россия қўриқ очувчиларига кўмакка, яъни ўзбекча қилиб айтганда, ҳашарга келдик...

II

Эртасига эрталаб Кудимов Ўзбекистонлик ҳашарчилар жойлашган меҳмонхонага келди. Меҳмонхона жимжит эди. Йўлда чарчаб келишган бўлса ухлаб ётишгандир, деган хаёлда турган эди навбатчи аёл келиб қолди.

— Хизмат?

— Дўстларимизни уйғотинг, демоқчи эдим.

— Улар жуда эрта уйғонишган. Соат тўрт бўлмай кўчага чиқиб олишди.

Кудимов мийғида кулиб қўйди.

— Нонушта ҳам қилишмадимми?

— Буфет ҳали очилмаган эди-да. Аммо ёпилган ноңлари бор экан, буфет залида ўтириб узум, олма билан еб олишди. Ноңлари биррам ширин экан, қўярда қўймай мени ҳам меҳмон қилишди. Бошлиқлари, ўртоқ Қудратов, битта ноң, яна бир бўлак колбаса ҳам бериб кетди. «Ўзбекнинг қазиси бу» деди. Жуда ҳам мазали экан.

Кудимов уларни излаб топиш учун йўлга тушаркан, деди:

— Жойларини бировга бериб юборманг, ўзларига уй қуриб олгунларича шу ерда турадилар.



Қудратов меҳмонхона йўлагигадаги шов-шувдан уйғониб кетгач, шунча кўз юмса ҳам қайта ухлай олмади. Ҳали вақт эрта эди. Хонасидан ташқарига чиқаркан, йўлакда Набижонни учратди.

— Нега ухламаяпсан?

— Бир мен эмас, ҳамма уйғоқ. Пастда туришипти.

— Нега?

— Соат етти бўлди.

— Соатларни Россия вақтига тўғрилаб олиш керак экан-да. Унутибман. Ҳа, яхши. Ҳозир мен ҳам пастга тушаман.

Йигитлар буфет эшиги олдида турардилар. Буфетнинг очилишига ҳали уч соат вақт бор. Набижон навбатчи аёлдан илтимос қилиб, буфет залининг калитини олди, эшигини шарақлатиб очди, ичкарига кириб, чироқларни ёқди.

— Кутиб ўтираимизми, боримизни баҳам кўра қолайлик. Қани, кимнинг нимаси бор, ўртага қўйсин!

Албатта ҳар кимнинг ўзига яраша йўл озуқаси бор эди. Бойбеков иккита ёғлиқ патир узатди.

— Борига барака, Набижон, етганча улашиб бер.

— Ҳамма борини столга қўйсин. Бурунгилар сафарда бир майизни қирққа бўлиб ер эканлар. Менда қўл бола қазни бор. Бойбеков, хасислик эви билан-да, ҳўв, чамадондаги халтачада нима бор? Менимча узум. Ёғлиқ патирни узум билан еганга не етсин! Узумни ҳам олиб ке, дўстим!

Шундай қилиб ҳаш-паш дегунча буфет столлари ноз-неъматга тўлди.

— Афсуски, термосда чой ола келмапмиз,— деди Набижон.— Ҳеч-қиси йўқ, чойни кундузи қайнатиб бераман!

Нонуштадан кейин Қудратов ўз йигитларини бўлажак штаб биносига бошлади. Бу ерга у кечаёқ келиб кетганди. «Қадимги ва тарихий бино», деганди уни Қудратовга кўрсатган шаҳар Совети вакили.

Бу иморат Ленин номли проспектининг этагида, юз йиллик дарахтлар бағрида эди. Меҳмонхонадан анча узоқ бўлса-да, Қудратов йигитларни у ерга пиёда бошлади. Йигитлар ҳам шуни истар эдилар. Чунки, кеча аэропортдан шаҳарга автобусда келдилар. Автобус ойналарини муз қоплагани сабабли шаҳарни кўриш қийин бўлди. Нотаниш жойларни пиёда кезганга не етсин!

Шундай қилиб, субҳидам чоғи иш жойига боргунча улар йўлнинг икки томонидан кўзларини узолмадилар. Кўчаларнинг чироқлари ёниқ. Тўхтаб-тўхтаб ёзувларга, полотноларга кўз ташлайдилар. «Иваново — биринчи Советларнинг бешиги!» Ҳа, беихтиёр Иваново-Вознесенск ишчиларининг инқилобимиз илк баҳоридаги жасоратларини, биринчи қизил гвардиячилар, биринчи Советлар, дастлабки бахт қалдирғочларини эслайди киши. Қудратов таъбири билан айтганда, бу ерда «ҳар бир уйнинг ўзи бир тарих» эди.

— Ие, ие, мана бунга қаранглар, Михаил Васильевич шу ерда ҳам ишлаган экан!— деди десантчиларнинг бири.

— Михаил Васильевичнинг ким?

— Вой оми одам-ей, шуни ҳам билмайсанми, Туркистонда Совет ҳукуматини ўрнатганлардан бири, Фрунзе-ку!

— Экскурсия якшанба кунга бўлади, бугун ишга!— деди Бойбеков.

Десантчилар йўлида давом этди.

— Ўзбек мелиораторлари штаби шу ерга жойлашади. Вақтинча мана шу уйда яшаймиз,— деди Қудратов эски, тошдан қурилган иморат қаршисида тўхтаб.

Десантчилар бир-бировлари билан кўз уриштириб олдилар.

Бойбеков ийманиброқ бўлса-да, луқма ташлади:

— Бугунги ётоғимиз ёмон эмас-ку. Иссиққина экан.

— О-ҳо, ўшандай кошона меҳмонхонада яшашга червонинг етади-ми?!— Набижон эски ҳазилкашига пичинг қилди.

— Меҳмонхонада туновдикми, мен ўзимизга берилган ётоқхона, депман.

— Ёзувини ўқимовдингми: «Интурист». Биринчи класс интуристда «лорд Бивербрюк» бўлиб хуррак отдинг-ку!

Қудратов уларга кулимсираб қаради-да, деди:

— Набижон тўғри айтади. Биз бу ерда иссиқ жойда ётадиган турист эмасмиз, ҳашарчимиз.

— Ҳеч ким иссиқ жой, саккиз қават кўрпа талаб қилаётгани йўқ,— деди Бойбеков.— Шу жойда турадиган бўлсак, буюринг, нимадан бошлайлик?

Қудратов ҳашарчиларни уч гуруҳга бўлди-да, ҳар бирига аниқ ва тифиз вазифа берди. Набижон бино ташқарисини тозаловчилар гуруҳида эди. У ўз айтганини қилиб, синиқ яшиқлар борми, хас-хашак борми йиғиб келиб гулхан ёқди.

Шу пайт қора «Волга» гулхандан сал нарида тўхтади, кабинасидан чиққан пўстинли одам тўппа-тўғри уй тозалаётган йигитлар олди-га борди. У ҳамма билан саломлашгач, Қудратовнинг қўлини маҳкам қисиб, табассум билан деди:

— Соатингизни Иваново курантига тўғрилаб олинг, ўртоқ Қудратов. Бу ерда тонгги иш бошланишига ҳали эллик тўққиз минут бор.

— Йигитларимиз қуёшдан аввал уйғониб, эрта тонгда иш бошлаш-на ўрганиб қолишган. Тонгги иш унумли бўлади, дейдилар.

Кудимов бундан мамнун эди.

— Бу одатларингизга қойилман!— деди Кудимов қувноқ оҳангда.— Лекин бир ишингизга тушунмадим, нега кўчларингизни кўтариб келдиларингиз? Тайин қилган жой ёқмадимми?

— Сира ундай эмас!— деди Қудратов қатъий оҳангда.— Сайёҳ эмасмиз-да. Йигитларимиз бундай шоҳона шароитга ўрганмаган. Бизни эркалатиб юборманглар. Штаб битмагунча бу ердан жилмаймиз, деб аҳд қилдик. Орқамиздан катта кучлар келяпти.

Кудимов кулимсираб, деди:

— Ҳали шунақа, денг. Сизларни бекорга биринчи десант демаган эканлар-да. Ишғол қилган жойимизда мустақкам турамиз, денг?

— Шундай.

— Кеча ўртоқ Розиков қўнғироқ қилганди. Йигитларнинг сарасини юборяпман, деганди. Айтганича бор экан. Майли, сизнингча бўлсин. Ишларингизга ҳалақит бермайман. Аммо унутманглар, нимаики хизмат бўлса, айтинглар, ижросига тайёрман!

Кудимов астойдил ишлаётган йигитлар билан бирма-бир хайр-хўш-лашиб бинодак чиқаркан, Қудратовга меҳрибон боқди-да, ийманиброқ бўлса-да, сўради:

— Кеча ҳашарга келдик дедингиз. Бугун ҳам шу ҳашар сўзини такрорладингиз. Ҳашар нима?

— Ҳашар — халқ анъанаси. Дўстнинг мушқулини кўплашиб енгил қилиш, дейми...

— Россиядаги ўзаро ёрдамга ўхшаган иш экан-да?..

— Уни бизда алғов дейдилар. Ҳашар жуда чуқур, кенг маънодаги инсоний муносабат.

— Юринг, тинчроқ жойда бафуржа гаплашайлик, — деди Кудимов.

Икковлари олдинма-кетин бинодан чиқдилар-да, гулхан олдига келиб Набижон йиғиб қўйган тўнкаларга ёнма-ён ўтириб олдилар. Гулхан олдидаги титанда чой қайнамоқда эди. Набижон бир чойнак чой дамлаб келди, кейин бир дона патирда туршак, озгина қора майиз келтириб, тўнканинг тоза жойини енги билан артди-да, устига қўйди.

— Олинглар.

— Қани, қани ўша ҳашарни гапириб беринг менга, — деди Кудимов чой ҳўплаб.— Ўзбек халқининг яхши анъаналари кўп, деб эшитганман. Ҳашар ҳам ўша яхши анъаналарнинг энг яхшиларидан бири бўлса керакки, бу сўз Россия ерларига ҳам етиб келди.

— Ҳашар янгилик эмас, — деди Қудратов.— У минг йиллардан буён халқ билан бирга.

Кудимов бир жуфт майизни оғзига солиб, устидан чой ҳўлади-да:

— Мана шуниси жуда муҳим...— деди Қудратовга табассум билан.

— Ҳашар — халқ ижоди. У одамлар онгининг ўсишида, уларни коллективизм руҳида тарбиялашда, ҳамкорликка ўргатишда асосий омил.

— Демак, ҳашар меҳнаткашларни яхши, ёмон кунларда ҳамжиҳат қилган?

— Худди шундай.

Набижон бир кучоқ ўтин олиб келди-да, олов устига тера бошлади. Қудратов ҳикоясида давом этди.

— Бобомнинг уйини ҳашар билан қуришганди. Қишлоқда мен ўқи-ган мактабни ҳам ҳашарчилар қурган. Ҳашар нима? Бу саволга ҳар ким ҳар хил жавоб беради. Набижоннинг отаси шундай дейди:— Ҳашар — Катта Фарғона канали!..

— Катта Фарғона канали ҳам ҳашар билан қурилган эди шекил-

ли? Уша кезларда матбуотда кўп ёзилган эди. Энди эслаяпман. Коммунистик меҳнат намунаси, деб ёзишган эди.

— Ҳа. Уша вақтда республика оқсоқоллари Усмон Юсупов билан Йўлдош Охунбобоев бири шаҳарда: «Ёппасига ҳашарга!» деса, бири қишлоқларда «Ҳамма ҳашарга-а!» деб даъват этди. Ҳашар сўзини эшитган борки, қўлига кетмон, чўкич олди. Йиғилди одам, йиғилди одам! Икки юзу эллик километр масофада кеча-кундуз тиним бўлмади. Фронт орқасида меҳнат fronti очилганди. Тез кунда каналдан оби-ҳаёт оқди. Техника қаёқда! Кетмон, белкурақ, замбил — ҳамма иш қўлда қилинди. Одамлар бепул, беминнат ишладилар. Ана ҳашарнинг кучи!

Қудратов гулханга ўтин ташлаб, уни ловуллашиб юборгач, сўзида давом этди:

— Тошкент зилзиласи вайроналарини ҳам ҳашар йўли билан тикладик. Бутун мамлакатдан ҳашарчи ишлади. Умуман, ҳашар беминнат, холисона, жон-дилдан қилинадиган самимий меҳнат!

— Буни йигитларингизнинг жонбозлигидан ҳам кўриб турибман, — деди Қудимов унинг сўзларини маъқуллаб.

Қудратов Розиковнинг Тошкентда уларни кузатаётиб айтган гапларини эслаб, бу ерларда ҳам катта ҳашар, халқ ҳашари бошланишини қувониб гапирди. Сухбат қизиқарли, мароқли бўлгани учун вақтининг ўтиши ҳам сезилмасди. Қудимов соатига қараб, кетишга шошилди, иши зарур эди. У жўнаб кетаётиб жонбозлик билан ишлаётган ҳашарчи йигитларга ҳавас билан разм ташлади-да, чин кўнглидан шундай деди:

— Ҳа, чинакамига тоғни талқон қиладиган йигитлар экан. Бу ерлар ҳам бўстонга айланишига ишонаман!

Қудимов машинаси томон бораётиб, Қудратовдан сўради:

— Овқатни кечаси тунаган жойда қиласизларми? Меҳмонхона ресторанида сизларни кутадилар.

— Ҳашарчининг ўз таоми ўзи билан бўлади, — деди Қудратов. — Овора бўлишмасин. Бугунча эплаймиз, эртадан ўзимиз қозон осамиз. Масаллиқларни ҳам ўзимиз билан олиб келганмиз.

III

Тушга яқин Қудратов совуқдан уюшган қўлларини гулханда иситгани келди-да, Набижонни ўз олдига чақириб:

— Бу ишнинг яхши бўлди... Энди яна битта иш қил, — деди.

— Жоним билан. Нима қилай? — қўл қовуштирди Набижон.

— Шундай кўчага чиқиб, ўнгга бурилсанг темир йўлчилар ошхонаси кўринадди. Ўттиз бир кишилиқ тушки таом буюриб кел. Ўттиз бир кишига жой ҳам тайёрлагач, менга хабар бер.

Ҳаял ўтмай Набижон малларанг «Волга» миниб келди-да, уни гулхан олдида тўхтатиб, устма-уст сигнал берди. Десантчилар қоринлари очганини ҳам билмай ишламоқда эдилар, яна бирор маҳаллий раҳбар келгандир, дебми, улар сигналга парво қилмадилар. Қудратов эса, Набижоннинг чаққонлигига қойил қолиб, қарсақ чалиб юборди. Набижон машинадан икки флягада овқат-у идиш-товоқларни тушириб, десантчиларни чақирди:

— Десант! О-бе-дд!.. Ҳа, мунча имиллашасан, машина кутиб қолди.

— Такси пулини ҳам биздан олмоқчимисан? — деди Бойбеков гулханга яқинлашаркан.

— Бўлмасам-чи, тайёр ошга баковул бўлмоқчимидинг! — деди Набижон ҳазиллашиб.

— Бойбеков тўғри айтади,— деди ичкаридан чиққан Қудратов.— Сенга таксида обед келтир демовдим-ку!

— Қўрнамаклик қилишмасин. Бу ер Тошкент эмаски, кўчага чиқишинг билан ёғлиқ палов, иссиқ сомса, кабоб тайёр турса!— Набижон Қудратовнинг қулоғига шивирлади:— Буни Қудимов обкомнинг ошхонасидан юборибди. Машина ҳам ўшаларники.

Қудратов бу илтифотдан мамнун бўлди, обком шоферига раҳмат айтди. Кейин Набижонга буюрди:

— Таомни тезроқ тортмайсанми, музлаб қолади!

Набижон карам шўрва, бир жуфтдан котлет улашди. Кейин бўшаган идишларни қайнаб турган титан сувида пешма-пеш ювиб, қошиқ, вилкаларни артиб-тозалаб термослар билан бирга обком машинасига юклади.

— Ошпазларга раҳмат айтиб қўйинг,— деди у обком шоферига.— Эртага овора бўлиб таом ташиб юрманглар, эрталабдан ўзимиз қозон осамиз.

Тушлик овқатдан кейин Қудратов бино ташқарисида ишлаётган йигитларни қаёққадир тахта омборига бошлаб борди-да, ажратиб қўйилган тахталарни ташиб келишни буюрди.

— Эшелонимиз етиб келгунча қарз олдик,— деди Қудратов ўз йигитларига.

Тахта кўтариб келаётганлар орасида Набижон ҳам бор эди. Унинг елкасидаги тахталар гоҳ олдинга, гоҳ орқага оғар, Набижон галдирангларди. Буни кўрган Бойбеков тегажаклик қилди:

— Тахта ташишга такси топилмадими, пиёда буксавать қиялсан?..

Набижон чарчаганиданми, жаҳли чиққаниданми, унга жавоб қилмади. Унинг хаёлини бошқа бир фикр банд этган эди.

Иккинчи қатнов пайтида Набижон тўсатдан ғойиб бўлди. Шериклари «чидамади» деб ўйладилар. Набижон ўз билганидан қайтмайдиганлардан. Бойбеков айтгандай «такси» қидирарди. Боя тахтага келатганларида омбор дарвозасидан анча нарида сарғиш рангли «Краз» турганди. Набижон «Тахтага келганларники...» деган хаёлда ўтаверганди. Иккинчи бор келганларида машинанинг олдига борди. Кабинадан хуррак эшитиларди.

— Биродар, ухлаб қолибсиз-ку! Иш нима бўлди?— сўради Набижон шоферни туртиб.

Шофер уйқу аралаш гўлдиради:

— Бугун иш тамом. Тахтага келувдим. Эртага дейишяпти.

— Ундай бўлса жуда соз. Эртагача бўш экансиз. Менга кўмаклашиб юбормайсизми, а?

— Бўлмайди.

— Нега, а, биродар?

— Чарчаганман.

— Мен ҳам шоферман. Сиз ёнимда ўтирсангиз, бас, рулни ўзим бошқараман. Албатта бекорга эмас, кейин хурсанд бўласиз.

«Краз» шофери кўзини очди. Унга тикилиб туриб сўради:

— Кимсиз?

— Набижонман. Сиз мени кейин танийсиз. Мен ҳам шоферман. Катта йўлда ҳали жуда кўп учрашамиз. Кейин хурсанд бўласиз.

— Нима, машинангиз қорга ботиб қолдимми?

— Йўқ. Озгина тахта... Масофаси яқин.

Набижон омбор дарвозасига «Краз» ҳайдаб бораётганида унинг шериклари узун-қисқа бўлиб ичкаридан тахта кўтариб чиқмоқда эдилар.

— Қани, тахталарни машинага юкланглар!— деди у шерикларига команда бериб.

Машина ишга бошлади... Набижоннинг тили бурро эди.

— Ҳей, прораб ўртоқ Бойбеков, дурадгорлик материалларини қабул қилиб ол! «Краз» ҳақини бермасанг ҳам майлига. Аммо тилхат ёзишни унутма!

Шофер гулхан чўғида оёқ-қўлларини иситиб ўтирди. Бойбеков унинг ёнига келиб, нотаниш шофердан ийманиброқ сўради:

— Қанча ҳақ берди? Ёки ҳали берганича йўқми?

— Бошқа одамлар бўлса олардим. Сизлардан ҳақ олмайман,— деди шофер қатъий қилиб.

— Нега?

— Набижон шофер экан. Шофер шофернинг кунига яраши керак...

Секин-аста ҳамма гулхан атрофига жам келди. Иссиқнинг ҳароратиданми, чарчоқликданми, ҳамма кўз сузиб, жим ўтирарди. Қимнинг нима ҳақда ўйлаётгани номаълум. Аммо Қудратов узоқда қолган болачақаси, айниқса, туғуруқхонага кетаётиб «Шу сафаргисидан ташвиш-даман...» деб қолган Дилафруз ҳақида ўйларди.

Учинчи боб

I

Гуландом Тошкент — Москва самолёти билан Москвага келгач, Ивановога поездда келди. Тонг вақти эди. Оппоқ қор кўзни қамаштиради. У қаерга боришини билмай бир оз аланглаб турди-да, кейин одамлар оқимига қўшилиб вокзал майдонига чиқди. Ана қору мана қор. Қорақўл телпаги, ҳатто қош-киприкларигача оппоқ...

— Сағизтупроқ қаерда?— сўради Гуландом йўловчиларнинг биридан. Йўловчи унинг саволига тушунмади:

— Нима деяпсиз?

Нотўғри савол берганидан Гуландомнинг ўзи уялиб қолди. Йўловчи бир оз юргач, орқасига қайтиб келди-да, соябонини бошидан олиб, қорини дувиллатиб қоқди.

— Балки сиз, меҳмон мелиораторларни сўраётгандирсиз. Шундай бўлса тўғрига бориб, ўнгга бурилиг, сўнгра чапга.

Гуландом йўлга тушди. Қор унинг оёғи остида ғарчилларди. Йўл-йўлакай яна аллакимлардан сўраб-истаб кечки пайт биринчи десантчилар жойлашган бйнога етиб келди. Бу бино на идорага ва на одам яшайдиган жойга ўхшарди. Агар мўрисидан тутун чиқмаса, Гуландом бу уйга эътибор ҳам қилмасди. Кўзи «Ивановоузбекирсовхозстрой»трести деган ёзувга тушди. Яна деворларда ҳар хил бўёқлар билан ёзилган ёзувлар: «Набижон... Бойбеков... Валиев... Қудратов!.. Биринчи десант, 2 январь 1975 йил!..»

Ёзувларни ўқиган заҳоти Гуландомнинг хаёлида яшин тезлигида бир савол пайдо бўлди: «Нега бу рўйхатда сен йўқсан?» Бу саволдан у андак ўйланиб қолди. Кейин сумкасидан қаламтарош олди-да, учи билан Қудратов, Набижонларнинг номи ёнига ўз номини ўйиб ёза-бошлади.

Кечки таомдан кейин бу кулбага ҳаммадан аввал Бойбеков қайтганди.

— Ҳей, кимсан?— сўради, Гуландом чўчиб тушди.

— Мен Гуландомман.

— Қачон келдинг?

— Ҳозирнинг ўзида...

Бойбеков уни ичкарига киригиб, тахтадан қилинган қўлбола стул-

га ўтқазди-да, буфетдан келтирган печенье билан бир шиша қатиқни олдиға қўйди.

— Очқаб қолгандирсан?

— Жуда-жуда очман.

— Ошхонаға бор, бўлмаса.

— Улардай чарчаганман.

Шу чоқ бошқа йигитлар ҳам келишди. Қимдир Гуландомни кўриши ҳамон «Ур-рей, ёрдамчи аёллар ҳам келишипти, энди зерикмаймиз!» деди.

Кувончдан хонаға Қудратов кирди. У Гуландомни кўриб, Дилафруз ҳақида сўроқлай кетди.

— Келин ойингни кўрдингми? Кўзи ёриди, дегин, а!. Ўзи қандай аҳволда? Боласи-чи? Гапирақол тезроқ!

Гуландом ҳам ундан худди шу саволларни кутаётган эди.

— Дилафруз опадан, янги меҳмондан сизга қўшалоқ салом келтирдим,— сумкасидан Дилафрузнинг мактубини олиб узатди.— Мана уларнинг номалари...

Қудратов бир парча қоғозга болаларча эгри-бугри қилиб ёзилган хатни диққат билан қайта-қайта ўқиди. Дасхат Дилафрузники. Лекин у анча-мунча азоб тортган кўринади.

— Ўз кўзинг билан кўрдингми? Сиҳат-саломатлиги қалай?— сўради у Гуландомнинг кўзига тикилиб.

— Жуда яхши. Ўғилчангизнинг овози, нақ туғуруқхонани титрат-ғудай. Айтмоқчи, унга ном қўйиб берармишсиз.

— Табриклаймиз!— деди Бойбеков.

Ҳамма Қудратовни қўршаб олиб, янги фарзанд билан табриклади.

— Номини айтсангиз ҳозирнинг ўзида опамга телеграмма юбораман!

Дилафрузнинг эсон-омон қутулиб олганидан Қудратов мамнун эди. Бу мамнунликни десантчилар ўз раҳбарларининг кулгига тўлган юзию, ўйноқи кўзларидан кўриб турардилар. Ҳамма унинг севинчига шерикдай эди. Айниқса, Гуландом тантана қиларди. «Энди мени ҳайдамайди, бу Қудратов, ҳайдаёлмайди!» дер эди у ўзига-ўзи.

— Сиздан сўрайдиган суюнчим шу, ўртоқ Қудратов, мени десантчилар қаторига қўшиб олсангиз, кифоя,— деди табассум билан.

Қудратов чечан қизнинг гапларидан мамнун кулимсиради, рози эканлигини билдириб бош ирғади: «Қизбола бўлса ҳам йигитларча ғайрати бор экан, майли, қаторимизда юраверсин, қийналиб қолса қайтариб юбориш мушкул иш эмас!» Бойбеков ҳурсандчиликдан яшнаб турган Гуландомдан сўради:

— Йўлда биз томонга келаётган эшелонларни кўрмадингми?

— Кўрдим,— деди Гуландом,— Тошкент товарнаясида «Ўзбекистон-Ивановога», «Ўзбекистон-Новгородга», деган ёзувли жуда кўп вагонлар тизилиб турибди... Волгоградга ҳам юк жўнатиляпти...

II

Биринчи десантчилар трест штаби ремонтини битириб улгуришмасдан Гуландом айтган эшелонлар етиб келди ва бунинг устига яна янги-янги колонналар кела бошлади. Қаҳратон қиш зўрайгандан зўрайди. Совуқ шамол кўз очирмасди. Иш тиғиз. Келаётган одамларга уй-жой, материалларга бошпана керак.

«Вагон-уйлар зарур! Ҳозирча шундай шаҳарча қурмасак бўлмайди!» деган мазмунда Тошкентга телеграмма устига телеграммалар йўланди. Орадан кўп ўтмади. Янгиердан бир эшелон вагон-уй келтирил-



Расмларни А. ХОЛИҚОВ чизган.

ди. Пешма-пеш ўрнатилган вагон-уйларда мелиораторлар, қурувчилар, турли-туман мутахассислар яшардилар. «Мелиораторлар шаҳарчаси қурилишини тезлатмасак бўлмайди!»— Қудратовнинг кўнглида шу хаёл. У хаёлга бериларкан, доимо ўртоқ Розиковнинг, «Сиз олий мақсад элчиси бўлиб боряпсиз» деган сўзларини эсларди.

Мелиораторлар шаҳарчаси қурилишига материаллар Ўзбекистондан келтирилмоқда. Розиков айтганини қилди: Тошкенту Жиззахдан, Янгиеру Қаршидан, ҳатто Нукусдан вагон-вагон қурилиш материаллари кела бошлади. Уларнинг орасида михдан тортиб тошойнагача бор эди.

Кейинги эшелонда келган яп-янги самосваллардан бирини Қудратов эгаллади-да, қурилиш бўлаётган жойларни назорат қилиб турди. Бир эмас, олти жойда қурилиш бормоқда эди. Областнинг қаерида бўлманг Ўзбекистон ССР герби туширилган техника ва асбоб-ускуналар учраб турарди.

«Бу ерлар чаманзор бўлади! Ботқоқликлар юқори ҳосилли майдонларга айланади!»— ўзбекистонлик мелиораторларнинг шиори шу эди. Михдан тортиб темир-бетонгача, белкуракдан тортиб кучли агрегатларгача Ўзбекистондан келтирилаяпти. Келтириларию қурилишларнинг вақтида эҳтиёжини қондириб бўлмасди.

— Узоқнинг йўлига қачонгача термилиб туриш мумкин? Таянч пунктини шу ерда қурамыз!— деди Қудратов.

Қурилиш материаллари тайёрлайдиган завод барпо қилиш керак. Материаллар Ўзбекистондан олиб келинади. Ваъда шунақа. Шахсан Розиковнинг ўзи, сизлардан маблағ ва материални аямаймиз, деганди. Иш кўлами кенгайиб, талаб кучаяборган сари Қудратов шошиб қолаётгандай, гоҳо улгуролмаётгандай эди. Шунинг учун у ҳозиргача ўзи бошқариб юрган самосвал рулини Набижонга топширди.

Набижоннинг касби шундоқки, иши юзасидан у кўп жойда бўлиб, кўпчилик ичида юради. Бу жиҳатдан уни, ўз тили билан айтганда, «жаҳонгашта» десалар бўлади. Ҳар ишдан, ҳар гапдан хабардор, ҳатто у анчайин янгиликларнинг туғилишига гувоҳ. Набижон олов йигит. Унинг ичидаги олови ташида ёнади. Гапирганда юзи, кўзи порлайди. Гапирганида сўзларининг мазмунини ҳатто қўл ҳаракати билан изҳор қилади. Қудратов унинг бу одатини ёқтирарди. Ҳазилкаш Набижон машина керак бўлса-бўлмаса грузовикни хўжайинига рўпара қилиб, гап отарди:

— Извош тайёр!

— Мазахлама, Набижон, ҳадемай «Волга»ларга ҳам етишиб қолармиз,— дер эди Қудратов ҳам ўз навбатида.

У, Набижон, «От топгунча эшак мин!» деганларидан кимсан «Ўзивановирсовхозстрой» трести бошлиғи бўлмиш Қудратовни «Самосвал»да олиб юрганидан мамнун эди. Аммо дала йўлларида безор эди. Йўллар ўнқир-чўнқир, қор босган, зийраклик қилмаса машина четга чиқиб, зовурга муккасидан тушарди.

— Секинроқ юр, Набижон, тўкилиб қоламан...— дерди ҳазиллашиб Қудратов.— Бу юришингга кузовдаги фишт чидамайдию, мен чидармидим.

— Тез юрмасам совқотиб қоляпман,— деди Набижон кунларнинг бирида.

Қудратов унинг бошидан оёғигача қараб қўйди-да:

— Машинани орқага қайтар, Набижон!— деб буюрди.

— Нега?— ҳайрон бўлиб сўради шофер.— Тез юрганимга гашингиз келдими?

— Қайтар, деяпман сенга!

Улар темир йўл станциясига боришлари керак эди. Ўзбекистондан

юк келтирилган. Уни вагонлардан тезда тушириб олмасалар темир йўлчилар катта жарима солади. Яна, туриб қолди-чириб қолди, деган гап бор... Бугун ҳам иш шунақа тиқилинч. Юк станциясидагилар уларни кутмоқда. Шундай бир вазиятда бошлиқнинг «Қайт, орқанга!» дейиши Набижонни таажжублантирди.

— Бирор ҳужжат ёдингиздан кўтарилибдими, а, почча?

— Ҳужжатдан ҳам муҳими эсимдан чиқибди... Облисполком пўстинлар берганди. Ушаларни олиб келасан!..

Набижон хўжайинини идорасида қолдириб, у тайин қилган жойдан пўстин олди-да, яна йўлга тушди. Тошкент кўчасига бурилишда машинаси яхмалакда пириллаб айланди-ю, йўлнинг четидаги қор уюмига ботди қолди.

Йўлдан катта-кичик машиналар ўтяпти. Тақасиз отдай тайғаниб бораётган машиналарнинг бирортаси Набижоннинг мушкулини осон қилолмасди. Бирорта шатакчи машина топиб келиш мақсадида у пиеда йўлга чиқди. Кабинада ўтирганида совуқ шунчалик қаттиқ эканини унча билмаган экан, ташқарига чиқиши билан баданига минглаб игна санчилгандек бўлди. Набижон бир сиқим қор олиб юзига суртди-да, югуриб кетди. Йўлда таниш шоферга учради.

— Қаерга борясан?— сўради у.

— Тракторга.

Бир чеккада унинг ҳам машинаси қорга ботиб ётарди. Улар бир-галашиб тракторлар тариллаётган жойга бордилар. Кучли экскаваторлар қор аралаш музлаган тупроқни тўплаб, бўлажак йўлга асос солмоқда эди. Сал нарида скреперлар. Скреперчилар чуқурликларни тупроқ билан тўлдирмоқдалар.

Таниш шоферларни кўрган скреперчи қувониб кетди.

— Бормисан, Раҳим?— деди Набижоннинг шеригига.

— Бир эмас, икки киши бўлиб келдик,— деди у кўзларини катта-катта очиб.

— Ие, Набижон? Сен нима қилиб юрибсан?

— Иссиқ кийимларга бориб эдим...

— Қани? Қани, ўша иссиқ кийимлар?

— Машинада... Машинам эса, зовур бўйидаги телеграф ёғочга суяниб ётибди...

— Қаерда?

— Тошкент кўчасида.

Учовлон скрепер ёрдамида Раҳимжоннинг машинасини йўлга чиқардилар. Скреперчи қайтиб кетди.

— Ёнимизга ўтир,— деди Раҳимжон ва Набижонни ҳам кабинага чиқариб олди. Кабинада Раҳимжоннинг ёрдамчиси ўтирарди. Улар Набижоннинг машинаси тиқилиб қолган Тошкент кўчаси томон йўл олдилар.

III

«Тошкент» деб яқинда ном олган бу кўча шаҳарнинг қоқ ўртасидан ўтарди. Кўчанинг у бошида ҳам, бу бошида ҳам завод. Бири маълум ва машҳур оғир станоклар ишлаб чиқарса, иккинчиси кучли автокранлари билан донг таратган. Тошкент кўчасидан ҳар тонгда ишга, кечда эса, ишдан ўз уйларига ана шу икки завод ишчилари қатнайдилар.

Кўчага кираверишда ҳам, ундан чиқаверишда ҳам деворга:

«Яшасин СССР халқларининг байналминал бирлиги ва дўстлиги!» деб ёзиб қўйилган. Бу сўзларни ўқиган ҳар бир йўловчи аввало ивановлик рус тўқувчилари билан ўзбек пахтакорлари, ўзбек тўқимачиларининг анъанавий дўстлигини хаёлидан ўтказади.

Набижон Тошкент кўчасидан тез-тез қатнаб туради. У биринчи келган кунларидаёқ бир қиз билан танишган. Унинг Надеждаси шу Тошкент кўчасида яшайди. Уларнинг танишишлари ҳам аввал бир-бирларига беихтиёр кўз ташлашдан, кейин кулиб қўйишдан бошланди.

— Исмингиз нима?— сўради Набижон юрак ютиб.

— Надежда... Сизники-чи?

— Набижон.

— Ўзбекистондан келдингизми?

— Ҳа, мелиораторлар билан келганман.

— Инженермисиз?

— Афсуски, инженер бўлолмадим. Атиги шоферман.

— О, жуда яхши ҳунарингиз бор экан. Инженер бўлиш ҳам қочмайди...

Шундай қилиб, гап-гапга уланиб, суҳбат-суҳбатга қўшилиб бир-бировларини бир кун кўрмасалар туролмайдиган бўлиб қолдилар. Бугун ҳам станциядан қайтаётиб Надеждага йўлиқиб ўтмоқчи бўлганда қорга ботганди.

Тиқилиб ётган машина олдида Қудратов пайдо бўлди:

— Иш тиғизда Надеждангни бир кун кўрмасанг ўлармидинг?!— деди унга жаҳл билан.

Набижон индамади. Симёгочга суяниб ётган машина атрофида оқ ёқали пўстин кийган, қулоқчинини бостириб олган Раҳимжон ва унинг ёрдамчиси юрарди.

— Булар кимлар?— сўради Қудратов.

— Вой, валатилар-ей, буларни қаранг, босқинчилик-ку, бу!..— деди Набижон таажжубланган қиёфада.

— Пўстин билан шапкаларни ким берди? Кигиз этикни-чи?— сўради Қудратов.

— Ўзимиз олдик. Совуқдан ўлишдан қўрқдик-да!.. Ҳозир ечиб берамиз...— деди Раҳимжон.

— Боплабсизлар, азаматлар!— деди Қудратов.— Совуқдан сақланиш керак. Қани, Набижон, ўзинг ҳам бирини кийиб ол!

Набижон ҳам янги пўстин, қулоқчин кийиб олди.

Шундан кейин Қудратов буюрди:

— Энди юк станциясига марш!

IV

Юк станциясидаги аҳволни кўриб, Қудратовнинг тепа сочи тик бўлди. Ўрта йўлга қўйилган вагонларнинг эшиклари очиқ. Бу йўлни «жарима йўли» дейдилар. Негаки, энг шошилиш юк ортилган вагонларни шу йўлга қўядилар. Уларни тездан бўшатиш керак. Вагонларда ёзувлар: «Янгиер-Иваново». «Жиззах-Иваново». «Чирчиқ-Иваново»... Яна темир йўл маъмуриятининг иловаси: «Срочная!..»

Қудратов жаҳлдан тушмаган. Нима қилсин, вагонларни зудлик билан бўшатиб беришга куч қани?! Фақат беш киши ишлаяпти.

— Ишни тезлаштирмасаларинг жаримаси учун пўстинларингни ҳам сотасанлар ҳали.

Қудратовнинг аччиғи чиқди, пўнғиллади:

— Шунча вагон юк бирдан келиб қолишини туш кўрибманми!..

— Бўлмаса эшитиб қўй, республикадан янги состав келяпти. Тайёргарлигингни кўравер!

Қудратов икки қўли билан бошини ушлади-да, Набижонга ўшқирди:

— Нега қараб турибсан, пўстинни еч, ёрдамлаш буларга!

Шоферидан олдин ўзи вагонга тирмашди. Бир одам кўтарадиган юк эмас... Ёрдамчи керак. Набижон ҳам шу хаёлда гангиб турарди.

— Нега бу ерда турибсан?!— Қудратов Набижонга қаради.

— Сиз билан бирга юк туширяпман...

— Тез бўл, одам топиб кел!— деди у буйруқ оҳангида.

Набижон машина моторини ўт олдираман дейди, қани ўт олса! Аккумулятор ўтириб қолган. Қудратов вазиятни тушунди-да, вагондаги йигитларни ёрдамга чақирди. Улар шундай долзарб пайтда халақит бергани учун шоферни еб қўйгудай эдилар. Лекин бари бир кўмакка келишди: ол-ҳа, ол, деб машинани юргизиб юборишди.

Набижон одам қидириб темир-бетон заводи қурилаётган жойга борди. У ерда гулхан ёқиб исиниб ўтирган қоровулдан бошқа ҳеч ким йўқ эди.

— Одамлар қани? Ишни ким тўхтатди?

— Эсинг борми, ўзи,— деди қоровул қўлларини оловга тутиб.— Шундай совуқда қанақа иш бўларди. Ишни бош инженернинг ўзи бас қилди. Ке, ўтир, исиниб ол, рангинг оқариб кетибди...

— Одамлар қани, деяпман сенга?

— Одамларни торф қазигани олиб кетишди.

Ҳашарчилар зиммасига торф қазииш иши ҳам юклатилган эди. Бу иш бўш вақтларда қилинарди. Негаки, қишда қурилиш ва мелиорация ишлари олиб боришнинг имкони йўқ эди. Набижон машинасига торф қазийётган йигитларни солиб йўлга чиқди.

Юк станциясининг навбатчиси Набижон олиб келган йигитларга кўз ташлаб Қудратовни яна хибсга олди.

— Бу одам ҳам оз! Ярим соатдан кейин келган эшелонни уч соатда бўшатиш керак! Бўшатмасаларинг ўзларингдан кўринглар...

Қудратов Набижонга мулойимгина боқди-да, ундан узр сўрагандай оҳангда илтижо қилди:

— Яна одам топиб келишинг зарур бўп қолди.

— Қаерга борай?..

— Шаҳарчага бор. Қоровулдан бошқасини битта қўймай олиб ке, азамат.

— Машинадаги иссиқ кийимларни нима қилай?

— Вагон-шаҳарча қоровулига топшириб ке, аммо тилхат олишни унутма! Бу ердаги ишни битирайлик, кейин уларни ҳаммага ўзим улашаман. Қани олға, азамат!..

Вагон-шаҳарча бўлажак совхоз марказида тикланмоқда эди. Вагон-шаҳарчанинг номи бўлгани билан ҳали ўзи йўқ эди. Уни «Тошкент—Иваново» махсус рейсида келган «Стройпоезд» деб аталмиш қаршилик йигит-қизлар бунёд қилмоқда эдилар. Атрофи ўрмон. Набижоннинг эски таниши Бойбеков «Стройпоезд»да колонна бошлиғи эди. Бойбеков Набижоннинг арзини эшитиб, тезда одамларни йиғди. Улар ёрдамга йўл олдилар.

□

Набижоннинг машинаси катта йўлга бурилаётганида муюлишда турган уч киши унинг йўлини тўсди.

— Тўхта, болам!— деди уларнинг бири, телпагини бостириб кийиб олган қария.

— Қаёққа борасизлар?— Набижон машинасини тўхтатиб сўради.

— Энг катта бошлиғингни олдига бораман. Қудратов билан маслаҳатли ишим бор.

— Бошлиқ керак бўлса Бойбековга учрай қолинглар. Мана шу йўл тўғри Бойбековнинг вагон-уйига олиб боради.

— Менинг ишим Қудратов билан битадиган иш.

— Аввал Бойбековга учраб кўринг. Қудратовни идорадан тополмайсиз,— деди-да, Набижон моторини тариллатиб жўнаб кетди.

Улар Набижон кўрсатган йўл билан боришаркан эски ташландиқ бутхона олдида бир тўда ҳайдов техникасига дуч келдилар. Яп-янги «ДТ»лар, «К-700»лар кўргазмага қўйилгандай савлат тўкиб турарди.

— Булар ҳам Ўзбекистондан келибди,— деди қарияга унинг ёнидаги ўғилларидан бири.

Қария қудратли техникага суқланиб боқди-да, ташвишли оҳангда ўғилларига:

— Чакки қилишибди — деб қўйди.

— Нимани?

— Хавфли жойга қўйишипти. Эрта-индин ботқоққа ботиб кетиши турган гап.

Бошлиқ билан учрашувда суҳбатни шу гапдан бошлашни дилига тугиб қўйган қария ўғилларини бошлаб вагон-уйлар томон борди. Ҳеч ким кўринмасди. Қария атрофга қараб, йўталган бўлди. Яна ҳеч қандай садо эшитилмади. Кейин у вагон-уйларнинг бирига қараб қичқирди.

— Хў, ким бор?

Бу вагон-уйда Бойбеков яшар ва ишларди.

— Ким керак, сизга?

— Бошлиқ керак эдилар.

Бойбеков ташқарига чиқди-да, вагон-уй олдида турган одамларни кўргач, ҳайрон бўлиб қолди. Нотаниш одамлар...

— Ассалому алайкум,— деди баланд бўйли, оппоқ соқолли нотаниш қария.

Бойбеков саломга алиқ олдию, нотаниш одамнинг кийим-бошига қараганча ўйланиб қолди. Эғнида қора қўй терисидан қўлда тикилган пўстин, бошида тулки телпак, оёғида кигиз этик... Соқоли оппоқ, мўйловлари мойлангандай йилтиллаб турарди.

— Хўш, хизмат, отахон?

— Булар менинг ўғилларим бўладилар. Мен сизларнинг собиқ ҳамшаҳарларингиз бўламан...

— Қачон, қаердан келяпсизлар?

— Биз шу ерда яшаймиз, сизга илтимосимиз бор.

— Қани, ичкарига кирайлик.

Улар ичкарига кириб, Бойбековнинг иш столи атрофига ўтирдилар. Ёшлар бош кийимларини қўлларига олиб, жим қўл қовуштирдилар. Қария телпагини ечиб, чуст дўппини бостириб кийиб олди-да, ишларингизга ривож берсин, деб фотиҳа қилди.

— Хўш, қандай илтимосларингиз бор?— Бойбеков аввал қарияга, кейин йигитларга қараб қўйди.

— Менинг исмим Бой ота,— деди қария.— Булар менинг ўғилларим. Торф корхонасида ишлайдилар. Шу йигитларни қаторларингизга қўшиб олсаларингиз, деб ҳузурингизга келдим, шогирд дейсизларми, ёш ишчи дейсизларми, икки қўллаб тутдим сизларга. Суяги меники, эти сизларники.

— Қандай ҳунарларингиз бор?— Бойбеков йигитларга қаради.

— Ҳамма ишни қилаверамиз.

— Трактор ҳайдашни-чи?

— Биламиз.

Бой ота ўғилларига меҳрибон боқди-да, Бойбековга юзланиб, луқма ташлади.

— Булар меҳнатнинг ҳамма турини биладию, аммо ўзбекчиликни унча яхши билмайди. Мачит билан меҳмонхона кўрганлари йўқ-да. Шунинг учун буларни сизларга қўшиб қўймоқчиман.

Бойбеков бир сўз айтолмай ўйланиб қолди. «Ким бўлди булар? Қочоқларми?.. Қамоматчиларми?.. Хоинларданми?.. Бу ерларга қандай келиб қолишган? Нима деб, қандай муомила қилсам экан?..»

Бой ота бирор гумони борга ўхшайди, деб билди-да, гапни техника ҳақидаги таклифдан эмас, ўзини таништиришдан бошлади.

— Очиғини айтиб қўяй, мен собиқ қулоқман. Бу йигитлар собиқ қулоқнинг фарзандлари, аммо кейинги сайловларда «ҳақли» иштирок этдик. Шу ерда ўтроқмиз. Ҳужжатларимиз жойида. Ҳаммамизда Совет паспорти бор, йигитларнинг комсомол билетлари кўкрак чўнтаклариде туради.

— Яхши... Яхши...— деди Бойбеков бошқа гап тополмай.— Яхши...

Бой ота сўради:

— Йигитлар эртадан ишга келишаверсинми?

— Ишга келишдан аввал кадрлар бўлимига бориб, анкеталарини тўлдирадилар.— Бойбеков иш столи тортмасидан уч нусха «Кадрларни ҳисобга олиш варақаси»ни олиб уларга берди.— Мана шуларни тўлдириб келинглар.

Хайр-хўшлашиб вагондан ташқарига чиқар экан, Бой ота:

— Бутхона олдидаги тракторларни тезда у ердан кўчириш керак, болам,— деди.

— Нега?

— Хатарли жой. Сал кунда ер эрийди, ботқоқ қутуради...

Бойбеков улар ҳақида ўйларди: «Ажойиб одам экан, бу собиқ қулоқ Бой ота. Болалари мачит билан меҳмонхона кўрмаганмиш. Бизга ишга ўтгани билан мачит, меҳмонхона кўрармиди. Диндор, эски урф-одатга муккасидан кетган одам экан... Техникани бутхона олдидан кўчир, дейиши ҳам диндорлигидан бўлса керак-да!..»

Эртасига Бойбеков телефон орқали бу воқеани Қудратовга оқизмай-томизмай гапириб берди-да, ўша Бой отанинг ўғилларини ишга олиш-олмаслик ҳақида рухсат сўради.

— Совет граждани бўлса олаверинг,— деди Қудратов.— Ишчи кучи, айниқса, маҳаллий мутахассислар жуда керак.

— Ўша одам, яъни собиқ қулоқ сиз билан шахсан гаплашмоқчи. Муҳим гапи бор эмиш, қачон борай, деяпти.

— Келиб овора бўлмасин, учрашиб қолсак гаплашаверамиз. Қандай муҳим гап экан?

— У ёғини билмадим. Афтидан ўз тақдирига оид гап бўлса керак.

Тўртинчи боб

I

Тўнғич ўғил ҳамма оилада ҳам «давлат боши», ота-онасининг кўмакдоши ҳисобланади. Бинобарин, оилада унга эътибор ҳам ўзгача бўлади: уни еру кўкка ишонмайдилар, шарафига катта базмлар, тўйлар ўтказадилар. Аммо Ҳаким ака ўзининг тўнғич фарзанди Ҳамиджонни оталик меҳри билан севса-да, уни талтайтириб юбормади. Ҳамиджоннинг тили чиқиб, оқ-қорани ажрата бошлаган кунларданоқ уни ўзидан нари қўймади, яхши одатларни ўргатди. Тўй-ҳашамларда, маъракаларда одам танисин, одоб ўргансин, дер эди отаси. Ҳамиджон отасининг ёнида бўларди. Мактабда ўқиб юрган пайтларида эса, Ҳамиджон албатта ва ҳеч қанда қилмай шу кунги сабоқлари, кечки ва эртанги ва зифаси ҳақида батафсил ҳисоб бериб турарди. Унинг ҳисоботи маъқул бўлсагина отаси уни уй ишлари билан шуғулланишга ёки болалар би-

лан ўйнаб келишга рухсат берарди. Аммо у ўйиндан кўра уй ишини афзал кўрарди. Ҳовлидаги дарахтларнинг парвариши ёшгина Ҳамиджоннинг қўлида эди.

Ҳаким ака хонадониди яна тўрт ўғил, икки қиз туғилди. Уларни Ҳамиджон кўтариб катта қилди. Тўнғич ўғилнинг пишиқ-пухта бўлиб етилаётганидан ота ҳам, она ҳам, қавм-қариндошлар ҳам хурсанд эдилар. Ҳамиджоннинг студентлик даври бошланди. Энди уй ишларини Шукуржон бажарарди.

Ҳамиджон институтда ҳам яхши ўқиди, олий ўқув юртини аъло баҳолар билан тамомлаб, инженер-ирригатор иқтисосини эгаллаб, ота-онасини яна шод қилди-да, уйда бир кун ҳам турмай йўлга отланди.

— Қаёққа?

— Мирзачўлга.

Мирзачўлда у янги совхоз ташкил қилинишда, Қарши чўлини ўзлаштиришда иштирок этди. Кейин уни министрликка чақириб:

— Янги ишга борасан,— дедилар.

— Қаёққа?

— Туямўйинга. Сув омбори қурамыз.

Республиканинг бошқа жойларида ҳам сув омборлари қурилмоқда эди. Андижонда, Бухорода, Самарқандда қурилаётган сув омборлари ҳақида Ҳаким ака кўп ўқиган, кўп нарсаларни эшитганди. Бу оби-ҳаёт омборлари қуриб битказилса пахтакорларнинг оғири енгил бўлишидан барча қатори Ҳаким ака ҳам хурсанд юрарди. Бу гигант сув ҳавзаларининг ёнига яна бири — Туямўйин ҳавзаси қўшилаётганидан у яна ҳам қувонди. Унинг ота-бобоси мироб ўтган, унинг ўзи ҳам миришкор мироб, бинобарин, сув кўпайишидан у қувонмай ким қувонсин!

— Майли, ўғлим, боравер!— деди Ҳаким ака.— Қаерга борсанг ҳам одам боласи бўл!..

Туямўйин дегани — туянинг бўйни дегани эди. Ҳақиқатан ҳам тоғларнинг жойлашиши туянинг бўйнига ўхшаб кетарди.

У соҳилнинг чўққиларидан бирига чиқиб олиб, атрофга разм ташлади. Уфқдан уфқкача бўм-бўш сахро чўзилиб ётарди. Унг томонда бурган аралаш қумлоқ ерлар — бепоён туркман саҳроси олтиндай ярқираб, қуёш нурида ялтиларди. «Бу чанқоқ ерлар Амударё сувини ичса, водий ерларидай бўстон бўлиб кетиши ҳеч гап эмас» деб хаёлидан ўтказди. Чап томонда ҳам, рўпарада ҳам кўз илғамас узоқ-узоқларгача асрлар бўйи қуёш нурида тобланиб ётган ерлар ўз миришкорини кутиб, чанқаб ётарди. Бу ерларни дарё сувидан тўсиб турган тепаликлар энг синчков кўзга ҳам гўё хазина устига ётиб олган туя шаклида кўринар, телба Амударё эса, шу жойга келганда гўё туя қорнига жамланиб, унинг бўйни орқали бўғзидан баҳайбат булоқ тахлит оқаётгандек эди.

Дарё балқиб, кўпириб, қирғоқларига урилиб, соҳилларга салчиб оқарди. Унинг суви Ҳамиджоннинг кўзига гоҳ сарғайиб, гоҳ олтин қумдай товланиб, гоҳ булутнинг соясидай кулрангсимон кўринарди. Ҳамиджон эсини таниган кезлардан бери бу дарё неча бор ҳайқириб, қирғоғидан ошиб, соҳилларни вайрон қилган, ҳатто неча марта оқимини ўзгартирган. Ҳамиджоннинг назарида ўзини ҳеч қаерга сиғдиролмай гўё маст туядай ўкириб оқаётган бу дарё ҳали кўп найранглар кўрсатишга қодир эди. Унинг қўлидан биргина вайрона қилиш эмас, табиатга, халқ хўжалигига мурувват қилиш ҳам келарди. Унинг лойқаланган суви ернинг мадори, экиннинг илиги эди. Насослар орқали каналларда оққан сувни ичган ерлардан озмунча ҳосил олинаётгани йўқ.

Туямўйин туркман қишлоқлари билан Хоразм чўлларининг ўртасида бўлиб, теварак атрофга савлат тўкиб туради. Кўп замонлардан бери соҳилини неча бор пайҳон қилган асов Амударё уни қилт эткизолма-

ган. Гўё бу азим дарёни тўсиш учун табиатнинг ўзи аввалдан шундай табиий иншоот қуриб қўйгандай. Шунинг учун совет инженерлари туркман қумлоқлари, қорақалпоқ ўтлоқларию, Хоразм саҳроларига сув чиқариш учун шу жойни танлаган эдилар.

— Жуда яхши танланган экан!— деди ёш инженер Ҳамиджон ҳам бу жойлар билан танишиб чиқаркан.

Қурилиш бошлиғи унга лойиҳа ҳужжатларининг бир қисмини, хусусан, сув ташланмаси каналлари қурилишининг чизмаларини топширди-да:

— Ирригация қурилишлари сенинг зиммангга юкланади Ҳамид Ҳакимович!— деди.

Ушандан кейин уни — кечаги Ҳамиджонни барча Ҳамид Ҳакимович дейдиган бўлди. Ҳамид Ҳакимович ҳам гўё ўзини бир қарич ўсгандай, руҳан янада улғайгандай ҳис қилди-да, яна ҳам жиддийроқ ишлашга ҳаракат қилди. Тушунмаганларини катталардан сўради, билмаганини хоразмнинг тажрибали миробларидан ўрганди. Хоразмда тажрибали мироблар кўп эди. Чунки, хоразмликлар азалдан канал қазиб, Амударё сувини чиғириқларда оқизиб келадилар. Уларнинг бу тажрибаси жуда қўл келди-да, Ҳамид Ҳакимович йўл қўйган камчиликларни йўл-йўлакай тузата берди. У тез орада тўғоннинг икки ёнида етти километрлик сув ташланмаси каналларини битказиб, дарёни бўғиш учун шароит тайёрлаб қўйди.

Шу орада Туямўйин яқинида қурилган темир йўл станцияси энг бетинч юк станция бўлиб қолганди. Бўлажак қурилиш атрофи ҳар хил материаллар билан тўлиб кетган. Котлаван қазувчи механизмлар кетидан қудратли «КРАЗ»лар, тягачли тракторлар, кранлар, бетон қорувчи машиналар кела бошлади. Ҳамид Ҳакимович қазиган каналларнинг соҳиллари ҳам бош тўғон ва унинг устига қуриладиган гидроэлектростанция ускуналари билан тўлганди.

Тўғон солинадиган кун мутахассислар қуршовида Розиков келди. У тайёргарлик ишларини синчиклаб кўздан кечиргач, механиклар, шофёрлар, тракторчилар билан бирма-бир суҳбатлашди ва энг охирида Ҳамид Ҳакимовични олдига чақириб олди-да, аста сўради:

— Каналларингиз бежирим қурилибди. Дарё бўғилганда шунча сувнинг зарбасига бардош бера оладими?

— Ишонаман. Бардош бера олади!

Теварак атрофга яна бир бор кўз ташлагач, Розиков соатига қаради:

— Тошкент вақти билан ўну ноль-нолда бошланглар!— деб кўрсатма берди.

Улар тўғон ёнига яқинлашдилар. Розиков дурбиндан дарёни тўсиш ишининг боришини кузатар, қирғоқлардан юмалатилаётган харсангларга, тош бойламларига қарарди. Бзовта қилинган дарё дарғазаб бўлиб кўкка ирғишлайди, атрофларга сапчийди, тобора қутуради.

Дарёнинг керакли жойи тўсилиб, Ҳамид Ҳакимовичнинг каналларига сув ҳайқириб кира бошлади. У юрагини ҳовучлаб турарди: «Мўлжал аниқ олинган! Ишқилиб... шарманда қилма!..»

Ишнинг охирида, яъни дарё ўзанини ўзгартган кезде Розиковнинг шахсан ўзи унинг олдига келди-да:

— Навбатдаги ишингиз қаерда бўлади?— деб сўради.

Ҳамид Ҳакимович нима деярини билмасди.

— Қаерга юборсалар ўша ерга бораман,— деди у.

— Жуда соз.

— Россияга юборсак нима дейсиз?

— «Йўқ» демайман.

Навбатдаги ишлар бош тўғон билан гидроэлектростанция қурувчи-

лари қўлига ўтгандан кейин Ҳамид Ҳақимовични Тошкентга чақириб олдилар.

— Энди ишни Новгород областида давом эттирасиз, Ҳамид Ҳақимович! — деди министрликнинг масъул ходими Боймуҳамедов. Ҳамид Ҳақимович бош ирғаб, розилигини билдиргач, қувонч билан қўшиб қўйди. — Йўқ демаслигингизни билувдим, балли! Шунинг учун ройишингизни сўрамай, гапнинг пўскалласини айтдим қўйдим.

Ҳамид Ҳақимович шахсан Розиковнинг ўзига берган ваъдасини эслаб, жим турарди.

— Хотинингизни у ерда жойлашгандан сўнг олиб кетасиз.

— Жуда соз! — деди Ҳамид Ҳақимович.

II

Сумбула Ҳақимова педагогика институтини битириб, Янгиерга эри билан бирга жўнаганди. Ҳамид совхоз қурилишига кетганида у қайно-тасиникида қолиб, ўрта мактабнинг бошланғич синфларида ўқитувчилик қилди. Сумбула айтарли гўзал аёллардан бўлмаса-да, ёқимтой, истараси иссиқ, ширинсухан, хушчақчақ жувон эди. У гапирганида босиқ, хиёл кулиб гапирар, шунинг учун ҳам Ҳақим ака биласидагиларгина эмас, қўни-қўшнилару таниш-билишлар ҳатто мактаб болаларигача самимий ҳурмат қилардилар.

Дарсга қўнғироқ чалиндию, Сумбуладан дарак йўқ. Болалар тик этса эшикка қарайдилар. Ниҳоят синфга бошқа ўқитувчи кириб келди.

— Бугун Сумбула опанглар келмайди. Дарсни мен ўтаман, — деди у.

— Нимага келмас эканлар? Қасал бўптиларми? — болалар чувиллашди:

— Опанглар узоқ ёққа кетаётган эмишлар. Россиянинг Новгород деган ерига.

Болалар дарслар тугар-тугамас Сумбуланинг уйига йўл олдилар. Сумбула жомадонларини йиғиштирган, қандайдир кийим-кечакларни дазмоллаб, шошилич тахламоқда эди.

— Сумбула опамлар рости билан кетяпти эканлар, — чуғурлашди болалар деразадан қараб.

Уларни кўриб ичкаридан Сумбула чиқди. Уни болалар ўраб олишди. Кўпларининг кўзида жиққа ёш эди.

— Нима бўлди? Сизлар билан ҳеч ким дарс ўтмадими? Директорга хабар қилгандим...

— Бошқа ўқитувчи керакмас бизга!..

— Сиз кераксиз...

— Бизни ташлаб кетманг, опажон!..

Сумбула ҳаяжонда эди. Энди нима қилсин?! Шу пайт Ҳамид Ҳақимович кириб келди. Мактаб болалари уни ҳам қуршаб олдилар.

— Сумбула опамизни олиб кетманг, амаки! Жон амаки...

Болаларнинг шовқинига ичкари уйдан Ҳақим ака чиқиб келди. Келинидан сўради:

— Рости билан бир ёққа кетаяпсизларми? Ота-онадан сўроқсиз-а?! Йўл бўлсин?

— Қаёққа боришимизни ўғлингиздан сўранг.

— Сиз жанг қилган жойларга кетяпмиз, — деди кулиб Ҳамиджон.

— И-е, Новгороддами?

— Ҳа.

— Қайси ерига?

— Старая Руссага. Парфинск...

— У ерларда биргина мен эмас, кўп одамлар қон тўккан. Ўртоқ Розиков ҳам, Сумбуланинг дadasи ҳам. Ҳаммамиз бир дивизияда эдик.

— Ана ўша ерларни ўзлаштиргани кетяпмиз.

Ҳаким ака бир оз жим туриб қолди. Сўнгра секин гап бошлади.

— Оғир йўлга отланибсан, болам. У ерларда ҳали уруш тамом бўлгани йўқ...

— Нега? — шошилиб сўради Сумбула. — Ғалабага... ўттиз йил бўл-япти-ку?

— Ҳа, — деди ўйчан Ҳаким ака. — Лекин у ерларда уруш ҳамон давом этади... У жойларнинг ҳар бир қаричида портламаган бомба, мина ва снарядлар ётипти. У ерларни ўзлаштириш жанг қилиш билан барабар, ундан ҳам қийин.

— Вой, ўлмасам, нега сизни шунча қийин ишга юборишмасалар, — деди соддадиллик билан Сумбула. — Мелиораторга Ўзбекистоннинг ўзи-даям иш қайнаб ётибди-ку! Жиззах чўли, қолаверса, Қарши қўриқлари... Қанчадан қанча сув ҳавзалари, каналлар қуриляпти. Янги тузилаётган совхозларнинг бирига юборсалар ҳам бўларди.

— Сумбулахон, ҳали ҳам соддалигингиз қолмапти, — деди эри унга таънаомуз боқиб.

Ҳаким ака эр-хотин суҳбатининг оқимига қараб жим турарди.

— Менга энг қийин ишни топширдилар. Бу ишончдан мамнунман, — деди Ҳамид Ҳакимович. — Ўша ёқларга борасиз, деб шахсан ўртоқ Розиковнинг ўзлари айтдилар. Қаерда қийинчилик бўлса коммунист ўша жойда бўлиши керак. Мен коммунистман.

Ҳаким ака мамнун эди.

— Мен шунчаки бир, яъни, масалан, сени оғоҳ қилиш учун айтган эдим. Россия ҳашарга чақирибдими, лаббай демасанг уят ҳам бўлади, болам. Қарс икки қўлдан чиқади. Рус оғаларнинг ёрдами билан шунчалар бўлди... Олмоқнинг бермоғи ҳам бор-да! Боравер, иложи бўлса Сумбулани ҳам олиб кет!

— Сумбула нима қилади, аввал ўзи борсин, жой-пой топиб, кейин хотинини олиб кетсин, — деди онаси. — Нотаниш жойда эр-хотин жомадонларининг устида ётадим!

— Марказком секретари ҳам шу гапни айтди: жойлашиб олгач, хотинингизни олиб борасиз, деди.

— Йўқ, унчалик эмас, — деди Ҳаким ака. — Бораверсин. Эр қаерда бўлса, хотин ҳам ўша ерда бўлади, ҳа!

Қайночасининг гапи Сумбулага ёқиб тушди. Унинг эри икки йил узоқ Туямўйинда юрди, уй-жой йўқ, деб Сумбулани олиб кетмади. Энди Новгород. Ҳазилакам жойдами! Бунинг устига унинг эри урушдан фалокат орттирган ерларда қўриқ очгани кетяпти. Ушандай жойда ёнида бўлмаса, қаерда бўлади. Эр-хотин бир жон, бир тан дейдилар...

Шу мазмундаги фикрлар Сумбуланинг хаёлидан ўтди-да:

— Жомадонларим тайёр, мен ҳам бирга кетаман! — деди. — Зора дадамнинг қабрини топиб, зиёрат қилсам...

Қайночаси унинг шаштини қайтармоқчи бўлиб, ётиғи билан насихат қилди.

— У ерларни хавф-хатарли дейишяпти. Ошиқманг, қизим, аввал Ҳамиджон бориб кўрсин...

Сумбула ўз аҳдида қатъий эди. У ҳозир айтган сўзларини такрорлаб, деди:

— Кемага тушганнинг жони бир! Ҳамид акам нима бўлса, мен ҳам шу!

— Баракалла, қизим! — деди Ҳаким ака келинини қувватлаб. — Эр қаерда бўлса хотин ҳам ўша ерда бўлмоғи керак! Эр-хотинни икки ёрти — бир бутун, деб бекорга айтмаганлар.

Ҳамид Ҳакимович нима қилишини билмай қолди. У отасининг гапини ҳам қайтаролмас, Сумбуланинг аҳдини ҳам рад қилолмасди. Хотинини олиб кетиш масаласида раҳбарларнинг мулоҳазалари ҳам уни ўйлантириб қўйганди. Сумбулани олиб кетса, шарт-шароит қандай бўларкин? Сумбула ўқитувчи, яна ўзбек тили ўқитувчиси...

— Болалар кўпайса мактаб очармиз...— Сумбула эрига қаради.

— Ҳеч ким боласини олиб бораётгани йўқ-да!

Ўйлаб ўйига етолмаган Ҳамид Ҳакимович, бир иложи топилар, де-ди-да, Сумбулани ўзи билан олиб кетишга рози бўлди.

— Таваккал. Чигирткадан қўрққан экин экмайди. Юкларингни йиғиштир, Сумбула!

Онаизор ўғлининг кетди-келдисига кўниккан, Сумбулага суяниб қолганди. Унинг ҳам жўнашини эшитиб, кўнгли бўшашди.

— Сиз ҳам ташлаб кетасизми, Сумбулаҳон?..

— Тез-тез келиб тураман, ойижон...

Фарзандлар оқ фотиҳа кутарди: Мухтасар ая йиғламсираб уларни дуо қилди.

— Майли, болаларим, қаерда бўлманглар, тинч-омон бўлинглар. Хат-хабарлашиб турайлик...

III

Ҳамид Ҳакимович Сумбула билан Новгородга келган кунларда ўзбек мелиораторлари олти колоннага бўлиниб қизгин иш олиб бормоқда эдилар. Уларнинг ишларини «Ўзбекновгородводстрой» деб аталган ташкилот бошқарарди ва у Қудратовникига ўхшаб эскини ямаб ўтирмай, шаҳар марказида тахта-ёғочдан яп-янги идора ясаб олганди. Шошилиш қурилганиданми, материални иқтисод қилганликлари сабабми, хоналар кичик, коридори ёлғиз оёқ йўлакдай тор эди. Фақат бошқарувчи Йўлдошевнинг кабинетигина кенг, баҳаво.

Ҳамма ёқдан қиринди, бўёқ ҳиди анқийди. Ҳамиджон билан Сумбула олдинма-кетин хонага кириб, жомадонларини бир чеккага қўйишди. Йўлдошев гўё уларнинг келишидан беҳабар одамдай ҳайрон бўлиб гоҳ Ҳамид Ҳакимовичга, гоҳ Сумбулага, гоҳ уларнинг катта жомадонларига қараб-қараб қўйди. У кўринишидан мулоим, камгап одамга ўхшаса-да, ўзига янги ўринбосар бўлиб келган Ҳамид Ҳакимович билан эзлишиб суҳбатлаша бошлади. Ҳамид Ҳакимовичдан сўрамаган саволи қолмади. Унинг ижтимоий чиқиши, қаерда ўқиб, қаерларда ишлагани, ижтимоий фаолиятига доир ҳамма-ҳамма нарсани сўраб-суриштирди.

— Кўнглингизга келмасин, қоидамиз шунақа, бирга ишлайдиган одамингни билиб олганинг яхши. Сиз менга маъқул тушдингиз...— Йўлдошев Сумбулага кўз ташлади. — Хотинингизнинг қандай мутахассислиги бор?

— Ўқитувчи...

— Саёҳатга келдиларми?

— Йўқ, бутунлай келди.

Йўлдошев лабини қимтиб бир оз жим турди-да, аста ўрнидан туриб, деворга тўсилган парда олдида борди.

— Хайр майли, бу гапни қўятурайлик-да, ишдан гаплашайлик.

Йўлдошев одатига кўра ўз ихтиёрига янги одам келганида хоҳ инженер, хоҳ тракторчи ёки қурувчи бўлсин, унга аниқ бўлиши учун ўзбек мелиораторлари қилиши керак бўлган ишларнинг миқёси билан таништирар ва бунинг учун катта масштабли махсус харита тайёрлатиб

қўйганди. У пардасини кўтариб, харитани очди. Харитада Новгород об-ластада мелиорация ишлари олиб бориладиган майдонлар кўрсатилган, Йўлдошевнинг одамлари зиммасига тушган объектларга кичик байроқчалардан иборат махсус белгилар қўйилган. Яна корхоналар қуриладиган жойларга кранлар белгиси, чорвачилик совхозлари бунёд бўладиган жойларга соғин сигирнинг расми, гузар-қишлоқлар ўрнига китоб қўлтиқлаб бораётган бола расми туширилганки, бунни кўрган ҳар бир киши бу ерларнинг эртасини яққол ҳис этади. Харитадан маълум бўлишича, ўзбек мелиораторлари Новгород заминининг тўртдан бир қисмини ўзлаштириши, яъни зах сувини қочириб, экинзор ер қилиши ва ҳатто минг-минг гектарлаб ерларга сув чиқаришлари керак эди. Шунингдек, олтмиш беш минг квадрат метрли уй-жой, олтита ишлаб чиқариш ба-заси қурилади, қўйчилик, қуёнчилик комплекслари, ўтлоқлар, боғлар бунёд қилинади.

— Объектлар билан танишиб чиққунингизгача кабинетингиз бў-шайди, — деди Йўлдошев Ҳамид Ҳакимовичга. — У ер ҳозир банд. Ме-нинг кабинетим ҳам кечаси ётоқхонага айланади. Сизнинг кабинетин-гиз ҳам шундоқ. Рафиқангиз учун уч кунга меҳмонхонадан жой сўра-шимиз мумкин. Меҳмонхоналар ҳам кўпинча, чет эллик сайёҳлар билан банд бўлади...

— Объектларни айланиб келгунимизча кабинет бўшар экан-ку, — деди Ҳамид Ҳакимович, — у ёғи бир гап бўлар.

Ҳамид Ҳакимович ўзининг янги бошлиғини олдиндан биларди, тўғ-рироғи, унинг ҳақида кўп яхши гаплар эшитганди. Шундай одамлар бўладики, уларни ҳамма танийди, барча баравар ҳурмат қилади. Йўл-дошев худди ана шундай одамлар хилидан эди.

Қасб-кори қурувчи-инженер, у республикадаги бир қатор сув ин-шоотлари қурилишида қатнашган. Ишнинг кўзини биладиган обрўли одамлардан. У Мирзачўлни, кейинчалик Қарши чўлларини ўзлашти-ришда жонбозлик кўрсатди. Йўлдошев Коммунистик партиянинг аграр сиёсатини чин қалбдан маъқуллар, мўл-кўлчилик яратиш ботида олиб борилаётган кенг кўламдаги ишга коммунист сифатида ўзининг муно-сиб ҳиссасини қўшиш орзусида эди. Ҳар бир гиёҳни қуритиб, жингир-тоб қилувчи чўл шўрини йўқотиш мумкинлигига у қатъий ишонарди. Шунинг учун ҳам у қатъий аҳд-ишонч билан келиб, мелиораторлик фа-олиятини шу жойларда бошлаган эди.

У чўлда каналлар қурди, кавламади, ҳа, қурди. Техника кучи билан каналлар қуришнинг янги илғор усулларини ўйлаб топди. Канал қурилиши чўлдамас, аввало заводда темир-бетон лотоклар тайёрлаш-дан бошланди. Лотокларда шарқираб сув оқди — уруғ унди, кўнгил унди... Сирасини айтганда, Новгороднинг унумсиз ерларини ўзлашти-риш масаласи кўтарилганда биринчилар сафида, биринчилар қаторида боришга жазм этди. Чунки, Мирзачўлга биринчи ҳужум бошлаган чўл-қуварларга унинг жуда ҳаваси келиб юарди.

...1920 йили Туркистон темир йўлининг Сирдарё станциясига узоқ Россиядан поезд келиб тўхтади. Битта вагонни қолдириб паровоз жў-наб кетди. Уша битта вагонда келганларни кутиб олишга юзлаб ки-шилар чиқди. Чўлга ўртоқ В. И. Ленин юборган мутахассислар келиш-ган эди.

— Биз ана шу 1920 йилда Россиядан келган чўлқувар оғаларимиз Владимир Федорович Булаевский, Сергей Михайлович Қурбатов, Ев-гений Иванович Озерскийларнинг шогирдларимиз, — деди Йўлдошев. — Уша саховатли отахонлар хотираси олдида фарзандлик, шогирдлик бурчимизни мана энди ўтайдиган вақт келди. Шахсан мен бунинг учун Россиядаги унумсиз ерларни ўзлаштиришда қатнашишни шогирдлик бурчим деб биламан...

Ҳа, Йўлдошев Ўзбекистондан Новгородга бориб ишлаш ташаббуси билан чиққан биринчи мелиоратор мутахассислардан. У миллион-миллион сўмларни сарфлаб, минглаб гектар янги ерларни ўзлаштиришдек мураккаб иш бошида турибди. Трест бошлиғи масъул, жавобгар шахс.

— Ишларнинг бориши қандай? — сўради ундан Ҳамид Ҳакимович.

— Ҳозир ишбошига, янги қишлоқларга ўзингиз борасиз, кўрасиз, — деди у.

Йўлдошев новгородликлар билан бўлган биринчи учрашувлар ҳақида ҳаяжон билан гапириб берди. Улар кую қўшиқ билан, шодон кулгу гулдасталар билан кутиб олиндилар. Улар «Ернинг луқмони ҳакимлари!..» сифатида олқишландилар. Мелиораторлик, ирригаторлик Ўзбекистонда оддий касбгина бўлиб қолмай, ўзига хос бир санъат, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ноёб касб. Лекин, шуниси ҳам борки, Йўлдошев ҳам, бошқалар ҳам ҳаётларида бунақанги ботқоқлик, балчиқ ерларни кўришмаган эдилар.

— Яширишнинг ҳожати йўқ, одамларимиз тиззаларидан лой кечиб, жуда оғир шароитда ишляптилар, — деди Йўлдошев. — Лекин сизни огоҳлантириб қўяй. Янги одамсиз, баъзан бўладиган олди-қочди гапларга эътибор қилманг!..

IV

Ҳамид Ҳакимович девордаги харитага қараб, уни қаерда, қандай ишлар кутаётганлигини ҳис қилар, ҳаяжонланарди. Сумбула эса, бу вақт ичида янгигина қурилган «Садко» меҳмонхонасидан бир ўринли жой олиб, эри қайтгунча Новгороднинг қадимий ёдгорликлари билан танишиб чиқди. Ёдгорликлардан олган таассуротлар билан ўтирган бир пайтда Ҳамид Ҳакимович кириб келди. У жуда ҳорғин, нимадандир хафа кўринарди.

— Чарчадингизми? — Сумбула мулоимгина сўради.

— Чарчадим, — деди эри қисқагина қилиб.

Сумбуланинг назарида эри чигал жумбоқлар ичида қолган, аммо бу жумбоқларни очиш йўллари яшираётгандек кўринарди.

— Нима, мени меҳмонхонадан чиқаришмоқчимми?... Ташвишланманг, чиқаришса, кабинетингизга кўчиб келаман... — деди эркаланиб.

Ҳамид Ҳакимовичнинг чиройи ёришди, кейин тундлашди.

— Кела солиб Йўлдошев билан жанг қилгим йўқ!..

— Нега?

— Билганларимни қандай қилиб унга рўй-рост айтай!.. Шунини ташвишидаман.

— Бор гапни айтасиз-да.

— Министрликка борган ахборот билан амалдаги ҳақиқат оралиғи ер билан осмонгача!.. Шу — ҳақиқат Йўлдошевга ёқадими, йўқми?

— Нега ёқмасин.

— Менимча ҳам ёқиши керак. Ахир мен унинг топшириғи билан бордим. Ердаим керакдирки, ўша ёқларга юборди. Айниқса, учта масалани қаттиқ қилиб кўндаланг қўяман.

Йўлдошев ўз кабинетида кундалик ишлар билан шуғулланиб ўтирган эди. Ҳамид Ҳакимович пайдо бўлиши ҳамон қўлидаги қоғозларни тортмага ташлади-да, қабул столига келиб у билан юзма-юз ўтирди.

— Хўш, Ҳамид Ҳакимович, сафарингиздан мамнунмисиз? Яхши бориб келдингизми? Йўл қийнамадими? Мирзачўл билан Жиззах йўллари қаёқдаю, бу йўллар қаёқда...

— Ҳамма колонналарда бўлдим. Барчанинг дарди битта экан. Агар олди олинмаса, оқибати ёмон бўлади.

Иўлдошев ҳушёр тортди, жойига ўрнашиброқ ўтириб олиб, жиддий сўради:

— Ҳўш, қандай дардлари бор экан?

— Менимча, улар ҳақли,— гап бошлади Ҳамид Ҳакимович. Иўлдошев унинг фикрларини ёзиб олиш учун қўлига қалам олиб, блокнотининг бўш варағини очди.

— Ҳўш, даъволари нима экан, қаламга олишга арзийдими?

— Арзийди. Уша эътирозлардан учтаси алоҳида эътиборга сазовор. Масалан: қўнимсизлик, эгасизлик, эркатойлик...

Иўлдошев блокнотини ёпиб, қаламини унинг устига тақ эткизиб ташлади.

— Ҳаммаси эски гап.

— Мен ҳам эски гап бўлгани учун эътибор қилдим.

— Майда гапларга қулоқ солманг, дегандим шекилли? Балки, иғво...

— Иғво эмас, ўртоқ Иўлдошев, ҳаммаси ҳақиқат! Мен ўзим кўриб, билиб, ишониб хулоса чиқардим. Янги тракторлар мотори қизимасданок ишдан чиққан. Сабаби эгасизлик. Тракторчи ҳар ярим ойда алмашаркан. Сабаби қўнимсизлик.

— Командировкаси шунақа, қисқа. Икки ойга юборишади.

— Республикадан юборилган эҳтиёт қисмлар ҳар бир трактор учун беш йилга белгиланган нормадан ҳам ортиқ, аммо ундан фойдаланилмайди, яна устма-уст янги техника сўрашяпти... Эркатойлик ҳам эви билан-да!

Иўлдошевга бу гаплар ёқмади шекилли, тескари қараб сўради:

— Тагин қандай нуқсонлар топдингиз?

— Буларнинг ҳаммаси иш унумига, ишчилар психологиясига таъсир қияпти. Командировкага келган ишчи, бу ердаги раҳбарларга иттифоқчи бўлмайди-да! Улар ўртасида бирлик бўлмаса иш пачава!..

Иўлдошев мансаб стулига бориб, хиёл қийшайиброқ ўтириб олди,

— Шунча вақтдан бери пачаваси чиқмаган иш энди сиз менга ўринбосар бўлиб келган кунингизда чиқибдими?! Майли, бугунча дам олинг, эртага ўзим чақираман...

«Нима демоқчи бу йигит? Қадам қўйишидан илдинингга болта уряпти-ку». Иўлдошев ҳозиргина бўлиб ўтган суҳбатнинг маъзини чақиш билан банд эди. У ўйлаб ўйига етолмай турган пайтда Тошкентдан қўнғироқ бўлиб қолди. Министрликнинг махсус одами умумий гаплар орасида Ҳамид Ҳакимовични сўради. Иўлдошевнинг феъли ўзгарди, Ҳамид Ҳакимовичдан қутулиб олиш ниятида ижирғаниб деди:

— Рухсат берсангиз, собиқ колонна бошлиғи Мардоновнинг ўрнига шу Ҳамид Ҳакимовични юборсак. Уша участкани мустаҳкамлаш маъносида. Шунча вақт ўринбосарсиз ишладим, яна пича ўзим ишлаб тураман.

Министрликнинг розилигини олгач, Иўлдошев эр-хотин Ҳакимовларни ўз кабинетига чақирди. Улар ҳайрон эдилар, аммо сабабини сўрамадилар. Бунинг сабаби ҳақида улар ҳар хил хаёлда эдилар. Сумбула, бошлиқ «хотининг қачонгача меҳмонхонада ётади, жўнативор» деб буюрса керак, деб ўйлади. Ҳамид Ҳакимович эса, «кабинет тайёр бўлган бўлса кўчиб киринглар», демоқчи шекилли, деб хаёлидан ўтказди.

Иккаласи ҳам янглишган эди.

Эр-хотин ўтириши билан Иўлдошев дафъатан Сумбулага юзланди. Сумбула бошлиқнинг қарашидан ийманди, беихтиёр қўлларини қўлтиғига яширди.

— Сумбула Ҳакимованинг бу ёққа келишига министрлик рухсат бермаган экан, шундайми?

— Ҳзим олиб келдим. Эр қаерда бўлса, хотин ҳам ўша ерда бўлиши керак!

— Кемага тушганинг жони бир, дейдилар,— деди Сумбула эрининг гапини қувватлаб.

— Ундай бўлса, майлига,— деди Йўлдошев.— Ҳамид Ҳакимович, хабарингиз бўлса керак, колонна бошлиғи Мардонов мина портлаганда оғир жароҳатланди. Тузалиб чиқса ҳам тезда сафга қайтмайди. Демокчманки, унинг ўрнига сизни юборсак. Мен министрлик билан ҳам гап-лашдим. Улар ҳам рози.

У яна Сумбулага қараб қўйди. Бу гал қарашида Сумбула ўзини анча ўнглаб олган, бояги ийманишидан асар ҳам йўқ эди.

Йўлдошев давом этди.

— Бу ерга келганлар борки, ўз ихтиёрлари билан келишган. Жангчилар нима-ю, улар нима! Иш жараёнини жанг майдони, деб биласиз. Иш биладиган одамларни ҳам ўзингиз танлаб оласиз.

«Ўзбекновгородводстрой» бошлиғи Ҳамид Ҳакимовичга синовчан кўз ташлади. Ҳамид Ҳакимович жим, хотиржам ўтирарди. Йўлдошев Сумбулага юз ўгириб, мулойимгина сўради:

— «Кемага тушганинг жони битта» деяпсиз. Ҳали ҳам шундай фикрдамасиз?

У саволга жавоб кутаркан, Сумбуланинг қоп-қора кўзларига қараб қўйди. Сумбула кўзларини ундан яширмай, қатъий боқиб, дадил жавоб берди.

— Шундай фикрда бўлмасам эримга эргашиб бу ерга келармидим? Гапим — гап!

— Э-эй, ўртоқ Ҳакимова, кчеирасиз. Новгородни кўргани мағрибдан ҳам, машриқдан ҳам келадилар. Эрига эргашиб келмоқчи бўлганлар озми. Новгород тарихий ёдгорликлар макони. Бу жиҳатдан у бизнинг Самарқандга ўхшаган кўҳна тарих хазинаси. Сизга ўхшаш ўқитувчилар учун гўё бир топилдиқ.

Сумбула Йўлдошевнинг нималарга ишора қилиб гапираётганини ва ўзини бу гаплардай ўнғайсиз сезгани учун суҳбатни бошқа ёққа бургиси келди.

— Ўзбекистондан фақат эркаклар келганми, мендан бошқа аёл йўқми бу ерда?

— Бор. Лекин жуда оз. Сиз билан тўрт киши.

— Ҳар ҳолда бор экан-ку?!

— Борликка бор... Лекин учаласи бўлмаганда, дўстимиз Олимжон Мардоновдан бутунлай айрилиб қолардиқ. Уни ўшалар сақлаб қолишди. Бири врач, иккинчиси ҳамшира, учинчиси ҳунарнинг кони: ошпазимиз ҳам, фаррошимиз ҳам ўша...

— Мардоновга нима бўлганди?

— Рекогнасцировкага чиққанида, яъни ўзлаштириладиган ерларни кўздан кечираётганида мина майдонига кириб қолибди. Яхшики, мина у қочиб улгурганидан кейин портлабди... Ҳечқиси йўқ, бундақа воқеа тез-тез учраб туради...

Улар хайрлашиб ташқарига чиқдилар. Сумбула индамай бораётган эрига зимдан қараб қўйди. «Йўлдошев хафа қилди, бечорани. Унинг танқиди ёқмади шекилли...» — шу гапни кўнглидан ўтказди-да, эрининг фикрини билмоқчи бўлиб аста сўради:

— Уринбосарликдан ўзингиз воз кечдингизми ёки дарровдаёқ Йўлдошевга ёқмай қолдингизми?

— Кўнгилдагидек иш бўлди,— деди Ҳамид Ҳакимович.

— Нега?

— Негалигини ҳаётнинг ўзи кўрсатади...

V

«Ажойиб одам экан, бу Ҳамид Ҳакимович! Ажойиб бўлганда ҳам антиқанинг антиқаси экан,— деди Йўлдошев эр-хотинни кабинетидан кузатиб қўйгач.— Афандининг ўзгинаси: Кела солиб иллат қидирибди. Вой, хом сут эмган банда-ей!.. Уринбосар бўлиб келган одам иш ўрганиши керак. Бинобарин, бошлиқнинг кўзига тикилиб, оғзига қараб туриши лозим... Ешлик қилди, десам ёш эмас, иш кўрган, тажрибали инженер...»

Қалами билан столини аста тақиллатаркан, яна унинг гапини эслади. «Айтганига пушаймон бўлади ҳали... Ялиниб келади, ўшанда гап-лашаман у билан!..»

Йўлдошев дераза олдига келди, ойна пардасини четроққа суриб, ташқарига қаради. Кўчада Ҳамид Ҳакимович билан Сумбула қўлтиқлашиб борардилар. «Хотини ҳам эрига ўхшаркан. Икковининг лойи бир жойдан олинган. Ўхшатмасдан учратмас, деганлари шу-да! Бир-бирига суяниб қолган. Фарзандлари йўқлигиданмикин? Балки...»

Йўлдошев тортмасидаги дафтарини қўлига олди. Ҳамма режалар шу-да. Тилсиз гувоҳ бу! Унинг варақларида келди-кетдидан тортиб, талаб-эҳтиёжгача бирма-бир зикр этилган. Йўлдошев уни неча бор варақлаган, рақамлари ёд бўлиб кетган. Шундай бўлса ҳам бу дафтарни яна варақлапти, бу сафар Ҳамид Ҳакимович айтган уч иллатга қарши, уни пучга чиқариш учун гувоҳлик қидиряпти. Лекин, қизиқ, нима учундир темир дафтар ҳам Ҳамид Ҳакимовични ёқлаётгандай...

Мана, Тошкентга устма-уст юборилган телеграммалар, хатлар: «Юборилсин!» «Тезда жўнатилсин!» деган талаблардан иборат. Жавоблар ҳам шундоқ: «Илтимосингиз қондирилди», «Жўнатилди», «Вагонларга юкланди», «Эртага боради».

Йўлдошев лол эди. У «эркатойлик» деган сўзнинг тагига етолмасди. «Ҳамид Ҳакимовичнинг гапида жон борга ўхшайди,— хаёлга берилди Йўлдошев. Кабинетга ҳамма деразалардан нур югуриб кирди.— Дарвоқе, ҳаммаси факт... Оқни қора деб бўладими! Фактни инкор қилиб бўладими! Ҳамид Ҳакимович тек турмас. Яхшиси, бу ишнинг олдини ол! Зўр келса танбеҳ беришади. Майли, жазоласинлар, лекин уч иллатдан қутуласан!...»

Ана шундай фикрлар билан у яна иш столига ўтириб Боймухамедов номига мактуб йўллади. Унда Новгородда ишлаётган мелиораторлардан ҳеч нарсани аямаётганликлари учун министрликка минг бор ташаккур билдиргач, Ҳамид Ҳакимович айтган уч иллат ҳақида, албатта ўз номидан, фикр юритди ва хатни конвертга солиб, Тошкентга жўнатди. Йўлдошев ўзидан мамнун эди. Яна нима қилсин? Колонна бошлиқларига юқоридаги мазмунда хат ёзсамикин?! Шундай қилиш керак! Биринчи навбатда Ҳамид Ҳакимовичнинг ўзига йўлланма жўнатди. Унда шундай дейилганди:

«Ҳамид Ҳакимович, ўша уч иллат, айниқса, сенинг колоннагда авж олган! Бартараф қилиш учун ҳам сени ўша жойга юбордик. Бу соҳада намуна кўрсатишингга ишонаман ва сендан шуни қаттиқ талаб қиламан!»

Бешинчи боб

I

Улар, эр-хотин йўлга чиққанларида шом чоғи эди. Уфқда гўё қирғоққа ёнбошлаб ётган қуёшнинг мис ранг шуъласигина, кўзга ташланади. Йўлнинг икки бетидаги ўтмиш обидалари ҳам қуёш шуъласида жилоланмоқда. Ҳамид Ҳакимович бу манзарага суқланиб қараса-да, хаёли ҳамон Йўлдошевнинг ўша — «У ёғини ҳаётнинг ўзи кўрсатади», деган сўзларида. «Нима демоқчи бу одам... нималар демоқчи эди?» Сумбула ҳам атрофга қараб жимгина борарди.

Хаял ўтмай дарахтлар учидаги қизғиш шуъла ҳам сўнди. Тобора пастликка тушиб борганлари сари қоронғи қуюқлаша борди. Нариди милт-милт этган нурлар кўринди. Улар биродарлик қабристони олдида тўхтадилар. Бир тутам шуъла эгилиб-букилиб ёнарди. Атрофида майда-майда чироқлар... Кишини ҳаяжонга соладиган манзара! Мангу олов!... Мангу олов мрамар тахтага ўйиб ёзилган қаҳрамонлар номини ёритмоқда. Атрофидаги тош қабрларга майда чироқлар — учлар қўйилган. Марҳумларнинг номлари: Раҳмонов... Маҳмудов... Ражабов... Одилов...

Сумбула тош қабрлардаги номларни ўқий бошлади: «Одилов... Одилов... Одилов!.. Дадам шу ерда ётибди экан-да?!»

Отасининг вафоти ҳақидаги қорахат Шимоли-Жанубий фронт қўмондонлигидан келганди. Аммо қаерга дафн қилингани айтилмаганди. «Биродарлар мазорига кўмилди» дейилганди, холос. Сумбула «Шу Одилов менинг дадам эмасмикин?» деб кўнглидан ўтказди. Мангу оловлар — давлатнинг, халқнинг марҳумларга меҳри. Лекин учларни ким ёқди экан?!

Мрамар тошдан ясалган қабр устида қип-қизил бир гулдаста турибди. Унинг орқасида ҳали очилмаган гунчалари ҳам бор. Гуллар ҳам бу жойники эмас, узоқдан келтирилган. Буларни ким олиб келди-ю, ким қўйди?! Сумбула кўз ёшидай милтиллаб турган учларга тикилганча ўйга толиб қолганди.

Беихтиёр у йиғлаб юборди. Ҳамид Ҳакимовичнинг ҳам кўзи ёшланди. Лекин қўйилиб келаётган кўз ёшларини тийди. Ватан учун қурбон бўлган қаҳрамонларга кўзёш тўкмайдилар, уларнинг номларини тилга олиб, йиғи ҳам чиқармайдилар. Чунки, улар жанговар қурооллардан бир йўла ўқ узилиб тантанали равишда дафн қилинганлар. Аксинча, уларнинг улуғвор ишларининг давом этажаги тўғрисида лутф қилинади.

Мангу олов ер остида мангу ухлаб ётган баҳодирларнинг оламшумул жасоратлари ҳақида мадҳия ўқиётгандир. Балки, Старая Русса аҳолиси номидан ўз халоскорларига абадий миннатдорлик сўзларини айтаётгандир...

Старая Русса учун қон тўкканлар орасида Розиков ҳам бор эди. Музейда унинг суратини кўриб Сумбула ҳам, Ҳамид Ҳакимович ҳам мамнун эдилар. Улар яна шу нарсадан, айниқса, мамнун эдиларки, ҳозир бу қаҳрамон шаҳар аҳолиси, унинг теварак-атрофидаги қишлоқларнинг деҳқонлари ўз ҳимоячилари ва халоскорларини қидириб топмоқда эдилар. Балки, улар Сумбуланинг отасига оид материалларни ҳам, унинг жасади қаердалигини ҳам аниқ билишар.

Ёшгина қайин остида баногоҳ ширали овоз янгради. Сумбула беихтиёр сесканди, кейин овоз чиққан томонга бурилди. Қайин остида башанг кийинган кекса ўтирарди. Салом-алиқдан ҳам аввал Сумбула ундан «кимсиз?» деб сўради. У киши ҳол-аҳвол сўрашгач, мулойимгина деди:

— Мен Ўзбекистондан келдим: мелиоратор болаларимни кўргани келувдим. Инвалид қўшнимнинг илтимосини ҳамда ўзимнинг бурчимни бажараяпман...

— Гулдастани сиз қўйдингизми?

— Бу гулдасталарни Шимск районидаги «Тошкент» номи билан қурилаётган совхозга ҳашарга келган ўзбекистонлик студентлар қўйиб кетдилар,— деди у, сўнг қўшиб қўйди: — Уларни унутиб бўлмайди...

— Уларни унутиб бўлмайди!..— деди Сумбула, кейин ётиғи билан сўради: — Учларни ўзингиз ёқдингизми ёки ўша студентлар ёқдиларми?...

— Йўқ, мен ҳам эмас, студентлар ҳам эмас. Одатда учни аёллар ёқадилар. «Тошкент» ПМКсида бир ҳамшира аёл бор экан. Исмини билмайман. Ўша аёл жума оқшомида шу мозорга чироқ ёқиб кетармиш. Айтишларига қараганда, унинг кўз очиб кўргани никоҳидан уч кун кейин урушга кетган экан. Куёв боланинг хати келинчакка шу Старая Руссадан борган экан. Қора хатни ҳам шу жойлардан олган экан. Унинг нияти Новгород областига ўзбек мелиораторлари келган вақтдагина рўёбга чиқибди; у ўшаларга эргашиб кетибди-да, эрининг мазорини қидириб топибди. Садоқатли аёл экан...

— Қандай яхши одамлар бор,— деди Сумбула ўйчан. Ильмен кўли томондан эсаётган шабадада мангу олов алангаси, шуълалар гўё ўйнашаётгандек эди.— Бу шуълалар ҳеч қачон сўнмайди. Улар мангу порлаб туради!..

II

Улар Старая Руссанинг бир чеккасида уруш зарбасидан путури кетган ғиштли уйнинг кичик бир хонасида яшардилар. Уйнинг бошқа хоналарида Ҳамид Ҳакимовичнинг мутахассислари жойлашган бўлиб, улар бу ерга фақат тунагани келардилар. Шунинг учун улар ётган жойларини йиғиштириб ўлгурмай ҳам ишга жўнар эдилар. Уларнинг бу ишлари Сумбулага омонат қолдирилгандай эди. Сумбула азалдан эпчил аёл бўлгани учун эрининг мутахассисларига эрталаб ўз хоҳиши билан нонушта, кечқурун қуюқми-суюқми таом тайёрлаб, гоҳо уларнинг кирларини ҳам юйиб қўядиган бўлди. У бир оз зерикиб ўтирди. Кейин уйларни йиғиштирди, мутахассислар ётоқларининг полию ойналарини юйиб, ялтилатиб қўйди. Бу жойларнинг об-ҳавоси шундоқки, осмондан булут аримас, куннинг ярми, тунларнинг аксарияти ёмғир билан ўтарди. Ҳамид Ҳакимовичнинг назарида ёмғир майдалаб, эзиб, ёғадигандек эди. Бироқ ҳар нарсанинг ози ширин экан, бора-бора ёмғир ёғиши билан эти жунжика бошлади.

Ҳамид Ҳакимович колонна ишчиларининг дилига йўл топиш, уларни ўзига ҳамфикр қилишга уринарди. У ҳар бир одам билан якка-якка суҳбатлашарди-да, кимнинг нимага қобилияти борлигини аниқлаб, шунга яраша иш топширар, аммо ижросини қаттиқ талаб қиларди. Дмитрий Дуданов билан Элчи Мардоновни у ана шундай қобилиятли, ташаббускор одамлардан деб билар ва ҳар ишда, айниқса, энг қийин вазиятда уларнинг кўмагига таянарди. Уларни, яъни тракторчилар звеносини «истикболсиз» деб ташлаб қўйилган қишлоқларни ўзлаштиришга жўнатди.

«Истикболсиз» деб назардан четда қолдирилган бу жойлар Ҳамид Ҳакимовичнинг кўзига балчиқ остида йилтиллаб турган олтиндай турган кўринарди. Кўл, ўрмон, баҳаво жойлар. Бир вақтлар обод, файзли бўлган макон энди хароба бўлиб ётарди. Бу ҳам урушнинг оқибати: одамлар уруш даврида қирилган, қолганлари туз-насиб қидириб бошқа жойларга бош олиб кетган.

— Техника парки мана шу ерга жойлашади,— деди Ҳамид Ҳакимович бир харобани кўрсатиб.

Дмитрий Дудановнинг механизаторлари учта трактор ва иккита ер текисловчи бульдозерни ҳайдаб келдилар-да, қишлоқни Ҳамид Ҳакимович айтгандай қилиб «ўзлаштириш»га бошладилар.

Шалонь сойи бўйидаги ерларга тўсатдан қиш тушди. Элчи Мардонов, бульдозерчи йигит бундай тасодифни кутмаган эди. Осмонидан қуёш аримайдиган юртда ўсган, декабрда ҳам кўйлақда, нари борса, битта свитерда ёки пиджакда, яланг бош юриб ўргангани учун бу ерларда сентябрдаёқ қаҳратон совуққа дуч келиб қолишини у қаёқдан билсин! У Фарғонадан баҳорда қандай чиққан бўлса Шимскда ҳам ўша енгил-елпи кийимда эди. Изғирин тобора ғазабли изиллаб, Элчининг юпун кийимини тешиб, баданига нинадай санчиларди.

У бунчалик қаттиқ совуқни биринчи бор кўриши. Олов бўлса қанийди... Узоқ-узоқлардаги қишлоқ ва хуторларда милт-милт чироқ кўринарди. Олисадаги экскаваторчилар бригадасининг постида ҳам ялт этиб қўшчиरोқ ёнди. «Сен ҳам ёқсанг бўлади» — Элчи Мардоновнинг кўнглидан шу фикр ўтди ва агрегатларнинг чироқларини ёндириб қўйди. Бундан техника турган жойлар ёришди. Шу вақт экскаваторчилар лагеридан аланга кўринди. Ут ёқай деса ўтин йўқ. Нима қилсин?! Совуқдан шумшайиб, очликдан букилиб турган Элчи хаёлга чўмди: «Уруш даврида ҳам худди шундай шамол эсгандир, совуқ бундан ҳам баттар бўлгандир, солдатлар ҳам, шу жумладан менинг отам ва бувамнинг ҳам оч қолган вақтлари бўлгандир. У вақтда, балки, бундан ҳам баттар мудҳиш, қўрқувли дақиқалар, кунларни кечиргандирлар. Ушалар бундай пайтларда нима қилган эканлар?.. Албатта, қўл қовуштириб, шумшайиб ўтирмагандирлар... Улар тиним билмас одамлар эдилар!..»

Бобоси Қодир аравакаш колхоз пахтасини заводга таширди. Уруш бошланганда ўғли Олимжонга «Болам, пахтани энди сен ташийсан!» деди-да фронтга жўнади. Олимжон ҳам ота касбини узоқ давом эттиролмади. Ёши тўлғач, уни ҳам армияга чақириб олдилар. Ота Шимоли-Ғарбий фронтда, ўғли эса, Украина frontiда жанг қилдилар. Ота — сажёр, ўғил — танкчи...

Қодир Мардонов — сапёр, урушдан кўкси тўла орден билан қайтди. Танкчи Олимжон Мардонов Будапешт жангларида яраланиб, қишлоғига қайтиб келди. Уни ўша йили уйлаб қўйдилар. Турмуши тотли ўтса ҳам Олимжон ҳадеганда фарзанд кўрмади. Ниҳоят, ўн бир йил деганда кўрган ўглини яхши ният билан Элчи деб атади. Элчи ҳам қишлоқ мактабини битиргач, Россияга кетган отасининг касби — механизаторликни эгаллади. Унинг отаси Олимжон Мардонов ўша кезде ўзбек мелиораторларининг биринчи отряди билан Новгород областининг Шимск районида ер ўзлаштирмоқда эди. Хатларида Олимжон ўз ўғли Элчига ўз падари бузруквори Қодир ота жанг қилган ва баҳодирона ҳалок бўлган ерларда ботқоқликни қуритиб, тошлоқларнинг бетини очиб, экинзорлар яратаётгани ҳақида ёзарди. Кейинча узоқ вақт ундан хат келмай қолди. Кўп ўтмай Олимжоннинг ўзи уйига кириб келди. Унинг ранги-рўйи бир ҳолатда эди. Улуғ Ватан уруши инвалиди Новгород кўриғини очаётиб яна фалокатга учради.

Бу воқеа Элчи тунги постда турган ердан сал нарида, ботқоқликда юз берганди. У экскаватор чўмичига илашиб портлаган мина парчасидан ярадор бўлганди. Элчи хомуш, камғап бўлиб қолди. Лекин кунларнинг бирида уйига ҳовлиқиб келиб, онасига:

— Новгород областига комсомол-ёшлардан отряд юбориляпти. Мен ҳам ёзилиб келдим, — деди.

Онаизор кўзида ёш, ўғлини қучоқлади. У ўғлининг бошига ҳам отасининг куни тушишидан қўрқарди.

— Нима қилай, ёзилиб қўйдим...

— Зорим бор, зўрим йўқ! — деди бир гапини икки қилмайдиган ўғлини бу йўлдан қайтаришга қурби етмаслигига ишонган она.

— Майли, борсин, — деди отаси ҳам. — Ўғлинг вояга етиб, отасининг ўрнини босмоқчи бўпти, борсин, унга оқ йўл тила, онаси!

Шундай қилиб, Элчи Новгород областига келди. Колонна бошлиғи Ҳамид Ҳакимович уни Дмитрий Дудановга ёрдамчи механик қилиб қўйди.

III

Элчи атрофга боқди. Ваҳимали зимистон. Изғирин унинг юзини ялаб, баданини тешаётгандай. «Нега қараб турибсан, Элчи!» деди-да, атрофдан хас-хашак тера бошлади. Ҳар қадамда харсанг тош, шағал. Элчи харсанг тошларни четлаб ўтиб, сал нари юргач, бир қучоқ чириган хашакка йўлиқди. Гулхан қилса арзигудай. Чўнтагидан кундузги газета, гугурт олиб хашакка ўт туташтирди. Иссиқ. Элчини уйқу элита бошлади. Лекин ухлаш мумкин эмас. Яна хашак тўплашга тутинди. Хашак тўплаётиб кўзи қандайдир тахтачага тушди. Унда шундай гаплар ёзилганди: «Хушёр бўлинсин, бу ерда портламаган бомба бор!»

«Даҳшат!» деди ўзига ўзи Элчи. У гўё бомба устида ўтиргандай эди. Бомба оловдан портлаши мумкинлигини ўйлагач ваҳимаси яна кучайди-да, ўзини четга олди. Бобоси Қодир ота бомбаю миналарни қандай қилиб зарарсизлантиришни биларди. Афсуски, бобоси Шелонь бўйида неча бор қилган ишларни Элчи қилолмайди.

Элчи шериклари келгунча бомбани гумдон қилмоқчи бўлди. «Бехосдан портлаган минадан дадамнинг ногирон бўлгани етар, бошқаларни шикастан сақлаш керак!» ўйлади у. Кейин хашак ғамлади, ўтин жамғарди-да, бомбанинг атрофига қалади. Сўнг бир канистр бензинни келтириб қўйди-да, хашакка ўт туташтира қочди. Бир оздан кейин бензин алангаланди, бомба портлади. Атрофни чанг-тўзон қоплади. Элчи анча вақтгача зовурдан чиқмай турди. Кўкка кўтарилган тупроқ ва тош парчалари тўкилиб битгач, яна теваракка жимлик чўкди. У зовурдан чиқиб, портлаш жойига боқди. Бомба портлаган жойда ҳовуздай чуқурликдан бўлак ҳеч нарса кўзга чалинмасди. Бомбадан ўйилган чуқур хандақга боргач, Элчи гўё ота-бобоси қатнашган урушнинг бир учқунини кўргандай бўлди. Портлов зарбидан харсанг тошлар ҳам парчаланиб, тупроққа қоришиб кетганди, ҳовузнинг остига заҳоб сув йиғила бошлабди. Боя оловда ва портлов даҳмазасида босган тер Элчининг баданини музлата бошлади. Бунинг устига изғирин бошлаб келган қор учқуни тезлаб, кўз очирмай қўйди. Шу он у чидаб бўлмас оғир вазиятда қолгандай эди. «Бобом билан отамлар уруш вақтида ҳам худди шундай, бундан ҳам оғир шароитда жанг қилган эдилар-ку, — деди у ўзига далда бериб. — Бир иш қилиб тонг оттириб олсам кифоя, у ёғига шерикларим қўлтиғида бўламан».

Узоқда чироқ кўринди. У тобора яқинлашиб кела бошлади. Гуриллаб қуроллари олиб қўйилган «Т-34» танки келарди.

— Элчи! Бормисан? Нима гап? — сўради танкдан сакраб тушган Ҳамид Ҳакимович.

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ, тинчлик, — жавоб қилди Элчи совуқдан тишлари такирлаб.

— Нима портлади?!

— Бомба...

Ҳамид Ҳакимович Элчини чироқнинг ёруғида назардан ўтказгач, совуқда шумшайиб турган ҳамширага буюрди:

— Қўрққанга ўхшайди, яхшилаб текширинг!

— Соппа-соғман!— деди Элчи ҳамширадан ўзини четга олиб. Кейин у бўлиб ўтган воқеани айтиб берди. Шундан сўнг Ҳамид Ҳакимович ўзи билан олиб келган пахтали шим, иссиқ курткани унга кийдириб қўйди.

Майдалаб қор ёғарди. Тонг отгунча ер бети оппоқ оқариб қолди. Ер текисловчилар отряди иш жойига етиб келгунча Элчи бульдозерини юргизиб, бомбадан ҳосил бўлган чуқурни текислаб қўйди. Кўп ўтмай устини қор қоплади. Сменага келган бульдозерчилар тунги ҳодисанинг асоратини ҳам сезмай қолдилар.

Элчи мелиораторлар шаҳарчасига дам олгани «Мардоновнинг майдони» орқали борарди. «Мардонов майдони» деган гапни Элчи Ҳамид Ҳакимовичдан эшитган эди. Унинг ПМКси очган қўриқ, қуритилган ботқоқлик, кўчирилган бутазорлар ўрнида икки йилдан бери сабзавот-лён ҳосили олинмоқда эди. «Мардоновнинг майдони»да айниқса лён серҳосил бўлди. Аммо у ҳали йиғиб олинмай, қор босди. Элчининг юраги ачишди. Лён ҳам пахтадай бебаҳо экин. Эсизгина ҳосил, деди-да, эгилиб ётган лёнларни турғизиб, устидаги қорларни қоқа бошлади. Шу он шатакли тракторда бир гуруҳ колхозчилар келиб экинни йиғиб-теришга тушди. Бўш вақтларида ҳатто дам олиш кунлари ҳам Элчи шу ишини такрорлади. Баъзан ўзбекистонлик комсомол-ёшларни ҳам бошлаб келадиган бўлди. «Ҳашарга келганингдан кейин ҳашар ҳашардай бўлсин-да!» дерди у дўстларига.

Олтинчи боб

I

Ҳамма ишга кетгач, Сумбула бугун ҳам одатдагидек уйларни «ёғ тушса ялагудай» қилиб қўйди-да, кир юва бошлади. Негадир унинг ашула айтгиси келар, кўнгли хиргойи тусарди. Дилидан тилига оқиб келаётган мунгли қўшиқни хиргойи қилиб ўтириб кир ювар, ўз хиргойисидан тобора кўнгли юмшаётгандай, дилидаги ғашлик кирга қўшилиб аста-аста ювилиб кетаётгандай бўларди.

У кир тоғорадаги мағзавани тўкиб улгурмаган эди ҳамки, устма-уст гумбирлаган овоз эшитилди. Портлашларнинг зарбидан уйнинг эшик, деразалари қарсиллаб очилиб кетди.

— Вой ўлмасам, вой шўрим! — қичқирди Сумбула.

Сумбуланинг хаёлида унинг сеvimли умр йўлдоши Ҳамид Ҳакимович минага йўлиққандай эди. Сумбула тоғорани йиқита далага югурди: «Нега бирга бормадинг?.. Нега бир ўзини юбординг?!» У йўл бўйи дод солганча бошини чангаллаб борарди. Шамол аралаш майдалаб ёғаётган қордан сочлари ёйилиб, кийим боши оғирлашгандан оғирлашарди.

Эри ишлаётган жойга яқинлашганда яна устма-уст портлаш овозлари эшитилди: «Вой шўрим... Вой шўрим!...» Унинг тилига шу икки сўздан бошқа калима келмасди.

— Тўхта! — деб қичқирди йўл бўйидаги катта дарахт панасида турган бир аскар йигит. У ёққа ўтиш мумкин эмас!

— Нега? Нега, а, ўртоқ солдат, нега?...

— У ёқда мина портлатиляпти.

Сумбула аскар йигитнинг сўзларини эшитмади, югуришдан толиққан юрагини босолмай энтикиб сўради:

— Тезроқ айтинг, Ҳамид Ҳакимович тирикми? А, тирикми?

Посбон йигит Ҳамид Ҳакимовични қаёқдан билсин. У елкасини қисди. Унинг бу қилиғи Сумбулани янада даҳшатлироқ ваҳимага сол-

ди. Аввалги бошлиқ Мардонов ҳам шу ерда фалокатга учрагани. Унинг ўғли Элчи ҳам бомбага дуч келди... Энди Ҳамиджон!..

Сумбула аскар йигитнинг ҳайқириқларига ҳам қарамай чопқиллаб кетди. Яхшики, йиғилган миналарни портлатишни тўхтатиб, сапёрлар навбатдаги майдонларни мина қидиргичлар билан текширишдан ўтказмоқда эдилар. Ҳамид Ҳакимович уларнинг командири билан бирга бир четда кузатиб турарди.

Халлослаб келаётган аёлга кўзи тушган командир Ҳамид Ҳакимовичнинг эътиборини унга қаратиб:

— Ие, бу аёл ким бўлди? — деди.

Ҳамид Ҳакимович ўз Сумбуласини дафъатан таниёлмади. Унинг кийим-боши ивиган, қор босган сочлари ёйилиб, юзи-кўзини тутганди. Бунинг устига енгил шиппақда дийдираб турарди. Ранглари бир ҳолда, юраги тўлишиб зўрға нафас оларди.

— Худога шукр. Худога шукр! — деди-да, у ўзини эрининг қучоғига ташлади.— Хайрият... Хайрият...

— Сизга нима бўлди? Нега бу аҳволда келдингиз? Нима бўлди? Уйда бирор қор-ҳол юз бердимиз?

— Уйда тинчлик,— деди Сумбула ўзини босишга уриниб.— Ўзим... Портлашларни эшитиб ўзим югурдим. Ёмон хаёлларга бордим. Сиздан қўрқдим... Сизга осон... Менга қийин бўлди. Хайрият бошингиз омон экан. Нуқул минага учраган Мардонов хаёлимдан ўтади, денг!..

Ҳамид Ҳакимович чўнтагидан дастрўмолини олиб, хотинининг юз-кўзларини артди, кафти билан сочларини текислаб қўйди. Сўнг уни четда турган ўз машинасига олиб бориб ўтқизди-да, меҳр билан ўпди.

— Нега шу аҳволда келдингиз, Сумбула, касал бўлиб қолсангиз нима бўлади?!

— Чидаб туrolмадим. Қандай келиб қолганимни ҳам билмайман...

— Кийиниб олсангиз бўлмасмиди?

— Кўзимга ҳеч нарса кўринмади... Фақат сизни ўйладим. Минадан портласақ ҳам бирга портлайлик, дедим. Бахтим бор экан... Омон қолибсиз...

— Айб ўзимда,— деди Ҳамид Ҳакимович узр сўрагандай.— Эрталаб сизни огоҳлантириб қўймабман. Сапёрларни ўзим чақиртирган эдим. Текисланадиган ерларни минадан тозалаб олиш керак эди. Эрталаб борсам азаматлар мендан олдин далада юришипти. Тиним билишгани йўқ. Қил устида юриб ишладилар. Ҳар одимда кутилмаган даҳшат юз бериши мумкин. Портламай қолган мина, снаряд, бомбалар жуда кўп. Сапёр янглишди, тамом, ўзини осмонда кўради!..

— Хайрият, тинчлик билан ўтибди...

Улар бир-бирларига мамнун боқдилар.

III

Эр-хотин уйларига етиб келганларида ҳам Сумбула ўзига келолмас, эридан бир қадам жилмасди. Гўё у эрини ҳалокат ёқасидан олиб қолгандай, янгитдан топишгандай эди.

— Ишлар юришиб кетгунча ўша ёқда турганингиз яхши эди,— деди Ҳамид Ҳакимович.

— Нега?

— Кўрмайсизми, бугун ҳам ишим чала қолди.

— Энди сираям кетингиздан қолмайман!

— Нима учун?

— Кўр ҳассасини бир марта йўқотади. Сизни бир марта ишга ёлғиз юбориб қўйиб, она сутим оғзимга келди.

— Ишларни йўлга солиб олайлик, кейин ўзингизга яраша иш топиб бераман. Ана ундан кейин кетимдан эргашиб юрмайсиз.

— Кетингиздан қолмайман, дедим, вассалом!

— Ота-оналаримиз ҳам бизни жуда соғиндилар. Уларни бир зиёрат қилиб қайтсангиз яхши бўларди. Қариялар севиниб, бошлари осмонга етарди.

— Кечаги гапларни оингиз эшитсалар борми, юраклари тарс ёрилиб кетарди. Қандай ваҳима!..

Ҳамид Ҳақимович Сумбулани бир амаллаб узоқроққа юбориш пайида эди. Чунки, унинг ишлари ҳадеганда юришмас, суръатни тезлатиш учун имконият йўқ эди. Бундан норози бўлган Йўлдошев уни сира тинчитмасди. «Нега тракторлар бекор ётибди? Негат суръатинг паст? Негат?... Сабаби нима?» деб бир вақтлар унинг ўз оғзидан чиққан гапларни эслатиб, таъна, пичинг қиларди. Айниқса, Элчининг бомба портлатувидан кейин унинг тили қумортқи бўлди. «Ҳар бир кўнгилсиз ҳодиса учун жазангни оламан», деб, дўқ урди, тозаланмаган ерларда мелиоратив ишлар бошланмасин, деган қатъий буйруқ юборди. Шундай оғир бир вазиятда Сумбуланинг узоқроқда бўлгани маъқул эди.

— Қарияларни туш кўрдим,— деб гап бошлади Ҳамид Ҳақимович.— Тушимнинг мазмунига қараганда, улар бизни жуда соғинган бўлсалар керак. Айниқса ойим...

— Хўш, ойим нима дедилар?

— «Қани ваъдага вафоларинг!» дедилар-да, сизга яна нималарнидир гапирдилар... У ёғини эслаб қололмадим.

— Ҳа, тез-тез келиб тураман, деган эдим. Боролмадим. Бу вазиятда сизни ёлғиз қолдириб бориб бўлмас-да.

— Шунча фарзанддан биронтамиз ҳам олдида эмас. Уларга алам қилади-да.

— Улар ҳам замон талабини яхши тушунадилар. Дадамлар ҳар гапларида, ота фарзанди бўлма, одам фарзанди бўл, дер эдилар. Жамиятга хизмат қил, болаларим, деганлари-да бу!

Ҳамид Ҳақимович ўқитувчилик қилиб, гапдон бўлиб қолган Сумбулага бир оз тикилиб ўтирди-да, ёдига тушган бир воқеани айтиб берди:

... Бир оиланинг етти фарзанди бор эди. Байрамларни, айниқса, янги йил кечасини оилавий, шод-хуррамлик билан кутишарди. Қайсидир янги йил кечаси чол-кампир топган-тутганларини дастурхонга қўйиб, фарзандларини кутадилар.

Кўчадан энг аввал тўнғич ўғил кириб келади-да, шошиб-пишиб овқатланиб бўлгач:

— Рухсат беринг, ойижон, янги йилни қайнонамникида кутамиз. Келинингиз ўша ерда,— дебди.

Чол-кампир рухсат беришибди.

Кейин ўртанча ўғил улфатлари билан келибди. Дастурхондаги нозне-катлардан тотиб кўришгач, керагини сумкага солиб: «Бизга рухсат беришлар, ўртоқларимиз билан давра қурамиз», деб улар ҳам жўнашибди. Бўлажак куёв ёлғиз қизларини ҳам илиб кетибди. Шундай қилиб чол-кампирнинг ўзи бир-бирларига тикилишганча қолишибди...

Жимгина тинглаб ўтирган Сумбула ярқ этиб эрига юзланди.

— Бу воқеа ўзимизнинг оилада бўлган эди-ку, сиз эртак қилиб гапирдингиз.

— Ҳа, топдингиз. Ушанда дадам индамасалар ҳам, ойим неча кунгача ўзларига келолмай юрдилар. Ҳозир ҳам ёлғизликдан шунақа ҳолатда бўлсалар керак. Кўпчиликка ўрганиб қолишган...

— Манзура опам келиб тура қолсинлар.

— Келин қиз ўрнини босолмайди, демоқчимисиз? Онам сизни опангиз Манзураддан ҳам яхши кўрадилар.

— Тўғри, лекин менинг бу ердаги ишимни ўнта Манзурахонлар эплаёлмайди. Мен сизнинг тенг ярмингизман.

— Ахир тушунгсанг-чи, бундоқ!

— Бошқа колонналарда ҳам иш шунақа тигиз кўчяптими ёки сизни Йўлдошев атайлаб шунақа оғир жойга ташладими? Мунча гаразгўй одам экан ўша Йўлдошев?!

Ҳамид Ҳақимович хотинининг саволига жавоб қилмай жим турарди.

— Нималарни ўйлаясиз?

— Ўша бошқа колонналарнинг одамларини ўйлаяпман. Уларга ҳам осон тутиб бўлмайди...

Ш

Ҳамид Ҳақимовичдан олдин Новгородда иш бошлаган мехколонна кишилари янги иқлим, ўзгача шароитда анча қийинчиликларни бошла-ридан кечирсалар-да, хийла тажриба орттирган эдилар.

Йўлдошев Новгородга келган барча мелиораторларнинг олдига бир хилда талаб қўйди. Яъни, ҳамма жараённи бир йўла, бирдай пухта олиб боришни талаб қилди. Иш fronti катта, жараёнлари хилма-хил эди, Йўлдошевнинг одамлари ҳам қудратовчилар қилаётган ишларга ўхшаш вазифаларни бажарар, яъни мелиораторларга уй-жойлар тик-лар, қурилиш материаллари тайёрлайдиган завод қураар, чорва комп-лекси бунёд этиб, янги совхозларнинг марказий шаҳарчаларини тик-лардилар. Шу орада улар колхозларнинг баҳорги, ёзги ишларига ёрдам бериб, кузги ўрим-йиғимга ҳам кўмаклашар эдилар.

Ер очиш, айниқса, қийин ва оғир иш эди. Аввало уни уруш оқи-батлари — портламай қолган бомба, миналардан тозалаш, бутазорлар-ни йўқотиш, зардоб сувларни зовурларга ҳайдаш зарур эди. Шартно-мага мувофиқ Ўзбекистон мелиораторлари новгородлик дўстларга ўз-лари очган ерларга ўзлари экин экиб, бир йиллик ҳосилни йиғишти-риб олгач, тайёр ҳосилдор ерни топширишлари керак эди. Йўлдошев-нинг одамлари иш олиб бораётган жойларда ернинг намлиги меъёри-дан анча ортиқ бўлиб, бунинг устига серёмғир иқлим экин ривожини суслаштирарди. Аммо бу ерлардаги ортиқча сув Мирзачўл ерларида-гидек шўр сув эмасди. Йўлдошевнинг айтишича, уни қайтариб экинга оқизиш, ҳатто тозалаб ичиш ҳам мумкин эди.

Йўлдошевнинг мутахассислари қочирилган сувлардан худди шу ердаги экинларни суғоришда фойдаланиш чораларини ўйлаб топди-лар.

— Ер зардобини қуритишда Мирзачўл тажрибасини қўллаймиз,— деди Йўлдошев Ҳамид Ҳақимовичга.— Албатта шу жойларнинг шарт-шароитидан келиб чиққан ҳолда...

Ер захини қуритишда мирзачўлликлар кўп изланишлар натижаси-да ёпиқ дренажни топган эдилар. Ёпиқ дренаж бу ерларга ҳам жуда мос тушди. Аммо ер билан ернинг фарқи бор. Мирзачўл ери қишда муз-ламайди, музлаганда ҳам фақат сирти музлайди. Бу ерда эса қишда ер бир-бир ярим метргача музлайди. Шу сабабдан ёпиқ дренажда сопол қувурларни ўрнатиш схемаси ҳам ўзгарди, техникани ишлатиш такти-каси ҳам ўзгарди.

Ўзбекистон чўлларида сув учун курашиб ўрганган одамга бу ерда сувга қарши курашиш ҳам янги ҳунар эди. Бунинг устига об-ҳаво ша-роити қўшимча машаққат туғдирарди. Новгород области осмонида ҳа-миша булут. Июнда ҳам ёмғир ёлмаган кун бўлмади. Одамлар лойга

беланиб ишлардилар. Натижа ёмон бўлмади. Дастлаб очилган ерларда аввалдан тайёрланган лойиҳа билан иш бошладилар. Ҳар бир қарич ер, ҳар қатра ортиқча сув ҳисобда. Шунинг учун механизаторлар ҳар йигирма метр оралиқда ўқариқлар олдилар. Зах сувлар учун шимгич мосламалар тайёрладилар. Уни ўрнатиш қанчалик машаққатли бўлмасин қўлда бажариларди.

Ҳамид Ҳакимовичнинг одамлари ерларнинг намини қочириш билан бир йўла суғориш иншоотларини ҳам қурмоқда эдилар. Экинларни суғориш учун далаларга сув чиқариш усули ҳам улар учун ўзгача эди. Мирзачўл, Жиззах ва Қарши чўлларида сув лотоқларда — бетон ариқларда оқизилиб, экин суғорилса, бу ерларда экинларни тепадан сунъий ёмғир ёғдириш йўли билан суғориладди.

Бу муаммоларнинг ҳам йўли топилди. Биринчиси — экин майдони-га қувурлар орқали сув оқизилса, иккинчиси — майдонларнинг ўзида қудуқлар қавланиб, сувни насослар билан қувурларга оқизишдан иборат эди. Йўлдошев ўз одамлари билан бу иқкала усулни ҳам баб-баравар амалга оширарди.

Бундан бошқа режалар ҳам катта эди. Шу йилнинг ўзида салкам икки минг гектар балчиқ ернинг захи қочирилади. Қанчадан қанча ер чангалзорлардан тозаланиши керак. Ўзбекистонлик дўстларнинг новгородлик биродарларига энг катта тортиғи — икки намунавий совхоз қуриб беришдан иборат. Бунинг устига темир бетон заводлари, автобаза ийшооти, чорвачилик комплекслари...

Шу ишларнинг энг қийини Ҳамид Ҳакимовичнинг ҳашарчилари зиммасида. Аммо унинг колоннаси кўрсаткичлари Йўлдошевни сира қониқтирмасди.

— Хўш, бу ниманинг оқибати? — деди у бир ойлиқ иш якуналарини кўздан кечириб. Кейин пичинг оҳангида деди:— Қўнимсизликдан эмасдир, эгасизликдан ҳам эмасдир. Менимча, эркатойликдан бўлса керак, Ҳамид Ҳакимович?

Ҳамид Ҳакимовичга бу таъна-тазарри оғир ботса-да, аламини ичига ютди, индамади. Йўлдошев унга, охириги суҳбатимиз шу, дегандай дағдаға билан деди:

— Суръатда бурилиш ясамасангиз, ўзингиздан кўринг!

Суръатни Йўлдошев талаб қилган даражага кўтариш учун биргина ғайратнинг ўзи кифоя қилмасди. Негаки, Йўлдошев унга кейинги икки ой ичи на техника, на запас қисмлар ажратмади. Мавжуд техника эса, Мардонов давридаёқ ремонт талаб бўлиб қолганди. Ҳамид Ҳакимович қўлидан келганича ремонт қила бошлади-да, бир илож қилиб керакли тракторларнинг ярмини, текислов техникасининг учдан икки қисмини ишга солди, холос. Запас қисмлар зарурлиги ҳақида Йўлдошевга мурожаат қилган эди, натижа бўлмади.

— Колонна бир йилга мўлжалланган запас қисмларни олиб бўлган,— деди у тақсимот дафтаридаги рақамларни рўкач қилиб.

Қоғоздаги маълумотларга қараганда Ҳамид Ҳакимовичнинг колоннаси олти ойгача запас қисмлар ололмасди.

— Шароитни эътиборга олсангизчи! — деди Ҳамид Ҳакимович ва Йўлдошевга мина портлашидан, тош-шағалдан яроқсиз бўлиб қолган техника ҳақида маълумот берди.

— Ички резервларни ишга солиш, қидириб топиш керак! — деди Йўлдошев, гап тамом дегандек: — Боймуҳамедов ҳам мендан шуни талаб қиляпти. «Бойваччалик эви билан» деяпти!..

— Шароит билан ҳисоблашиш керак-да!

— Ҳа, баракалла, мана энди ўзингга келдинг, ошнам,— деди у сенлаб.— Мен ҳам шароитни ҳисобга олиб иш тутгандим, сен буни эркатойлик, дединг. Боймуҳамедов сендан бу ҳақда мактуб олгач, ар-

қонни калта қилиб, тизгинни тортиб қўйди. Унинг рўйхатига қараганда бизда ички резерв кўп эмиш. Ўзинг қидир, ўзинг топ!

Ҳамид Ҳақимович қўшни колонналарга бориб, бирини ака; бирини ука, деб юриб бир оз кўмак олди-да, техникасини эпақага келтирди. Аммо унинг ихтиёридаги механизаторлар бирин-кетин, муддатимиз тугади, деб кета бошлашди. Янгилари эса, ҳадеганда кела қолмас, етиб келганлари ҳам кела солиб ишга тушмасди. Чунки, кадрлар бўлими ходимлари, Йўлдошевнинг буйруғисиз бирор жойга сизларни жўнатолмаймиз, деб расмиятчилик қилишарди.

Еттинчи боб

I

Қудратов баъзи одамларнинг «бош қашигани қўлим тегмайди» дейишларидан ажабланарди. Бунинг маъносини у энди, шошилиш ишлар бошига тушган долзарб кунларда сезяпти. Неча кундирки, у Дилафрузнинг мактубига жавоб ёзиб, кенжатоёни Отажоннинг беш ойга тўлгани билан табриклай олгани йўқ. Эрталаб, кундузи ёзарман, дейди, кундузи эса, хат ёзгани шароит йўқ, кечқурун ёзмоқчи бўлади, кечда ҳам аҳвол шу: гоҳ мажлис, планировка...

Ҳали баҳор кириб келмаган эди. Ерлари етилмаган дарахтларининг куртак — тугмачалари кузда қандоқ бўлса шундоқлигича турарди. Қудратов хаёлан ўз юртини, ўзи обод қилишда иштирок этган Жиззах табиатини кўз олдига келтирди. У ердаги дарахтлар ҳар йилдагидек ҳозир бодроқдай оқариб кетгандир... У атиргулнинг очилишини кўп кўрган. Атиргул эрта тоғда ва бир зумда очилади. Ўрик эса, ўзини куёшда тоблайти...

Қудратов бу ерда баҳорги ишларга тайёргарликдан бошқа нарсани ўйламайди. Область партия комитетида бўлган бугунги кенгаш ҳам ана шу масалага бағишланганди. Қадди-баста қадимги рус паҳлавонларини эслатадиган, аммо ҳаммиша юзи-кўзидан табассум аримайдиган, табиатан юмшоқ, мулойим, аммо бу мулойимлик заминиде қатъият кучи учқунлаб турган Қудимов ҳамманинг диққатини деворда осиглиқ турган харитага жалб қилди. Областнинг ер шароити акс эттирилган харитада яқин келажакда ишга солиниши шарт бўлган жойлар қора, қизил ва кўк қаламлар билан белгиланганди. Ана, кўп вақтлардан бери ўз паҳлавонларини кутиб ётган минг-минглаб гектар майдон! Шундан фақат бир кичик қисмигина Қудратовнинг чекига тушган. Қудратов ҳам чекига тушган жойлардаги тайёргарлик ҳақида доклад қилишни ўйлаб ўтирарди. Унинг назарида вақт тез ўтаётгандай.

Қудимов мелиорация КПСС аграр сиёсатининг энг муҳим ва ажралмас қисми эканини айтди-да, ўнинчи беш йилликда мамлакатда яна тўққиз миллион гектар сағизтупроқ ер ўзлаштирилиши керак, деди. Бу иш асосан мелиораторларга боғлиқ эканини таъкидлаб, тайёрмисизлар дегандай ўз одамларига ва мамнуният билан Қудратовлар томонга қараб қўйди.

Ўнумсиз сағизтупроқ ерларга ҳужум бошлаган Иваново деҳқонлари анча ишлар қилиб улгурган эдилар. Аммо қилиниши керак бўлган ишлар миқёси жуда катта бўлиб, айтмоққагина осон эди. Биргина Иваново областидаги икки юз қирқ минг гектар ерда мелиорация ишларини бажариш керак. Қанчадан қанча совхоз посёлкалари, янги қишлоқлар, замонавий чорвачилик комплекслари ишга туширилиши шарт эди. Фа-

қат Ивановода эмас, Россиянинг жами йигирма тўққиз области ва автоном республикаларида уч миллион квадрат километрлик улкан зонага ҳужум бошланганди. Мамлакатимизнинг ҳар бурчидан қалб амри билан келган ташаббускорлар шиддат билан ишламоқда эдилар.

«Бу ерларнинг деҳқонларига балли-ей, шундай оғир шароитда, шундай озгин ерларда ҳам ҳосил етиштириб, ўзларини ва бошқаларни боқиб келяптилар», Қудратовнинг хаёлидан шу гаплар ўтди. Аммо Кудимов унинг фикрига зид, бутунлай бошқа гапни айтди. Унинг ачиниб гапиришига қараганда, чини билан бу ерлар аҳолининг эҳтиёжини қондиролмасди. Аҳвол шундай кетаверса, оқибат иқтисодий муаммоларни келтириб чиқариши муқаррар эди.

«Партия бекорга бонг урмайди! Шунча ер бекор ётибди. Балчиқ ости — ҳазина. Қанчадан қанча ғалла, чорва резерви бу!.. Чет эллик жаноблар океан тагидан озиқ-овқат қидириб, бош қотирипти: Япония сунъий гўшт етиштиришга мажбур бўляпти. Нима ҳам қилсинлар. Ери кам, аммо одами кўпаяпти, эҳтиёжи катта, иложи йўқ-да». Қудратов яқинда газеталарнинг энг охириги саҳифасида бир кичик хабар ўқиганди. Унда жаҳон аҳолиси тўрт ярим миллиард кишига еганини, асри-миз охирига бориб олти миллиарддан ортиши, ойга дунёда яна ўн беш миллиондан кўпроқ нонхўр, гўштхўр қўшилаётгани билдирилганди. Розиков ҳам бекорга қайғурмаган экан, деди унинг суҳбат вақтидаги сўзларини эслаб. Ушандан бери шунча одамга озиқ-овқат етказиб бериш гўё Қудратовнинг бўйнига тушаётгандай у ваҳимаю ташвишда эди. «Ўзингдан қиёс, — дер эди у хаёлан. — Яқинда бир жон эдинг, ҳозир саккиз жон бўлдинг. Урушдан қайтганингдан бери аҳоли сони салкам икки баробар ортди, йилига яна бир неча миллион одам қўшилиб турибди. Шунча одамни тўйдириш, кийинтириш керак. Бу осонмас-да!»

Қудратов ана шундай ўйларди-да, бу муаммоларга ўзича фикран жавоб қидиарди. «Бепоен қўриқ ва бўз ерлар, беҳисоб дашт, чўллар, ниҳоят, сағизтупроқ майдонлар, мана ол, нима керак бўлса ундириб ол, деб турибди. Партия бекорга бонг урмайди!...» «Юз миллион тонна ғалла учун курашамиз!» деган шиор газеталарнинг саҳифаларидан тушмай, ҳар кўчада, чойхона ва қироатхоналардаги қизил бурчакларнинг алвонларида ёзиғлиқ тургани ҳали унинг ёдида турибди. Бугунги кунларга икки юз миллион тоннага чиқди. Вақт билан воқеалар нималарга қодир экани шунинг ўзидан кўриниб турарди. Партия ағра сиёсатининг стратегияси ва тактикаси вақт билан воқеаларни тўла ҳисобга олгани учун ҳаммага, шу жумладан ўттиз йиллик стажга эга бўлган коммунист Қудратовга ҳам маъқул эди.

— Биз мелиораторлар қўлимиздан келган ҳамма ишни ўз вақтида тўла-тўқис бажарамиз, — деди Қудратов область раҳбарларини ишонтириб.

Шу он у «Новгородда ҳашар қилаётган дўстларимизнинг иши қалай борапти экан? Улар биздан олдинроқ иш бошлаган эдилар. Йўлдошев ичидан пишган одам, ютуғини ўртоқлашиб ҳам турмайди. Иши яхши бўлса, бас. У ҳам нозик жойда халқимиз шаъни учун курашяпти...» деб хаёлидан ўтказди.

— Лойиҳани қачон кўриб чиқамиз? — деди Кудимов унинг хаёлини бўлиб. — Бизнинг шароитимизда деҳқончилик учун йилнинг умри жуда қисқа. Вақтдан ютқизиб қўйманглар, биродарлар.

Қудратов Кудимовга жавобан деди:

— Вақтдан ютқазяпмиз. Рост. Лекин суръат ва шиддат ҳисобига вақтни жиловлашимиз керак!

II

— Вақтдан ютқазганимизни тез суръат ва шиддатли меҳнат билан чиқариб олишимиз керак!— деди Қудратов қидирувчи-ер тузувчиларнинг ҳузурига бориб, уларга шу кунги зарурат ҳақида гапираркан.

Турли касб эгалари бўлган бу одамлар «Средазгипроводхлопок» институти ихтиёрида эдилар. Улар тузилажак «Ўзбекистон» совхозининг бўлажак хўжалиги ва деҳқончилиги учун ажратилган ерларни ўрганиб чиқишлари ва унинг «ижтимоий аҳволи» ҳақида лойиҳачиларга тўла маълумот йиғиб беришлари керак эди.

Мутахассислар Тошкент шаҳри белгиси осилган ўз техникалари, асбоб-ускуналари билан келиб, Волга бўйидаги Плес шаҳарчасининг қадимги торғина кўчасида жойлашганди. Уларнинг штаби ўрнашган ёғоч уйнинг деразаларидан азим дарё ва унда сузаётган оппоқ пассажир лайнерлари, тез сузар «Ракета» ва «Метеор»лар кўринар, улар қўзгаган кўпикларга чўмилиб эринчоқ шатакли баржалар сузарди.

Бутун умрлари Ўрта Осиё шаоритида: қўриқларда, жазирама офтоб тифида ўтган ўзбекистонлик ер мутахассислари бундай манзарани улуғ рус рассоми Левитаннинг бебаҳо полотноларидангина билар эдилар. Эндиликда улар бу ажойиб рус табиати қўйнида яшар ва ишлар, сира таққослаб бўлмайдиган гўзалликдан лаззатланардилар. Айниқса, буюк рус дарёси Волганинг сокин, улуғвор оқиши уларни ром қилиб қўйганди. Улар бу ерга келган кунлариданоқ шу мусаффо Волга сувини бўлажак «Ўзбекистон»нинг яратилажак бўстонига оқизиш ҳақида ўйлардилар. Ахир Фурманов районидан ажратилган ярим минг гектар суғориладиган ер уларга кўз тикиб турибди. Бўлажак совхознинг аҳолисига ҳам тиниқ ичимлик сув керак.

Вақт зиқ. Бу ерларга сувни янги магистрал билан эмас, эски, Волга — Уводь канали орқали олиб бориш лозим топилди. Меҳмон мутахассислар бу канални келган кунларининг эртасигаёқ ўрганишга киришгандилар. Афсуски, канал қаровсизликдан ҳар хил чўкиндиларга тўлган, бақа тўни босиб ётарди. Ер тузувчи отряд ўз тажрибасида жуда кўп канал ва ариқларни текширган, лекин ҳеч қаерда бундай аҳволни кўрмаганди.

«Шунчалар ҳам бепарволик бўладими?! Бундай ҳаётий, қимматбаҳо иншоотни шу ҳолга солиб қўйиш гуноҳ-ку. Ахир бу каналдан Иваново аҳолиси ҳам сув ичади-ку».

Бу отряднинг назоратидан ўтган Ўзбекистон каналлари ва ариқларида битта ҳам ёввойи гиёҳ йўқ эди. Чунки, у ариқ ва каналларда махсус балиқ урчитилган. Ариқ, каналларни ёввойи ўтдан, ифлосланишдан тозалаб турадиган санитарлар ана ўшалардир.

«Балиқ урчитиш қийин бўлса, кимёвий усул ҳам қўл келарди-ку!»

Тупроқшунос — ер томирини ўлчовчи, унинг феъли атворини текшириб билувчи мутахассис ҳисобланади. Иваново ерларининг томирини ўлчаб, ҳолатини аниқлар экан, тупроқшунослар кўп жумбоқларга дуч келдилар. Ерлар нотекис бўлиб, ҳар қадамда гоҳ ботқоқ, гоҳ қурғоқ, гоҳ тошлоқ, гоҳ қумлоқ, гоҳ торфли майдонлар учраб турарди. Шу боисдан уларни ўзлаштириш, яхлит экинзор яратиш учун жуда катта куч, ундан ҳам кўп маблағ талаб қилинарди.

Тупроқшуносларнинг ҳисобига қараганда, бу атрофда яхши экинзор ерлар ҳам жуда кўп эди, ammo минг афсуски, бу ерлардан фойдаланишда катта хўжасизлик ҳоким эди. Экинзор ерларнинг ўртасигина ҳайдалар, чеккаларини ўт босиб, ҳашарот урчиб ётарди. «Эсизгина ерлар, уволгина ерлар,— дер эди Қудратов ич-ичидан.— Қани, шу ерлар Ўзбекистонда бўлсайди, бир қаричини ҳам зое кетказмай фойдаланардик!»

Текширишдан ўтадиган чегаранинг майдони торфхона бўлиб, ёқил-фиси олинган икки юз эллик гектар тайёр ер ишлатилмай бекор ётарди.

— Бизда бекорчи гектар «ер» йўқ! — деди у маҳаллий раҳбарларнинг бирини учратиб. — Торфли ерларда экин яхши ўсади. Сизларда «бекорчи» ер шундоқ кўпки, улар ишга туширилса, ҳатто дунё аҳлини боқгулик дон-дун, озиқа олинади.

Умуман, Қудратов топографлар белгилаб берган ерларни у бошидан бу бошигача неча бор пиёда кезиб чиқди-да, ер томиридан олинган «қон» намуналарини Тошкент лабораторияларига юборди. Тез орада текшириш натижаси ҳам етиб келди. Илмий текширишлардан ўтган намуналар уни, тупроқшуносларни жуда-жуда шод қилди.

— «Ўзбекистон» ерлари Иваново областида энг ҳосилдор ерлар бўлишига ишонаман! — деди уларнинг бошлиғи Қудратовга рапорт бериб.

Қидирувчиларнинг ишлари маромига етиб, ҳамма тадқиқотлар аниқлангач, Қудратов бўлажак совхознинг янги тайин қилинган директори Алексей Васильевич Кучинга йўлиқди.

Ота вафотидан икки ойча кейин Иваново-Вознесенскда дунёга келган Алексей Васильевич Кучин, унинг ўз ибораси билан айтганда, биринчи Советлар билан тенгдош бўлиб, совет даврида «Шу қишлоқ боласи»ликдан «шу қишлоқ рўзғорининг отаси» даражасига етди. Ер ислоҳоти даврида совет ҳокимиятидан олган еридан ёлчитиб ҳосил ололмаганди. Улови йўқ эди.

Колхоз тузилаётганда Алексей биринчи бўлиб ташкилот комитетига ариза кўтариб борди.

— Аризани сенга ким ёзиб берди? — сўрадилар ундан.

— Ўзим.

«Хатинг чиройлик экан» дедилар-да, уни ҳали ташкил топмаган идорага мирза қилиб қўйдилар. Унча катта бўлмаган коллектив якка хўжалик давридагидан кўра, анча яхши ишлар қилса-да, олдинга коллектив рўзғор тебратиш қийин бўлди. Унинг айтишига қараганда, йилига бир раис ўзгариб турди, раис бўлмаган одам қолмади. Охири, уруш олдиндан раис бўлган Алексей Васильевич ўз ўрнида муқим ўтирди. Қийин йиллар эди. Эркаклар урушга кетди. Алексей Васильевич «аёллар раиси» деган ном билан ишлади, шунинг учун у осон битадиган экинларни эктирар, аёлларни аярди: бошпананг борми-бор, қозонинг қайнаптими, қайнапти...

Алексей Васильевич ўттизта хуторга «хўжайин» эди. Унинг айтишича, хуторларда яшовчи деҳқонлар бир-бирларини олти ойлаб кўра олмасдилар. От-аравалар ҳам қишда қор босиб, ер музлаганидагина қатнарди. Ешларнинг асосий транспорти — велосипед эди. Баҳор ва кузда шаҳарга бормоқчи бўлган ёш-яланг катта йўлга чиққунча велосипедини елкасида кўтариб бориб, қайтишда ҳам кўтариб келарди.

Лекин Алексей Васильевич катта умидлар билан яшади. «Бизга ҳам навбат келади!». Мана, унинг умиди ушалди. Умумхалқ ҳашари бошланган кунларда Алексей Васильевич қуёшдан аввал уйғонадиган, ҳаммадан барвақт иш бошлайдиган бўлди. Чунки, унинг қуроқ ерлари яхлитлашадиган, хуторлари ўрнига агрошаҳарчалар қуриладиган, қий-шиқ ёғоч молхонаси замонавий чорва комплексига айланадиган, бир сўз билан айтганда намунавий совхоз қуриладиган бўлди. Кичик рўзғор қаёқда-ю, намунавий совхоз қаёқда! Сен энди давлат — кооператив мулки ва шахсий манфаатлар ўртасидаги воситачи эмассан, давлат одамисан!

Яқин келажак режалари уни кўп ўйлантирар ва бу ўйлари давомида унинг фикрлари ҳам бойиб борарди. Қудратов ўзининг янги сов-

хоз қурилиши ҳақидаги фикрни, намунавий совхоз ҳақидаги мулоҳазаларни баён қиларкан, Алексей Васильевичга шундай деди:

— «Ўзбекистон» совхозининг ерлари Ўзбекистон ерларидай ҳосилдор бўлиши ва бир қаричи ҳам «бекорчи» бўлмаслиги керак. Манави «бекорчи гектарлар»ни қаранг, бутун Россияни боқса боққудай майдонлар бекорга ётибди.

— Ноилож эдик-да... Кучимиз етмас эди-да,— жавоб қилди Алексей Васильевич.— Ёшлар қўлларидан иш келиши ҳамон шаҳарга кетиб қоладилар. Омоч-бўйинтуруқ менга ўхшаш чол-кампирлар елкасида эди.

— Ҳосилдорлик ҳам жуда паст экан...

— Пастликка паст,— деди Алексей Васильевич унинг фикрига қўшилиб.— Бўш қоп тик турмас экан. Ерларимиз тўйиб ўғит емайди. Ўғитни ҳаммаси қайтими келадиган жойларга — қоратупроққа, энг кўпи пахтакорларга юборилади. Сағизтупроқ ўғайроқ зона эди-да! Шунисига шукрки, энди бизнинг кўчада ҳам байрам бўлади...

— Тўғри айтасиз, Алексей Васильевич,— деди Қудратов суҳбатдошининг фикрига қўшилиб.— Давлат қўриқ ва бўз муаммолари билан банд эди. Мана энди навбат сизларга келди...

— Келганда қандоқ! Бир йўла катта тажриба, зўр қудрат билан келди. Совхозимиз посёлкалари сиз айтган даражада ўта замонавий қилиб қурилса, ўйлайманки, хуторларимизни ташлаб шаҳарларга кетган ёшлар ҳам қишлоққа қайтиб келади, шаҳарни мўлжаллаб турган ўсмирлар ҳам ўтроқ бўлиб қолади. Деҳқоннинг айна муддаоси шу эди-да!

Қудратов қидирувчиларнинг ҳамма материалларини жамлаб, лойиҳачилар отрядининг бошлиғига топширар экан, унга буюрди:

— Деҳқонларнинг орзусини эътиборга олган ҳолда лойиҳа тузинлар! Айтмоқчи Новгородда «Тошкент» совхозини лойиҳаловчилар билан ҳам алоқа боғлаб кўринглар, балки улар яхшироқ йўл топгандирлар.

— Бўлмасам-чи, улар билан ҳам гаплашиб турибмиз. Волгограддагиларнинг иши осон. Мирзачўл тажрибаси уларга қўл келади. Бизники бутунлай бошқа, биз учун эса бутунлай янги вазият... Россияда намунавий совхоз бўлгандан кейин лойиҳаси ҳам намунавий бўлади. Коллективимизнинг аҳди шундай!

— Омад тилайман!

Лойиҳачилар кундузни кундуз демай, ҳатто дам олиш кунлари ҳам лойиҳа устида ишладилар. Ниҳоят биринчи варианты тайёр бўлди. Аммо у кўпчиликка ёқмади.

— Жуда қиммат!— дедилар иқтисодчилар.

— Ҳашаматли, ортиқча зеб-зийнатга ўрин берилган,— дедилар архитекторлар.

— Маҳаллий қурилиш материаллари ҳисобга олинмаган,— дейишди қурувчилар.

Хуллас, бу вариант маҳаллий ҳокимиятга етиб бормай туриб рад этилди. Лойиҳанинг иккинчи варианты ҳам тайёрланди. Лекин маҳаллий ҳокимият хуш кўрмади. Унда ер ишлари кўнгилдагидек ҳал қилинган бўлса ҳам, совхознинг марказий шаҳарчаси, ишчилар яшайдиган уй-жойлари аксари икки қаватли, коттедж шаклида эди. Қурилиш материаллари сифатида маҳаллий қизил гишт, ёғоч-тахта, черепица назарда тутилганди. «Бизга ўз тажрибаларингиз намунаси ёқади. Мармар плитали иморатларни ҳавас қиламиз» дедилар.

Тез орада учинчи вариант ҳам пайдо бўлди. Бунда Янгиер тажрибаси Мирзачўлнинг дастлабки совхозларида қурилган бинолар таҳлитида Россия шароитига мосланган, совуққа чидамли, катта панелли уйлар, рус-ўзбек халқ зийнатига асосланган нақшли бинолар, ясли,

боғча, мактаб, савдо-маркази, клуб, почта, коттеджлар... икки томони гулзор, кенг кўчалар, ўртасида В. И. Ленин ҳайкали қад кўтарган майдон... акс этганди.

Бу лойиҳа маҳаллий ўртоқларга маъқул тушса-да, Қудратов ва унинг мутахассисларига ёқмади. Чунки, Мирзачўлда дастлаб совхоз ишчиларига қурилган бу хилдаги уйлар деҳқонни қониқтирмади. Номи совхоз ишчиси бўлгани билан бари бир у деҳқончилик қилади. Унинг моли, қўй-қўзиси, товуғи бўлиши турган гап. Совхоз деҳқони чорвасини, товуғини қаерда сақлайди?

Қўндаланг қилиб қўйилган бундай саволларга лойиҳачилар аниқ жавоб беролмадилар. Шундан кейин тўртинчи вариант пайдо бўлди. Бу лойиҳа Тошкентда тузилди. Унда ўртоқ Розиковнинг махсус фикрлари — икки халқ дўстлигига мос, келажакда ҳам ҳавас қилинадиган бинолар учун антиқа лойиҳа қилиш кераклиги алоҳида уқтирилганди. Лойиҳачилар кўп йиллик тажрибаларини ишга солиб янги вариантни тайёрладилар. Йигирма беш миллион сўмлик харажат кетадиган бу вариант ивановлик дўстларга маъқул бўлди. Тасдиқ учун Тошкентга юбордилар. Бу вариантда янги инженерлик ғоялари ўз ифодасини топган бўлиб, миллион кубометр ҳажмдаги сув омбори ҳам бунёд қилиш мўлжалланган эди.

— Жуда соз! Сув омборидан ҳам Ўзбекистон шабадаси анқиб туради! — деди Алексей Васильевич лойиҳа тўғрисида гапираркан. — Дўстлик шабадаси, меҳр-муҳаббат шабадаси... Энг муҳими, янги тилдаги уйлар!.. Бу уйларда яшовчилар ҳеч нарсадан муҳтожлик тортмайдилар...

Шу куни Қудратов номига Тошкентдан қизил ҳошияли телеграмма келиб қолди. Унда «лойиҳани ўз жойида кўриб чиқамиз. Розиков» дейилганди. «Розиковнинг ўзи келади. Ўз кўзи билан кўриб, ишонмагунча лойиҳа тасдиқланмайди, — деди Қудратов ташвишли оҳангда, — минг ўлчаб, бир кесади у одам! Ҳар бир одамнинг чиғириқдан ўтади. Шунча ишинг чиппаққа чиқмаса гўрга эди...»

Саккизинчи боб

II

Розиков самолётдан туша солиб, Қудратовни маҳкам қучоқлади-да, эски қадрдонлардай сўраша кетди:

— Омонмисиз? Чарчамай ишляпсизларми? Йигитларингиз қалай? Сизларга Ўзбекистондан салом! Айниқса, сизга махсус саломлар — ҳам дўстларингиздан, ҳам оилангиздан. Отажондан алоҳида салом! Ҳаммаси сихат-саломат. Улар сизга омад тилаб қолишди.

Қудратовнинг назарида Розиков сира ўзгармагандай! Уша қувноқлиги, ўша меҳрибонлиги ва ўша дилкашлиги ҳамон бирдай. «Болачақамдан ҳам хушхабар олиб келибди бу одам. Барака топсин. Отажонни ҳам тилга оляпти... Яшасин!..» деб кўнглидан ўтказди-да, Қудратов ҳам ўз навбатида раҳбарнинг самолётда қандай келгани ҳақида сўради. «Яхши!» деди у қувноқ оҳангда. Розиковнинг қувноқ кайфиятидан ҳам маълум бўлдики, у йўлда чарчамаган ва ҳозирнинг ўзида яна ҳар қанча хизматга тайёр эди. Қудратов ҳозир «Ўзбекистон» совхозини қурилиши ҳақида ҳисоб сўраб қолади, деб турганди, йўқ, одамларнинг кайфият, ишларини суриштира бошлади.

— Ҳозирча тўрт районда ишляпмиз, — деди Қудратов.

Розиков зимдан Қудратовга кўз ташлади. Унинг кўзига бу тиним билмас одам анча озгандек кўринди. Аммо унда ҳорғинликнинг зарра-

ча нишонасини ҳам сезмади. У аввалгидай жисмонан тетик, руҳан бардам эди.

Намунавий совхозлар қурилишининг лойиҳалари тузилиб, тегишли жойларда тасдиқдан ўтгунча Қудратов ўз одамларини мелиораторларнинг шаҳарчаларини қуриш, кенг кўламда бошланадиган мелиорация ишлари учун базалар яратиш мақсадида областнинг турли район ва шаҳарларига тарқатиб юборган эди.

Улар билан Қудратов кунига неча бор телефон, рация орқали гаплашиб турар, кунда бўлмаса ҳам ҳафтада бир ҳамма объектни бориб кўрар, ишларининг икир-чикирларигача ўз назоратидан ўтказмаса тинчимасди.

Катта бир колонна Шуяга жойлашганди.

— Аввал Шуяга борайлик, — деди Розиков.

— Йўли олис, бир оз чой ичиб олинг, ўртоқ Розиков, узоқ жойдан келдингиз, — Қудратов таклиф қилди.

— Раҳмат, мен самолётда тўйиб олдим. Узингиз...

— Мен яқинда тушлик қилувдим.

— Шоферингиз-чи?

— У ҳам.

— Ундай бўлса, бошланг!

Улар ташқарига чиққанларида Набижон самовсал кабинасининг эшигини катта очди-да, Розиковнинг олдига югуриб келди, қуюқ салом бериб, қўлидан кичик чемоданчасини олмоқчи бўлди.

— Мумкинми?

— Раҳмат, Набижон, керакли тошнинг оғири йўқ, — Розиков самовсалнинг кабинасига кириб чемоданчасини тиззасига қўйиб олди.

Қудратов чаққонлик билан кузовга сакраб чиқиб олди. Улар йўлга тушдилар. Розиков йўлнинг икки бетига қараб борарди. Бепоев ўтлоқлардан иборат далалар зерикарли бир хилликдан иборат эди: на дарахт кўринади ва на чорва. Яна бирмунча йўл босилди: гоҳ ўрмон, гоҳ кўл, гоҳ балчиқзор, узундан узоқ бутазорлар...

— Мана шу ерларни ўзлаштириш Раҳматов колоннасига топширилган, — деди Қудратов кузовдан кабинага энгашиб. — Шуяга қарашли.

Набижон шаҳарга яқин жойда машинасини чапдаги тупроқ йўлга бурди. Унинг машинаси ортидан сағизтупроқ кўчиб, осмонга кўтариларди. Кўчани чангитиб бораётган самовсал плиталар билан ўраб олинган қўрғон дарвозаси олдида секинлаб тўхтаб экан, унинг орқасидан эргашиб келаётган чанг машина ойналарига ёпирилди. Шу пайг қўрғон ичидан ўзбек куйларининг майин садоси эшитилди.

Ўзбекистонлик қурувчиларнинг механизациялашган олтинчи кўчма колоннаси жойлашган бу қўрғон майдончаларида бирданига беш-олти хил иш бажариларди. Яъни, темир-бетон конструкциялари заводи қурилиши, ер захини қуриши техникасини ишга шайлаш, сув чиқариш ускуналарини жиҳозлаш каби ишлар борарди. Механизаторлар ўз жойларида техникани созлаш билан банд бўлсалар ҳам қурувчиларнинг ишлари сира силжимаётгандай эди.

Розиков билан Қудратов бетон девор дарвозасидан кира солиб машинадан тушдилар-да, завод қурилаётган майдонга йўл олилар. Уларни бош инженер Раҳматов кутиб олди. У тажанг, нимадандир норози, хафа кўринарди. Айрим қурувчилар беиш, ашула айтиб ўтирардилар. Розиковни кўриб ҳамма ўрнидан турди. Розиков улар билан қўл бериб илиқ кўришиб олгач, сўради:

— Нима гап?

— Нима гап бўларди, ҳамон эски касаллик, — деди Раҳматов. — Новгороддаги ҳамшаҳарларимиз темир-бетон плиталари полигонини

битириб қўйишяпти. Улар ҳадемай ўзларини ўзлари таъмин қила бошлайдилар. Биз депсиниб ётибмиз...

Розиқов зимдан Қудратовга қараб қўйди. Қудратовнинг айтишича, бу «эски касаллик»нинг авж олганига ҳам олти ой бўлганди. Мелиорация ишларининг саноат базаси бўлиб хизмат қиладиган завод қурилиши шу йилнинг ўзида мелиораторларга маҳсулот бериши керак эди.

Розиқов, сиз нима дейсиз, дегандек Раҳматовга қаради.

— Шуя шароитида қурилиш учун вақт кам,— деди Раҳматов.— Ҳар бир кун ва соат ғанимат. Лекин темир йўлчиларимиз қурилиш материаллари ташиб келишда бу ернинг шароити билан ҳисоблашмаяптилар.

Мазкур қурилишга темир конструкциялари Чиноз, Оҳангарон, Жиззах заводларидан келтирилиши лозим. Буни Розиқов яхши биларди. «Ётиб келмадим?» деб сўради. Раҳматовнинг қўлидаги телеграммаларда: «Юбордик», «Жўнатилди», «Ўтган куни вагонга жойланди» деган телеграммалар қат-қат. Аммо материаллардан дарак йўқ. Нега? Маълум бўлишича, темирйўлчилар Ўзбекистондан жўнатиладиган вагонларни аввал бир жойга тўплаб, катта состав ташкил қилгандан кейингина юборар эканлар. Бу ерда иш тўхтаб, одамларнинг жиғибийрон бўлишлари билан уларнинг сариқ чақалик ишлари йўқ. Раҳматовнинг таъбини тирриқ қилган кўнгилсиз ҳодиса шу эди.

Розиқов бу йигитни яхши танир эди. Раҳматов азалдан жонкуяр одам. Унинг ёшлиги Тошкентда ўтган, бошланғич таҳсилни ҳам, олий таълимни ҳам Ўзбекистон пойтахтида олган. Аммо хизматни узоқ жойда — Қарши чўлида бошлаганди. Унинг асл мақсади ҳам шундай эди. Темир йўл инженерлари институтини битираётганида ундан «Қаерда ишламоқчисан?» деб сўрадилар. Тақсимот комиссиясининг бу саволига у қатъий қилиб — чўлда! — деб жавоб берди.

«Темирйўлчи чўлга бормоқчи...» деб ҳайрон бўлдилар. Уша вақтда республикада ўзлаштирилаётган чўллар озмунча эмас эди. Мирза-чўл, Ёзёвон чўли, Қарши чўли, Жиззах чўли, Қорақалпоқ чўллари... Раҳматов ана шу зарбдор фронтларнинг харитаси, схемасини ҳам чўнтагида сақларди. У ана шуларни комиссия столига қўйди. Раис унга табассум билан боқди-да:

— Шу чўлларнинг қайси бирига йўлланма берайлик? — деди.

Раҳматов аввалдан ўйлаб, дилига жо қилиб юрган мақсадни айтди.

— Фақат Қарши чўлига!

Уша вақтда Қарши чўлида янги, яна бир «пахта кони» яратилмоқда эди. Раҳматовнинг нияти ана шу жойда жонбозлик кўрсатаётганлар қаторида бўлиш, Ватанимизни момиққа бойитиш ишига хизмат қилишдай олижаноб ният эди. Бундай мақсадни ким ҳам эътиборсиз қолдиради, дейсиз. Шундай қилиб у Қарши чўлларини ўзлаштирувчилар сафига қўшилиб олди.

Ҳозир Ульянов районида доврўғ солган ўн тўртинчи совхознинг тарихи Раҳматов номи билан боғлиқдир. Бу совхознинг чегарасига ҳам, бўлажак марказий шаҳарчаси ўрнига ҳам биринчи қозикни шу киши қоққан. Кейин охириги икир-чикирларигача қўлдан чиқарди, ҳатто ўзлаштирилган ерларнинг биринчи ҳосилини кўтарди ва «Мана энди бу ёғи сизларга, қолган жойидан давом эттираверинглар!» деб тайёр совхозни хўжайинларига — пахтакорларга топширди-да, ўз юртидан яна олисроққа, янги қўриқ очишга жўнади.

У келиб кўрдик, бу ерларда иш мутлақо бошқача. Қақраб ётган жой йўқ. Аксинча, чакалакзорларни йўқотиш, ботқоқликларнинг сувини қочириб керак. Бунинг учун ер ости дренажи қуриш лозим бўлади. Қанчадан-қанча сопол қувурлар керак. Шунча қувурни Ўзбекистон

ўз вақтида етказиб бера оямасди. Демак, сопол қувурлар ишлаб чиқарадиган завод керак эди.

Раҳматов қураётган заводга биргина Шуя эмас, бутун Иваново мелиораторлари кўз тикиб турардилар. Талаб катта, буюртма кўп! Шошилганда лаббай топилмас, деганларидай шундай долзарбда керакли қурилиш материаллари етишмасди. Шу боисдан қурилиш тўхтаган, бинобарин, бутун бошлиқ қурувчилар бригадаси бекор қолганди.

— Ҳаваскорлар труппасими, қурувчилар бригадасими бу?! — деди Розиков Қудратовга ашулани ваданг қилиб ўтирган йигит-қизларни кўрсатиб.

— Материал кутиб турибдилар.

— Қачонгача кутади? Ойлик ҳисоботга концерт программасини илова қиласизми? Материал йўқ бўлса бошқа ишга ташланг буларни.

— Эртага ҳам товар станция жавоб қилмаса, буларни дарахт кўчиришга юбораман.

Қудратов атрофга бир қараб олди-да, завод қурилиши майдони кўзига чалинди ю Раҳматовга:

— Буларга ҳозирни ўзида иш топиб бераман, — деди ва буюрди: — панель заводи қурилиши котлованига бошланг буларни.

Панель заводи қурилиши Раҳматовнинг келаси йилги режасида эди. Шунинг учун у елкасини қисди.

— Лойиҳаси Тошкентда-ку.

Қудратов «конструктор» деб аталмиш қора папкасини очиб, ичидан керакли ҳужжатларни олди-да, Раҳматовга узатди.

— Мана бунда, ҳозирча одамларга лойиҳа иш топилади.

— Одамларни шунчаки овора қилиш экан-да.

— Бошлиғингизни фикри маъқул, ўртоқ Раҳматов! — деди Розиков гапга аралашиб. — Одамлар бу ерга иш қилгани келганлар. Уларни бекор қолдириш яхшимас, қолаверса, жиноят. Негаки, бекорчилик кишини зериктиради. Зерикдими, тамом, шиша қидиради. Демак, шишадан келадиган оқибат ўзингизга маълум...

Раҳматов раҳбарга бирон сўз демади, ўзича янги объект котлованида қилинадиган ишни фойдасиз, деб билса ҳам қурувчилар бригадасини ўша жойга бошлаб борди. Келаси йил қурадиган панель заводининг ўрни ҳозирги қурилишнинг шундай биқинида бўлиб, шаҳар ташландиқлари остида кўмилиб ётарди. Бунинг устига Раҳматовнинг қурувчилари ҳам бу жойга озмунча чиқинди ташламагандилар.

Буни кўриб Розиковдан уялган Қудратовнинг тепа сочи тикка бўлди.

— Бир ишни икки иш қилибсизлар-ку! Ўз ахлатларингизни ўзларингиз тозаланглар, эртага котлованга экскаватор соламиз!

Одамлар котлованда иш бошлагач, Розиков бош инженерни бир чеккага тортиб, секин, мулойим оҳангда, ачитиб деди:

— Мен сиздан буни кутмаган эдим. Бизга миқёс ва миқдор билан бирга иш маданияти ҳам керак. Жуда-жуда керак! Иш маданиятидан яхши сифат туғилади.

Раҳматов умрида биринчи марта ўқитувчисидан таъна эшитган шогирддай қип-қизариб, жимгина турарди. Розиков унинг ҳолатини сезгач ҳеч гап бўлмагандай қўлтиқлаб олди-да, ишчилардан бир оз узоқлашгач, навбатдаги топшириқларни баён қилди:

— Келаси йилни кутиб ўтирмай қурилишни бошлаб юборавering.

— Лекин... кечирасиз, қайси куч, қайси материал билан?

— Ҳаммаси бўлади, — деди Розиков, — Тошкентдан студентларнинг бир минг икки юз кишилик отряди келяпти. Ҳазилакам куч эмас!

— Бизга бугун келиб, эртага кетадигандардан бўлмаса... Шундайлар бўлсаки, биринчи завод битгунича бирга ишлашсак!..

— Чекингишга тушганини оласиз,— деди Қудратов лўқма ташлаб,— Коҳмага бориб студент отрядларининг ишини бир кўриб келинг, ҳавасингиз келади! Газета ўқимайсиз, шекилли?

Раҳматов бугунги марказий газеталар тугул мақола эълон қилинган Иваново область газетаси «Рабочий край»ни ҳам кўздан кечиролмаганиди. Қудратов ўша газетани Раҳматовга тутқизди.

— Мана бунини одамларингизга баланд овоз билан ўқиб беринг. Айтиб қўяй, Ҳамид Ҳакимовичнинг ишлари ҳам сизникидан яхши боряпти. Унда ҳам студентлар ишляптилар.

Қудратов ора-чорада ўзининг асосий мусобақадорлари деб билган новгородликларнинг, волгоградликларнинг ишлари билан ҳам қизиқиб турарди. Уларнинг ютуғи, қийинчиликларидан беҳабар қолмасликка уринарди. Қийинчилик-ку, ҳамма жойда бор, лекин уларнинг муваффақиятларидан хабардор бўлишни истар, Новгородда ишлаётган ҳамшаҳарларидан орқада қолмасликка ҳаракат қиларди. Марказий газеталарда бу ҳақда материал жуда кам босиларди, босилганда ҳам уч-тўрт йўллик хабардан иборат бўларди. Радиога ҳам уларнинг ишлари онда-сонда, сўнгги ахборотда хабар қилинарди. Шундай бўлса ҳамки, Қудратов ўша йўл-йўлакай берилган маълумотлардан ўзига лойиқ хулосалар чиқариб оларди.

«Кўзларингни очинглар, биродарлар,— дерди аъзоларига,— Новгороддагилар биздан кўра соз ишляптилар экан. Улар «Наманган» деб аталмиш кўчани битириб қўйибдилар...»

«...Ҳей, Бойбеков, эшитдингми, Новгороддаги ҳамкасбларинг «Тошкент» совхозига қураётган мактаб биносининг пойдеворини ҳам тиклаб қўйганмиш...»

«...Раҳматов, кўзингни оч, Новгороднинг Шимскида ер очаётган ўртоқларинг сендан ўтиб кетишипти. Бунини қара... Бугун келган «Совет Ўзбекистони» газетасини яхшилаб ўқиб чиқ. У ёғини ўзинг биласан!..»

Новгороддаги ўзбек мелиораторларининг бошлиғи Йўлдошев ҳам Ивановода касбдошлари қилаётган ишлардан хабарсиз қолмасди. У тез-тез Тошкентга телефон қилиб қудратовчиларнинг ишлари билан ўз кўрсаткичларини солиштириб турар, бирор соҳада орқада қолса ёки уларда бирор муҳим тажриба пайдо бўлса, дарҳол шу ҳақда министрликдан маълумот олар, унга ҳеч қаноатланмай, Қудратовнинг ўзига телефон қиларди. Қудратов, бундай вақтларда имконият борича ишларидан маълумот бериб, Йўлдошевдан ҳам кўп нарса сўраб оларди.

— Набижон, кўпдан бери Йўлдошев телефон қилмай қўйди. Газеталарни ўқишга ҳам вақтим бўлмади. Сенда вақт беҳисоб. Биламан, кўп ўқиб, радио тинглайсан. Бундан буён ҳамшаҳарларимизнинг бошқа ерлардаги ишларидан мени огоҳ қилиб тур!— дерди Қудратов.

Набижон бошқарма идорасига келадиган ҳамма газеталарни бўш қолди дегунча ўқиб чиқар, ундан ўзига керакли материалларни қидирарди. Янги гап бўлса хўжайинига айтарди. Бундан ташқари, у радиоприёмниги орқали дунё воқеаларидан хабардор бўлиб турарди.

— Бизнинг ўзбек мелиораторларимиз Афғонистонда жуда катта галаба қилибдилар,— деди у кўнларнинг бирида Қудратовга.

— Қаерда ўқидинг?

— Радиодан эшитдим. Подишо даврида америкаликлар Қандаҳордаги ерларининг йиғирма йиллик умрини бекорга ўтказган экан...

— Тағин нималар эшитдинг?

— Африкада ишлаётган мутахассисларимизни ҳам мақтаб гапирди.

— Биламан, аканг Кенжа Ҳакимов ўша ёқда ишлайди. Ушандан хат олдингми?

— Хат келмаганига кўп бўлди. Москва радиоси анголаликларнинг

сўзини эшиттирди. Шунини таржимасидан билиб олдим. Совет Ўзбекистонидан борган мутахассислар Анголада пахтачиликни ривожлантиришда ажойиб ишлар қилишаётган экан. Ана, одамгарчилик! Бундан қувонмай бўладими!

— Жуда яхши.

— Уша эшиттиришни магнитофонга ёзиб олдим.

— Нима учун?

— Керак бўлган жойда қўйиб бераман. Негаки, баъзи бир кўрнамакларга калтак бўлади: уларни — ана, кўрдингми, Анголадек оғир жойларда юртдошларинг қахрамонлик намуналарини кўрсатяпти, сен нега шундай жойда, оилангни бағрида турсанг ҳам ношукрчилик қиласан, деб тузлайман.

Гапга қулоқ солиб турган Розиков хо-холаб кулиб юборди.

— Яхши агитатор экансиз.

— Қойилман, сенга Набижон, миянг нақ академиянинг ўзи! — деди Қудратов ҳам кулиб.

Набижон ўз бошлиқларидан шундай мақтов эшитгани учун беҳад шод эди.

II

Қудратовнинг назарида Розиков Шуядаги ишларнинг боришидан норозидай эди. Ҳамиша юзидан табассум аримайдиган бу одам айниқса Раҳматовнинг ишларини кўриб, ташвишга тушганлиги билиниб турарди. Қудратов ҳеч вақт Розиковни бундай ҳолатда кўрмаганди. Розиков ҳақиқатан ҳам ташвишда эди. «Биз материалларни юбораверимиз у эгасига етган-етмаганини суриштирмабмиз. Қанчадан-қанча юк йўлда...» ўйларди у.

— Бошқа объектларда ҳам аҳвол шундайми? — сўради Розиков Қудратовга юзланиб.

— Темир йўлчиларнинг муомаласи ҳамма ерда бирдай...

Унинг бу жавобини эшитгач, Розиков нималарнидир ўйлаб бир оз жим бўлди-да, яна сўради:

— Раҳматовнинг телефони борми?

— Бор, лекин фақат трест билан гаплашиш мумкин.

— Шаҳар партия комитетига бошланг, бўлмаса.

Қудратов соатига қаради.

— Иш соати тугади. Ҳамма кабинет ўн саккиз-у ноль-нолда беркитилади.

— Навбатчиси бордир. Юринг, шаҳаркомга кирамиз.

Шаҳар партия комитетида қоровул билан навбатчидан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Розиков навбатчига юқори партия органи томонидан берилган ҳужжатини кўрсатиб, қўнғироқ қилиб олиш учун рухсат сўради. Навбатчи унинг камтарлигига қойил қолиб, хижолат чекди-да, аппаратга бошлади.

— Марҳамат, ўртоқ Розиков!..

Розиков навбатчи рўпара қилган стулга ўтириб, аввал Тошкентга, кейин Ивановога, қурилиш материаллари юборадиган область ва шаҳарларга қўнғироқ қилди. Унинг ҳаммага айтадиган гапи битта эди: «Биродарлар даласига юбориладиган материаллар етиб келмапти. Қим айбдор?»

Кейин у Москва, Темирйўллар министри билан боғланди.

— Ноиложликдан ўзингизга қўнғироқ қилияман, ўртоқ министр! — деди Розиков. — Энг муҳим ва шошилинч юқларимиз Ўзбекистон — Иваново оралиғида аросатда етибди. Турғисини айтсам, кўп хайрли ишга темирйўлчиларингиз тўсиқ бўляптилар. Очигини айтсам, умидимиз катта эди...

Розиқов телефонда министрнинг мулоҳазаларини эшитгач, «Яна қанча вақт кутайлик?» деди. Сўнг жим қолди. Чамаси министр марказий диспетчерликдан юкларнинг қаердалигини аниқламоқда эди. Бир оздан кейин Розиқовнинг чеҳраси ёришиб, Қудратовга юзланди:

— Юкларни тез бўшатиб олишга шайланиб туринглар! — деди. Кейин шаҳарком навбатчисига раҳмат айтиб йўлга отланди. — Энди мелинаторларнинг ётоқларини кўрсатинг.

— Бугун улгурмаймиз! — деди Қудратов узр сўраб.

— Нега?

— Чунки, Раҳматовнинг одамлари шаҳарликларнинг уйларига бўлинган. Бошқа колонналарнинг ётоқлари жуда олисда.

— Бўлмаса штабингизга бошланг, режаларингиз билан танишамиз.

Қудратовнинг назарида Розиқов бояги уюшқоқсизликдан қаттиқ хафа кўринарди. Нима билан унинг кўнглини олса экан? Айтарлик, мақтанарлик иши ҳам йўқки, кўрсатиб қувонтирса. Қилинганидан кўра қилинадигани кўпроқ. Розиқовни кўпроқ ана шу қилинажак ишлар қизиқтирса керакки, штабга бориб режалар билан танишмоқчи бўляпти. Нега бу одам «Ўзбекистон» совхозни қурилиши лойиҳасини эсламаяпти? Нима бўлди экан, уни бутунлай чиппака чиқардимикан?

Розиқов Шуядан Ивановога қайтиб бораркан, кўпроқ Қудратовнинг мулоҳазаларини эшитар, ўзи жуда кам гапирарди. (Самосвални Қудратов ҳайдаб борарди.) У Розиқовга Иваново областида трест бошлаган ишларнинг кўлами ҳақида, шулардан нималар қилинди-ю, нималарни қилиб улгурмаганликлари ҳақида гапириб берди. Гапининг охирида «кучимиз етишмаяпти» деди. Унинг ҳамма гапини эътибор билан тинглаган Розиқов луқма ташлади:

— Шуядаги аҳволга қараганда ишчи кучи етарли, ҳатто ортиқча.

— Темир йўл панд бериб қўймаганда бундай бўлмасди.

— Айтайлик, эртагаёқ яна бир-икки минг одам етиб келади. Уларга иш топиб бера оласизми?

— Лермонтовда, Кохмада шаҳарча қурилишларини бошлаб юборганмиз. Ҳар қанча одамга иш топилади.

— Уларни қаерга жойлайсиз? Ётоқларингиз тайёرمи?

— Шу масалада Қудимов билан ўзингиз гаплашиб берсангиз.

Шаҳарликлар бошпанамиз битгунча ётоқ топиб беришса.

— Қудимовга яна қандай илтимосингиз бор?

— Ўзи ҳам ҳар қандай ёрдамни аямаслигини айтади. Уни илтимослар билан безовта қилишга ийманаман. Негаки, биз ҳашарга келганмиз, эркалик қилолмаймиз.

— Маъқул. Хизмат — беминнат бўлиши керак.

Улар шаҳарга кирганларида орқаларидан устма-уст сигнал бориб Қудимовнинг машинаси етиб келди. Тўхтагач, Қудимов кабинадан чиқди-да, тезлаб Розиқовнинг олдига юрди. Улар қучоқлашиб кўриша кетдилар.

— Минг бор узр, олисда эдим. Жанжалли иш бор эди. Келганингиз ҳақида кейинроқ хабар топиб қолдим.

— Ҳеч кимни овора қилгим келмади, — деди Розиқов.

— Мен ҳам самолёт келиб қўнганда хабар топдим, сизга дарак беришга ҳам улгурмадим, — деди Қудратов узр сўрагандай. — Аэропортдан тўппа-тўғри Шуяга йўл олдик.

— Менга ҳам Шуядан хабар қилишди. Эшита солиб бу ёққа йўл олдим, — деди Қудимов Розиқовга табассум билан. — Қани юринглар, ўша ёқда гаплашамиз. Сухбатингизни соғиниб қолганман.

Қудимов билан Розиқов эскидаң таниш эдилар. Улар Тошкентда неча бор учрашиб, суҳбатлашиб қадрдон бўлиб қолган эдилар.

— Областимизнинг азиз меҳмони бўласиз,— деди Қудимов Розиковни обком меҳмонхонасига бошлар экан. Розиков чин дилидан раҳмат айтиб, камтарона эътироз билдирди:

— Меҳмон эмасман, бу ёққа хизматга келганман. Буюринг, холис хизматга тайёрмиз!

— Ўзбекларнинг меҳмондўстлигини кўп кўрганман,— деди Қудимов,— уларни дастурхон атрофига таклиф қиларкан.— Лекин биз минг уринсак ҳам дастурхонимизни ўзбек дастурхонидай тузолмаймиз.

Оқшом. Дастурхон тузаб, сут-қатиқ, енгил-елпи таомлар қўйилганди.

— Мен севадиган таомлар экан,— деди Розиков стакандаги қатиққа қараркан.— Иваново сут-қатигини Қудратов жуда мақтаган эди. Айтганидан ҳам зиёда экан.

Дастурхон атрофида бўлаётган суҳбат Иваново ерида қурилажак «Ўзбекистон» совхозининг марказий шаҳарчаси ва сут-қатиқ фермаси комплексига келиб тақалди. Уша қурилишларнинг бош лойиҳаси хусусида гап очилганида эса, Розиков:

— Лойиҳани бўлажак қурилиш майдонида кўриб чиқсак. Вақтингиз бўлса бирга борайлик,— деди Қудимовга мулойим боқиб.

Қудимов ҳам шу таклифни кутиб тургандай мамнун кулимсиради. Улар ҳазил-мутойиба билан соатларини Иваново соатига тўғрилаб олдилар.

III

Қудимов эрталаб айтган вақтида етиб келди. Розиков билан Қудратов аллақачон ювиниб, кийиниб, нонушта қилишга ҳам улгуриб, шай турган эдилар. Салом-аликдан кейин Қудимовнинг «Газик» машинасида йўлга жўнаётган эдиларки, Набижон бир тугунча кўтариб келиб, «Газик»ка солиб қўйди-да, Қудратовга шивирлади:

— Йўлда керак бўлади. Надежда тайёрлаб берди. Термосда қайноқ чой ҳам бор.

Машинанинг олдига Қудратовни ўтқаздилар-да, Розиков билан Қудимов йўлакай суҳбатлашиб кетамиз, деб орқа ўриндиққа ёнма-ён жойлашдилар. Ҳақиқатан ҳам жуда кўп муҳим масалаларни йўлда пишириб олдилар. Розиков Тошкентдан келаётган ҳашарчи студентларни ётоққа жойлаш ташвишида эди. Қудимов йўл-йўлакай ётоққа арзийдиган иморатларни кўзлаб борарди. У йўл бўйидаги бир иморат олдида тўхтади. Бу иморат солдатларнинг казармаси бўлиб, унда жойлашган бўлинма бошқа ерга кўчмоқда эди. Шаҳар раҳбарлари маҳаллий саноат бошқармаси вакилини топиб, бинони тезроқ бўшатиб, Қудратов ихтиёрига яхшилаб сошлаб беришларини тайинлади.

— Буёғини ўзимиз қиламиз!— деди Розиков ва уни ётоққа мослаб ремонт қилишни Қудратовга юкледи.

Улар «олтин ҳалқа» деб ном олган қадимги рус шаҳарларини бир-бировига боғловчи эски йўлда суҳбатлашиб борардилар. Суҳбат шундай қизиқ эдики, кўчанинг ўнқир-чўнқирлиги, машинанинг силкениши ҳам сезилмасди. Силкенишларнинг бирида Розиков бошини кузовнинг соябон брезентига уриб олди. Шу вақт машина ойнасидан «Ўзбекистон» деб ёзилган кўрсаткич кўзга ташланди.

— Машинани тўхтатинг!— деди Розиков шоферга.

— Нима бўлди, бошингиз ёмон тегдими?— Қудимов энтикиб сўради, кейин шоферни койиди:— Кўзингга қараб юрмайсанми!

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ, шу чорраҳада ишим бор эди,— деди Розиков машинадан тушаркан. Кейин у ҳамроҳларини ҳам пастга таклиф қилди.

Ҳамроҳлари ҳам унинг ёнида жам бўлгач, Розиков уларни дарахтлар қуршовидаги чорраҳанинг кунгай, кенг бағирли дўнглик жойига бошлади. Дўнгликдан тўрт томон кафтдек кўриниб турар, йўл узоқ-узоққа лентадай чўзилиб кетганди.

— Мана шу жойга намунавий чойхона қурамиз. Миллий меъморчиликнинг замонавий намунаси бўлади бу...

Бу фикр ҳамроҳларига ҳам маъқул тушгач, Розиков машинада турган папкасини қўлига олиб, ичидан бўлажак чойхона макетининг фотосини топди-да, уларга кўрсатди: «Макетини меъморларнинг ўзлари олиб келадилар. Менимча, шу чойхона бу жойга узукка кўз қўйгандай ярашишлиқ бўлади». Чойхона макетининг фото-сурати Қудратовга Тошкентдаги Ленин проспекти хиёбонида қурилган кўк гумбазли чойхонани эслатса-да, ундан ҳайбатлироқ, кўркемроқ эди. Кудимов уни эътибор билан кўздан кечирди ва Самарқанднинг яшил гумбазларини, Хиванинг нақшларини эслади.

Ҳа, «олтин ҳалқа»нинг замонавий кўрки бўлади бу!

— Кабобпазлик... Э-ҳе, ошхона, нонвойхона-ю сомсапазлик тандирларигача бўларкан.— Қудратов қўшимча қилди макет фотосига кўз ташлаб олгач.

— Шу ерда бир ўзбек бор,— деди Кудимов.— Баъзан йўл бўйида кабоб пишириб сотади.

Розиков, ким у; дегандай дарҳол Қудратовга қаради-да, жавобини кутмай сўради:

— Сизнинг одамларингизданми?

Қудратовдан олдин Кудимов унга жавоб қилди:

— У одам бу ерда кўпдан яшайди. Исми Бой ота. Яқинда ўз қишлоғига кетиб қолганди, яна қайтиб келди. Нега, десам, «Кўрмайнам, куймайнам», дейди-ю, бошқа гап айтмайди.

Розиков Қудратовдан «Танийсизми?» деб сўраган эди, у ийманibroқ бўлган воқеани айтиб берди.

— Қишлоғига бориб, ўз уйини қидирибди. Уйининг ўрнини зўрға топибди.

— Бузилиб кетган эканми?

— Ўрнида ички-ташқи, болохонасию сарой дарвозаси билан ҳашаматли уй қурилганмиш. Сарой дарвозасидан енгил машиналар кириб-чиқиб турганмиш.

— Қолхоз идораси эканми?

— Қаёқда. Раис данғиллама уй қуриб олганмиш. Ҳамма фарзандларининг енгил машинаси бор эмиш. «Мени бир от, қўш ҳўкиз билан ички ташқили ҳовлим учун ўша раиснинг ўзи қулоқсан, деб Россияга сургун қилган эди» дейди. Хуллас, «Шуми ҳақиқат?» дебди-да, қайтиб келибди.

Розиков бир оз индамай турди-да, сўради:

— Бола-чақаси борми?

— Икки ўгли торфда ишлар экан, ҳозир Бойбековнинг қурувчиларига қўшилиб олишди. Ўзи, хотини пенсия олишади.

Розиков яна жимиб қолди. Бир оздан кейин: «Қани, борайлик, вақт ўтяпти», деди. Бўлажак совхоз марказига ҳали йўл тушмаганди. «Газик» ёлғиз арава йўлдан гоҳ лойга, гоҳ балчиққа ботиб, зўрға бир дўнгликка чиқиб олди. Дўнгликдан тўрт томон баралла кўриниб турарди. Розиков дўнгликнинг қоқ устига чиқди-да, ҳар томонга суқланиб разм солди. Бир томонда қалин ўрмон қорайиб кўринса, иккинчи томонда яшил ўтлоқлар барқ уриб турибди. Тепаликнинг атрофида эса торфи қазиб олинган майдон, сал нарида балчиқзорлар билқиллаб турарди.

— Совхоз маркази шу ерда бўлади,— деди Қудратов.

— Яхши жойни танлабсизлар,— деди Розиков атрофига яна бир кўз ташлаб,— суви Волгадан келадими?

— Анави эски канал орқали Волгадан келади. Газни Иваново беради. Электрни қўшни райондан олиб келамиз.

— Канализация оқоваси қаёққа тушади?

— Бир тош нарида бепоён балчиқзор бор.

— Бўлажак сув омбори қуриладиган жойни айтяпсизми?

— Сув омбори шимоли-ғарбда, бояги чойхона майдонига яқин жойда қурилади.

Кейин у бармоғи билан ҳар жой-ҳар жойга ишора қилиб, турли-туман қурилиш майдонларини кўрсатди.

— Қурилиш материаллари масаласи?..

— Ғиштни Лермонтов шаҳарчасидан оламиз. Бошқаси Ўзбекистондан келади.

— Келади эмас, келяпти. Қайтиб бора солиб қўшимчаларини ҳам юбортираман. Қурувчиларнинг янги-янги отрядлари ҳам тез орада кела бошлайди,— деди Розиков.— Кейин у Кудимовга юзланди.— Лойи-ҳа билан танишган экансиз. Сизга маъқулми?

Кудимов мамнун оҳангда жавоб қилди:

— Бюро аъзолари билан синчиклаб қараб чиқдик. Бир оғиздан маъқул ва манзур! Бу ўртада бунёд қилинадиган ягона иншоот лойиҳаси бу! Фақат қимматроқмикин? Йигирма беш миллион!

Розиков кулимсираб, деди:

— Арзон гўштнинг шўрваси татимас, деган ўзбекча мақол бор.

— Биламан,— деди Кудимов севиниб.— Миллион рақами пахтакорлар оғзининг бир четидан чиқади. Пиру бадавлат одамларсизлар.

— Ҳамма жойда ҳам тош-тарозу бор, қадрли дўстим, биз ҳозирча республика бюджетидан Ивановога юз миллион сўм маблағ ажратдик. Шунга яраша техника, материал.

— Юз миллион! Ҳазил гап эмас-да!

— Биринчи Советлар диёридан ўзбеклар ҳеч нарсани аямайдилар!— деди Розиков унинг сўзини қувватлаб.— Жонини ҳам!

Кудимов бир сўз демай уни маҳкам қучоқлади.

Ва Розиков ҳам...

«Юз граммдан ичиб юборадиган пайт келди» деди-да, Қудратов боя Набижон машинага ташлаб қўйган тугунни очди. Унинг ичида пазанда аёллар ҳавас билан тайёрлаган гўштли, карам, картошқали, ҳатто олма-ўрик солиб пиширилган сомсалар бор эди. Ичкилиги йўқмикин, деган хаёлда тугунни яна титкилаб кўрди, аммо термосдаги чойдан бошқа суюқлик тополмади. У икки пиёлани тўлдириб, бирини Розиковга, иккинчисини Кудимовга узатди.

— Шампанскоесини пойдеворга биринчи ғишт қўйилган кунни қўйиб бераман.

— Айтмоқчи, қоринларимиз ҳам очибди, — деди Розиков.

Қудратов тепаликка дастурхон ёзиб, Набижон берган таомларни келтириб қўйди.

— Марҳамат!

Улар дастурхон атрофига ёнбошлаб олишиб тушлик қила бошладилар.

— «Ўзбекистон» қурувчиларига элликта вагон-уй юборамиз. Бу — бутун бошли шаҳарча, деган гап, — деди Розиков бўшаган пиёлани Қудратовга узатар экан.— Уларни қаерга жойлайсиз?

— Ҳўв анави эски бутхона юқорисидаги ялангликда яхши жой бор,— деди Қудратов бармоғи билан ўша томонни кўрсатиб.

Розиков ўрнидан туриб, ялангликка боқаркан, Кудимовнинг машинасига кўзи тушди.

— И-е, шоферни чақирмабмиз-ку,— деди у ва нарида машинасини артаётган ҳайдовчини имлаб чақирди-да, ёнига ўтказди.— Сомсалардан олинг, тошкентлик қизлар пиширган бўлсалар керак. Жуда маза-ли бўпти.

— Буни ивановолик қиз пиширган, — деб эътироз билдирди Қудратов. — Исми Надежда Набижоннинг рафиқаси...

— Йигитларингиз бу ердан қайлиқ ҳам топиб олишдими?

— Қанча қиз керак бўлса топилди,— деди Қудимов ҳазиломуз.— Қалинсиз келин оласиз. Бир комбинатнинг ўзида ўн мингдан ортиқ бўлгуси келинчак ошлайди.

□

Розиқов эртасига ҳам республикадан келган ҳашарчилар орасида кун ўтказди. У ким билан учрашмасин, ҳол-аҳвол, етишмовчиликлар ҳақида сўради. Қудратов Розиқовнинг шу ишидан жуда мамнун эди. Чунки, ким қандай ишлайётгани ўз кўзи билан кўриб, аҳволни билиб турибди. Шунинг учун у ҳеч кимдан «Қандай ишлаяпсан?» деб суриштирмади. Икки кунда унинг бир эмас, икки ён дафтари талаб, эҳтиёж, илтимослар билан тўлиб тошди.

Розиқов Иваново—Москва махсус самолётига минаётиб, ўша блокнотига ишора қилди:

— Иложи борича ҳаммаси ижро бўлади, кутинглар!

У ҳамма билан қучоқлашиб хайрлашгач, Набижонга ҳазиломуз деди: — Мени тўйга кўтарилиб, кўздан ғойиб бўлгандан кейин Қудимов

Самолёт ҳавога кўтарилиб, кўздан ғойиб бўлгандан кейин Қудимов Қудратовга қараб деди:

— Кўп яхши раҳбарларинг бор-да! Ҳамма ишингизни ўз жойида, ўз вақтида ҳал қилиб кетди. Юзлаб ёзишмаю, телеграммадан ўзининг бир келиб кетгани яхши бўлди. Мана, энди ҳамма ишларингиз юришиб кетади.

— Розиқовнинг одати шунақа, ҳар қандай муаммони ҳамирдан қил суғургандай силлиққина ҳал қилади қўяди. Энг муҳими шундаки, ортиқча ваъда бермайди, ваъда қилганини эса бажармай қўймайди.

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. Розиқов Тошкентга бора солиб алоқадор ташкилотларнинг ҳаммасини оёққа турғизди шекилли, «Вагонларга юкланди», «Жўнатилди», «Кутиб олинг» қабилдаги республиканинг турли шаҳарларидан келган шошилич телеграммалар уларга бир ҳафтагача тиним бермади. Набижон гоҳ аэропортга, гоҳ темир йўл станцияларига қатнаб, Тошкентдан келаётган одамлар билан шошилич юкларни ташиди-да, якшанба куни поччасидан бир кун ҳордиққа рухсат сўради. Уни Надеждаси кутмоқда эди.

(Давоми келгуси сонда)

Пахтакор монологи

Гарчи мени танимаса ҳам
Пахтам, сени танийди олам.
Гарчи менинг йўлим ҳамма ердан ўтмаган,
Лекин сенинг пойинг қайга етмаган!
Сен ўзбек қуёшин бўйини
таратиб борасан кенг жаҳон бўйлаб,
Баҳор латифлигин, саратон тафтин
Кузнинг тўкинлигин юрасан сўйлаб.
Мен эсам ўйлайман мурғак чоғингни,
Инжиқлик, эркалик, ташвишларингни,
Исмингга, жисмингга қўндирмайин гард,
Улуғлаб, сизлагим келади сени.
...Мен пайкаллар аро қад буккан сари
Сиз ростлаб бордингиз қаддингиз.
Дағал тортган сайин қадоқ қўлларим,
Сиз майин тортдингиз.
Гарчи унда гўдак эдингиз аммо,
Таниб илк бор менга боқдингиз кулиб.
Ярим тунда гўё жилмайди дунё,
Мен эсам қувончдан йиғладим тўлиб.
Чанг ютиб, мен терга чўмганим сайин
Сиз тенгсиз бир жамол очиб бордингиз.
Кўз нурум, дил ҳоврин тўкканим сайин
Сизлар мисли қуёш бўлиб балқдингиз.
Ўз ҳуснин улашиб фарзандларига,
Сўнг ўзи уларга мафтун онадай,
Турибман ўз кўрким — сизга маҳлиё,
Ҳар бир толангиздан ўргилмоққа шай.
Чаноқлар — даламнинг оппоқ қушлари.
Бунда сизни мениңг меҳрим бойлаган
Яна шу меҳрли қўлларим сизни
Олис-олисларга шайлаган.
Тоғдай қаддингизга бир пас суқланиб,
Мен яна қайтаман далам қошига.
Сизнинг... Сизнинг эса йўриғингиз бошқа,
Сизни жаҳон таниб, кўтарган бошга.

Эртани...

Кўзингда юлдузлар гужғони,
 Кипригинг узра йўл чанг-гарди.
 Кўзингда — пахтангинг суврати,
 Кўксингда — эртанинг ўй-дарди.
 Уйлайсан: охирлаб қолди куз...
 Сенинг кўнглинг тўлгани сари
 Далалар кўйни ҳам бўшаб боради,
 Чексиз хаёлингга ўшаб боради.
 Сен боқар экансан шу чексизликка
 Орзуларинг уфқи сирли имлайди.
 Ва унинг ортида офтобдай тўлиб,
 Эртанги хирмонинг нури жилмайди...

Ким учун

Ким учун армондир самолётларда
 Олис шаҳарларга боролмагани.
 Ташвишли уйга у гоҳ қилар зарда,
 Хоҳлаганча яйраб юролмаганин.
 Тушларин безайди кенг аэропортлар.
 Ўзин учишида бутун эс-ҳуши,
 Менга даҳшатлидир орзуларимнинг
 Учолмай, мен билан ерга сингиши.

Укалар

Укалар бизларга эркалик қиларлар.
 Чиройли нарсамиз бўлсами
 Эгалик қиларлар.
 Бизлар шод яшасак
 Беқанот учиб юрарлар.
 Лекин бошимизга ҳам тушса, бизга
 Акалик қилишиб бирга куярлар.

Ўзинг

Аччиқ бўлса ҳамки азобларинг,
 Шириним атайман сени, гўдагим.
 Темирга айланиб мўрт асабларим,
 Бари инжиқлигинг бахт деб кўтаргум.
 Суюб опичлайман елкаларимда,
 Дейман: қуёш, ойни яқинроқдан бил.
 Сўнгра бошим узра кўтараман тик,
 Ундан юксакроққа ўзинг кўтарил.



Бу оппоқ далалар —
 Очилган бахтидир Ўзбекистоннинг.
 Ва сарғиш барглари шу бахтнинг ёнида
 Жиндак армони.
 Бу бахтга етгунча бу ширин жоннинг
 Неча бор бузилди ороми.
 Лекин ул бир лаҳза тинмади,
 Тўлмагунча лим-лим бахт жоми.
 Бу шундай бир бахтки,
 Ҳар қанча улашсанг туганмас,
 Бу бахт бир шундайин чексизки,
 Қараган кўзларни тўйдирар.
 Салмоғи тоннадир:
 Айтганда оғизни тўлдирар,
 Яралмиш нуқул пок шуълали офтобдан.
 Шу қадар оқ, бирдан тушса гар
 Нигоҳни тиндирар.
 Биз эса шу бахтнинг содиқ вориси.
 Бизники — ҳар битта чаноқда бир қуёш.
 Энди сиз шу бахтни таърифлар сўз-у,
 Ва уни ўлчашга топинг лойиқ тош.

Фазоирларга

Сиз кўкка чиқдингиз, менинг ҳам
 Бошим кўкка етди фахрдан.
 Энди сиз заминнинг чин фарзанди-ю
 Само учун ҳам бир азиз, қадрдон.
 Сиз она заминга йўллайсиз дил розин:
 Ўзимиз кўкда-ю, ўй-хаёл сизда.
 Биздан сўрасангиз: ерда бўлганимиз
 билан
 Хаёлимиз кўкда, сиздан келар сўзда.

Сахро гули

Сахро гули! Сен ўсмассан боғлар
 кўйнида,
 Ё кўкси булоқларга дим тоғлар бўйида.
 Заминнинг қоқ яйдоқ бағри сенгадир
 тақдир,
 Тупроғи ҳам қисматингдай бу ернинг
 тахир.
 Чанқовингни бунда олов сели босади.
 Қахратоннинг қамчилари иситар танинг,
 Чайир гавданг гармселлар йўлин тўсади,
 Бу жангларда сени байроқ тутар
 Ватанинг.
 Сен ҳамма жой, ҳар одимда
 учрай бермассан,

Ҳар оч нигоҳни тўйдирмоққа шай
 турмассан,
 Ҳуснинг кўплар хаёлида чизилган билан
 Ҳамманинг ҳам қўлларида
 ўйна бермассан.
 Сенга етмоқ осон эмас, сенга қўл бермоқ
 Долғали кунларингни бирга баҳам
 кўрмоқ,
 Майсазорда ағнаб, беғам ҳузур
 қилганлар
 Саҳронинг завқ суруридан
 беҳабардирлар.
 Саҳро гули! Орзумни банд этмас
 қисматинг,
 Ҳавасимни тортар лекин ажиб ҳислатинг.
 Боғ гуллари шамолларда кетса тўкилиб,
 Бўронлардан омон ўтдинг сен кучга
 тўлиб.

□

Шу жисмим,
 шу овозим билан
 Булбулчалик куйлай олмасам,
 Қизил гулдай очдира олмасам
 бир кўнгилни,
 Саҳар чоғи куйлатиб юборолмасам
 мунгли,
 Қандай бош кўтариб юраман?!
 Бас, булбулдай куйлай олмасам,
 Тоғ бошидан узилиб тушган
 Сукутларга тўла гунг тошдан
 Хўш, қаерим кам?!

Хоразм.

Ҳамроқул Ризо

Коммунист

К уёш теграсида айланган
 дунё
 Бир лаҳза тўхтатмас ҳаракатини.
 Унинг юрагини жўштирган зиё
 Фақат яшнатай дер мамлакатини.
 Ҳақиқат йўлида фидойилик бу —
 Одамлар ишончин қозониб яшаш!
 Дунёнинг тақдирин ўйлар экан у,
 Башарнинг бахтини кўради яккаш.
 Жамоат йиғилса қайдаки, гарчанд
 Қўшиқдай тинглайди коммунист
 сўзин.
 Тонгда чойга солиб уч-тўрт чақмоқ
 қанд,

Қайноқ жабҳаларга уради ўзин.
 Жони пўлатми, деб ўйлама, дўстим,
 Унинг ҳам юраги санчиб туради.
 Бахту оилага шундай масъулким,
 Авлодга заковат дарсин беради.
 Лекин масъул деган сўзни сен
 тушун,
 Шу ҳис чорлар уни фақат илгари.
 Баъзилар пеш қилар кечаги ишин,
 У-чи, парвозга шай бургут сингари,
 Галаба калити — унинг қўлида,
 Ватанга меҳрини қасамдай айтар.
 Чақмоқ ёғдуси бор ҳар қарашада,
 Фикрлари равшан, сўзи мухтасар.

Интилиш

Олга интилмоқ завқи
Бергандир балки қудрат.
Шундан замин бағрини
Ёриб чиққандир бир вақт.
Кечаю кундуз тинмай
Чашма қайнайди ҳамон.

Аммо йўлин тоғу тош
Тўсиб ётар беомон.
Утса-да неча юз йил,
Талпингандек зиёга —
Орзудан воз кечмасдан
Интилади дарёга.

Ўзинг боис...

Ватан, қалбим баён айлаб,
Шеърдан гуллар тутай сенга.
Умр бўйи ўтсам куйлаб,
Шул мукофот эрур менга.
Шеър — юракда ёнгувчи қон,
Ҳам дилгинам чертган тордир.
Севинчларим унда аён
Ва кўзларим нури бордир.

Баҳор завқи унга кўчар,
Гул ҳақида айтсам кўшиқ.
Кўнгил қуши кўкка учар,
Севганига етса ошиқ.
Ўзинг боис — шоир бўлиб,
Топдим бахту тилагимни.
Ўзинг боис — муҳаббатга
Манзил этдим юрагимни.

Гулистон.

Ойдин Шукурова

Қ И Ш Л О Қ

Гуллар югуради қаршимга,
Мовий осмон силар бошимни.
Севинчимдан тупроқни ўпиб,
Майсаларга артдим ёшимни.

Оқшом тушди туманни ёриб,
Зарафшонни нурга белади.

Юлдузларнинг ортидан қирғоқ
Шивирлайди, лабларида нам.
Чўққиларда мизғийди саҳар,
Тарқалади туман хотиржам.

Соҳилларни емириб, бузиб,
Тўлғониб оқади Зарафшон.

Осойишта бу гўзалликнинг
Номини сўрагим келади.

Итлар ҳуривидан ҳадикиб,
Юлдузлар ёнади безовта...
Беда ҳидларига ўралиб,
Сеҳрли дунёда яшадинг, ота.

□

Иироқдаги тизма тераклар
Эслатади сени, отажон.

Шабнамларнинг ҳидини олиб,
Шабадалар эсади ғир-ғир.
Чўзилса ҳам юз йил бу лаҳза,
Қимир этгинг келмас бари бир.

Хайрлашув

Гуллар билан хайрлашамиз,
Осмонга кўз ташлаймиз сўнг бор.
Паға булут қўлидан тутиб,
Кетар баҳор, кетмоқда баҳор.

Ким яратди бунча гўзаллик,
Ранглар кўзни қўймас юмгани.
Майсаларга эркаланасан,
Туйғуларинг, жонинг бергани.

Оқиб ётар пастликда дарё,
 Тўлқинларга соласан қулоқ.
 Салқинлиги, кўклиги билан
 Баттар мафтун этар бу тупроқ.

Ҳеч ким сенга қилмас эътибор,
 Маънос боқар тепангда қуёш.
 Оқшом уйга қайтганинг маҳал
 Кўзларингдан тирқирайди ёш.

Муҳаммаджон Ҳайдаров

□

Мудроқ тун қўйнида
 кечади уйғоқ.
 Тонгнинг висолига ташна хаёллар.
 Туннинг пардасини тортқилар
 ўйнаб,
 Хаёллар сирдоши уйғоқ шамоллар.

Бедор рассом каби анҳор устига,
 Ой аксин чизади тунда табиат.

Тўлқинлар кўксида қалқийди
 оқшом,
 Қалқийди зиёсиз, сўник тароват.

Уйғоқ хаёлларни секин аллалаб,
 Ой хиром этади осмонга балқиб.
 Қуёшнинг сирдоши — уйғоқ
 шеърларим

Туннинг косасидан тўкилар
 қалқиб...

□

Тонг ёришар, гул барги узра
 Тун шабнамни сочиб кетади.
 Майин сабо эсиб шу лаҳза,
 Тонг жамолин очиб кетади.

Ёстиғингни қучиб, эркалаб,
 Тўлғанади зулфи занжиринг.
 Бахтли еллар сочингни силаб,
 Олиб кетар пинҳона сиринг.

Муродингга етишдинг. Ана,
 Тонгги тушлар рост бўлса агар.
 Лек алдоқчи хаёллар яна
 Алдаб кетди яна бир сафар.

Тонг ёришар, хонангга қуёш
 Қириб келар бўлиб парвона.
 Уйғонасан, кўзларингда ёш,
 Бирдан тугар ширин афсона.

Тошкент.

Чори Ёқубов



ҲИССА

Отам Ёқуб Алиёр ўғлига бағишлайман.

Уни бугун пенсияга узатишди. Ёши пенсия ёшига етганмиш. Узига қўйса-ку, ҳали чиққиси йўқ эди-я. Лекин саводсизмиш...

Уйига қайтаркан, пенсияга чиқиб, бирдан одамлардан ажралиб қолгандай ҳис қилди. Мунғайиб қолди.

«Пенсияга чиқарса ҳам, дала қоровули қилиб қўйди-ку,— яна кўнглидан ўтказди.— Нега одамлардан ажралиб қоларканман».

У уйига келди. Шу оқшом томоғидан сув ҳам ўтмади. Туз тотмай ётиб қолди. Аммо уйқуси келмади. Илон чаққандай тўлғаниб чиқди. Хаёли ўтмишига, ёшлик йилларига кўчди. Оҳ, қани у чоғлар! Энди у тушдагидай гап.

I

...Ушанда баҳор эди. Водий янги чимилдикдаги келиндек нозла-ниб, гулларга бурканиб, Боботоғ бағрига бош қўйиб, эркаланиб ётарди. Тошбулоқтоғдан чиққан қуёш тепага келган. Ғарб томондан майин, илиққина шамол эсиб, қалбларга ором бағишларди. Шундай дамларда кўкрагингни кўкатга бериб ётиб ҳузур қилсанг, қандай маза! Баҳор ўтига тўйган қўйлар қўзиларини эргаштириб, адрларда яйраб юрар, ширбоз қўзилар қуйруқларини кўтара олмай орқадан эринибгина қадам ташларди.

Али Момикнинг даштидан келаётган эди. Чунки бир бригада баҳорги буғдой экарди даштда. У ўзининг сеvimли оти жийрон қашқа

устида гўзал ўтлоқларга суқ билан қараб келаркан, бир сурув қўйнинг қаршисидан чиқиб қолди.

— Ассалому алайкўм,— саломлашди Али от устида туриб чўпон билан.— Тўлға барака!

— Ваалейкўм ассалом!— деди Худойқул букри у томон кўришиш учун келаркан.— Йўлингизга барака!

Худойқул букри Алининг тик қоматига, қип-қизил, чертса қон томадиган юзларига, ярашиб тушган тимқора мўйловига ва ниҳоят, остида ўйноқлаб турган жийрон тулпорига бир зум ҳасад ва ҳавас билан тикилди.

Али отардаги қўйларни кўздан кечираркан, бир чеккада ўлиб ётган янги туғилган қўзига кўзи тушди-ю, отдан сакраб тушди.

— Сендақа чўпонни худо урсин!— деб сўкинди-да, ўлик қўзининг қулоғидан кўтариб кўрди. Айлантирди. Қўзи туғилганданоқ қулоғига пуфлаб, устидаги пардаси олинмаганидан ўлиб қолганди.— Нега ўлдирдинг?— жаҳл билан сўради Али.

— Э, ана, онаси эгиз туғди. Буни олдин туғибди-ю, иккинчисини туққунча бу қаровсиз ўлиб қолибди.

— Сени ким айтади чорвадор деб,— бақира бошлади Али Ёров.— Ҳа, бу ўзингники эмас-да, колхозники. Колхозники қаровсиз ўлса ҳам майли. Ўзингники бўлганда туққунча орқасидан кўз узмай, қўй ихранса, бир чўчиб тўшардинг.

— Гапингиз тўғри, ака,— деди ғулдираб Худойқул букри.— Бир сурув қўйга қараш қийин бўляпти. Туғадиган қўй кўп. Ҳозир тўл вақти. Бир ўзим қайси бирига етишай.

— Чўлиқ қани?— баттар тутоқиб сўради у.

— Раис ака, бош чўпон уйига кетди. Чўлиқ бир иш билан қишлоққа кетганди.

Бу гапдан сўнг унинг жаҳли босилди. Энди аста тушунтира бошлади:

— Ука, чорвадор чори қўйи¹ ўлса қувониб, кўзиси ўлса, хафа бўларкан. Чунки чори қўй ўлса, пичоқ мой устида бўлади, кўзичоқ ўлса нима ейсан. Лекин ўлмай қолса, бир йилдан сўнг пичоғинг мой устида бўлади. Наҳотки шуни тушунмасанг! Бу жиноятинг учун сени қамаш керак. Агар ҳар куни бир-иккитадан кўзи ўлаверса, — деди ўдағайлаб яқинлашаркан,— колхознинг чорвасини тамом қиласан-ку. Бундай келишамиз, полвон,— дея сўзида давом этди у истехзо билан,— ҳозирча, майли, қаматмайман. Лекин ҳозир колхознинг тафтиш раисини юбораман. Ўзингнинг бир кўзингни колхозга кириб қилдирасан. Ўзинг эса чорвада бугундан бошлаб ишламайсан. Далага чиқ ишга. Сендан чорвадор чиқмайди,— деди-да, шарт отига миниб, елдириб қетди.

Худойқул букрининг оғзи очилиб қолди. У раисни биларди. Бир нарса айтдим, бажармай қўймасди.

Али Ёров тўғри уйига келди. Отдан тушиб, ўтовига кирди. Хотини олиб келган қатиқни шимирди. Сўнг идораси томон кетди.

...Али Ёровнинг раис бўлиб сайланганига бир йил бўлди. Унгача бу қишлоқ аҳли кўчманчи эди. Утроқ аҳоли уларни «кўчманчи қўнғирот»лар, деб атарди. Қаерда ўтлоқ яхши бўлса, тўртта эчки, саккизта қўйини олдига солиб, ўтовини эшагига ортиб, жўнаб қолишарди. Кўчалардан кўч-кўронини ортиб ўтаётганда болалар уларнинг ортидан:

Қўнғирот, қўнғирот,
Эшагинга жукинг орт,

¹ Чори қўй — тўрт яшар қўй.

Бир ёғига қизинг орт,
Бир ёғига тузинг орт.

деб кулиб, мазах қилишарди. Булар ўтроқ халқ — юзлар эди.
Уларга қараб қўнғирот болалар ҳам:

Жузнинг қизи жиб эшар,
Жиб эшса ҳам хом эшар...

деб хохолаб кулиб ўтиб кетишарди. Уларнинг бирор қишлоғи йўқ эди. Инқилоб йилларида ҳам кўчиб юришди. Коллективлаштириш бошланган йиллари ҳам кўчиб юришарди.

Бир куни овулга райондан вакил келди. Уни иззат-ҳурмат билан кутиб олишди. Қўй сўйиб, калла-почасини олдига қўйишди. Вакил тамадди қилиб олгач, одамларни йиғиб, шундай деди:

— Энди бу кўчиб юришларинг кетмайди, коллективлашмоқ зарур.

— Коллективлаштиришинг нимаси?— дейишди қўнғиротлар ҳайратланиб.— Ҳамма бир қозонда овқатланиб, бир кўрпа остида ётишми?

— Йўқ, асло ундай эмас,— деди вакил босиқлик билан, — коллективлаштириш бу—ҳамма тенг...

— Биз ҳозир ҳам тенгмиз,— куюниб гапирди улар,— бойимиз жўқ.

Шундан сўнг вакил коллективлаштиришнинг аҳамияти ҳақида узоқ гапирди.

Ушанда улар Деновдаги Қизилсув дарёси ёқасида ўтиришарди.

— Эса бу жойлар бизга бўлмайди,— дейишди қўнғиротлар.

— Бўлмаса, — деди вакил жиддий,— Боботоғнинг нарёғида Оқмачит деган жой бор. Уша жой районимизга тушган. Шу ёққа кўчиб бординлар! Ўтлоқ жой. Чорва билан шуғулланасиз. Бугдой экасиз.

Бу гап одамларга ёқиб тушди-ю, ўша кеча кўч-кўронини ортиб, кўчиб кетишди.

Шу вакил бир ойдан сўнг Оқмачитга келди. Колхоз тузилди. Колхозга қўнғиротлар орасида обрўлироқ деб Али Еровни раис қилиб сайлашди. Ҳамма тарқалгач, Али Еровга вакил раиснинг вазифалари ҳақида узоқ тушунтирди ва жўнаб кетди.

— Мен раис бўладиган бўлсам,— деди биринчи мажлис ўтказган кун—ҳамма ишлайди. Бир киши ҳам қолмайди.

Шунда у кўпнинг орасида биринчи марта сўзга чиқиши эди. Аввал қизарди. Тутилиб қолди. Гапирадиган гап кўп эди, лекин уялди. Гапиролмай ўтирди. Ҳамма қарсак чалиб юборди.

Ойлар кетидан ойлар ўтди. Али Еров энди сўзга чечан, айтганини қилдирадиган, бир сўзли, қаттиққўл ва колхоз мулкига ола қарайдиганларни шафқатсиз жазолайдиган бўлиб қолди.

Колхознинг чорваси ҳам, у ердаги йилқиси ҳам кўпайди. Бугдой экиш яхшиланди. Хўжалик юксалиб бормоқда эди.

...Мана, яна бир жиноятнинг устидан чиқди.

Уйдан чиқиб, у тўғри идорага келди. Правление аъзоларини йиғди. Воқеани айтди. Колхозда бирдан-бир саводли киши бўлган ҳисобчига айтиб туриб правление қарорини ёздирди. Худойқул букрининг бир қўзисини колхоз ҳисобига кирим қилдирди. Правление аъзоларининг бош бармоғини бостириб, тасдиқлатиб олди. Ўзини чорвадан ҳайдади. Далага, кетмон ишига ўтказиб юборди.

II

Ушанда қиш охирлашиб, баҳор кира бошлаган эди. Ёмғирли, салқин кунлар. Водий аҳолиси баҳор келишигача тўйларини ўтказиб олишарди. Бу тўйлар курашсиз, кўпкарисиз ўтмайди. Дарёнинг нарёғи — Тожикистон. Гоҳ катта тўйларга улар ҳам айтишарди. Ана шунда овулнинг бутун, полвонлари, чавандозлари йиғилиб, Али Ёров бошлиқ — боришар, яхшигина ўлжа билан қайтишарди.

Бир куни Тожикистоннинг «Қизил байроқ» колхозидан Али Ёровникига бир отлиқ келди.

— Бизнинг колхозга тўйга, — деди от устида туриб.

— Тушинг! — илтифот кўрсатди айтувчига Али.

— Тушга олмайман, раис бово, — деди у кулимсираб, — бошқа колхозларга ҳам боришим керак.

Али индамай уйига қайтиб кириб, тўн олиб чиқди. Тўнни айтувчининг устига ёпаркан:

— Айтганингиз учун раҳмат, албатта, борамиз, — деди.

Бу хабар овулга яшин тезлигида тарқалди: Чавандозлар отини совутиб чиқди тўни билан. Эртасига «Қизил байроқ» колхозига бедов отларда жўнашди. Уларнинг орқасидан эшак, бияларга минишиб болалар ва кексалар эргашди.

Уларнинг қораси кўрингандан тўйхонадагилар ғимирлаб қолишди.

— «Янги обод»ликлар келишди.

— Қўшхонаси¹ кимникига буюрилган?

— Махсумникига. Аввал чой-пой ичиб олишсин.

Улар чой ичишди. Тўйга келган қатламадан, қанд-қурсдан ейишди. Сўнг даштда кўпкари бўлди. Бугун тўйнинг бошлангани учун кўпкари унча қизимади. Совринлар кам қўйилди.

Қуёш ботиб, кечки изғириқ юзларга игнадай қадала бошлаганда, кўпкарини тўхтатишди. Ҳамма ўзининг қўшхонаси томон жўнади. Тўй эгаси отларга сомон, бир-икки килодан арпа берди. Одамларга эса нон, қатлама, чой ва озиқ-овқат. Ошпазлар енг шимариб ишга тушиб кетди. Абдулла юзбоши эса доимий ҳамроҳи — дўмбирасини сошлаб, «Гўрўғли» дostonидан термалар айта бошлади.

Палов ейилиб, чой ҳам ичилди. Бирдан «Олишга» деган хабар келди. Ҳамма гурр этиб ўрнидан турди. Қалинроқ кийиниб олишди кўплари. Кенг, текис ва юмшоқ майдон атрофида одамлар қур бўлиб ўтиришиб олган. Майдоннинг икки бошида йўғон хода тикланиб, машғала илинган. Эски-туски латталардан боғланган бу машғала ёқилгач, тун пардасини қувиб юборди. Унга иккита йигит челақлардаги керосиндан қўйиб турарди.

Кураш бошланди, ёш ўсмирлар бошлаб берди. Сўнг полвонлик даъво қилиб, эндигина номлари тилга тушаётганлар кураш тушишди. Тун яримлаб қолганда, майдон ўртасида полвонларга баковуллик қилиб юрган баланд бўйли, полвон келбатли, бошида жуни тўкилиб, ярғоқ териси кўриниб қолган телпак, бир кўзи кўр киши бир полвонни етаклаб чиқди. Унинг қўлидан ушлаб, майдонда айлантларкан, полвонни таништирарди:

— Тожикистон полвонларини мотлаган, елкаси ер кўрмаган Норбой полвон. Талабгор борми? Ким олишса, битта ҳўкиз, қўй, тўн, 100 сўм пули бор.

Полвон миқтигина, аммо қизил тикдан тикилган иштони пастиди кўриниб турган бўрбойларидан², билагидан бениҳоя зўр эканлиги кўриниб турарди.

¹ Қўшхона — кўним жой.

² Болдир.

У ерга қараб, букчайиброқ, қора читдан тикилган яктагига ўраниб майдон айланарди. Одамлар жимиб қолган, барчанинг нигоҳи унда. Унинг оёқяланг қадам ташлашига ҳам, елкаларига, пай бўлиб кетган бўрбойларига ҳам синчиклаб тикилиб, ўзларича унинг кучини чамалашарди.

— Чиқайми, ака?— сўради Алидан орқасида қалчиллаб турган Хушвақт полвон.

— Зўрга ўхшайди-ку,— деди ундан кўзини олмай Али.

— Чиқсин, раис бово!— дейишди олдинги қаторда ўтирган кексалар.— Чиқсин, йиқилса ер кўтаради-ку, ерга кириб кетмас.

— Чиқ! — деди Хушвақт полвонга Али.— Худонинг ўзи қувват берсин.

Хушвақт одамлар орасидан сирғалиб чиқди-ю, баковулларнинг олдига бориб ўтирди.

Баковуллардан бири Хушвақтнинг олдига келди. Шошилмай эгилиб, унинг юзига қаради. Таниди. Юзларига табассум югурди. Сўнг бурилиб, халққа қараб:

— Норбой полвонга талабгор бор,— деди баланд овозда,— «янги-обод»лик, яъни Еров колхозидан Хушвақт полвон.

Ўтирганлар қимирлаб қолди. Баъзилари шивирлашиб, жойлашиброқ ўтирди. Сукунат. Бу сукунатни полвонларнинг ерга оёқ ташлаши ва оловга керосин қўйилганда лоп этиб кўтарилган овози бузиб турарди. Баковул улар учун қўйилган соврунини яна бир эълон қилиб:

— Иккинги ҳам халқдан дуо олинлар,— деди.

Полвонлар икки ёққа бурилди. Чўккалаб ўтиришди.

— Омин! Иккинги ҳам худо қувват берсин.

Майдон яна жимиб қолди. Полвонлар майдон айланишарди.

— Уйин кўрсатиб-кўрсатиб олинлар, полвонлар,— деди баковул.

Худди шуни кутиб тургандай Норбой полвон ўйнаб кетди.

У жуда чиройли ҳаракат билан томошабинларни маҳлиё қилиб қўйди. Ниҳоят, полвонларнинг удуми бўйича иккови ушлашди. Хушвақт тўғри бориб, Норбойнинг билагидан ушлади. У бунинг елкасидан. Улар ажралишди. Энди чинакамига кураш бошланди.

Норбой ҳақиқатан ҳам зўр эди. У Хушвақтнинг елкасидан ушлагандан айлантириб ота бошлади. Ҳар отганда Хушвақт оёқда тик турар, у яна ғазабланиб, тишларини гижирлатиб отарди. Хушвақт чаққон эди. Унинг чаққонлиги қўл келарди. Норбой охири чарчади. Хушвақт шуни кутиб юрарди. Унинг чарчаганини сезган полвон бирдан арслондек Норбойнинг ёқасига ташланди. У чап томонига чил берман деб ўнгланди ва ўнг томонига ўзини олгач, тезлик билан шу томонга чил бериб, ёқасидан тортиб юборди. Полвон йиқилди. Халойиқ: «Ҳалол!» деб бақирди гулдурос овозда.

Али қувонганидан кўзлари намланиб, югуриб чиқди-ю, Хушвақт полвонни даст кўтариб олди. Майдонни бир айланиб, уни одамлар орасига киргизиб юборди. Хушвақт терлаб кетган, ўпкаси оғзига келиб ҳансирарди. Унга қалинроқ тўн беришди.

Кураш тугаб, ўлжа билан қайтишди.

Эҳ одамлар! Ушанда бирам қувондики, асти қўяверинг. Шодликларидан териларига сигмас, худди ўзлари кураш тушиб, ғолиб чиққандай эди. Хушвақтнинг чаққонлиги, кучлилиги ҳақида бир-бирига навбат бермай гапириб, полвони йўқ колхозларни масхара қилиб кулишарди.

Улар бу қувончлари, тўйга боришлари охиргиси эканлигини Али Еров қаердан билсин.

III

1941 йил. Ёзда, айна пишиқчилик бошланганда, овул тўс-тўполон бўлиб кетди. Уруш бошланди. Йигитларнинг кўпига бирдан чақирув қоғози келди. Бир тўпи жўнамаёқ иккинчи тўпига чақирув қоғози кела бошлади.

Йигитлар бирин-кетин кетиб бўлди. Овулда кексалар, хотин-халаж қолди. Бир куни колхозга райондан узун бўйли, малла соч мол доктори келди.

— Отларинг қаерда?— сўради у.

— Уюрда, отхонада, — деди ҳайратланиб Али.

— Уларни олиб кел!

— Нега? — ҳайратланди раис.

— Кейин биласан,— бамайлихотир гапирди врач,— йилқичилар ҳайдаб келсин. Биз эса отхонадаги, колхозчиларнинг отларини ҳисоб-китоб қиламиз.

У ҳамма отларнинг ҳисобини олди. Паспорт ёзди.

— Паспорт ёзилганларни чақирув қоғози келиши билан юбор,— деди у кета туриб.

— Ўзимнинг отимни...— дея чайналди Ёров.

— Ўзинг миниб юрмоқчимисан? Майли,— деди у мулоким оҳангда.— минсанг, ҳозирча миниб юр. Лекин чақирув қоғози келиши билан жўнат.

— Хўп,— деди раис қувонганидан кўзлари порлаб.

Жийрон қашқани у севарди. Одам бўлгандан буён у билан бирга. Емон кунда ҳам, яхши кунда ҳам ҳамроҳ бўлган шу жийрон қашқа.

Аммо Али Ёров қашқани узоқ мина олмади. Унинг устидан «дума-лоқ хат»лар кўпайиб кетди. Баҳор кунларининг бирида уни районга чақиришди. Али қашқада борди.

— Нега отингни армиядан олиб қолиб юрибсан?— деди райком секретари Ёрқул Ҳақимов.

Али Ёров бўлган воқеани тушунтириб берди.

— Ҳозир, эгар-жабдугингни олу,— деди қатъий овозда секретарь,— отингни топшир. Бошқа ғалва етишмаганидек энди сенинг устингдан тушган анонимкани текширагимизми? Ҳозир топшир. Уруш тугагач, қайтиб келади.

Али от қабул қилиш пунктига борди, отни топширди. Эгар-жабдугини олиб, бошини силаб эркалади. Кўзларидан ёш тирқираб чиқиб кетди. У энг яқин дўстидан ажралганди.

Йиғлаб туриб отининг бошини силаркан, дерди:

— Қашқам, нима қиламиз, кўпга келган бало. Тинчлик даври бўлса сени берармидим. Соғ-саломат қайтиб кел.

У шундай деди-ю, чиқиб кетди. Уюрда биялар, қари отлар қолган.

IV

Бир куни Али Ёров тун ярмида уйига келди. Урушдан олдинги тўкин-сочинликни, одамларни узоқ ўйлаб ётди. Тонгга яқин кўзи илинди. Лекин узоқ ухлай олмади. Қалби негадир нотинч эди. У уйқуси қочган тунлари отда дала айланар, қадрдон далаларининг мусаффо ҳавосидан тўйиб-тўйиб симириб, баҳри-дили очилиб қеларди.

Али тезгина ўрнидан турди. Қалинроқ кийинди. Ташқари чиқди. Боботоғ осмони чарақлаб турар, аммо совуқ эди. Шарқ уфқи оқариб, тун пардасини ғарб томон сурмоқда. Кекса Боботоғ эса чўзилиб ётар, булутларга бўй чўзган чўққилари пастда турган аскардек туюларди.

Пастда эса шу сукунатни бузиб, шарқираб, кумуш камардек товла-
ниб шошқин Қофирниҳон дарёси оқади.

Али отда дала айланмоқчи, хирмонларни кўрмоқчи бўлиб йўлга тушди. У минган от колхознинг кекса айғири қорабайир эди. Бир вақт-лар туёғидан ўт чақнаган, чопқирлиги, ақллилиги билан донг таратган қари айғир чавандознинг ўз эркига қўйганидан эринибгина қадам ташлайди.

Қорабайирни колхознинг туякаши, болалик дўсти Саиддан колхоз-га олганди.

Ушанда бу от беш-олти ёшларда эди. Бадани қора бахмалдек тов-ланар, манглайдаги қашқаси, ортинги оёғидаги оласи келин қўлидаги узукдек ярашиб турарди. У улоққа кирса, улоқнинг устига таппа таш-лар, чавандоз улоқни то тақимга олгунча тураверарди. Чавандоз «ҳа, жонивор» деганданоқ ўқ каби отилиб тўдадан чиқиб кетарди. Агар олдида отлар тирбанд бўлса, олға чиқмоқчи бўлиб ҳаракат қиларди-ю, ортга бурилиб кетарди. Қорабайир тўдадан ўлжа билан чиқса, думла-рини гажак қилар, боши ҳам сал кўтарилиб, ўйин кўрсатарди. Бир мин-ган чавандоз, яна минсам, деб орзу қиларди...

Кекса деб уни армияга ҳам олишмади. Али отини топширганидан сўнг Қорабайирни минишга олганди.

Али Ёров хаёл суриб бораркан, бирдан галагов ҳайдаётган¹ хир-мончининг овози қулоғига, чалинди:

Майда, майда, маёда,
Хотинлар ётар сояда...

У қорабайирнинг тизгинини тортди. Хирмон ёққа қулоқ солди. Унинг тахмини тўғри чиқди: овоз бир жойдан чиқарди. У отнинг тиз-гинини овоз чиқаётган томонга бурди, аччиғ устида унга қамчи босди. Кутилмаган бу «сийлов» қорабайирни сергаклатди. Иккинчиси тушиб қолмасин дедими, ўқдек олға отилди. Али зум ўтмай хирмонда пайдо бўлди. Хирмон бошига етиб келди-ю, қўйидаги манзарани кўрди:

Уша... ўша отинг ўчкур Худойқул букри чалқанча етиб, овозининг борича қўшиқ айтар, ҳўкизлар эса нишиллаб сомон аралаш буғдойни туширарди.

— Жувонмарг бўл! — деди раис отнинг устида унга ўдағайлаб ке-либ. — Бўйнинг узилиб ўлгур! — деди бақириб. — Бу кунингдан ўлга-нинг яхши эмасми?

Худойқул букри кўрққанидан таёқ бўлиб қотиб қолди. Ранглари қордек оқариб кетди. Нима қиларини билмай силласи қуриб тураркан, елкаси жиз этди. Али Ёров жаҳлини босолмай унинг елкасига қамчини билан тортиб юборганди. Шундагина Худойқул букри ўзига келди.

— Вой, раис акажон! — деб бақириб қоча бошлади.

Худойқул букрининг ҳўкизларга қараб эмас, бошқа ёққа қочгани-дан раиснинг баттар қони қайнаб кетди. Унинг изидан от солиб ура бошлади.

Вой, ўлдим, раис акажон! Бошқа қилмайман!

Унинг энди юзи, боши аралаш пишиқ қилиб ўрилган қамчи ту-шар, теккан жойини моматалоқ қилиб юборарди.

Худойқул букрининг овозини эшитиб, қўшни хирмондан хирмончи-лар югуриб келишди.

— Раис бово, бу жувонмарг бўлгурни урманг. Бошқа қилмайди, — деб зўрға ажратиб олишди.

Али сал нафасини ростлади.

— Биз бир грамм ҳам буғдой нобуд бўлмасин, давлатга топши-

¹ Хирмон янчаётган.

райлик деб курашаётганимизда, бу ўлгурнинг қилган ишини қаранг!
— Бошқа қилдирмаймиз. Ўзимиз бошида турамиз, — дейишди кекса хирмончилар.

Али қолган ўчини отдан олмоқчидай, унга аччиқ қамчи туширди. У шиддат билан олға интилди. Ёров бошқа хирмонларни айланиб келиш учун жўнади.

Ўша йили ёғингарчилик кам тушиб, ғалла яхши бўлмади. Мажбурийат эса кўп эди. План тўлиши даргумон бўлиб қолди. Али Ёров ташвишда. Одамлар ҳам ташвишда. Хирмон бошидаги гурунгларида кўпинча бу йилги буғдой ҳақида гапиришарди.

— Шамол куни қичқирма, овозинг бекор кетади, дейди халқимиз, — дерди раис шундай суҳбатларга яқун ясаб. — Ҳозир қанча гапирганингиз билан, бари бир бу йилги экиннинг бўлгани шу. Гап ўрнига кўпроқ ишлаш керак. Далада борини йиғиб олиб давлатга бермоқ зарур. Ҳукумат биздан гап эмас, буғдой кутаяпти.

— Ҳақ гап, — дейишарди кексалар бош тебратиб.

Тонг отди. Ёров даладан омборга келди. Омбордан ғаллаларни туя карвони билан районга жўнатди. Бу ёғидан кўнгли тинчигач, буғдойи ўрилиб кетган ангарани айланди. Ангарада ёш болалар, кекса аёллар мошоқ териб юришарди.

V

Буғдой янчилик бўлгач, даштдан омборга ташишишга болаларни чақиришарди. Ҳар ким уйдан қоп олиб, эшагини миниб даштга жўнар, эшак кўпкари қилиб хирмон бошига қандай бориб қолганини ҳам билмасди болалар.

Ўша куни мактаб директори Али Ёровни олтинчи синфга бошлаб кирди.

Раис кулимсираб:

— Яна сизларнинг ёрдамларингизга муҳтожмиз, — деди. Сўнг жиддий гапира бошлади: — Ўзларингизга маълум, оталаринг, акаларинг жангда фашистни тавбасига таянтириб қувиб бормоқда. Улар яна ҳам бақувватроқ бўлиши учун нон керак. Ғалламиз уйилиб ётибди. Биз шуни етказиб беришимиз шарт. Хирмондаги ғаллани ташиб беришга ёрдамлашсаларинг, яхши бўларди.

Ўқувчилар рози бўлишди. Шундан сўнг ҳаммаси уйига тарқаб кетди. Бир парчадан зогора нон олишиб ўзларининг эшакларига миниб омборга боришди. Саидвойнинг ўғли Норин қарағайлар, Худойқулнинг ўғли Эшмат ҳаммадан олдин келган экан. Бир оздан сўнг ўн иккита бола омбор мудирин Мирза чўлоқ раҳбарлигида даштга жўнашди.

Хирмонга эрта пешинда етиб келишди. Болалар келишидан Карим ота қувониб кетди. У жилмайиб:

— Балли, азаматлар, балли, — деди ғалвирни қўлида ўйнаб. — Эшакларингни боғлаб келиб, қопларингнинг оғзини очинглар.

У ҳар бир боланинг қопига ўн ғалвирдан уйиб-уйиб буғдой солди. Сўнг бир ғалвир буғдойни тортиб кўриб, неча центнер ғаллани мудирга топшираётганини айтди.

— Ҳўп, отахон, мана бир тоннаю икки центнер буғдой сиздан қабул қилдик, — деди мудир Мирза чўлоқ (унинг бир оёғи калта эди).

— Болаларга ҳам бир ғалвирдан буғдой берсакмикан, хизмат ҳақи-да, — деб қолди Худойқул букри.

— Қандай бўларкан, — деди Карим ота норози оҳангда, этаги билан манглай терини артиб.

Ҳечқиси йўқ, бера қолинг,— деди Худойқул букри болаларга боқиб,— колхоз мулки камайиб қолмас.

Карим бта бугдойдан ғалвирга соларкан, ноилож:

— Тўрваларингни олиб келинглар,— деди.

Болаларнинг кўпи тўрва олиб борган экан, навбат билан туриб олишди.

Лекин Норин бир чеккада қолаверди.

— Ҳой, Норин, нега анграйиб турибсан?— деди Худойқул букри.

— Мен олмайман,— деди у.

— Нега?— ҳайратланиб суради Худойқул букри.

— Уйимизда нонимиз бор.

— Нонимиз бор дегин. Э, номард, бергандан кейин олавермайсанми.

Норин парво қилмади. Қишлоққа жўнади. Бугдойни омборга биринчи бўлиб топширди-да, идорага чопди.

Раис кабинетида ўтирган экан. Уни кўриб, ўрнидан турди.

— Кел, Норинбой.

У хирмонда бўлган воқеани айтиб берди. Раиснинг ранги ўзгариб кетди. Тезгина хомчўт қилиб ҳисоблай бошлади:

— Бир ғалвири 10 килограммдан бўлса, 10 ғалвир—1 центнер.—

Сўнг шошиб:— Омборга юр-чи,— деди.

Улар югуриб боришаркан, Али ўзича нимадир шивирлаб, сўкиниб борар эди. Улар етиб борганда, болалар қопдаги бугдойни тўжиб бўлишган, энди тўрвасини кўтариб жўнамоқчи бўлиб турган экан. Мудир раис билан Норинни кўрдию ранги бўзариб кетди. Али Ёров болаларни тўрваси билан сафга тизиб чиқди. Мудирга бир ёмон қараш қилиб, болаларга:

— Қани, болалар, айтинглар-чи, кимнинг уйида бугдой йўқ?— дея сўради. Ҳамма жим, уялганларидан ерга қараб туришарди.— Кимнинг уйида бугдой бўлмаса, ўзимиз берамиз,— деди раис дона-дона қилиб. Аммо халқнинг мулкни талон-торож қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бу бугдойларни солдатларимиз кутиб турибди.

Шундан сўнг ҳамма бугдойни омборга топширди.

Болалар кетишгач, Ёров:

— Бу кимнинг иши?— сўради Мирзо чўлоқдан, тишларини ғижирлатиб.

— Худойқул букри айтди. Мўлтираб турган болаларга қараб, мен ҳам йўқ дея олмадим.

— Қон кечиб, жон бериб юргайлар кўз олдинга келмадими? Аҳмоқ. Яна Худойқул! — У шундай деди-ю, кетатуриб унга ўдағайлади.— Агар яна бир марта шундай қилсанг, терингни шилиб оламан!

VI

Худойқулнинг хотини Сулув бугун аъзойи бадани ланж бўлиб, иситмалаб ўрнидан турди. Сулувнинг юришга мадори йўқ эди. Унинг синиққан рангини қайнонаси кўрдию, кўрқиб кетди.

— Нима бўлди, келинжон?

— Сал бошим...— деди Сулув бошини ушлаб.

— Чўғ бўлиб ёнаясан-ку? Ёт. Кўрпага кир! Ҳозир иссиққина чой қилиб бераман. Ичиб ўраниб ётасан. Терлайсан-у, ҳеч нарса кўрмагандай бўласан. Дўхтир опангни ҳам олиб келаман.

Сулув иссиқ чой ичди, қайнонаси айтгандай қилиб кўрпага ўралиб ётди. Сал тер чиқиб, иссиғи босилди. Дўхтир опаси Мария келиб, ҳароратини ўлчаб, дори ичирди. Ишга чиқмаслиги ҳақида справка ёзиб берди.

Тушга яқин Хушвақт келди. Отдан тушмасдан туриб чақира бошлади:

— Хоо, Холби хола!

— Хувв, — югуриб чиқди Холбиби хола.

— Сулув нега ишга чиқмади?

— Айланай, бургат! — деди хола шоша-пиша. — Сулувингиз иситмалаб, чўғ бўлиб куйиб ётибди, эртадан бери туз тотгани йўқ.

— Дўхтир опани чақирдингизми?

— Чақирдим, айланай, чақирдим, — деди Холбиби хола, тушиб чой ичинг дейишни ҳам унутиб, — дори берди. Испарабка ҳам берди. Уч кун ишга чиқмасин, деди.

Бу гапдан бригадир Хушвақтнинг капалаги учиб кетди. Отининг бошини бураркан:

— Хола, мен ҳам қўрқаман, — деди гапнинг очигига кўчиб. — Шунинг учун испарабкани келинингиз олсину, раисга учрашсин. У кун ўғлингиз, бугун келинингиз... Тушунмай қолдим.

— Хўп, айланай, хўп, — деди хола. — Сал бери қарасин, раисга боради.

Бригадир кетгандан сўнг Сулув ўрнидан турди. Қайнонасига ҳеч нима демай кийина бошлади. Чунки у бригадир билан қайнонасининг гапларини уйда эшитиб ётган эди. Справкани олди. Кўчага чиқди. Совуқ шамол юзига урилиб, бутун вужуди қалтираб кетди. Қайнонасининг ҳай-ҳайлашига қарамай, колхоз идорасига қараб шаҳдам юриб кетди. Идорага келганда, раиснинг бир ўзи ўтирарди. Юзини дока рўмоли билан беркитди-ю, раисга справкани узатди.

— Бу нима? — сўради Еров ғазабланиб (у кекса туякашнинг йўқолиб кетганидан ўзини қаерга қўйишни билмай ўтирган эди).

— Испарабка, — деди қўрққаниданми, совуқданми, иситмаданми қалтираб Сулув.

Еров саводсиз бўлса ҳам, справкага узоқ тикилди. Сўнг стол тортмасидан термометрни олиб, Сулувга узатди.

— Ма, қўлтиғингга қўй.

Уша вақтда «иссиғим ошиб кетди», деювчилар кўп бўлар. Еров справкани ўқий олмаганлиги учун медицина ҳамшираси Мария Иवानовадан термометр олган, ундан қандай қилиб ҳароратнинг ошганлигини билиб олишни ўрганганди. Чунки Мария Иванованинг кўнгли бўш, сал ялинган кишига справка бераверарди.

Термометрни қўрқа-писа олган Сулув уни қўлтиғига нотўғри қўйди. Раис термометрни олди-ю, ранги оқариб кетди. Ғазабдан қалтирар, Сулувни еб қўйгудек бўлиб тикиларди.

Сулув эса ҳеч нарсадан беҳабар, бошқа томонга қараб, жавоб кутиб зўрға ўтирарди.

— Қамчи!!! — деди чинқириб раис.

Идоранинг олдида турган раиснинг олти ёшли ўғли Жўра уйга чопди. Зум ўтмай қамчи келтирди.

— Ҳали сенми мени алдайдиган?! — аччиғидан титраб кетди у ва сапчиб ўрнидан турди. Сулувнинг юзи аралаш тортиб юбормоқчи бўлиб, қамчини кўтарди.

— Раис акажон, касалман-ку, — деди инграб Сулув. Худди шу вақт унинг рўмоли тушиб, сутга чайиб олгандай юзи кўринди.

Раиснинг қўли ҳавода муаллақ қолди.

Тим қора сочлари, қайрилма қошларига, илтижо билан боқиб турган ёш тўла кўзларига бир зум тикилиб қолди. Қамчининг жазиллаб баданига тегишини кутиб турган Сулув қамчи тушавермагач, ўзига

¹ Бригадир демоқчи.

келди. «Вой, ўлай», дея бошига, рўмолини тортди. Шундан сўнггина Али Ёров ўрнига ўтирди. Аламиданми, ё шундай ҳурилиқога қамчи кўтарганиданми, нима қилишини билмасди.

— Майли,— деди охири,— тузалганингча дам ол.

Сулув ўрнидан турди-ю, ҳолсизгина юриб, чиқиб кетди.

VII

Қора совуқ. Изғирин эсади. Тоғда юрган кишининг юзини, лабини торс-торс ёриб ташлайди.

Саидвой совуқдан қалтирайди, юзлари кўкариб кетган. Аммо ҳеч нарса сезмайди, фақат ҳовлиқиб ҳар ёққа чопади. Кўнглида гумонлар алғов-далғов: Туя тезроқ топилса экан. Ҳар бир харсанг тош кўзига йўқолган нортуя бўлиб кўринади. Уша тошга чопади. Тош эканлигини кўриб, қўлтиғидан тарвузи тушиб, бўшашиб қолади. Яна узоқларга тикилади. Яна қорайиб «туяси» кўринади.

Йўқ, у туя эмас, сароб, сароб... Кўзига ҳамма ёқдан туя чиқиб келаётгандай бўлади. Лекин, туя эмас, тош, тош. Кўзлари ёшланади. Изғирин эса қотиб, кўкариб қолган юзини «баттар бўл» дегандай тарашлайди.

У бирдан умидсизликка тушди. Юраги орқасига тортиб кетди. «Наҳотки,— деди пичирлаб,— ўлиб қолган, ё қашқирларга ем бўлиб кетган бўлса. Йўқ-йўқ, ундай бўлиши мумкин эмас. Қолхознинг нортуяси ўлмайди. Қарвонни у бошқариб юрар эди, ўлиб қолган бўлса, энди нима бўлади? У оддий туя эмас, нортуя! Ҳа, нортуя. Яккаю ягона!» У бу хаёлидан чўчиб кетиб, вужуди баттароқ қалтирай бошлади.

Тушга яқин туясини топди. Унинг қалбида қувонч йилт этган нурдай бўлди-ю, лекин ўша заҳоти сўнди. Кўнглини ғам босди. Чарчаган оёқлари қалтираб, кўзлари қоронғилашиб кетди. Бир неча вақт ўзига келолмади. Нима бўлаётганини билмасди. Кўзларига ишонмас, «бу ҳам харсанг тош бўлса керак»,— дер эди.

Йўқ, бу — сароб эмас, карвонбоши туяси ўлиб ётарди. Салгина чуқурчага чўкибди-ю, уялаб туролмай ўлиб қолибди. Саидбой колхознинг туякаши эди. Бундан бир кун олдин район марказига ғалла олиб бориб, топшириб келганди. Далада қоринини тўйдириб олсин, деб туяларни қўйиб юборди. Узи дам олмоқчи бўлиб энди уйига кирганда, раис келиб қолди.

— Ҳой, Саидвой!— чақирди раис отдан тушмасдан.

У отилиб чиқди.

— Ассалому алайкум, раис!— деди у қўлини кўкрагига қўйиб.

— Ваалейкўм ассалом!— деди раис ҳам отнинг ёлига ётиб қўлини чўзаркан.

Улар ҳол-аҳвол сўрашди. Сўнг раис:

— Заготзернога топширдингизми?— деди.

— Ҳа.

— Тўғри чиқдимиз?

— Тўғри.

— Баракалла!

— Тушинг, раис,— деди Саидбой ийманибгина,— чой ичамиз.

Раис тушди. Отни боғлаб келган Саидбой раисни уйига бошлади. Уй-бўйра қапа бўлиб, атрофи чий билан ўралган. Ичкарига эски гилам ёзиғлик тўрда бир неча кўрпа-болиш йиғилиб турарди. Саидбой раисга янгироқ кўрпа танлаб олиб тўшади. Улар чой ичишди, зогора нондан ейишди. Суҳбат охирида раис:

— Энди, Саидвой, эрта саҳарда туриб яна жўнайсиз. Туяларни тайёрлаб қўйинг. Шу билан план тўлади,— деди кулимсираб.— Чарчасангиз ҳам жўнайсиз. Бошқа иложимиз йўқ.

Саидбой эллик бешлардан ошган, ўрта бўйли, зуваласи пишиқ, қирра бурун, қорачадан келган, ҳаракатлари чаққон, меҳнатда пишган киши. Уруш бошлангандан буён туякашлик қилади. Қолхознинг ғалласини районга ташийди. У ўз хизмати билан раисга ёқиб қолган. Бир томони раис билан бирга ўсган.

Бир замонлар Саидбой донғи кетган, Боботоғу Тошбулоқда машҳур чавандоз эди. Унинг мардлигича тантилиги ҳам бор эди. Ишлаб чарчамас, чопиб толмас, олов йигит эди.

Саидбой кечаси йигитлик йилларини ўйлаб анчагача ухлай олмади. «Эссиз йигитлик», деди пичирлаб. Раиснинг гапи сал оғир ботди. Йигитлиги бўлганда, шундай оғирсиниб турармиди. У армиядаги ўғли Қурбонни эслаб қолди. Ун сажкиз ёшда эди-я. Кейинги вақтларда хат ёзмай қўйди. Охирги марта Сталинграддан ёзди...

Ярим тунда кўзи илинди. Кўп ухлай олмади. Одати шундай, ётиш олдидан: «Саҳар тураман», деб кўнглига тугиб қўйса, тамом, ўша вақтда туради.

Турди-ю, юз-қўлини ювиб, туяларини излашга тушди. Нортуядан бошқасини топди...

Қоронғи тушди. Совуқ яна зўрайди. Аммо елкасига нортуянинг терисини ташлаб, секин-секин келаётган Саидбойга бу таъсир қилмас, виждон азобида қийналарди. Унинг кўз ўнгига раиснинг кулиб турган юзи келади, қулоғига эса: «Саидвой, шу марта қатнасангиз планимиз тўлади, ҳаммамизнинг юзимиз ёруғ. Бу сизнинг ҳам, бизнинг ҳам обрўйимиз», дегани эшитилади.

Қолхознинг доврўғига доврўғ қўшган нортуя ўлди, ғалла жўнатилмади. План орқага сурилди. Жангчиларга етказиладиган ғалла бир кун кечикди.

Ана шуларни ўйларкан, кекса туякашнинг кўнгли қоронғилашиб кетарди. Бу ишларнинг ҳаммасига ўзини айбдор деб билар эди. Ана шу айби учун раис уни қандай жазоласа арзийди. У ҳар қандай жазога рози: Унинг бу гуноҳини кечириб бўлмайди. Раис кечирса ҳам, халқ кечирмайди. Ҳаммасидан ҳам ўз виждони кечирмайди. Ахир совуқда жангчиларимиз қон кечиб, Ватан тупроғини озод қилаётганда, у бир карвон ғаллани кечиктирди. Бу қандай бўлди?

У уйига келиб, туя терисини шилқ этиб ташлади. Шундагина роса чарчаганини сезди. Оёқлари зўрға турарди. У қалтирай бошлади.

Ойсулув югуриб чиқди. «Чоли»нинг авзойини кўриб, кўрқиб кетди.

— Нима бўлди сизга? Қаерларда юрибсиз?— сўнг ердаги туя терисини пайпаслаб кўрди-ю, чинқириб юборди:— Вой ўлмасам, бу нима? Тери. Нортуянинг териси. Энди уйимиз куйди. Раисдан у дунё-бу дунё қутулолмаймиз.

— Бас қил!— деди туякаш ўшқириб.

Хотин жим бўлди. Сўнг биров эшитиб қолишидан кўрққандай шивирлаб гапира бошлади:

— Бугун кун узоғи сизни излашди. Раиснинг ўзи уч марта келиб кетди. Келса тезда борсин, деди. Энди нима дейсиз?— деди у терини кўрсатиб.

— Пўстинимни бер!— деди у қатъий бир қарорга келиб.

Пўстинининг устидан чопонини, чакмонини кийди. «Мабодо, урса ўтмайди», деб кўнглидан ўтказди туякаш. Терини даст кўтарди-ю, жўнади.

Уни раис газабнок кутиб олган бўлса-да, лекин даргазаб эмасди. Нуртуянинг ўлимини суриштирди-да:

— Терини завхозга топширинг, ҳозироқ жўнанг. Омборда ёрдамчингиз билан галла ортган туяларингиз кутиб турибди,— деди.

Бу гапдан Саидбойнинг оғзи очилиб, ҳайрон бўлиб қолди. Ахир у жазо олиш учун келган эди-ку? Нега уни бошқаларга ўхшаб сўкмади, урмади, судга бериб қаматмади? У ҳаммасига рози эди-ку? Нега у бундай мурувват қилди? Шу вақтга қадар бундай мурувватли бўлган эмасди.

«Ҳа,— кўнглидан ўтказди туякаш,— ҳозир галлани жўнатиш керак. Сўкиб, уриб ўтиришга вақт йўқ. Келгандан кейин таъзимимни беради».

Шу хаёллар билан район йўлига чиқди. Тун тинчлигини бузган туя бўйнидаги қўнғироқ узоқлашиб, сўнгра эшитилмай қолди.

VIII

— Суюнчи, суюнчи!— энтикарди йигит от чоптириб қишлоқ томон келаркан. Узоқдан чопиб келаётган бўлса керак, оти қора терга тушган, бурун катаклари кенгайиб кетиб, пишиллар, ҳансирарди. Чавандоз эса отининг бу аҳволига эътибор ҳам бермас, овулга тезроқ етсин, деб қамчи билан савалар, оёғи билан ниқтарди.

Чавандознинг овози қишлоққа яшин тезлигида тарқалди. Қапалардан, уйлардан хотин-халаж, кексалар, ёш болалар югуриб чиқди. У отининг жиловини тўғри Саиднинг уйига бурди.

Райондан қайтган Саидбой кўчага чиқди. Хотини Момосулув хола ҳам унга эргашди. Улар ўзлари томон от суриб келаётган чавандозни кўриб, тик туриб қолдилар. Сўнг қувончли хабар эканлигини сезиб, оппоқ оқарган юзларига қон югуриб, табассум пайдо бўлди.

Чавандоз чопиб келди-ю:

— Суюнчи! — деди энтикиб ва тоғ йўлини кўрсатди.

Ҳамма ўша тоғ йўлига бурилиб қаради. Йўлда беш-олти отлиқ келарди. Момосулув холанинг қизлари ҳовли супуриб, жой тайёрлашга тушиб кетди.

— Қурбон акам!— деди ёш чавандоз.

Бу хушхабардан қотиб қолган Момосулув хола бир оздан сўнг ўзига келди.

— Вой, тилгинангдан холанг айлансин,— деди кейин суюнчи учун уйга шошиб кираркан,— хабарчимдан айланай! Хабар олиб келган тилингни сенинг.— У суюнчи олиш учун бўғжамасини¹ ковлар экан, тили тинмай хушхабар олиб келган йигитчани дуо қиларди.— Илоё умрингни узун қилсин худо. Қурбонжонимнинг хабарчисидан айланай.

Хола йигитга гирдикапалак бўлиб, белига белбоғ, бошига дўппи кийгизди.

— Мен биринчи бўлиб кўрдим,— деди бола йўловчилар келаётган томонга мағрур боқиб.

Йўловчилар от чоптириб етиб келишди. Холанинг қувончдан кўзлари порлар, қувонч ёшлари тинмай думаларди.

Ота қўйиб она, она қўйиб опа, қариндош-уруғлар Қурбонни тинмай қучоқлар, исига тўйиб олиш учун ҳидлаб-ҳидлаб ўпарди. Момосулув хола Қурбоннинг бошига ноз-неъматдан сочқи сочди. Атрофда уймалашиб юрган болалар бир-бири билан талаша кетди. Қурбоннинг бир қўли йўқ эди. Лекин ҳеч ким ачинмади. Тирик келганига шуқр қилишди.

¹ Гилам Бўхча.

Қурбонни кўргани бутун қишлоқ йиғилиб келди. Саидбой тўй қилди. Тун ярмигача ўтириш бўлди. Қурбон уруш даҳшати, совет жангчиларининг мардлиги ҳақида гапирди. Шундан сўнггина халқ уй-уйларига тарқалди.

«Одамлар етишмай турганди. Яхши бўлди. Йигитларимизнинг олди кела бошлади,— пичирларди раис ҳамма қатори уйига жўнаркан.— Энди аҳвол яхшиланади. Ишимиз ўнгланиб, изга тушиб кетади. Қолхозни оёққа турғизамиз. Чорвани ривожлантирамиз. Йилқиларимиз яна кўпаяди. Туя ҳам».

Еровнинг қалбида севинч бениҳоя эди... Кеча уни районга чақиришди.

— Табриклайман, ўртоқ Еров,— деди райком секретари дўстона кулимсираб.— Ғалла тайёрлаш планини муваффақиятли бажардинглар.

— Раҳмат,— деди қувончдан юзлари лолодек қизариб Али Еров.— Раҳмат. Ҳукуматнинг топшириғи биз учун қонун. Уни бажариш бизга шараф.

Кейин кенгаш бўлди. Еровни президиумга сайлашди. Докладчи уни ғаллакорлардан биринчи бўлиб тилга олди.

Кенгашдан сўнг бошлиқлар уни идорага таклиф қилишди.

— Гап бундай, раис,— деди яна биринчи секретарь,— қўшни колхозларимиз — «Янги турмуш» билан «Янги ҳаёт» қолоқ. Ҳозир планларини зўрга эллиққа чиқаришди. Шу иккала колхозни сенинг колхозингга бирлаштирсак. Уларни, бирлашган ўзар қилиб, ўзинг шатакка олсанг.

— Қандай бўларкан,— деди раис жиддий.— Одамлар оз, мажбурият яна ортади. Келгуси йили планни бажаролмасак...

— Бажарасан, сенга ишонамиз,— деди секретарь унинг сўзини бўлиб.— Тўғри, мажбурият уч баравар ошади. Ошса нима қилибди. Бутун имкониятлардан фойдаланасан.

Бу колхозларнинг раисларини ҳам чақириб, воқеани тушунтириб айтишди. Улар ҳам рози бўлиб чиқишди.

Бугун эса, бундай хушxabар... Қурбон келди. Э! У Қурбонни кўрганда кўзларидан ёш чиқиб кетди-ку!

Энди бўлса, завқланиб: «Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди — дерди.— Майли, бир нортуядан ажралдик. Илож қанча?.. Саидвой атай қилмаган-ку? Хафа қилмаганим тузук бўлган экан».

У уйига келди-ю, уч колхознинг мажбуриятини, бугдой экиладиган ер майдонини ҳисоблаб чиқди. Ҳисоблаб кўрса, экин экиладиган ер майдони жуда оз. Шунда бир хаёл фикрини ойдинлаштириб юборди. Бу — Боботоғдан янги ер очиш истаги эди.

Эртага у Духонага чиқмоқчи, колхозчилар билан суҳбатлашиб, қаердан ер очса бўлишини аниқламоқчи бўлди. «Шу ишларни эртага қиламан», деб пичирлади-да, ўраниброқ ётди. Аммо ухлай олмади.

Кўз олдига Сулув келаверди: оппоқ, ориқ юзлари, билаклари, қайрилма қоши-ю, бутун бир оламини лол этувчи тим қора кўзлари... «Оҳ, дунё! — деб юборди. — Дунё ўзи шундай,— кўнглидан ўтказди у, — яхши билан ёмонни қовуштиради. Бўлмаса Сулув қаёқдаю Худойқул букри қаёқда. Оғзида шовласи турмайди. Уни урушга ҳам олишмади. Фойда бериши гумон».

У шуларни ўйлади-да, ёнига қаради. Болалари пишиллаб ухлаб ётар, хотини Момогул бешикка бошини қўйиб, боласини эмизиб ухларди. Энди у хотинини ўйлаб кетди. Хотини Момогул ўрта бўйли, қирра бурун, бугдой ранг, бўшгина хотин. Ўзи ишни пухта қилишга ўрганган. Шунинг учун хотинининг баъзи чала қилган ишларини кўрибғижинар, «дурустроқ қилсанг ўласанми», деб бақирарди. Бундай вақт-

ларда Момогул ер ёрилса, ерга кириб кетгудай бўлар, бир томони эрининг қамчисидан қўрқарди.

У Сулувни севиб қолганди. Узоқ вақт ширин хаёллар оғушида ётди. Кейин бу хаёлларидан ўзи ҳам қўрқиб кетди. Ахир Худойқул борку?.. Бир томони — ўзи раис. Раис бўлатуриб уларнинг бошини силаш, меҳрибон ота бўлиш ўрнига, унга кўз олайтириб ўтирса... Бу хаёлларни бошидан суриб чиқариш учун яна тоғдан янги ер очишни ўйлай бошлади. Тонгга яқин кўзи илинди.

IX

Духонага чошгоҳда етиб келди. Духона — икки уй деганича бор экан. Қичкинагина қишлоқ, лойдан урилган деворли уйларда тожиклар истиқомат қилишарди. Қишлоқ — икки юксак тоғ ўртасида. Ҳозир Али Ёров чиқиб келган жой даранинг боши эди. У «Қолхоз идораси» деб номланган пастаккина, усти қамиш билан ёпилиб, сомон шuvoқ қилинган уйга яқинлашаркан, назари бир саман той ушлаган икки кишига тушди.

Саман той кексалардан эшитган ривоятни эсига туширди.

Ривоятда айтилди: ўзи саман бўлиб, ёли қора, орқа оёғининг бири оқ, тўпиғи жигарранг бўлса, хосиятли от бўлади. Тожиклар ушлаб турган той худди шу ривоятдаги саман эди. Шу тойни сўраб олмақчи бўлди.

Бу ёғи қорабайир ўлиб қолган. У отга зор эди.

У миниб келган оти устидан тушиб саломлашди. Ҳол-аҳвол сўрашди. Тожиклар аввал тожикча сўзлашаётган бўлса, энди ўзбекча гаплаша кетишди.

— Бир совлиқ қўй бераман,— деди бири.

— Йўқ, бўлмайди,— деди саманнинг тизгинидан ушлаб турган тожик.— Бир қўзили совлиқ берасан.

Униси бир совлиқ, буниси бир қўзили совлиқ деб анча тортишди. Охири уларнинг савдоси чиқмай, олувчи кетиб қолди. Унинг олмай кетишини илҳақ бўлиб кутиб турган Алига жон кирди.

— Тойни сотасизми?— уни зимдан кузатиб сўради.

— Сотаман, ако раис,— деди у.— Бир қўзили совлиққа.

— Бу тойнинг нархи икки қўзили совлиқ, устига пул бераман. Менга беринг! Қолхозга оламиз. Уярда айғиримиз йўқ.

— Йўқ, ако раис,— деди у жиддий оҳангда,— менга икки қўзили совлигингиз ҳам, пулингиз ҳам керак эмас. Бир қўзили совлиқ берсангиз бас.

Али бир гапли тожикнинг бу ишига ҳайрон қолди.

— Ҳа, майли,— деди-ю отни пастга олиб боришини тайинлади.

Кейинроқ унга икки қўзили совлиқ ва пул бериб юборди. Лекин тожик бир гапли экан, олмади.

Тоғ сафаридан Алининг вақти чоғ эди. Омади кела бошлаганини юракдан ҳис қилди. Тожиклар Қораюмалоқда ер очса бўлади, деди. Кейин у бригада бошлиғи Хушвақтни олиб яна тоққа чиқиб борди.

Қораюмалоқ юксаклик бўлиб, бошқа ерга ёмғир, қор ёмганда ҳам, бу жойларга қор тушарди. Уч юз гектар ер очилиб, кузги буғдой экилса, қор остида қолиб, келгуси йил мўл ҳосил олса бўларди.

Али шу хаёллар билан бораркан, юқорида бир нарсанинг шувиллаганини эшитди. Қаради-ю, ранги бўздек оқариб, юраги орқага тортиб кетди. У бир зумгина ўзини йўқотиб қўйди. Юқоридан у томон боши катта, йўғонлиғи бўрбойдай илон вишиллаб тушиб келарди. От пишқириб, тайсаллай бошлади.

Али ўзини ўнглаб олдию, отини тезлатиб, қияга бурди. Шашт билан келаётган илон унинг ёнгинасидан ўтиб кетди. Орқадаги Хушвақтнинг ҳам ранги оқариб кетган эди. Бир раисга, бир пастга қаради, илон изига кўзлари косасидан чиққудек тикилиб:

— Раис ака, худонинг ўзи асради,— деди.

— Бу жойга Говурган яқинми?— сўради Али Ёров, ҳамон ўзига келолмай.— Говургон илонлар макони эмиш.

— Говургоннинг устида турибмиз, — деди-ю, Хушвақт унга бир ривоят айтиб берди.

Айтишларича, илонларнинг макони Вахшивор бўлган. Асли номи Вахший мор. Қишилар кейинчалик Вахшивор деб атаб кетганлар. Одамларнинг тинчлиги бузилавергач, илон тилига тушунадиган подшо бир кун хат битгану бир йигитга берган: «Мана шу қоғозни бошингда ялов қилиб кўтариб Вахшиворга бор. Олдиндан ҳайбатли илонлар чиқса ҳам, қўрқмай кетавер. Олдиндан бир оқ тош чиқади. Унинг устида қамчининг тасмасидек илон ётади. Хатни шу илонга кўрсат». Йигит подшонинг айтганини қилади. Олдиндан ҳайбатли илонлар чиқса ҳам қўрқмайди. Илонлар йигитни кўргач, бошларини кўтариб вишиллайдю, қоғозни кўриб индамай қолишади. Йигит ҳалиги илонни учратади. Хатни беради. Хатни кўздан кечирган илон бир чинқиради. Вахшивор тоғлари ларзага келади. Илонлар йиғилиб йўлга тушади. Кундузлари дам олиб, тунлари йўл юрар экан. Улар кўчиб Говургонга келиб жойлашади.

Бу ривоятни аввал ҳам эшитган Али Ёров: «Бекор гап», деб қўйган эди. Энди ишонди. Деновдаги Илонтёпа, Заҳарли тепа деган жойларни эслади. Айтишларича, шу тепаларга илонлар бир-бир кун қўниб ўтишган экан. Бирдан унинг қалбига гулгула тушди: «Ёр очаман деб одамларни олиб келсам, уларни илон чақиб ўлдира берса. Ишнинг бу томони қандай бўлдийкин?» Хушвақтга шу фикрини айтганди, у:

— Илон кам, — деди кулимсираб. — Умрим шу тоғда ўтяпти. Лекин бир одамни илон чақиб ўлдирибди, деб эшитганим йўқ.

Али Ёров билан Хушвақт кеч пешингача тоғ айланишди. Ишни нимадан бошлаш кераклигини келишиб олишди. Кечқурун изига қайтишди.

— Раис ака, чарчадингиз, ётиб кетинг,— деди Хушвақт кетмоқчи бўлган Али Ёровга.— Бирор одамдан жой сўрайлик.

— Сен эрта билан бутун тоғ одамларни Қораюмалоққа олиб чиқ,— деди раис Хушвақтнинг сўзини эшитмагандай.— Шувоқларни томири билан қўпартир. Мен пастдан бошқа бригада одамларини олиб чиқаман. Ишни тезлаштирмасак, қишга қолиб кетамиз. Бўғдойни экиб олишимиз керак... Ҳа, айтгандай, қишлоқда бир киши қолсин. Пастдан келганларга йўл кўрсатади.

У шундай деди-ю, зим-зиё тун қўйнига кириб, кўздан ғойиб бўлди.

Х

Қораюмалоқ. Боботоғнинг энг юксак бу қисми асрлардан бери мудраб ётарди. Куз охирилашиб, қиш кириши олдиндан тўполон бўлиб кетди. Утовлар тикилди.

Кексалару хотин-қизлар. Кексалар ўтов тикишар, ўтин терар, хотинларга кетмонларини чархлаб берар, хотинлар шувоқ кавлар, қўпорар эди. Совуқ шамол юзларни қиймалаб, лабларни ёриб кетарди, аммо одамлар тиним билмай ишлашарди.

Хушвақт бригадир. Сулув ҳам бор, Худойкул ҳам. У баъзан раисга ёв қараш қиларди, ишга берилиб кетарди. Чунки, ўшанда бошида ўйнаган қамчи, ғазабдан қон қуйилган кўзлар ҳамон унинг ёдида.

Кекса туякаш Саидбой қари бир туяни етаклаб келди. Туяни сўйди. Бир қозон қайнатма шўрва қилди. Одамлар иссиқ овқат еб жонланиб қолди.

— Уртоқлар,— деди раис халққа мурожаат қилиб.— Шу кундан бошлаб норма берилади. Нормани ким ошириб бажарса, овқатдан сўнг фалон килодан гўшт мукофоти бор. Бу гўштлирни уйларингизга, болаларингизга юборасизлар. Узингиз эса шу ерда иссиқ шўрва ичиб турасизлар.

— Майли,— дейишди аҳоли гуриллаб,— тунда бўлса ҳам ишлаймиз.

Нормалар белгиланди. Мукофот ҳам аниқланди. Хотин-қизлар шиддат билан ишлашарди.

Раис буни кейин англаб қолди: дастлабки кунлари баъзилар совуққа қунишиб, кун ўтари қилиб юрди. Иш унуми бўлмади. Бу ёқдан эса қора совуқ босиб келарди. Агар қор тушиб қолса, халқни бир кун ҳам ушлаб туриб бўлмасди.

Сўнг бу ишни қилганди.

Биринчи кунги ғолиблар аниқланди. Иш ҳар кунгидан икки барабар кўп бажарилгандан раис ҳам, Хушвақт ҳам ўзини қаерга қўйишини билмасди.

Ниҳоят, ҳамма келиб, ўз улушини ола бошлади.

Энг орқада Сулув турарди. У касалдан янги тургани учун бугун қанча ҳаракат қилса ҳам бўлмади. Нормани бажаришга толиқиб қолди. У нормани ошириб, мукофот олишни истарди. Чунки бугун мукофот олганлар Саидбойдан овулга бериб юборишади. Овулда ҳамма олса, хола олмаса, қандай уят. Барчанинг уйдан қовурилган гўшт иси овулга таралса, уларниқидан чиқмаса, қандай даҳшат. «Оҳ, бечора келиним нимкала! чиқди», демайдими меҳрибон қайнонаси? У шуларни ўйларкан: «Қоронғи бўлса ҳам, нормамни бажараман», деб кетмонни олди-ю, изига бурилди.

— Тўхта, Сулув,— деди раис. Раис ҳам унинг дилидагини сезганди. Сулув овозни эшитди-ю, иккиланиб тўхтаб қолди.— Сулувга бугунги қолганини ҳам эртага қўшиб бер,— деди Хушвақтга.— Бугун мукофотдан қуруқ қолмасин. Қайноналарига бериб юборсин. Эртага нормасини ошириб бажаради. Худойқул йўқолди, номард.

Бу гап Сулувни ҳам, одамларни ҳам қувонтириб юборди.

— Худоё болаларингизнинг яхшилигини кўринг, раис,— деб дуо қилди бир кексароқ аёл.— Сулувжон эртага кўпроқ ишлайди. Эри ҳам келиб қолар.

У мукофотни олди. Рўмолга авайлабгина ўраб, Саидбойга берди.

— Қайнонамнинг қўлига топширинг,— деди астагина.— Келинингиз яхши ишлаб, мукофот олди, денг.

— Хўп, қизим,— деди Саидбой кулимсираб,— шундай дейман.

Ҳақиқатдан ҳам эртасига Сулув нормасини бир ярим барабар қилиб бажарди.

Орадан кўп ўтмай шувоқлар олиниб, ерлар ҳайдалди. Бугдой экилиб, одамлар пастга тушганда қор гупиллаб ёғиб берди.

XI

Қиш қисқа бўлди. Ўлкани гулларга буркаб, дилни қитиқловчи шабадаси билан гўзал баҳор кириб келди. Қўнғиротлар, ҳар йилги ода-тидек, деворли уйларини ташлаб, адирга ўтовлари билан кўчиб чиқишди. Раис моли йўқ камбағалларга колхознинг эчкисидан тўрт-бештадан бўлиб берди, «сут, қатиқ қилиб туринглар пишиқликкача», деб.

¹ Чалажон, нимжон маъносига.

Колхозга пишлоқ тайёрлаш илани тушди. Қўйларни соғиб пишлоқ қила бошлашди. Баҳор яхши келиб, ўт кўп бўлди. Чорвадорнинг йили. Баҳорги буғдойлар ҳам экилди. Ҳа-ҳу дегунча гўзал баҳор ҳам ўтиб кетди. Ҳаёт бир маромда тебраниб ўтиб борарди. Урушнинг эса қачон тугашини ҳеч ким билмасди. Кўплар урушдан ярим жон бўлиб келди. Кўплар мотам либосини кийди бу қора қишда. Баҳорда ҳам шундай бўлди.

Ёз бошланиши билан ҳамма ўроққа чиқиб кетди. Узун кун далада ётиб буғдой ўришарди. Раис яна мусобақани қизитди. Бунини эшитиб уйда ўтирган кексалар ҳам қизига, келинига ёрдам бериш учун ўроққа чиқиб кетди.

Ўрилган буғдойлар боғланиб гарам қилиб кетиларди. Тайёр бўлганларини ҳўкизлар билан, шошилич кунлари боғнинг бошини таёқ билан янчиб, буғдойини отда, эшакда, туяда районга жўнатиларди. Шундай шиддатли кунларнинг бирида Духонадан Хушвақт келиб қолди.

— Ассалому алайкўм,— деди Хушвақт отдан тушаркан, раисга қўл чўзиб.— Саломатмисиз, бола-чақа яхшими?

— Ваалейкум ассалом,— деди раис у билан икки қўллаб кўришаркан.— Шукр, худога шукр. Ўзинг яхшими, болалар, овул-ҳамсоялар чопқиллашиб юрибдими?



Расмларни А. ХОЛИҚОВ чизган.

Хушвақтнинг ранглари ўчган, асабийлашган, раисга ниманидир айтмоқчи бўлар, аммо тили қуриб қолгандай айта олмас эди.

— Тоғларда нима гап?— сўради раис уни зимдан кузатиб.— Пастлаб қопсан?

— Раис бово, бир иш чиқиб қолди,— деди юракдагисини айтишга чоғланиб Хушвақт.

— Қандай иш?— раис сергакланди.

— Қораюмалоқдан бугдой ўғирланяпти.

— Нима!— раис бақриб юборди.

— Раис бово, мажбурият катта,— деди у худди ўзи гуноҳкордек.— Бугдойни ўғирлаб кетяпти.

— Ким?

— Анигини билмадим-у, ўғри шу овулдан дейишяпти одамлар.

— Галла янчилмаган, қандай ўғирлайди уни?!

— Гарамдан бугдойни боғи билан оларканда,— деди Хушвақт,— тик қўйиб, бошига таёқ билан саваларкан. Кейин ағдарса, бугдой шов этиб ерга тўкилади.

Раис ўйланиб қолди. «Падарингга минг лаънат», деб сўкинди. Сўнг:

— Аниқроқ билдингизми?— сўради раис Хушвақтга тикилиб.— Бу овулда бори — кексалар, хотинлар. Қораюмалоққа бир кечада чиқиб келолмаса керак. Бу бўлмаган гап.

— Билмадим,— деди у яна ерга қараб.— Одамларимиз Худойқул букри деяпти.

— Ҳа,— деди раис Хушвақтга бир нарсани сезгандай қараб.— Ё тавба. Бўлмаса бундай,— деди у, биров эшитиб қолишдан ҳадиксираб,— Қораюмалоққа одам қўйинг. Олганда ҳам индамасин... Қаёққа юради, изидан тушиб, борган жойида ушлаймиз.

— Хўп, раис бово.

XII

Тун. Совуқ. Осмонда хирмонга тўшалган пахтадек ёйилиб булутлар ётибди. Чимилдиқ орқасидан қараган келиндек булутлар ортидан ўн беш кунлик ой гоҳ кўринади, гоҳ яна булутлар кетига ўтиб кетади.

Кейинги кунларда Али Ёров яна ташвишланиб қолди. Ёмғир эрта бошланса, бугдой янчилмай қолиб кетарди. Ана шуларни ўйлаб ётаркан, ўтовга яқинлашаётган от дукурини эшитди. Биров отдан секин тушди. Оёқ учида юриб эшикка келди ва:

— Раис бово,— деди шивирлаб.

Али Ёров сапчиб туриб ўтирди. Қўйлакчан бўлгани учун ўрнидан қўзғалмай:

— Ҳа,— деди.

— Бу мен,— деди у одам. Бу Хушвақт эди.

— Бу ёққа кел!

Хушвақт кўрпанинг пастига келиб ўтирди. Энгашиб, шивирлаб гапира бошлади:

— У уйига келди.

— Қачон?

— Ҳозир.

— Бўлмаса чиқиб кузатиб тур. Мен ҳозир чиқаман.

Хушвақт кетди. Али Ёров тезгина кийинди. Иссиқ ўрнидан ташқари чиққандан эти жунжикиб кетди. Телпакни қошигача бостириб олди. Кўчада Хушвақт совуқда дилдираб кутиб турарди. Иккиси икки томондан Худойқул букрининг уйига боришди. Писибгина ўтовга ки-

ришиди. Утовда икки ўрин солинган бўлиб, биттасида болалари билан Сулув уҳлаб ётар эди.

Али тезгина бўш ўринга қўлини тиқиб кўрди. Ўрин иссиқ эди. «Демак, шу ерда. Ўрин ҳали иссиқ», кўнглидан ўтказди Али Еров. Сулув уйда ғимирлашиб юрган одамларни сезиб, чўчиб уйғонди.

- Эринг қаёқда?— сўради Али Еров ғазабланиб,
- Билмайман,— деди Сулув шошиб рўмолини ёпинаркан.
- Бўлмаса мана бу кўрпа кимга солинган?
- Ўзим ётгандим.
- Шундайми? Ўзинг ҳозир уйқудан турдинг-ку?

Улар тонг отгунча пойлоқчилик қилишди. Оппоқ тонг. Али Еров буғжама таги қазилганини сезиб қолди. Тўшалган гиламни тортиб олди-ю, ўрага қараб қичқирди:

— Чиқ! Худойқул?

Раис яна бақирди. Яна, яна. Ниҳоят, ўрадан соч-соқоли ўсиб, ранглари ўликниқидек оқариб кетган Худойқул букри чиқди. Хушвақт унинг қўлини орқасига боғлади.

— Буғдой қани?!— сўради Али Еров жаҳлдан титраб.

— Мен сендан сўраяпман?— дея дағдаға қилди раис Худойқул букрига.

Худойқул раиснинг юзига, унинг шайланиб, қамчи дастасини қисаётган қўлларига кўзи тушдию:

— Ертўлада,— деди.

У буғдойни отга ортиб, колхоз омборига жўнади. Худойқул букри-ни эса ўша куниёқ: «Колхоз мулкига хиёнат қилган», деб маъмурий органга топшириб юборди.

XIII

Тошбулоқ тоғнинг бошидаги булутларни қизғиш рангга бўяб қуёш чиқа бошлади. Совуқ шамол изғийди. Оқмачитдан одамлар карвони Қораюмалоққа қараб бормоқда.

Кечаги воқеадан сўнг Али Еров Қораюмалоқдаги буғдойни тезроқ янчиб районга жўнатиш пайига тушиб қолган, одамларни тўплаб воқеани тушунтирган: «Тезроқ янчиб, районга жўнатмасак, қолганини ҳам ўғрилар уриб кетиб, куздаги меҳнатимиз ҳиппа сув бўлади», деганди.

Мана, туя, эшак минган одамлар карвони Қораюмалоққа — тоққа ўрламоқда. Али бугун қалбини кемириб ётган ўз муҳаббатини Сулувга айтмоқчи. Унинг қалбини ҳам билмоқчи.

Сулув минган эшак қари эди. Тоққа тирмаша бошлаганда орқада қола бошлади. Буни сезган Али ҳам отини секинлатиб ҳайдади. Одамлар дарага кириб кўздан ғойиб бўлгач, Али Сулув билан тенглашди.

— Сулув, эшагинга дам бер,— деди.

— Эшагим чарчагани йўқ, раис баво,— деди Сулув эшагини ниқтаб ҳайдаркан. Аммо қари эшак чарчаганидан қадам ташласа, олға эмас, орқага кетаётгандай туюларди.

— Тўхта,— деди қаттиқ овозда раис,— мана бу жой яхши экан, эшагинга дам бер.

Бу сўзни эшитиб Сулув донг қотиб қолди. Эшаги тўхтади. Али отини чоптириб, булоқ бошига борди.

— Бу ёққа ҳайда,— деди буйруқ оҳангида.

Сулув ноилож, кўзлари олазарак ҳолда эшагини бурди. Булоқ бошига келаркан, юраги ниманидир сезиб гупиллаб ура бошлади.

— Раис баво, одамлар нима дейди,— деди овози қалтираб,— гап қилишмайдимиз?

— Ҳамма ўтиб кетди, — деди раис негадир овози титраб. — Бирпас дам берамиз-у, жўнаймиз.

— Бўлмаса мен пйда кета берай,— деди ҳамон эшагидан тушмай Сулув,— сиз эшагимга дам бериб, ҳайдаб борасиз.

— Ўзинг миниб борасан, туш.

У эшагидан тушди. Эшагини боғлаб, бир четда тоғ кийигидай ҳадиксираб, раисни кузатиб турди.

— Бери ке,— деди раис ўтлоққа ўтириб.— Ўтир, дам ол.

Сулув келиб ўтирди.

— Мен сени яхши кўришимни биласанми?

— Ундай деманг, раис баво, уят бўлади, — деди Сулув ўзини сал нари олиб.— Янгам бор, болаларингиз бор.

— Нима қилай, сени кўрсам, ўзимни йўқотиб қўяман,— деди раис тобора унга яқинлашиб.— Ушанда кўрдим-у, худо уриб қўйди мени.

— Раис баво, одамлар бор.

— Бўлса, нима бўлибди. Мен сени севаман-ку!

Сулув ерга қараб кўзини номаълум нуқтага тикиб қолди.

Али Еров ҳам ўйга чўмди. Ўйларди. «Бунинг эри ифлос одам, лекин одамлар тўғри тушунармикан. Кейин атайин қаматди деб ўйла-масмикан?

Лекин... бунинг ўзи ҳам ўғриликка шерик ҳисоб. Нега Худойқул букрини йўлдан қайтармади? Тўғри ишлаганда ҳозир сафимизда бўларди-ку? Э, қуриб кетсин бари!»

Раис шарт туриб отига минди.

— Тур, кетамиз,— деди.

Бу вақтда Сулув ўз ўтмишини ўйларди.

Ушанда у тўққизларда эди. Отаси, онаси чой ичиб ўтиришарди. Қуёш ботиб, ним қоронғи тушган эди. Бирдан ола-тасир бўлиб кетди. Бир тўда отлиқ уйларини ўраб олди. Булар, энди билса, босмачилар экан. Босмачиларнинг бошлиғи от ўйнатиб уй олдига рўпара бўлди.

— Шермат, бу ёққа чиқ!— деди буйруқ оҳангида.

Сулув кўрқиб кетди. Онасининг пинжигига текилди.

— Кўрқма, болам,— деди онаси уни бағрига босиб.

Ташқаридан овозлар эшитилиб турарди.

— Аввало айт, йигитмисан?— сўради босмачи.

— Йигитман,— деди унинг отаси.

— Мусулмонмисан?

— Алҳамдулиллоҳ, худога шукр, мусулмонман.

— Мусулмон бўлсанг, нега бизга қўшилмайсан?

— Қўлимдан келмайди, ака. Умримда милтиқ ушлаб кўрганим йўқ.

— Урис билан жанг қилишдан кўра хотиннинг қучоғи ширинми? Шерматдан садо чиқмади.

— Бўлмаса мен бу лаззатдан сени маҳрум қиламан.

Сўнг милтиқ овози эшитилди. Онаси билан Сулув югуриб чиқишганда, отаси йиқилиб ётар, пешонаси ўйилиб кетиб, қон тизиллаб отиларди. Онаси ҳам, Сулув ҳам ҳушидан кетиб йиқилди.

Орадан бир неча кун ўтгандан сўнг ўша босмачи яна келди. Сулувнинг онасини никоҳлаб, мажбуран хотинликка олди. Сўнг қаёққадир ғойиб бўлди. Сулув Худойқул букрининг онаси қўлида қолди. Кейин Сулув севмаса ҳам унга олиб беришди.

Сулув алам билан уҳ тортдию, ҳолсизгина ўрнидан туриб жўнади...

Эртасига буғдой боғини тик қилиб қўйиб, таёқ билан уриб, дони-

ни ола бошлашди. Бу иш бир ҳафта давом этди. Буғдой тайёр. Энди ташиб олиш қолди. Бу масала янчиб олишдан ҳам оғир эди. Чунки бу жойга туя чиқолмас, эшакларга йўлларнинг тор бўлганидан ҳам юк ортиб бўлмасди.

— Фақат бир йўли бор,— деди кекса туякаш раисга,— Арғамчи сойгача одамлар елкада ташийди. У ёғига туя, эшак билан олиб кетамиз.

— Бошқа йўли йўқ,— деди раис ҳам ўйланиб.— Шундай қиламиз. Сиз ҳозир колхозга боринг. У ёқдан ғалла ортиб Узунга ўтасиз. Сиз Арғамчи сойга келгунингизча, биз буғдойни тушириб турамиз.

— Хўп раис,— деди Саидбой ва жўнаб кетди.

Халққа раис вазиятни батафсил тушунтирди. Яна мукофот қўйди. Одамлар рози бўлишди. Улар бир ҳафта буғдой ташишди. Елкалар яғир бўлиб кетди. Лекин, руҳлари тетик эди.

XIV

Ғалаба. Бу сўз бир зумда бутун дунёга яшин тезлигида тарқалди. Уруш деган даҳшатли сўз одамлар қалбига ғам, ташвиш олиб кирган бўлса, бу сўз қувонч, табассум олиб кирди. Бахт улашиб чиқди. Бу сўз тоғлар ортида жойлашган Оқмачит қишлоғига ҳам нур каби ярқираб кириб, барчанинг қалбига қувонч, юзларига табассум улашди.

— Энди ишларимиз ўнгланиб кетади,— дерди раис қувончдан ўзини қаерга қўярини билмай,— ишимиз ўнгланиб кетади. Урушдан олдингидай ҳаёт кечира бошлаймиз. Овул яна обод бўлади. Тўйларга тўда-тўда бўлиб бориб, ўлжа билан қайтамиз. Колхоз отлари ҳам қайтиб келса керак.

Лекин Али Ёров нотўғри ўйлаган эди. Колхозни оёққа турғазини осон бўлмади. Отлар ҳам қайтиб келмади. Йигитларнинг кўпидан қора хат келди. Кўплари бир қўли, бир оёғидан ажралиб қайтишди. Али Ёров шундагина аҳволни ўзгартириш қийинлигини юракдан ҳис қилди. Ғалабадан сўнг бир йил ўтиб кетибдиямки, колхозда аҳвол эскича.

Раис нима қиларини билмасди. Гоҳо тунни билан ўйланиб, мижджа қоқмай чиқар, аҳвол шу тарзда давом этса, охири нима билан тугашини билмай, ўз хаёлидан ўзи қўрқиб кетарди. Утган йили баҳорда колхознинг тоғдаги участкаси — Қапатошда чигит экиб кўрди. Бўлмади. Ёмғир ёғиб турганда ўсиб чиқди. Ёзда эса ўсишдан тўхтаб, ҳосил бермади. Қолхозчилар меҳнатига қуйиб қолаверди. Пахта буғдой эмас экан. Сўнгги кунларда калаванинг учини йўқотиб, гаранг бўлиб қолди.

Бир кунни пахтакор колхозларни кўриб келмоқчи, маслаҳатлашмоқчи бўлиб, район марказига жўнади. Сурхон дарёси ёқасига келиб, отини суғориб, хаёл суриб тураркан, дарё ёқасидаги тўқай тўс-тўполон бўлиб кетди. Аввал милтиқ овози эшитилди. Сўнг този итнинг югургани ва овчининг энтикиб чопиши қулоғига чалинди. Отини тўқайга бурди.

Али Ёров от чоптириб тўқай оралади. У томон жон ҳолатда ярадор тустовуқ чопиб келарди. Отини суриб бориб, ердан тустовуқни олди. Сўнг аввал този ит, кейин овчи югуриб келди.

— Беринг, ака, менинг овим,— деди овчи ҳансираб.

Раис аввал индамай турди. Овчининг юзига бир оз тикилди. У солдатча ботинка, шим, гимнастёрка кийган, бошида телпаги бор, пачақ буйли, мўйлов қўйган, пачақ бурунли киши эди. Този эса тинмай ҳурар, иложи бўлса тустовуқни ундан тортиб олиб, эгасига беришга ҳаракат қиларди. У бир оз ўйланиб турдию:

— Ма, ол,— деб тустовуқни овчига ирғитди.— Тўқайда нималар бор?— сўради кейин.

— Тулки бор, шақол бор. Илгари тўнғиз ҳам бўлган. Бўри ҳам. Ҳозир қочиб кетган ўлар.

Али Ёров ўйланиб қолди. Тўқайни кузатди. Тўқайда қиёқ, қамиш ва бошқа ўтлар ўсиб, куннинг иссиғида қовжираб, сап-сарик бўлиб ётарди. Раиснинг бошига бир фикр ярқ этиб урилди, кўнгли ёришиб кетди.

«Тўқайни ўзлаштираман, пахта экаман», деди қувончдан лаблари пириллаб. Сўнг дунё топган тентакдай отини район маркази томон елдириб кетди.

У тўғри район партия комитети секретарининг ҳузурига кирди.

— Э, келинг, ўртоқ Ёров,— деди секретарь кўришиш учун ўрнидан туриб қўл чўзаркан.— Кўринмай қолдингиз. Колхоздаги аҳвол ҳам эскича, ўзгармаяпти.

— Мен ҳам шунга маслаҳатлашгани келдим,— деди Ёров стулга омонатгина ўтириб,— колхозни оёққа тургазиш осон бўлмаёпти.

— Шундай, шундай,— деди столини чертиб ўйланиб секретарь.— Аҳвол оғир. Ҳозирча бир сиздагина эмас, ҳамма колхозларда ҳам аҳвол оғир.

— Пахтакор колхозларда яхши бўлса керак?— сўради Ёров секретарни зимдан кузатиб.

— Ҳа, албатта, сизларга қараганда яхшироқ.

— Биз ҳам пахта эксак.

Бу гапдан секретарнинг юзига табассум югурди.

— Тоққа пахта экдингиз шекилли?

— Ҳа, экандик. Лекин бўлмади. Ёмғир ёғиб турганда ўсди-ю, кейин ўсмай қолди.

— Қофирниҳондан сув чиқариб бўлмайди. Тоғдан ошиб трактор ҳам боролмайди. Қийин, қийин.

— Бизга рухсат берсангиз,— деди Ёров.— Сурхоннинг ёқасида тўқай бор. Шунга очиб, пахта эксак.

Бу сўровдан райком секретарининг юзи ёришиб кетди. Ўрнидан бир кўзголиб қўйди-ю:

— Қандингни ур,— деб юборди.— Ҳақиқатан ҳам ерлар бекор ётибди. Шу ерни очсанг бўлади. Техникадан биз ёрдам берамиз. Одамларни қаердан оласан?

— Одамларни топаман,— деди раис салмоқлаб.

— Бўлмаса билганингни қил.

Райкомдан унинг қалби қувончга тўлиб чиқди. Келгуси иш режаларини тузиб, саман йўрғани миниб, Боботоққа жўнади.

XV

Январь. Қор ёғмаса ҳам қора совуқ эди. Шундай кунларнинг бирида тўқайда аланга кўтарилди. Тўқай қарсиллаб ёнар, олов тили теккан жойни қоп-қора кулга айлантириб юборарди.

...Райкомдан чиққандан сўнг раис тўғри Оқмачитга келди. Правление аъзоларини йиғиб, масалани ўртага қўйди. Гап уларга ҳам маъқул тушди. Колхозчиларни йиғганда биринчи бўлиб, Саидбой: «Мен бораман», деди. Унга ўғли Қурбон қўшилди. Хўшвақт ўз бригадаси билан ўтмоқчи бўлди. Шундай қилиб, қирчиллама қорда кўчиб келиб, ертўла қазиб жойлашиб олишди. Хас қапа қуришди. Мана бугун тонгданоқ иш бошлаб юборишди.

Саидбой олов қўяр, Қурбон бир қўли билан унга ёрдамлашарди. Бир ҳафтада тўқайнинг кули кўкка совурилди. Қиш ўрталарида қиш

лоқча пайдо бўлди. Хушвақт бир бригада; Саидбойнинг ўгли Қурбонни Али Еров иккинчи бригадага бошлиқ қилиб тайинлади.

Хўкиз, омов, бўйинтуруқ олиб келишди. Ер қаттиқ. Ажриқ босиб кетган. Омовнинг тиши ўтмайди. Хўкизлар тортолмайди. Улар анча қийналишди. Қўшни колхознинг ерини МТС тракторлари вариллатиб ҳайдарди. Туни билан тракторларнинг чироғи ўчмасди.

Ҳаво совуқ. Қиш ўтиб, баҳор яқинлашмоқда эди.

— МТС директорига боринг,— деди раисга баъзилар.

— Райкомга боринг,— дейишди бошқалар.

Раис райкомга боришга уялди. Қўриққа рухсат олди, одамларга енгиллик олди. Энди, еримни ҳайдатишга ёрдам беринг деб сўраса қандай бўларкан? Раис бир куни:

— Қурбон,— деди бригада бошлиғига,— Оқмачитга бор. Тўртта чори қўй ҳайдаб ке.

— Нега?— ҳайратланиб сўради Қурбон.

— Гапни кўп чўзма,— деди у қатъий оҳангда.— Бугун кечаси етиб бориб, эртага кечкурун шу ерда бўл. Тушундингми? Ферма мудирига раис айтди де.

Қурбон отда Боботоғ орқали Оқмачитга қараб кетди. Эртасига тўртта чори қўй билан келди. Раис қўйларни чинорнинг тагига боғлатиб қўйиб, ўқариқнинг нари ёнида ёнбошлаб ётган норғил йигитни ёнига таклиф қилди:

— Ҳо, йигит, бу ёққа ўтинг!

— Нима қиламан у ерда?— деди у лоқайд бир оҳангда.

— Ҳа, энди ўтинг қани,— деди у бамайлихотир.— Бир гап бор, кейин хурсанд бўласиз.

Механик истар-истамас ўтиб келди.

— Нима дейсиз, раис бово,— деди-ю кўзлари қўйларга тикилиб қолди. Сўнг буғдойранг юзига табассум югурди.— Мана буни қўй деса бўлади.

Раис қўйларнинг бирини ажратди. Туз едирди. Шартта қўйни кулликлаб¹ бўйнига пишоч тортиб юборди. Бир оздан сўнг қозон-товоқ кўтариб, ҳаллослаб Қурбон, Саидбой келиб қолди. Чинорнинг тагига жой қилиниб, механикни ва тракторчиларни меҳмон қилишди. Меҳмонларнинг оғзи қулоғида эди. Қоринларини тўйдириб туришди. Механик йигит нарироқ борди-да, раисни имлади:

— Раис бовожон, икки килогина гўшт берсангиз,— деди,— уйда болаларим бор. Бир сизни дуо қилиб есин. Лекин тракторчилар билмасин.

— Майли, деди раис ва муддаога кўчди,— бизнинг ер нима бўлади? Қачон ҳайдаб берасизлар?

— Раис бово,— деди кўзларида олов порлаб йигит,— ҳозир бошлаймиз. Ҳозир. Ҳов оғайнилар, тракторларингни ўтказинглар раис бовонинг ерига!— буюрди у тракторчиларга.

— Хўп, ака, ўтсак ўтамиз-да,— деди бир йигит кулимсираб.— Бу ёғи ёғли шўрва қайнаб турган бўлса.

Икки трактор варанглаб ўтди. Ишлар юз. Тўқайзорнинг бағрини тилиб, ерни ҳайдай бошлашди.

Орадан кўп ўтмай қўшни колхознинг раиси Холов от чоптириб келиб қолди. Узоқдан чопиб келган бўлса керак, отининг сағриси кўпикка ботган, бурнидан буғ пориллаб отиларди. От устида туриб, узангига оёғини тираб, дўқ ура бошлади:

— Еров, сен нега менинг тракторчиларимни айнитиб олдинг? Нега менинг еримни ҳайдамай, сенга ўтишди?

¹ Оёқларини боғлаб.

— Тушинг, чой ичамиз, — деди Еров ўзини босиб.

— Чойингни қатта холангга бер!

Али Еров ҳам чидай олмади.

— Нега бунча ўпкангни босолмайсан, — деди сейсираб, — ана механик, ана трактор! Керак бўлса, ол-да кет.

Бу гапдан раис сал ҳовуридан тушди. Бир чеккада индамай турган механикка юзланди.

— Ука, тракторчиларингга айт, бизга ўтсин.

Механикдан садо чиқмади. Ковлаб турган тишининг орасидан «чирт» этиб тупурди-ю, индамай тураверди.

— Ҳо, Қаримжон ука! — деди Холов.

— ...

— Сен ҳам сотилдингми? — деди у механикка.

Механик йигитнинг жаҳли чиқиб кетди.

— Қим сотқин, ким сотилган? Сотқин деб урушдан қочганларни айтади. Мен уч йил жанг қилиб келдим. Орденларим бор. Оғзингга қараб гапир. Урушдан келганимдан буён колхозингда ер ҳайдайман. Бирон марта одамгарчилик қилиб, ҳо Қаримжон, бир пиёла чой ичиб кетинглар, дедингни? Бир пиёла чой кимни ўлдирибди. Э, ўргилдим, сенга ўхшаган сотқин эмасдан!

Бу гапни кутмаганим, Холовнинг юзи докадай оқариб, пешонасидан совуқ тер чиқиб кетди.

— Хўп, бўпти, — деди хириллаб, — сенлар билан бошқа ерда гап-лашаман. Сенларни бюрода тикка қилмасам, одам эмасман.

Холов унга охириги марта еб юборгудай тикилиб қаради-ю, район марказига қараб от чоптириб кетди.

— Мен олдинги сафда немис билан юзма-юз турганда қўрқмаган, энди ўз уйимда қўрқаманми! — деди Қарим бақириб унинг орқасидан. — Бор, қаерга борсанг, боравер!

Район партия комитетининг биринчи секретари хонаси. Тўрда секретарь Ерқул Ҳақимов ўтирибди. «Т» ҳарфи шаклидаги столнинг бир томонида райкомнинг иккинчи секретари Улуғ Усмонов, бир томонида район ижроия комитетининг раиси Қобул Қодиров ўтиришибди. Чеккадаги стулда пишиллаб, йиғламоқдан бери бўлиб, Холтўра Холов ўтирарди.

— Ҳамма келдими? — дея ўтирганларни кўздан кечирди Ҳақимов. — Бўлмаса бошлаймиз. Ҳозир Холтўра акани ва буларни эшитсак, нима дейсизлар, — деди у иккинчи секретарь ва раисга қараб. — Агар масала жиддий бўлса, кейин бюрога қўямиз.

— Маъқул, — дейишди ўтирганлар.

— Бўлмаса сўз сизга, ўртоқ Холов, — деди Ҳақимов овозига расмий тус бериб. — Воқеани аниқ айтиб беринг. Нима бўлди? Нега уришиб қолдинглар?

— Мумкин бўлса, Али Еровга саволим бор, — деди Холтўра Холов тилга кириб. — Менга айтсин, пахта экишни билармикан? Парвариш қилишни-чи? Булар буғдой экиб юрган одам бўлса! Пахта дегани буғдой эмаски, бир марта экиб ташлаб, кейин ўриб олаверса. Ер овора, одам овора бўлмасин дейманда.

Ерқул Ҳақимов кулги билан бошини чайқаркан сўради:

— Қани, раис, жавоб беринг.

Али Еровнинг шумлиги тутди. Узига жиддий тус берди.

— Пахтани ҳам буғдойдай сочиб экаман. Суғораман, очилса, йиғиб оламиз-да.

— Ана кўрдингизми? — деди гапи исбот бўлганидан қувониб Холтўра Холов Ерқул Ҳақимовга.

Бу гапдан секретарь яна қулиб юборди.

— Гап тўғри келганда, айтиш керак,— деди Қобил Қодиров жиддий.— Бу раис сизнинг номингизни сотиб, бошқа районларда одамларни чалғитиб юрибди. Райком ваъда берди. Уч йилгача олиқ-солиқ йўқ. Бизнинг колхозга келинглар, эмиш. Пахта экамиз эмиш! Пахта экиш ҳақидаги тушунчасини бўлса ҳозир эшитдингиз. Буни шундай қолдириб бўлмайди. Уртоқ Ерқул Ҳақимович, райкомнинг, сизнинг номингизни сотгани, пахта экишда кўр-кўрона ҳаракат қилгани учун ишдан олиш керак бу одамни. Менда бошқа таклиф йўқ.

Холтўра Холов Али Ёровга голибона қараб қўйди.

— Уртоқ Али Ёров, сўз сизга,— деди Ерқул Ҳақимов.

Али Ёров ўрнидан турди. Ишонч билан гапира бошлади:

— Илгари бир қиз айтган экан, қўй кўрмасак ҳам қий кўргандик, эчкили бойнинг қизи эдик, деб. Ушандай, пахта экмасак ҳам, пахтакорларни оралаб ўтиб юрибмиз. Кўряпмиз. Экишни ҳам биламиз, парвариш қилишни ҳам.

— Нега тракторчиларни қўй сўйиб, ўзингизга ўтказиб олдингиз? деб сўради Қодиров.

— Қўриқни омов билан ҳайдай олмадик,— деди у.— Механикдан илтимос қилсам, йўқ демади. Қўйни эса ўзимизнинг одамларимиз учун иссиқ овқатга сўйганмиз. Булар ҳам ишласа, бир чеккасини ейди-да.

— Нега райкомнинг, ўртоқ Ҳақимовнинг номини одамларга сотиб юрибсиз?

— Райкомнинг номини сотганим йўқ. Уртоқ Ҳақимов билан келишилган. Иккинчидан, уруш туфайли бутун қариндош-уруғларимиз кун кўриш илинжида тарқаб кетди. Уларни яна йиғмоқчиман. Колхозни аввалгидек бой хўжаликка айлантирмоқчиман, холос.

— Бунга гап топиб бериб бўлмайди,— деди ҳаммага эшиттириб Қодиров ва жим қолди.

— Уртоқлар, Али Ёров ҳамма жиҳатдан ҳақ,— деди Ерқул Ҳақимов салмоқлаб.— Ҳаммасини халқи учун қилаяпти. Колхозни учун, давлат учун. Буни тўғри тушунмоқ керак. Мана, бир мисол, ўша қўриқни биз ҳар кун кўрганмиз, ичини оралаб ўтганмиз. Лекин уни ўзлаштириб пахта экиш, ҳосил олиб давлатга сотиш ҳеч кимнинг хаёлига келмаган. Холтўра ака, яхши раиссиз, ёмон дея олмайман. Нега ёнингизда турган қўриққа сиз биринчи ҳужум бошламадингиз? Нега биринчи бўлиб райком секретари, исполкомнинг раиси бу ташаббусни кўтармади. Биз биламиз, ўртоқлар,— сўзида давом этди секретарь,— уруш йиллари бугдой етиштириб бериш учун нима ишлар қилмади бу раис! Бугун эса пахта учун қўриқ очса, бу кишини қўллаб-қувватлаш ўрнига ҳужум қилсак. Техникадан ёрдам бериш ўрнига муҳоқама қилиб, ишдан олишни таклиф қилиб ўтирсак. Уят бўлади, ўртоқлар. Халқимиз, элга эл қўшилса давлат, дейди. Али Ёров ёнбошингиздан ер очиб, колхоз тузса, давлат эмасми? Сизнинг ерларингиз ҳайдалавериб юмшоқ бўлиб қолган. Омов билан ҳайдайверса бўлади. Мен сизнинг ўрингизда бўлганимда, механикка ўзим айтардим. Бор, ерини ҳайдаб бер, деб. Яхши бўлмади, ўртоқлар.

Ниҳоят, Ҳақимов бир четда мунгайиб ўтирган механикка юзланди.

— Уртоқ механик, сизга район партия ва район ижроия комитети ва унинг бюроси номидан катта раҳмат. Ёрдам беринг, тезда янги ерни сифатли шудгордан чиқаринглар. Биз ҳам бир чеккада қараб турмаймиз. Мана, ўртоқ Қодиров бор, Усмонов бор, мен бор, тез-тез хабар олиб турамыз. Бошқа гаплар бўлмаса, сизларга жавоб.

Али Ёров яна бир курашдан голиб чиққан эди. Қалби қувончга тўлиб, отига минди-ю, колхозни томон елдириб кетди...



Уни бугун пенсияга узатишди. Ёши пенсия ёшига етганмиш. Узига кўйса-ку, ҳали ҳам чиққиси йўқ эди. Лекин саводсизмиш...

Уйига қайтаркан, пенсияга чиқиб, бирдан одамлардан ажралиб қолгандай ҳис қилди. Кўнгли мунгли бўлиб қолди.


«Пенсияга чиқарса ҳам, дала қоровули қилиб қўйди-ку,— яна кўнглидан ўтказди.— Нега одамлардан ажралиб қоларканман».

У уйига келди. Шу оқшом томоғидан сув ҳам ўтмади. Туз тотмай ётиб қолди. Аммо уйқуси келмади. Илон чаққандай тўлғониб чиқди. Хаёли ўтмишига, ёшлик йилларига кўчди. Бошдан кечирган муҳим-муҳим воқеалар кўз олдидан худди кино лентасидай ўтди-ю, ёшлиги бекорга ўтмаганига кўнглида ишонч ҳосил қилди. Бу ишонч эса, унинг ўтмишини бирдан ёритиб юборди, умри зое қетмаганига ички қониқиш билан кўзи ширин уйқуга кетганини сезмай қолди.



Ойдин Ҳожиева

БЎЗТЎРҒАЙ



ШЕЪРИЙ ҚИССА

Муסיқа кошонаси

Пушкин кўчасида тўкиб салобат
Турар чор устунли улкан иморат.
Муסיқа илмининг қадим саройи.
Унинг шифтларида сирли, ғаройиб
Овозлар, оҳанглар юради сузиб
Нафис ва ҳаётдил. Қуёшли, жозиб.
Мухтор Ашрафийнинг қулоқларида
Жаранглаб, илҳомнинг чақмоқларидан
Юрагида олов ёққан хуш саслар,
Яратиш чоғидек қизгин нафаслар.
Барисига гувоҳ шу камтар бино,
Турар бастакордек ҳаётга шайдо.
Эртага Тўйбека берар имтиҳон.
Олдида ёрқин йўл очгуви довон..

Имтиҳон

Кўп қийнади ҳаяжон.
Безовтадир юраги.
Кўзи илинди. Осмон
Кийганди бўз кўйлагин.
Отасига изма-из
Қиз борар узоқларга.

Бир тўйхона очди юз
Чулғаниб чироқларга.
Гулдан тахт ясалганмиш,
Отаси эмиш тахтда.
«Қизим, бир куйла, дермиш,
Фигонзада Фурқатдан».

* Давоми. Боши журналнинг ўтган сониди.

Худди тирикликдаги
Каби бошин силабди,
Қўлларини очганча
Унга омад тилабди.
Саҳар турди. Ҳамма ёқ
Қўшиқ айтарди гўё.

Имтиҳонга кирар чоқ
Хиёл титради, аммо
Босиқ, вазмин пардада
Қўшиғини бошлади.
Қўшиқмас, бу дард эди,
Дарё каби тошарди:

«Дўстлар, айши тараб фасли баҳор истар кўнгул,
Ҳар куни саҳрода сайри лолазор истар кўнгул,
Кабк рафторин кўрурга кўҳсор истар кўнгул,
Айламак ҳар сори оҳулар шикор истар кўнгул,
Доғи хурсанд этгучи ҳар неки бор истар кўнгул.

Гар фалак кажравлиғидан бахт ёвар бўлмаса,
Ҳамнишиним ҳар кеча бир моҳ пайкар бўлмаса,
Оразидан байтул-аҳзоним мунаввар бўлмаса,
Мунча қилгон орзулардан муяссар бўлмаса,
Фурқатий узлат учун бир кунжи ғор истар кўнгул».

Бундай юксак куйлолмас
Осмонларда юрмаган.
Бундай теран куйлолмас
Ер қатларин кўрмаган.
Бундай зилол куйлолмас
Булоқ бўлиб оқмаган.
Бундай нафис куйлолмас
Гул бўлиб очилмаган.
Бундай ўтли куйлолмас
Жонини ғам ёқмаган...

Бундай ғамгин куйлолмас
Ошиқликни билмаган.
Бундай ёрқин куйлолмас
Офтоб бўлиб кезмаган.
Бундай майин куйлолмас
Шабдададай эсмаган...
Залнинг қандилларига
Тегиб оҳанг қаноти,
Юракларга кўчарди
Ошиқ Фурқат фарёди.

□

Аста-аста
сирпаниб
шоҳи гулга қўнган
капалак каби
Беозор бир илтижо билан
тинди қўшиқ.

Садоси эса
Қулоқларда жаранглар эди.
Қўшиқми бу?
Нур илинжида
Кундага бош қўйганлар ёди!
Қўшиқми бу?

Замонлар оша
Боболарнинг тирик фарёди!
Қўшиқми бу!
Эркисиз инсоннинг
Етолмаган ёруғ муроди!
Қўшиқми бу?

Одамзод дасти
Етолмаган осмон эди бу!
Қўшиқми бу? Шакар Булбулнинг
Дилидаги армон эди бу!

Бу — тарихга ўчмас муҳрдек
Қайд этилган юраклар оҳи!
Бу — заминнинг силласи қуриб,
Нажот истаб боққан нигоҳи!

Тўйбеканинг дили ёришиб,
Шахдамгина тушди саҳнадан.
Кеча-бугун кетди қоришиб
Унинг соғлом, тийрак зехнида:
Ана худди чордона қуриб,
Бош тебратиб, оҳангдан эриб,
Тўйбекага дилдан тан бериб,
Утирганди отаси гўё!
Отасидай сипо ва вазмин,
Отасидай тетик, улугвор.
«Барака топ, кам бўлма, қизим!»
Сергак торгди қиз. Беихтиёр
Кўз ташлади оҳиста залга.
Машҳур Юнус Ражабий эди
Табриклай деб қошига келган,
Отасидай алқаган худди.

Тикланиш

Қўшиқпарвар Ражабий устоз
Тўйбекани сафига олди.
Ансамблда у энг хушовоз
Яккахонга айланиб қолди.
Шаҳарларда тикланиб ҳаёт,
Ўз изига тушган бир чоқлар.
Култепалар ўрнида обод
Қад тиклади янги қишлоқлар.
Вайроналар ўрнига пишиқ
Пойдеворлар қўйилди янги.
Севинчларга очди ланг эшик
Навбахорнинг ям-яшил ранги.



Энди турмуш кунга юз буриб,
Йўлларнимас, йилларни ҳатто
Туташтирар кўприклар қуриб,
Ҳар лаҳзадан излаб юз маъно,

Улуғ мақсад этагин тутиб,
Ўз йўлида борган бардавом,
Кўз ёшини ичига ютиб,
Зафар топган халққа эҳтиром!

Ушалган орзу

«Ёлғиз отнинг чанги чиқса ҳам,
Қизим, асло чиқмайди донги!»—
Деган эди бир пайтлар отам.
Қўшиқ айтса отам, жаранги —
Садосидан чўққи нураган.
Отам сабоқ, таҳсил кўрмаган,
Бугун тирик бўлса мабодо,
Кичик қишлоқ осмони аро
Чир айланган қушдай овози
Кезмасмиди бугунда дунё,
Замонадан бўлганча рози!»
Ҳар гал номи қилинса эълон,
Ҳаёлида ота армони.
Қомат ростлаб Тўйбека равон,
Таъзим билан бошлар навони.
Залда доим биринчи қатор
Бўш тургандай, унда пурвиқор
Энг биринчи томошабиндай
Ўлтирарди отаси жилмай.
«Изла, топгил қайда бўлса ҳам,
Бир одамдан бордир гумоним.
Сен қўшиқ айт, қўшиқ айт, болам,
Уша олар қасосим, қоним!»
Юрагида шу сирли дафтар
Ёзилганди унда шу гаплар...

Ота қўшиқ бошлашдан олдин,
Кўзин юмиб олардию тин,
Сўнг мастона бир чорлов билан,
«Ҳа-ай!» деган сўз-ундов билан,
Мизроб уриб торларга бир-бир,

Тингловчини этарди асир.
Сўнг қўшиқлар гулшани аро
Саёҳатин бошларди дунё,
«Ўзганча», сўнг «Сувора»,
«Дугоҳ»

Дарё сари шошган оқимдек,
Ҳар бир туйғу, тафаккур, нигоҳ,
Ҳар юракка мутлоқ ҳокимдек
Бошларарди оҳанг бўронидек
Ўз забтига олиб дунёни.
Ота мерос истеъдод билан
Такрорланма нақарот билан,
Оҳиста ва қудратли овоз
Оққуш каби этарди парвоз.
Жилғаларнинг жилдирашидек,
Шабаданинг ҳилпирашидек,
Чироқларнинг милдирашидек,
Булуғларнинг гулдирашидек
Минг тўлқинли акс-садо билан,
Нозик талқин, муддао билан
Қўшиқ кезар қаторма-қатор,
Йўқ, саҳнада минг-минглаб тақдир
Ўз арзини айларди ошкор.

Тилсим ичра эди бу қаср:
Ҳашаматли Дўстлик саройи.
Таъзим билан эгилиб халққа,
Юз-кўзида ҳаяжон балққан,
Кулимсираб камтар, чиройли,
Кўмилганча гулга, олқишга,

Шоҳи парда ёпилгунича
Таъзим этди у неча-неча.
Чехраларга, кўзларга боқиб,
Дув-дув тушар ёшлари оқиб.
Санъатини эъозлаб халқи
Унга юксак унвон берганди.
«Бу мукофот отамнинг ҳақи!
Қани эди ўзи кўрганда...
Битта тўну бир тугун қанд-курс.
Йўқчиликда ҳаёти ўтган.

Етиб келмай осойишта куз,
Авжи ёзда офтоби ботган,
Эсимдадир, шўрлик онаминг
Ёқа йиртиб йиғлаганлари.
Неча саҳар мунгли, аламли
Кўкдан мадад тилаганлари...
Аямади, отам, табиат
Сиздан овоз деган ғазнани!
Узоқ умр бермади фақат,
Авж пардада кесди ғазални!»

Оҳангларнинг янги жилоси

Хабардорсиз, азиз ўқувчим,
Турсунойдан, жасур Нурхондан.
«Қора кўзим» деб ўтган куйчим —
Бобо Юнус ёруғ жаҳондан!
Вижирлаган сайроқ қушлардек
Тўрт иқлимга ёйилиб кетган
Мақомларни тўплаб ёшлардек,
Оҳангларнинг замон унутган
Жилоларин қолдирди мерос.
Азаларда, тўй-ҳашамда ҳам,
Курашларда, аллаларда ҳам,
Энг мунис завқ, нолаю алам,
Зебо авжу талқини эрам —
Ҳаммасини киприк-ла териб,
Ўз халқига айлади тақдим.
Бугун ўша куйларни эриб,
Мафтун, мамнун тинглайди халқим.
Фидойи халқ! Замон йўлида
Энг бардошли, содиқ йўловчи,
Не қўшиқлар яшар дилида,
Ўзи машшоқ, ўзи тингловчи.
Сен эмасми, барала куйлаб
Инқилобий «Марсельеза»ни,
Гуркиратган Ер юзи бўйлаб

Кураш ўти, қасос тўзонин.
«Байналминал», «Хуррият марши»,
«Яша, Шўро» туғилди қутлуғ.
Чиркин дунё зулмига қарши
Курашларда қўшиқ еди ўқ.
Лекин кимдир журъатли, ўктам
Жўр бўларкан қўшиққа йўлда,
Жароҳати топар-да барҳам,
Қўшиқ учар Инсонга ҳамдам.
Ўша қўшиқ бугунги кунга —
Етиб келди тўлиб мазмунга.

Оқсоқоллар қурултойида
Давом этар тантана, базм.
Кўр тўкканча сарой, фойеда
Бухорою кўҳна Хоразм,
Намангану Тошкент, Сирдарё,
Янги Жиззах қаҳрамонлари
Салобати сочади зиё —
Хур меҳнатнинг шод дostonлари.
Мақомларнинг сараси «Наво»
Ларза солар ер билан кўкка.
Якка авжин олар Тўйбека.

Олис юрт сафари

Кўп нарсанинг шифоси — фурсат.
Жароҳатлар ҳакимидир вақт,
Йиллар оша тоғлар қаърида —
Пайдо бўлар турли хил маъдан.
Митти уруғ тупроқ бағрида
Чинорларга айланар зотан.
Жиндай ҳавас, жиндай интилиш
Меҳнат қилса кимки ёзу қиш.
Қарабсизки, кўрсатар ҳосил,
Камолотга етар йилма-йил.
Энди унинг ҳаёти — қўшиқ,
Тани жони, қаноти қўшиқ.

Танбур сайрар қўлида қушдай.
Оҳ, унинг-чун яралган мақом.
Авжи чиқар осмон фалакка,
Лаҳча чўғлар тушгай юракка!
Ўз халқининг куйчи қизи у!
Ўзбекистон халқ ҳофиси у!
Кичик тўйда туғилган бу қиз,
Қилганидай ота орзу, қиз
Халқининг тўй-айёмларида,
Шодиёна кунда куйлар,
Дил ёндирар мақомларидан
Бир аломат навозиш айлар!

Тўйбека кўк ҳавосин олган
 Кабутардай учди олисга.
 Куйнинг усру уфорларидан
 Асир бўлиб олий бир ҳисга,
 Гуллар сочиб пойқадамига,
 Қўшиқларин тингларди барча.
 Ҳар эл эга ўз санамига,

Ҳар бир юртда урфлар ўзгача.
 Лекин қўшиқ таралган заҳот
 Тош бўлса ҳам, бўлса ҳам пўлод
 Бирдай эрир сабру ирода,
 Қўшиқ тили бирдир дунёда.
 Қўшиқларда биттадир юрак!

Иироқ соҳилларда

Дажла дарёсининг соҳилларида,
 Қадим «Минг бир кеча» нақлларида
 Эртақдай яшаган эски Боғидод¹
 Мезбон бўлиб бугун очмоқда қанот.

Хунарманду заргару коргар,
 Тўқувчию ишчи, кимёгар
 Йиғилишган. Томошабин жам.
 Кўзларида ҳам дард, ҳам байрам.
 Сув қуйгандек зал жим. Саҳна —
 жим.

Бунда оҳанг, наволар ҳоким.
 Сукунатни қувиб оҳудай.



Офтобнинг шўх нигоҳидай,
 Пилдираган тилла урчуқдай,
 Дуррасини қўндирганча дол
 Завқу шавқдан бўлиб бир тимсол,
 Қадамлари майин, хиромон
 Чарх урарди Мукаррамахон.
 Саҳарларнинг салқиними бу!
 Дарёларнинг тўлқиними бу!
 Камалакнинг парчаси ёхуд!
 Тоғнинг совур арчаси ёхуд!
 Навбахорнинг саломи балки!
 Боғларнинг бол айёми балки!
 Лолазорлар атри бу чоғи?

¹ Боғидод — қадимда Боғидод деб ҳам аталган.

Орзуларнинг она қучоғи?
 Қифтларини учириб хандон,
 Йўлга боқиб нозли, нигорон,
 Келинчакдай суйгун бир адо,
 Кўзларида ҳуснли ҳаё,
 Лабларида тансиқ табассум,
 Чашмадай соф, хаёлдай маъсум,
 Мажнунтолдай эгилиб гоҳи,
 Шуъла каби тўкилиб гоҳи,
 Бармоқларни қирсиллатиб гоҳ,
 Зар туфлисин гурсиллатиб гоҳ,
 Кафтларини қошига қўйиб,
 Гоҳи ларзон, гоҳ қийғир бўйин
 Ажиб рафтор рақс этарди у,
 Нафосатдан баҳс этарди у.
 «Баҳор» бўлиб ҳур Ўзбекистон
 Камолини этар намоён!

Илк қаторда таъзим-тавозе
 Билан атлас белбоғин ёзиб,
 Бир мўйсафид қилар тавалло,
 Чехрасида ҳасрат бенаво!

Уруш йили. Канал бошида,
 (Айни мардлик, севги ёшида!)
 Бир концертда паҳлавон йигит
 Белбоғ ёзган эди шу тахлит.
 Рустам каби достон эди у!
 Меҳнатлари шоён эди у!
 Бу кас эса... Садақа сўраб
 Турган каби маъюс, мўлтираб,
 Сўнги умид, сўнги нур мисол,
 Пирпирарди зор, афтода ҳол.

Гир айланди Мукаррамахон.
 Белбоғ узра товусдай чакқон
 Тиз букди, шох ташлади.
 Бу он
 Дарё сувин тутгандай тўғон
 Чилдирма ҳам «так-так» этарди,
 Гардишлари титраб кетарди.
 Шалолодай шовуллаб сочи,
 Оққушлардай ёзиб қулочин,
 Жабинлари теккунча ерга,

Эгилди у чулғаниб нурга.
 Гулдан кўчган каби капалак,
 Аста бошин кўтарди малак...
 Бундай эзгу саховат, ҳиммат
 Чин мардларга хос бўлар фақат!

Учди гўё бошидан ҳуши,
 Мумдай чуйкаб турар у киши!
 Кўз эмасдир — икки булоқ бу!
 Юрак эмас — ёнар фироқ бу!
 Қўл уролмас қийиққа — дод дер!
 Ҳажр дардига қайда нажот, дер!

Белбоғ кўзгу бўлдию гўё,
 Аксин топди унда бир дунё:
 Канал қазиб, боғ-роғлар қилиб,
 Байрамларда чортоғлар қилиб,
 Қаддин тиклаб, кўрмагандай дард,
 Манглайдан ўпиб ҳалол бахт,
 Рўзғори бут, хонаси обод,
 Хаёллари ойдин ва озод
 Ишчи-деҳқон Жумҳурияти,

Офтобли, хуштабиатли
 Ўзбекистон — суюкли ўлка,
 Ун беш кунлик ой каби тўлган!
 Курагидан кун кўрингандай,
 Омочидан ой кўрингандай,
 Ғариб, қариб бир хилда бўлиб
 Ўз ўрнига ўлтирди келиб.

Ўзбекистон, буюк Онажон,
 Ким эди бу — хаёлга ботдинг,
 Бир лаҳзалик малолга ботдинг?
 Тарки Ватан этган бу гадо
 Соғинчингда бўлибдир адо!
 Сен куйинма, Онажон, минбаъд,
 Оқ сутимни ерга соғдим, деб
 Қандай бало фарзанд боқдим деб!

Танидингми, Онам, бу ўша —
 Эргаш деган жаҳолатпеша!
 Камолингми кўриб куйгай у!
 Ёқа йиртиб, кўзин ўйгай у!

Учрашув

Келинчақдай оҳиста вазмин
 Кириб келди «Тановар» хазин.
 Енгилгина шабада эсиб,
 Салқин сочиб, сўлимлик сочиб,
 Кўнгилларнинг қулфини очиб,
 Айланди сўнг кучли бўронга,
 Нолиш, ўкинч, ўтли тўфонга:
 «Қора сочим ўсиб қошимга тушди-ей,
 Не савдолар менинг бошимга тушди-ей,
 ўз ёр-ей...»

Аста-аста авжини олди,
 Залга диққат назарин солди,
 Оҳанглардан сархуш малика
 Қуйлар эди ёниб Тўйбека.

Сарсон-саргардон йўл юрган йўлчидай,
 Сарғайиб офтоб урган йўлчидай,
 Нураган устундай ер узра ботиб,
 Тинглар бир муҳожир силласи қотиб.

Ким кўрган осмонга ўт кетган чоқни?
 Ким кўрган Ер қалқиб титраган чоқни?
 Пушаймоннинг қўли нечта — ким билар?
 Пушаймон қўлига тушганлар билар!
 Гоҳи у аямай тортар шапалоқ!
 Елкадан босар гоҳ мисли асқар тоғ!
 Оёқдан чалар гоҳ, кўнгилни ўртар,
 Гоҳи бир тўнкадир — бехосдан туртар!
 Осмонга ўт тушса ёнарку жаҳон!

Ер титраса дунё қоларми омон?
 Шундай бир аросат исканжасида,
 Пушаймоннинг темир дастпанжасида
 Қоврилиб тингларди қўшиқни бу чол,
 Титроқ лабларида пичирлаб хаёл:
 «Олтин бешик, остонамни, оҳ,
 Ризқу рўзлик пешонамни, оҳ,
 Ташлаб қочган номард бўламан,
 Давоси йўқ бир дард бўламан!
 Қўшиқ бўлиб келган диёрим,
 Кўзларимга тўлган диёрим,
 Неча йилки бир кўрарга зор,
 Нону тузинг гуноҳи минг бор
 Бўйнимдадир, бўйнимдадир, оҳ!
 Жонмас, илон қўйнимдадир, оҳ!
 Туни билан чақиб чиқар у,
 Ҳар кун юз бор гўрга тиқар у!»

Урлаётган йўлчидай тоққа
 Қўшиқ учар эди узоққа!
 Сўнгра баланд тоғдан тушди у;
 Муздай чашма бўлиб жўшди у:
 «Оқ илон, оппоқ илон
 Еғдуда ётгонинг қани?
 Биз ёмонни ташладинг,
 яхшини топгонинг қани?..»

«Қани?
 Қани?
 Қани! Ҳе-е-ей!
 Гардуни каж, қийноғингни қўй!
 Қайдин топай мен сенга жавоб!
 Мен ўлганман — бермагин азоб!»

Шамдай ёниб битди тарона.
 Иззат билан асил шарқона
 Юзларида мулойим ханда
 Таъзим бажо қилди хонанда.

Болаликнинг тиниқ бир ёди

Бирдан нечун Тўйбека титраб,
 Қурбақани босгандай худди,
 Сескандию алам, хўрликка,
 Қасосгами ўхшаш бир туйғу
 Томоғига тиқилар эди,
 Прожектор таратган ёғду
 Тушмаса, у йиқилар эди.
 Болаликнинг тиниқ бир ёди
 Ғазаб ичра алғов-далғовди:
 «Шу — отангнинг қирқиб қанотин,
 Сурма берган бекзода довдир!
 Уни кулфат, тақдир шамоли
 Кераксиз тош, чикит мисоли

Улоқтириб кетган қирғоққа,
 Маҳқум этиб ҳажру қийноққа!»

Ҳайё-хувт деб ўтмиш қанча йил.
 У қўшиққа бичган кафани
 Уз эғнида турарди бир хил,
 Дуойи бад қилган Ватани!

Ўзин ўнглаб олди Тўйбека.
 Юксалдию булутлар қадар,
 Бургут каби бостириб тикка,
 Рақибига тикилди кўзлар.
 Дош бермади муттаҳам нигоҳ,

Недир деди тили ғулдираб.
Сахнада худ момақалдироқ
Қўш чилдирма сайрар гумбурлаб.
Тўйбеканинг соҳир овози
Мисли тоғлар аксу садоси
Пештоқларга урилар эди,
Микрофонлар зириллар эди.
Қадим «Ер-ёр» сархуш, хушкалом
Янграр эди жўшқин, бардавом:

Учоғига ўт топмаганлар
Бу қўшиқни айтсин, ҳей!
Манглайдан бахт ўлмаганлар
Бу қўшиқни айтсин, ҳей!
Ишқ боғидан ўтмаганлар
Бу қўшиқни айтсин, ҳей!
Ишқ доғида титраганлар
Бу қўшиқни айтсин, ҳей!

Айрилиқда қоврилганлар
Бу қўшиқни айтсин, ҳей!
Хонумони соврилганлар
Бу қўшиқни айтсин, ҳей!
Бу қўшиқни айтсин, ҳей!

«Кимда борди бу овоз, усул,
Бундай тиниқ, авжи зебо йўл!
Бундай оҳанг тортишлар сел-сел!
Юракларни қилгувчи кул-кул!»

Ҳалқумига тиқилиб жони,
Ингради у чиқиб фиғони:
«Шакар Булбул! Уша! Е, Ҳаёт!
Уч олгани келибди наҳот?»

Тўйбеканинг отадан мерос
Қўшиқлари янграрди холос!
Хотиралар айқаш ва уйқаш,
Ўтмишини эслайди Эргаш.

Хусумат

...Базм авжида. Пиёда, отда
Тўйхонага оқарди одам.
Ҳар гузардан, ҳар бир работдан
Ҳофиз деган шунда эди жам.
«Фақирлардан сўрамоқ кўнгил
Савоб!»— деди бойни рад этди.
Танбурины кўтариб Булбул
Тандирсознинг тўйига кетди.
Эргаш эди ҳикка-ҳукмли,
Панд ерми у қашшоқ ҳофиздан?
Бир гурунгда деди хусумли:
«Мукофотин олади биздан!»
Тун. Ҳофизни қўйдаи тушовлаб
Кушхонага келтирдилар денг.
«Пичоғингиз олинг эговлаб!
Мен калима қайтарайин... Сўнг...»
Оҳ, ҳофизнинг тилидан мунгли

Таралибди сеҳрли «Ушшоқ!»
Юмшабдию қассоблар кўнгли,
Қўлларида тушибди пичоқ.
Эмиш: оҳанг сеҳридан эриб,
Тўкилибди тупроққа арқон.
«Е, пирим», — деб ўрнидан туриб
Уйга кетмиш ҳофиз соғ-омон!
Сўнг... Хуфёна тузилди режа.
Елланган бир созчи билдирмай
Мусалласга қўшиб тўй кеча
Ичирди ўз дўстига сурма.

Сўнгра Эргаш кетди бенишон.
Қўрқди дашном, қасосдан балки.
Тинди охир қилганча гумон
Ундан зада ҳофизнинг қалби!

Ватан — юрак деган мангу ўт

Уша! Худди қоп-қора булут
Юрагига солган қурум-ғаш.
Отасининг созига човут
Солган калхат — беквачча Эргаш.

«Бундайларнинг қўлидан келар
Диёнати, Ватанни сотмоқ.
Булар эрка ёғоч дор қуриб,
Қўшиқларга салади сиртмоқ!»

Ким соллолгай қўшиққа кишан?
Қўшиқ — осмон, нимталаб бўлмас!
Қўшиқ замин, ҳар йил қайтадан
Ҳосил берар, гуллар басма-бас!

Чанга ботган кигиздай қолар
Ўтмиш пойгагида хиёнат!
Қўшиқ карвон, каби йўл олар
Келажакни айлаб зиёрат.

Қизлар ўхшаб қирқ капалакка,
«Баҳор»нинг хуш бўйлари қолди.
Тўйбеканинг авжи фалакка
Ларза солган куйлари қолди.

Қолди Боғдод. Тунги чироқлар
Шуъласига кўмилган шаҳар.

Губор инмас доим ярақлар
Юракдаги бир асил гавҳар.
Уша гавҳар — эътиқод, имон,
Ватан деган қутлуғ тушунча.
Ўз умридан нолимас инсон
Порлаб турса у то ўлгунча.
Қанча тоза бўлса шу гавҳар,
Шунча мағрур бўлгай қўшиқлар.

Самолётнинг парраклари ҳам
Юрак каби чир айланарди.
Тўйбека кўз ўнгиди бу дам
Ватан бўлиб нур айланарди.

Уни юксак олиб учарди
Қанотида гўё ҳур қўшиқ.
Унга ҳамроҳ бўлиб учарди
Бутун борлиқ бир масрур қўшиқ.

Гавжум перрон. Унда бир нуқта
Мук тушганча ўрнидан турмас.
Гўё қалби қолгандай тўхтаб,
Панжасида бир қийқим атлас.
Тўйбеканинг енгидан беҳуд
Қирқиб олган ўшани бу кас!
Ватан! Ватан, муқаддас вужуд,
Уни ҳаргиз қийқимлаб бўлмас!

Ватан — юрак деган мангу ўт,
У ёнмаган танда жон инмас!
У йўқ вужуд — қўшиққа зор юрт,
Ватан борки, ўша ўт сўнмас!

Кўнглида дарёча тошқин ҳаяжон,
Хаёл сурар Тўйбека ҳамон!

Хотима ўрнида

Оқсоч тарихдир бу, кечмиш умрида
Не хил савдо кўрган: гисубурида,
Сапчадай узилган бошларни кўрган,
Ёмғир бўлиб ёққан тошларни

кўрган,

От думига боғлаб судратилганлар,
Тириклайин хочга михлатилганлар,
Даҳрий деб гулханда ёндирилганлар,
Сазо уловига мийдирилганлар,
Қалладан ясалган минораларни,
Қон бўлиб отилган фаввораларни,
Кўзига мил тортиб хўрланганларни,
Обхонада оҳи ўрлаганларни,

Гулда умри битган гул йигитларни,
 Тигпаррон этилган не умидларни
 Кўрганда онадай фарёд урган ул,
 Унинг ноласидан яралган булбул!
 Бу гал қилт этмади. Юз тубан қолиб,
 Талвасада Эргаш йиғларкан нолиб...



Гавжум аэропорт. Одамлар тиқин.
 Келган-кетганларнинг йўқдир ҳисоби.
 Тўйбека трапдан тушаркан секин
 Кўзин қамаштирди ёзнинг офтоби!
 Кўзлари қамашди гулдасталардан,
 Шогирдлар бағрига отди ўзини.
 Умри, ҳаётига пайвасталардан
 Тўйбека узолмас эди кўзини.

Қайдадир, офтоб билан ёнма-ён,
 Ултириб шеър битар нурли қаламда,
 Буюк мутафаккир Навоий,

жаҳон

Шундай байт ўқирди сирли қаламда:
 «Гурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
 Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш!
 Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,
 Булбулға тикандек ошён бўлмас эмиш!..»

1978—80 йиллар.

Григорий Марьяновский

Бир тақдир

Ҳайдарали НИЕЗОВ таржимаси

ҲУЖЖАТЛИ ҚИССА

II ҚИСМ

Евангелина Кашуронинг уқубатли тақдири

Уқубатли? Бу нима дегани? Юқорида ҳикоя қилинган уруш даври етимларининг тақдири оддий, енгил бўлганми? Йўқ, оддий бўлмаган, балки баъзан фожиали бўлган. Ҳозир ҳикоя қиладиганимиз бу тақдир бошқаларга қараганда ўзгача, ўша давр учун хос, умумийлигига қарамай, у ниҳоятда бошқача бўлган.

Мен ҳужжатлилик ва фактларга қатъий риоя қилиш принципи йўлидан бориб, Кашуро тақдиридаги энг асосий ҳолатларни ҳикоя қилиб бериш нафақат қийин, балки мумкин эмаслигини яхши биламан. Ҳа, мумкин эмас, чунки бу тақдирдаги энг муҳим ҳолат ҳужжатли ифода имкониятлари сирасига кирадиган сиртдан воқеаларга бойлик, жисмоний ҳаракатлар эмас. Бу умр, мазкур тақдирнинг энг муҳим воқеа-ҳодисалари киши кўнглида, ҳужжатли баён ўзининг бошқалардан фарқлантирадиган хусусиятини йўқотмасдан тўппа-тўғри кириб боролмайдиган онгнинг ардоқли қаърида ривожланган.

Шундай бўлса-да, Ева Кашуро ҳақидаги ҳужжатли баёнда бу принципдан чекиниш ҳоллари юз бериши муқаррарлигини билиб турсам ҳам, уни китобга киритиш фикридан воз кечолмайман. Чунки бу тақдир ва унинг шаклланиш йўли китобхонга кўп нарсани айтиб беради. Чунки унда, шахснинг фожиали таржимаи ҳолида, яна бир куч, инсон тақдирини шакллантироладиган, унга ҳукмининг ўтказадиган кучлардан бири бутун теранлиги билан намоён бўлади.

Охири. Боши ўтган сонда.

У Белоруссияда, Гомель областидаги Ясень қишлоғида 1942 йилда туғилди. Унинг ҳужжатларига шундай деб ёзиб қўйилган эди. Бошқалари тўғрисида—ота-онаси ким бўлганлиги ва гўдаклигида қандай қилиб Пиревичи станциясидаги болалар уйига келиб қолганлигини Евангелия Андреевна уни излаб топиб олган қариндошларидан билиб олди. Отасидан, кейинроқ онасидан жудолик мусибатини у сезмади — у пайтда гўдак эди, сезолмасди, ҳали кўрмагани бепоён оламда ёлғиз, етим бўлиб қолган ҳафтанинг дастлабки кунлари аламини кейин, катта бўлгандан сўнг тортди, жудолик азобига чидолмай кечалари ухламай чиқди. Оламнинг ишлари ўзи шунақа экан: инсон қисматида бор нарса — кўнглини ёритадиган севинч, қувончми ёки ҳеч нарса билан овунтириб бўлмайдиган алам-ситама бўладими у — унинг қалбида бир умрга из қолдириш учун олдин бўлмаса, кейин кириб келаркан. Евада ҳам худди шундай бўлди, у ўн тўрт ёшга кирганда ота-онасининг қайғули қисматини билиб олди. Шунда у жудолик мусибатини бошидан кечирди, гўдаклигини кўз олдига келтириб ваҳимага тушди. Лекин бу ҳодиса кейин содир бўлди. Ўша, урушгача ўтган йилларда эса...

Пиревичидаги бизнинг болалар уйимиз жаннатдек жой эди — бошқача таърифлаб бўлмайди уни, биз, унда тарбияланувчилар, ўзимизнинг етимлигимизни ҳеч билмасдик, — деб хотирлайди бугунги кунда Евангелина Андреевна. — Бу ҳол қанча вақт давом этди — өсимда йўқ. Лекин шуни аниқ биламанки, 1941 йил 22 июнда бирданига даҳшатли воқеа юз бериб, ҳузур-ҳаловатли турмушимиз узилиб қолди. Биз гулдуросли гумбурлашлардан уйғониб кетдик. Мураббийлар биз, гўдакларни қўлларимиздан ушлаб, рўпарадаги чакалакзорга ташир эдилар, ҳамма кўрқиб кетган, баъзиларнинг кўзларидан уйқулари кетмаганди. Тонг отиб қолган, мен биқинидаги қора крестли самолётларни аниқ кўриб қолдим. Улар худди соядек бўлиб кўриниб турган бизнинг болалар уйимиз тепасида изғишар, ҳар бири унга қаратиб ўқ сочар эди. Бир соатдан сўнг ҳаммаси яна такрорланди. Кейин яна ва яна. Мураббийлар, катта ёшдаги тарбияланувчилар бизларни ҳеч қачан ёққа қўйиб юборолмай қўлимиздан маҳкам ушлаб туришарди. Мени катта ёшдагилар группасидан Галя Мирошниченко деган қиз ушлаб турарди. «Меҳмонлар» учиб келишган пайтда у мени ухлаб ётган пайтимда, болалар уйи ёнига катталар қазиб қўйган траншеяга олиб қочиб тушган эди. Бир неча кундан кейин бобруйсклик болалар уйида тарбияланувчилар бизга келиб қўшилишди. Улар пиёда келишди, биз, гўдаклар уларнинг юзларини кўрганимиздан кейингина нималар бўлаётганини чинакамига тушундик, уруш даҳшатини биринчи бор ҳис қилдик. Фронт яқинлашиб келарди. Кечалари тобора кучайиб бораётган замбараклар ҳайқирғини эшитардик. Кундузи болалар уйи устида бизларнинг самолётларимиз билан фашистларники ўртасида ҳаво жанги қизиб кетарди.

Бир кун эрталаб ошхонага директор кириб келди. Оёғида этик, эгнида гимнастёрка, ёқасида петлица, белидаги камарига тўппонча осиб олган. У шошар, жуда ҳаяжонли эди, бизлар билан хайрлашаётиб, сал бўлмаса йиғлаб юборай деди. Фронтга, лаънати фашистларнинг жазосини беришга кетаётганини, бизга энди ёш мураббиялардан бири директор бўлиб қолишини айтди.

Яна икки ёки уч кун ўтди. Бизга станцияга қараб чопиб боришимизни буюришди. Кеч кириб қолган эди. У ерда бизларни шошилини равишда вагонларга жойлаштиришди, араваларда олиб келинган озиқ-овқатларни вагонларга юклай бошлашди, шу пайт аксига олиб, ҳаво ҳужуми бошланиб қолди. Сиренлар ув тортар, темирлар жаранг-журунг қилар, паровозлар босиб-босиб ўкирар, болалар кўрққанларидан

қий-чув солиб, бақириб-чақришарди—ҳамма нарса аралаш-қуралаш, айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Ҳеч ким ҳеч нарса кўрмас, нима бўлаётганини тушунмасди, бошларидаги ҳар бир тола соч тик бўлиб, гўё баданлардан совуқ махлуқ ўрмаларди.

Биз ўзимизга келган пайтда поезд яйдоқ дала бўйлаб шамолдек учиб борарди.

Одатланмаганимиз учунми, балким кўрқиб кетганимизданми, шу биринчи кеча вагонда сира ҳам ухлолмадик. Бир ерга гуж бўлиб тўпланиб орқа томонимизга, жонажон болалар уйимиз қолиб кетган Пиревичи томонга мўлтирашиб қарар эдик, ҳамма ҳайрон: қуёш аллақачон ботиб кетган, тепамизда юлдузлар чарақлаб турар, уфқнинг чети ҳамон ловуллаб ёнади. Эрталаб бизга, Пиревичи учун бўлган жанг эрталабгача давом этганини тушунтиришди.

Биз Воронежга бомба ҳамда пулемётдан сочилган ўқлар ёмғири остида етиб олдик. У ерда бизни вагондан туширишди. Бир неча кун мактабда яшадик. Кейин бизникига ўхшаган бошпанасиз қолган болалар уйларида бир нечасини йиғишди-да, битта эшелонга ўтказишди. Йўлга тушдик, узоқ юрдик, вокзалларда чумолидек гиж-гиж бўлиб ётган одамларни кўрдик, Қозоғистоннинг бепоён чўлларидан ўтдик, очлик ва ташналикдан роса қийналдик. Ҳа, бизлар бепоён чўллардан ўтиб борар эканмиз, бир қултум сувга зор бўлиб, томоқларимиз қоқ қуриб қоларди...

Биз Фарғонага шу аҳволда етиб бордик. Йўлда шунча азоб-уқубатларни бошимиздан кечириб келиб, бирдан эртақларда айтиладиган афсонавий ўлкага тушиб қолганимизни кўриб, ўз кўзларимизга ишонмадик. Бизни одамлар гуллар, мевалар билан кутиб олишди. Бағриларига босишди ва ҳар биримизга ниҳоятда чиройли гулли дастрўмоллару дўппилар совға қилишди. Духоба нимча кийган бир хотин мени қўлига олди, қаёққадир олиб кетмоқчи бўлди. Уни орқасига қайтаришди, у хафа бўлиб қолди. Рўпарамга чўққайиб ўтириб олиб, ўша яхши хотин мени гапга сола бошлади, у нима деб гапираётганини тушунолмамай анграйиб турардим, лекин менга яхшилик қилмоқчилигини сезиб, таклифига розилик билдириб, бошимни силкир ва қулардим.

Ниҳоят, поезддан тушган болаларнинг ҳаммасини иккитадан қилиб сафга тизишди-да, биз учун олдиндан тайёрлаб қўйилган болалар уйига олиб кетишди. У ерда бизни ювиб-тарашиди, бош-оёқ тоза кийим беришди. Эртасига аравага ўтказиб (бунақа аравани илгари кўрмагандик) қўшни қишлоққа олиб боришди. У ерда қандай зиёфат қилишганини таърифлаб беролмайман! Ҳаммамизни қатор қилиб гиламга ўтқазишди, олдимизга дастурхон ёзиб, патнисларда ёнғоғу олма, иссиқ нону яна биз нималигини билмайдиган ҳар хил мева-чевалар тортишди. Атрофимизни анча-мунча хотинлар, қиз болалар ўраб олишган, ўзаро нималарнидир гапириб жилмайишар, баъзилари эса нимагадир кўзларидан ёш оқизишарди. Зиёфатдан кейин хотинлар бизни уйларига олиб кетишди, яна зиёфат қилишди, совғалар беришди, кўз ёши тўкишди, кўнглимизни кўтарган бўлишди.

Бегона юрт! Бу иборани йўлда бир неча марта эшитганмиз! Лекин Ўзбекистон билан биринчи бор танишган пайтимизда ҳам, бу сахий тупроқда яшаган кейинги йиллар давомида ҳам унинг бегоналигини мутлақо сезмадим. Аксинча, бу тупроққа босган биринчи қадамимдан шу бугунга қадар мен, бу ер менинг уйим, менинг иккинчи, севиқли ватаним деб ҳис қиламан.

Карантин муддатидан кейин бизларни муқим яшаш учун Фарғонадаги 3-мактабга ўтказишди, ўқишга эса ёнгинамиздаги 2-мактабга қатнай бошладик. Мен биринчи синфга бордим.

Бир йилдан кейин бизнинг болалар уйимизни — негалигини билмайман—тугатиб, болаларни бошқа жойларга тарқатиб юборилди. Мени—бир гуруҳ тенгдошларим — қизлар билан ўша пайтда москваликлар яшаб турган 4-сонли болалар уйига юборишди. Директори Ершов деган ажойиб одам эди. Мен ҳозир ҳам шундай деб ўйлайман: бизлар унинг учун шунчаки тарбияланувчилар эмас эдик, балки ўғли ёки қизи эдик. 43-йилнинг охири, балким 44-йилда бўлса керак, у ўзининг бутун группаси билан Москвага қайтиб кетди. Бизда Берта Азарьевна Платонова директор бўлиб қолди.

Ўқиган романларим, кўрган фильмларимда кўпинча «иккинчи ё учинчи хотин» деган ибораларга, лекин «она битта бўлади, бошқаси бўлмади» деган гапларга дуч келганман. Баҳслашиб ўтирмайман. Нимасини ҳам баҳслашаман! Фақат шу гапни биламанки, мен ўлмай, сиз билан бу ерда ўтирган эканман, бу даставвал менинг омадим келгани ва қолаверса, туққан онамдан жудо бўлиб қолиб, бошқа меҳрибон оналарнинг қўлига тушганим шарофатидандир. Улардан мен учун биринчиси Берта ойим бўлган.

У эри—физика ва математика ўқитувчиси — билан шундоққина бизнинг болалар уйимиз ёнидаги хужрада турар эди. Бутун кучини, вақтини, ўзининг бутун қалб қўрини тарбияланувчиларга бағишларди. Ҳеч ким билан ҳисоблашиб ўтирмай, хизматдаги мавқеи, ўзининг директорлик шаъни, шахсий иззат-нафсини бир ёққа йиғиштириб қўйиб, бошлиқларнинг кабинетидан кабинетига югурар, остоналари едирилиб кетгунча қатнаса ҳам, бизлар учун қўшимча қандай бўлмасин озиқ-овқат, кийим-кечак, қишга ўтин-кўмир ёки дафтар-китоб ундириб келарди. Ўзи учун эмас, биз учун, болалар учун ундирмай қўймасди, алдаб-авраб ундирарди уларни. Шунинг учун ҳам уни лўли хотин деб аташарди. Бизнинг лўли онамиз яхши, меҳрибон эди! Мен уни бугун ҳам эслайман, уни ўша ўтмиш йилларидагидек фикран «ойи» деб чақираман.

Лента йўқ эди—Берта Азарьевна қаердандир лўлилик қилиб турли гулли лахтак топиб келди-да, ўзи бичиб, ундан чиройли ленталар тикди, бу ленталарни сочимизга қўшиб ўзи ўриб қўйди. У бизга кашта тикишни ўргатди. Бизларда китобга муҳаббат уйғотди. Даҳшатли уруш йиллари биз ундан ҳаётга ишонч билан қараш, уни севиш сабоғини, одамларга ва ўзимизга ишонч, айтишим мумкинки, чидамлилиқ, тиришқоқлик, қобиллик сабоғини, руҳимиз тушмай, ҳиқиллаб йиғламай ва умидсизланмай, мусибатларга, жудолик ҳамда қийинчиликларга бардош қилиш сабоғини олдик. Ўша сабоқлар барчамизга, айниқса менга жуда кўп қўл келди.

Уруш йилларида болалар уйларидаги ҳаётни сиз бошдан-оёқ роҳат-фароғатдан иборат бўлган, деган ҳаёлга бориб юрманг, яна. У роҳат-фароғат қадқа дейсиз? Эрталаб мактабда машғудот, тушликдан кейин колхоз даласига ёки ўзимизнинг ёрдамчи хўжалигимизга ишга чиқамиз, кечқурунлари госпиталларда концерт берамиз. Ашула айта-миз, ўйнаймиз, шеърлар ўқиймиз. Эсимда, бизлар борганимизда ярадорлар севишиб кетишар, чиройлари очилиб кулишар, қайта-қайта таклиф қилишарди. Биз эсак, чарчаганимиздан, қорнимиз очлигидан бошимиз айланиб, кўзимиз тиниб, оёқларимиз чалишиб кетарди. Лекин бунга қарамай, ўзимизнинг содда, тўпори рақсимиз, декламацияларимиз жангчиларнинг чеҳраларини ёритганидан, улар тортаётган оғриқ азобларини бир лаҳзага бўлса ҳам, унутдирганидан, уларни оғир ҳаёллардан холи қилганидан мамнун бўлиб кулардик. Кечаси қоп-қоронғи, бемаҳалда, бу пайтда келиб, одатда ҳувиллаб қоладиган кўчадан болалар уйига қайтар, ўзимизни зўрлаб дарс тайёрлар эдик. Эртасига яна ўша аҳвол такрорланарди.

Эсимда йўқ, оёқларим нимадандир шиша бошлади, бир кун ўтгач, баданим қуришиб қалтироқ турди. Безгак экан. Роса даволашса ҳам ҳадеганда тузалавермади. Берта Азарьевна ҳали у врачни, ҳали бу врачни олиб келади, ниҳоят, елиб-югуриб, болалар санаторийсига йўланма ундириб келди, бу ҳам етмагандек у ерга мени ўзи олиб борди. У ерда озгина даволаниб безгаклан қутулдим. Бир ойдан сўнг болалар уйига қайтиб келдим: Яна олдингисидай — мактаб, далага бориб ишлаш, госпиталма-госпитал юриб концерт бериш ва ҳоказо ишлар кўпайиб кетди.

Лекин бизнинг кўчамизда ҳам байрам бўладиган кун бор экан. Пионер галстугини тақиб, ясантриб, машинага ўтқазиб, шаҳарга олиб боришган кунни сира эсимдан чиқармайман. Шаҳарда гурос-гурос одамлар ўйнаб-кулган, духовой оркестр дейсизми, ашула ва хитоблар дейсизми, биров кулган, бошқасининг кўзида ёш, лекин ҳамманинг севинчи ичига сигмас, кайфи чоғ эди. Ғалаба! Ғалаба! деб хитоб қилишарди. Бизнинг юк машинамиз тўхтаб қолди, ўнлаб қўллар биз томонга узатилди, қўлларига илинганларимизни кўтариб олиб кетишди, осмонга отишди. Кимдир менга юлдузчали пилоткасини кийдириб қўйди. Мўйловдор солдат мени елкасига миндириб олди-да, рақсга тушиб кетди.

Бизлар уйга қоронғи тушган пайтда қайтиб келдик ва ўрнимизга ётиб, энди ёмон, даҳшатли кунлар ўтиб кетганлиги, бундан буён бизларга янги, ёрқин ҳаёт кулиб боқиши ҳақида гаплашиб ётдик, келажак ҳақида, у қанақа бўлиши, у пайтларда ўзимиз ким бўлиб етишимиз ҳақида хаёл сурдик.

Кўриб турганингиздек, бу пайтгача, 1945 йилнинг музаффар май ойигача Ева Кашуронинг тақдирини унга ўхшаш бошқа болаларнинг тақдиридан аслида ҳеч нима билан фарқ қилмаган. Агар етти ухлаб, тушига ҳам кирмаган фалокат юз бермаганда, Ўзбекистонга желган бошқа болалар уйларининг улғайиб қолган минглаб тарбияланувчилари сингари ҳунар мактабигами, техникум ёки олий ўқув юртигами ўқишга кириб, белгиланган муддатда уни битириб, ишчи, врач, педагог ёки илмий ходим бўлиш ҳақида ўйлармиди? Аммо қизалоқ тақдирида фалокат юз берди. Бу фалокат ҳаётига алам бўлиб кирди.

Аввалига тиззаси яхши букилмай қолди—бирон нарсага уриб олган бўлсам керак, тузалиб кетар, деб ўйлади. Оёғини офтобга товлади, мой дори қўйиб, дока билан боғлади. Лекин оғриқ босилмади, кундан-кунга зўрайиб, бутун оёғига ёйилди. Ева оёғини ерга босолмай қолди. Тишини тишига қўйди, ҳеч кимга айтмади, лекин бари бир, Берта Азарьевнага дардини ёришига тўғри келди. У врачларга, поликлиникага югурди, диагнозга ишонгиси келмади. Диагноз эса, худди ҳукмдек даҳшатли — суяк сили эди.

Ғалаба кунидан бир ой кейин, 1945 йил июнда болалар уйи Евангелинани Кўқонга кузатиб қўйди. У жилмайиб, ҳазил-мутойиба қилган бўлди, машғулотлар бошланишигача қайтиб келишга ваъда берди, хат ёзиб туринглар, дея илтимос қилди.

У қўли ва бошидан бўлак ҳамма ёғи гипсланган ҳолда, қимирламай беш йил ночор кўрпа-тўшак қилиб ётди. Бир умрдай узоқ туюлган беш йил давомида азоб-уқубат тортди.

Ева дарди чекинишини, унга ўрнидан туришга рухсат этишларини, оёққа туриб остонагача юриб бора олишини билармиди? Йўқ билмасди, лекин умид қиларди. Унга бу умид ва ишончни унинг врачлари, дўсти, онаси Ревекка Самойловна Диментман насиҳат қиларди.

— У ҳеч қачон—мен бундай бўлганини эсламайман—кўнглим чўкишига, номурид бўлишимга йўл қўймаган. Аксинча: менга қаттиқ гапирган, ҳатто қаттиққўллик қилган, сен иродали, мард қизсан, бўш

келма, деб насиҳат қилиб, кўнглимни кўтарган, агар мен тушжунликка тушиб, мунгайиб қолсам (нимасини яширай—шундай онлар бўлган) юрагим сиқилиб кетса, ёнимга келиб ўтириб олар, қўлимни қўлига олиб суҳбатлашар, шундай сўзлар топардики, кўнглим ёришиб кетар, чиройим очилиб жилмаяр, қайта туғилишимга умидвор бўлар, бунга ишонч ҳосил қилардим. Ревекка Самойловна палатага кириб келар экан, бошқа врачлар минг марта лаб такрорлайдиган: «Хўш, кайфиятимиз қандай, соғлигимиз қалай?» каби иборани айтмасди. У бошқа нарсадан бошларди: «Дарслар нима бўляпти? Алгебрадан қандай баҳо олдинг? Баракалла, баракалла, сен профессор бўласан!»

Касалхонада бизларни фақат даволашмасди, биз умумий мактаб программаси бўйича ўқишни давом эттирардик, билимимиз даражаси бўйича соғ болалардан қолишмасдик. 1950 йили менга жавоб беришган пайтда 9-синфда эдим. Лекин бу пайтда Ревекка Самойловна касалхона билан хайрлашиб, Евпаториядаги ўз уйига қайтиб кетган эди...»

Кузнинг рутубатли кунда бировнинг эски кўйлаги ва кофтасини кийиб (бундан беш йил муқаддам касалхонага кийиб келган кийими унга аллақачон кичкина келиб қолган—бунга лойиқ янги кийим касалхонада нима қилсин?), бир халтага дарсликларини тиқиб олган Ева Кашуро қўлтиқтаёқда Фарғона вокзалига қадам қўйди. У қаерга боради, вақтинча бўлса ҳам қаерда туради — билмасди. 1945 йилда уни қизгин кузатиб қолган болалар уйи томон таниш йўлдан юриб кетди. Лекин уй ўзгариб, бегоналашиб қолган эди. Берта Азарьевна урушдан кейин кўп ўтмай юртига қайтиб кетган, Евани танийдиган мураббийлар ҳам ҳар томонга тарқаб кетишган, олдинги тарбияланувчилардан ҳам ҳеч ким қолмаган эди. Евага, «Аҳволингга тушунамиз, кўриб турибмиз, лекин болалар уйига ҳеч қабул қилолмаймиз. Ўн беш ёшгача, борингки, ўн олти ёшгача ушлаб тура оламиз, сен бўлсанг ўн саккизга киргансан. Облонога бор», деб айтишди.

Облонога боргунича кеч кирди. Қабулхонада одам кўп—ўтиб бўлмасди. Бир бурчакка тиқилиб, кутиб ўтирди. Эшик, деразаларга гилтиллаб караб қўярди. Кўнгли ғаш. «Булар ҳам, ўн саккизда экансан, болалар уйига тўғри келмайсан. Бу бизнинг вазифамизга кирмайди»—деб қолишса, у қаерга бош уради? Қаерда тунайди?

Унинг кўнглидан кечаётган бу ташвишлар юзига тепиб турарди чамаси, қабулхонанинг нариги томонидан ўтирган бир аёл Еванинг олдига келиб, ҳамдардлик билан сўради:

— Бу ерда сен нима қилиб саранг бўлиб ўтирибсан?

У бошидан ўтганларни гапириб берди.

Кабинетга Зинаида Павловна Глухова—15-сон мактабгача ёшдаги Қўқон болалар уйи директори билан бошпанасиз Ева Кашуро бирга киришди.

Ева олдиндан сезган эди, гаплашганлари билан фойдаси бўлмади.

— Мумкин эмас, иложи йўқ. Ўн олти ёшликларни болалар уйида ҳамон тутиб турганимиз учун шундоқ ҳам гап тегиб турган бир пайтда, ўн саккиз ёшликка йўл қайда дейсиз? Афсус, кўнглимиз ачишади, лекин—ўзингиз кўриб турибсиз—ҳеч нима билан ёрдам беролмаймиз, — дейишди.

— Бўлмаса нима қилиш керак?— деди бўш келмай, худди ўз боласини ҳимоя қилаётгандай Зинаида Павловна.— Бу алоҳида ҳодиса-ку, ахир.

— Биладан — алоҳида ҳодисалигини. Шунинг учун ҳам бунини бу ерда эмас, юқорида, министрликда, Тошкентда ҳал қилиш керак.

Шундай қилиб улар ишни битказолмай қайтиб чиқишди. Қўчада бир муддат туришди. Бу орада индамай турган Ева овози тўлқинланиб, эшитилар-эшитилмас қилиб деди:

— Раҳмат, мен кетай энди.

— Қаёққа кетасан?

— Билмайман...

Яна индамай қолишди. Ева ерга тикилиб турар, Зинаида Павловна унинг эгик бошидаги нимдошгина рўмолига, қўлтиқтаёқлари туртиб, тептекис қилиб қўйган елкаларига, тахтакачаб қўйилган чап оёғига диққат билан қараб чиқди-да, бир лаҳзадан кейин кескин қилиб деди:

— Шунча ўйлаганимиз етар энди. Мен билан бирга кетасан.

Ева Қўқон вокзалидан чиқиб кетганига бир кеча-кундуз ҳам бўлмай, у, мана, яна шу ерга қайтиб келди. Бу шаҳарнинг кўчалари таниш бўлмаса-да — касалхона палатаси деразасидан нимани ҳам кўриб бўларди! — бари бир, худди уйига қайтиб келгандек ҳис қилди. Бироқ, уйи йўқ эди, уй топиш ташвиши кўндаланг турарди. Энди бу ишнинг ташвишини Зинаида Павловна ўзига олди.

Фарғонадан Қўқонга боргунча бутун йўл бўйи у бу бошпанасиз қизни бирон бир ерга жойлаштириш ҳақида ўй ўйлаб келди. Албатта, ўзи мудирлик қилаётган болалар уйига жойлаштиришдан осони йўқ эди унга. Лекин одатдаги мактаб болалар уйида ўн саккиз ёшлиларнинг бўлиши қонунга хилоф ҳисобланиб турган бир пайтда, уни мактабгача ёшдаги болалар уйига қабул қилиш ҳақида хаёл суришнинг ўзи ортиқча эди!

Поезд Қўқонга яқинлашиб бориши билан қарори ҳам пишиб етилди. Зинаида Павловна уни вокзалдан тўғри 9-сон болалар уйига, Павел Михайлович Бондаренко ҳузурига олиб боришга аҳд қилди. Бу одамнинг инсоний фазилатлари — бир томондан, болажонлиги, раҳмдиллиги, одамларга меҳрибонлиги; иккинчи томондан, мардлиги, айтганини қилишлиги, энг юқорида ҳам гапини ўтказа олишлиги — буларнинг барчаси бирга қўшилиб, Зинаида Павловнада катта умид туғдирарди. У янглишмади.

Зинаида Павловнадан Ева Қашуронинг қиссасини эшитиб, унинг ўзи билан суҳбатлашиб, Павел Михайлович, нима бўлса бўлар деди-да, Қашурони болалар уйига олди, катта ёшдагилар группасига қабул қилди.

Ева ёшидаги фарққа қарамай коллективга тезда сингишиб кетди, «ўз одамлари», кўпчилик учун дугона, кимлар учун эса опа бўлиб қолди.

Унинг синфни у касалхонада битирди. Иккала оёғининг шол бўлиб қолиши уни яна қимирлатмай қўйган, яна гипсланиб қолган эди.

— Ростини айтсам, энди тамом, ўрнимдан туролмасам керак, деб ўйлагандим, — дейди у.

Икки йил шифтга қараб ётди. Бутун икки йил-а! 1953 йилда Қўқон суяк сили диспансерининг врачиги Евгения Григорьевна Данилова Евани ўтиришга, ҳаракат қилишга, юришга ўргата бошлади. У пайтда ҳали жудаям ёш, чаққонгина ҳамшира қиз Зина Чеснокова ҳазиллашиб, унга далда берарди:

— Қани, қўй оёғингни, қўрқма, дадил бўл, дангасалик қилма, одамлар йўлда кўтариб юришларига ўрганиб қолибсан-а.

Евани биргина медицина, фақат врачлар ва ҳамшираларнинг ғамхўрлигини оёққа тургазмаган бўлса керак. Яна нимадир — бебаҳо, ўрнини ҳеч нарса босолмайдиган, энг янги, кучли дори-дармон ҳам фойдасиз бўлиб қолганда, беморни қутқариб қоладиган бемисл малҳам бўлган. Бу малҳам ҳам — инсоннинг қалб қўри эди.

— Болалар уйдан дугоналарим олдимга ҳар куни келиб туришарди, улар уйдаги, мактабдаги янгиликларни тўкиб солишар — дарсда нима бўлганию, якшанба қаерга боришгани, қандай китоб топиб

келишгани—ҳеч нарса қолмасди... Китоб мен учун қандай роль ўйнаганини алоҳида эслаймаман. Мен жуда кўп китоб ўқирдим, ўшанда қўлимга нима тушса, ўқийверардим. Менга шундай туюларди. Энди билдим, китоб ўқишимда Зинаида Павловна—менинг энг яқин одамим, у ўшанда менга худди ўз қизидай восийлик қиларди —ғамхўрлик кўрсатган, бу ўқишда система ва яширин мақсад кўзда тутилган. Зинаида Павловна китобларни ҳар томонлама ўйлаб таълаған, кучли, иродали ва мард, одамнинг кўзи етмайдиган ишларнинг урдасидан чиқадиган, тўсиқларни енгиб ўтадиган, ўз-ўзини қўлга оладиган шахслар ҳаракат қиладиган китобларни ўқитаркан менга. Ишонинг, мен рост айтаяпман, ўшанда агар ҳар хил ҳалокатли фикрларга бўй берганимда, тамом бўлган бўлардим, кўнглим чўкмади, бардош бердим, бунда Павел Корчагин, Алексей Мересьев ва Жек Лондоннинг энг яхши қаҳрамонлари ҳам ҳал қилувчи роль ўйнади. Менинг тақдиримга китоблар, адабиёт қанчалик ҳал қилувчи таъсир ўтказганини касалхонадан чиққангандан кейин, энди қандай кун кечириш керак, деган муаммо кўндаланг бўлган пайтда, мен нимани танлаганим ҳам кўрсатса керак балки...

1955 йили у Қўқон пединститутига ҳужжат топшириб, имтиҳонлардан яхши ўтди, тил ва адабиёт факультетининг студенти бўлиб қолди.

— Яширмайман, илгари мединститутга киришни ният қилиб юрардим. Нега бундай хоҳиш туғилганини билиб олиш қийин бўлма-са керак. Аммо, ўйлаб кўриб, бу аҳволда мендан қанақа врач чиқарди, деган мулоҳазага бориб, бу аҳдимдан қайтишга тўғри келди. Буёғини турмушининг ўзи белгилади, бошқача бўлиши мумкин эмас. Болалар билан ишлашим керак эди, чунки мен ўз мураббийларимдан жуда кўп яхшиликлар кўргандим, шуларни қайтаргим келарди, ўзимни шунга бурчли ҳисоблардим. Бунинг устига менда унча-мунча тажриба, кўнглимда «Менинг ишим шу, болаларни жонимга жо қиламан», деган ишонч ҳам бор эди. Тил ва адабиётни танлаганимнинг сабаби маълум. Яхши китоблар биргина менигина қутқариб, оёққа турғизмади, улардаги буюк куч болалар қалбига йўл очарди—бу кичкина иш эмасди!

Ева муваффақият билан ва зўр бериб ўқиди. Болалар уйига ёрдам бериб турди. Агар куппа-кундуз куни бирдан чақмоқ чақиб, маъмурий момагулдирак гулдирамаганида, у ҳамма курсларни ими-жимиди битириб олган бўларди. Чақмоқ тафтишчи мисолида пайдо бўлди. У тузган акт момагулдиракдек таъсир кўрсатди. Жиноят ҳар тарафлама очиб ташланган: болалар уйида тарбияланувчи ниқоби остида 25 ёшли аёл боқиб келинган! Тафтишчи директорга қаттиқ жазо бериш, унинг бўйнига катта камоматни ёзиш, Евангелина Кашурони болалар уйидан дарҳол ҳайдаш иштиёқи билан ёнарди.

Павел Михайлович қаттиққўл тафтишчини шаштидан туширишга уриниб кўрди, Евангелина Кашуро кимлигини, нега шу пайтгача болалар уйининг тарбияланувчиси ҳисобланишини тушунтирмақчи бўлди. Аммо ҳамма гапи зое кетди. Директорнинг ревизор келгани, унинг бўйнига катта қарз тушириб ёзган актини Евадан сир тутишга уриниб қилган барча ҳаракатлари, унинг кўнглини яна жароҳатлаб қўйишдан қочиб, кўрган эҳтиёт чоралари ҳам зое кетди. Бухгалтер ҳам тафтишчининг ёнига кириб анча иш кўрсатганди...

Евани бу ҳол қаттиқ ларзага келтирди, яна касалхонага тушди, яна икки йил ётди.

— Агар меҳри дарё, раҳмдил, олижаноб одамлар бўлмаганда, ҳолим нима кечарди—билмайман. Ҳаётдан умидимни узиб, ўқиш, машғулотларни йиғиштириб қўйган дақиқалар ҳам бўлди. Шу аҳволда

менга ким қўйибди ўқишни, бундан нима наф? Ҳеч нарсани ўйламай соатлаб бир нуқтага тикилиб, лойқа хаёлотлар билан ётардим. Мени бу аҳволдан кўпинча Ориф Тўрақулович Тўрақулов қутқарарди. У ўзбек тили ва адабиётдан дарс берарди. Кейин у бизда қиёсий грамматикадан ҳам лекция ўқирди. Баъзан зарда қилиб, бақириб берарди: «Ҳадеб ухлайверади одам деган! Мен эсам имтиҳон олгани келиб ўтирибман. Сиз тайёрмисиз?» Тайёрлик қаёқда, кўнглимга қиёсий грамматика сиғармиди ўша топда—ўқимаганман, ҳатто конспектга ҳам қарамаганман, дердим. У эса жаҳли чиқиб, стипендиядан маҳрум қиламан, институтдан ҳайдаттираман, деб пўписа қиларди. Ўзи бўлса, кўриб тураман, мендан хавотирланар, раҳми келарди, нима билан ёрдам беришни билолмасди. Афтидан, у мен ҳақимда директорга гапирган шекилли, касалхонага Ином Расулевич Расулев ҳам (энди у профессор, фан доктори) кириб келди, мен билан узоқ суҳбатлашди, панд-насиҳат қилди, уялтирди, кўнглимни кўтарди. Дугоналарим, Тамара Пономарёва билан Полина Тайлахидилар эса, конспектларини, дарсликларини чиқариб, менга зўрлаб дарс тайёрлатишди, кўнмасам ёнимга ўтириб олиб, овозларини чиқариб ўқишди. Хуллас, бу сафар ҳам мени кўплашиб, кўмаклашиб, қутқариб қолишди. Аста-секин ўзимга келдим, тузалиб қолдим, айтиш мумкинки, онадан қайта турилдим.

1959 йилда Ева болалар уйига қайтиб келди. Бир йил ўтгач, у институтни битирди, йигирма саккиз ёшида 9-сон болалар уйининг тарбияланувчисидан педагог-мураббийсига айланди. Бу уйда — у энди кўриш қуввати заифлашиб қолган болалар мактаб интернатида—Евангелина Андреевна Кашуро бугунги кунда ҳам ишлаб турибди. 1963 йилда унинг кекса онаси Зинаида Павловна Глухова—Кўқон шаҳар советининг депутати—унга квартира олиб берди. Ҳар ёзда Евангелина Андреевна Қримга, Евпаторияга, ўзининг бошқа онаси Ревекка Самойловна Диментман ҳузурига даволангани боради. Энди Ева Андреевнанинги ўзининг ўқувчилари, тарбияланувчилари — унинг фарзандлари бор. Кўнглида уларга айтадиган ўғитлари, берадиган насиҳатлари ҳам бор.

Оқибат-натижада унинг ҳаётини ким, нима асраб қолди? Зинаида Павловна доимо такрорлаганидек, ҳаётга интилиши, ҳаётсеварлиги, кўнглининг бақувватлиги асраб қолди.

— Менга умрим давомида меҳрибонлик қилган, худди ўз фарзандидай ғамхўрлик кўрсатган одамлар менда умидворлик, ҳаётсеварлик туйғусини тарбияладилар, кўнглимга тиргак бўлдилар,— дея тасдиқлайди у ва охирида: — агар мен бизнинг мамлакатимизда эмас, қандайдир бошқа мамлакатда туғилган бўлганимда, менга нима бўлишини ўйласам, юрагим орқасига тортиб кетади. Ахир шундай бўлиши мумкин эди-ку?

Ҳа, туғилиш мумкин эди. Соғайиб кетишига келсак — буни сиз даргумон.

«Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун!»

Бу китоб бошдан-оёқ уруш йилларида етим болаларга катталар кўрсатган буюк меҳр, ғамхўрлик ҳақидаги ҳикоялардан ташкил топди.

Энди яхшиликка яхшилик деган ҳақиқатни тасдиқлайдиган — катталарга берилган болалар кўмаги, Галабанинг муқаддас ишига болалар уйлари қўшган арзimas, ўзининг салмоғига кўра жуда ҳам камтарона, лекин моҳияти, маънавий салмоғи жиҳатидан бебаҳо ҳиссаси ҳақида бир-икки оғиз сўз айтиб кетиш хонаси келиб қолди.

Орадан ўттиз йил ўтгандан кейин Александра Алексеевна Мирошникова 1947 йили 18-мартни ўз ҳаётидаги энг ёрқин, энг яхшим кунларидан бири сифатида эслайди. Шу куни унга (ўша пайтда Қаселева эди), унинг дугоналари ва синфдошларидан Гана Маркевич, Зоя Медведева, Зина Безимьянная ва Валя Варенникова—Попдаги болалар уйининг тарбияланувчиларига «1941—1945 йиллар Улуғ Ватан ушини даги шавкатли меҳнати учун» медали топширишди. 41—42 йилларда бу қизлар 9—13 ёшда бўлганлар. Булар ҳали бутунлай гунаҳ қилмабди, бу бундай медалга қайси шавкатли меҳнатлари учун сазо бўла қолган эканлар?

Бу саволга Александра Мирошникова шундай жавоб қилди: «41-йилнинг декабрида келдик, ўрнашдик, мактабга киридик, баҳорда эса, тахминан апрелда, бизларни митингга йиғишди. Қўшқонлар фронтда, хўжаликда фақат аёллар, қари-қартаглар, яна биз, болалар қолдик. Бизнинг вазифамиз—яхшироқ ўқиш ва фронт учун ишлаш,— деб айтишди. Буларни тарғиб қилишнинг ҳожати бўлмади, кичкина бўлсак ҳам, ҳаммасини билардик,—уруш, у тез ўрғатиб кўяди. Бизни гўза ўтоққа юборишди. Эрталаб туриб далага чиқамиз, тушликдан кейин ўқишга борамиз, ҳордиқ кунисиз ишларимиз. Дам олиш, байрам десак, қандай қилиб Галабани қўлга киритардик. Нимасини айтай, чарчардик, албатта. Қилган ишимиз эвазига ўша пайтда ҳамма тарафда сенга: «Фронт учун сен нима қилдинг?» деб қараб турадиган плакатларни кўрганимизда, уялиб кўзимизни олиб қочмасдик... Биз улғайган сайин пахта ўстириш, уни териш бўйича тажрибамиз ҳам орта борди. Баъзи тарбияланувчиларимиз тушликкача 40, 50 килограмдан пахта териб қўйишарди. Булар 10—13 ёшли болалар эди. Кўзда қўсак терар, гўзнапоя чопар, хуллас, бутун ёз бўйи ишлардик. Биз ишлаб топган меҳнат кўнига чиққан даромад фронт эҳтиёжига юборилганини айтишганида, қанчалар севиниб кетишимизни кўрсангиз эди!

«Правда Востока» газетасининг ўша вақтда берган хабарига кўра, ЎзССР МХК қошидаги Марказий болалар эвакуацион пункти томонидан 1941 йилнинг ноябрь-декабрь ойлари ичида ўқиш ва ишга олти мингдан зиёдроқ бола юборилган. Уч мингга яқин ўсмир ФЗО мактабларига ва темир йўл билим юртларига юборилган, улар бу ерларда чилангар, токарь, фрезерчи, қурувчи касбини эгаллайдилар. Ўсмирларнинг катта қисми sanoat халқ комиссарликлари муассасаларида, ҳунармандчилик артелларида ишлайди, кўпчилиги ер ишлари комиссарлигининг МТС ларида, совхозлар ХКлигининг устахоналарида тракторчи, комбайн ҳайдовчи бўлиш учун ўқимокда. Бир ярим мингдан зиёдроқ ўсмирни Ўзбекистон колхозлари томонидан қабул қилиб олинди. Эвакуация қилиб олиб келинган ўсмирларга Тошкентдаги текстильвейсоюз артеллари, облместпром ҳамда горместпром муассасалари ғоятда ғамхўрлик билан муносабатда бўлдилар. Болаларни бошдан-оёқ кийинтирдилар, ётоқхоналарга жойлаштиришди, уларнинг бемалол ўқиб, ишлашлари учун барча шароитни яратиб бердилар.

1942 йил февралда Наманган районидаги Сталин номли колхоз раиси М. Насриддинов, партия ташкилоти секретари М. Убайдуллаев, колхозчилардан М. Эшонов, М. Ёқубова, А. Тўхтабоева, А. Ражабов кўчириб келтирилган болалар ва ўсмирларни жойлаштириш бўйича тажрибаларини мазкур газета орқали ўртоқлашадилар:

«Колхоз правлениеси болалар учун бир неча ётоқхонани жиҳозлади, каравот, столлар, қишки кийим-кечак сотиб олди. Бизга ўсмирларнинг 28 кишидан иборат биринчи гуруҳи келди. Улар қишлоқ хўжалик ишларида фаол қатнашмоқдалар. Кўпчилиги тракторчиликка ўқиётир. Зина Ярживская, Дмитрий Евнис ва бошқалар элита хўжалиги қошидаги лабораторияда ишлашмоқда. Жора Евнис колхоз электростанциясида механикчиликка ўқияпти. Темирчиликда, фермаларда, дала — ҳамма соҳада болалар меҳнат қилмоқдалар. Яқинда кўчириб келтирилган болаларни тарбиялаш масаласига бағишланган колхоз мажлиси бўлди. Унда сўзга чиққанларнинг ҳаммаси бир оғиздан: биз болаларни ўз фарзандларимиздек тарбиялашимиз лозим», дейишди.

Энди ўша воқеа-ҳодисалар ҳақида ўша пайтдаги ўсмирларнинг ўзларидан эшитайлик.

Лидия Васильевна Буракова — уруш йилларида Ананченко Лидия Григорьевна:

— Урушгача мен Кировоград область Новопржский районидаги болалар уйида яшардим. Қандай эвакуация қилинганимизни эсласам, ҳамон қўрқиб кетаман. Тасаввур қилиб кўринг: биз — болалармиз, кимлар каттароқ ва баъзилар ҳали жуда кичкина—Кировограддан Ростов областигача пиёда юрдик. Бу ёққа бурилсак, қаёққа кетяпсизлар? Немисларга ем бўлгиларинг келяптими?—деб бақаришади. Биз бошқа ёққа каловланиб кетсак, яна ўшандай ўшқиривади. Осмондан эса қўрғошин дўлдай ёғиб турарди. Даҳшат. Ростов яқинидаги Калининка хуторида бир неча ой яшадик, 1942 йил ёзида яна пиёда йўлга тушдик, бир неча бор бомбардимон қилидик, осмондан ўққа тутилдик, неча бор ўлиб, неча бор тирилиб, Каспий дёнғизига етиб олдик. Махачқалада пароходга ўтқизишди-да, Красноводскка жўнатишди. Ундан Тошкентга олиб боришди, болаларни карантин уйида икки ҳафта тутиб туриб, кейин тақсимлашди. Гўдакларни болалар уйига юборишди. Катталарни хоҳишларига қараб «Қизил тонг» фабрикасига, кинап фабрикасига, тўқимачилик комбинатига юборишди. Мен яна учта дугонам билан колхозга юборишларини сўрадик. Бизларни Фарғона область Қува районидаги «Коммунизм» колхозига юборишди. У ерда раис жуда меҳрибон одам экан. Бизга тоза хона, каравот ва кўрпачушак берди, биз, чувриндиларни кийинтирди. Ана ўша ерда биз ишлай бошладик. Ғўза экдик, буғдой ўрдик, мева тердик, сабзи кавладик, хуллас, қайси ишнинг навбати келса, шуни қиламиз. Кейин бир куни раис бизларни чақирди: бундай юришларинг бўлмайди, қизларим, сизларни муқим бир жойга бириктириб қўяман, деди. Ушандан кейин биттамыз нонвойхонада, бошқамиз яслига юборилдик, мен бўлсам агрономга котибалик қилдим. Умуман, бизнинг қишлоғимиздагилар яхши одамлар эди. Уларга чин қалбдан раҳмат айтаман, раисга, завхоз опага—раиснинг хотинига икки букчилик таъзим қиламан. Мен уларнинг уйларида ўз уйимдек юрардим, улар ҳам менга ўз болаларидек қарардилар... Кейин, биз, қизларнинг ҳаммамизни Фарғонадаги тўқимачилик фабрикасига ўтқизишди. У ердаги иш қизиқарли, муҳими эса, керакли эди. Парашютларга тасмалар тўқидик. 1945 йили, урушдан сўнг Тошкентга кўчиб келдим, бу ерда ҳозиргача яшаб турибман. Эрим билан бирга заводда ишлаймиз. Уғлимиз катта киши бўлиб қолган. Кўп йиллар ўтиб кетди, лекин урушни ҳеч унутолмайман. Гарчи қизалоқ бўлсам ҳам, аммо душманни фарқ қилган халқ қаҳрамонлиги денгизиде—яширмайман—менинг ҳам бир томчи ҳиссам борлигидан фахрланаман.

«Тошкент тўқимачилик комбинатига мен 1941 йилнинг сентябрида келиб қолдим. Киров номидаги ип фабрикасининг бир қатор ходимла-

ри билан бирга Ленинграддан кўчириб келтирилгандик. Мен бу ерда ишчиларни ишлаб чиқаришга ўргатиш бўлими мудирини бўлиб ишлардим,— деб ёзади Ленинграддан Лидия Давидовна Гольдман.— Урушгача Ленинград билан Ивановода мавжуд бўлган ип ишлаб чиқариш, уруш ҳолати муносабати билан хавф остида қолган ва Тошкентда ип маҳсулотларини зудлик билан ишлаб чиқариш масаласига алоҳида аҳамият бериларди. Тўқимачилик комбинатининг омборхона бинолари ип фабрикасига берилганди, биз совуқ, об-ҳаво шароити ёмонлигига қарамай, Ленинграддан етиб келган асбоб-ускуналарни ўрнатишга шу заҳоти киришиб кетдик. Кечаси-кундузи ишладик, лекин ишимиз юришиб бориши баробарида, бу дастгоҳларда кимлар ишлайди, кадрларни қаердан оламиз?— деган масала тобора кескин бўла борарди...

ЎзССР ХКСНИНГ 1575-Р СОНЛИ

ФАРМОЙИШИ

1. ЎзССР МХКга Тошкент тўқимачилик комбинатида ишлаш учун МХКлигининг болалар уйларидан 300 нафар қиз бола — болалар уйларининг 14 ва ундан ошиқ ёшдаги тарбияланувчи қизлари—бериш мажбурияти юклатилсин.

2. Тошкент тўқимачилик комбинати директорида болалар уйларининг тарбияланувчи қизлари учун зарур бўлган маиший турар-жой ҳамда ишлаб-чиқариш шароитлари яратиб бериш топширилсин.

ЎзССР ХКС ВА ЎзК(Б)П МК

1366-СОНЛИ ҚАРОРИ

ЕШЛАРНИ ЗАВОД-ФАБРИКА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИГА ЧАҚИРИШ ҲАҚИДА

15. ЎзССР Госплани, ЎзССР Савдо ХК ва Енгил саноат ХКга ушбу чақириқ бўйича сафарбар этилган ёшларни ЎзССР ХКС қошидаги меҳнат резервлари Бошқармасининг заявкасига мувофиқ оёқ кийим ва устибош билан таъмин этиш учун зарур миқдорда бичиштикишга яроқли бир текисдаги лахтак ажратишни назарда тутиш топширилсин.

«Ишчи кучи—мамлакатимизнинг турли жойларидан эвакуация қилиб келтирилган 14—18 ёшли қиз болалар — бизга октябрь ойида кела бошлади, дея давом этди Лидия Давидовна.— Ленинградлик инструкторлар уларни тез ўргатишди. Иш кунини ўн икки соатга чўзиларди. Икки сменада ишлардик. Фронтдаги аҳвол оғир эди, биз ҳаммамиз: кўпроқ, яхшироқ ишлайлик, ҳамма нарса ғалаба учун»—деган ўй-хаёл билан яшардик.

1942 йил бошида мени комбинат парткоми ҳузурига чақиришдида, аввалига, илмий бўлим мудирлигига, кейин эса, ФЗУ мактабининг директорлигига тайинлашди. Уруш даври шароитида бу мактабининг роли ва аҳамияти катта бўлган эди, албатта. У бир варакайига, ҳозир айтадиганларидек, комплекс равишда, галга солиб бўлмайдиган долзарб масалалар тугунини ечиб бериши: катта миқдордаги кўчириб келтирилган назоратсиз ўсмирларни турар жой, кийим, озуқа билан таъминлаш, ўқитиш ва ишга жойлаштириб қўйиш, бу — бир томондан бўлса, иккинчи томондан, энг қисқа вақт ичида комбинат маҳсулотининг хилини кўпайтириш, кескин суратда ҳажмини кенгайтириш учун ип йигирувчи, тўқувчи, электромонтёр, механик ва бошқа ихтисослар бўйича малакали кадрлар тайёрлашни тезлаштириш лозим эди.

ФЗУ мактаблари талабалари албатта ётоқхона, кийим-кечак, учмаҳал овқат билан таъминланар, малаканинг назарий ва амалий кур-

сини ўтар эдилар. Мактаб ўзининг мустақил участкасига эга эди, у ерда ўсмирлар кунига олти соатдан ишлардилар.

Яшириб ўтирмайман, бизда фавқулодда ҳодисалар ҳам бўлиб турарди. Биттаси айниқса оғир бўлганди. 1943 йилнинг ўрталарида бизга ёши тўлмаган тартиббузарлардан бир гуруҳи келди. Уруш даври тақозоси билан қарор топган қаттиқ тартиб, интизом, юксак талабчанлик — буларнинг ҳаммасига улар одатланмаган эдилар, кунлардан бир куни, қандайдир айблари учун улар жазоландилар; лекин у тирмизаклар ёғочдан қурилган спортзалга ўт қўйиб юбордилар. Залдаги икки қантгли сўриларга янги келган юзта қиз бола жойлаштирилган эди.

Кўпчиликнинг кучи билан ўтни ўчирдик, лекин электр сими узлиб кетган эди, бир неча кун чироқсиз қолдик, кўрпа-ёстуғимиз ҳамда кийим-кечагимиз ивиб кетди. Болалар тартиб бригадалар барпо этишди. Уша оғир дақиқада мактаб комсомол ташкилотининг секретари, партизан қизи, Киевдан келган Галя Коротченко айниқса алоҳида эсимда қолди. Коллективнинг ҳақиқий бошчиси, у бутун қизларни хотиржам, ваҳима қилмай бир жойга тўплади, ўзининг куч-ғайрати, қувноқлиги, ишнинг кўзини билиши билан мактабимизда шундай вазиятни вужудга келтирардики, бундай вазиятда ўқиш ҳам, ишлаш ҳам завқли бўларди.

Мен, шунингдек, Кармана болалар уйидан бизга келган ажойиб қизлар — Раиса Цветкова, Оля Гайворонская, Надя Михееваларни ҳурмат билан хотирлайман. 1944 йилда мен Ленинградга чақириб олиндим. Улар кейин нима қилишди, ҳозир қаерларда ишлаб юришибди, билмайман. Қани энди буни билсам эди!..»

Надя Михеева дедими? Мен бу исми қаердадир учратганман, Ҳа-ҳа, Целинограддан юборилган Ушакова—Михеева ёзган хат архивда сақланиб турибди. Мана у, Надежда Егоровнадан келган хат:

«Мен 1927 ёки 1929 йили Донецкда туғилдим, ўша областдаги Константиновский болалар уйида тарбияландим. 1941 йил кузида бизнинг болалар уйимиз Карманага эвакуация қилинди ва бу ерда Сум болалар уйи билан бирлаштирилди. 1942 йил кузагида катта ёшдаги биз, 31 та қизни Тошкент тўқимачилик комбинатига ишга жўнатишди. Мен тўқувчиликка ўқидим. Аввалига иккита дастгоҳда, охирида 48 тасида ишладим. Мураббийларимиз, устозларимизни ҳурмат билан эслаб юраман, дугоналаримни соғинаман.

1950 йили кечки мактабнинг 7-синфини битириб, Тошкентдаги гидрометтехникумга кирдим. 1954 йилда диплом олдим ва Толдиқўрғон областидаги Учтепа шаҳарига инженер-метеоролог бўлиб ишга юборилдим. 1963 йилдан буён Целиноград гидрометеообсерваториясида инженер-метереолог бўлиб ишлаб турибман.

Раиса Цветкова эса, менимча, ҳозир ҳам Тошкент тўқимачилик комбинатида ишласа керак. Оля Гайворонская ҳам ўша ерда Тошкентда қолди».

Ўт қўйиб юборган ўсмирларга нима бўлди дейсизми? Уларни ўсмирларнинг ўзлари суд қилишди. Мураббийларнинг, улар қилмишлардан пушаймон гуноҳларини ювишга имкон бериш керак, деб ҳимоя қилиб сўзлаган нутқларида, ўзлари гуноҳларига иқрор бўлиб, энди бундай номаъқулчилик қилмасликка сўз берганликларига, гуноҳларини юмшатиш юзасидан ялинишларига қарамай, уччовини ҳам, ўртоқлик суди меҳнат фронтининг бузғунчилари, бундайларни мактабдан шармандаларча ўчириш, коллективдан ҳайдаш ҳақида ҳукм чиқарди. Масала уларни нима қилиш, қаерга жойлаштиришга келиб тақалди. Бу қарамсизларни ўз ҳолига қўйиб юбориш мумкин эмасди-да, ахир. Гуноҳкорлар, агар ҳали фронтга ярамасак, газмол тўқимайдиган, ип

йигирмайдиган, қурол ясайдиган заводга юборинглар, бузғунчимизми ё йўқми — ўша ерда кўрсатамиз!—деб ёлборишди. Шунга келишишди. Тошкентдаги ҳарбий муассасалардан бирининг ишлаб чиқариш бошлиғи А. А. Федоров 1943 йил кузагини эслайди. У Киевдан шундай деб ёзади:

«Бу ўсмирларни бизнинг заводимизга юборишганига ярим йилча бўлиб қолган эди. Тўсатдан фалокат юз берди: иш тўхтатиб қўйилди — корпусларининг ички сирти яхши лакланмаганлиги туфайли ҳарбий вакил бутун бир партия минани брак қилди. Бутун цех ана шу миналарга улар жойлаштириладиган яшиқларга тўлиб кетди. Иш тўхтаб қолган. Болалардан қай бири вақт зое кетаётганлиги учун ҳарбий вакилнинг, қай бири таъминотчининг гўрига гишт қаларди. Тўқимачилик комбинатидан бизга юборилганлардан биттаси — Вася Степанов (энди у бригадир) — оёғи куйган товукдек цехда у ёқдан бу ёққа зир югуради.

Эртаси куни мен қувончли хабар билан цехга келдим. Қўшинларимиз Киевни олган эдилар! Зориқиб кутилган бу катта ғалаба шарафига цех фронтга бир ойлик пландагидан ташқари бизнинг маҳсулотимиздан яна беш партиясини бериш юзасидан мажбурият қабул қилди.

Мажбурият-ку, ўз йўлига-ю, лекин ҳозирча иш яхши юришиб кетмаётганди. Болалар брак қилинган миналарни бирма-бир қўлдан ўтказиб, чўрт-пўрт деб сўкиниб, корпусни бўяшарди.

— Эҳ,— дея хўрсиниб қўйди бригадир,—агар менга қўйиб беришса, бу таъминотчиларнинг сочларини устарада қиртишлаб олиб, улардан керагича чўткалар ясаб ташлардим. Лекин бу тепакалларнинг қариб оқариб кетган уч тола сочидан қанақа ҳам чўтка бўларди, ўзи йўқ нарсани чўпга боғлаб, кўнгилдагидек локлаб бўларканми?! Яна ҳарбий вакил бракка чиқаради. Таъминотчиларга икки ҳафтадан бери чўтка сўраб қатнайман. Нукул бир хил жавоб қилишади: «Уруш кетяпти. Бори билан амаллайверинглар».

Вася эса мендан:

— Бошлиқ, менга шаҳарга чиқиб келишга рухсат беринг. Бир соатда қайтиб келаман. Келинг энди, рухсат бера қолинг! Шундай чўткалар бўладики, таъминотчиларнинг ўзлари сочларини олдиришга илтимос қилиб қоладилар,— деб сўрагани-сўраган эди.

Мен бригадир қандай йўл билан чўтка топиб келмоқчилигини фаҳмлаб, илтимосини рад қиламан. Лекин ўзим, улардан бир иш чиқмаслигини билсам ҳам, таъминотчиларнинг олдига жўнайман, у ердан ҳафсалам пир бўлиб завод бошқармасига йўл оламан.

Бир соатлардан кейин қайтиб келиб, жанжалнинг устидан чиқдим. Аллақандай учта эркак, бир пудлик муштларини дўлайиб, восийлигимдаги болаларни савалашмоқчи! Нима гап? Яна нима бўлди? Аста-секин аниқланди — уларнинг учаласи извошчи экан, аравалари ҳозир цехнинг олдида турган экан. Улар товар станциясига маҳсулот ташишга келишибди, ҳужжатларни расмийлаштиргани кетсалар, кимдир отларининг думини қирқиб кетибди. Менинг бригадирим ҳеч нарса кўрмагандек сипо бўлиб турибди.

— Сизлар қирқиб олдиларингми?— дея ёпирилиб қолишди извошчилар.

Болалар инданмади. Ҳаммаси учун Вася жавоб қилди:

— Нега бизга ёпишиб олдинглар? Қирқиб олдинг, қирқиб олдинг! Нима, бу ер сартарошхонами? Бориб қаранглар, сизлар бу ерда юрганларингда отларингни маникюр қилиб, туёқларини бўяб кетган бўлишмасин тагин? Шунга ҳам биз гуноҳкор бўламизми?

Извошчиларни алдаб-сулдаб жаҳлдан туширгунимизча ўлиб бўлдим. Улар кетмишгач Васяни чақириб олдим.

— Сенинг ишинг бўлса керак, Севиль сартароши?

У ерга тикилди, гуноҳкорона гап қотди:

— Мен ҳаммасини қирқиб олмадим, пашша қўриб туриши учун бир қисмини қолдирдим. Лекин ҳали кўрасиз, шундай локланадики, ойна бўлиб кетади, ҳарбий вакил ундан ўз аксини томоша қилади!

— Нега ундай қиласан? Бу ахир, биласанми, сенга нима бўлишини?

— Биладан: балога қоламан. Лекин мендан кўра фришлар кўпроқ адабларини ейдилар!

— Билиб қўй, Степанов, яна бирон шунақа ҳунар кўрсатадиган бўлсанг, бригадирликдан ҳайдаб, ёрдамчи хўжаликка юбориб ишлатираман! Тушунарлими?

Степанов нафасини ростлаб олди.

— Энди уларнинг думлари ўсиб, яқин ўртада ўз ҳолига келмайди. Шу туфайли «тегмайман» деб бемалол қасам ичаверишим мумкин.

Цех кечқурун алламаҳалда ҳарбий вакилга у бракка чиқарган маҳсулотнинг ҳаммасини кўрсатди ва топширди.

Фронт учун, ёвуз дўшман устидан қозонадиган ғалаба учун фақатгина заводларга, колхозларга, қурилишларга юборилган ўсмирлар билан катта ёшдаги қиз болаларгина банд бўлмадилар. Фронт учун болалар уйларидагиларнинг ҳаммаси битта қолмай меҳнат қилди. Бунда МХК ғамхўрлик кўрсатди. Бу ҳақда Ўзбекистон ҳукумати— унинг Халқ Комиссарлари Совети ғам еди. У уруш даврининг энг зарур, долзарб, кечиктириб бўлмайдиган бошқа минглаб иши бўлишига қарамай, 1944 йил 21 февралда «ЎзССР МХКлигига қарашли «Мактаблар ҳамда болалар уйлари қошида устахоналар ташкил қилиш ҳақида» махсус қарор қабул қилди. ХК Совети бу масалага такрор-такрор қайтиб, ҳар бир мактаб— болалар уйи қошида ишлаб чиқариш устахоналарини барпо этиб, уларни дастгоҳлар, жиҳозлар, ишлаб-чиқаришни ўргатувчи усталар ва хом ашё билан таъминлашга эришди.

Бунинг исботи учун фақат битта мисол келтираман.

ЎзССР ХКС
206-Р СОНЛИ ФАРМОЙИШИ

Тошкент шаҳри.

1944 йил 19 апрель.

ЎзССР Тўқимачилик Халқ Комиссарлигига Фарғона тўқимачилик комбинатидан Фарғона шаҳридаги болалар уйларининг тўқув-трикотаж устахоналари учун ЎзССР МХКлигига бир тонна калава ип беришга руҳсат этилсин.

Болалар уйларининг тарбияланувчилари темир-терсак йиғадилар (айниқса 6-сонли Тошкент болалар уйининг талабаларидан Уринбек Бойтинбоев, Лида Стрельникова, Зоя Ярулина, Клава Лизуновалар ўрнак кўрсатдилар), доривор гиёҳлар терадилар, қўлқоплар, тамаки халталари тикиб фронтга юборадилар, энг кичкинтойлар эса расмлар чизиб жўнатадилар. 9-сонли Тошкент болалар уйи архивида 1942 йил 27 августда фронтдан келган тумор шаклидаги хат сақланиб қолган, ундаги уч бурчакли тамғада дала почта номери кўрсатилган. Тарихимизнинг бир зарраси бўлиб қолган ўша хат мана:

«Н-чи қисм алоқа ротасининг биз, жангчилари тўрт минг километр узоқда туриб, сизларга қизил аскарлик раҳматини йўллаймиз. Яхши совға учун Сизларга раҳмат. Бизга юборган тамаки халта ва дастрўмоллар чин кўнглингиздан тикилганини ҳис қилаймиз. Бу

совғаларга қаҳрамон Қизил Армияга нисбатан самимий севгингизни жо қилганингиз кўриниб турибди. Бу нарса бизларни ашаддий душманни янада қаттиқроқ савалашга руҳлантиради».

Шу ерда Ғарбий фронтдан, жангчи Шукиндан келган яна битта хат бор.

«Ёқимтой Воважон! Посилканг, хатинг, чизган расминг, Ватанимизга, шонли Қизил Армияга чексиз муҳаббатинг учун — ҳаммаси учун раҳмат. Биз сенга, ёш дўстимиз, душманни шафқатсиз савалашга, Ватанни, сизларнинг бахтиёр болалигингизни қаҳрамонона ҳимоя қилишга ваъда берамиз. Сизлар ҳам, бизнинг дўстларимиз, фашистларни тору мор қилишга ёрдам беряпсизлар. Сизларнинг хатларингиз, расмларингиз, совғаларингиз бизларни янги-янги жасоратларга отлантирмоқда..»

САМАРҚАНДДАГИ 3-СОН БОЛАЛАР УЙИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИГА ТАШАККУРНОМА

Азиз болалар!

3964-сонли эвакогоспитал қўмондонлиги ярадор бемор офицерлар, сержантлар ҳамда қизил аскарлар номидан сизларнинг госпиталимизга эътиборингиз учун, халоскор жангчиларга самимий садоқатингиз ва муҳаббатингиз учун, бизларга кўп қувонч бағишлаган, Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги, сизларнинг бахтли болалигингиз учун, фашист босқинчиларига қарши кураш майдонларида соғлиғини йўқотган одамларни оёққа турғизиб юборган кўп миқдордаги концертларингиз учун қизгин миннатдорчилик изҳор қилади. Сизларга шундоқ яхши тарбия берган мураббийларингизга, раҳбарларингизга катта раҳмат.

Ҳамиша яхшиликка интилинглар, билим эгалланглар, аъло ўқиб, аъло ишланглар!

Улуғ Ватанимизни мустаҳкамланглар! Жаҳонда ундан азизроқ, ундан сеvimлироқ ҳеч нарса йўқ.

Госпиталнинг сиёсий қисм бўйича бошлиғи муовини капитан **Михайлов.**
19.09.45.

Биз бола маънавий дунёсининг шаклланиш жараёнига катталарнинг таъсири муаммоларини қизгин ва фаол, ҳар томонлама муҳокама қиламиз. Биз, бахтга қарши, аксинча алоқани, бизнинг онгимиз ва туйғумизга, бизнинг бутун баркамол шахсимизга болалар ва ўсмирларнинг кескин таъсир кўрсатишига кам эътибор қиламиз.

Майя Баранюк тақдири

Бу Фрида Абрамовна Триерснинг муваффақиятли қидиришларининг сўнггиларидан бири бўлди. Бу деярли детектив воқеага ўхшайди.

Бу ерда гап борадиган тақдир, ўзингиз ҳам кўрасиз — рисоладагидай эмас, айрим жойлари одатдагига қараганда тескари тартиб билан юзага келган.

Кенг Днестрнинг юқорисида Молдавия район марказларидан бири — ям-яшил Бендерада Баранюк оиласи яшарди. Виктор Филиппович — электромеханик, Одесса денгиз кемачилигида кўп йиллар ишлаган. Савдо системасида ўн олти йил хизмат қилган. Майя Петровна жарроҳнинг наштарига уч марта рўпара бўлиб, энди уй бекаси. Улар-

нинг иккита фарзандлари бўлган: ўша пайтларда аскарликда хизмат қилган Олег билан мактаб талабаси Герта. Хонадонда ҳамма нарса маъмурчилик, ўзаро меҳр-оқибат ҳукмрон. Лекин Виктор Филиппов чет эллар томон сузиб узоқ сафарга кетган, ўглидан эса ҳадеганда хат келавермаган пайтларда, Майя Петровнага ҳам-русса хуруж қилар эди. У ўтмишини, ўз болалик йилларини хотирлашга зўр берар, беихтиёр равишда хотирасига яқин кишиларнинг отаси ёки онаси, опасинглиси балки ака-укаси қиёфасини ақалли бир лаҳза, ғира-шира бўлса ҳам майли, ёритиш вазифасини юкларди. Ахир унинг ота-онаси, ака-укаси, опа-синглиси бўлган-ку, бўлган бўлишлари керак. Қаттиқ ўйлаганидан боши оғрий бошларди. Аммо бу уринишлар зое кетарди: хотираси тилга кирмасди, кўзга кўринадиган образлар ўрнида ҳеч нарсани кўриб бўлмайдиган қуюқ туман босиб ётарди.

Майя Петровна, гоҳида, ёлғиз қолган пайтларида, кўзгу олдида туриб олиб, ўз аксига узоқ тикилиб қолар, қора-қўй кўзлари, шарқликларга хос узун, зулукдай қоп-қора, қарғанинг қанотидай қаттиқ сочлари, кенг ёноқ суяги, қулчадан келган мағиздай юзларини томоша қиларди. Йўқ, янглишиш мумкин эмас—гарчи, паспортида «рус» дейилган бўлса ҳам, у, албатта, ўзбек қизи. Ҳатто ўша ерда ёзиб қўйилган Масиба деган исми, турмушга чиққунга қадар қўлланиб келгани отасининг номи—Турсунова деган фамилияси бу фаразни тасдиқлайди. Лекин бу фамилияни паспортини алмаштираётганда ўзи шундай атаган. Ўша пайтда Турсуновами ёки Турсунқулова деб ёздирсаммикин деб узоқ иккиланиб юриб, Турсунова деб ёздирishга қарор берган. Туғилганлиги ҳақида гувоҳномаси Радген болалар уйидаги исми бўйича Луиза Варник, олдинга Масиба Турсунова, ундан кейин Майя Петровна Баранюкка ана шу тариқа айланиб қолган.

Луиза Варникнинг Масиба Турсунова, айна чоқда Майя Петровна Баранюк бўлиши саргузашт романлардаги воқеага ўхшаб кетади. Фақат фарқи шундаки, саргузашт романда киши ўзининг ҳақиқий исмини билмай, буни эслай туриб, ўзгалардан уни яширади, бу ўринда эса, ўзининг ҳақиқий исми билан аталишидан хурсанд бўларди-ю, уни ўзи ҳам билмайдиди-да! Хўш, ўз отангики исмини билмаганидан кейин, қандай қилиб ҳам қариндош-уруғини излайсан? Бундан мушқули бўлмаса керак оламда!

Аммо одамлар туғишганларини, улар орқали ўзларини, ҳақиқий исмларини, йўқотиб қўйган ўтмишларини хотираларида қолган бирон бир белгиси, чизгиси бўйича топиб олишадими-ку, ахир! Бундай дейдиган бўлсак, нимани хотирада сақлаб қолган у?

Болалар кўп эди. Оилалари катта эдими? Еки бу болалар уйда бўлганми? Кейин у касалхонани эслайди. Уч томони ойнаванд хона ёпиқ пешайвон бўлса керак. Қотган нон билан шўрва ичган. Хотирасида «дизентерия» сўзи бир умрга қаттиқ ўрнашиб қолган. У ўша дардга гирифтор бўлган бўлиши керак.

Нотайин ғира-ширада аллақандай бир аёл уни етаклаб боради. У қанақа хотин ўзи? Бу қачон ва қаерда бўлган? Жавоб тополмайсан—умидинг чиппака чиқади. Шундан кейин—болалар уйи, хотираси бўйича, гўдаклар турадиган мактаб ёшигача бўлган болалар уйи. Даставвал кичкинтойлар группасида, кейин ўрта группада бўлган. Демак бу болалар уйда икки йил яшаганман, деб ҳисоблайди Майя Петровна. Бир куни уларни сафга тизиб вокзалга олиб бориб, вагонларга ўтказганлари аниқ эсида қолган. Ўша кечасидаёқ Каттақўрғон станциясига тушишди. Шундан маълум бўладики, улар олиб келинган болалар уйи яқин орада жойлашган. Майя Петровна катта бўлгач, харитага қараб, Каттақўрғонга яқин шаҳар Самарқанд эканлигини белгилади. Агар уларни Самарқанддан олиб келишгани тўғри бўл-

са, у Самарқанд атрофидаги жойлардан бирида туғилган бўлиб чиқади.

Каттақўрғон вокзалида болаларни автобусга ўтқизишди-да, шаҳар орқали яқин орадаги қандайдир қишлоққа олиб келишди. Майя Петровна анча ойлар, балким бир неча йиллар яшаган болалар уйи ўша қишлоқда эди. У бир қаватли бинони, каттакон озода ҳовли, ундаги саёзгина ҳовузни эслайди, юзида болаларнинг, чиройли қилиб таралган боғнинг акси чайқалиб турадиган ўша саёзгина ҳовуз унга шу кунгача аниқ кўринади. У даставвал мактабга ана шу ердан борган.

Кўп нарса эсидан чиқиб, хотирасидан ўчиб кетган, йўқолган. Аммо уруш бўлаётганини, фашистлар ҳужум қилганлигини мана шу ерда Каттақўрғон болалар уйида билган, бунга Майя Петровнанинг ишончи комил. Бу шундай бўлган эди. Олдинига у катталардан бир нималарни эшитди, янги жойга кўчиб ўтгандан кейин, кўп ўтмай, ногаҳон, бирдангина кўп-кўп янги болалар пайдо бўлишди. Ўшанда мураббийлар уларни немислардан қочиб келишди, дейишганди.

Майя Петровна (ўша пайтда гарчи у ўн ёшга тўлмаган бўлса ҳам, лекин шунга қарамай, мен уни худди шундай деб аташга мажбурман, чунки ўша пайтда исми нималигини ўзи ҳам қатъий айтолмас керак) янги келган қизлардан биттаси билан қалин ўртоқ бўлиб қолди, унга чексиз ихлос қўйди. У қизнинг отасининг исмини Майя Петровна бугунги кунда, албатта эслаёлмайди. Лекин назарида у қиз ундан катта, бўйи ҳам баланд эди, урушга қадар Бессарабияда яшаганини айтганди. Дугонаси Майя Петровнага нотаниш аллақандай мунгли, узун қўшиқни жуда ҳазин айтар, уйини, у ерда қолган онасини қўмсарди. Бундай пайтларда кичкина Майянинг юраги сиқилар ва зирқираб кетарди—ўша пайтлар кўз ўнгидан сираям нари кетмайдиган уйига онаси, отаси ҳузурига жуда ҳам қайтиб кетгиси келиб кетарди. Қоронғи тушиши билан, кўпчиликнинг кўзидан холи жойда қизалоқлар аллавақтгача сирлашиб ўтирадиган бўлиб қолишди. Бир куни уйларини, оналарини излаб топишга, болалар уйдан қочиб кетишга қарор қилишди. Уларнинг уйлари дунёнинг турли томонидалиги, биттасининг уйи ҳозир душман қўлида, бошқасининг қаердалиги номаълум эканлиги уларнинг парвойига ҳам келмади, қарорларига монелик қилолмади, оқибат натижада ҳар бири ўз йўлига кетиши ҳақидаги қўрқинчли ва кишини ҳуркитадиган фикр ҳам уларни йўлдан қайтаролмади. Йўқ, фақат биргаликда, фақат ажралиб кетмай излашади!

Шундай аҳдлашиб олиб, улар тушликда ва кечки овқатга берилган нонларни емай, қўлтиқларига яширишди, қоронғи тушиши билан болалар уйдан қочиб чиқиб кетишди.

Фашистларнинг ҳаммасини йўқ қилиш учун фронтга кетган, ўлик-тириги номаълум ота-оңаларини излаб болалар уйдан қочиб кетиш ҳоллари ўша пайтда тез-тез содир бўлиб турар, бундай қочишлар одатда вокзал перронида, нари борса Тошкентда, Арисда, Оқтепадаёқ тугарди. Одат бўйича ўғил болалар қочишарди, ана шу вазият икки дугонанинг жонига оро кирган, станциялардаги дозорчиларнинг диққатини улардан чалғитган бўлиши мумкин. Уларга яна шу нарса ёрдам берганки, болалари билан Сталинградга қайтиб кетаётган қандайдир кўнгли бўш хола бечора етимчаларга раҳми келиб, улар вагонга кириб келишлари билан оқ қаноти остига олган. Ҳар қалай қизалоқлар Тошкентдан ҳам, Оқтепадан ҳам, ҳатто Саратовдан ҳам ҳеч қандай тўсиққа учрамай ўтиб кетганлар. Кейин нима бўлганини Майя Петровна яхши эслолмайди. Филдираклар тобора қаттиқ тарақлайди ва бу сурункали, охири йўқ тақир-туқур чаккасига тегиб, қулоқни кар қилади, онгу фикрини хиралаштиради. Аллақандай соялар сузиб ўтади.

Улар бир-бири билан зичлашиб, чидаб бўлмайдиган кўрқинч ва зил юк бўлиб, кўкрагини эзади. Қани энди тонг ота қолса! Аммо туннинг охири кўринмасди. Дугонаси қаёққадир ғойиб бўлди. Раҳмдил хола болалари билан йўқолиб қолди. У бутун йўл давомида уни едириб-ичириб, ҳар қандай бало-қазодан эҳтиётлаб келган эди. Назарида баҳайбат бир одамнинг ниначиникидай ирғиб чиққан шиша кўзли бадбашараси даҳшат солиб намоён бўлдию, у, чамаси додлаб юборди ва ўша заҳоти тубсиз жаҳаннамга учиб кетди.

Бу нима—дизентериями ё терлама эдими—Майя Петровна ҳозир бир нима дейишга қийналади. У қасалхонага тушиб қолганини ҳам, у ерда қанча вақт ётганини ҳам билмайди. Палатада ҳушига келгач, беморлар ва ярадорлардан (бу ерда шундайлар ҳам бор, бунақалар ҳатто кўп эди) Борисоглебскда эканлигини билиб олди. Дугонаси ҳақида, у қаерга ғойиб бўлганлиги ҳақида ҳеч ким ҳеч нима деёлмади.

Кечаси у шовқин-сурон ва қаттиқ гумбурлашдан уйғониб кетди. Даставвал қизалоқнинг назарида гўё яна ўша қоронғи вагонга тушиб қолгану, ҳушини йўқотаётгандек туюлди. Кимдир унинг қўлидан маҳкам ушлаб, «Қочайлик! Ҳозир бомбардимон қилишади!»—деб қичқирди-да, етаклаб кетди.

Қасалхона ҳовлисидан қазилган траншеядан Майя прожекторнинг қоронғи осмонни титкилаётган нурини, юлдузлар томон олов из қолдириб учаётган ёнар снаряд ҳамда ўқларни, тун қаърида ҳар ер, ҳар ерда қип-қизил олов лоп этиб ёнишини кўриб турарди. Узоқроқда—ўша топда ёнгинасида туюлганди—оғир бомба портлади. Кўрқиб кетганидан ўзини унутиб, у траншеядан чиқиб кетди, орқа-олдига қарамай қочиб қолди.

— Қаёққа?.. Қайт!.. Нобуд бўласан ахир, мияси йўқ!..

Лекин у бу даҳшатдан нарироққа бориб олиш, уни кўрмаслик, уни эшитмаслик учун орқасига қарамай чопаверди.

У энди қасалхонага қайтмади. Эрта билан арава ҳайдаб бораётган қандайдир бир мужик уни дарё ёқалаб кетган катта йўл четида кўриб қолди.

— Кимнинг қизисан? Қаердан бўласан?—деб сўради у ҳамдардлик билан.

— Ҳеч кимнинг. Қасалхонадан.

— Бўлмаса қайси томонга кетаяпсан?

— Билмайман.

— Уйинг қаерда?

— Уйим йўқ, қочиб кетганман.

Мужик бир нафас ўйланиб қолди, кейин буюрди:

— Қани, чиқ менинг тоғорамга. Одамларнинг олдига олиб бориб қўяман.

Йўлда у ҳамма нарсани сўраб, бошдан-оёқ суриштириб билиб олди, тушга бориб эса, болалар уйига олиб келди-да, ташлаб кетди. Майя кейин билишича бу ер Поворина экан.

У ерда қанча турганини аниқлаш мумкин бўлмади, ҳеч қанақа белги қолмаган эди. Кунлардан бир кун уни мураббий чақириб олди-да, директор хонасида турган ҳарбий кишини, унинг ёнидаги чиройли аёлни кўрсатиб, очиқ юзлилик билан деди:

— Маъна сенинг отанг билан онанг. Сени олиб кетгани келишди.

У ишонмади. Бегона амаки ва холалар болалар уйдан бола олиб, ўғил ёки қиз қилиб олиб кетишаётганини кўп эшитганди, аммо белига тўшпонча тақиб олган шинелли кишига, рўпарасида чўнқайиб ўтирган аёлга қараб, уларнинг гаплари ёлғонлигини юзларига солиб ўтирмади. Кўнди, уларга борди. У шу йўсинда Луизага, фамилияси эса, Варникка айланиб қолди...

Майя Петровна Миша — дадаси унга жуда ҳам меҳрибонлигини, Ира ойиси папалаб боққанини, алланимага зўр бериб ўргатганини эсида сақлаб қолган. Дадаси ҳам, ойиси ҳам, унинг хотирлашича, врач эдилар, госпиталда ишлашарди. Аммо жуда тез орада Миша дадаси қаёққадир ғойиб бўлиб кетди—эрталаб ҳам, кечкурун ҳам кўринмади. Майя Петровнанинг энди тахмин қилишича уни бошқа госпиталга, дала госпиталига ўтказишган экан. У шундай деб ўйлайди, чунки бирмунча вақтдан сўнг Ира ойиси эрининг оғир ярадор бўлганлиги, ундан кейин эса ўлганлиги тўғрисида хат олади. Луиза онаси дод солиб йиғлай-йиғлай тўсатдан қариб қолганлигини кўрган, битта одамга энди у фронт орқа томонида қололмаслигини, бу мумкин эмаслигини айтгани ва ўзини Миша ҳалок бўлган жойга юборишларини сўрагани унинг эсида. Луизани Иранинг ўзи олиб бориб, Воронежга яқин Радген районидаги болалар уйига топширади. Урушдан сўнг қайтиб келиб, уни болалар уйдан олиб кетишга ваъда беради, лекин Луизага уни қайта кўриш ҳеч nasib бўлмади.

Бу болалар уйида Майя Петровна ўн олти ёшга киргунча яшади, саккизинчи синфни тугаллади. Унинг ҳеч қанақа ҳужжати йўқлиги учун бутун ёзув-чизувлар уни етаклаб келган Ира ойисининг гапига қараб битилди, паспорт оладиган пайти келганида, унга шундай деб қайд қилишди: Варник Луиза Михайловна, туғилган жойи — Самарқанд, туғилган йили — 1936-нчи. Гарчи унча ишонмаса ҳам, Самарқандни унинг ўзи айтди. Туғилган йилига келсак, бу медекспертизанинг хулосаси.

1952 йилда Луиза бошқа тенгдош дугоналари билан Батумига ишга йўлланди. Чой плантациясида кўп йиллар меҳнат қилди. Балогатга етгач, ўзининг исмини тиклашга қарор берди ва навбатдаги паспорт алмашувда Масиба Петровна Турсунова деб аталди. Ҳолбуки, бу гал ҳам туғилган пайтида худди шундай деб аталганига имони комил эмасди. Ўзбекларда Масиба деган ном йўқ, балки Насиба деган исм борлигини у билмасди.

Майя Петровна Батумида ишлаб юрган пайтида кечки мактабни тугаллаб, аттестат олди, Севастополдаги кемасозлик институтига кирди. Учинчи курсдалигида, ўша пайтда денгизда сузиш билим юртини битиргач Викторга турмушга чиқди. Орадан кўп ўтмай, аёллар учун одатдаги сабабларга кўра, ўқишни ташлашига, бунинг устига эса янги жойга — Бендерага кўчиб ўтишига тўғри келади...

Баъзи пайтларда Майя Петровнанинг тушида унинг хотирасига аллақандай ғайрирусча сўзлар, бутун бир иборалар уфуриб кириди, улар оҳангида унга болаликдан таниш, қалбига яқин нимадир жараңлайди. Уларнинг мағизини эса чақолмайди. Шундай пайтларда уйғониб кетиб, ўтмишини топиб олиш, уни қайтариш учун яна қаерга учрашиш, яна қандай эшикларни қоқиш устида бош қотиради. Бундай ҳол унда жуда кўп содир бўлиб туради.

Хотинининг ич-этини еяётганини кўриб, Виктор Филиппович баъзан унга таскин беради.

— Қўй, энди ўтган йилдаги қорни излама! Ундан сенга нима наф? Хўш, сен рус эмаслигингни, балки ўзбеклигинг ҳақ эканлигини билиб олдинг, Самарада эмас, Самарқандда туғилгансан—нима қипти? Бунинг нима фарқи бор? Нима ўзгаради? Етар, бас қил! Бунақада ўзингни ўзинг еб қўясан, сенга қарашга бизнинг ҳам юрагимиз зириллайдиган бўлиб қолибди.

Лекин бу, умуман олганда, албатта, оқилона ҳамда самимий насихатларга қарамай, Майя Петровна ёзаверди, ёзаверди—милицияга, Қизил Крестга, газеталарнинг редакцияларига ва радиога ёзди. Йўқ, топилмади, иложи бўлмади, деган бир хил жавоб олди. Бир куни у

марказий газетани кўриб ўтириб, бир вақтлари ўзи олиб юрган фамилияга М. Турсунов, Министрлар Совети Раиси ўринбосари, Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар министри — дуч келиб қолди. Андишани бир ёққа йиғштириб қўйиб, қизгин умид билан унга ёзди:

«...Сизга нотаниш Турсунова-Баранюк мурожаат қиляпти: менга туғишганларимни, қариндош-уруғларимни топишда ёрдам қилишингизни сўрайман... Чунки, мен ҳам Турсуноваман (ҳар ҳолда, менга шундай туюлади), Сизга савол беришга қарор бердим: Урушга қадар гўдагини йўқотиб қўйган, балким бирон бир жиддий сабабга кўра, Самарқанд ёки унинг яқинидаги болалар уйига топширган Турсуновалардан кимни биласиз?

Шундан кейин бу мактубда ўзининг одатдан ташқари тақдири ҳақида нимашики эсида қолган бўлса ҳаммасини муфассал ҳикоя қилди.

Йўқ, М. Турсунов бундай фамилияларни билмасди. Лекин мактубни эътиборсиз қолдирмади, ундан кўчирилган нусхаларини «арзномачи» аёлга ёрдам беришларини сўраб Ички ишлар министрлигига, ЎзССР Маориф министрлигига, Республика Қизил Яримой жамиятининг Марказий Комитетига юборди: Бу 1971 йил февраль ойида бўлган эди. Майга бориб барча қидирувлар тугалланди.

**ЎзССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ИШЛАР
БОШҚАРМАСИГА**

Сизнинг 9 (II—1971 й, 15—7—5 сонли) Турсунова — Баранюк Масибанинг қариндошларини қидириб топиш юзасидан ёзган хатингизга кўра ЎзССР Маориф министрлиги Самарқанд область маориф бўлимининг ҳамда Каттақўрғон район маориф ва шаҳар маорифи бўлиmlарига Турсунова Масиба болалар уйларида қайси бирида тарбияланганини белгилаш юзасидан архив материалларини текшириш вазифасини топширди.

Самарқанд область маориф бўлими юқорида кўрсатилган район, шаҳар маориф бўлиmlари Турсунова Масиба дастлабки рўйхатларнинг ҳеч қайси бирида қайд қилинмаган, шунинг учун унинг қариндошларини излаб топишнинг иложи йўқ, деб хабар қилишди.

ЎзССР Маориф министрининг биринчи ўринбосари **С. Романов**.

ЎзССР Ички ишлар министрлиги ва Қизил Яримой жамияти Марказий Комитетидан ҳам худди шунга ўхшаш мазмунда жавоб олди. Шу билан бутун қидирув имкониятлари тугагандай, Майя Петровнанинг туғилишидаги сир ва дастлабки ҳаёти устидаги парда энди ҳеч қачон очилмайдигандай эди. Шу охириги лаҳзада, ишни ёпиб, архивга топшириш онда, кимдир жамоатчи аёлларнинг Тошкент комиссиясини, республика Маориф Халқ Комиссарлигининг собиқ ходимларини, уруш йилларида болаликни асраб қолиш хизматини ташкил қилган кишиларни эслаб қолди. Хат билан Фрида Абрамовна Триерсни таништиришди.

У нимадан бошласин? Нимадан бўларди, ҳалиги, ўша—Самарқанд ва Каттақўрғон болалар уйлариининг рўйхатидадан-да, албатта. Лекин орадан ўттиз йил ўтгандан кейин бу рўйхатни топишнинг ўзи бўлармиди? 1942 йилнинг январь ойида Самарқанд областида 20 та болалар уйи бўлиб, улар орасида Никополдан, Ворошиловграддан, Тула, Ростовдан кўчириб келтирилган иккита болалар уйи, Москвадан кўчиб келган испан болалар уйи ҳам бор эди. Лекин на чора, қидириш керак.

Мактабгача ёшдаги болалар уйлари тарбияланувчиларини яқин ўртадаги, Каттақўрғон мактаб болалар уйига кўчиришнинг маънисини нима эканлигини уруш йилларида республика Маориф Халқ Комис-

сарлиги болалар уйлари Бошқармасида ишлаган Фрида Абрамовна осонгина билиб олган эди: Белоруссия, Украина, Россия Федерациясининг ғарбий областларидан оқиб келаётган якка ёлғиз ҳамда бутун болалар уйларининг тарбияланувчиларига жой бўшатиладди. У пайтда Каттақўрғонда иккита болалар уйи бўлиб, биринчи сонлиги Советская кўчасидаги 3-уйда, директори Клавдия Федотовна Телевная, иккинчи сонлиги Қумқўрғон қишлоқ советида, директори Екатерина Петровна Ставецкая эди. Масиба Турсунова булардан қайси бирида бўлган экан? Иккинчисида дейишга асос кўпроқ — Майя Петровна уларни болалар уйига шаҳар орқали қандайдир қишлоққа олиб боришганини ёзади-да, ахир. Қумқўрғон афтидан, Каттақўрғон яқинидаги ўша қишлоқ бўлса керак. Энди ишнинг энг қийини қолганди — уруш давридаги бу болалар уйининг тарбияланувчилари рўйхатини излаб топиш керак эди.

Рўйхатлар Маориф Министрлиги архивида ҳам, область архивида ҳам, ЎзССР Республика Марказий архивида ҳам йўқ эди. Зотан бу расмий қидирув натижаларидан (тўғрироғи, бу натижанинг йўқлигидан) ҳам маълум эди. Шу пайт Фрида Абрамовнанинг бошига бир яхши фикр келди: ахир 1942 йил 9 майдан (ҳар қалай, республика Маориф Халқ Комиссарлигининг буйруқлар дафтаридан шундай) бу болалар уйида Наталья Павловна Крафт, ўша сиз танийдиган, 1941 йилнинг октябрида Тошкент вокзалидаги Марказий Болалар эвакуационининг ташкилотчиси ва биринчи бошлиғи Наталья Павловна директор бўлган эди. Наталья Павловнанинг олдида зудлик билан бориш керак.

Мана уларнинг титраётган бетоқат қўлларида ўша илвираб қолган, замон ўтиши билан ранги ўнгиган мактаб дафтарлари саҳифаларига ёзилган «Самарқанд областидаги 2-сон Каттақўрғон болалар уйида тарбияланувчиларнинг 1942 йил 25 мартдаги ҳолати бўйича рўйхати».

Бобелев Александр Степанович — 1930 йилда туғилган, рус воронежлик... Кофман Люба — 1928-йилда туғилган, яҳудий, Руминиядан, бухарестлик... Любимова София — 1931 йилда туғилган, рус — туғилган жойи номаълум... Мана ниҳоят: 46-номер, Турсунова Насиба 1933 йилда туғилган, ўзбек, Самарқандда туғилган, мазкур болалар уйига Самарқанддаги биринчи сон мактабгача ёшдаги болалар уйидан келган, у ерда 1939 йилдан бошлаб тарбияланган.

Бу пайт Фрида Абрамовна билан Наталья Павловна қай ҳолатга тушганини тасвирлаб ўтирмайман, ўзингиз тасаввур қиласиз. Улар бу рўйхатни у ёққа айлантириб, бу ёққа айлантириб томоша қилишарди, бу кекса аёллар ўйнаб юборай-ўйнаб юборай дердилар. Лекин, умуман, севинишга ҳали эрта, бу ҳали шунчаки бошланиши эди.

Улар ўзларини обдан босиб олиб, бу топилма уларга нима берганини мақсадга — Насиба Турсунованинг яқинлари ёки қариндош-уруғларини қидириб топишга қанчалик яқинлаштирганини сарторози қила бошлашди. Лекин бундоқ ўйлаб қараганларида кўп нарса бермайди. Хусусан, бу рўйхат чиндан ҳам қизалоқ урушга қадар ким томонидандир Самарқанддаги мактабгача ёшдаги болалар уйига топширилган, кейин эса 1941 йилнинг охирларидаги ёки 42-йилнинг дастлабки ойларида Каттақўрғонга ўтказилган. Майя Петровнанинг ўзбек оиласидан чиққанлиги ва бу оила ё Самарқанднинг ўзида ёнги унинг атрофида яшаганлигини тасдиқларди. Медэкспертизанинг Майя Петровнанинг ёши ҳақидаги хулосасига тузатиш киритарди. Буларнинг хатини олиши билан у бирданига уч ёш каттариб қоларди. Бунақа кутилмаган яхшиликдан аёл киши қанчалик севинди дейсиз? Агар у анчадан бери орзиқиб кутаётгани яхши хабарни олса ҳам майли эди-я, бирдан уч ёшга катта бўлиб қолганини эламасди. Лекин

хабар беришлари лозим бўлган бошқа энг муҳим нарсадан дарак йўқ эди ҳали. Арзимаган нарсага кишини безовта қилишнинг нима кераги бор? Бендерага ҳозирча хат ёзмасликка қарор беришди. Айни чоқда Самарқанд область газетасига мурожаат этиб, Баранюкнинг мактуби, маълумотларининг мазмунидан келиб чиқиб, мақолами, очеркми уюштиришларини илтимос қилишга келишиб олишди. Бирон биттаси жавоб берса зора деб умид қилишганди...

Марди Нуриддиновнинг «Олисдаги юлдуз ёғдуси» очерки «Ленин йўли» газетасининг 1972 йил 26—27 октябрь сонларида эълон қилинди. «Ленинский путь» газетасида «Йиллар ўтиб...» деган редакцион материал 3 ноябрда чоп этилди.

Уша жуниёқ редакцияда телефон қўнғироғи янгради — Каромат Самадовна Турсунова қўнғироқ қиларди.

Бу қўнғироқ ҳақида, Самарқанд область Иштихон районидаги «Иттифоқ» колхози раиси Каромат Самадовна Турсунова бендералик Майя Баранюк Масиба Турсуновани ўзининг туғишган синглиси гумон қилаётганлиги ҳақида дарҳол Фрида Абрамовнага хабар қилишди. Олдинига зудлик билан почтага бориб, Молдавияга: онангизни топдик, келин деб телеграмма бермоқчи бўлди. Бироқ Майя Петровна ҳам, Каромат Самадовнани ҳам ўкситиб қўймасликнинг эҳтиётини қилиб, олдинига обдан текшириб, солиштириб, тўғрилигига қатъий ишонгачина, бир-бирини йўқотиб қўйган опа-сингилларни учраштиришга қарор берди. Масиба Турсунова болалиги ҳақида нималар эсида қолгани Фрида Абрамовнага маълум эди. Энди опаси нимани эслашига—буни си кўп нарсани билиши керак, ҳар нима қилганда ҳам ёши ундан катта—солиштириб кўриш керак. Шундай қилиб, Бендерага карнай-сурнайли телеграмма ўрнига ишга оид хат жўнаб кетди:

Хурматли Масиба Петровна!

Марҳамат қилиб, қуйидаги қўшимча саволларга жавоб берсангиз: Болалар уйига тушгунингизга қадар болалигингиздан хотирангизда бирон нима сақланиб қолганми? Туғишганларингиздан бирон биттаси — опа-синглингиз, ака-укангиз, ота-онангизни эслайсизми? Ота-она уйидаги турмушдан қандайдир кўриниш, воқеа, фактлар кўнглингизнинг бир чеккасида сақланиб қолган бўлиши мумкин. Болалигингизда «Масибадан» бошқа исмингиз бўлганми? Сиз болалар уйига қай тарзда топширилгансиз (бу ҳақда, илтимос, муфассалроқ ёзсангиз), битта ўзингизми ёки опа-сингил ёки ака-укалардан биронтаси билан биргами?

Барча ёшдаги фотосуратингизни, айниқса болаликдагисини зудлик билан юборинг.

Ҳозирча Сизга ҳеч нарсани ваъда қилолмаймиз, лекин ёрдам беришга уриниб кўрамыз:

Ф. ТРИЕРС.

Хат Бендерага учиб кетди, Фрида Абрамовнанинг ўзи эса, бетоблигига, кексайиб қолганига қарамай, поездга ўтириб, катта Турсунова билан шахсан учрашиш учун Самарқандга йўл олди.

Каромат Самадовнадан мана шу ҳикояни эшитди.

У Самарқандга яқин Зарбанд қишлоғида 1927 йилда туғилди. Оилалари ниҳоятда қашшоқ бўлган, нима еб, нима ичиб кун кўришганини бизнинг замонамизда тасаввур қилиб бўлмайди. Отаси, одамларнинг гапи, уйдагиларнинг айтганига қараганда, бутун ёшлигини маҳаллий бойнинг эшигида қароллик билан ўтказган. У қаёққа юборса — борган,

нима иш буюрса—уддалаган: ер ҳайдаган, дурадгорлик қилган, ариқ қазиган, хўжайиннинг қовунини бозорга ташиган, сурувларни ўтлоқдан нариги томонларга ҳайдаган, бойнинг иморати қурилишида лой қорган — хуллас, ҳозиргичасига айтилганда, қўли гул мутахассис бўлган. Лекин унинг шунча қилган иши учун бой тўлаган ҳақ оиласининг чап ичагига ҳам юқ бўлмаган, эгнини ҳам бутламаган. Шунинг учун ҳам ўша ерда колхоз тузилганда, Турсун биринчи бўлиб артелга ёзилади. Унинг бу иши учун бой ҳам, унинг ҳамтовоқлари ҳам кечирмайдилар.

Уйда рўзғор олдингига қараганда бирмунча енгил кўчди — буғдой, гуруч пайдо бўлди, ҳар жума оқшом кун, қадимдан қолган одатга кўра ош дамланадиган бўлди. Шу пайт Кароматнинг иниси Абдураҳмон 33-йилда эса синглиси Саломат дунёга келди.

Бир кун, бу 37-йилда бўлганди, саратон палласида туш пайтида отаси келди, картошка олиб келди. Қайнатиб пишириб ейишди. Кейин гўдаклар билан бирпас ўйнади, хотинига, битта одам билан қудуқ тозаллагани кетаётганини айтди-да, ўрнидан турди. У қудуқни Каромат илгаридан биларди—чуқур ва қоп-қоронғи эди. Уғил болалар у ерда ажиналар болалаб ётибди, кечалари қудуқдан чиқиб келишади, кимки у ерга яқин борса, шаппа ушлаб, қудуққа тортиб кетишади, деб қўрқитишарди. Кечаси қаёқда, Каромат куппа-кундуз кун четидан айланиб ўтди, отаси унинг ичига тушишини ўйлаганда, юраги орқага тортиб кетди.

Кун ботса ҳам отаси қайтмади, онаси гўдакларни ухлатганда ҳам ундан дарак бўлмади. Каромат уйга кирмай, отасини ташқарида саранг бўлиб кутиб ўтирарди.

Ҳаракатсиз ва ғуборли, тандирдай қизиган осмон сатҳидан хира ой мўралайди. Атроф кимсасиз ва жимжит. Фақат ҳар замонда қулоқни кар қиладиган овоз билан эшак ҳанграб қўяди. Худди ер остидан чиққандек туя минган одамнинг қора кўланкаси пайдо бўлди. Каромат чўчиб кетиб жим бўлиб қолди. Бирон шум хабарни билгандек юраги алланечук шувиллаб кетди, танасидан совуқ бир нима ўригандек эти сесканди. Туя минган одам нарида тўхтаб, ҳирилдоқ овози билан қичқирди:

— Қизим, ҳей Турсуннинг қизимисан? Ойингни чақир!.. Бўлақол тезроқ!..

Лекин ойисини чақиришга ҳожат қолмади: бошига нимчасини ташлаб, юзини бекитиб у кўча эшикни қия очди, қўрқувдан қўлларини кўксига босди. Шунда Каромат бутун вужудини ларзага келтирган, бир умр эсида сақлаб қоладиган иборани эшитди.

— Эринг... Турсун ака қудуққа йиқилиб тушди...

Навбатдаги кун воқеаларини Каромат худди лойқа сув ичидан кўргандек хотирлайди. Кимдир қаттиқ ўкириб, юз-кўзига тупроқ сочиб йиғлади. Аллақандай кишилар уларнинг ҳовлиларида тўпланишди. Кимдир тобутни олиб келиб девор тагига қўйди, қозиқларини қоқиб, маллабўз тортиб қўйишди.

Фақат уч кун дегандагина отасининг пачағи чиқиб эзилиб кетган жасадини қудуқдан тортиб чиқаришди. Каромат уни танимади.

Эркаклар тобутни елкаларида кўтариб, ҳовлидан олиб чиқиб кетганларида, уларнинг орқасидан қабристонга кетаётган эди, уни елкасидан ушлаб, уйга қайтаришди: аёллар қабристонга бормасликлари керак, шариатга тўғри келмайди, дейишди.

Кўп йиллардан кейин Каромат қудуқни тозалаш пайтида отаси қандай ҳалок бўлганини билишга уринди. Бировлар, фалокат босиб арқон узилиб кетди-да, у қудуққа йиқилиб ўлди, деди. Бошқалар арқон ўз-ўзидан узилиб кетмаганини, пичоқ билан кесиб қўйилганини шама

қилишди. Колхоз тузилган пайтда Турсун биринчи бўлиб ёзилгандан аччиқланган бойнинг малайлари унга, охири яхшилик бўлмайди, бунинг учун худо жазонини бермаса, ўзимиз берамиз деб пўписа қилишганини эслашди. Бу ҳақиқатми, қуруқ гапми — шунча йил ўтиб кетгандан кейин қаёқдан ҳам билиб бўларди! Бунинг устига Турсун билан қудуқ тозаллагани бирга борган қария арқоннинг бир учини ушлаб турган эди, унинг ўлиб кетганига анча бўлган. Энди кимдан сўрайсан?

Оталари ўлгандан кейин уларнинг оиласи узоқ қариндошлари Мавлоннинг уйига кўчиб борди. Лекин бу ерда кўп туришмади: бир неча ойдан кейин бирдан, худди чалгида чалгандек, ўлим кичкина укасини чалиб кетди. Онаси бу янги мусибатни кўтаролмади, кузга бориб уни ҳам ўлим отаси кўмилган қишлоқ қабристонига олиб кетди. Ун яшар Каромат билан тўрт ёшли Саломат ёлғиз қолди.

Етимлик қисмати аччиқ. Уларни гоҳ биттаси бағрига олди, қоринларини тўйдирди, гоҳ сарф-харажатга чидолмади. Ўзининг бир этак боласи турганда бегонани боқишнинг ўзи бўладими?!

— Бошқа ерга бординлар,— дейишди. Даствлабк уч ой ичида қизалоқларнинг бормаган қавм-қариндошлари, қўни-қўшнилари қолмади. Бугун бу уйда тунашса, эртасида бошқасида ётиб турган пайтлар ҳам бўлди. Охирида самоварчи раҳми келиб чойхонага киритади, қоринларини тўйғизади. Самоварда уч-тўрт кун туришади. Кейин битта тушунган яхши амаки Митанга олиб кетади, Митандан уларни қуруқ гўзапоя ортилган машинада Каттақўрғонга олиб боришади, у ердан эса юк вағонида Самарқандга жўнатиб юборишади.

Каромат улар қандай қилиб болалар қабулхонасига бориб қолганларини аниқ эслайди. Бир ҳафтадан кейин уларни Карманага олиб боришди, лекин Кармана болалар уйи уларни қабул қилмади, чунки улар талаб қилган метрика ҳам, белгиланган справка ҳам, форма бўйича йўлланма ҳам буларда йўқ эди. Қайтиб кетишга тўғри келди. Яна болалар қабулхонасига боришди.

Каромат хонама-хона сандироқлаб зерикди ва ҳиқиллаб йиғлашга тушди. Унинг ҳозиргина тўппа-тўғри вокзалдан келибоқ, изоляторга қўйишган сингисини олдига киргисини келарди. Сингисининг аҳволи эса соат сайин ёмонлашарди. Ниҳоят усти қора брезент билан ёпилган бричка аравада битта киши уни олиб кетгани келди. Кароматни сингисини билан хайрлашиб олиши учун олдига чақирди, касалхонага олиб кетишяпти, деди.

Саломатни олиб кетишди, тезда каттасини ҳам олиб кетиш учун келишди.

— Менга росаям дардисар бўлдиларинг-да, сен васиқаси йўқлар! Зўрға кўндирдим. Ҳа, майли, энди иш битди. Бешинчи болалар уйида бўласан. Қани отлан, сени олиб бориб топшириб кетаман,— деди остонадан жавраб кирган ёноқлари қип-қизил аёл. Уни Каромат таниб қолганди, она-сингилни Карманага у олиб бориб, қайтариб олиб келганди.

— Бормайман, Саломат бормаса, бормайман!— деб оёқ тираб туриб олди опаси.

— Сал тузалиб, оёққа туриб кетди дегунча сен билан бирга туради, ўша болалар уйига юборишга ваъда беришди.

Аёл, бошидан тивит рўмолини олди, у билан Кароматни ўраб-чирмади-да, қўлидан етаклади.

Болалар уйда қизалоқни узоқ сўроққа тутишди: ким у, қаерлик, қаерда тугилган, ҳозиргача қаерда яшаган, ота-онасига нима бўлган — ҳисобот карточқасини тўлдиришди.

Кейин, катта бўлганида, Каромат уни кўрди: бўйи — 105 сантиметр, бурни — тўғри, кўзлари — қўйкўз, сочлари — қора. Ана ўша карточка-

дан синглиси билан ажралишган кунни билиб олди. Бу 1939 йилнинг 19 декабрида бўлган эди.

Каромат Саломатни бугун олиб келишади, ҳозир дарвоза очилади-ю, Саломат кириб келади деб қанча вақт кутди. Лекин кунлар, ҳафталар ўтар, дарвоза неча бор очилиб, неча бор ёпилар, аммо синглисидан ҳамон дарак йўқ эди. Каромат, худди бир нарчасини олдирган одамдай, маъносиз юрар, лекин синглиси ҳақида гапиришга, сўраб-суриштиришга одам тополмасди. Биринчидан, бу ердагилардан ҳеч қайси бири унинг синглиси Саломатни ҳам, у касалхонада эканлигини ҳам билмасди, шунинг учун ҳам ҳалига қадар касал ётибди-ми ёки тузалиб кетганми беҳабар эди. Иккинчидан эса, Кароматнинг ўзи ҳам болалар уйдагиларнинг ҳеч қайсисини ҳали танимасди, қишлоқи, ёввойироқ бу қизалоқ бирон кимсанинг олдига бориб, ундан гап сўрашга, илтимос қилишга ҳеч ботинолмасди. Ҳаммадан олдин ёш йигит Борис Фузайлов—болалар уйининг бош пионервожатийси—унинг ишончини қозонди, у ўз қўл остидагиларнинг кўнглини, айниқса яқинда келганларнинг кўнглини билар эди. Тез орада Самарқанддаги Бешинчи болалар уйининг директори бўлиб қолган Борис Фузайлов, Борис Насимович Кароматнинг тақдирига ўзининг самарали таъсирини кўрсатиш, ҳомийлик қилиш ва тарбиялаш, комсомол сафига қабул қилиб, олий ўқув юртига киришига қаттиқ тайёрлашни кўнглига тугиб олганди. Ушанда аллақандай болалар туйғуси билан ундаги олижаноблик, очиқ кўнгиллик, исталган дақиқада ҳам сўзи билан, ҳам иши билан гўдакларга ёрдам беришга тайёрлигини туйиб, Каромат директорга мурожаат этишга қарор берди. У Кароматнинг гапини жиддий қулоқ бериб, ҳамдардлик билан тинглади, катта ёшдаги болалардан биттасини чақириб, Кароматни болалар қабулхонасига бошлаб боришни буюрди. Нега касалхонага эмас? Шунинг учунки, маълум бўлишича Каромат Саломатни булардан қайси бирига олиб кетишганини билмас, кўрмаганди ва умуман, соддадиллик билан бутун Самарқанд бўйича битта касалхона бор, деб ўйларди.

Болалар қабулхонасида уларни Нур Нурович деган киши қарши олди— Кароматнинг ўзи шундай хотирлайди. У қоғозларни титкилади, яхши хабар айтадигандек лабининг таноби қочиб, илжайди:

— Сенинг синглинг соғ-саломат. Касалхонадан мактабгача ёшдаги болалар уйига юборилган, қайси бирига эканлиги ёзилмаган. Сен хавотир бўлма—топамиз!— деди.

Каромат тинчланди. Болалар уйдаги, мактабдаги ҳаёт, янги ўртоқлар ва янги таассуротлар — буларнинг барчаси қизалоқни шунчалик жалб қилиб олдики, синглисининг соғ-саломат, шу яқин ерда ўйнаб-кулиб юрганлигидан кўнгли тўқ бўлганлиги учун уни излаб топиб олишга қаттиқ хафсала қилмас, бунга ҳеч фурсат тополмасди. Кароматни айбситманглар, ўша пайтда у энди ўн бир ёшга кирган эди.

Унинг кўнглига ваҳима тушиб, безовталаниб қолди, уларнинг гуруҳларида уруш авж олган жойлардан келган дастлабки болалар пайдо бўлганида, у болалар уйлари бўйлаб олиб-югурди. Ўзини у ёқ-бу ёққа урди, излашга тушди, лекин кечикканди: Самарқанддаги мактабгача ёшдаги болалар уйининг ҳеч қайси бирида Саломат йўқ эди. Биринчи сон болалар уйдан кимдир унга, Каттақўрғондан қидириш кераклигини—яқинда мактаб ёшига етган бутун бир гуруҳ болани ўша ёққа жўнатишганини айтди.

Каттақўрғондалиги эсида, лекин у ерга фақат урушдан кейин боролди. У ердан синглисини тополмади.

Каромат мактабни тугатди, Самарқанд Давлат Университетининг студенти бўлди. Кейин кўп йиллар мактабда ўзбек тили ва адабиётидан дарс берди. Турмушга чиқди.

50-йилларда Коммунистик партия аъзоси сифатида уни қишлоққа юборишди, бу ерда, Иштихон районида у «Иттифоқ» колхозига раис қилиб сайланди. Қаромат Самадовнанинг ҳаётида ҳамма нарса етарли, камчилиги йўқ, унинг обрў-эътибори, ҳурмати баланд. Лекин бедарак йўқолган синглизидан кўнгли тинчмайди—ҳижрон уни қийнайди, азоблайди. У Саломатни сўроқлаб қаёққа мурожаат этмади—милицияга ҳам борди, турли архивларга учради, уруш йилларида Самарқанд шаҳридаги ва областдаги болалар уйларига алоқадор бўлган айрим кишиларга йўлиқди. Ҳамма ҳаракати зое кетди, ҳеч қандай изини топмади. Бунинг устига, қидириш учун етарли маълумотлар йўқ. Исми, фамилияси? Тўрт яшар гўдак буларни эслайди, асраб юради деб ким ҳам кафил бўла оларди дейсиз? Белгиси-чи? Ажралиб турадиган белгиси йўқ эди шекилли. Бўлмаса, Қаромат Самадовна синглизини тўғрисида нимани эслайди? Қулча юз эди, бир оз доғи бор эди, чамаси, кўзлари жуда ҳам қора, сочлари қаттиқ ва у ҳам тўсдай қора эди. Агар кўрса, албатта таниб оларди.

Кейин «Ленин йўли» ҳамда «Ленинский путь» газеталарида бу мақолалар чиқди. Унда кўнглида бор гап топиб ёзилган. Қаромат Самадовна қаттиқ ишонадики, бу ўша, бу унинг Саломати! Қаромат Турсунова Фрида Абрамовнадан Майя Петровнанинг адресини чидам-сизлик билан сўрайди, учиб келишини, агар иложини қилолмаса, хабар беришини, Қаромат Самадовнанинг ўзи эртагаёқ Бендерага учиб боришини айтиб телеграмма бермоқчилигини айтади.

Бироқ Баранюк бу ҳаяжонли телеграмма ўрнига Тошкентдан, Фрида Абрамовнадан фототелеграмма олди. Мана унинг тексти:

«Ҳурматли Масиба Петровна! Хат билан фотографияни олдик, Раҳмат. Қаттиқ илтимос қиламиз, агар иложингиз бўлса, Тошкентга исталган кун, исталган вақтда кўнғироқ қилинг. Баъзи ноаниқликларни ва деталларни аниқлаш керак. Сизнинг опангиз топилиб қолиши мумкин, Триерс».

Телефонда гаплашилгандан кейин ўша бахтли адрес томон яна битта фототелеграмма парвоз қилди:

«Менинг сингилжонгинам! Сен топилганингга ҳамон ишнолмаяпман, менинг ёлғизгинам! Менинг қувончимни ифодалашга ҳар қандай сўз ожизлик қилади. Сенинг дийдорингни кўриб, ўзингни бағримга босиб ва тўйиб-тўйиб ўпадиган дақиқаларни орзиқиб кутяпман. Жонажон опамиз Фрида Абрамовнаникида — Тошкентда турибман. Сени шу ерда кутиб олиш учун бу ерга келдим. Масибажон, сени, Витяни ва сизларнинг фарзандларингизни меҳмондўст ўзбек тупроғида, сенинг ватанингда жуда тез қарши оламиз, менинг сингилгинам! Менинг энди сендай синглим борлиги қандай бахт! Севинчимдан йиғлаяпман! Тез орада кўришгунча! Опаларингиз Қаромат».

Улар 1973 йил 3 февраль куни, ўттиз йилдан сўнг, Тошкент вокзалида учрашишди. Мен бунинг тафсилотини ёзиб ўтирмайман. Нега дейсизми? Унинг инсоний ҳис-туйғуларини бутун тўлалиги билан бериш мушкул. Лекин буни ҳар бир киши тасаввур қилиши мумкин.

Ярим йил ўтгач Майя Петровна оиласи билан Самарқандга бутунлай кўчиб келди. Лекин уни энди нима деб аташ керак—Саломат, Насиба, Луиза, Масиба ёки Майями? Узи қайси бирини хоҳласа шундай аталади. Дарвоқе, гап исмдами? Одамлар — Самарқанддаги касалхона ҳамда Борисоглебскдаги госпитал врачлари, Родген болалар уйи мураббийлари, Миша дада, Ира ойи, фронтга яқин ерда болани ташлаб кетмай, аравасига чиқариб олган аравакаш, мужик, Батуми, Севастополь ҳамда Бендерада унга меҳрибон бўлган кишилар томо-

нидан, оқибат натижада қариндошлари бағрига, жонажон ўзбек туپроғига қайтариш учун қутқариб қолинган ҳаётда ҳамма гап!

Шунақа кишилар бор.
Шунақа тақдир бўлган.

«Бир умр миннатдор бўлиб юрамиз»

Бухоро яқинида Тезгузар қишлоғидаги ўрта мактаб директори Зайнаш Шарафовна Жўраева кичкина қизалоқ Жанна Пузевич тўғрисида нима билади, нимани эслайди? Жуда оз нарса билади. Деярли ҳеч нарса. Жаннанинг ота-онаси бўлганини, опасини Тася, Таисья деб аташларини биларди. Қандайдир одамлар, нотаниш кишилар қий-чув, тарақа-туруқ, паровозларнинг бетиним бўкиришлари, сиреналарнинг увиллашлари остида болаларнинг йиғиси билан тўлиб-тошган вагонга Жаннани синглиси билан бирга шошилиш суратда тикиштиришаётганини элас-элас хотирлайди. Кейин вагон силкинди, аланга ичида қолган, нафасни бўғадиган қора булут ичидаги водокачка олдидан, ярим доира шаклида эгилиб қолган семафор ёнидан аста жилиб кетди. Гилдираклар борган сайин тезроқ тақилларди. Ниҳоят беғубор далага кириб боришди.

Чакалакзордан ўтганимиздан кейин кимдир тепамизда чинқирди, тобора қаттиқ ўкира бошлади, вагон деворларини тақиллатди. Шу пайт бирдан—Зайнаш Шарафовна буни ўйласа, ҳозир ҳам кўрқувдан юраги орқасига тортиб кетади, бирдан вагоннинг тунока томи тарақлаб, ўз-ўзидан кўтарилиб кетди-да, унинг ўрнига болаларнинг боши устига самолётнинг қора кўланкаси таҳдид қилиб келди.

Жанна Пузевич бу вагонда яна анча вақт қолиб кетди. Вайрон қилинган иморатлар, шачағи чиққан паровозлар ўрнига вагоннинг очиқ эшигидан энди лой томлар, аравага қўшилган туялар, даҳшатли темир қушлар ўрнига чўл бургутлари аста парвоз қиларди.

Аллақандай станцияда — бунақаларидан юзлаб станциялар кичкина Жанна кўз олдидан ўтиб қолиб кетди—болаларга вагондан тушишни буюришди. Улардан кимдир эшикка судралиб борди. Қолганларини кўтариб олиб тушишди. Жаннанинг эсида, улар вагондан тушишлари билан сершовқин оломон уларни дарҳол ўраб олди. Гулли матодан тикилган кенг кўйлак, зарбоп нимча кийган хотинлар қуршаб олишди, қўлларидан ушлаб, оширма нон тутқазиди; ким нон берди, ким улар билмайдиган аллақандай мева узатди, ҳаммаси ғужур-ғужур қилиб, нималарнидир сўрашар, нималардир деб эркалашар эди. Қулишни унутиб қўйган, касал, ҳолдан тойган болалар, гарчи нима деб чуғурлашаётганларини тушунишмаса ҳам, бошларини силкиб, уларнинг саволларига ўзларича монанд жавоб бермоқчи бўлишарди.

Шу тариқа, Жанна Пузевич 1941 йил кузида Шароф ва Муаззам Жўраеваларнинг хонадонига келиб қолди. Зайнаш Шарафовна Жўраева оламга ана шундай келди.

Бундан олтмиш йил муқаддам машҳур инглиз ёзувчиси Жон Голсуорси қуролсизланиш бўйича халқаро конференцияга очиқ хат ёзиб мурожаат қилганди. Мазкур хатда бугунги кунда ҳам эслаш фойдадан ҳоли бўлмаган ибора бор:

«Ўдакни агар тинчлик пайтида ҳақорат қилишса ёки ўлдиришса, бутун мамлакат ғалаёнга келади. Уруш даврида миллионлаб бола

таққирланиб, ҳалок бўлиб кетмоқда. Уларни очлик, юқумли касаллик, майиблик, етимлик, заҳарли газ ва бомба қийратиб юбормоқда... уруш оқибатларини улар ўзларида кўп йиллардан кейин ҳам, баъзан бир умр ҳис қиладилар... Уруш, унга қай томондан қарама—ҳамма вақт телбаликдир... Аммо урушга беҳаё ва исрофгар ҳозирги замон ҳукмига бериб қўйилган мамлакатнинг ожиз келажаги бўлган болалар нуқтаи назаридан қаралса, уруш дарҳол кўз олдимизда гўдаклар дўрқитиладиган қутурган аждарнинг ўзгинаси, жонзотга ҳеч шафқат қилмай ўлдираверадиған, қийратаверадиған оғзи қон, юхо махлуқ бўлиб гавдаланади. Урушга йўл қўйиш билан эртанги кунимиз учун эккан ва катта қисмини омборга тўқишга биз улгурмайдиган ҳосилини оз-оздан йўқ қилиб ва бутунлай яроқсиз ҳолга келтириб, келажагимизни гаровга қўйган бўламиз».

Нафсиламрига, ғоят адолатли айтилган бу сўзлар, бахтни қарангки, на мурғаккина Жаннанинг ва на катта хотин бўлиб қолган Зайнашнинг тақдирини акс эттиради. У Жўраевлар хонадониди ўғай-ўксукликни кўрмай, етимлик жафосини чекмай ўсди. Бу хонадонга келган кунидан, соатидан бошлаб у Муаззам билан Шароф учун ўз болаларидай бўлиб қолди. Зайнаш мактабни битирди, педагоглик дипломини олди, она юрти бўлиб қолган Тезгузарга қайтиб келди. Уша ердаги мактаб муаллими Ҳасанга турмушга чиқди. Уларнинг бешта болалари бор.

Мана, орадан шунча йил ўтиб кетгандан кейин, Шароф Жўраевнинг оталарча ҳаракати билан Зайнаш опаси билан учрашди. Кейин маълум бўлишича, бу вақт мобайнида Тансья қўшни қишлоқда яшаркан, уни ҳам Жаннага ўхшаб ўзбек хонадони қиз қилиб асраб олган, у ҳам ўзбекка турмушга чиққан, учта ажойиб фарзанд орттирган экан.

Бир неча йилдан кейин эса, Зайнаш Норильскийдан хат олди: «Сенга Казимир Казимирович Пузевич, сенинг отанг ёзмоқда. Мен сени ўзбек хонадони қиз қилиб асраб олганини урушдан кейин билдим, сизларнинг қаердаликларингни менга ҳеч ким айтиб беролмади. Ҳамма умидим пучга чўкиб, ҳар қалай Изюмга, Загсга яна бир марта хат ёздим. Мана, мўъжиза юз берди! Менга у ердан 1951 йил сен паспорт олиш учун йўқолган метрикангнинг копиясини сўраганингни хабар қилишди. Мен—сенинг отангман, онанг Анна Яковлевна менинг ёнимда. Уруш бизларни, қизалогим, ҳар томонга сочиб юборди. Яқин кунларда она шаҳримиз Изюмда тўпланишимиздан умидворман. Сенинг дарагингни эшитиб севишиб кетганимиздан юрагимиз ёрилай деди...»

Зайнаш ўзининг ота-онаси ҳақида шу тариқа билиб олди ва полякклигидан ҳайратда қолди.

Бироқ Тансья билан Жанна Пузевичнинг тақдирини бошқа иккита поляк қизи Ади билан Майя Слуцкийлар тақдирини ўхшаш кетади. Мен бу ҳақда китобнинг олдинги қисмида муфассал ҳикоя қилганман.

Отаси қизлари билан учрашганидан кейин маълум бўлишича, бир неча қариндоши билан Польшадан кўчиб келган Пузевичлар оиласи Харьковда яшарди. Майя ва Ада Слуцкийлар Фарбий Белоруссиядан эвакуация қилинган эдилар. Урушнинг дастлабки пайтида тўппа-тўғри Польшадан қочиб келган кўпдан-кўп етим болалар ва ўсмирларнинг тақдирини қандай бўлди экан?

Бу факт, бу воқеани бошқатдан заррама-зарра қайта тузишга тўғри келди. Улардан қидирувга туртки берган биринчиси расмий давлат ҳужжатлари архивдан топилди. Бу СССР Халқ Комиссарлари Советининг 1944 йил 19 майдаги 10914-р сонли фармойиши эди:

«...1944 йил июлда СССР даги поляк ўқув-ўқитув муассасаларининг кадрлар малакасини ошириш бўйича контингенти 200 кишидан

иборат, шу жумладан... Самарқандда 50 кишилик ойлик курслар ўтказилсин».

Тарбиячи кадрлар талаб қилинадиган бу муассасалар қанақа муассасалар — мактаблар, болалар боғчаси, болалар уйи эди? Нима учун Самарқандда, деган савол туғилади дарҳол. Ўзбекистон Маориф халқ комиссарлигининг собиқ ходимлари берган жавобга кўра, уруш йилларида республика тупроғида поляк болалари учун бутун бир корхоналар тармоғи ташкил этилган бўлиб, улар ишлаб турарди.

Лекин ўша ўтмиш воқеаларини менга ўз ҳикоялари билан жонлантириб бера оладиган бу ўқитувчи ва мураббийлар, қолаверса тарбияланувчиларнинг ўзлари қани, уларни ҳозир қаердан топсам бўлади? Шунча ҳаракат қилганим билан биттасини ҳам республикамиз территориясидан тополмадим. Лекин қўлни ювиб, қўлтиққа урмадим.

Узоқ сўраб-суриштирганимдан кейин адресини аниқ билиб олдим. Луначарсий кўчасидаги 71-сон Тошкент ўрта мактаби дейишди. У ерда уруш йиллари поляк синфлари бўлган экан.

Уша куниеқ 71-мактабга бордим. Лекин бевақт севинган эканман: бу ерда уруш йилларида ишлаган собиқ муаллимлар аллақачон пенсияга чиқиб кетган эканлар. Уларни қаердан излаш кераклигини ҳеч ким айтолмади, бундан ўттиз йил олдинги ҳужжатлар архиви мактабда сақланмас экан. Бу ерда бир вақтлари поляк синфлари бўлганлигини, болаларнинг ўзлари эса йўлнинг нариги бетидаги Тюлпанская деган тор кўчада туришганини фақат кекса қоровул зўр-базўр эслайди. Уларнинг бутун бошли уйлари бор экан ўша кўчада.

Тюлпанская тор кўчаси ўрнида энди грампластинка заводи қурилган. Эски уйлاردан ном-нишон ҳам қолмаган. Тошкентнинг уруш йилларидаги харитаси бўйича биламанки, Тюлпанскийлардан ўша пайтда бир эмас, тўрттаси бўлган. Улардан қайси бирида бир вақтлар болалар уйи жойлашган ва унинг поляк болалар уйи бўлганлиги ростми — аниқлашнинг иложи йўқ. Ип сал тортилдию узилди. Боши берк кўчадан чиқишга, кўпинча бўлганидек, тасодифий ҳодиса кўмак берди.

Кунлардан бир куни Самарқандга борганимда, ҳамма нарсадан хабардор журналист ошналаримдан, уруш йилларида шаҳарда бўлган поляк болалар уйлари ҳақида, уларнинг мураббийлари, собиқ тарбияланувчилари ҳақида хабарлари бор-йўқлигини сўраганимда, димадир уларнинг эсларига тушди, лекин қўлларида битта ҳам факт бўлмаганлиги, бу эски воқеага алоқадор бирон шахсни танимаганлари учун биринчи суҳбатда уларни айтиб беришолмади. Эртасига журналист ён дафтариининг дастлабки очиқ саҳифасида Фузайловнинг номи пайдо бўлди. У ҳозирги мактаб-интернатлардан бирининг директори, уруш йилларида болалар уйлари талабаси бўлган поляк фарзандларини билган.

Фузайловни Самарқанддан қидириб топиш қийин бўлмади, телефон орқали суриштириб топиб олдик. Еши оғиб қолган, бутун умрини етим болаларнинг бошларини силашга бағишлаган, ўзи болалар уйида тарбия топган Борис Насимович шундай ҳикоя қилади:

— Урушнинг бошларида мен 5-сон болалар уйида директор бўлиб ишлар эдим. Контингенти юз кишидан иборат эди. 41-йил кузида тарбияланувчилар сони бир кун ичида икки ҳисса кўпайиб кетди — биномизга 3-сон Киев болалар уйи тарбияланувчиларини қабул қилиб олдик ва жойлаштирдик. Шундан кейин бизга яна етмиш киши — Курск болалар уйи тарбияланувчилари — келиб қўшилди. Боласи салкам уч ҳисса кўпайиб кетган, қисқа фурсат ичида жуда ҳар хил қисматга эга гўдакларни бирлаштирган бундай болалар уйида нормал турмуш, тарбия, яна қандайдир ҳаёт тажрибасини ўрнатиш осон бўл-

ган деб мутлақо айта олмайман. Қийинчиликлар, ўз муаммоларимиз ва ҳатто зиддиятлар ҳам бўлган. Лекин асосий қийинчиликлар дастлабки пайтларда ташкилий-хўжалик ишларида юз берган. Қаравотлар, кийим-кечак, идиш-товоқ, дарсликлар, кулгингиз қистайди—қўйлакиштоннинг йиртиғини тиқиш учун ип йўқ, буларнинг барчасини қаердан ҳам олардик? Бу етмагандек, шундай танг пайтда мени область халқ маорифи бўлимига чақириб, поляк болаларини қабул қиласан, деб, буйруқ беришса бўладими? Мен уларга: қандоқ бўларкин, улар менинг гапимга тушунишмаса, мен битта ҳам полякча сўз билмасам, дейман. Улар менга ҳечқиси йўқ, бармоқларинг борми? Уларни ишга сол. Шу билан ўзларича менга далда беришди.

Ўша ердан биз учовлон—Маҳмуд Ҳақбердиев, ўша пайтда облононинг мудири, Долгих — гороно мудири ва мен уларни кутиб олгани вокзалга жўнадик. Вокзалда кўрганимизни ифода қилиб беролмайман: ҳаммаси озиб, эти устихонига ёпишиб қолган, кийими чурук-чариқ, ҳаммаси ҳам майли-я касаллари жуда кўп. Менга юз кишидан иборат группасини ажратишди. Сузангаранскийга, иккинчи мактабга олиб бор, ҳозирча ўша ерда жойлашиб турунглар, дейишди. Поляк болаларининг бошқа группасини Термиз қишлоқ советига, учинчисини Улуғбек обсерваторияси яқинидаги Боғибаланд қишлоқ советига олиб кетишди.

Бизнинг Самарқандда 11-сон, 12 ва 30-сонли поляк болалар уйлари ана шу тариқа пайдо бўлди. Поляк фарзандлари учун Пайариқ районида, Зиядин ҳамда Зирабулоқ станциясидан беш чақирим наридаги Нарпайда яна учта болалар уйи ташкил этилганди ўшанда.

Мен болаларни жойлаштирдим-у, уни бер, буни бер деб горонога чопдим. Бутун бир рўйхатни қўйдим уларнинг олдига. Улар бўлса: борини биринчи навбатда сенга берамиз, лекин ўзинг ҳам ҳаракат қил, деб айтишди. Нафасимни ростлаб олдим-да, жим турмаслик учун болалар уйлари томон йўл олдим. Ўзим директорман, ҳозир болалар уйларида қандай қийинчилик мавжудлигини биламан, шунинг учун, икки оёқни бир этикка тикмайман, талаб қилмайман, аксинча кўнгиллларини эритаман, ишонтираман. Мана, ўзларинг тасаввур қилиб кўрунглар, норасида гўдаклар бегона ўлкага олиб келиб ташланган, на ота-она, на таниш-билишлари бор — ҳеч кимлари йўқ. Ҳатто агар тиланчилик қилмоқчи бўлишса, буни ҳам уддасидан чиқишолмайди. — Бунақа сўзларни билишмайди, уларнинг гапига ҳам ҳеч ким тушунолмайди. Бундай тарғиботга болалар уйларининг энг қаттиққўл, қурумсоқ директорлари ҳам бардош беролмадилар: юмшашди, қўлларини силкиб—майли, ол, лекин инсоф билан, сенинг полякларинг ҳам ҳалок бўлишмасин, бизларни ҳам қақшатиб кетма. Бирига ортиқ, бирига кам бўлиб қолмасин, дейишди.

Шундан бошладик. Кейин осон бўлди: поляк болалар уйлари учун махсус фондлар ажратишди, оталиқдагилар ёрдам бера бошладилар, катта ёшдаги тарбияланувчиларнинг ўзлари ҳам колхозларга, ҳунармандчилик артелларига берган ёрдамлари эвазига озиқ-овқат маҳсулот, ёқилғи, баъзи бир кийим-бошлар олишарди. Нимасини сўрайсиз, мўл-кўлчиликда яшамасдилар — уруш борарди, — лекин муҳтожликда ҳам қолмасдилар. Ҳар ҳолда, менинг билишимча, Самарқанддаги поляк болалари ўртасида бу қийинчилик йилларида битта ҳам ўлим ҳодисаси юз бермади — ҳаммасини асраб қолдик, уларни вокзалда қабул қилиб олаётганимизда шунчалик нимжон, касал, ориқ эдиларки, улардан озгина қисмигина аранг оёқда турар—худди шамолда чайқалган қамишдек чайқалар эдилар, шундай бўлса ҳам уларни оёққа турғиздик.

Лекин улар бу болалар уйларида қандай ўсганлари, ўқиганлари,

тарбияланганлари тўғрисида сизга гапирмайман: ўз кўзим билан кўрмаганман, бировнинг кўргани, бировлардан эшитганга қараб гапиршни истамайман, бирон нимани чалкаштириб юборишдан қўрқаман. Гап шундаки, ўша йилларнинг қоидаси бизда жуда ҳам қаттиқ бўлган: эвакуация қилиб келтирилган етимларни тарбиялаш, ўқитиш иши билан уларнинг миллатига мансуб мураббийлар, педагоглар шуғулланишига эришиш лозим эди. Мен буни яхши, доно қоида деб биламан. Мана шу шароитдагина болалар ўз она тилларида ўқишни давом эттира олишлари учунгина эмас. Бу ўринда энг муҳими, менинг назаримда, улар шу шароитдагина ўзларининг миллий маданиятлари, ўз тарихлари ва ҳатто маиший тузилишлари, анъаналари руҳида тарбияланишда давом эта оладилар. Бошқача қилиб айтганда, ўз тупроқларидан вақтинча жисмоний узилишга мажбур бўлиш улар учун маънавий ажралишга айланиб кетмаслиги учун, ҳатто ўзбек тупроғида яшаб туриб белорус белорус, литвалик литвалик, поляк эса полякликча қолиши учун ҳамма тадбир-чора кўрилган эди. Даставвал, мен биламан, поляк болалари янгигина келган пайтларида, кўплар учун бу вазифани амалга ошириб бўлмайдигандек туюлган эди. Ўзингиз ўйланг: поляк болаларини Ўзбекистонга олиб келган ўша полякларнинг аксариятида на махсус маълумот, на педагогик тажриба бор эди, бунинг устига улар шундай аҳволда етиб келдиларки, болаларга ғамхўрлик кўрсатишлари у ёқда турсин, уларнинг ўзларига ғамхўрлик кўрсатиш зарур эди. Мана шу туфайли дастлабки пайтларда бу уйларга бизнинг директорларимиз, мураббийларимиз, техперсоналлар юборилганди. Лекин бу узоққа чўзилмади. 43-йилнинг охирилариданоқ, асосан эса 44-йилда Самарқанддаги барча поляк болалар директорлари поляклардан тайинланди. Мураббийлар, педагоглар, ошпазлар, энагалар ҳам шундай алмаштирилди... Бу болалар уйларининг бутун ҳаётини сиртдан эмас, балки ичдан биладиган, ипидан-игнасигача тасвирлаб берадиган одам бизнинг шаҳримизда топилмаслигининг сабаби ана шунда. Уни қидириб овора бўлмай қўя қолинг — тополмайсиз. Фақат битта гувоҳ қолган бўлиши мумкин. У ҳам бўлса — қоғозлар. Эсимда бор, ўша пайтларда болалар уйлари бўйича молиявий, маъмурий, болаларнинг ўзлаштиришлари, соғлиқлари юзасидан катта ҳисобот ҳужжатлари олиб бориларди. Уни топсангиз, кўз олдингизда бутун манзара намоён бўлади. Қаерда қидириш кераклигини — билмайман. Биз болалар уйлари бўйича ҳисоботларни одатда, горонога, баъзан эса облонога жўнатардик. У ёғига қаерга юборилар, қаерда сақланарди, билмайман, сўрамаганман.

Горонодан менинг қидирув ишларимга ҳеч нима билан ёрдам бера олмасликларига чин юракдан афсусланиб, область халқ маориф бўлимига йўллашди. У ердан—область архивига бордим. Лекин у ерда поляк болаларининг Самарқандда бўлганларига оид ҳужжатнинг изини ҳам тополмадим. Хафсалам пир бўлиб, Тошкентга қайтиб келдим. Энди битта сўнги илнжим республика архивидан эди.

Тошкент шаҳри. Чилонзор, 2. ЎзССР Марказий давлат архиви. Жимжит ўқув залида форма бўйича ёзма сўроғимга жавоб кутиб ўтирибман. Назаримда, гўё ҳозир эшик очиладию, узоқ, жудаям узоқ айрилиқдан кейин энг яқин қариндошларимдан бирон биттаси билан учрашаман. Ёки бўлмаса: гўё ҳозир эшик очилади-да, бу жимжит залга Варшава ва Краков, Ченстохов ва Лодзь, Гданск ва Познань... болаларининг қий-чув овозлари ёпирилиб киради... Борди-ю, эшик очилмаса-чи...

Лекин эшик очилди. Кўзим тўрт бўлиб кутиб ўтирган одамин чиқиб келди, бироқ ҳозирча ҳужжатлар сақланаётган асраш фонди ҳақида қисқача маълумот—94, қайд—5, иш—4603, 4614, 4820— берди-да, эртага учрашишга келишиб хайрлашдик.

Пани Мария, Пан Тадеуш, пани Юзефа, сизлар билан республика архивининг ўқув залида биринчи бор учрашганимда қанчалик севиhib кетганлигимни сизларга қандай айтиб берсам экан! Ҳаммангизни худди эски қадрдонлардай, ҳамюртларимдай, дўстларимдай қучгим келди. Гарчи сизларнинг исм-шарифларингиз гулқоғоз парчаларига, нарса ўрайдиган тарам-тарам қоғозга, мактаб жуғрофия харитасининг сариқ бўёғи устига ёзилганига ўттиз беш—ўттиз етти йил бўлганига қарамай, менинг назаримда сизлар Ўзбекистонда юрган пайтларингдагидек саккиз-ўн, ўн икки яшар ўғил ҳамда қиз бола бўлиб гавдаланасизлар.

Бу ҳисобот ва рўйхат, буйруқ ва справкалар, рақамлар ва фактлар ҳақиқий, бебаҳо, ноёб хазина эди. Улар қатидан аста-секин, қаддам-бақаддам менинг кўз олдимда иккинчи жаҳон урушининг оғир йилларида Ўзбекистонда ташкил этилган поляк болалар уйлари ҳаётининг яхлит манзараси гавдалана бошлади.

1943 йилнинг март ойида Ўзбекистон ССР Маориф Халқ комиссарлиги васийлигига Польша хайру эҳсон жамияти «Охронок»нинг 1965 кишидан иборат 26 та бўлинмаси топширилди. Уларнинг аксарияти қишлоқ жойларига, шу мақсадга мослаштирилган колхоз идоралари биноларига, клубларга, мактаб ва чойхоналарга ўрнашишди. Бу бўлинмаларнинг, шунингдек 563 кишидан иборат СССРдаги бошқа поляк хайру эҳсон муассасаларининг (ошхоналар, болалар ясилари, мажруҳлар уйи ва бошқалар) таъминотлари асосан Совет ҳукумати томонидан берилган юз миллионли қарз ҳисобидан амалга оширилди. Бундан ташқари, поляк хайру эҳсон муассасалари учун урушнинг бошларидаёқ, махсус озик-овқат фондлари ажратилган эди.

Шундай бўлса ҳам, ҳужжатларнинг гувоҳлик беришига қараганда, «Охронок» хайру эҳсон жамиятининг кўпчилик бўлинмаларидаги болалар 1942 ва 43-йилнинг бошларида оч, оғир, баъзан эса ҳалокатли ҳаёт кечирганлар. Уларнинг каттадан кичиги бозорларда, темир йўл вокзалларида, маҳаллий аҳолининг уйларига бориб тиланчилик қилганлар. Кўпинча раҳмдил бека эшигидан кириб келган оч, чувринди гўдакнинг аҳволини кўриб чидолмай, уни уйига олиб кирар, ойлар давомида бу гўдак ўзиники бўлиб қоларди. Ғиждувонлик колхозчи аёл Мумсил Бўронова оиласига малла сочли Донута Шуберт худди шу йўсинда келиб қолган, Вобкент район партия комитети кадрлар бўлимининг мудир Абдулла ўшанда ўзининг фамилиясини ҳам айтишни билмайдиган касалманд, кичкина Карлни шу йўл билан ўғил қилиб асраб олган.

Бу хайру эҳсон муассасаларининг юзлаб ва минглаб болаларини республика Маориф Халқ комиссарлиги васийлигига топширилганида, уларнинг ҳаётларини асраб қолиш учун маориф ходимларидан қанчадан-қанча куч-қувват, сабот-матонат, оналик меҳри-муҳаббати талаб этилганлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Уша даҳшатли йилларда бўлганидек, республика елкасига бир вақтда ҳар тарафдан, худди тоғ қулагандай, бош-кети йўқ ташвишлар ёпирилган пайтда, биринчи галда, нима қилиш, нимадан бошлаш аниқ эмасди — ҳаммасини бирдан бошлагандик.

Биринчи галда, партия ва совет органларининг қўллаб-қувватлашига суянган ҳолда Маориф Халқ комиссарлиги «Охронок» хайру эҳсон жамиятининг 26 бўлинмаси болаларини 17 тага, ундан кейин эса 14 та поляк болалар уйларини ҳамда умумий типдаги болалар уйи қошидаги 2 та поляк группасига бирлаштирди. Уша вақт шароитига кўра энг қисқа муддат ичида чинакам жасорат кўрсатилиб, Маориф Халқ комиссарлиги ходимлари республика шаҳарларидаги ўнлаб биноларни салкам штурм билан ишғол қилдилар. 1943 йилнинг 1 июль

кунида — РСФСР Наркомпроси қошида бутун Совет Иттифоқидаги поляк болалар муассасаларининг барчаси ташкилий жиҳатдан бўйсундирилган Поляк болалари комитети (Композдет) нинг тузилиш кунинда Ўзбекистондаги собиқ ҳайру эҳсон жамиятининг кўпчилик тарбияланувчилари қишлоқ жойлардан, қишлоқлардан ҳамда район марказларидан шаҳарларга, улар учун яқингинада қўлга киритилган биноларга кўчиб келишди. Афтидан Б. Фузайлов «Охронок»нинг энди бир қанча бирлашган бўлимларини ана ўшанда Самарқанд вокзалда учратган бўлиши керак.

Янги болалар уйларининг бутун контингенти рўйхатга олинган, медицина кўригидан бирма-бир ўтказилган. Тарбияланувчилардан ёшлари ўн саккиздан ошган 32 таси ишга жойлаштирилиб қўйилган. Республика Маориф Халқ комиссарлиги ходимлари ҳамда Болалар марказий адрес столи ходимлари—жамоатчи аёлларнинг ғайратлари билан 1943 йилдаёқ 118 та поляк боласининг ота-онаси турган жой аниқланган, агар бу ота-оналар Ўзбекистон ёки қўшни республикалар территориясида яшаётган бўлишса, болалари зудлик билан жонажон оилаларига қайтарилган. Урушнинг охирларига келиб бундай бахтиёрларнинг сони 697 тага кўпайган. Аини пайтда болалар уйларига 342 та янги тарбияланувчи—етимлар, ишга яроқсиз, ночор ота-оналарнинг болалари келиб қўшилган.

Поляк болалари кўчиб ўтаётган уйларда ва ётоқхонадан бошқа ҳар бир группа учун алоҳида емакхона, изоляторлар, клуб бинолари ажратилиб, ҳали тарбияланувчилар келмасларидан олдин ремонтдан чиқариб қўйилган эди. Архивда қизиқ ҳужжат сақланади: 1943 йил мартдан 1946 йил апрелига қадар поляк болалар уйлари биноларининг жорий ҳамда ярим-капитал ремонт учун Ўзбекистон Маориф Халқ комиссарлиги бюджети бўйича 700 минг сўмга яқин маблағ сарфланган.

Поляк болаларини қаттиқ инвентарь — каравотлар, столлар, шкафлар ва тумбочкалар, ошхона жиҳозлари ва идиш-товоқлар билан таъминлаш масаласи ҳам осонликча ҳал этилмаган...

Аҳволнинг танглиги Маориф халқ комиссарлигини энг сўнгги чораларни қўллашга мажбур этди: янги муассасаларнинг раҳбарларига болалар уйлари ҳаёти энг қисқа муддат ичида рисоладагидай бўлишни таъминлаш учун энг зарур мебель, жиҳоз ҳамда идиш-товоқни бозордан сотиб олишга ижозат берди. Кейинроқ бориб, ўзлари жорий қилган қоидадан чекиниб, Маориф халқ комиссарлиги инвентарларнинг анчагина қисмини, идиш-товоқ ҳамда мебелларни республикадаги барча ўзга болалар уйларини таъминлаш учун белгиланган фондлардан олиб, поляк болалар уйлари ихтиёрига беришга қарор қабул қилди. 1944, 45 ва 46-йилларнинг бошларида бу болалар уйларини инвентарлар билан, идиш-товоқ ҳамда мебель билан таъминлаш энди Ўзбекистондаги заводлар, артеллар ва фабрикаларнинг ишлаб чиқариш планларида назарда тутилган эди.

Поляк болалар уйларини кўрпа-тўшак, кийим-кечак ва пойафзал билан таъминлаш масаласи ҳам дастлабки пайтларда худди мана шундай фавқулудда чоралар қўллаш йўли билан ҳал этиларди. Мана бу нарсаларнинг қисқа рўйхати: пальто, пахталик, ип, жун ҳамда ипак газламалар, шунингдек тайёр маҳсулотлардан трикотаж, пойафзал, ип, совун. Бу буюмлар мазкур болалар уйларига ой сари, йил сари мунтазам равишда ажратиб, юбориб туриларди. Шу билан бирга, агар ўзимизнинг болалар уйлари таъминоти фақат область халқ маориф бўлимларининг пландаги фондлари ҳисобига амалга оширилган бўлса, поляк болалар уйларига бу билан бирга, марказлаштирилган

тартибда ҳам—бевосита Маориф халқ комиссарлигининг базаларидан келиб турарди.

Поляк болалар уйларига уларнинг кўнгилли оталиқлари томонидан кўрсатилган беминнат ёрдам сезиларли бўлган ва жуда ҳам асқотган. Улар томонидан олиб келиб топширилган озуқа маҳсулотлари, ёқилғи, инвентарь ҳамда жиҳозлар, одатда болалар уйларининг ҳисобот ҳужжатларида кўрсатилмасди. Шунинг учун мен бу ёрдамнинг умумий суммасини айтиш имконидан маҳрумман. Лекин архив баъзи бир фактларни сақлаб қолган. Масалан, маълумки, 1943—1944 йилнинг қаттиқ қишида Қўқондаги қанд заводи унинг ишчи-хизматчиларининг таъаббуси билан Янги ҳаёт кўчасидаги 48-уйда жойлашган 8-сон поляк болалар уйига уч тонна кўмир элтиб берган. Ўша қишда Бухородаги чарм заводи 5-сон поляк болалар уйи тарбияланувчиларидан кўпига иссиқ пойафзал совға қилган, Самарқанддаги заводлардан бири эса 11-сонли болалар уйига унга қарашли қорамоллар учун зарур бир неча тонна пахта чигити чиқиндиси олиб келиб берган. Қармандаги поляк болалар уйларини ҳам худди шу сингари атрофдаги колхозлар ва давлат тайёрлов идоралари ем-хашак билан узлуксиз таъминлаб турганлар.

Ўз-ўзидан аёнки, оталиқ ёрдами—бу шунчаки, кўнгил тўқи, мадад эди. Болалар уйига озиқ-овқатнинг асосий қисми давлат фондларидан келарди. Буни Поляк ватанпарварлари союзи ўзининг ёш ватандошларига йил сайин кўпроқ юбориб турган нарсалар тўлдирарди. Тарбияланувчиларнинг катта ёшлиларининг ўзлари ҳам қарам бўлиб, қўлларини қовуштириб ўтирмасди. Улар болалар уйларига қарашли ҳайвонларни парвариш қилишар, йиғим-терим пайтида яқиндаги колхоз далагарига чиқишар, ўз ёрдамчи хўжаликларига ҳосил ундириб, йиғиштириб олишарди, 1944—45-йилларда ўнта поляк болалар уйининг шундай хўжалиги бўлиб, унинг умумий майдони салкам 16 гектар эди.

Поляк болалар уйлари 1943 йил март ойидан 1946 йил апрелигача даврдаги таъминоти тўғрисидаги (бундан биноларни ремонт қилиш, қаттиқ инвентарь сотиб олишга сарф-харажат истисно қилинади) бухгалтерия-маълумотидан:

ходимларнинг маоши учун	— 3029461 сўм
овқатланиш учун	— 6728498 сўм
юмшоқ инвентарь сотиб олиш учун	— 3782590 сўм
ишга жойлаштириш учун	— 22400 сўм
бошқа харажатлар учун	— 2102700 сўм
	<hr/>
	15595649

Поляк болалар уйлари барпо қилинган пайтдан бошлаб уларда тарбияланувчиларнинг ҳаёти ва саломатлигини сақлаб қолишга алоҳида эътибор берилди. Ҳар бир поляк болалар уйида, беистисно, врач ва кечаси-ю кундузи навбатчилик қиладиган медицина ҳамшираси бор эди. Ҳамма болалар уйи қошида биринчи ёрдам кўрсатишда керак бўладиган барча зарур нарсалар таъмин этилган аптекалар мавжуд эди. Поляк болалар уйларининг ўн тўртталасидаги 1257 та тарбияланувчиларнинг ҳаммаси ва иккита поляк группаси 1945 йилнинг ёзги мавсумида соғломлаштириш кампаниясидан ўтдилар: 27-сон, Тошкент, 16-сон Қарман ва 18-сон Наманган болалар уйлари ўзларининг шахсий чорбоғларида, қолганлари Тошкент атрофидаги, Самарқанд яқинидаги ва Ғовадаги умумий пионер лагерларда ҳамда соғломлаштириш шаҳарчаларида дам олиб, саломатликларини мустақамладилар. Боланинг тоби қочгани сезилди дегунча уни изоляторга жойлаштирилди — бу ҳар бир болалар уйи қошида махсус жиҳозланган, бошқа бинолардан ажратилган хона эди. Агар дарди жиддийроқ бўлса, шаҳар касалхонасига юбориларди. Бу тадбир чоралар билан, уруш йилларининг оғир шароитига қарамай, поляк болалар уйлари ходимлари ўз

қарамоқларидаги болаларнинг ҳаммасини сақлаб қолдилар, уларнинг саломатликларини, куч-қувватларини тиклашга муяссар бўдилар.

Поляк болалар уйларини малакали педагоглар билан таъминлаш иши ҳам дастлабки пайтда жиддий муаммо эди. 1943 йили «Охронок» ҳайр-эҳсон жамятининг 26 бўлинмаси Ўзбекистон Маориф халқ комиссарлиги системасига олиб берилгач, уларнинг кўпчилик собиқ ходимларини алмаштиришга тўғри келди. Лекин ўша пайтларда полякларнинг ичидан янги педагогик кадрлар тайёрлаш иши қизитиб юборилган эди. Шу мақсадда Тошкент, Бухоро, Самарқандда махсус курслар ташкил этилди. Область метод кабинетлари бу ишга фаол киришдилар. Бу ишлар яхши натижа берди: 1946 йил 1 майга келиб, 14 та поляк болалар уйларидан 13 тасининг директори, 83 та мураббийдан 83 таси поляклардан бўлишига эришилди. Мушкул ҳал қилинганди. Хужжатларнинг далолат беришича поляк болалар уйлари директорларидан Э. Хазанчук (27-сон Тошкент болалар уйи), И. Хаммер (5-сон Бухоро болалар уйи), Голдфарб (12-сон Самарқанд болалар уйи), Здунский (21-сон Андижон болалар уйи)лар, мураббийлардан Каноппицкая ва Крайская (18-сон Наманган), Пилецкая ва Романус (24-сон Пахтакор), Стардинек ва Розенберг (27-сон Тошкент)лар энг яхши директор ва мураббийлар бўлиб танилган.

Поляк болалар уйлари ташкил қилинганларидан бошлаб ҳаммаси мактаб ёшидаги ва мактабгача ёшдагига ажратилган. 1943 йил 1 сентябрдан бошлаб 8 ёшга тўлган болалар улар учун махсус ташкил этилган синфларга қабул қилинганлар. Улуғ Ватан уруши йилларида Совет Иттифоқида ҳаммаси бўлиб 248 мактаб ташкил қилиниб, бу мактабларнинг турли синфларида 18 мингдан зиёд поляк болалари ва ўсмирлари таълим олган.

Уруш тугагач, улар ватанларига қайтариб юборилганлар.

1945 йил 23 октябрда Поляк болалар комитети Ўзбекистон Маориф халқ комиссарлигига поляк болаларини ватанига қайтариб юбориш ҳақида муфассал инструкция юборган.

Ўзбекистон Маориф халқ комиссарлиги бу инструкция асосида поляк болалар уйларини ватанларига эвакуация қилиш программасини ишлаб чиққан. Мазкур программада ҳар бир болани бир ойлик озиқ-овқат ҳамда кийим-кечак билан таъминлаш билан бирга дастрўмолидан тортиб пайпоғигача ҳисобга олинган. Уни амалга ошириш учун маориф таъминоти банк ҳисобига 287336 сўм ўтказилган. Халқ комиссарлик ҳамда маориф таъминоти ҳисобидан йўлдаги эҳтиёжлар учун 131 минг сўм ажратилган. Ҳар бир болалар уйини ўзи турган областдан биттадан вакил борадиган еригача кузатиб қўйиши буйруқда назарда тутилганди. Болалар уйларига йўлда умумий раҳбарлик қилиш эшелонга махсус тайинланган бошлиққа юкланган эди.

Поляк етимларининг Ўзбекистон эпопеяси ана шундай поёнига етган эди.

ҲУКУМАТ ТЕЛЕГРАММАСИ

Москвадан 72/0 137 147 1. 2211

8-пункт: Тошкент, УзССР Министрлар Совети, Сталинобод, Тожик, ССР Министрлар Совети, Тошкент темир йўли бошлиғига, Ашхобод, йўловчиларга хизмат кўрсатиш бўйича Ашхобод темир йўли бошлиғига.

Бухоро, облизполком
Қарши, облизполком
Сталинобод, облизполком
Самарқанд, облизполком

Поляк болалар уйларини Польшага жўнатиб юбориш учун Йўллар министрлигига қарашли Йўловчилар ташиш Марказий бошқармасининг 10.04. 46 йил 2604—26-сонли буйруғига биноан сизларга йигирма бешта яхши вагондан иборат 6-сонли махсус составни Москва-Сталинобод маршрути билан йўллаяпмиз зпт Сталинобод ва Хисор

болалар уйларидан 187 кишини олади зпт Бешкентдан 54 тире олиш станцияси Қарши зпт Самарқанд областидаги болалар уйларидан 588 кишини — поездга ўтириш станцияси Самарқанд зпт Бухоро ва Қармана болалар уйларидан 318 киши зпт ҳаммаси 1147 киши тчк Болаларнинг ҳаммасини ўтқазгандан кейин махсус поезд Тошкент Туркистон Қизил Урда Орол денгизи Чалқар Қандағоч Илецк Саратов Ртишева Мичуринск Орел, Брянск, Гомель Лунинец Брест темир йўллари ихтиёрига шу маршрут бўйича йўлга чиқади овқатлантириш нуқталари ҳам ушбу шаҳарлар Польшада туширади тчк Поездга ўтказиш вақтини планлаштиринг тчк Тошкент Ашхобод темир йўли пассажир хизмати бошлиқлари билан боғланинлар тчк Жўнатишни 25 тире ва 30 апрелга ташкил қилинлар тчк РСФСР Министрлар Совети қошидаги кўчириш ишлари бошқармаси бошлиғи Биченко.

Шу мазмундаги телеграмма Андижонга, Наманганга, Қўқонга ҳам юборилади. У ерда 1-сон Андижон ва 18-сон Наманган болалар уйлари тарбияланувчилари ва ходимлари эшелонга ўтқазилади, шунингдек 8-сон болалар уйи тарбияланувчилари Қўқонда эшелонни кутиб туришар эди. Андижон, Наманган ҳамда Қўқон поляк болалар уйларининг 280 тарбияланувчиси, 99 ходими (ҳамда уларнинг оила аъзолари) ни олган махсус поезд 1 Май куни Тошкентга етиб келади. Эшелон бошлиғи — Фарғона область маориф бўлими вакили Л. И. Оллоёрова — Ўзбекистон ССР Маориф халқ комиссари муовини Е. В. Рачинскаяга махсус поезд Совет — Польша чегараси томон йўлда давом этишга тўла тайёрлиги ҳақида рапорт беради. Шодлик митингидан кейин кўзларда ёш билан хайрлашишади, дўстлик ҳақида аҳду паймон қилинади, ўша куни кечқурун маҳаллий вақт билан 19 та махсус поезд Арис ва Чалқар, Саратов, Орел ва Брестга қараб йўлида давом этади.

9 Майда — Ғалаба кунининг бир йиллигида музика садолари остида Тошкент вокзали перронидан иккинчи эшелон жўнаб кетади. Унда Ўзбекистондаги 11 та ва Тожикистондан 2 та поляк болалар уйининг 773 тарбияланувчиси, 514 та ходими ва уларнинг оила аъзолари бор эди. Эшелонга 31-сон Тошкент болалар уйи директори Е. Р. Кауфман бошлиқ қилиб тайинланади. Самарқанд ҳамда областдан бўлиб олти та болалар уйини бизга таниш Б. Н. Фузайлов кузатиб борарди.

Уша қийинчилик пайтларга нисбатан анчагина кўп берилган йўл озиклари, йирик станциялардаги иссиқ овқат болаларни тўрт марта тамадди қилидириш имконини беради. Оч қолишмади. Тарбияланувчиларнинг саломатликлари унча ташвиш ортирмади. Кузатиб қолувчилар жуда қаттиқ қўрқитганларидай, улар ошқозон-ичак касалликлари билан оғримадилар, битта ҳам бундай касаллик қайд қилинмади. Буни омаднинг келиши билангина эмас, балки тарбияланувчиларнинг ўзлари ҳам, барча кузатувчи ҳамда мураббийлар, учта врач ва олти та медҳамшира томонидан санитария-профилактика талабларига амал қилиб, гоьтда ҳушёр турганликлари билан изоҳлаш тўғри бўлур эди. Вагонлар бир кеча-кундузда икки марта шамоллатилади. Йўл давомида болалар олти марта ҳаммомда чўмиладилар, ўрин-тўшақ, кийим-бош уч бор дезинфекция қилинди. Махсус жиҳозланган вагонда эшелоннинг бош врачлари доимо вахтада туради.

Даставвал болаларнинг ота-оналари билан дийдор кўришиш иштиёқидаги ҳаяжонлари баъзан ўзбошимчалик шўхликлари, қулоқсизлик тўполончилиги билан қўшилиб кетарди. Панд-насиҳат таъсир қилмади, наф бермади, мураббийларнинг ўзлари ҳам бундай дақиқаларда қаттиқ чоралар қўллашга кўнгиллари бўлмади. Болалардаги бу ҳолатни керакли томонга буриб юбориш керак эди. Брестдаги хайрлашув кечасига ҳар бир группа, ҳар бир вагон ўзининг алоҳида номерини тайёрлаш гоьси ана шу йўсинда туғилди. Махсус поездда интизом ўз-ўзидан тик-

ланиб, болалар қалбида умумий хайрлашишга иштиёқларини жўштириб юборади.

Аммо яқинда уруш бўлиб ўтган ерларга яқинлашиб кириб борган сайин болаларнинг кайфиятлари сезиларли даражада ўзгариб борди. Вайрона станциялар, куйган уйларнинг устунлари, култёпага айланган қишлоқлар, йўл бўйлаб чўзилиб кетган крестли самолётларнинг мурдалари — буларнинг барчаси болаларни ўйлантириб, хомуш қилиб қўйди.

Энди уларни итоат қилдириш, ҳовурларини босиб қўйишнинг ҳожати йўқ эди. Тушунтиришнинг ҳам кераги бўлмай қолди. Улар ёнбошлаб ётган танкларни, ҳувиллаб қолган кимсасиз уйларни кўриб турардилар, булар уруш оқибати эканини тушуниб борардилар.

Биринчи эшелон Брестга ўн тўққиз кеча-кундузда етиб борди. 20 майда у Совет-Польша чегараси яқинида қолдирилди. Болаларни топшириш-қабул қилиш маросими давом этди.

АКТ

Брес шаҳри.

22 май 1946 йил.

Тузилди ушбу Фарғона область маориф бўлими вакили Л. И. Оллоёрова ҳамда 8-сон Қўқон болалар уйи директори Б. А. Вайсбродлар томонидан шу тўғридаким, Л. И. Оллоёрова Польшага қайтариб юборилаётган 8-сон Қўқон болалар уйининг саксонта тарбияланувчисини соғ-саломат ва жисмоний жиҳатдан яхши аҳволда топширди, Б. А. Вайсброд қабул қилиб олди.

Бундан ташқари, Л. И. Оллоёрова акт бўйича (озиқ-овқат ҳисобга кирмайди) қуйидаги моддий бойликларни топширди, В. А. Вайсброд қабул қилиб олди:

қаттиқ инвентарь
юмшоқ инвентарь

— 8627 сўм 32 тийин
— 39143 сўм 13 тийин
47770 сўм 45 тийин

Имзо:

Л. И. ОЛЛОЁРОВА
Б. А. ВАЙСБРОД

Актни тасдиқлаймиз:

Совет томонидан СССР Министрлар Совети вакили Клоков.
Польша томонидан — Миллий Бирлик Ҳукумати вакили Ружа.

Худди шунга ўхшаш актлар 21-сон Андижон ҳамда 18-сон Наманган болалар уйларини топшириш ҳақида ҳам тузилди.

22 май кечқурун болалар бадий ҳаваскорлик тўғарақларининг концерти ва хайрлашув митинги бўлди. Концертда поляк, рус, ўзбек қўшиқлари навбатма-навбат жаранглаб, ажиб бир кайфият касб этди.

23 май куни эрталаб кузатувчилар Брест перронида тушиб қолишди. Поезд Польша чегараси бўйлаб аста юриб кетди.

Яна уч кундан кейин, 26 майда Брестга иккинчи эшелон етиб келди. Уша маросим яна такрорланди, актга имзо чекилди.

28 май кечқурун собиқ самарқандликлар, қаршилиқлар, бухороликлар, тошкентликлар ҳамда сталинободликлар томонидан гулхан атрофида берилган концерт, ўйин-кулгидан, тарбияланувчиларнинг кўзларида ёш, кузатиб келганлар билан хайрлашувдан кейин Миллий бирлик Ҳукумат вакили Ружа нутқ сўзлади:

— Йиллар ўтар, сизлар осмон узоқ, ер қаттиқ бўлган уруш йилларида Польша учун ҳаёт ва бахт учун асраб қолган болалар ўсиб, катта кишилар бўлиб етишадилар. Лекин улар Совет Иттифоқи ва Совет халқи, Коммунистлар партияси, Ўзбекистон Республика Ҳукумати ҳамда халқи ўзларига қилган яхшилиқни ҳеч қачон унутмайдилар. Улар бу миннатдорлик, муҳаббат, бизнинг буюк интернационал бирлигимиз тушунчаси ўз фарзандлари ва набираларида ҳам сақланиб қолиши учун бу туйғуни авлоддан-авлодга мерос қолдирадилар. Бу-

гун биз ўз юртимизга қараб кетяпмиз. Биз ўзимиз билан сизлар асраб қолган келажагимиз — фарзандларимизни олиб кетяпмиз. Сизлар ҳам меҳмондўст ва саҳоватли ўзбек тупроғига бизнинг қизғин, қардошлик саломимизни олиб бориб топширинглар!

Андижондаги 21-сон поляк болалар уйи директорининг имзоси билан 1946 йил 4 майда Чалқардан юборилган телеграммада шундай сўзларни ўқиш мумкин (бу архив материалнинг сўнги саҳифасида сақланиб қолган):

ТОШКЕНТ ПУШКИНСКАЯ 17 МИНПРОС

Чалқардан 44 37 4 19 —

Андижон поляк болалар уйи дирекцияси ходимлари сизга сиз орқали совет ҳукуматиغا меҳмондўстликларинг учун, урушнинг оғир йиллари кўрсатган меҳр-оқибатларинг учун миннатдорчилик изҳор этамиз тшк Совет ҳукуматиға миннатдорчилик туйғуларимизни бир умрга сақлаб қоламиз — Директор Здунский

Бас. Архив папкалари ўқиб чиқилди. Олдинги жойларига қайтарилди...

Мени уларнинг кейинги қисматлари қаттиқ қизиқтирарди. Улар Ўзбекистондан ўз юртларига кетишган. Хўш, ўзбекистонлик собиқ болаларнинг кейинги ҳаётлари қандай кечди, улар ўзларига уруш йилларида бошпана берган юртни унутиб юбормаганмикинлар, ниҳоят, хайрлашув пайтида Здунский ва бошқалар берган ваъдаларига вафо қилдиларми? Бу саволларга бугунги кунда фақат Польшагина жавоб бера олар эди. Шундай қилиб, мен сафарга отландим...

Бошдан кўп кулфатларни кечирган заминга қадам қўйган онимдаёқ бу масала ўз-ўзидан ҳал бўла қолди: Польша эсларкан. У ўз кўксига Польшани озод қилишда ҳаётларини аямаган минглаб совет жангчилари ҳамда командирларининг хотирасини, поляк халқининг «бизнинг ва сизнинг озодлигингиз» йўлида қаҳрамонона курашган энг асл фарзандларига Коммунистик партия ҳамда Совет ҳукумати кўрсатган қардошлик ёрдамини унутмаган. Бу ҳақда ихлос билан ўрнатилган ҳайкаллар, бутун бир мемориал ансамбллар, ҳалоскор совет жангчиларининг қардошлик қабрларига гуллар сас-садосиз гувоҳлик бериб турибди. Улар хотираси майдонлар, катта йўллар, маҳаллалар номида абдийлаштирилган, энг муҳими эса, мен ўз кўзим билан кўрганим, бу нарса халқ қалбига жо бўлиб кетганидир.

Лекин менга кераги—Ўзбекистондаги поляк болалар уйларининг собиқ тарбияланувчилари совет тупроғини, совет кишиларини қандай хотирлашларини конкрет мисолларда кўриш ва билиш эди. Қисқагина сафар муддатида уларни 35 миллионли аҳолига эга бўлган бугунги Польшадан қандай қилиб излаб топиб оламан — бутун ғам-ташвишим ана шунда эди.

«1941 йилда краковлик Янина Крупа уч ёшда эди ва у ҳозир уни қанақа ёвуз қисмат етим қилиб қўйганини, ҳали ғирт гўдак бўлган бу қизалоқ минглаб километр олисдаги жазирама Бухорога қай вазиятда бориб қолганини, у яна она меҳрини, севгиси ва парваришини ҳис қилган хонадонга қайси бир меҳридарё одам етаклаб келганини ғирашира хотирласа керак. Скалат деган қишлоқлик ўша ёшдаги Галина Гратковска ҳам (уруш йилларида Самарқанддаги болалар уйларидан бирида тарбияланган) Янинадан ортиқроқ билмаслиги турган гап.

Аммо, ўша пайтда ўн беш яшар ўсмир бўлган Клепка қишлоғлик Юзеф, Баьяш, ёки варшавалик ўн олти ёшли Ядвига Воченская (уруш йилларида Хива болалар уйида истиқомат қилган)ларнинг хотиралари ўша йиллар манзараларини, уларни ҳаётга қайтарган инсоний меҳр-оқибатни сақлаб қолган бўлса керак?..

1946 йил май ойида Ўзбекистондаги болалар уйларида тарбияланган бутун поляклар ватанларига қайтиб кетишди. Брест станциясида

имзо чекилган ва ҳозир ўзбек республикаси Давлат архивида сақланаётган актга кўра сизлар ҳам ватанингизга қайтиб келгансиз. Аммо кейинги тақдирингиз, ўртоқларингизнинг тақдири нима бўлди? Ҳозир сизлар қаердасизлар? Ўзбекистондаги ҳаётингизни, Самарқанд миноралари тепасида порлаган юлдузларни, Фарғона пахта далаларини, сизларга ота-оналик қилган ўзбекнинг юз-кўзини, мураббийларингизни, оқ кўнгил ўртоқларингизни эслайсизларми?

Жавоб қилинглр, дўстлар. Хатларингизни кутамиз.

Шу мазмундаги чақириқ билан бирга ўша ўтмиш воқеалар ҳақидаги интервью «Эхо Кракова», «Новости», «Познанский экспресс», «Эхо дня» деган газеталар ҳамда Варшава журнали «Пшыазнь»да босилди. Яна шу саволлар билан кенг поляк телетомошабинларига тўғридан-тўғри ва бевосита мурожаат этиш учун Польша Марказий телевидениеси имконият яратиб берди.

Менинг бу мурожаатларим собиқ ўзбекистонлик тарбияланувчиларга етиб борган-бормаганини, улар жавоб бериш-бермасликларини билиш учун кутиш керак эди.

Қўл қовуштириб ўтиришга сабр чидармиди? Ақалли биттасини топиб олсам бас, у ёғига ишим юришиб кетишига имоним комил эди. Китобхонлар билан бўладиган ҳар бир учрашувдан ҳам фойдаланиб қолишга жазм қилдим.

Любсько шаҳари Германия Демократик Республикаси билан чегарадош. У кичкина шаҳар, аҳолиси 13 минг, район билан биргаликда 20 минг кишидан иборат. Шу шаҳарнинг ҳозирги кунда кутубхона, театр жойлашган кўҳна саройидаги томоша залида ўтказилган китобхонлар билан учрашувдан кейин мазкур сарой ёнидаги Лужицкий қишлоқ хўжалик комбинатига таклиф қилишди. У ерга бизларни комбинат директори Збигнев Неминский машинада олиб кетди. У рус тилини жуда яхши билар экан. Москвадаги олий партия мактабини битирганлигини ҳисобга олинса бунинг таажжубланидиган жойи йўқлиги аён бўлиб қолади. Тўғри йўлга чиқиб олгач, шундай дейди:

— Пан ўзбек болалар уйларининг собиқ талабаларини излаб келганми? Улардан биттасини мен танисам керак — пани Барбара Синерацка.

Мен буни эшитиб, ўрнимдан туриб кетиб, бошимни машина томига уриб олдим.

— Қаерда у? Уни қандай топса бўлади?

— Аммо, балким мен адаштираётгандирман ҳали, у сиз излаб келганлардан эмасдир, лекин пани Барбара уруш йилларида совет болалар уйида тарбияланган—буни мен унинг ўзидан эшитганман. Уша кунларини тез-тез эслаб гапириб юради. Мана унинг адреси, ёзиб олинг. Лагницкое воеводство, Глогув шаҳри, Вольность хиёбони, 77, квартира — 7. Бу ердан 120 чақирим келади.

Кечга яқин поляк ёзувчиси Витольд Недзвецкий билан биз Зелена Гурага қайтиб келдик. Недзвецкий мени хотиржам қилишга тиришди:

— Сиз ухлаб олинг, мен кечаси Глогувга қўнғироқ қилишга уриниб кўраман. Ҳаммасини текшириб кўраман. Тасдиқланадиган бўлса, борамиз. Нега пан ташвишланаяпти?

Кечаси тушимга пани Барбара кирибди. Бу поляк қизи кенг атлас кўйлак кийиб олганмиш. Бошига зардўзи дўппи. Полякчага ўзбекча сўзларни аралаштириб менга ниманидир завқ билан гапириб, жилма-яди, лекин мен у нима деётганини тушунмас эмишман.

Эрталаб Недзвецкий мени меҳмонхонанинг йўлагига кутиб ўтирган экан.

— Хўш? Қўнғироқ қилолдингизми?

— Глогувда бунақа телефон китобда йўқ экан.

Мен бўлсам қанчадан-қанча умид тутгандим? Алам қилиб хафа бўлиб кетдим. Тарвузим қўлтиғимдан тушиб, ҳафсалам пир бўлиб сўрадим:

— Энди нима қиламиз?

— Нима қилардик?— деди ҳайрон бўлиб Недзвецкий. Мушкул ери йўқ. Ҳозир бензин қуйиб оламан-у, кейин йўлга тушамиз.

Йўлда кетаётиб у менга яна тасалли берди:

— Пан Неминскийнинг адашиши мумкин эмас. Топамиз.

Текисликдан иборат осуда манзара. Далалар, сийрақ чакалакзорлар. Жанубий кенгликнинг одами бўлганим учун тоғлар занжири билан тўсилмаган уфқни, мулоим, аниқ бир чеки ва тайинли нури йўқ бу бўёқларни ҳайрат билан кузатиб борардим. Булар менга ғалати бўлиб кўринар эди. Лекин хаёлим бошқа ёқда. Бутун йўл бўйи мен Недзвецкийни бундай сафарга чиқишга нима рағбатлантирганини ўйлаб борардим. Унинг бундай ишга отланишига ўзимча учта сабабни тахмин қилдим. Биринчиси: у яхши, кўнгилчан одам, безовта меҳмонининг ҳожати йўлида ҳеч нимани аяб ўтирмайдиган саховатли мезбон. Иккинчиси: бу ерда гап меҳмон билан мезбоннинг асло умумий муносабатларида эмас, балки бу меҳмон қаерлик, қайси юртдан келганлигида. Учинчи, сўнги тахмин: пан Витольд — поляк, бу демак, айни хизмати билан у поляк етим болаларига нисбатан кўрсатилган яхшиликларга ўзича жавоб қилмоқчи, бу билан у ўзининг миннатдорчилини изҳор этмоқчи. Ҳар ҳолда буларнинг ҳаммаси бир-бирини истисно қилмаса ҳам, Недзвецкийнинг бу ҳаракатида мен мазкур тахминларимдан ҳар учаласининг жамулжамини кўрдим. Бу орада биз Глогувга етиб келдик, шунинг учун ортиқ хаёл суришга фурсат қолмади. Бошдан-оёқ готика услубидаги яшил пештоқли арklar тагидан чўзилиб ётган тош йўл шаҳарга келиб туташиб кетганлиги сезилмади.

Вольность хиёбонини қидириб юришнинг ҳожати бўлмади — тош йўлнинг давоми.

Биз буталар, дарахтлар билан ажратилган турли услубдаги уйлар олдидан аста кетяпмиз, уларнинг номерларига тикиламиз: 2-нчи, 17-нчи, 72-нчи, кейин 35-нчи. Гавжум айрилишига хиёбоннинг охирига бориб, орқага буриламиз. Энди бошқа томондаги номерларни кузатамиз. Бу томонда ҳам ўша аҳвол: 2-нчи, 45-нчи, 46-нчи. На тартиб, на бирон бир изчиллик бор. Худди Тошкентдаги янги кварталларга ўхшайди. Машинани бир чекада тўхтатдик-да, керакли номерни пиёда излаб кетдик. Ҳовлиларга, флигелларга кириб суриштирамиз, ўткинчилардан сўраймиз. Улар бизга астойдил ёрдам бермоқ учун ҳаракат қилишади—бири боғни кўрсатса, бошқаси тоғни кўрсатади. Амал-тақал билан 25-билан 28-нчи номерларни топиб олдик. Лекин 27-нчи йўқ. Гўё ерга кириб кетгандек. Уни тезроқ топиб олишни кўзлаб, иккига бўлиндик. Недзвецкий чап томонидан, мен бошқа тарафдан излашга киришдик. Албатта, Недзвецкийга осон — у ҳар бир ўткинчи билан она тилисида эмин-эркин гаплашади. Мен бўлсам полякчани тақир билмайман. Олдинга ийманиб сўрамадим, лекин соқовга ўхшаб туриш ҳам ноқулай! эди — бир-иккитасидан амал-тақал билан сўрадим. 27-нчи уйнинг қаердалигини ҳеч ким кўрсата олмади.

Бир ярим соатлар чамаси шу аҳволда изладик. Бу орада Недзвецкий билан учрашиб қолдик, 27-нчи уйни тополмай, машина олдига қайтиб келдик. У жаҳли билан моторни юргизди-да, машинани турган жойидан кескин сапчитди.

— Қайтамизми?

Недзвецкий менга қарамади. Жаҳл билан тўнғиллади:

— Милицияга борамиз.

Командировкада мутлақо назарда тугилмаган жойга, поляк милициясига мен шу тариқа бориб қолдим.

У ерда маълум бўлдики, Вольность хибонида 27-нчи уй йўқ, бетондан янгисини қуриш учун уни бузиб ташлашган экан.

— Хафа бўлманг, ҳозир топиб берамиз,— деди сержант жилмайиб.

Ким биландир телефонда бир-икки оғиз гаплашди-да, бизга қараб:

— Пан, эшитинг: Синерацка Мария, қиз болалигида Шведа, 1934-йилда туғилган, Янувка қишлоғилик, Луцкий воеводлигидаги Вольность хибони 21-уй, 64-квартирада туради,— деди ишонч билан.

Кейинги бир соат ичида биз пан Недзвецкий билан ўша уйнинг олдидан камида ўн марта ўтган бўлсак керак. Роса алам қилди! Лекин излаб келган одам Мария эмас, балки Синерацка Барбара-ку.

Сержант кўнгилдан ўтган бу гапни сезгандек тасалли берди:

— Опаси бўлса керак. Балким, ҳужжати бўйича Барбаранинг ўзгинасидир, бу Мария... Қайси бир поляк аёли битта исм билан ўтишга қаноат қиларди дейсиз?!.. Йўқ, унда иш учун битта исм, байрамлар учун бошқа, бирга ишлайдиганлари, танишлари учун бошқа, уйда, эри учун яна бўлак исми бўлади. Бамисоли костюм ёки кўйлак деяверинг. Улар учун бу эрмакдай бир гап бўлса, бизлар учун, тасаввур қилинг-а, турган-битгани ташвиш! Бир минут, бир минут сабр қилинглар, панлар, ҳозир ҳаммасини текшириб биламиз!

У аллақандай дафтарни яна варақлашга тутинди, телефон чамбарагини айлантирди. У телефонда гаплашаётганида, Недзвецкий менга тушунтирди:

— Қўшнисига кўнғироқ қияпти. Ўзига бундай сўроқ билан мурожаат этиш — одобга кирмайди,— деди.

Бир фурсатдан кейин сержант ўзидан мамнун ҳолда жилмайиб, худди бир жумбоқни ҳал қилгандек деди:

— Айтмадимми: Мария ўша. Ятима. Бутун уруш давомида совет болалар уйида яшаган. Қолганини ўзларинг билиб оларсизлар.

Биз сержантга чексиз миннатдорчилик изҳор қилиб, қўлини сиқдик. Мен унинг исми шарифини ён дафтаримга ёзиб олдим. Роберт Бжезинка экан.

Шундай қилиб биз ўша квартира эшигидаги кўнғироқни босамиз.

Пани Барбара бизларни ичкарига таклиф қилади. Недзвецкий мени таништириб, безовта қилишимизга нимга мажбур этганини тушунтиради.

Недзвецкийнинг гҳикозясидан беканинг юзи ўзгариб кетади. Ҳовлиқиб қолади. Утмиши кўз олдида оний фурсатга намоён бўлиб, четга қарайди. Юраги тўлқинланиб, киприқларида ёш ҳалқаланани.

— Пан ўша ёқдан келганларми? Ўзбекияданмисиз, пан?— дейди у ўпкаси тўлиб кетиб, худди йўқотиб қўйган акаси узоқ айрилиқдан сўнг қайтиб келгандек, менга тикилиб. Энди, менга ҳаяжон билан миннатдорона мўлтираб боқишларини, кўз ёшларини, қўллари қалтирашини кўриб, менинг ўзим ҳам унинг танишаётган пайтимиздаги аҳволига тушдим, гўё бошқалар томонидан қилинган ишга мен раҳматнома олаётгандек хижолат тортдим, дарҳол адолатни тиклашга уриндим:

— Йўқ, пани Барбара, поляк болаларини жойлаштириш ишида менинг шахсан ҳеч қандай иштироким бўлмаган. Мен бу ҳақда шунчаки китоб ёзяман, шунинг учун сиздан ўша замонлардан нималар эсингизда қолганлигини эшитсам дегандим.

— О, эслайман, гапириб бераман,— пани Барбара ҳамон ҳая-

жонланарди.— Панлардан фақат столга бориб ўтиришларини сўрайман олдин.

Мен беканинг таклифини рад этишга уринаман, лекин у бўш келмайди:

— Пан менинг уйимдан бир тишлам нонимни тотимаслиги мумкин эмас, бундай қилмаслиги лозим. Пан тушунса керак? Ўша даҳшатли йиллари—мен уни ҳеч қачон унутмайман—сизнинг... нима эди... ҳа-ҳа, ҳамюртларингиз, ўша ўлка аҳолиси, биз, бегона болалар билан сўнгги тишлам нонларини баҳам кўрганлар. Фақат шу сабабли ҳам бизлар ўлмай қолганмиз.

Бўйин буришга илож қолмади, бу ҳақ гап: мен рад этмаслигим керак. Ахир бу одамни йиллар давомида яхшиликка яхшилик қилиш юзасидан кўнглига тугиб юрган орзусининг амалга ошиши учун туғилган табиий имкониятдан нега ҳам маҳрум қилишим керак экан?

Биз столга ўтирдик. Кейин Барбара гапириб берди:

Ҳа, унинг туғилган пайтида қўйилган исми Мария, фамилияси—Шведа экан. 41-йилнинг қишида ота-онаси, акаси Людвик ва опаси Хелена билан бирга узоқ йўл юриб, Хоразмга келиб қолади. Ўша пайтда у етти ёшда бўлади, лекин уларни Хонқага яқин қишлоқдаги «Қизил юлдуз» колхозида қандай қизғин, самимий кутиб олишганини унутмаган, ҳеч эсидан чиқармайди. У ерга бир неча поляк оилалари йўлланган эди. Улар бу ерда икки йил истиқомат қилишади. 43-йили, дея хотирлайди Барбара, отаси билан (уни Михаил дейишарди) ёшига икки ёш қўшиб олган ўн олти яшар акаси Людвик ўша пайтда тузлаётган Костюшко номли дивизияга кўнгилли бўлиб кетадилар. Дастлабки пайтларда гоҳ Людвикдан, гоҳ отасидан хат келиб турарди. Кейин бирдан узилиб қолади. Ўша пайтда гўдак бўлган Мария бунинг тагида қандай мусибат яшириниб ётганини тасаввур қилмасди, аҳволи кундан-кунга орқага кетаётган онаси эса, Мариянинг дилхиралигини тобора ошира борарди. Кейин Мария онасини оқ халатли кишилар қаёққадир олиб кетишганини, Хелена зор-зор йиғлаб қолганини эслайди.

Сўнгра ана шу Хелена уни полякча гаплашадиган болалар кўп бўлган уйга етаклаб келади, Марияни қабул қилишади. Тўққиз яшар Мария билан ўн беш яшар Хелена шу тариқа Хонқа поляк болалар уйининг тарбияланувчилари бўлиб қоладилар. Аммо Мария бу болалар уйида узоқ турмайди: дастлабки врач кўригидаёқ унда ўпка шамоллаш, безрак, пеллагра ва ич кетар касали аломатларини топишади. Болалар уйига шу аҳволда етиб келганлигига ҳайрон қолишади. Марияни бир неча кун болаларга аралаштирмай алоҳида жойда асрашади, дори-дармон беришади, аллақандай кучли овқат едиришади.

Мария касалхона йўлини эслолмайди—чамаси аҳволи оғир бўлган. Лекин касалхонанинг ўзи хотирасида умрбод ўрнашиб қолган.

— Бир маҳал кўзимни очиб қарасам, тепамда иккита врач турибди: гарчи сал-пал бўлса ҳам, ўша пайтда русчани тушунардим. Улар нима деб гаплашаётганларини билиб олдим. Биттаси, сўнгги чора қон қуйиш қолди, деди. Бошқаси унинг гапини маъқуллаб, бош силкиди. Кимдир мени қўлига олди — пардек енгил эдим,— қаергадир кўтариб борди. У ерда эса бошида дўппи, эгнида йўл-йўл беқасам тўн, битта киши ўтирарди, мўйлови, ҳалиям эсимда, бақбақасига осилиб тушган. Мени тор бир каравотга, уни бошқа шунақа каравотга ётқизишди. Унинг томиридан қон олиб менга қуйишди. Ҳозир томирларимда оқаётган қон ўша қон.

Унинг эсига яна ленинградлик Валя деган қиз тушди. Ўрнидан туриб юрадиган бўлганида, у билан ўртоқ бўлиб олган экан. Даставвал палатада, кейин шифохона ҳовлисида бирга ўйнашади. Охирида, ту-

залганларидан сўнг касалхонадан жавоб тегиши олдида, анҳорга бориб чўмилиб келишадиган бўлишади.

— Мен яхши сузардим, анҳор ҳам унча чуқур эмасди. Бирдан гирдобга дуч келиб, ўраб кета бошласа бўладими! Агар Валя бўлмаганда чўкиб кетардим. Бу билан мени иккинчи бор ўлимдан олиб қолишди.

Мария касалхонада бир йилдан зиёдроқ қолиб кетди. Обдан соғайиб, қувватга кириб олганидан кейингина уни шифохонадан Хонқага эмас, балки Душанба болалар уйига жўнатишади. Хелена ўша ерда экан.

Албатта, у касалхонадалик пайтида иккита поляк болалар уйи — биттаси Қорақалпоғистонда, бошқаси Хонқада тугатилганини, булардаги тарбияланувчиларнинг бир қисми Душанбага ўтказилганлигини Мария билмасди, қаердан ҳам билсин. Буни у фақат энди, поляк болалар уйлари тарихини архивлардан диққат билан ўрганиб чиққан мендан эшитиб билди.

Мариянинг хотирлашича Душанбада болалар уйининг учта биноси бўлган. Биттасида улар туришган. Бошқасида медпункт билан изолятор бўлган, учинчи бинода мактаб жойлашган бўлиб, унда ўқув-тарбия ишлари поляк ўқитувчилари томонидан поляк тилида олиб борилган. Мария менга тўртинчи синфни битирганлиги ҳақидаги шаҳодатномани худди бир қимматбаҳо ёдгорликни кўрсатгандай намойиш қилди. У 1946 йилнинг 20 апрелида Душанбада берилган экан. Бу мактабдаги ўқитиш даражасини шундан ҳам билса бўладики, Мария Польшага қайтиб боргач, уни бирваракайига 6-синфга ўтказиб юборишади.

Болалар уйида ҳаёт булоқдек қайнади: адабий-драматик, хор, рақс, спорт ўйинлари тўғарақларидаги машғулотлар, турли мусобақалар... Мария уларни шаҳар марказидаги стадионга олиб боришганини, болалар уйи командаси иккинчи ўринни олганини ҳозир ифтихор билан эслайди. У янги йил арчасини, болалар уйи директори, ажойиб инсон, беқиёс мураббий Юрий Тайтел раҳбарлигида тайёрланган қувноқ концертни эслайди. «У бизларнинг ҳаммамиз учун бамисоли отамиздай эди, — дейди ҳаяжонланиб Мария. — Польшага қайтиб келганимиздан кейин Вроцлав касалхонасига тушиб қолдим, у мени излаб топиб олди. Менга овқат ва турли китоблар олиб келиб турди, бир куни эса негадир менга врачлар яхши қарашмаяпти деган хаялга бориб, шундай тўполон кўтардики, бутун касалхона оёққа турди».

— Бизнинг уйимизда поляк болалари орасида Абдулла Козимов деган битта тожик бола ҳам бор эди. Биз уни Козимеж деб атардик. У ашула айтган пайтимизда бошловчилик қиларди. Унинг раҳбарлиги остида биз тожикча қўшиқларни ўрганардик. Кейин ўзимизча томоша қўйиб, ҳаммамиз бирга гоҳ полякча, гоҳ русча, гоҳ тожикча қўшиқ айтардик: мен ҳозир ҳам ўша қўшиқларни эшитиб қолгудек бўлсам, худди қиз боладек йиғлаб юбораман. Уйга қайтаётганимизда, Козимежга биз билан кетаберишни маслаҳат бердик. У жилмайиб, ўзининг барча китоблари, ўйинчоқларини бизга совға қилди, меҳмон бўлиб боришга ваъда берди. Ушандан бери унинг тўғрисида ҳеч гап эшитмадим. Уни шундай кўргим келадики, ҳатто тушларимга киради баъзан!..

1946 йил 29 майда Ўзбекистон ҳамда Тожикистондаги поляк болалар уйлари тарбияланувчилари тушган иккинчи эшелон Брест станциясида Совет — Польша чегарасидан ўтди. Бу эшелонда ўн икки яшар Мария Шведа ҳам бор эди. Ватанига қайтиб келгач, кечирган ҳаёти ҳақида шундай ҳикоя қилади у:

— Бизларни Варшава орқали Гостинга, у ердан Вроцлавга олиб кетишди. Уша пайтда тақсимлаш пункти Вроцлавда эди. Мени Вроцлав яқинидаги «Ойлавий уй»га йўллашди. У ерда 7-синфни битирдим,

тўқимачилик техникумига кирдим. Техникумни тугатиб Жара шаҳаридаги тўқимачилик фабрикасига ишга тайинландим. 1955 йил Синерацкийга турмушга чиқдим. Ҳозир эрим Глагув шаҳарининг прокурори. Лешек ва Анжей — ўғилларимиз ўсишмоқда. Каттаси механика техникумини тугатди, кичиги геодезистликка ўқияпти. Яхши яшаймиз. Бирдан-бир орзум—болалигимнинг кўп қисми ўтган ўлкаларга бориш, биз, поляк етим болаларига шундай каттакон меҳр-оқибат кўрсатган, ҳатто нима деб аташни ҳам билмайман—оналик қилганларнинг ҳаммасига катта-катта раҳмат айтишдан иборат.

Мен унга, болалар уйининг бошқа тарбияланувчилари ҳақида бирон бир маълумот йўқми, ҳозир улар қаерда туришади, уларнинг турмушлари қандай эканлиги юзасидан берган охириги саволимга шундай жавоб қилди:

— Опам Хелена Кухарчик эри Рихард билан Вроцлавда туради. Лекин сизлар болалар уйида бизлар билан бирга тарбияланган Тадеуш Волясекни ҳаммадан кўра осон топиб оласизлар. У Варшавада. Аниқ адреси йўқ менда, лекин сизларга адресининг кераги ҳам бўлмайди. Ҳар бир полякдан сўрасангиз, Тадеушни танийди.

Бека бизни эри билан, ҳозиргина уйга келган ўғиллари (улар кап-катта бўлиб қолишган эди) билан таништирди. Хайрлашиб чиқиб кетаётганимизда пани Барбара мен келган юртга самимий саломини топшириб қўйишимни илтимос қилди. Биз худди унинг учун энг ардоқли, олис болалигидаги ҳали совумаган хотираларини худди ўзимиз билан бирга олиб кетаётгандай, ёш тўла кўзларини филтилатиб орқамиздан қараб қолди.



Пани Барбара мутлақо тўғри айтган экан: Варшавага келишимиз билан биринчи дуч келган одамдан Тадеуш Волясекни сўраган эдим, у менга ҳамма маълумотни — адресини, ишлайдиган жойини айтди, телефонини берди. Мен қўнғироқ қилдим, эртасига эса пан Волясек билан учрашдим.

Тадеуш Волясекнинг бунчалик машҳур бўлиб кетиши сабаби энди менга аён бўлди. У бокс бўйича 1961 йил Европа чемпиони, 1957 ва 1959 йилларда кумуш медаль совриндори, 1960 йил Олимпия ўйинлари кумуш медали соҳиби бўлибди. Ҳозир у 1972, 74 ва 76-йиллар мамлакат чемпиони «Варшава Гвардияси» командасининг катта тренери экан.

Тадеуш Волясек 1936 йилда Ломжа шаҳрида туғилган. Беш яшар болалигида онаси, укаси Хенрик ва иккита синглиси — Христина ҳамда Ядвига билан Урта Осиёга бориб қолган.

— Агар болалар уйи бўлмаганида, биз ҳаммамиз ҳалок бўлиб кетардик, — дея эътироф этди Волясек, сўнг ҳеч қандай шубҳа қилмаслиги учун рус тилида қўшиб қўйди. — Биласизми, бу қандай бўлган эди? Ёлғиз аёл, жудаям касалманд, қўлида тўртта ёш бола, каттаси, мен олти ёшдаман. Борадиган жойимиз йўқ. Раҳмат, колхоздагилар поляк болалари учун махсус болалар уйи очияпти, деб айтишди. Бизларни олиб боришди, онам ошпаз бўлиб биз билан бирга қолди.

Тадеуш Душанбадаги болалар уйида уч синфни тугатди. Полякчада ўқиди. Уша ерда спорт билан тўғаракда шуғуллана бошлади. Самарқандга экскурсияга олиб боришганда, бу шаҳар уни ҳайратда қолдирганини эслайди. Болалар учун колхоз полизидан қовун, тарвуз ўзишгани ҳам эсида. Хуллас, у Урта Осиё ҳақида гапирганида, бу ердаги ҳаётнинг бутун икир-чикирлари эсида қолмаганига қарамай, меҳр-оқибат, ғамхўрлик, ўз уйидагидек беминнатлиликдан иборат ях-

лит ва умумий илиқ туйғу сақланиб қолган эди унинг хотирасида.

У Польшага 1946 йилда қайтиб келди. Кейин Вроцлавдаги мактабда ўқиди, сўнг жисмоний тарбия институтида таълим олди. Шу тариқа унинг спортчилик ҳаёти бошланиб кетди. Совет Иттифоқида қилган ҳар бир сафаридида у худди ўз уйига боргандек, дўстлари, ватандошлари орасида бўлгандек ҳис қилади ўзини.

Ўрта Осиёга шу пайтгача ҳар қандай интилгани билан ҳали бир марта ҳам боролгани йўқ, лекин соғинади, болалигининг бир қисми ўтган жойларни яна кўргиси келади, ўзи, синглиси ҳамда укаларини иссиқ бағрига олиб, жонларини сақлаб қолган ўша азиз тупроққа таъзим қилгиси келади.

Хайрлашаётганимизда Тадуеш Волясек вроцлавлик инженер, ўша болалар уйининг собиқ тарбияланувчиси Чеслав Ковальскийнинг адресини берди. Бироқ мен у адресдан фойдалана олмадим, сафарим қариб, уйга қайтиш вақти бўлиб қолганди. Уйга келганимдан кейин икки ҳафта ўтгач, Варшава, Лодзь, Белосток, Гожув, Гданск ва Познандан бир даста хат олдим. Ҳаммасидан кўчирма келтиришнинг иложи йўқ. Фақат бир нечасини танлаб олишимга тўғри келди.

«Эхо Кракова»да босилиб чиққан «Сиз ҳозир қаердасиз?» деган мақолани ҳозиргина ўқиб чиқдим-у, уруш йиллари ҳақидаги Ўзбекистон билан боғлиқ хотираларим кўз олдимда яна жонланиб кетди. Мен бундан 36 йил муқаддам ота-онам билан бирга у жаннатмакон юртга бориб қолган эдим. Ушанда 1942 йил эди. Уруш даврининг оғир, машаққатли йилларида бошига тушган бачо-қазолар ота-онамни олиб кетди. Улар деярлик бир вақтда қазо қилишди ва биз укам Мечислав билан ёлғиз қолдик, на емакка бирон тишмам нон, на ётиб туришга бошпана бор.

Ушанда бизга маҳаллий аҳоли—Вобкент атрофидаги колхозларда яшовчи ўзбеклар катта ёрдам кўрсатишди. Улар едириб-ичиришди, чин юракдан ҳамдардлик кўрсатишди. Тез орада болалар уйига жойлаштиришди. Аввал Вобкентда, кейин Бухорода бўлдик. Ушанда мен ўн беш ёшда эдим, укам тўрт яшар эди.

Қийинчилик пайтлар, ҳозир баъзан диванда ёнбошлаб ётиб, Бухорода бўлган пайтимдаги ёрқин, таъсирли хотираларга берилиб кетаман, ҳар бир қадамда менга нисбатан қилинган одамгарчилик, кўрсатилган самимий ғамхўрликни ўйлайман. Биз Польшага 1946 йилда қайтиб келдик. Острудзадаги болалар уйида яшадик. Мен мактабни битириб, Польша армияси офицерига турмушга чиқдим. Учта боламиз бор. Ўғилларимиз ўрта мактабни, қизалоғимиз эса Краковдаги олий ўқув юртини битирди. Мен фарзандларимга уруш тўғрисида, Ўзбекистонда кечирган кунларимиз ҳақида тез-тез гапириб бериб тураман, лекин улар учун бу фақат тарих холос.

Мен турли болалар муассасаларида 26 йил ишладим. Ҳозирги вақтда Краковдаги 3-сон давлат болалар уйида ишлаяпман.

Укам Мечислав қайтиб келганимиздан кейин анча вақтга қадар турли болалар уйларида, чунончи, Острудза, Морагасдаги болалар уйларида тарбияланди, кейин Шециндаги жисмоний тарбия ўқув юртини битириб, Варшавадаги жисмоний тарбия Академиясида ишлади ва ўқиди. Ҳозир у Краковдаги 12-сонли мактабнинг жисмоний тарбия ҳамда педагогика магистри. Биз у билан кўпинча Ўзбекистонни эслаймиз, Бухорони яна бир бор кўришни орзу қиламиз. Балким эски танишларимиз —ўзбеклар билан яна дийдор кўришиш насиб қилиб қолар? Ё бўлмаса мен сизга юбораётган фотосуратдан ўзини таниганлар хат ёзишар?..

Краков шаҳри,

Юзефа Маркевич
(Бучковска).

«Хурматли пани Юзефа!

Сиз «Эхо Кракова» газетаси редакцияси илтифот қилиб менинг номимга юборган учта фотосуратга қўшиб жўнатган хатингизни ҳаяжон билан ўқиб чиқдим.

Ҳозиржавоблик билан акс-садо берганингиз ҳамда ўзбек юрти ҳақидаги яхши гапларингиз учун каттақон раҳмат! Уша узоқ йиллар юзасидан янада муфассалроқ, янада тўлароқ ёзиб юборишингизни истагандим. Бу уруш йилларида Ўзбекистондаги болалар уйларида яшаб, тарбияланган поляк фарзандларига бағишланадиган бобни ёзишимда менга кўп жиҳатдан ёрдам берган бўлур эди. Баъзи нарсаларни мен ҳам Сизнинг эсингизга солишим мумкин. Айтайлик, Юзефа Бучковска (1928 йилда туғилган, златковичлик) 1943 йилнинг ўн иккинчи апрелида Вобкентдаги болалар уйидан Бухородаги 5-сон болалар уйига кўчирилган, сизнинг укангиз Мечислав (1938 йилда туғилган) ҳам худди ўша ерга кўчирилган эди. Мазкур болалар уйининг катта мураббийси И. Стронцицка, директори Мендель, ундан кейин 1946 йилда болалар уйи билан биргаликда Польшага эвакуация қилинган И. Гаммер директор бўлган. Уша болалар уйида тарбияланган тенгдошларингиздан баъзиларининг исм ва фамилияларини эсингизга солиш ҳам мумкин.

Янина Ленева—1928 йилда туғилган, Барановичидан, сиз сингари ятима. 1943 йил 12 апрелда Вобкентдан 5-сон Бухоро болалар уйига Сиз билан бирга ўтказилган;

уч ака-ука — етим Курильцолар: Алоиз (фотосуратдагиси) — 1928 й. Александр 1929 й. Қазимеж — 1932 йилда туғилган;

Стефан Миодонски — 1929 й. Дубнодан;

Королина Зигель — 1929 й. Ярославдан, фельдшерлик курсида ўқиган.

Улар ҳозир қаерда, қандай касб-кор билан машғуллар?

Лекин мана шуларни билолмай гарангман.

Архивда сақланаётган рўйхатларга кўра, гўё Вобкентда Сизнинг опангиз бўлган. Шу ростми? Ёки шунчаки янглишмовчиликми?

Агар шуларга тўлароқ жавоб ёзиб юборсангиз гоят миннатдор қилган бўлардингиз.

Тошкент шаҳри.

Григорий Марьяновский.

«Шунча йиллар ўтиб кетганига қарамай, бизнинг Ўзбекистонда кечирган ҳаётимиз изи сақланиб қолганлигидан чексиз хурсандман.

Сизнинг гумонингизни тасдиқламоқчиман: ҳа, Владислава Бучковска чиндан ҳам менинг опам. У то Вобкент болалар уйи тугатилиб, Бухорога кўчирилганимизга қадар бизлар билан бирга эди. Влада катта бўлиб қолганлиги туфайли уни Кумушкент қишлоғидаги поликлинникага ишга юборишди. У ерда медицина ҳамшираси деган ихтисосни олди ва беморларга ёрдам кўрсата бошлади. Ҳозирги вақтда Владислава Варшава яқинидаги Сулейувка деган жойда туради, рус тили муаллимаси бўлиб ишлайди.

Дугонам Янина Лесневскага келсак, у ҳам ватанга бизлар билан бирга қайтиб келган, турмушга чиққан ва Ольштин яқинидаги Ольштинкада туради. Тўртга боласи бор эди. 60-йилларнинг бошида вафот этди.

Сиз эсга олганингиз ака-ука Курильцолар Польшада яшашади: Александр — Познанда, Алоиз билан Қазимеж қаердалигини билмайман.

Ўзбекистонга борган дастлабки пайтларимда оғим билан дадам колхозда ишларди. Ўзбек тилини билмаганимиздан гапимизни ҳар хил имо-ишоралар, қўл, оғиз ҳаракатлари билан тушунтиришга маж-

бур бўлардик, «сеники-меники» қилиб гаплашардик. Лекин кўп ўтмай «меники сеники яхши кўраман» деганга ўхшаш бутун бошли жумлалар тўқиб гаплашадиган, бир-биримизга тўла тушунадиган бўлиб олдик.

Кўпинча кечкурунлари ерликлар бизларни меҳмонга таклиф қилишарди. Тандирда нон ёпишгани, патир, тухумбарак, палов, яна бошқа жуда лаззатли таомлар билан меҳмон қилишгани ҳали-ҳали эсимда.

Ўша пайтда тўрт ёшга тўлган Метек ўзбек болалари билан бирга ўйнар, улар билан ораларидан қил ҳам ўтмасди, лекин бугунги кунда уларни эслолмайди. Фақат далага ёки узумзорга борганини эслайди. Биз боғда ишлардик, ўзбек аёллари унга узумнинг энг яхши бошини узиб беришарди. Унинг ажиб таъминини у ҳозир ҳам эслаб юради.

Бухоро болалар уйимизда ўзимизнинг ёрдамчи хўжалигимиз бўлгучи эди. У ерда Турсунов фамилияли кекса киши ва жуда ҳам ёш Пармон ишларди. Бу бола бизларга ўзини жуда ҳам яқин тутар, полякча гаплашишга ҳаракат қилар эди.

«Кулба» деб аталадиган лой томли уйлар ёрқин таассурот қолдиради. Хона ичйда ерга палос тўшалган, тўрдаги тахмонга шифтга қадар кўрпа, кўрпача, ёстиқ тахлаб қўйилган. Лекин ҳаммасидан ҳам менга сандал ёқарди. Танчага лаққа чўғ солиниб, устига кул тортиб қўйиларди. Курси атрофида ўтирганларнинг оёқ-қўллари, таналарининг кўп қисмини, айни чоқда хонани ҳам иситарди бу танча.

Бухорода бизларнинг орамизда Тереза ва Януш Гвезда ҳам бор эди. Ҳозир Тереза эри билан Варшавада туради, унинг фамилияси Длуска. У иқтисод институтини битирган, Бош статистика бошқармасида ишлайди. Унинг икки боласи бор, катта киши бўлиб кетишган. Януш ҳам Варшавада туради, у ҳақда бошқа ҳеч нарса менга маълум эмас.

Мария Радишевская қайтиб келгандан кейин Янги Таргуда муқим туриб қолди, у ерда тўқувчилик ишидан ўқитувчилик қилади.

Янина Крупа (ҳозир Колодзей) сиз уни интервьюингизда эслангансиз, Ольштинда туради, болалар боғчасида мураббия бўлиб ишлайди. У Ўзбекистондаги ҳаётини кам билади, ахир у пайтда беш яшар гўдак эди-да. Бизнинг болалар уйимизда каттароқ ўғил бола бўларди. Мечислав Плохецкий. Энди у Ольштинда туради, кинооператор бўлиб ишлайди. Ўзбекистонга саёҳат қилсам, чексиз қувонардим, лекин қандай қилса иложи бўлишини билмайман.

Краков шаҳри.

Юзефа Маркевич.

Ольштинда истиқомат қиладиган Кристина Пиотровская
(қиз болалигида Мрувко)дан келган мактуб:

«...Мен 1941 йил июнда онам, опам ва ундан икки ёш кичик акам билан бирга Вильнюсдан чиқиб кетдим. Ўшанда ўн ёшда эдим. Эшелон бизни Вобкентга олиб келиб ташлади, станциядан бизларни арваларда колхозларга ташишди. У ерда биз янги йилни кутиб олдик, пасха хайитини ўша ерда ўтказдик.

1942 йилнинг баҳорида поляк болалари учун колхозлардан бирида болалар уйи барпо этилди. Унга етимларни, шунингдек меҳнатга яроқсиз ҳамда ночор ота-оналарнинг болаларини қабул қилишди. Ойим бизларни ҳеч иккиланмай топширди, чунки болалар уйи тўқин бўлмаса ҳам, мунтазам равишда овқатлантириб туришга қафил бўларди. Болалар уйи эски чойхона ўрнида жойлашган эди. Миодоньска унинг директори эди, 1942 ва 1943 йилнинг бошларидаги шароит ғоят оғир эди. Ҳамма нарса фронтга аталарди. Мен касал бўлиб қолдим, тузалиб, ўрнимдан туриб кетган пайтимда, Вобкентдаги болалар уйи тугатилган, унинг тарбияланувчилари Бухородаги 5-сон болалар уйи-

га ўтказилган эди. Мен акам Феликс билан биргаликда 1946 йилга қадар шу ерда истиқомат қилдик:

Бу болалар уйининг биносини эслайман. Атроф пахса девор билан ўраб олинган, биз турадиган бино бир-биридан кафтдек-кафтдек ҳовличалар ва йўлақлар билан ажратилганди. (Ҳозир бу бино Держинский кўчасида қайта тикланган, унда область ёш техниклар уйи жойлашган — Г. М.). Болалар уйига Хаммер мудирлик қиларди. Пани Натансон жуда меҳрибон аёл бўлиб, менинг мураббиям эди. Польшага қайтиб келганимизда менга шундай деган эди: «Эсингда бўлсин, Крися, бирон нарсага зориқиб қолсанг агар, ҳамма вақт менга мурожаат қилгин». Кейин у ўзининг Лодздаги адресини қолдирди.

Бухорода бизларга ёрдам кўрсатадиган поляк ташкилоти мавжуд эди, чунончи, у кийим-кечак улашарди. Метек Плохеcki ўша ерда ишларди, у ўзбекчани яхши биларди. Ҳозир у Ольштинда истиқомат қилади. Шунингдек Бухорода ўн йиллик поляк мактаби ишлаб турарди. Унинг асосий ўқитувчилари Вильнюс университети профессорларидан иборат эди. Мен ўқитувчи пани Вихневскани шу пайтгача ҳурмат билан эслаб юраман. Зеро Бухоро мактаби ўқитувчиларининг ҳаммаси ҳақида ажойиб хотиралар сақланиб қолган. Улар бизларга муомала қилишни билишар, ўзларининг чуқур билимлари билан ўқув-ўқитув ишини юсак даражага кўтарган эдилар. Бунинг исботи учун шунга айтишим мумкинки, Бухородаги 5-синф маълумоти билан ватанга қайтиб келиб, мен бирдан 7-синфда ўқий бошладим.

Ўқитувчиларимиз томонидан Мицкевичга бағишлаб ташкил этилган кеча яхши эсимда қолган. Шаҳар маъмурлари маҳаллий театр биносини тез-тез бизнинг ихтиёримизга бериб туришар, биз у ерда томоша кўрсатардик: болалар уйида бадий ҳаваскорлик тўғараги мавжуд эди. Биз яккахон ва хор бўлиб ашулалар айтар, декламация қилар, краковякка, полонезга рақс тушардик. Мен ҳам буларда қатнашардим.

Бухорода, шунингдек поляк ватанпарварлари союзининг бўлими ишлаб турарди. Мен «Коло молодых» жамиятининг аъзолик билетини ўша йиллардан хотира сифатида ҳамон сақлаб келаман. Бухородаги поляк ватанпарварлари союзининг хизмати ижтимоий ҳамда маданий фаолиятни ривожлантиришдан иборат бўлганди.

Ғалаба куни бир умрга эсимда қолган. Бухоронинг марказий майдонида митинг бўлди. Ҳамма шоду ҳуррам. Биз Ватанга қайтиш оларини кутардик.

Бу 1946 йил май ойида юз берди.

Бизларни Брестдан Гостининга олиб боришди, тақсимловчи болалар уйи ўша ерда эди. У ердан акам билан мени Острудзадаги болалар уйига йўллашди. Мен умумтаълим мактабини битирдим. кейин бичув-тикув курсида, сўнгра Ольштиндаги медҳамширалар мактабида ўқидим. Касалхонада, кўз касаллари бўлимида, турмушга чиққанимдан кейин эса болалар яслисида ишладим. Энди унга мудирлик қиялпман. Қизим уйлик-жойлик бўлган, невараларим бор. Акам қурувчи-инженер, воевод бошқармасида ишлайди.

Қизларимдан биттаси билан Бухорога боришни орзу қиламан. У ва бошқа фарзандларим ўзбек халқи оғир уруш йилларида бизларга қандай ғамхўрликлар кўрсатганини кўриб, билиб қўйсин, эсида сақласин дейман.

Радомдан келган мактуб:

«Менинг исм-фамилиям Сабина Кисель, қизлик пайтимдагиси эса Михальска. Мен 1927 йил 10 октябрида, Волен область, Лук

район, почта Сокул, Навуз қишлоғида туғилганман. Отам 1939 йил сентябрда ҳалок бўлган.

1941 йилнинг ўрталарида онам, ака-укаларим ва опа-сингилларим билан Бухоро яқинидаги Ромитонга бориб қолдик...

Онам бизларни болалар уйига жойлаштириб, ўзи Бухорога жўнаб кетди, у ерга боргач, касалхонага ётди. Шундан кейин биз уни бошқа кўрмадик.

Орадан бирмунча вақт ўтгач, мени Бухородаги бошқа уйга кўчиришди, кейин эса ўн олти ёшга тўлганлигим туфайли колхозга ишга юборишди, уни «Тажриба даласи» деб аталарди.

1943-44 йилларда бу колхозда Польшадан келган қизлардан саккизтаси ишларди. Ҳаммаси тенгдошларим. Ҳаммамиз болалар уйлари-дан келгандик. Улардан баъзиларини ҳозир ҳам эслайман. Жумладан, Ирэна Краеска, Янина Гжодзель 1946 йилда ватанга бирга қайтиб келган эдик. Хан, иккита Янка ва Розалияларнинг кейинги тақдири нима бўлди — хабарим йўқ.

Мен колхозда астойдил ишладим, илғор сифатида тез-тез мақтаб туришарди. Колхоз тадқиқотчилик колхози бўлиб, Иван Павлович раҳбарлик қиларди, унинг фамилияси, шунингдек лаборантка Татьяна Николаевна ҳамда агроном Николай Николаевичларнинг ҳам фамилиялари эсимдан чиқиб қолган. Уларнинг яхшиликларини миннатдорлик ҳислари билан хотирлайман. Бу одамларнинг бизга жуда кўп ёрдамлари теккан, улар кўнглимизни кўтаришган, меҳрибонлик қилишган. Мен уларни излаб топиб, ўша яхшиликлари учун самимий миннатдорчилигимни изҳор қилгим келади. Ахир, улар ҳали барҳаёт бўлишлари керак, мен билан бирга турадиган Зоя мени эслар, бирга ишлайдиган бошқа ўртоқларим ҳам унутиб юборишмагандир. Шодлигимизни ҳам, қайғумизни ҳам улар билан ўртада баҳам кўрардик, ахир!

1946 йил баҳорида Совет ҳокимияти транспорт ташкил қилди, унга Бухоро атрофидаги барча полякларни йиғиб ўтқазди ва биз Польша томон жўнаб кетдик. Чегарада Совет ҳукумати поляклар тушган бутун транспортни поляк ҳукуматига топширди. Мен қайтиб келганимда ўн саккиз ёшда эдим.

Дастлабки пайтда Зеленогур воеводлигига қарашли Сулеков шаҳарида яшадим. Кейин Радомда амакимни (отамнинг акаси) топиб олдим. У мени ўз фарзандидай қабул қилди. Шу тариқа мен Радомда ўрнашиб қолдим, эрга тегдим, ҳозир фарзандларим, набираларим бор.

Ўша узоқ ўтмишдан менда на бирон бир ҳужжат, на фотосурат сақланиб қолган. Фақат хотирларимгина, одамлари ҳар қадамимизда меҳр-шафқат кўрсатадиган, уруш йилларидаги сўнгги бурда нонларини биз билан баҳам кўрган, қўлларидан келгани қадар бизга ёрдам берган, ўз бошпанасига қабул қилган, худди ўз ака-укаси ва опа-сингилсидай муносабатда бўлган ажойиб юрт ҳақидаги хотираларгина сақланиб қолган. Буни мен бир умрга унутмайман».

Пулвадан келган яна битта хат.

«Урушнинг оғир йилларида меҳмондўст Ўзбекистон осмони остидан паноҳ, меҳр-оқибат, ризқ-рўз топган поляк болалари учун ватандошларингиз қилган яхшиликларни биз ҳеч қачон унутмаймиз.

Г. Кендзерская».

Миннатдорлик ҳислари билан йўғрилган бундай ҳаяжонли хатларнинг охири йўқ, улар ҳамон келиб турибди.

Уйга

Халқ ва жамият тақдири — улкан тарих — конкрет ҳамда хусусий инсоний тақдирда, уни озодлик ва бахт нури билан ёритиб ёки ғам-алам зулматига узоқ йиллар мубтало қилиб намоён бўлади.

Волгадаги, Курск ярим доирасидаги улкан ғалабалар — буюк халқ тарихидаги бурилиш онлари — бу қиссанинг тилга олинган мингдан, балки ўн мингдан бир қаҳрамонлари — етимлар тақдирида бурилиш ясаган воқеалар бўлиб қолди. Бу ғалабаларнинг шарофати билан Тошкент вокзалидаги, вокзал майдонидаги манзара бутунлай ўзгариб кетди. Ғарбдан азобдийда қочоқларни ортиб келаётган эшелонлар, энди келмай қўйди. Оқим тўхтади, охири тугади.

ЎзССР МХК
639-СОНЛИ БУЙРУҚ

Тошкент шаҳри.

1943 йил 1 август.

Болалар марказий эвакуация пунктининг иш ҳажми ва характери ўзгарганлиги муносабати билан унинг иши юзасидан янги қоида ишлаб чиқилсин.

Ҳа, урушнинг дастлабки йилларида миқёси жиҳатидан ниҳоятда улкан ва бағоят даражада савобли ва инсонпарварлик ишларини амалга оширган, болаликни асраб қолиш хизматининг чинакамига илғор отряди бўлиб қолган Болалар марказий эвакуацион пункти ўз вазифасини адо этиб бўлган эди. Энди унинг олдида бошқа вазифалар кўндаланг турар ва шунга биноан унинг ташкилий шакли ўзгариши лозим бўлиб қолган эди.

ЎзССР ХКС
1904-СОНЛИ ҚАРОР

Тошкент шаҳри.

1943 йил 29 декабрь.

ЎзССР Маориф Халқ комиссарлиги қошидаги Болалар марказий эвакуацион пунктини ЎзССР Маориф Халқ комиссарлиги қошидаги болаларни қабул қилиш ва жўнатиш бўйича Марказий пунктга айлантирилсин.

ЎзССР Маориф Халқ комиссарлигининг болаларни қабул қилиш ҳамда жўнатиш бўйича Марказий пунктнинг тартиб-қоидалари тасдиқлансин.

Эвакуация қилиб олиб келинган етим, ота-оналарини йўқотиб қўйган болалар ва ўсмирларни қутқариш бўйича Ўзбекистон эпопеясининг янги босқичи, шонли тарихнинг сўнгги босқичи ана шу тариқа бошланиб кетди.

ЎзССР ХКС нинг қарорига мувофиқ ЎзССР МХК вокзалдаги солиқ Болалар марказий эвакуацион пунктини, энди у ерда туришига ҳожат қолмаганлиги учун, Жуковский кўчасидаги 70-уйга кўчиради. Янги пунктга Анастасия Ильинична Авдеева директор қилиб тайинланади. Унинг бутун иш фаолиятида Ўзбекистон республикаси ХКС томонидан маъқулланган ҳамда тасдиқланган тартиб-қоида қўлланма бўлиб қолади.

БОЛАЛАР УЙЛАРИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИНИ ВАТАНЛАРИГА ЖЎНАТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

1. Болаларни бошқа республикалардаги ота-оналари ёки қариндошлари ҳузурига жўнатиш фақат ЎзССР МХК қошидаги Болаларни қабул қилиш ва жўнатиш Марказий пункти орқали олиб борилсин.

2. Тошкентгача гўдакни махсус ажратилган мураббий кузатиб келиши лозим. У болани Марказий пунктга топширилганлиги ҳақида тилхат олади ва уни болалар уйига олиб бориб топширади. Бу тилхат ота-онасига қайтарилган боланинг шахсий делосида сақланади.

3. Болани отаси ёки онаси қўлига топшираётганда улардан тасдиқланган формада тилхат талаб қилиш зарур. Болани ота-она олдига қариндоши ёки ишончли кишиси орқали жўнатиш учун уларга топширилаётган пайтда улардан ишонч қоғози талаб қилиш шарт.

4. Ота-онасига топширилаётган тарбияланувчига болалар уйи шу нарсаларни беришга мажбур:

- а) туғилиш гувоҳномаси, агар бунақаси бўлмаса медэкспертизанинг унинг ёши ҳақидаги справкиси;
- б) дарсларини ўзлаштириши бўйича табель;
- в) соғлиги тўғрисида справка;
- г) сўнгги чорақ юзасидан педагогик характеристика;
- д) овқат рўйхатидан чиқарилганлиги ҳақида справка.

5. Болалар уйи гўдакни у қаёққа кетаётганлигига қараб, мавсумга мос равишда кийинтиришга мажбур. Агар гўдак шимолий районларга кетаётган бўлса, бир йиллик қишки кийим билан таъминланиши шарт.

Ота-онаси ҳузурига қайтиб кетаётган фронтчиларнинг болаларига барча мавсумларда уларга беркитилган кийим-боши берилсин.

6. Болалар уйи тарбияланувчисини сафар карточкаси ва борадиган манзилининг узоқ-яқинига қараб 10—30 кунлик озиқ-овқат билан таъмин этиш лозим.

Шундай қилиб, тўлқин орқага қараб юз тутди.

Уруш бошларида йўқолиб қолган бола соғ-омон, палон болалар уйи, колхоз, ўқув юрти, завод, яхши одамларнинг тарбиясида эканлигини тириқ қолган ота-оналар ёки қариндош-уруғлар Болалар Марказий адрес столи орқали билиб қизгин миннатдорчилик сўзлари билан тўлиб-тошган хатлар, телеграммалар ёғдириб, фарзандларини сабрсизлик билан кутаётганликларини изҳор қилар эдилар. Бу битта-иккита ҳодиса эмасди. МХК нинг буйруқлар дафтаридан атиги бир неча кўчирма келтираман.

**УзССР МАОРИФ ХАЛҚ КОМИССАРЛИГИ
БОЛАЛАР УЙЛАРИ БОШҚАРМАСИНИНГ
БОШЛИГИГА
РАПОРТ**

Кўк йўталини ҳозир касалхонада даволатаётган Вова Сапожников учун мен рухсатнома олдим. Биз Сапожников Вовани Москвага, Москва шаҳар, 41, Большая Переяславская, 47, квартира —2 да турадиган буvasи С. Т. Сапожниковнинг ҳузурига жўнатиб юборишимиз лозим, ундан ариза келган. Юқорида кўрсатилган адресга Сапожников Вовани кузатиб бориш учун МХК ходими А. Д. Татаровни командировка қилишга рухсат этишингизни сўрайман.

**Болаларни қабул қилиш ва жўнатиш марказий пункти бошлиғи
А. Авдеева.**

Бу рапорт муносабати билан МХКнинг 1944 йил 19 майдаги қарори юзага келди.

«Сапожников Вовани, ёши олтида, Москвадаги буvasининг яшаш жойига кузатиб қўйиш учун 129-сонли мактаб ходими А. Д. Татаровни кузатувчи сифатида командировка қилинсин».

Бунга ўхшаш буйруқлар кўп бўлган.

1944 йил 23 май № 493: «Гўдак Марик Гурарини, ёши олтида, Иваново шаҳрида турадиган буvasи Плицескийникига кузатиб қўйиш учун 2-сонли болалар уйи мураббияси М. А. Фальшинани кузатувчи сифатида командировка қилинсин».

Шунингдек бошқа шаҳарларга ҳам маориф ходимлари гўдакларни кузатиб бориб, тегишли одамга топшириб келганлар.

Болалар уйларининг тарбияланувчилари ва тарбиялаш учун олинган болакайлар юртларига қайтишарди. Болалар уйлари бутун состави билан қайтиб кетишмоқда эди.

1945 йил 6 август 729-сон буйруқ:

«Қрим АССР МХК нинг Тошкентдаги 7-сон болалар уйини Симферополь шаҳрига кўчириб юбориш ҳақидаги телеграф орқали қилган сўровига кўра Тошкент шаҳар маориф бўлими мудирининг ўрт. Тожиевага Тошкентдаги 7-сон болалар уйини кийим-кечак, бир ойга етарли озиқ-овқат ҳамда йўлда вагонларни олиб бориш учун маблағ билан таъминланган ҳолда Қрим АССР Симферополь шаҳрига кўчиришни буюрман».

1945 йил 14 июлдаги 632-сонли буйруқ билан Ўзбекистонда бир варакайига 11 та украин болалар уйи (бештаси Андижон областидан, икkitаси Қашқадарёдан, икkitаси Намангандан, биттаси Самарқанддан, биттаси Фарғонадан) келган ерига эвакуация қилинади.

Бироқ одатда архив иши болани ота-онаси, қариндош-уруғи ёки ишончли одамига олиб бориб берилганлиги ҳақидаги тилхат, бутун бир болалар уйини рўйхат бўйича топшириш ва қабул қилиб олиш ҳақидаги актлар билан ёпилмайди, унинг охириги саҳифаларини қизгин, ҳаяжонли тўғулар ифодаси бегаб туради.

«Сидқидилдан ташаккур айтамыз. Марик Гурарини омон-эсон топширишди. Плицескийлар»

«...Урушда биз бошимиздан кўп қаттиқ кунларни кечирдик. Ниҳоят уйимизга қайтадиган нурафшон кунга етдик. Сизларнинг меҳр-оқибатларингиз учун, ҳаётимизни сақлаб қолганларингиз учун раҳмат!»

7-сон Симферополь болалар уйи талабалари».

«Сизлар онлалари бағрига қайтарган минглаб болалар сизларни бир умрга энг яхши сўзлар билан эслаб юрадилар, сизларга энг улкан даражадаги бахт-саодат тилайдилар. Яна латиш бўлиб қолган собиқ ўзбеклар».

Узоқ шимолдан, Ватан уруши инвалиди, Тошкентдаги 14-сон Рогин болалар уйи инженеридан келган хат.

«Азиз, менга нотаниш совет кишилари! Икки йил олдин қамалдаги оч Ленинграддан Сизларнинг ҳузурингизга менинг болаларим — Миша билан Кира оч, яланғоч, яланғоёқ, касал ҳолда боришган эди. Сизлар уларни даволадингиз, ювиб-тарадингиз, қоринларини тўйдириб, кийинтириб, меҳрибонлик кўрсатиб, кўнгилларини кўтардингиз. Сизлар болаларимни менга асраб бердингиз. Икки йил давомида уларга ота-оналик қилдингиз. Ҳозир биз ҳаммамиз биргамиз. Сизларнинг болалар уйи ходимларингизга, Ўзбек республикасининг бутун халқига кўнглимизда миннатдорчилигимизни доимо сақлаймиз».

Қўтқариб қолинган болалар, уларнинг ота-оналари, яқин қариндош-уруғлари ўша пайтда, шундай деб ёзган эдилар. Лекин мана, орадан йиллар ўтди.

1949 йилда Хабаровск транспорт институтининг талабаси Соня Делико уруш йилларида тарбияланган, улғайган 8-сон Тошкент болалар уйига шундай деб ёзади:

«Қимматли Ойша Ҳамидовна! Мен Тошкентдан чиқиб кетганимдан буён беш йил ўтиб кетди, лекин Сизни, Машруфа Ҳўжаевнани, ажойиб болалар уйимизнинг барча мураббийларини ҳурмат-эҳтиром, миннатдорлик билан эслайман. Менга берган тарбиянгиз учун Сиздан жуда-жуда миннатдорман. Болалар уйи ҳаётимда катта роль ўйнади: у мени ҳаётга йўллади, меҳнатга, ўз халқимга, севикли Ватанимизга муҳаббатни сингирди. Сиз бизларга кўрсатган она меҳрини ҳеч қачон унутмайман...»

Шундан яна уч йил кейин Соня Ленинграддан ёзади:

«Салом қимматли Ойша Ҳамидовна! Мени табрикланг — институтни битирдим, энди инженер-электрикман. Дарё флоти министрлигига қарашли лойиҳалаш институтида ишляпман. Ишимдан мамнунман, қолган ҳамма ишларим ҳам яхши.

Мен бизнинг болалар уйимизни ҳамisha меҳр-муҳаббат билан эслайман, оғир уруш йилларида мени бағрига олганлиги учунгина эмас (бу ўз-ўзидан аён), балки у ҳаётимда юрагимга жуда яқин бўлиб қолган ва ундаги энг асосий нарсани белгиллаган...».

Орадан яна ўн тўрт йил ўтди, 1966 йил 27 апрелда, Тошкент зилзиласининг эртаси куни собиқ 8-сон болалар уйининг мураббияси Машруфа Ҳўжаева номига телеграмма келди:

«Шаҳарингиз бошига тушган фалокат туфайли сизга ҳамдардлик билдираман тчк Соғ-омон бўлишингизни тилайман зпт хавотирдаман — Соня».

Бунақа телеграммалар, ҳаяжонли мактублар, телефон қўнғироқлари юзлаб ва минглаб келган эди ўша кунларда.

«Шаҳарингиз бошига мусибат тушди. Ҳозир сизларда балким болаларни қаерга жойлаштириш катта муаммо бўлса керак. Одамлар чодирларда яшашаётган бўлса, шаҳарни қишгача қуриб бўлмаса ахир. Ўз-ўзидан аёнки, мактаблар, болалар боғчалари ҳам вайрон бўлган бўлса керак. Биз битта гўдакни ўзимизга олишимиз мумкин. Унга нима беришимиз мумкин? Бизнинг барча қулайлиқлари билан икки хонали квартирамиз бор. Унинг оиласига квартира бергунларигача бизникида яшаб тураверади. Биз ҳеч қанақа талаб қўймаймиз, гўдак ўзбекми, русми, украинми, қозоқми — бизга бари бир.

Нега бундай таклиф қилаётганимизнинг сабабини сўрайсизми? Болалигимизни поймол қилган оғир уруш. Ушанда одамлар бизга ёрдам қўлларини чўзган эдилар, энди, афтидан, бизнинг навбатимиз келганга ўхшайди.

Харьков шаҳри.

Юрий Викторович Ланда-Луницкий».

Шунга ўхшаш хат Таганрогдан ҳам келган:

«Урушда Тошкент менга бошпана берди. Энди ҳар қандай ишда ишлашга тайёрман. Қаттиқ илтимос қилиб сўрайман. Сизларга, албатта, талай хатлар келади, лекин меникига эътибор беришингизни сўрайман: менга иш беринглар. В. Гусев».

Ленинградлик қурувчи Олег Кожемякин Тошкент вокзалига қадам қўйиб, шундай деган эди:

— Тошкентда мен бегона эмасман. Ўзбекистон менинг иккинчи ватаним бўлади. Урушнинг энг мушкул йилларида таълим-тарбия олдим, яшадим ва меҳнат қилдим. Тошкентлик дўстларим бошига тушган қулфат менинг ҳам қулфатимдир. Виждон ҳамда қардошлик бурчи мени йўлга чорлади.

Ҳа, тошкентликлар бошига тушган оғир қулфат одамлар хотираси ва туйғусини янги куч билан қўзғаб юборади, уларга бир вақтлар кўрган яхшиликларини бутун тўлалиги билан қайтариш имконини бе-

ради. Шунинг учун ҳам ўша хатларнинг барчасида ўзларининг собиқ халоскорлари, бир вақтлари она, ота, маънавий ота деб аталган одамларга нисбатан қайноқ туйғулари орадан йиллар ўтиб кетганига қарамай, совумаганлиги, эскирмаганлиги яққол сезилиб туради.

«Мен ҳаммаси учун, ҳатто ўз исми учун сизларга бурчли эканлигимни ҳеч қачон унутмайман,— деб ёзади Самарқанддаги 3-сон болалар уйининг собиқ тарбияланувчиларидан бири, ҳозир энг моҳир токаръ — асбобсоз.— Кейин, катта бўлганимда, эшитганимга кўра, мени, оч, афт-башарамга қараган одам кўрқадиган ҳолда болалар уйига олиб келишганида, кимдир: «Унинг оти нима?» деб сўрайди. Ёнимдан чиққан қоғозга, Рекс Комсомольский, деб ёзиб қўйилган эди. Қизиқ исм. Буни ким қўйган? «Нимасини сўрайсиз,— дея изоҳ беришди бошқалар,— кучук бўлага ўхшас уйи йўқ. Комсомол кўли олдидан топиб олганимиз учун Комсомольский. Демак, яшаш жойидан олинган». Ўша куни менга Григорий деган исм қўйишади. Ҳозир ҳам шу исм билан аталаман».

Херсонлик бошқа Григорий эса яқинда болалар уйига телеграмма юборибди:

«Самарқанд 3-сон болалар уйи Аванесовага Жума куни радиони эшитинглар 19, 15 да менинг концертим бўлади. У сизга бағишланади тчк»

Вақтнинг совутадиған таъсирига қарамай, хотира ва туйғу яшайди. Улар уруш туфайли ҳамма нарчасидан жудо бўлган гўдакларга меҳр-шафқат кўрсатган, уларнинг пешонасини силаган, ғамхўрлик қилган одамларга қайтади. Лекин шунга эътибор берингким, ўша меҳр-шафқат, ғамхўрлик, самимийликни мерос сифатида абадий сақлаб қолганлар, энди бу одамларнинг ўзлари катта бўлганларида атрофларидагиларга саҳийлик билан меҳр-шафқат кўрсатадилар. Бу ҳолат ҳис-туйғунинг занжирли реакциясига ўхшайди.

«Урушнинг дастлабки ёзида Киевдан олиб келишган мени. Ушанда — гўдак эдим. Ўзбекистоннинг меҳр-шафқати, марҳамати шарофати билан омон қолганман. Бизларни қутқариб қолишда қатнашганларнинг барчасига айтингларким, биз уларнинг яхшиликларини ҳеч қачон унутмаймиз. Бу яхшиликлар бизларга сингиб кетган, уни биз бугунги куннинг болаларига беиннат бахшида қиламиз» — деб ёзади «Тажриба заводининг» инженер-технологи Григорий Михайлович Шорохов.

Яхши уругдан яхши бошоқ ҳосил бўлади. Ёшлик пайтида Киев болалар уйининг тарбияланувчиси бўлган, Андижон областидаги Кампиравот ўшиноғига эвакуация қилинган, ҳозир Донецк областидаги Украинска шаҳаридаги «Стройдеталь» заводининг моторчиси Нина Николаевна Пидкова ўзининг қисқа хатида шундай деб хабар қилади:

«...Менинг эрим — Михаил Иванович шахтада проходчи бўлиб ишлайди. Ўғлимиз ўсмоқда, уни биз гўдаклар уйдан олганмиз. Бир вақтлари яхши одамлар менга ҳам худди шундай меҳрибонлик қилган эдилар. Энди яхшилик қилиш менинг навбатим».

Китобнинг биринчи қисми чиққандан кейин келган яна иккита хатни келтираман.

Ленинграддан, журналист Борис Александрович Толчинский ёзади:

«...Мен урушда жанг қилардим, шунинг учун ҳам Сиз бизларга ҳикоя қилиб берган нарсаларнинг тафсилотидан беҳабар эдим. Бу инсонпарварликнинг буюк ақтини бутун халқ билиши лозим. Гап афсонавий қалб соҳиблари бўлган заҳматкашлар муқофотланган ё муқофотланмаганида эмас (уларни минглаб одамлар эсларида сақлаб қол-

ганлар, улар тўғрисида болаларга, набираларга гапириб беришган), лекин қутқариб қолинган болалар ҳамда уларнинг халоскорлари шарафига Тошкентнинг марказида монумент ўрнатилса яхши бўлур эди. Совет кишилари саховати, олижаноблигининг рамзи бўлган бу ҳайкал қурилиши фондига ўз улушимни қувонч билан юбораман».

Буниси Одессадан:

«...Мен ўзининг олижаноблиги ва саховати билан уруш йилларида совет болаларининг бутун бир авлодини асраб қолган Ўзбекистон халқи олдида мўсафид бошимни эгиб таъзим қиламан. Кичик ёшдаги болалари билан Одессадан олиб чиқиб кетилган менинг онам ва опам улар сингари минглаб кишилар қатори у ердагилар томонидан худди туғишганларидай кутиб олинганлар. Биз бу интернационалист халқнинг улуғворлигини, олижаноблигини, қалб саховатини бронза ёки гранит тошда абадийлаштиришни сўраймиз.

Мочулко Даниил Семенович,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси».

ХУЛОСА УРНИДА БИР ОҒИЗ

Қисса тугади. Китоб устида ишлаган йиллар мобайнида мен билан ака-ука, опа-сингилдай бўлиб қолган аслида бор бу қахрамонларим билан ажрашиш мен учун осон эмаслигини, ростини айтадиган бўлинса, ҳатто қайғули эканини энди сиз тушунасиз.

Лекин хайрлашишдан олдин мени ўша узоқ ўтмишга, қайғули воқеалар ичига, яхшилик, ҳамда саховат, инсонпарварлик, интернационализм нури билан йўрилган оламга бошлаб кирган кишиларнинг барчасига ўз миннатдорчилигимни изҳор қилишим лозим. Бу оламга мени жуда кўп ажойиб йўлбошчилар қўлимдан етаклаб олиб қирди, айлантириб уни кўрсатди.

Шунингдек мен ўша эпопеянинг бошқа қахрамонларининг, гарчи улар мен тасвирлаган воқеа-ҳодисаларда ўрни билан роль ўйнаган бўлсалар ҳам, китобда уларнинг номлари адолат юзасидан тилга олиниши керак бўлса ҳам, номларини эслаб ўтмаганим учун уларнинг ҳаммасидан узр сўрашим лозим.

Мен билмаганим учун номларини атамаганим фронт орқасининг номаълум солдатларига ўз узримни изҳор этаман. Эл бошига иш тушган пайтда сўнги бурда нонини ҳамма нарсасидан мосуво этилган етимлар билан баҳам кўрган, уйдан жой берган, охириги кўйлагини тақдим этган, юрак қўрини бағишлаганлар кўп, жуда кўп бўлган.

Лекин кўнгилга шу нарса таскин берадики, уларнинг меҳнатлари, эҳсонлари бекорга кетмади, ўзларидан кечиб улар қутқариб қолган болалар баланд дид, олижаноб ҳис-туйғу соҳиблари, хулқи хуш одамлар бўлиб етишдилар, улар бир вақтлари халоскорлари томонидан ўзларига сингдирилган барча яхши фазилатларни ер юзиде кўпайтирадилар, келажакка элтадилар.

Номларини айтмаган, номаълум бўлиб қолган кўп қахрамонларни ўйлаганимда, муаллифининг номи йўқ бўлган қўшиқ — халқ қўшиғи, номсиз қахрамонлар томонидан кўрсатилган жасорат — халқ жасорати, дейману, кўнглим таскин топади.

Гулчеҳра Жўраева

Денгиз — худди менинг ўзимдир

Денгиз менинг мовий
кўзимдир,
Денгиз менинг худди ўзимдир.

Теран денгиз бағримдай улкан,
Оппоқ бахтдай борар оқ елкан.

Осудалик қилар тантана.
Бош кўтарди бирдан пўртана.

Нимадандир чекди изтироб,
Кўз ёшлари аччиқ намакоб.

Соҳилидан тошди кўпириб,
Ўрмонзорга чопди бўкириб.

Оқ қайинлар чўмилиб олди,
Танасидан ғубор йўқолди.

Денгиз менинг худди ўзимдир,
Денгиз худди феруз кўзимдир:

Қорачигим — сурмаранг елкан,
Олам узра у сузар экан,

Гоҳо сокин, гоҳо ғалаён
Вужудимда кўтарса туғён,

Асабларим чақмоқ чаққанда,
Сувилондай алам чаққанда,

Қирғоқлардан ошиб кетар ёш,
Ёноқларга тошиб кетар ёш.

Денгиз менинг тиниқ кўзимдир,
Денгиз менинг худди ўзимдир.

Киприкларим — қайинзордай зич,
Шабнамларда ялтирар севинч.

Юрагимда тошқин туйғулар
Қувончимдан кўкка улғаяр.

Қалбга яна сиғмас ҳаяжон,
Кўзларимдан тўкилар маржон.

Ялтирайди мисли жавоҳир,
У табассум — ҳисга жаҳондир.

Денгиз менинг равшан кўзимдир,
Денгиз менинг шўх-шан ўзимдир.

ЧИММАТ

Сен ҳақингда ёзмоқ орийат, гуноҳ,
Эслаганда барча кирдикорингни.
Оналар эркини этиб гунг, гумроҳ,
Бир ямлаб ютгандинг унда борини.

Лек мовий осмондай пок эди бағри
Юлдузи, қамари, қуёши билан.
Чақмоқдай чақнарди қамчиндай қаҳри,
Наҳора, сен ундан келгандинг баланд.

Тарих олдида сен қоп-қора кўмир,
Қора панжаранинг қаърида қолдинг.

Аёлнинг дилида, ҳам юзида нур,
Кўршапалакдек зулматга йўқолдинг.

Бугун мен нечундир эслаб бадбахтни,
Юрагимга солиб, маҳзун ўй сурдим...
Эрким ҳукм қилган ўша чимматни
Баъзи кимсаларнинг қалбида кўрдим...

Низомийни ўқиб...

Низомий қалбига бошладим сафар;
Марварид сўзлардан ёнди камалак.
Товланиб очилди беш тилсим, фалак,
Беш қитъа, беш қирра — беш буюк асар.

Инсон бардошидан унда харсанг, тоғ,
Аччиқ кўз ёшидир дарё — камари.
Осмонни булутга бўябди фироқ,
Қайдасан, висолнинг шамсу камари?!

Муҳаббат қасрининг чодрасин очдим,
Аламнок лозазор эди тугунча.
Не афсус, нур эмас, қора қон сочди
Ширин қисматида тугилган гунча.

Садоқат рангида вафо ҳам сабр,
Лайлининг оқарган мажнунтол сочи.
Мағрур ястанарди саҳройи Кабир,
Қайсининг кўзларига олса қум сочиб...

Қабоҳат, разолат ниқобин йиртиб,
Инсон ўз юрагин берар ўлимга.
Адолат ҳукмини машъала этиб,
Келажак авлоднинг тутди қўлига.

Инсон қалб куррасин кездим беармон,
Дўстлик денгизидан жилгим келмади.
Сайр этар ўзбек ҳам, озар ҳам, арман
Ганжавий ясаган битта кемада.

Ақл оламининг теран раҳида,
Ғазал соҳилида чуқур ўй сурдим.
Сатрлар туташган ул чорраҳада
Низомий, Навоий сиймосин кўрдим.

Кўзингни олиб қочма

Кўзингни олиб қочма, кўзинг менга кўзгудир,
Юракдаги дардингни кўзларингдан сезгумдир.

Нигоҳинг ўтлиғ бўлса, сўзларингга ҳожат йўқ,
Кўзлар ёлғон сўзласа, юрагингда журъат йўқ.

Севги сўзсиз қўшиқдир, сўз қидирма ўзингга,
Садоқат ошкорида етолмас у кўзингга.

Сабр косаси худди тубсиз бир олтин кўза,
Сабр косаси синса, унсиз йиғлайди кўзлар.

Кўзларинг сўник эрса, мағрур бошинг бўлур хам,
Кўзлар ўзи сўзлайди, сўзларинг эса мулзам.

Кўзингни олиб қочма, кўзинг менга кўзгудир,
Юракдаги дардингни кўзларингдан сезгумдир.

□

Тош десам у тош эмас,
Тош бўлиб тош отмайди.
Темир десам темирмас,
Юрагингга ботмайди.
Ханжар десам ханжармас,
Тириклайин тилмайди.
Олов десам оловмас,
Куйдириб кул қилмайди.
Оғу десам оғумас,
Бўғзингга тиқилмайди.
Десам: безанжир қафас,
Жон олишни билмайди.
У бирдан отилган ўқ,
Кечирмас сўз — хатодир.
Оғир гапга бардош йўқ,
Унинг номи адодир.

Леонид Жариков

ДОВЮРАК ДУСТИМ КИССАСИ

АСАРДАН БОБЛАР

Русчадан Абдулазал ВАҲОБОВ
таржимаси.

Қизил лолалар

1

Бошимизга келиб қолди душман бўрони,
Эгмоқ бўлар бошимизни қора куч бу он.
Машъум душман билан жангга отландик
бизлар,
Энди кутар ўзга тақдир ва ўзга замон.

Мана, қиш, қировли-изғиринли кунлар ҳам ўтди. Посёлка этагидан бошланадиган поёнсиз чўлни қиш бўйи қоплаб ётган, завод ва шахта қурумидан сарғайиб кетган қорлар ҳам эриб тугади.

Сўлим баҳор кириб келди.

Тош коннинг тик ёнбағрида ёввойи тоғолчалар, хонадонларда ўрик, олхўри, олча каби дарахтлар чаман-чаман гуллаб, хушбўй ҳид тарата бошлади. Ҳали эрта баҳор бўлганидан дарё ёқасидаги томорқага экилган экинлар ердан униб чиқишга улгурмаганди. Қуюқ баргга бурканган настарин буталарида гул атридан маст бўлган читтак,

саъва ва бошқа қушлар тинимсиз сайрашади. Дарё томондан эса, худди уларга жўр бўлгандай, қурбақаларнинг қуриллаган овозлари кечаю кундуз тинмай эшитилиб туради. Чўл жуда гўзал бўлиб кетган, ҳеч қандай куч унинг йўлини тўса олмас эди.

Баҳор бизнинг хонадонимизга ҳам шодлик олиб келди — отам қайтди.

У бутун қишни иш қидириб, шахтама-шахта кезиш билан ўтказди, лекин бу саргардонликнинг ҳаммаси бефойда бўлиб чиқди. Отамга ўша «бўри паттани» тутқазишган кундан бошлаб уни ҳеч қайси ерда ишга олмадилар. Отам иш сўраб қаерга бормасин, унга: «Жўна. Яхшиси яна «Марсельёза»ни айтиб юравер. Сени ўша боқади», дейишармиш.

Шундай қилиб, отам сарсон-саргардон бўлиб, озиб-тўзиб, соқоллари ўсиб уйга қайтди. Эғнидаги камзули эскирган, оёғидаги этигига қараб бўлмайди, йиртилиб кетган. Агарда отам хонага кулиб кириб келмаганида, онам икковимиз уни танимаган бўлардик.

Отам совға олиб келмади. Мен унинг чўнтагини титкилаб, фақат жимитдаккина қалам, камзулининг астари ичидан эса «Россия социал-демократик ишчилар партияси» деб ёзилган бир даста қизил варақадан бошқа ҳеч нарса тополмадим. Секингина унинг бир донасини сугуриб олдим. Бу варақада қуйидаги мисралар ёзилган эди:

Сен рус шоҳи — бизнинг шоҳ,
Прусс мундири кийдинг гоҳ.
Сенинг министрларинг
Тўғри қўл эмас, эгри.
Барча сенаторларинг

Ичкиликхўр ва ўғри.
Хўжра адъютантлари
Аҳмоқ ҳамда олифта.
Узинг уч қақага тенг,
Ҳайвонсифат қолипда...

Давомини ўқиб улгуролмадим, отам кириб қолди. Мен варақани шошилинч жойига қўймоқчи бўлдим, камзул астарига қўлимни тиққанымча чалғиб қолдим.

— Ўғри қўлга тушди-ку. Сен нега бировнинг чўнтагини кавляяпсан?— деди отам хонага кириб келаркан, хушчақчақ. У жуда хурсанд кўринарди. Бизни соғиниб қолганлиги яққол сезилиб турарди.

— Ваъда қилган совға қани, олиб келмабсан-ку,— дедим худди хафа бўлган кишидай.

— Совғага яраша меҳнат қилиш лозим. Мана бу топишмоқни топсанг, албатта, совға оласан.

— Қайси топишмоқни?

— Бўлмасам эшит. Биринчи топишмоқ мана бундай: «Пўлат шамшир билан урсам тош қасрни, сачраб чиқиб, парга қўнар малика»...

Отам юзидаги кулги аломатларини яширишга уринди-да, чўнтагидан тамаки халтасини олиб, шошмасдан папирос ўради, кейин эса, чақмоқтошга пиликни қўйиб, пўлат билан бир-икки бор урди, чақмоқ чақилиб, пиликка учқун қўнди ва у тутай бошлади.

— Топдингми?— деди у тамакисини тутатаркан.

— Йўқ.

— Ишинг чатоқ... Майли, бўлмаса иккинчисини топа қол: «Бир ёғоч бор, у бутун Русь узра ётар, турса агар ўрнидан — боши осмонга тегар». Нима бу?

— Билмайман.

Таниқли ёзувчи Леонид Жариковнинг «Довюррак дўстим қиссаси» китоби совет адабиёти хазинасидан ўрин олган асарлардан бири.

Асарда Улуғ Октябрь революцияси, гражданлар уруши ва Совет ҳокимиятини ўрнатилган фаол қатнашган шахтёрлар шаҳарчасидаги ишчи ота ва болаларнинг тақдири ҳақида ҳикоя қилинади.

— Яхшилаб ўйлаб кўр.

— Ўйлаб кўрдим.

— Вой сени қара-ю, яна топқирмиш..

Отам нимчасининг чўнтагидан қоғозга ўроғлиқ бир бўлак қанд олиб, менга узатди-да:

— Ма... Топишмоқларим оддийгина эди. Биринчиси — чақмоқтош, пилик ва учқун. Иккинчиси — йўл. Россияда шунча йўллар борки, уларни на санаш ва на ўлчаш мумкин. Юрганинг билан охири кўринмайди. Ҳар бир одам ўзига бир йўлни танлаб олади-да, умрининг охиригача оғишмай шу йўлдан бораверади. Сенинг ҳам ўз йўлинг бўлади... — деди.

Худди отам менга ачинаётгандай, унинг овозида аллақандай гамгинлик сезилиб турарди. Отам, отагинам! Унга ўзимнинг ҳам раҳмим келарди, мен унинг қучоғига ёпишиб олдим ва жуда-жуда маза бўлди менга! Отам билан уйда бирга бўлишни ёқтирардим, лекин бундай дамлар жуда кам бўларди.

Ўша куни биз уйда, сарой орқасидаги майса устида ётдик, у менга узоқ-узоқ шаҳарлар, у ерларда яшаётган шахтёрларнинг ҳаёти тўғрисида сўзлаб берди.

Менинг бахтиёрлигим узоққа чўзилмади. Кечқурун бирданига миршаблар бостириб келишди. Биз эндигина кечки овқатга ўтирган эдик, эшик қарсиллатиб урилди. Отам камзулидаги қизил варақаларни чаққон олди-ю, қўл ювадиган идишга яшириб қўйди. Кейин эшикни очган эди, кулбамизга қиличларини шарақа-шуруқлатиб миршаблар кириб келишди. Остонадан биринчи бўлиб мундирида олтин тугмалари ярираб турган, қилич тақиб олган миршаббоши ўтди.

— Қўлингни кўтар! — буюрди у.

Отам қўлини кўтарди. Уни тинтий бошлашди. Ойим курсида, ўтирган жойида тошдай қотиб қолди.

Уч миршаб уйни тинтишга киришишди, кўрпа-ёстиқларни йиртиб текширишди, ҳаммаёқни пар босиб кетди. Миршаблар этиклари билан ўринга чиқиб, деворда осиглиқ санамларнинг орқасини ҳам ағдар-тўнтар қилиб кўришди. Кейин биттаси қўлидаги қиличи билан сандиқдаги кийимларни титкилаб кўрди. Миршаблар қўл ювадиган идишнинг ёнидан ўн марталаб ўтишди-ю, лекин уни очиб қараш ҳеч кимнинг эсида келмади. Тинтув бўлаётган пайтда ҳовлини одамлар босиб кетди, улар деразадан ичкарига мўралашарди. Миршаблар уларни ҳайдаб юборди.

Миршаббоши чарчади шекилли, курсига ўтирган эди, у синиб кетди.

— Ўтирадиган дурустроқ курсинг ҳам йўғ-у, сиёсатга аралашганингга ўлайми! — деди у жаҳл билан ходимларидан бири ёрдамида ердан ўзини кўтариб оларкан.

У қайтиб ўтирмади, тик турганича отамни сўроқлади:

— Петербургдан келган, Митяй лақабли бошлиқларинг қаерда?

— Бунақа одамни танимайман, — дея отам мушугимизни силамоқчи бўлган эди, миршаббоши мушукни тепиб юборди.

— Устинов, сен бизни лақиллатма, бари бир уни топамиз, ҳали сен кутузкада ўтиравериб жонингга тегиб кетади. Мен сенларнинг барча бошлиқларингни биламан: Преподобнийни ҳам, Митяйни ҳам, Богданни ҳам... Шунини яхши билиб қўй, тез орада уларнинг барини қўлга туширамиз.

Қўрқиб кетдим: подпольшиқлар отамни Богдан дейишарди. Миршаббоши билмас экан-да, бўлмаса уни шартта ушлаб: «Мана у, Богдан, ушланглар уни!», деб бақирган бўларди. Яхшиямки билмас экан. Қувониб кетдим!

Миршаббошининг сариқ, деярли қизгиш мўйлови икки лунжида

иккита қизил сабзидай осилиб ётарди, унга қарасанг, хунуклигидан кўнглинг беҳузур бўлиб кетади. Отам унинг сўроғига:

— Жаноб пристав, биз қаноти боғланган, ҳуқуқсиз ишчилармиз, ихтиёр ўзингизда, хоҳлаганингизни қилаверинг,— деб жавоб қайтарди қовоғини солиб.

Миршаббоши бармоғи билан столни урди-да:

— Эҳтиёт бўл, ҳали ўша қанотларингни чиндан ҳам боғлаб, ўзингни кишанлаб, Сибирга ҳайдаб қолишмасин яна,— деди. Кейин шошмасдан кулбани айланиб чиқди ва яна отамнинг ёнига қайтиб, унинг елкасига қўлини ташлади-да:— Устинов, сен яхши темирчисан. Сенга тенг келадиган уста темирчини бутун Россиядан ахтариб топиб бўлмайди, дейишди. Сиёсат билан шуғулланишни йиғиштирсанг бўларди. Ахир оиланг бор, қара, ўглинг қандай яхши-я. Бунақада унинг умрини хазон қиласан-ку. Бу ишингни қўй, худонинг бандалари каби ўз тирикчилигингни ўтказиб юравер. Сен тўғрингда Юз жаноблари билан ўзим гаплашаман, маошингни оширади, янги уй беради,— деди тилёғламалик билан.

Отам жойидан оғир қўзғалди-да:

— Пристав жаноблари, бу ерга нимага келдингиз ўзи? Тинтув ўтқазिशгами? Шундай экан, тинтинг,— деди.

Миршаббошининг жаҳли чиқиб кетди, эшикка қараб юрди: Остонада тўхтади ва дағдағали қиёфада қиличи дастасидан ушлаб:

— Эртанги кун тўғрисида огоҳлантириб қўймоқчиман: ҳеч ким уйдан чиқмайди. Сизларнинг ўйлаётганингиз амалга ошмайди. Ўз дўстларингга шундай деб қўй,— деди.

Отам миршаблар чиқиб кетган эшикни занжирлади-да, қўл ювадиган идишдан ҳалиги сирли варақларни олди.

Онам, миршаблардан қўрқиб кетганидан, уйни йиғиштиришга ҳам холи келмади. Биз алғов-далғов бўлиб ётган буюмларга қарамай, ўринга ётдик. Отам билан онам шивирлашиб гаплашишарди.

Мен онамнинг, «Кимга қарши курашмоқчи бўлаётибсизлар, ўзинг бир ўйлаб кўр! Подшоҳ ҳаммамизни ҳам ҳароб қилади», деган сўзларини эшитиб ётдим. Отам унга жавобан: «Бўлмаган гап, халқ — булутга ўхшайди, у селга айланиб, емириб ташлайди», деди.

«Отам энди хароб бўлади, подшоҳ уни ўлдиради,— деб ўйлардим,— урушга жўнатади, у ердаги аҳвол маълум — отам оёғидан ажралиб қолади... Қани энди подшоҳни жазолашни менга топширишса, олдин уни таёқ билан бошига туширардим, кейин қорнига найза санчардим, сўнг-ра омбир билан қулоқларидан тортардим. Ушанда подшоҳ: «Жонимни олиб қўя қол!», деб ялиниб қоларди».

Тун бўйи қўрқинчи туш кўриб чиқдим, уйқудан уйғониб қарасам, деразадан куёш кўриниб турибди, эшик эса орқасидан занжирлаб қўйилибди. Отам ҳам, онам ҳам уйда йўқ. Қўрқиб кетдим: демак, миршаббоши келиб, отам билан онамни олиб кетган-у, мени уйга қамаб қўйган.

Бор кучимни тўплаб, елкам билан эшикка бир ташланган эдим, занжир шарақлаб, эшик очилиб кетди.

Кўчада қўллариди қамчинларини ўйнатиб, казаклар от чоптириб юришарди, эҳтимол, улар уйдан бирон киши чиқадими, деб кузатишаётгандир.

Ҳовлимиздаги эшик орқасига яшириниб олиб, уларнинг кетишларини кутиб турдим, кейин физиллаганча кўчани кесиб ўтдим-да, Анисим Ивановичларникига жўнадим.

Уларнинг эшиги очиқ эди. Эҳтимол, улар ҳам занжирни синдиришгандир. Анисим Иванович қаёққадир бормоқчи бўлиб, тоза кўйлагини кияётган экан. Унинг кайфияти яхши эди. Матрёна хола, Васька менга

далда беришди: онам бозорга кетган экан, отамнинг қаёққа кетганини улар ҳам билишмас экан.

— Анисим амаки, бу нима? — деб сўрадим қариянинг кўкрагидаги қизил лента тугунчага кўзим тушиб.

— Буми? — деди у кафти билан лентачани тўғриларкан. — Бу, Лёня, озодлик нишонаси.

— Нега тақиб олдингиз?

— Бугун шунақа кун.

«Шунақа кун» дегани қанақа кун бўлди яна? — деб ҳаёлимдан ўтказдим. — Пасха байрами-ку яқинда ўтди, троици байрамига эса ҳали анча вақт бор».

Этикдўзлик асбоблари ҳам йиғиштириб қўйилган: отасининг ҳам, Васьканинг ҳам ишламагани кўриниб турибди. Кулбадан янги тезак ҳиди димоққа урилади: Матрёна хола уй саҳнини янгитдан суваганга ўхшайди. Қизик, бу қанақа байрам бўлди?

Анисим Иванович Васькага кечгача ўйнашга рухсат берди. Биз бир бўлакдан нонни чўнтакка ғамлаб олдик-да, ҳовлидан чиқиб кетдик. Ҳаво жуда ажойиб, атроф гўзал эди. Майин эсаётган илиқ шабада хушбўй настарин ҳидини димоққа урарди. Баланд акация шоҳларида томоғини шишириб олиб майна сайрарди. Қуёшнинг заррин нурида унинг тим қора патлари гоҳ яшил, гоҳ зангори, гоҳ кўк бўлиб ярақираб кўринарди.

Баҳор ифлос кўчаларимизни, дуд ва қурум босган ҳовлиларимизни ўзининг турли рангдаги сепи билан безаб юборганди. Бу ердаги бирорта кулбани ҳам таниб бўлмасди: ҳаммаси оппоқ оқлаб қўйилган, улар чаман-чаман очилиб ётган олма ва бошқа дарахтлар билан қўшилиб кетиб, хушманзаралик қасб этишган.

Қўчада казаклар кўринмай қолибди, фақат Муратнинг дўкони ёнида Загребай, ундан нарироқда яна учта миршаб, нарироқда эса бир неча миршаблар юришарди. Намунча улар кўп бу ерда? Наҳотки, ертўлада яшовчи ишчиларни кузатишаётган бўлсалар?

— Вась, нега бугун уйдан чиқиш ман этилган? — секин сўрадим.

Васька негадир ғазаби қайнаб:

— Подшоҳ буюрганмиш, — деди.

— Нимага ҳадеб подшоҳ, подшоҳ деб қолдинглар. Бунинг нима кераги бор унга?

— Мен қаёқдан билай? Подшоҳ нимани хоҳласа, ўшани қилади-да. Мана, масалан, хоҳласа, сенга бир бочка олтин ҳадя қилиши, хоҳласа, сендан қийма тайёрлатиши мумкин. Агарда у: «Лёнканинг гўштидан менга котлет қовуриб беринглар», деса борми, тамом, бу дунё билан хайрлашавер, капут, бор эдинг, йўқ бўласан-қўясан.

«Бу фалокат-ку, — ўйладим мен, — отам подшоҳни ўлдирамиз деганига қанча бўлиб кетди, у бўлса ҳали ҳам тирик, яшаяпти...»

— Вась, сенга бир сирни айтаман, бошқа ҳеч кимга...

— Қанақа сир?

— Отам, подшоҳни ўлдиришади, деган эди...

Васька чўчиб кетиб менга қаради-да:

— Секин, миршаб эшитиб қолади. Мен ҳам унча-мунча эшитганман, — деди.

— Вась, нимани?

— Далдон деган подшоҳ ҳақидаги эртакни ҳикоя қилиб берайми, хоҳлайсанми?

— Хоҳлайман.

— Чўлга кетдик унда. Бу ерда бирор кимса эшитиб қолиши мумкин.

— Кетдик, — дедим.

2

Васька елкамдан қучоқлаб олди ва биз йўлга тушдик. Бурилишга бориб қолганимизда, Абдул лўли билан Уча грек бизга етиб олишди. Кейин малла Илюхани кўриб қолдик. У ўзи ясаган хуштагини миршабга ўхшаб чуриллатиб, тушиб кетаётган иштонини бир қўли билан ушлаб олганича югуриб келарди.

— Хуштагингни бериб тур, битта чалай,— дедим Илюха етиб келган ҳамон.

— Э, сўлак қилиб ташлайсан... Қаёққа кетяпсизлар, болалар?

— Ҳеч қаёққа.

— Айта қол, қаёққа кетяпсизлар?

— Мен ҳам бора қолай.

— Юра қол.

Биз узоқда кўринаётган тош кон қояси томон бир-биримизни қулашиб бордик.

— Менинг кетимдан, ҳужумга! — буйруқ берди Васька, қўлидаги қалтаги билан йўлида дуч келган ўсиқ тиканакларни ураркан. Унинг қалтагининг зарбидан қизғиш тиканак гуллари чарс узилиб, атрофга сочилар, арилар ва капалаклар «ғув» этиб учарди. «У-ра!» дея қичқирганча биз ҳам Васьканинг кетидан югура бошладик.

Уча узоққа бормай ҳансираб, йиқилиб тушди. У сир бой бермай, ерга қулоқ солиб, унинг қаърида нималар бўлаётганини билмоқчи бўлганга олди ўзини.

— Болалар, эшитяпман,— деб бақирди,— шахтёрларнинг кўмир қазийтгани эшитилапти!

Биз Учанинг ҳазиллашаётганини сезиб турардик. Лекин, шунга қарамай, биз ҳам етиб олиб, қулогимизни ерга бериб, эшита бошладик.

Васька ерни қўллари билан муштлар ва:

— Шахтёр амаки, овозингни эшитиб турибмиз, қани, бу ёққа чиқа қол! — деб бақирди.

— Бизга кўмир бер! — «Ер остидаги шахтёрлар»га яхшироқ эшитилсин дегандай, майсалар орасига шўнғиб кетгудай бўлиб чинқирди Уча.

Тош кони қояларига етиб келиб, қалин тоғолчазорда, унинг соябон шохлари тагида эмаклашиб юрдик. Гуллаб ётган шох-бутоқлар шундоқ бошимизга тегиб турарди. Заҳматкаш ақаларилар, қўнғизлар, капалаклар гулдан-гулга қўниб, ғувиллашиб учиб юришибди. Анҳор томондан эса хотинларнинг ғўнғир-ғўнғир овозлари, шапиллатиб кир ювишлари ва ғозларнинг «ғақ-ғақ»лари эшитиларди.

Васька яланғоч тиззаларини қучоқлаганча чўнқайиб ўтириб, чўл томон боқиб, алланималарни ўйларди, биз уни қўршаб олиб, кутиб турардик.

Мана, у қоқи ўтдан юлиб олиб, чалқанчасига ётди.

— Вась, сенга нима бўлди?

— Нима?

— Эртақ айтиб бера қол.

Васька кулиб юборди-да:

— Олиб кетди барча эртақни, подшоҳ Овёс,— деди.

— Вась, айтиб бера қол! — деб ғиншиди болалар.

Васька қўлидаги қоқи ўтни улоқтирди-да:

— Ҳай, майли, лекин бу эртақ жуда қўрқинчли. Яна қўрқмайсизларми? — деди.

— Йўқ.

— Илюха, сен-чи, қўрқмайсанми?

— Мен ундан ҳам қўрқинчлисини биламан...

— Бўлмаса, эшитинглар, фақат шартим бор: эртакни айта бошлаганимдан кейин, охиригача қунт билан эшитасизлар, ўрталарида савол бериб бошимни қотирмайсизлар. Тушунарлими?

— Тушунарли.

— Демак, мана шундай. Тоғлар ошиб, денгизлар ошиб, билмадим, қайси бир подшоҳликда икки оғани яшар экан: улардан бирининг давлати беқиёс, иккинчиси эса камбағал экан. Бойнинг уйда доим катта зиёфатлар берилиб, гармошка овози тинмас экан, камбағалнинг уйда эса, егани бир бурда нон ҳам бўлмай, сичқонлар тинмай сайр қилиб юришар экан. Уша мамлакатда Далдон деган подшоҳ ҳам яшар экан. У аҳмоқларнинг аҳмоғи бўлса-да, ҳар ҳолда подшоҳ экан...

Илюха негадир ваҳима аралаш Васькага қаради, лекин у эртак айтишда давом этаверди:

— Қунлардан бир кун подшоҳ Далдон оғаниларни учратиб қолиб, улардан сўрабди: «Қани, айтинглари-чи, қайси бирингиз сахийсиз?» Давлатманд ака дарҳол ўрнидан сакраб туриб, подшоҳга таъзим қилибди ва: «Давлатпаноҳ, ҳукмдори бузрукворимиз, бу дунёда мендан сахий одам йўқ», дебди. «Хўш, сен-чи?» — деб сўрабди подшоҳ камбағал укадан. «Билмайман», деб жавоб қайтарибди у. «Билмайсанми? Бўлмаса, қайси биринг сахийлигингни ўзим текшириб кўраман», дебди подшоҳ.

Подшоҳ бой аканинг қўлидан ушлаб: «Боғдаги уч туп эманни кўряпсанми?» деб сўрабди. «Кўряпман», жавоб қайтарибди бой ака. «Уша эманларни сенга берсам нима қилар эдинг?» дебди подшоҳ. Бойвачча унга жавобан: «Мен у эманларни кестираддим, тахта тилдирардим ва сизга, олампаноҳ, ҳашаматли қаср қурдириб берардим», дебди. «Баракалла!» дея мақтабди уни подшоҳ. «Қани, энди сен айт-чи, бу эманларни сен нима қилган бўлардинг?» сўрабди подшоҳ укадан. Бечора камбағал ўйлаб турибди-да: «Мен бўлсам, учинчи эманни қирқиб, қолган иккитасининг устига қўйиб, подшоҳ ҳазратлари, унга сени осардим», дебди.

Буни эшитиб, малла Илюха тошқўмир чўғини босиб олгандай сапчиб кетди.

— Сенга нима бўлди?

— Бунақа эртак бўлиши мумкин эмас...

— Ёқмаса, эшитмай қўя қол, лекин халақит берма,— деди-да, Васька эртак айтишни давом эттираверди.— Шундай қилиб, подшоҳ Далдон камбағалнинг гапини эшитгач: «Қани, денгиз ёқасига кетдик...» дебди. Улар денгиз ёқасига келиб тўхташибди, балиқлар ўйинини томоша қилишибди. Подшоҳ Далдон бехосдан камбағални сувга итариб юборибди-да: «Мен ўлганимдан кўра, сени ўлганинг яхши...» дебди.

Буни эшитиб Абдул лўли бехосдан ўрнидан қўзғалиб қўйди. Уча бўлса, ҳаяжонланиб кетиб, қўлтиқтаёғи билан ўтларни саваларкан:

— Тентак, денгиз қирғоғига яқин келиб нима қилар экан?— деб юборди.

— ... Камбағал денгизга туриб кетибди, бу пайт қаёқдандир даҳшатли балиқ — кит пайдо бўлибди-ю, лаққа ютиб юборибди уни.

Илюха яна ишонгиси келмай:

— Ютиб бўпти, оёғида этиги бор-ку,— деб тўнғиллаб қўйди.

Васька маллага қараб кўзини олайтирди-да, кутилмаганда:

— Илюха, айт-чи, юзу юз неча бўлади? — деб сўради.

— Икки юз бўлади.

— Э, аҳмоқ, жим ўтирсанг яхши бўлади,— деди Васька.

Шу пайт майсалар орасида калтакесак кўрингани, Васька уни

кафти билан таппа босиб четга улоқтирди-да, эртақ айтишда давом этди:

— Шундай қилиб, бечора камбағал ўзини китнинг қорнида кўрди. Энди нима қилиш керак? Кит бутун-бутун кемаларни, араваларни ҳў-кизлари билан ютиб юбораверганидан қорни худди ярмаркага ўхшаб жуда тор бўлиб қодган экан. Бечора камбағал: «Нима есам экан?» деб ўйлаб ўтирганмиш.

Буни эшитиб, болалар кулиб юборишди.

— Камбағалликка камбағал экан-у, лекин жуда айёрга ўхшайди!— деди Уча.

— Эҳтимол, у кун бўйи овқат емагандир,— деди Абдул.

— Жим бўлинглар, Васькани фикрини бўлмаганлар! — деб бақириб бердим болаларга мен.

Васька давом этди:

— ...Камбағал кейин ўрнидан турибди-да, аравалар орасини кеза бошлабди. У бир аравани пайпаслаб, похол ичидан тамаки трубка ва чақмоқтош топиб олибди. У чақмоқтошни чақиб, ўт чиқарибди-да, тамакини тутатиб, чекиб ўтираверибди. Чекиб бўлиб, яна трубкага тамаки тўлдирибди, кейин яна. Тамаки тутунидан китнинг боши айланиб кетибди, у қирғоққа сузиб чиқибди-да, ухлаб қолибди...

Болалар яна кулиб юбормоқчи бўлиб туришган эди, Васьканинг қовоғига қараб жим бўлиб қолишди.

— ...Хўш, камбағал энди нима қилиши керак? Китнинг қорнида ўтираверсинми? У китнинг қулоғи орқали ташқарига чиқиб, мундоқ қараса, қирғоқда бир чол алланимани рандалаб ўтирганмиш. «Хорманг, бобо», деб бақирибди у. «Раҳмат, баракалла, йигит», дебди чол. «Нима ясаяпсиз?» сўрабди у. «Ўзи куйловчи тор ясаяпман», дебди чол. «Келинг, алмашамиз, мен сизга ўзи ўт оладиган тамаки трубкасини бераман, сиз менга ўзи куйловчи торингизни берасиз». «Майли», дебди чол. Шундай қилиб, улар нарсаларни алмашишиб олишибди.

Васька жим бўлиб қолди. Жилмайиб қараб турди-да:

— Қалай, қизиқ эртақ эканми? — деб сўради.

— Жуда қизиқ.

— Давомини ҳам айтаверайми?

— Айтавер, айтавер!

— Балки керак эмасдир?

— Керак, керак!

— Ҳа, давоми нима эди?.. Ҳа, шундай қилиб, камбағал йўлга тушибди. Ўзи куйлайдиган тор йўл-йўлакай куйлабди, қўшиқ айтибди. У Далдон деган подшоҳнинг бир камбағал йигитни денгизга чўктириб юборганини элга дoston қилибди. Камбағал қанча-қанча шаҳарларни, конларни айланиб чиқибди. Қайси ерга келмасин, одамлар қўршаб олишар, ўзи куйлайдиган тор овозини диққат билан эшитишар ва: «Камбағалга нега зулм қилади?.. Далдоннинг ўзини сувга чўктириш керак», дейишармиш.

Илюха хавотирда бутазор орасига назар ташлади — яна бирор кимса қулоқ солиб ўтирган бўлмасин, деб ўйлади у.

— ...Халқ орасида тарқалган гаплар подшоҳнинг ҳам қулоғига етиб борибди,— деб эртақни давом эттирди Васька.— Далдон кўрқиб кетиб, ўз хизматкорларини чақирибди, уларга: «Тезроқ мени яширинлар, камбағал келиб, мени сўрагундай бўлса, уйда йўқ, бозорга кетган денглар», дебди.

— Подшоҳнинг хизматкорлари қанақа бўлади? — савол берди Абдул тўсатдан.

Васька дарров жавоб қайтара қолмади.

— Қанақа бўларди? Улар ҳар хил бўлади... гусарлар, баронлар...

— Қўлига болтасини ушлаб олган жаллоди ҳам бўлади! — деб юборди Уча.— Подшоҳнинг буйруғи билан одамларнинг бошини қирқади у.

— Оёғини,— дедим мен.

— Оёғини эмас, бошини,— дея эътироз билдирди Уча.

— Яна сўзимни бўласизларми? — деди жаҳли чиқиб Васька.

— Йўқ, энди қилмаймиз, бўлмаймиз! — дедик биз.

— Шундай қилиб хизматкорлар шоҳ Далдонни камбағал тополмайдиган жойга яширишни ўйлаб бошлабдилар. Қаерга яширса бўларкин? Осмонга яшириб бўлмайди, булутлардан тушиб кетади, сувга яшириб бўлмайди, чўкиб гарқ бўлади; ўйлаб-ўйлаб, шоҳни тухум ичига, тухумни ўрдакнинг ичига, ўрдакни эса темир сандиққа солиб, бир пудли қулф билан қулфлаб, ер остидаги чуқур шахтага ташлаб, яшириб қўйишибди.

Илюха кетмоқчи бўлиб, ўрнидан турди-да:

— Васька, нималар деяпсан? Подшоҳ тўғрисида шунақа дейиш бўларканми?

— Тентак, бу эртак-ку, ахир.

— Агарда миршаблардан биронтаси эшитиб қолса, яна эртагинг чиқиб қолмасин!

Уча қўлтиқтаёғи билан Илюханинг шапкасини илиб олди-да, чакалакзорга иргитиб юборди. Илюха хафа бўлиб, тўнғиллаганича шапкасининг кетидан кетди.

Васька эртак айтишда давом этди:

— Камбағал узоқми-яқинми йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, кетаверибди. Охири подшоҳнинг саройига етиб келибди. Гир айлана девори эман ёғочидан қилинган ҳашаматли қаср унинг қаршисида намён бўлибди. Девор баланд, худди осмонга тегиб тургандай эмиш. Подшоҳнинг хизматкорлари камбағални кўриб, ўлгудай кўрқиб кетишибди. Улар камбағалга хушмуомалалик кўрсатиб: «Жигарим, сен подшоҳни сўроқлаб келдингми? У йўқ, бозорга кетган, дейишибди.

Васька тўсатдан жимиб қолди, унинг юзи аллақандай ўзгарди. Мен ҳайрон бўлиб, атрофга назар ташладим: тахминан мендан икки қадам нарида Загребай турганини кўриб қолдим. Унинг бароқ мўйлови бизни исқаётгандай лип-лип учарди.

Тоғолча шох-шаббалари сурилиб, икки киши чиқиб келди: биринчиси Загребай, иккинчиси кўзлари нурсиз, оғзидан сўлаги оқиб ётган исқирт бола эди. У бошига айвони қора ялтироқ шапка кийиб олган, иштонининг бир почаси этиги қўнжигга тиқилган, иккинчи почаси чиқиб, шалвиллаб ётибди. Айғоқчи бу, дея хаёлимдан ўтказдим дарҳол.

— Бу ерда нима қиляпсизлар? — дағдаға қилди овозини кўтармай Загребай.

Васька чўчиб ўрнидан турганди, бизлар ҳам оёққа қалқдик.

— Сенлардан сўраяпман, нима қиляпсизлар?

— Ҳеч нарса қилмаяпмиз, ўйнаяпмиз,— деди қовоғини солиб Васька.

— Мастеровойларни кўрмадингларми? — сўради бизга шубҳали назар ташлар экан миршаб.

— Қанақа мастеровойларни?

— Қанақалигини билмайсанми? Завод ишчиларини. Улар бу ерда тўпланиб, подшоҳ тўғрисида сўзлашмадимиз?

— Йўқ, кўрмадик.

Бизнинг жавобимизни эшитиб, миршаб хотиржам бўлди шекилли, сариқ ҳошияли шапкасини бошидан олиб, тер босган пешонасини дастрўмоли билан артди. Айғоқчи эринчоқлик билан майсазорга ўтирди-да,

чўнтагидан қоғозли қанд олиб, оғзига ташлади. Унинг кўзлари жуда ҳорғин кўринарди. Бу чўл, сайроқи қушлар, миршаб Загребай, чакалакзорлар оралаб мастеровойларнинг изини қидириш — ҳамма-ҳаммаси ўлгудай жонига текканга ўхшайди. У қанд шимганича кўзини ҳеч чўлдан узмасди.

Миршаб катта оқ дастрўмолига бурнини қоқиб, аста чўнқайди. Худди мушукникига ўхшаш кўм-кўк кўзлари кулиб турарди.

— Шундай денглар-а, ўйнаямиз денглар-а? — деди у, худди бизни хурсанд қилмоқчи бўлган кишидай, кейин қиличи учини Илюханинг қорнига теккизиб, «к-кх!» деб писмиқларча кулди. — Вой, итвачча, малла маймун-эй! — деди у ва яна Илюхани қитиқламоқчи бўлди, лекин у қўрқиб кетиб, ўзини Васьканинг панасига олди.

Кейин миршаб жиддий тусга кирди-да, паст овозда:

— Бўлмаса, гап бундай, болалар. Сизлар бу ерда кўз-қулоқ бўлиб туринглар, майлими? Агарда бу ерга мастеровойлар келиб тўпланадиган бўлишса, зудлик билан менга хабар қилинглар! — деди-да, чўнтагидан шоҳликнинг икки бошли бургути зарб этилган беш тийинлик мис чақани кўрсатди бизга. — Биринчи бўлиб кўрган кишига мана шу чақани бераман, тушунарлими?

— Тушунарли, жаноби Загре... кечирасиз, жаноби миршаб.

— Баракалла. Майли, ўйнаб ўтираверинглар-у, лекин икки томонни кузатишни ҳам унутманглар.

Айғоқчи билан Загребай энгашиб, бутазор ичига кириб кетишди. Анча жойга боргунларича айғоқчининг ҳам, миршабнинг ҳам қомати шоҳлар орасидан қорайиб кўриниб турди.

Васька шоша-пиша шапкасини кийди.

— Сизлар шу ерда тура туринглар, мен тезда қайтиб келаман.

— Сен қаёққа?

— Қаёққа бўларди, бир ёққа бориб келаман.

Болалар хавотирга тушиб қолишди:

— Вась, эртакни охиригача айтиб бер.

— Вақтим йўқ.

— Сен билан борсам майлими?

— Шу ерда ўтира тур. — деди-ю, у бутазорга кириб гойиб бўлди.

Ўтира тур дейишдан осони борми, энди эртак нима бўлади? У қандай тугаркин: камбағал подшоҳни топганмикан ёки йўқмикан?.. Эртакни ҳам белига тепди-да мўйлов! Мен секингина болалардан қочиб қолишга аҳд қилдим. Менга-ку Васька эртакни охиригача айтиб беради. Узимни капалак тутаётганга олдим-да, бутазор ичига кириб, қочиб қолдим.

Болалардан қочиб, узоққа боролмадим. Йўлда ташвиш чекиб, орқасига қайтиб келаётган Васькага дуч келиб қолдим. Маълум бўлишича, отаси унга негадир даладан қизил лола териб, тезда заводга олиб боришни буюрибди.

— Гул нимага керак экан?

— Билмадим, эҳтимол, байрамдир ёки тўй бўлаётгандир.

— Заводда ҳам тўй бўладими ҳеч замонда?

— Эҳтимол, бўлар.

Анҳорнинг нариги қирғоғидаги чўлни қип-қизил дала лоласи гиламдай қоплаб ётибди. Бир пасда шунча кўп лола териб олдики, қучоққа сиғмайдиган бўлиб кетди.

Анисим Иванович уйда яхшилаб саралаб, дасталади-да, ҳўл латага ўраб, саватчага солди-да, Алёша Пўтаканинг отасига элтиб беришни айтди.

Мен ҳайрон бўлиб қолдим: Алёшанинг отаси ўлганига бир йил бўлган-ку, бу қанақа отаси бўлди?

3

Катталарнинг Васькага иш буюришларини ўлгудай ёмон кўрардим. У бундай пайтларда камгап, жиддий бўлиб олар, ҳар қанча уринганинг билан уни кулдириб ҳам бўлмасди, шўхлик ҳам қилмасди. Мен энди эртакни айтиб бермаслигига ақлим етиб турарди. Унинг: «Вақтим йўқ, олдин ишни бажариш керак!» дейиши аниқ эди.

Васька отасидан гул тахланган саватчани ола туриб, менга қаради-да, кетдик, дегандай имлади.

Мен бўлсам атайин эснаб, эринган кишидай:

— Менга нима бор у ерда? — дедим.

— Юра қол, мен сен билан дўконга бирга бориб келдим-ку, — деди Васька.

— Майли, эртакни охиригача айтиб берсанг, бораман! — дедим. Васька кулиб:

— Қизиқ одамсан-да, давомини ўзим ҳам билмайман. — деди.

— Нега энди билмас экансан?

— Оддийгина, шундоқ. Бунақа эртакнинг ўзи йўқ умуман. Уни ўзим тўқидим.

«Айёрлик қиянти, — деб ўйладим ичимда, — ҳеч замонда эртакни ҳам ўзи тўқиб чиқариб бўларканми?» Биз алламаҳалгача ёнма-ён гаплашмасдан жим бордик. Олдинда қизғиш тилини осилтириб, Полкан югуриб борарди.

Қуёш шу пайтда тигга кўтарилиб олган ва аямай қиздирарди. Ер шу қадар қизиган эдики, ялангоёқни куйдирарди. Йўлни худди унга ўхшаган билқ-билқ тунроқ қонлаб ётарди.

Ёнимиздан завод томонга жандармчилар отряди отларини елдириб ўтиб кетди. Худди қора булутдек қалин чанг кўтарилдики, биз анча маҳалгача кўзимизни қўлимиз билан бекитиб, тусмоллаб бордик.

— Вась, ҳақиқатан ҳам ўша эртакнинг охирида қизиқ бўладими? Балки уни биладиган одам бордир, — деб сўрадим Васькадан оғзимга кириб қолган чангни туфларканман.

Васька ёнимда, чит кўйлаги кенг ёқаси билан оғзини тўсиб олганча, жим бораверди.

— Мен мана шу эртакни биладиган одамга ҳамма шишачаларимни берган бўлардим, яна устига...

— Ҳозир вақтим йўқ, — деди Васька, — олдин ишни бажариш керак. Сенга фақат эртак бўлса бўлгани, худди кичкина болага ўхшайсан.

Ҳа, эртак қизиқ экан. Ўша камбағал у ёғига нима қилганини қандай билса бўлади? У подшоҳ Далдондан қасос олдимикин ёки йўқми? Мен ҳам ўша камбағалнинг ёнини олган бўлардим.

Мана шу хаёлларга берилиб кетиб, уч сўм тўлаб кириладиган томошахонадан ўтиб кетганимизни сезмай қолибман, мана, қаршимизда шахталардан чиқариб ташланган пуч қазилмалар уюми тутаб ётибди.

Посёлка, худди тоғ этакларига жойлашган дўлиларнинг таборларига ўхшаб, баланд шахта чиқиндилари уюми этагига ўрнашган. Бу ердан ҳамма нарса заводдан кўтариладиган қурумдан қорайиб кетган. Бу жойларда чангу тошдан бўлак на дарахт, на гиёҳ кўринади. Лой кулбаларнинг томлари занглаб кетган тунука ёки чирик, синиқ тахталар билан ёпилган. Ташландиқ чордеворга айланган ҳовлилар ҳар қадамда учрайди. Кўчада ўлиб қолган ит, мушуклар ҳам учраб турарди.

Бу жой аҳолисининг аксари заводда ишлашарди. Алёша Пўтаканинг кулбаси ҳам шу ерда эди.

— Кира қолинглар, сизни анчадан бери кутиб турибмиз,— деди ингичка овози билан ва унинг рангсиз юзида кулги пайдо бўлди.

Менга Алёшанинг катта-катта кўзлари жуда ёқар эди, улар худди авлиёларникига ўхшаб доим ғамли-аламли кўринарди.

Биз ярим қоронғи ертўлага кирдик. Латта-путта тўшалган каравотда бир киши аллақандай ёғочни йўниб ўтирарди.

— Ота, лола олиб келишди,— деди Алёша.

— Жуда соз,— деди хурсанд бўлиб ўрнидан қўзғалар экан ҳалиги киши, уни кўриб таниб қолдим. Мен завод ўтхонасига отам билан чўмилгани борганимда бизни қўриқлаб турган ишчи шу одам эди.

«Демак, бу Алёша Пўтаканинг йккинчи отаси экан-да», — деб ўйладим.

— Салом, ўртоқ,— деб Васьканинг қўлини олиб, узоқ қўйиб юбормай силкитиб кўришди у. Унинг бу ҳаракати яхши одамлигини билдириб турарди.

— Нимани йўнаяпсиз? — сўрадим ундан. Алёшанинг отаси ўзи йўнаётган ёғочга бир назар ташлаб қўйди-да:

— Қизил байроқни кўрганмисан сира? — жавоб ўрнига сўради мендан.

— Кўрганман.

— Нега унинг ранги қизил бўлади, биласанми?

— Йўқ.

— Унинг қизил ранги — биз ишчилар қонининг тимсолидир! Мана шу ишчи қонини шундай баланд кўтарайликки, бутун жаҳон унинг қандай ёнаётганини кўриб қўйсин!... Тушундингми ёки йўқ?

— Ҳа, тушундим.

— Баракалла, пролетарий! — деди ва Алёшага қараб қўшиб қўйди. — Отлана қол, тез орада гудок ҳам чалиниб қолади.

Алёша лолали саватчани олди, биз ташқарига чиқдик.

— Отангни исми нима? — сўрадим ундан.

— У жуда яхши, менга ғамхўр.

— Гулни кимга олиб кетяпсан? — сўрадим ундан.

— Олиб бор дейишди, олиб кетяпман, қолгани эса менинг ишим эмас,— деди у.

Алёша мен берган саволдан хафа бўлган кишидай жавоб қайтарди.

— Бугун ахир Биринчи май-ку!

— Қанақа Биринчи май?

— Ишчилар байрами, шуниям ҳалигача билмайсизларми? Вой тентаклар-эй... Бугун заводда иш ташлаш бўлади. Миршаблар тўпланган — сон-санови йўқ! Бахмутдан солдатлар ҳам келди. Ҳа, айтганча, байроқ ҳақида эшитдингларми?

— Йўқ.

— Бугун кечаси кимдир домна печнинг трубасига қизил байроқ тикиб қўйибди. Мен ўзим кўрдим, жуда баландда, трубанинг нақ тепасида, жуда чиройли! Айниқса, у қуёш нурида худди кип-қизил алангадай ял-ял ёниб турарди. Ғалва бошланди! Миршаблар у ёқдан-бу ёққа югуриб қолишди, лекин трубага чиқишга қўрқишди. Миршаббоши бўлса ишчиларга қараб: «Ким осиб қўйди, қамайман!» деб дағдаға қилди. Ишчилар бўлса: «Биз қаёқдан биламиз», деб кулишди. «Олиб ташланг, буюраман!» деди у. «Қўлимиздан келмайди», дейишди ишчилар. «Юз сўм бераман!» деди у. «Раҳмат, биз учун ҳаёт қимматроқ», дейишди ишчилар. Кейин миршаббоши ишчилардан умидини узиб, миршабларни труба томонга итара бошлади, улар трубага қараб, қўрқиб кетганларидан ҳушдан айрилаёзишди... Охири юзига ҳуснбузар тошиб кетган бир миршаб этигини ечиб ташлади-да, уч марта чўқиниб олиб, трубага чиқа бошлади. Бир амаллаб байроқни олиб ташлади, эсиз...

Алёша жим қолди, унинг юзидаги сирли кулгисини кўриб, яна бир нарсани айтгиси келяпти-ю, лекин журъат қилолмаётганини сезиб турардим.

— Кечаси трубанинг устига байроқни ким ўрнатганини биласизларми? — деб сўради биздан Алёша Пўтака.

— Ким?

— Ҳеч ким...

— Сенинг отанг, Ваня амаки, буни фаҳмлашни қийин жойи йўқ, — деди Васька.

Алёшанинг кўзлари қувонч, айни чоқда хавотир-ла чақнаб кетди.

— Фақат бу тўғрида ҳеч кимга айтманглар, — деди у жиддий, — бунинг учун нима бўлишини биласизларми?

— Бидамиз, ёш бола эмасмиз...

Завод девори ёнига келганда унинг тепага чиқиб олишига ёрдамлашдик, кейин лолали саватчани Алёшага узатдик, у кўздан ғойиб бўлди.

Васька ҳаяжонланар, алланималар тўғрисида ўйларди.

— Менимча, хатога йўл қўймадикмикан? — деди Васька.

— Қанақа хатога? — сўрадим мен.

— Алёшани кўриқлаш керак. Миршаблар уни ушлаб олиб, лолаларни тортиб олишлари мумкин-ку! Агарда шундай бўлиб қолса, биз уларни тошбўроқ қиламиз, тушундингми?

Васька тирмашиб деворга чиқиб олиб, менга қўлини узатди. Подкан ҳам деворга сакраб кўрди, чиқолмади; биз уни ташлаб кетаётганимиздан зорланиб қалта-қалта вовиллади.

Алёшага етиб олмоқ учун завод майдони бўйлаб роса чопдик. Йўл-йўлакай занглаб кетган эски гайка, болътларни йиғиб бордик. Узоқда, цехлар оралиғида, билагада саватчасини ушлаб олган Алёшанинг озгин гавдаси лип-лип кўзга ташланиб қоларди.

Бизни бирор кимса сезиб қолмаслиги учун мен ҳам Васькага ўхшаб биқиниб бораётиб, тўсатдан ерда ётган қизил варақани кўриб қолдим. Уни босиб олай дебман.

— Бунга нималар ёзилган, — деди Васька шундоқ бўёқ иси келиб турган варақанинг у ёқ-бу ёғини кўздан кечираркан. Мен отамнинг камзули астарида худди шундай варақани кўрганимни эсладим. Наҳотки отам бу ердан ўтаётиб, варақани тушириб қўйган бўлса?

— Бидаман, — деди пичирлаб Васька. — Бу нималигини бидаман... Подшоҳга қарши варақа. Қани, Лёнчик, ўқиб юбор-чи!

Биз заводнинг аллақачонлар унут бўлган, ўт-ўлан босган изга чиқариб ташланган, занг босган паровозчаси ёнига ўтириб олдик. Бу махфий варақани ўқишдан олдин атрофни яна бир марта кўздан кечириб, босма ҳарфларда ёзилган сўзларни қийналиб, ҳижжалаб ўқий бошладим: «Россия-социал демократик ишчилар партияси. Уртоқлар, сизни Биринчи Май байрами билан табриклаймиз!» Мен бу сўзларни овоз чиқариб ўқишдан қўриқиб ичимда ўқир эдим.

Васька мени туртди-да:

— Нима қиляпсан ўзи? Уқи! — деди.

— Ишчи ўртоқлар, атрофга назар ташланг, — овозимни чиқариб ўқий бошладим, — подшоҳ ва унинг хизматкорлари бўлмиш миршаблар, жандармлар бугунги кунда ғоят даҳшатга тушиб қолдилар, бизга қарши қанчадан-қанча найзани тайёр қилиб қўйганини кўриб қўйинг.

— Қани, бер буёққа, — деди ва қўлимдан варақани олиб, қўйнига яшириб қўяр экан. — Буни кейин ўқиймиз. Ҳозир Алёшани кузатиб туришимиз керак.

Алёшага етолмадик. У аллақачон ойиси ишлайдиган кокс цехига етиб олган бўлса керак.

Заводда жуда кўп мундирли миршаблар бесаранжом бўлиб югуриб юришибди.

Тўсатдан завод гудоги чинқира бошлади. Завод ўтхонаси тепасидаги гудок, трубасидан буг оқими юқорига кўтарилиб турибди. Гудок бевақт чалинарни — на тушлик, на иш тугайдиган пайт эди — иш ташлашни бошлашга ундарди.

Ишчилар цехлардан чиқиб кела бошладилар. Гудокнинг қудратли, гувиллаган садоси остида миршаблар хуштагининг хунукдан-хунук чуриллаган овози эшитилди. Ҳамма тарафдан унга жавобан ўнлаб хуштаклар чуриллаб, миршаблар ишчилар йўлини тўсиб чиқа бошлади.

Ўша, бизнинг уйимизда тинтув ўтказган миршаббоши темир уюми устига чиқиб олиб, қўлини баланд кўтарганча, ишчиларни тартибга қақришга уриниб:

— Жаноби ишчилар! Сизни байрам билан табриклайман. Лекин ўзингизга маълум: ҳозирги кунда қонли уруш кетяпти, бизга снарядлар керак. Ҳозир иш ташлаш вақти эмас, иш жойларингизга тарқалишингизни илтимос қиламан! — деди овози борича бақириб.

Лекин оломон тобора кўпайиб борарди. Қуйиш цехидан, мартен печлари ёнидан ва бошқа цехлардан ишчилар оқиб келарди. Устибошлари қорамой бўлиб кетган механика цехининг ишчилари ҳам шаҳдам одим ташлаб шу томонга шошилишарди. Оҳак, гишт цехларининг ишчилари ҳам орқада қолмадилар.

Бир тўда ишчи йигитлар ҳазил қўшиқ бошлаб юборишди. Улар берилиб нутқ сўзлаётган миршаббошининг ёнига туриб олишди-да, маънос овоз билан қўшиқ айтишди:

Яшар эди қадим замонда
Момо билан кулранг эчкича...

Миршаббоши қанча уринмасин, қанча бўқирмасин, унинг овози хор садоси остида эшитилмай кетди:

Ранги кулранг, шўх эди пича...
Хўп ажойиб ўша эчкича!
Эчкичани севарди момо,
Жуда-жуда севарди уни
Хўп ажойиб эчкича эди,
Момо уни севарди беҳад!..

Миршаббоши ортиқ тоқат қила олмади, қўлини қиличига югуртирди.

— Заводдан чиқишга йўл қўймайман! Цехларингга киришлар, акс ҳолда ҳаммангни Сибирга ҳайдайман!

— Қишанлар етмайди,— дейишди унга жавобан ишчилар.— Мана бунга қара, бутун бир денгизмиз!

— Йўлни тўсма, жаноби олийлари, акс ҳолда мундирингни ифлос қилиб қўямиз, — дейишди ишчилар.

Мана, ниҳоят, юзлари сарғайган эгниларидаги либослари куявериб илма-тешик бўлиб кетган акс ишлаб чиқарувчилар келиша бошлади. Уларни кўриб, Васька икковимизнинг қувонганимиздан қийқириб юборишимизга озгина қолди. Уларнинг ҳар бири чўғдай ёниб турган қизил лолани ё шапқасига қистириб олган ёки қўлида кўтариб келар эди. Бу, албатта, биз келтирган гуллар эди!

Ишчилар кокс ишчиларини қарши олишар экан, ҳаммаёқни шовқин босиб кетди. Оломон ичида отамни кўриб қолдим. У бир даста варақани осмонга иргитди ва бу варақалар худди кабутар қанотлари сингари ҳаллираб, аста-секин мингларча ишчиларнинг бошлари узра қўна бошлади.

Миршаббошининг овози бўғилиб қолди. У жон куйдириб бақирга-

ни билан ҳеч нарса эшитилмасди. Тўсатдан завод дарвозаси ланг очилди-да, от елдириб, қилич яланғочлаган жуда кўп жандармчилар кириб келди.

— Қочдик! — деб бақирди Васька менга.

Ишчилар тўрт тарафга таралиб, деворлардан ошиб қоча бошлашди.

Биз Васька икковимиз завод девори остидан оқиб ўтадиган сасиқ, ифлос ариқ омборига ўзимизни уриб қолдик. Омбор жуда саёз экан, эмаклаб ўтишга тўғри келди, мен худди қорамойга чўмилиб олгандай ифлос бўлиб кетдим. Полкан эса ҳамон завод дарвозаси ёнида кутиб турган экан, бизни кўриб, қулоғини қисганича кетимиздан ўқдай елиб кела бошлади.

4

Биз қўрқиб кетганимиздан, шалаббо бўлганимизга қарамай, чўлга қараб анча вақтгача қочиб бордик. Фақат чуқур жар ёқасига етиб келгандан кейингина ўзимизни тўхтатиб олдик. Биз бу жарни билардик: бу лўлиларнинг тўхтайдиган ери эди. Бу ерда, ер остида ғор бор. Илгарри бу ғордан кўмир қазиб олишган, айтишларича, кейинги пайтларда бу ғорда қочоқлар истиқомат қилишган.

Биз жарликнинг баланд қирғоғида турардик. Қаршимизда қуёш тафтидан қизариб кетган поёнсиз чўл. Кўм-кўк адирлар узра сароб живирларди. Кучсиз эсаётган шабадада фақатгина кумушранг чаловларгина сезилар-сезилмас чайқалиб турарди. Чўл бағрида очилиб ётган сон-саноқсиз хушбўй, анвойи гуллар одамнинг баҳри-дилини очиб юбо-



рарди. Жар бағрида ҳам гултожилар олтиндай товланиб очилиб ётибди. Узоқ-узоқлардан эса лимонлар кўкариб кўзга ташланади. Буларнинг ҳаммасидан баландда, тубсиз осмонда паға-паға булутлар ўркач-ўркач бўлиб сузиб юрарди.

Бундай нафис, гўзал чўл қиёфаси ҳозиргина чекилган ташвиш ва андуҳларни ўз-ўзидан тарқатиб юборди.

Биз йўл-йўлакай пастак-пастак эман, ёввойи нок ва бошқа бута-зорларни оралаб жарликка туша бошладик. Жарликнинг тагидаги майсалар одамнинг белидан келади. Майса оралаб юрган Полкан кўринмасди. Биз унинг қаердалигини гоҳ у, гоҳ бу ерда кучукдан кўрқиб париллаб учиб кетаётган қушларга қарабгина билардик.

Биз шишадай тиниқ сувли ҳовузчага дуч келиб қолдик; унинг суви шу қадар тозаки, тагидаги майда-майда тошчалар ҳам аниқ кўриниб турибди. Унинг қирғоғида нозик, сарғиш капалакча қанотини париллатиб ўтирибди.

— Варақа хаёлимиздан кўтарилиб қолибди-ку, — деди-да, Васька кўйнидан қизил варақани чиқарди. — Шошмай тур, бу ерда бизни кўриб қолишлари мумкин. Юр, бир жойни биламан.

Биз дарахтлар орасидан қисилиб ўтиб, ғорга ўхшаган бир ерга чиқиб олдик. Унга кирадиган йўлни наъматаклар ёпиб турибди. Шу ерда Васька айтиб берган эртак эсимга тушиб кетди-да, «Подшоҳ Далдон шу ерга яширинганмикин?» деган хаёл миямга келди. Бу ердан салқин ва зах ҳаво чиқиб турарди.

Васька шўнғигандай ғорга кириб кетди. Даҳшатли бўлишига қарамай, мен ҳам унинг кетидан киришга мажбур бўлдим.

Сал нарироқдан Полканнинг вовиллагани эшитилди.

Васька алланимадан огоҳлантириб, елкамга туртди-да, ўзи ғор йўлагига чиқиб, ташқарини кузата бошлади. У оёғининг учида, кўзларини жавдиратиб қайтиб келиб, жойига ўтирар экан:

— Аллақандай ишчилар, чўл томонга кетишяпти, — деди. Бир зум жим тургач, қўшиб қўйди: — Қаерга кетишяётганини биламан.

— Айта қол!

Васька айтмади, қўлимдан варақани олиб, тошнинг тагига яшириб қўйди-да:

— Юр, тўппонча қидиргани борамиз, — деди.

— Қанақа тўппонча?

— Қанақа бўларди, бу ғорда қочоқлар яшаган, улар, албатта, деворларга тўппончаларини яшириб қўйишган-да.

Бу қоронғи ғорнинг ичкарисига кириш ман этилган варақа билан миршабнинг қўлига тушиб қолишдан ҳам кўрқинчли эди. Қоронғи ғор тагида подшоҳ Далдон ўтиргандир ёки бўлмаса, қоронғида ундан баттари — оёқларини узун жун қоплаган Шубинга¹ дуч келиб қолсак нима қиламиз? Тўғри, Шубиндан қутулишнинг чораси-ку бор — чўқиниб олиб «худо, ўзинг сақла...» деб дуо ўқиш кифоя. Лекин бу пайтда кўрқиб кетганимдан ҳамма дуоларни эсимдан чиқариб қўйдим.

Васька иккита таёқ синдириб келиб, биттасини менга берди-да:

— Қани, Лёня, кетдик, кўрқма, — деди.

Полканни кираверишга қоровул қилиб қолдирдик. У бизга қулоқ солиб майсазорга ётиб олди. Биз аста-секин ичкарилаб, ёруғликдан узоқлашиб бордик. Моғор ҳиди димоққа урилди. Оёғимиз остида лой пилчиллайди. Икки томонимизда эскириб, силлиқланиб кетган шахта тирговичлари кўриниб турарди, уларни остидан эмаклаб ўтишга тўғри келарди. Қоронғи бўлиб кетганидан Васькани ҳам кўролмай қолдим. Унинг кўйлагини маҳкам ушлаганча, кетидан боравердим.

¹ Ривоятларга қараганда, шахталарда яшайдиган ажина.

Васька бўлса дам-бадам тўхтаб, ўтириб оларди-да, тўппонча йўқмикан деб тошлар тагини тимирскилаб кўрарди. Биз зим-зиё йўлакда гоҳ эмаклаб, гоҳ энгашиб борар, ичкарилаганимиз сари юриш оғирлашарди. Мана ҳозир Шубин чиқиб, оёғимизга ёпишиб, кулиб юборади, деган ҳадик ҳеч хаёлимдан кетмасди.

— Вась, бу ерда тўппонча йўқ шекилли, орқага қайта қолайлик,— дедим унга қўрқаётганимни сездирмай.

Васька чўнтагидан чақмоқтош чиқариб, учқун чақнатди. У намиқиб қолган латтани пуфлаб-пуфлаб зимистон йўлакни гира-шира ёритиб кўрди. Биз шу ерда чўкичга туртилиб кетдик. У сув тагида қолган темир изнинг устида кўндаланг тушиб ётарди.

— Бу ердан шахтёрлар кўмир қазиб чиқаришган,— деди Васька занглаб кетган чўкични тимирскилаб кўраркан.

Биз яна ичкарига кириб кетавердик, кейин қаёққадир бурилдик. Эски тирговичлар чўкиб қолган шекилли, анча ергача эмаклаб юрдик. Тутатқи латта аллақачон ёниб битганди. Аланглаб қарасам, олдимиз ҳам зимистон, орқа томонимиз ҳам зимистон. Қўрққанамдан этим жунжиб кетди. Атроф сокин, қулогим шанғилларди. Сувга чакиллаб турган томчи овози эшитиларди.

— Бу ер бекинмачоқ ўйнашга яхши экан-а? — деди Васька.

— Ҳ-ҳа,— дедим тилим ганга келмай.

— Сенга нима бўлди? — сўради ҳайрон бўлиб у.

— Ҳеч нарса,— дедим.

— Қўрқяпсанми?

— Й-ўқ.

— Мен бўлсам қўрқяпсан дебман. Чиқадиган жойга оз қолди. Шамол келяпти, сезяпсанми?

Юзимга енгилгина шабада текканини сездим. Узимни аңча енгил ҳис қилдим. Мана, ниҳоят, олд томонимизда, анча узоқдан, ташқарига чиқадиган йўлка кўриниб қолди. Мен Васькадан олдинга ўтиб олдим-да, ўша ёруғ тушиб турган томонга чопиб кетдим.

— Энгаш, бошингни уриб оласан! — деб бақариб қолди кетимдан Васька, лекин унинг гапига қулоқ солмай, яна ҳам тезроқ чопдим ўша томонга.

5

Шахтадан чиқавериш нураб тушган, буталар қоплаб олибди, шу сабабли Богодуховск жарлигига чиқиб қолганимизни аввалига билолмадим. Кейин шох-шаббалар орасидан Богодуховск чапмаси ярқираб кўриниб турарди.

Ҳор ичидаги димоқни бўғувчи қўланса ҳиддан кейин мусаффо ҳаво айниқса ёқимли эди.

«Ия... Одамлар овози-ку?» Шохлар орасидан бошимни чиқариб қарадим, бутазорда жуда кўп одамлар кўринди. Чўлдан ўқтин-ўқтин эсаётган шабадада катта қизил байроқ ҳилпираб турибди.

Юрагим ҳаприқиб кетди. Томиримдаги қон миямга ургандай бўлди. Шу пайт орқамдан Васька ҳам етиб келди. У менинг ҳолатимни сизди шекилли, дарҳол паст овозда:

— Нима гап у ёқда? — деб сўради.

Мен жавоб қайтармадим. Васька эҳтиётлик билан шохларни суриб, ташқарига қаради-да, қувониб кетди:

— Шундай бўлишини билардим,— деди пичирлаб.

Биз сездирмасдан кузатиб турдик.

Паст бўйли, юмалоқдан келган бир киши тўнка устида, юмалоқ қўлларини мушт қилиб, бақириб сўзларди:

— Биз қайта-қайта такрорлашдан тийилмаймиз: қурол ишлатиш мумкин эмас! Мумкин эмас! Минг тўққиз юз бешинчи йилни эслаб кўринг. У биз — рус революционерларига нима берди? Юзлаб кишилар ҳалок бўлди! Минглаб одамлар бадарға қилинди! Сизлар нима қилмоқчисизлар, тошларни қон билан суғормоқчимисизлар?

— Минг тўққиз юз бешинчи йил бизнинг курашимиз йўлида сабоқ бўлди! — деди баланд овозда бизникига Луганскдан келган, Митяй деган жингалак қора соқолли киши. Мен уни кўришим биланоқ танидим.

— Бу кураш эмас, балки ғалаён — деб кескин жавоб қайтарди Митяй амакиннинг сўзига ҳалиги семиз киши, — у ишчиларга жуда қимматга тушди. Раҳмат, биз энди яна бешинчи йилнинг қайтарилишини хоҳламаймиз!

— Яхсиси, революция бўлишини хоҳламаймиз, деб очигини айтавер! — деди баланд овозда Митяй амаки. — Биз эса революция озодлик беришини кўриб турибмиз ва уни, гарчи у сиз буржуйларнинг ҳамтовоқларига ёқмаса ҳам, амалга ошираемиз!

— Ишчига уришишнинг кераги йўқ. Ҳа, шундай! — деб чийиллади семиз киши. — Унинг бир сўмига беш тийин қўшиб бериш сизнинг снэсатингизга нисбатан афзалроқ!

— Бекор гап!

— Бас, эшитмаймиз уни, йўқолсин меньшевиклар сафсатаси! — деган овозлар янгради.

Одамларнинг боши узра ҳозиргина йўнилган таёқ дастага илинган қизил байроқ шамолда тўхтовсиз ҳилпирарди. Мен қизил байроқни ушлаб турган ёшгина ишчига қарадим.

— Нима, сен беш тийинга подшоҳдан озодлик сотиб олмоқчимисан? — деган ниҳоятда қадрдон овозни эшитдим-у, юрагим гүпиллаб кетди. Бу сал ҳирқироқ овозни минглаб овозлар орасидан ҳам таниб оламан. Бу — отамнинг овози эди. Мен дарахт шохлари орқасидан уни ҳеч кўролмас эдим.

Семиз киши эса ҳамон айюҳаннос кўтариб:

— Рус ишчиси революцияга ҳали тайёр эмас! Бизнинг вазифамиз — саноат комиссияси ва якшанбалик мактаблар ташкил этишдан иборат. Кўзғолонга чақириб ўрнига, ишчиларга ҳуқуқ беришни талаб қилиб, Давлат Думасига петиция йўллаш лозим! — дея бақирарди.

— Етар! Тўққиз юз бешинчи йилда биз қўйган талабларга подшоҳ пулемётлардан ўқ ёғдириб жавоб қайтарди.

Бу сўзларни механик Сиротка айтаётгани ва ҳатто чип қўйлагининг ичи бўш енгини силкитгани яққол кўришиб турарди.

— Уртоқлар! Подшоҳнинг илтимосига берган жавоби мана, ўзларинг кўриб турибсизлар! — деб мурожаат қилди оммага у. — Меншевиклар бизни чекинишга чорлашяпти! Улар зolim подшоҳни ҳимоя қилишяпти! Йўқолсин ишчилар ҳаракатига хиёнат қилаётган меньшевиклар!

— Йўқ-қолсин! — Сироткани қўллаган овозлар жарликнинг ҳамма томонидан кучли садо бўлиб эшитилди.

— Меншевикларнинг ишчилар ниқоби остига яширинишларига йўл қўймаймиз!

Мунозара жиддийлашди. Мендан уч қадамча нарида, шундоқ форнинг оғзида ўтирган пастуховкалик шахтёр Петя ўрнидан сакраб турди-да:

— Уни ҳовузчага шўнгитиш керак, — деб бақирди.

Семизнинг калласига қон қуюлгандай, ғазабига чидай олмай, гува-ла бошини сарак-сарак қилиб, даҳшат ичида:

— Бизнинг оғзимизни ёпиб қўйишга ҳаққингиз йўқ. Биз сиз большевикларга нисбатан озодлик учун кўпроқ курашмоқдамиз... — дея чи-йиллади.

Уша семиз кишини роса мазах қилиб кулишди. Уни меньшевикдан олиб, меньшевикка солишди. У, ҳақиқатан ҳам, пакана, кичкина бўлишига қарамай, қорни катта, мешга ўхшарди.

Ишчилар турткилаб, уни жойидан тушириб юборишди.

Унинг ўрнига Митяй амаки чиқиб сўзлай бошлади. Унинг сўзлари менга аниқ эшитилиб турди.

— Сиз, меньшевиклар, душмандан кўра хавфлисизлар. Сиз ишчилар синфига суйкалиб, уларга ширин сўзлар айтиб, тилёғламалик қилиб, уларни революциядан алаҳситмоқчи бўласизлар. Йўқ, сиз ниятингизга эришолмайсиз! Ҳали бирон марта ҳам қуруқ сўз билан революция галаба қозонган эмас. Подшоҳнинг қурол ишлатишига қарши қурол билан жавоб қайтариш керак!..

Мен Васька икковимиз энди нима қилишимизни ўйлардим: яна ёрдан орқага қайтиш қўрқинчли, бу ерда ўтиравериш ҳам хавфдан холи эмасди.

Полканинг узоқ-узоқларда вовиллаётган овози қулоғимга эшитилаётгандай бўлди. Лекин, албатта, шундай туюлаётганига ишончим комил эди: ахир кучугимиз жуда узоқда қолиб кетган эди-да. Лекин тўсатдан орқа томондан қадам шарпаси эшитилди, мен ўгирилиб қарадим: зим-зиё ёрда чироқлар шуъласи кўринди.

— Вась, булар ким? — деб сўрадим.

— Беркин, тез, — деди Васька.

Беркинадиган ернинг ўзи йўқ эди. Жуда қўрқиб кетдим. Ер остидаги иккита тиргак ёғочнинг орасида турганимча деворга ёпишиб олдим. Уларнинг ўзаро гаплашаётган овози ҳам эшитилиб қолди. Нам босиб кетган деворга тушаётган шуълада соялар липиллай бошлади.

Мен нафас ҳам олмай турардим. Бизнинг кетимиздан келганлар ким бўлди? Бир киши менинг ёнимдан ўтиб кетди-да, ташқарига қараб бир оз қулоқ солиб тургач:

— Жаноби олийлари, шу ерда экан улар, — деди.

Сўлаги оқиб юрадиган исқирт айғоқчини таниб қолдим. Кейин пичирлаб Миршаббоши етиб келди, эҳтиёткорлик билан ташқарига мўра-лаб кўрди-да, орқасида турган миршабга қараб:

— Тайёрланинг... Бошлиқларини тириклайин қўлга олинг! — деди пичирлаб.

Қўрқиб кетганимдан Васькани эсимдан чиқариб, ҳатто қаёққа кетганини ҳам билмай қолибман. Бирдан шундоқ ёнгинамда кимнингдир аллақандай инграётганини, гўлдираётганини эшитдим, кейин эса Васька:

— Вой! — деб бақариб юборди.

Миршаббоши ҳам, миршаблар ҳам турган ерларига ўтириб, биқиниб олдилар.

— Ким бор бу ерда? — деди миршаббоши секин ва атрофни пайпаслаб кўра бошлади.

— Вой, оёғимни синдирдим! — деб бор кучи билан бақирди Васька.

— Учир овозингни, ҳайвон!

Чироқлар ёруғида Васьканинг ерда ўтириб олганча гужанак бўлаётганини кўриб қолдим.

— Вой-дод, қутқаринглар, оғриб кетяпти! — дея додларди у.

Миршаббоши унинг оғзини юммоқчи бўлди, лекин Васька қўлидан сирғалиб чиқиб, янама қаттиқроқ бақира бошлади.

Ташқаридан шохларнинг қарсиллашлари, шахтёр Петянинг:

— Уртоқлар, тревога! — деган таниш овози эшитилди.

— Ярамаслар, нега гўдаиб турибсизлар! — деб бақирди миршаб-боши ўз кишиларига ва тўппончасини гилофидан суғуриб олиб, биринчи бўлиб ёрдан ташқарига чиқди.

Ташқаридан ўқ, шовқин-сурон, муштлашиш овозлари эшитилди.

Васька мени шартта ушлади-да, тагин тиргак тўсиқларга бошни уриб олмаслик учун қўлини олдинга чўзганча ёрнинг ичкарисига қараб югурди. У энди оёғидан шикоят қилмасди, демак, у атайин баҳона қилган экан...

Ҳеч нарсага ақлим етмайдиган, аллақандай қўрқинчли бўлди бу кун...

6

Богодуховск жарлигида миршаблар ишчиларни ўққа тутгани ва ярадорлар анчагина борлиги ҳақидаги хабар чўл бўйлаб узоқ-узоқларда яшовчи шахтёрларнинг қулоғига етиб борди. Миршаббоши қизил байроқни майдалаб йиртиб ташлагани, бутун жардаги кўкатлар устида қон сачраган варақалар сочилиб ётганини оғиздан қўймай гапиришарди. Бу хабарларни қочиб улгурганлар олиб келишганди.

Мен отамнинг нима бўлганини — қочиб улгурдимми ёки ҳалок бўлдими — билмас эдим. Завод девори ёнида йиғлаб турардим, Васька эса қўлимдан ушлаб олиб, отамни қидиришга судради. Ҳаммаёқ тўс-тўполон бўлиб ётибди-ю, уни қаердан ҳам қидириб топардим!

Завод ёнида мингларча ишчилар ташвишланиб туришибди. Қўшни конлардан болта обушок,¹ чўкичлар билан қуролланган кўмир қазувчилар завод ишчиларига ёрдамга етиб келишганди.

Ишчилар катта-катта тошлар, ёғочлар, вагонеткалар, темир-терсақларни келтиришар, бирини бири устига уюб истеҳком қуришар ва жангга тайёргарлик кўришарди. Истеҳкомнинг устига кимнингдир қонга бўялган кўйлагини калтакка тиқиб, байроқ қилиб қўйишди.

Митяй амаки ишчиларга командирлик қиларди. Истеҳком тепасидаги байроқни ҳам унинг ўзи ўрнатиб қўйган эди. Алёшанинг отаси ҳам, шахтёр Петя ҳам шу ерда эдилар. Кейин Анисим Ивановични кўриб қолдик. У ўзининг аравачасида тинмай у ёқдан-бу ёққа юрар ва ишчиларга истеҳком қилишни ўргатарди.

Васька икковимиз Анисим Ивановичдан яшириниб олдик.

Бирданига энг яқин кўчадан бир отлиқ отилиб чиқиб, от ўйнатиб, қиличини баланд кўтарди. Ортидан милтиқли казаклар эскадрони ҳам чиқиб келди. Шаҳарнинг мутлоқ хўжайини генерал Шатохин ўтирган юмшоқ файтон олдинга ўтиб тўхтади. Ёнида полицмейстер ҳам бор эди. Полицейстер файтон қанотида тик турганча:

— Тар-қалинлар! — деб бақирди.

Унинг кетидан милтиқлардан бараварига қарсиллатиб ўқ узилди.

Митяй амаки истеҳком тепасига чиқди. Унинг:

— Ўртоқлар, ҳақ-ҳуқуқимизни ҳимоя қиламиз! Йўқолсин қонхўр Николай! — деган қудратли овози янгради.

Ишчилар тошлар билан қуролланиб олдилар, оломон қўлида обушоклар кўзга ташланди. Қазакларнинг олдида от чоптириб келаётган, қўлларига оппоқ қўлқоп кийиб олган ёшгина юзбоши учиб келаётган тим қора отининг жиловин маҳкам тортиб, икки оёғида тикка турғизди-да, сувориларга ўгирилиб:

— Қиличларни яланғочланг! Менинг кетимдан марш! Олға! — деб команда берди.

Қинидан суғурилган қиличлар чақиндай ярқираб кетди. Қазаклар

¹ Обушок — тоғ жинсларини майдалайдиган асбоб.

қўлларидаги қиличларини ўйнатиб, отларининг ёллари узра энгашган-ча ишчилар устига ёпирилишиди.

Уларни ишчилар тош, темир, маъдан парчалари ёғдириб қарши олишди.

Қазак арғумоқлари гангиб қолди. Бир хили кўндаланг бўлиб олди, бир хили эса бўйинини ёй қилиб турди. Отлардан биттаси эса тошбўрон ичида икки оёғида туриб олганича, оғзидан кўпик чиқариб, худди тошларни қайтараётгандек, икки олдинги оёғини ўйната бошлади. Қазаклар бошлари узра қилич ўйнатиб, оломон устига от сурдилар-у, уларни оёқ ости қилиб ташладилар. Яна бир тўда казаклар эса учи қўрғошин зўлдирли қамчилари билан ишчиларнинг бошими, қўл-оёғими, елкасим — аямай саваларди. Мен шахтёр Петянинг кўк отнинг тизгинига маҳкам ёпишиб олганини кўриб қолдим. Қазак қулочкаш-лаб туриб унинг бошига қамчи туширди, лекин у то оти тиззалаб мункиб кетмагунича тизгинни қўлидан чиқариб юбормади, казак унинг боши устидан думалаб ўтиб, ерга йиқилди.

Ҳамма жойда шунга ўхшаш жанг кўриб, қўрқиб кетарди одам.

Қазакларга ёрдамга жандармчилар етиб келишди. Механик Сиротканинг:

— Уртоқлар, оғайнилар, подшоҳ малайларини бошлаб дўппосланглар, «Кўз-ғол, лаънат-ла тамғаланган, қуллар ва очлар дунёси!» — деган овози баралла янгради.

Исқирт мишиқи айғоқчи қўлида ғишт билан Сироткага ташланмоқчи эди, лекин шахтёр Петя унинг орқасидан чўкич билан бошлаб туширганди, у гандираклаб қолиб, Васька билан мен яшириниб олган ерга келиб урилди. Айғоқчининг чўнтагидан конфетлар сочилиб кетди, ўзи эса боши янчилганича ётиб қолаверди.

Жандармчилардан йигирма чоғлик киши оломонни ёриб ўтиб, қонга бўялган истеҳком томон яқинлашиб боришга уринарди. Яна бошқа бир тўда жандармчилар эса, ишчилар эҳтиёткорлик билан мустаҳкам қуршаб турган Митяй амаки томонга силжишга ҳаракат қиларди. Мана, ниҳоят жандармчилар байроқни қўлга киритиб, уни йиртиб ташлашди. Шу пайт оломон ичидан бир ишчи ажралиб четга чиқди-да, кўйлагининг ёқасини йиртиб, бағридан қизил мато чиқара солиб, ёғочга боғлай бошлади. Қазак от устидан туриб қамчиси билан унинг бошига урган эди, ишчи байроғи билан ерга йиқилиб қолди.

Лекин шу пайт қўлида соябон тутган номатлум бир оймича пайдо бўлди, у қўлидаги соябон ғилофини суғуриб олган эди, шабадада қипқизил байроқ ҳилпирай бошлади яна.

Мўйловли миршаб оймичанинг сочидан ушлаб олиб бошини ерга эгди ва байроқни олиб қўймоқчи бўлди. Лекин шу пайт ишчилар унинг қўлидаги соябон-байроқни олиб, қўлма-қўл узатиб юбордилар, байроқ бошлар узра ҳилпираб тураверди.

Жанг қизиб кетди, Митяй амаки ишчиларни таслим бўлмасликка чақирди, лекин миршаблар унинг ёнига ўтиб олишга муваффақ бўлдилар. У бўш келмай, уларнинг бир нечасини улоқтириб юборди. Лекин жандармчилар кўпчилик қилишди, ёпирилиб, ушлаб олишди.

Меңдан сал нарироқда бир хотин киши от ўйнатиб юрган юз-бошининг қаршисига чиққанини, кофтасининг ёқасини йиртиб, кўкрак кериб:

— Мана, норасида гўдакни эмизаётган кўкрагимга от, иблис! — дея қичқирганини эшитдим.

Жандармчилар, миршаблар ва казаклар ишчиларни завод дарвозаси томонга қисиб қўйишди. Одамлар ғуж бўлиб, кўпайиб бораверганидан завод дарвозаси шарақлаб очилиб кетди. Оломон заводга кирди, казак кетидан эса — казаклар. Жанг овози эшитилмай қолди...

— Мана сенга заводдаги тўй! — деди хуноби ошиб кетганидан Васька.

Биз охири отамни қидириб топдик. Ишчилар уни ярадор ҳолида қозонхонага олиб келишди.

Отам қоп-қора қонига беланган эди. У яшиқ устида, деворга сунганча ўтирарди. Шахтёр Петя билан яна икки ишчи унинг бошини латта билан боғлашарди.

Мен ҳўнграб йиғлаб юбордим, лекин отам овозимни эшитмасди. Унинг кўзлари юмиқ, худди алаҳлаётган одамдай:

— Бу қон тўкишлар зое кетиши мумкин эмас... Бу мумкин эмас! — дея тақрорларди.

Шаҳардаги қўзғолон бир неча кунгача давом этди.

Айтишларига қараганда, Биринчи май куни шаҳарнинг ҳамма кўчаларида жанг бўлибди. Бахмутдан махсус юборилган казак эскадронлари ишчиларни шаҳар марказидаги черков майдонига ҳайдаб келиб, ваҳшийларча савалай бошлабди. Маҳбусларга фақат черковдан бошқа яширинадиган жой йўқ экан. Поп уларни черковдан қувиб чиқарибди. Ишчилар ўзларини ҳимоя қилиб, черков буюмларини казакларга иргита бошлабдилар. Бир ишчи миршабни кадил¹ билан тушириб қолибди. Айтишларига қараганда, ҳазрат Иоанн ибодатхона айвони олдида туриб олиб: «Худодан қўрқсаларинг-чи, ахир ибодатхонани яқсон қилаяпсизлар-ку!» деб бақирди. Казаклар одамларни қиличдан ўтказаетган бир пайтда ким қулоқ соларди попнинг гапига!

Уч кун деганда Екатеринбургдан губернатор етиб келиб, ҳибсга олинганларнинг ҳаммасининг адабини берибди. Пожарная майдонини солдатлар ўраб олиб, ҳеч кимни ўтказмабди. Айтишларича, губернатор ишчиларни роса ҳақоратлабди: олдин уларни Биринчи май билан табриклабди, кейин ваҳшийларча калтаклатибди.

Сиротка амаки қамоққа тушибди, кўплар аристон ротасига топширилибди. Отамни ишчилар қаергадир яшириб қўйишибди, Митяй амакини эса, ишчилар қанчалик эҳтиёт қилишмасин, миршаблар қўлга туширибди. Губернатор унга: «Сени, социал-демократ, анчадан бери қидириб юрган эдик! Энди судимиздан қочиб қутулолмайсан», дебди.

Фақат беш кундан кейингина шаҳарда бемалол юриш имкони туғилди. Васька билан менга Пожарная майдонининг ҳамма ёғига қон сачраб ётганини айтиб беришди. Лекин биз ҳеч нарсани кўрмадик, ўт ўчирувчиларнинг болалари ишчиларни шундоқ подшоҳнинг ҳайкали тагида калтаклашган жойини кўрсатиб беришди. Губернатор дам олиб ўтирган курси эса унинг тўғрисига қўйилган экан. Губернатор хўппа семиз бўлса керак, у ўтирган курсининг оёқлари турган ер ўйилиб кетганини ўз кўзимиз билан кўрдик.

Шаҳарда отлиқ қўриқчилар кезиб юришибди. Шаҳар суди биносининг олдида одамлар кўп. Биз одамларнинг гапига қулоқ солиб: энг асосий революционерларни — Митяй амакини суд қилишаётганини билиб олдик. Биз одамлар орасидан ўтиб, суд бўлаётган ерга яқинроқ бориб олмоқчи бўлдик! Лекин суд бўлаётган ерда қўлларида найза турган отлиқ казаклар кезиб юрар ва:

— Орқага тислан! — деб пўписа қиларди.

Васька икковимиз дарахтга чиқиб олдик. Бу ердан суд бораётган ҳона деразаси ва соқчилар турган эшик кўриниб турарди.

Дарахт тагига ишчилар йиғилишиб қолишди, улардан бири судда қатнашганга ўхшарди ва у ҳаяжон билан:

— Судья «Судланувчи, сизга сўнгги сўз берилади», деб эълон қил-

¹ Кадил — ибодат вақтида исиріқ тутадиган идиш (тарж.).

ди. У ўрнидан турди-да: «Йўқ, — деди, — асло сизнингча бўлмайди. Бир ёқда миллионлаб ишчи-деҳқонлар оч-яланғоч, бир ёқда бўлса иш ташлагани учун ишчиларни отиб ташлаётдилар, инсоният учун шармандали доғ бўлган рус чоризмини ер сатҳидан сидириб ташланмагунча қўзғолонлар давом этаверади!»

Бу Митяй амакининг гаплари эди. Унинг жандармчилар билан мардларча олишгани, бир эмас, нечтасининг таъзирини бериб қўйганини мен ўзим кўрганман...

Хикоя қилаётган ишчининг гапларини яна ҳам яхшироқ эшитмоқчи бўлиб пастроққа тушган эдим, бирданига одамлар бесаранжомланиб:

— Олиб чиқишяпти, олиб чиқишяпти! — деб қолишди.

Суд бўлаётган жойдан қилич яланғочлаган икки солдат чиқиб келди, улардан кейин эса кишанланган Митяй амакининг чиқиб келаётганини кўриб, бақириб йиғлаб юборишимга озгина қолди. Ундан кейин яна қилич яланғочлаган икки солдат кўринди.

Суд залидан чиқиши билан Митяй амаки кишанланган қўлларини шарақлатиб юқорига кўтарди-да:

— Уртоқлар, мана уларнинг одил судининг башараси! — деди баланд овозда.

Унинг кетидан келаётган солдат ер тепкилаб:

— Юр, тезроқ, гапирма! — деб ўшқирди.

— Уртоқлар, ҳозирча хайр! Баррикадаларда учрашгунча!

— Уртоқ Митяй, бизни кечиринингизни сўраймиз! — деган овозлар янгради атрофдан.

Васька билан дарахтдан сакраб тушдик, лекин унинг олдига яқин боролмадик, одамлар кўплигидан улар орасидан ўтишнинг иложи бўлмади. Отлиқ казаклар одамларни қамчилаб, Митяй амакининг ёнига бўлатишмасди.

Биз қамоқхонагача унинг кетидан бордик. У ерда полициячи ва жандармчилар яна ҳам кўп эди. Қамоқхона маҳбусларга тўлиб кетибди. Девор орқасидан ташвишли ғовур-ғувур эшитилиб турибди.

Темир панжарали деразалардан биридан кимдир қизил рўмолча чиқариб, уни силкитаркан:

— Оғайнилар! Курашни давом эттираверинг! — деб бақирди бор овози билан.

Буни кўрган даҳа назоратчиси ифлос сўз билан ҳақоратлаб, ердан гишт олди-да, ўша деразага қараб отди.

Биз яна отишма бошланиб кетишидан чўчиб, орқамизга қайтдик.

Бизникиларни калтаклашганидан бўлса керак, кўнглимиз ғаш эди. Шаҳарнинг марказий кўчасида эса, сержилва духобалар тўшалган момиқ фойтонларга ясланиб ўтирган баринлар ёнларига офицерларни олволиб, ҳашаматли дўконлар олдида гизза-гизза ўтиб, сайр қилиб юришибди.

Мен Васькани уйга қайтишга қистадим.

Ғарб томон қизариб, қуёш ботаётган эди.

Бозорда бола-чақалари билан бир тўда аёллар турганини кўриб қолдик. Улар кимгадир қулоқ солиб туришарди. Биз ҳам улар ёнига келдик. Қўлида бандура¹ ушлаб олган қари бир чол қоқ ерда чордана қуриб ўтирарди. Унинг қошлари бароқ, сочлари оппоқ эди. Қария қўлидаги бандуранинг торларини чертиб, гоҳ майин, гоҳ ҳаяжон билан баланд овозда, қўшиқдан кўра оддийгина гаплашгандек, бир хониш бошлади:

Улсам менинг жасадим
Украинага кўмилсин;

¹ Бандура — украин чолғу асбоби.

Қабрим у кенг даланинг
Энг ўртасида бўлсин.

Қария торга бармоқларини қўйганича бир дақиқа жим турди-да, кейин яна чалди. Тордан баланд оҳанглар таралди, унинг ўзи ҳам ҳаяжонланиб кетди:

Кўмингу кўзганг исён,
Кишанлар кул-кул бўлсин,
Эрк жангида душманнинг
Қора қони тўкилсин...

Бирданига Васька айтиб берган эртақ эсимга тушди: «Дарвоқе, бу чол — ўша тор ушлаб ўтирган камбағал-ку! Демак, ҳали ҳам у подшоҳни қидириб, ундан ўч олиш учун кезиб юрган экан-да!» Эртақ ҳаёт билан аралашиб кетди. Менинг энди не эртагу не ҳақиқат эканига ақлим етмай қолди.

Мен бу тўғрида Васькадан сўрамоқчи бўлиб тургандим, бирданига муюлишда белида узун қиличини осилтириб, салмоқланиб келаётган Загребайга кўзим тушиб қолди. Одамлар қўрқиб кетди, улар қарияга ниманидир дейишмоқчи бўлди, лекин Загребай олдинроқ етиб келиб, уни этиги билан тепди-да:

— Нега ялпайиб ўтириб олдинг? Йўқол бу ердан! Тез бўл! — деди дўқ уриб.

Қария ўрнидан туриб, йўлида давом этди. Биз жимгина уни шаҳарнинг чеккасигача кузатиб бордик ва ўша ерда, чексиз чўл йўлига тушиб кетган камбағалнинг орқасидан узоқ вақтгача кузатиб турдик.

— У подшоҳни излаб кетяпти... Тўғрими, Васька! — дедим. Васька жавоб қайтармади.



Тоҳир Қаҳдор

журъат

Аввал...

«Энг аввал
Сўз бўлганди.
Сўнг амал туғилганди...»

«Аввал модда бўлганди,
Сўнг руҳ пайдо бўлганди...»

Аввал...

Аввал...

Даставвал

Озодлик бўлган эди! —

Ҳамма инсон тенг эди,

Дунё қалбдай кенг эди!

Аммо, одам бу бахтни —

Абадий саодатни

Аввал

Хор қилди ўзи —

Хиёнат қилди кўзи:

Тўймас кўзлар неники —

Кўрса, деди: «Меники!..»

Сўнг бошланди тенгсизлик,

Фоже, асл онгсизлик!

Бир тўп ёвуз инсонлар

Неча-неча замонлар

Фуқарони қул қилди,

Умрини бир пул қилди!..

Ун еттинчи йил келди —

Яна Озодлик бўлди —

Яна тенглик, саодат

Хаётда бўлди одат.
Аввалгидай бу олам
Бўлди гўзал, хур, хуррам.

«Энг аввал не бўлганди?» —
Десалар, дейман энди:
«Аввал
ЛЕНИН бўлганди!..»

Эшик тақиллаётир

Пардани тушириб,
Эшикни ёпиб,
Ўзимни бир асно холироқ топиб,
Қоғозга юзма-юз туриб қаламдай,
Бир лаҳза узилиб ташқи оламдан,
Етганимда хаёл остонасига,
Эшик тақиллайди
Басма-басига:
Ненидир сўроқлаб киради кимдир,
Ёзилмай қолади ёзилажак шеър.

Сўнг мени йўқлаган
Чиқиб кетади.
Яна хаёлларим парвоз этади.
Ва лекин, хонада бўлсам-да ёлғиз,
Фикримни бир жойга йиғолмай, ожиз,
Саросима ичра ўтираман тек —
Эшигим тақиллаб қоладигандек!..

Сўнг
Олис тарихга учар хаёлим —
Ўтмиш инсонлар ҳам, тангрилар ҳам
жим!..

Бир ҳол кўз олдимда бўлар намоён:
Эшик тақиллайди —
Кўринар инсон,
Қоронғу сукунат бирдан ёришар...
Суқротни ўлимга олиб боришар!
Аста шивирлайди донишманд юрак:
«Ўлганда инсондай ўлмоқлик керак.
Токи, ўлганингдан кейин — яшагин,
Ҳа, ўлдирганлари сайин — яшагин!..»

Бу сўзлар жисмимга қондай қуюлар,
Рухимда анланган куч пайдо бўлар:
Англайман бўшлиқни — бир сукунат деб,
Сукунатни — борлиқ, бир ҳақиқат деб;
Сукунат ҳаракат ибтидосидир,
Туғилган гўдакнинг илк нидосидир!..
Умрнинг ўзи гар бўлса сукунат,
Уни қалқитади қалб, зарурият:
Зарурият қоқар ҳаёт эшигин,
У — она, тебратар умр бешигин!

Инсоннинг вужуди ҳам бир эшикким,
Тақиллатар уни

Юраги доим!

Юрагимга пешвоз чиқурман бу кун,
Жисмим ғовларини йиқурман бу кун!..

Яна кўз ўнгимга бирма-бир келар
Яширин ишлаган инқилобчилар:
Тамаки тутунга тўлган хонада,
Миршабларга маълум бўлган хонада,
Инқилоб кемаси яратилмоқда,
Фикр ўқи тузумга қаратилмоқда;
Қуёш туғилмоқда бу ерда, тунда!..
Яширин рўзнома чоп бўлар бунда...

Шунда

Тақиллайди эшик басма-бас,
Ҳамма бирданига ютади нафас:
Демак, кимдир сотган. Чора йўқ. Шу дам
Эшикни очарлар мардона, бардам:

Сургунга,

Зиндонга кетарлар улар,

Аммо, шундай кунга етарлар улар —

Уларни вақтинча айлаган тутқун —

Эшик тақиллайди

Барибир бир кун,

Яна озодликка чиқиб кетарлар,

Яна ўша йўлда давом этарлар!..

Демак, қатъий ишонч керак одамга,
Фақат қатъий ишонч — тирак одамга! —
Ниҳоят, мен бунга англай бошлайман,
Ўзимдан уялиб, бошим қашлайман...
Англайман, ҳадиклар менга бермиш

панд,

Хавотир руҳимни этмиш кишанбанд, —

Ахир ҳур фикрлаш, эркин ҳаракат

Инсонга бўлмоғи керак-ку одат!..

Айни шу аснода

Тақиллар эшик,

Юрагим ҳовлиқиб уради дук-дук,

Уйлайман: шу пайтда келган у кимдир?

Балки, у қалбимдир? Ё ўз фикримдир?..

Балки, дўст келгандир қошимга бу чоқ,

Балки, душманимдир — қўлида пичоқ.

Бари бир,

Бари бир тураман шартта,

Очаман эшикни ҳозир, албатта:

Эшикни очаман шакланмай бу дам —

Ташқарида ҳатто

ажал бўлса ҳам!..

Юрагимнинг хиёбонида

Юрагимнинг хилват хиёбонида
 Бошланди кутилган шиддатли дамлар.
 Юрагимнинг хилват хиёбонида
 Майсадек барқ урди севинчлар, ғамлар.
 Руҳим Ер, Осмонга ўз ошёнидан
 Жой берди: сиздирди қуёшни, ойни...
 Юрагимнинг хилват хиёбонида
 Кўқартдим қор босган асрий Чиройни!..
 Мен уни асрайман қалбим қонида,
 Шу боис ҳеч нега қилмайман шафқат,
 Сен менга яқинлаб келяпсан, Журъат,
 Юрагимнинг хилват хиёбонида
 Борлиққа қалбимни изҳор этаман,
 Акс ҳолда, оламда яшаб кетаман,
 Акс ҳолда, барини ташлаб кетаман
 Юрагимнинг хилват хиёбонида!..

Чорраҳада

Юрган — дарё...

Чорраҳада ўйланиб-қотган,
 Тўхтаб турган одам — очик кўр.
 Чорраҳани шарт кесиб ўтган,
 Юриб кетган таваккалчи зўр.

Чорраҳанинг бошида — Ҳадик.
 Номаялум бир қисмат туради.
 Қисмат асли қандай бўлади —
 Бун юрган одам билади.

Чорраҳада — энг енгил ҳаёт:
 На ҳаракат, на бордир кадар.
 Чорраҳада яшамоқ фақат —
 Уз ўлимин
 кутгандан баттар.

Ҳайронлик

Сенсиз — муҳаббатсиз бу тун.
 Ғами ниҳоятсиз бу тун.
 Бунча саодатсиз бу тун?!

Нечун қиёматсиз бу тун —
 Наҳот, яна тонг отар сенсиз?..



Аста ўчиб борар оқшом сурати.
 Мен ёлғиз куйлайман хаёлларимни.
 Офтоб кўринмас-у, оҳлар уради.
 Оқшом юрагига менинг сиримни
 Сиздира олмасдан ҳайрон туради!..

Япроқлар ёнади ой нури аро.
 Бир шамол ненидир ахтарар тундан.
 Мен шунда хаёлан сўрайман ундан:
 «Мен кимман? Бахтлими ё бахти қаро?..»
 Сўнг яна куйлайман хаёлларимни.

Ногоҳ садо келар: «Кимнинг юраги?!» —
 Аста

ўчиб борар оқшом сурати.
 Нигоҳимдан қочиб боради боғлар,
 Уларнинг ортидан дарё — афсунгар!..

Мукофот

— Нега Лев Толстой этибди инкор
 Нобель мукофотин олмоқни? Не гап!?
 — Эҳ, мужикпараст граф! Тақводор!
 Бизни лол қилмоқчи ўзича алдаб!..

Ахир бу — ердаги энг юксак унвон!
 Бу чолга, айтинг-чи, яна не дарқор?!—
 Баҳе қилар шонпараст, нодон оломон
 Адиб инкорини этганча инкор.

Тўхтанг. Эй, сизларга ўзи не керак?!
 Толстой жаҳонни алдамас зинҳор:
 «Нобель»ни рад этган эканки, демак,
 Дунёда ундан ҳам олий унвон бор!



Биз кўрган, биз билган йўлларнинг бари
 Жамият, табиат ўзгарган сари,
 Қачондир йўқ бўлиб кетар муқаррар —
 Борлиқда неки бор — бари ўзгарар,
 Пайдо бўлар янги ва тўғри йўллар;
 Аммо, ўтган сайин саноқсиз йиллар,
 Ҳеч қачон йўқолмай давом этгувчи,
 Замонларга эсон-омон етгувчи,
 Наслларни қучоқ очиб кутгувчи,
 Улар билан бирга яшаб кетгувчи
 Бир йўл бор — у ҳар бир халқнинг
 йўлидир.
 Ҳар бир халқнинг азиз она тилидир.

Кўтарилиш учун яшайлик

Ер юзида тотув яшайлик,
Кечиб адоватдан, даъводан.
Инсон зоти бир зурёд ахир
Одам Ато, Момо Ҳаводан:
Биродардир одамзод бари —
Ишонайлик шу ақидага!
Ишонмоқчи бўлсак келажак
Авлодларга ва ҳақиқатга!
Уткинчи бир ҳолат ва туйғу —
Душманлигу жанг-жадал, зўрлик.
Заминда ҳам қачондир мангу
Қарор топар тинчлик ва ҳурлик!
Эл-элатни ёвлатган ким бор —
Бари миллат гўрковларидир,
Давлатларни довлатган ким бор —

Бари давлат гўрковларидир!
Уткинчидир хўжалик, қуллик,
Утиб кетгай, заҳмат, азият:
Эркака бўлган орзу — мангулик,
Мангуликдир инсоний қудрат!
Биродарим,
Биродарларим,
Қўл кўтара олмайман сизга, —
Бу дунёни абадий ҳеч ким
Боғлаб бериб қўймаган бизга!
Кучлимизми — бор кучсизларга,
Эркинмизми — бор эркисизларга,
Ҳушёрмизми — бор ҳушсизларга
Ўзимизнинг даражамизга
Кўтарилиш учун Яшайлик!

Тўрт рубоий

1

Ором олмоқ истагандим кўксинга бошим қўйиб,
Бўлмади, кетдим, юракдан сабру бардошим қўйиб.
Бари бир қайтиб борурман мен қачондир, майлига —
Мен борар йўлни бекит бор жафо тошин қўйиб!..

2

Дардлашай дейман ва лекин бу кеча ой ҳам йироқ,
Иккимиз учрашган у тоғ туни, сой ҳам йироқ.
Мен йироқ ойга қараб, ҳар дам сени ўйлайману
«Ҳей!..» демоқ бўлгайману, лек, сен яшар жой ҳам йироқ!..

3

Тилингда боринг дилингда бормас,
Дилингда боринг тилингда бормас.
Оёқ-ку тортмас, ҳатто хаёл ҳам,
Бас энди, сенинг йўлингда бормас!

4

Сўзинг гар яхшидир, майли, менинг қаттиқ сўзимдан кеч,
Сўзимдан кечганинг асно, мен истарман, ўзимдан кеч;
Агар ёлғиз юриб, йўллар ғуборига қолар бўлсанг,
Келу ой акси жим турган — булоқ бўлган кўзимдан кеч!..

Жимликдан овозлар

— Қим бўлдийкин
Ойдин жим-жит тунда басма-бас
Тақиллатган барча ёпиқ деразаларни?
— Э, у — шоир! Ҳар кунгидай, бугун ҳам сармаст,
Ҳар кунгидай, ҳушёрликка чорлар бизларни!..

Умрзоқ Муҳаммадиев



МАРМАРТОШ

ҲИКОЯ

Тупроқ кўпчиб ётадиган оддийгина дала йўли. Ҳар куни, ҳавонинг қизиган пайтида, эски велосипедда озғингина бола шу йўлдан ўтарди. Велосипед боланинг ўзиники эмас. Пиёда чарчаб қолмасин, деб холаси ўғлининг велосипедини вақтинча унга бериб қўйган. Бугун ҳам у сув чиқариш насосида моторист бўлиб ишлайдиган отасига тушлик олиб боряпти. Тик келган жануб қуёши самодан олов пуркаётгандай. Гилдирак тагидан кўтарилган чанг узоқ вақт ҳавода муаллақ туриб, йўл четидаги янтоқзорга оҳиста қўнади. Боланинг кўйлаклари тердан жиққа ҳўл бўлган. Иссиқдан юзлари бўғриқиб, нафаси сиқилади.

Бола тепаликдаги, кимсасиз қабристон оралигидаги йўлдан қўрқиброқ ўтди. Назарида, нураб қолган девор ортидаги сарғиш хас-хашак қоплаган қабрлардан алланималар чиқиб, қувлаётгандай бўлаверди. У дам-бадам ортига тикилар, ҳансираб бор кучи билан педални айлантирар эди.

Қабристондан ўтгач, велосипеддан тушди-да, ерга чўккалади. Онасининг устига тош қаланган кўримсиз қабрига маъюсгина тикилди. Мўъжазгина жисми япроқдек титраб, қурушқоқ лаблари пир-пир учиб, унсиз йиғлади. У қалтираётган бармоқларини ғайри табиий ҳолда жуфтлади-да, холаси ўргатган сўзларни шивирлаб, юзига фотиҳа тортиди. Кўнглидан ногоҳ шу гаплар ўтди: «Мен сизнинг васиятингизни бажараман, онажон... Албатта, қабрингизга мармартшо қўяман...»

Қиприклари орасида йилт этиб ёш пайдо бўлди-да, иссиқдан қорайган юзига оқди. Маъсум кўзларига ўкинч югуриб, хўрсинди.

Қабристон ортда қолди. Велосипед гилдираклари тупроқ йўлда чуқур из қолдириб, шитоб билан илгарилаб кетди. У шошиларди, яланг оёқларига тошдек ботаётган оғриқниям унутиб, ҳансираб педални босарди.

Бола етиб келганида, отаси ярим юмуқ кўзларини насос моторига тикканча мудраб ўтирарди. Мотор гувуллаганча насосни айлантирар, юқори кўтарилган сув шовқин чиқариб зарб билан бетон ариққа қуйилар ва кўпикланиб, сапчиб, қирғоққа урила-урида оқиб борарди.

— Яна кечикиб келдинг. Нима, мени очдан ўлдирмоқчимсанлар?

У мотор шовқини билан отасининг гапини эшитмади, аммо норози қиёфасидан хафа бўлганлигини аниқ сезд.

— Неча бор айтсам ҳам яланг оёқ юрасан! Нима, ботинкани томошага олганмисан?— Ота унинг қўлидан тугунни олиб, еча бошлади. Кейин ўғлини чақирди:— Кел, овқатга.

Бола индамади. У ўз хаёллари билан банд эди. Илиқ бир туйғу бутун жисмини қамраб олган, гармселда оҳиста тебранаётган қамишларга тикилганича онасини ўйларди. Онасини сўнгги бор касалхонада кўрган эди...

Унинг мўъжазгина юрагига нохуш ўй қора булутдек ёпирилди. Аёлларнинг уввос солиб йиғлаши эшитилгандай, тумонот одам устида лопиллаб бораётган тобут кўзига кўрингандай бўлди. Нафаси бўғилиб, хўрсинди. Аммо йиғламади.

— Ота, + деди у анчалан кейин овози титраб, — онамнинг қабрига мрамартош қўйсак...

Ота қўлидаги нонни дастурхонга қўйди-да, ажабланиб ўғлига тикилди. Гўштдор, салқи юзи, кенг пешонаси хиёл тиришиб, узоқ ўйга толгандек, чуқур фикрлади.

— Бўлади, оламиз, — деди у ниҳоят ўрнидан туриб, — онамнинг руҳи шод бўлсин, қабрига ўз қўлинг билан мрамартош қўясан.

Бола уйга қайтди. Тобора оқандлашиб қирга кўтарилган йўлдан қишлоқ тарафга юриш анча қийин бўлди. У велосипедини гоҳ миниб, гоҳ етаклаб шошиб борарди. Бугун, у ўзи сезмаган ҳолда кундалик одатини ўзгартириб, Бўйрачи овулидаги Тошгул бувисиникига қирмай ўтди. Буви бўйра тўқирди. Болага бўйранинг тўқилиши ажаб бир завқ берарди. Бугун у ана шу завқли томошани ҳам унутиб, шодлигини ким биландир баҳам кўриш учун шошмоқда.

У йўлдаёқ ўйлаб қўйган: холасиникига боради. Холаси бир севиниб кетсинки, мақташга сўз тополмай қолсин. Угай онаси нима деркин? Йўқ, у ўгай онасига бу ҳақда айтмайди. Билмагани маъқул.

Бола севинч оғушида уйларига кирди. Ҳовлига юракни ғашловчи жимжитлик чўккан, эгалари кўчиб кетгандай ҳувиллаб ётарди. Демак, ўгай онаси бозордан қайтмаган. У велосипедини ичкарида қолдириб, полиз орасидан ўтиб дарёга тақаладиган сўқмоқдан югурганича холасиникига ошиқди.

Холаси четлари очиқ қапада урчуқ йигириб ўтирган эди. Ҳовли эшиги гийқиллаб очилиши билан болага кўзи тушиб, ёнига чақирди.

Бола жуда чанқаган эди. У чир-чир айланаётган урчуқсопга бир зум тикилиб турди-да, усти ёпиқ кўзадаги муздек сувдан пиёлага қуйиб ича бошлади.

— Отангнинг олдидан келдингми? Соғ-саломатмикан? Онамнинг аҳволи қалай? Нега бизникига келмай қўйдиларинг?— сўради холаси.

У «ҳа» дегандек бош силкитди. Мурғак кўнгли учмоққа талпинаётган полопондек типирчиларди, тили учида айланаётган сўзни айтишга шошиларди.

— Хола, — энтикиб гапирди бола, — отам онамнинг қабрига мрамартош қўймоқчи.

— Йўғ-е, — холаси иккиланиб қаради.

— Ҳа, рост, бугун гапирди...

— Отаннинг ақли кираяпти дейман. Ароқ ичишга пул тополмай юрарди, шу билан ичишни ташлаб кетса, ажабмас.

Бола хафа бўлди, қилт этиб ютинди. Пиёлани токчага қўйиб, қайтмоққа ҳозирланди.

— Шошмай тур, чалоб сузиб бераман,— деди холаси урчуқни тўхтатиб.

У тўхтамади, йиғлагудек ҳолатда жимгина остона томонга юрди.

— Абдували, шошмай тур, чалоб бераман, ичиб борарсан,— ёлворган говушда чақирди холаси.

«Ҳамма ичади-ку,— ўйлаб борарди бола,— менинг отам Суннат пиёндек одамлар билан жанжаллашиб юрмайди. Маст бўлганда доимо ётиб ухлайди. Ичса, ўз пулига ичади, холамга нима. Ишонмайди-я, ахир мармартош оламан деди-ку...»

У ҳолдан тойгандек судралиб одимларди. Кўча эшиклари ланг очиқ турган экан. Бола бирор кўнгилсизлик бўлишини олдиндан сезгандек, ҳадиксираб ҳовлига кўз югуртирди. Учоққа ўт қалаётган ўғай онаси кўзи унга тушиши билан жаврай бошлади:

— Қаерларда юрибсан тентираб! Отангдан бир тийинлик фойда йўқ, аёл ҳолим билан бозор-ўчарга ўзим бораман. Ҳадемай ўқишинг бошланади, мактаб деб чопасан. Қаникулда нафинг тегмаса, қачон тегади! Пода келадиган пайт бўлди, бор, сигирни йўлига чиқ!

Абдували қирга йўл олди. У узоқ чўққилар ортига чўкаётган қуёшнинг лов-лов ёнишини, уфқнинг қизаришини, осмонга оҳиста ёйилаётган шафақ нурларини жуда севарди.

Йўлда пода кўринди. Ғунажинлар ирғишлаб, калтагина шохлари билан бир-бирларини сузмоқчидай чопқиллашади. Бузоқлаган сигирлар сутга тўлган елинларини аранг кўтариб уйга интилишади.

У тик тушган жарликка етганида, болалар алақачон сигирларини етаклаб уйга қайтмоқда эди. Унинг сигирини қўшни қиз Гулжамол ҳайдаб келаётган экан.

То ўғай онаси сигирни соғиб бўлгунча кеч кирди. У чақалоқ укасининг бешигини овқат пишгунча тебратиб ўтирди. Бола нечундир ёлғиз қолишни истарди. Апил-тапил овқатланди-да, супага солинган ўринга чўзилди. Ҳадемай осмон ёришиб, юлдузлар равшанлашди. Шамолда секин тебраниб шитйрлаётган теракзор ортидан кўтарилган тўлин ой оқ ёғду сочди.

Абдували жимир-жимир милтираётган юлдузларга тикилганича ўйлаб ётар, аммо отасининг нима учун ичишига, маст бўлиб олиб, жим ўтириб хаёл суришига ҳеч тушунмасди...

Онасининг вафот этганига бир йилча бўлган эди. Холаси уйларига бир нотаниш аёлни бошлаб келди. Она деб айт, бу— сенинг онанг бўлади, агар ҳеч тилинг бормаса, опа деб чақир, дея тайинлади. Нотаниш аёл уни бағрига босди, пешонасидан ўпиб, янги костюм-шим совға қилди:

Минг афсуски, яхши дамлар узоққа чўзилмади. Кейинчалик ҳаммаси ўзгариб кетди. Отаси уйдан безгандек ичадиган одат чиқарди. Уғай онаси турли нарсаларни баҳона қилиб уришадиган, боланиям раңжитадиган бўлди. Ҳозир ўғай онасини ҳеч ким деб атамайди. Бирор нарсани сўрамайди. Фақат жавоб беради.

Абдували қўрққандек бир сесканиб тушди. Ушанда ҳам худди шундай бўлганди. Отаси ичиб келганди. Уғай онаси аламини кимдан олишини билмай ўтирган эди.

— Ҳаммасига сиз айбдорсиз, сиз,— қўлини бигиз қилди у,— олдинги хотинингизни юрагини қон қилиб бошига етгандингиз. Шу насос сизга оила, бола-чақа бўлади. Бир ҳафтадаям уйни эсламайсиз. Нима, мени ҳам абгор қилмоқчимисиз?!

— Хотиним раҳматликка тил теккизма, — мажолсиз гапирди отаси.

«Эҳ, ота, намунча ичасиз? Нега мени ўйламайсиз? Угай онам мени ҳар куни уришиб беради. Сизнинг ичишингизни юзимга солади, — бола сарғиш тумандек чўзилган Сомонўлига тикилганича ўзига-ўзи гапир бошлади. — Холам айтадики, сомон йўли ҳеч ким болаларни койитмайдиган, донмо баҳор бўлиб ётадиган узоқ ўлкаларга олиб бораркан. Агар шундай ича берсангиз, мен уйдан кетиб қоламан. Сомон йўлига қараб юра бераман, то оёқларим толиб қолгунча югураман. Олдин онамнинг қабрига мрамартош қўйишим керак. Балки сиз унғача ичишни ташларсиз. Кейин кетмаслигим мумкин. Эртага қўзичоқларимни ўтлоққа ҳайдаб борганимда Гулжамолга айтаман. Онамнинг қабрига мрамартош қўймоқчи эканлигимизни айтаман. Уни сиз биласиз-а, ота, жуда яхши қиз. Начора, онам уни билмайдилар-да, балки кейинчалик эшитарлар. Холам айтади-ку, одам ўлгандан кейин руҳи фаришта бўлиб учиб юрармиш...»

Бола тубсиз хаёллар билан олиша-олиша чарчаб, уйқуга кетди.

Ёз охирлашди. Иссиқ тафти пасайди. Тонглар салқинлашиб, полизларга шудринг тушди. Лагерда дам олиб қайтган болалар мактаб ташвишига тушиб қолди.

Абдували отасининг мрамартош сотиб олиб, онасининг қабрига қўйишни жимгина кутиб юрарди. Ҳаёт ҳамон аввалгидай, гўё ҳеч нарса ўзгармаган.

У бугун жуда толиқди. Эрталаб ўгай онасининг қистови билан икки яшик помидорни бозорга олиб тушганди. Сотиб бўлгунча роса чарчади. Бозорнинг шовқин-суронга тўла ҳавосидан кўнгли лоҳас бўлиб, жисмида ҳолсизлик сезган бўлса-да, лекин у қувноқ эди. Чунки велосипед рулига маҳкамланадиган йўл кўрсаткич ойна сотиб олганди.

Энди жуда зўр бўлди-да, велосипедда кета туриб, орқадан келатган машиналарниям бемалол кўриши мумкин. Қишлоқда бирорта боланинг велосипедида бунақа ойнаси йўқ. У севинч билан ойнага тикилар, ўсиқ, пала-партиш сочларини тартибга келтирган бўлиб бармоқлари билан текисларди.

У гира-шира оқшом чўкканда уйга кириб келди. Угай онаси осто-нада кутиб турган экан. Олдин бозордаги нарх-навони суриштирди, боланинг қўлидан пулни тийинигача ҳисоблаб олди. Беихтиёр кўзи ойнага тушди-да, зуғум қилиб ўдағайлади:

— Отангга ўхшаб пулни беҳуда сарфлашга ўрганибсан-да! Буни бошингга урасанми, нима, велосипетинг ойнасиз юрмайдими?! Алла-маҳалгача тенгираб юрганинг етмагандек, менинг олдимга темир-тер-сакни кўтариб келасан!..

Бола гуноҳқорона хўрсинди. Бошини хиёл кўтарди-да, ўгай онасининг жаҳлдан учаётган юзига қўрқа-писа қаради.

— Энди бошқа бозорга бормайман... — деди сўнг.

— Ҳа, жин урдими. Сенга биров бекорга нон берармиди. Топган пули ароғига етмайдиган дадангдан нима кўрдим, энди сендан бир умид қилармидим... — ўгай она ўкиниб йиғлади. — Шу ерга келгандан буён бирим-икки бўлмайди. Мени ҳам тириклайин ерга кўймоқчимисанлар! Бирор орзу-ҳавас қилолмасам! Тоқатим тоқ бўлди. Сен нега бўзрайиб турибсан, бор, бузоқни сигирдан ажрат!

Абдували гарангсиз молхона томонга юрди. У қайтиб келганида, ўгай онаси биғ-биғ йиғлаётган гўдакни юпатиш учун бешик тебратиб, ҳамон койинарди.

Бола уйга киришга ботинолмади. Ҳовлидаги тут дарахтига суянга-

нича ерга чўк тушиб ўтирди. Бу ерда у ҳеч кимга керак эмас, уни ҳеч ким ўйламайдиям.

Қоронғилик чўккан, юракни эзувчи жимжитликни бузиб чигирткалар чириллашар, узоқ-узоқдан отаси ишлайдиган сув насосининг гувуллаган мотор товуши элас-элас қулоққа чалинарди. Аксига олиб, бугун отасига овқат олиб бормади. Балки отаси унинг йўлига кўз тикиб ўтира бериб, тоқатсизланиб роса сўкаётгандир. Лекин унда нима айб? Ахир ўгай онаси қўярда-қўймай бозорга юборди-ку!

— Ҳўв, кел, овқатингни е!— ўгай онаси қарсиллатиб эшикни ёпди. Боланинг кўнгли ўксиб, ғужанак бўлиб олди.

...Нега энди ўгай онаси уни ҳадеб койий беради? Унинг айби нима? Айниқса, колхозга ишга чиққандан бери жағи тинмайди. Ахир уни бола ишга чиқаргани йўқ-ку. Анали паканагина бригадир қўймади, бозор-ўчарингни кейин қиларсан, чеканка кечикиб бораёпти, деб айтди.

Абдували ўтирганича уйқуга кетди. У туш кўрмоқда эди. Айни тут пишиғи палласи эмиш. Онаси қўлига узун таёқ олиб, тут қоқаётган эмиш. Аммо дарахтдан тут меваси эмас, кичик-кичик юлдузчалар тўкилар эмиш. У юлдузчаларни кафтига олиб емоқчи бўлса, қордай эриб, йўқолиб кета берибди. Онаси эса завқланиб кулар, дув-дув тўкилаётган юлдузчалар орасида гоҳ кўриниб, гоҳ йўқолиб, яна пайдо бўларкан...

— Тур ўрнингдан!

Бола сесканиб кўзини очди. Бошида тик турган ўгай онасини кўрди-да, кўзларини уқалаб ўрнадан турди.

— Илон-чаён чақиб, сени деб бирор балога қолайинми? Энди шу ташвиш етмай турувди. Бор ўрнингга кириб ёт!..

Ҳар гал отасининг уйга келиши бола учун байрам эди. Чунки ўгай онаси уни бекордан-бекорга койий бермайди. Қани энди отаси доимо уйда бўлса.

Абдували сигирни ҳайдаб, яйловдан қайтса, отаси уйда ўтирган экан. У шу қадар севиндики, ўзини қўярга жой тополмай қолди. Онаси эса оёғи куйган товўқдек гирдикапалак. Демак, ҳаммаси тушунарли. Отаси ойлик олган. Ўгай онаси моюнани қўлга киритмагунча юз нусхага кириб чиқади. Овози майинлашиб, уни Абдувалижон деб чақиради. Бола ҳаммасини тушуниб қолган. Бу қувноқликнинг узоққа чўзилмаслигини ҳам биледи. Бунчалик пулга ўч бўлмаса бу аёл...

У отаси билан гаплашишни жуда-жуда истарди. Отаси ойликни олибди, яхши, мартартошни қачон олади энди? Начора, у ўгай онасининг олдида ботиниб бу ҳақда сўз очмади. Ўрнига чўзилиб, эртага отасидан бу тўғрида сўрашни кўнглига туғиб қўйди. Аммо уйқуси қочиб, қоп-қоронғи шифтга тикилганича узоқ ётди. Тўсатдан қулоғига гангир-гунгир суҳбат эшитилди:

— Ойлик олдингизми?

— Ҳа, нимаиди?

— Хабарингиз борми, Абдували кўча-қўйда гапириб юрганмиш мартартош оламиз, деб. Қўшнимизнинг қизи Гулжамол айтди. Пул керак, ўғилчамиз бир ёшга тўлди. Тўй деган нарса бор. Ҳар қалай биринчи фарзандимиз, ўйламайсиз ҳам.

— Ёш бола-да, тезда кўнгли қолади. Кейинчалик ёдидан кўтарилиб кетар, гапирдим-қўйдим-да. Пул бўлса, ана, чўнтакда, ол. Озроқ қолдир, улфат, жўрачилик бор. Валига уст-бош олишим керак, ҳадемай мактабга боради.

— Ҳўп.

— Бунча қўлларинг совуқ, нима бало, кафтингга муз тўнғиб қолганми...

Угай она кулди. Хона ичи бирдан жимиб қолди. Фақат болагина энтикарди. Пиқ-пиқ йиғлаётганини сездирмаслик учун кўз ёшидан жиққа ҳўл бўлган ёстиқни қаттиқ тишлаганича совуқ урган одамдек қалтирарди.

«...онажон,— бола йиғи аралаш ўз-ўзига унсиз сўзларди.— Уйдан кетаман, бутунлай кетаман. Йўқ, олдин сизнинг қабрингизга мрамртош қўяман. Сўнг тунда ўрнимдан тураман-да, Сомон йўлига қараб жўнайман. У ёқларда мени ҳеч ким хафа қилмайди. Уқийман. Уйдан бош олиб чиқиб кетишимга сиз хафа бўлманг, онажон. Балки руҳингиз учиб келиб, ҳовлимиздаги тут дарахтининг новдасига қўниб, ҳаммасини кўриб-эшитиб тургандир... онажон...»

Абдували педални мажолсиз босар, имиллаб айланаётган ғилдираклар чий-чий овоз чиқариб, тупроқ йўлда из қолдириб, илгарилаб борар эди. Унинг қўй кўзлари тубидаги маъсулик озгин юзига ёйилган, қиёфаси ғамгин. Дам-бадам кўрсаткич ойнага қараб-қараб қўяди, аксига олиб, орқадан бирортаям машина келмайди. Ойнада ғилдирак тагидан кўтарилган енгил чанг, сарғиш кўкимтир тусга кириб қолган ёнтоқзор ҳамда йўлнинг аксигина кўринади.

Бугун мотор товуши эшитилмас, насос ишламаётган эди. Бола уст-боши тупроққа беланганча ерда чўзилиб ётган отасини кўрди-да, қўрқувдан чўчиб тушди.

— Ота,— деди у отасининг елкасига туртиб.

Отаси хириллаб нафас оларди. Ароқнинг бадбўй ҳидидан боланинг кўнгли бузилди.

— Ота, мен келдим.

Отаси ярим юмуқ кўзларини сал-пал очгандай бўлди. Турмоқчи бўлиб, қўлларига таянди.

— Мен келдим, сизга овқат олиб келдим.

— Ҳим... сен... мисан? Абду... вали... жон!..

— Олинг, иссиқ шўрва, ичсангиз тузаласиз.

Отаси индамади. Сал бошини кўтариб, ўғлини биринчи бор кўраётгандек қаттиқ тикилди.

— Онаминг қабрига қачон мрамртош қўямиз?— қатъий сўради бола.

Отаси жим эди.

— Сиздан сўраяпман, мрамртош қўямизми-йўқми?

— Мрамртошми? Жуда қиммат. Олсак, онанг уйдан кетиб қолади. Кейин бизга оғир бўлади. Уст-бошингни ким ювади, овқатни ким қилади?

— Майли, кетса кетаверсин,— йиғлаб юборди бола.— Бизга унинг кераги йўқ! Ҳадеб мени уришади...

Отаси бошқа ҳеч нима демади. Худди ўзини тутиб туролмаётгандек ерга ётди-да, кўзларини юмди. Бир оз ўтмай хириллаб нафас ола бошлади. У ниманидир ўзича гапирётгандек тамшаниб, қўлини ноаниқ силтарди.

Бола уйга қайтди. Боши оғриётганди. Кўзлари тиниб борарди. Узини ғариб, кимсасиз кишидек сезар, ёлғизлигини, ҳеч кими йўқлигини ўйлаб, ич-ичидан ўртанарди.

Ноилож Тошгул момонинг уйига бурилди. Холаси унга бўйра олиб келишни буюрган эди.

— Нима бўлди сенга, тобинг йўқми? Ранги-қутинг ўчиб кетган. Вой, бола бечора-ей...

Абдували ерга тикилганича жим турарди. У юрагидан отилиб чиқаётган аламини босиш учун йиғламасликка тиришарди.

— Онангнинг қабрига мрамартош қўймоқчи бўлувдинг. Мен беҳабар қолмай, айтасанми?

У бош силкитиб, чуқур хўрсинди...

Кучли довул турди. Чанг-тўзон аралаш эсаётган шамол кўз очирмай қўйди. Бола велосипедни қийнала-қийнала етаклаб келарди. У қаттиқ ҳолдан тойганди. Боши оғирди. Довул велосипедни боланинг қўлидан юлиб олмоқчидек тортқиларди. Тупроқ йўлда ҳеч нимани кўриб бўлмасди. Бола қийналарди, гоҳ суриниб, гоҳ йиқилиб, гандираклаб судралиб борарди.

Безовталаниб йўлга чиққан холаси қабристон ёнида кутиб турган экан. Бола ўзини тутиб туролмади. Велосипед рулига суянганча пиқ-пиқ йиғлай бошлади.

— Йиғлама, Абдувалижон! Қўрқиб кетдингми? Мана, мен келдим,— юпатишга уринди холаси.

— Отам... унамади. Мрамартош олмайман, деди.

— Ёш бола эмассан-ку, йиғлама. Улғайгач, пул ишлаб, ўзинг мрамартош оласан. Ўз қўлинг билан онанг раҳматликнинг қабрига қўясан. Отанг топган пулини хотинига сарфлайберсин, қани кўрамиз, бу ёғи нима билан тугайди. Сенга ўғайлик қилган она унга ҳам эл бўлмайди. Юр, кетдик бизникига. Тобинг йўққа ўхшайди, бизникида ётиб дам оласан.

Холаси қанчалик ялиниб-ёлвормасин, бола қолмади. Уйга қайтди, жуда кеч қайтди.

Шамол кучайган сайин, чанг-тўзон қуюқлашиб, қоронғилик чўкиб борарди.

Абдували уйга кириши билан ўғай онаси уришиб берди. Унинг тик туришга ҳам мажоли қолмаганди. Печка ёнига бориб, деворга суяниб ўтирди. У ҳеч нарса эшитишни истамасди. Қулоғи шанғиллаб, боши айланар, ўғай она эса тинимсиз жаврар эди.

— Аёл бошим билан ҳаммасига ўзим қарайман. Шу пайтгача қаерларда тентариб юргандинг?! Отанг бугун яна ичибдими? Ароқхўрнинг дастидан бош кўтариб юролмайсан. Ёр ютсин шу отангни. Иссиқда куйиб, кетмон кўтариб юрганда, биларди ишнинг қадрини. Акамнинг қилган яхшилигиyam бир пул бўлди. Нима бўлса ҳам, ўзимники деб ойликли ишга қўйганди. Қайтага унияm ташвишга қолдирди. Қурисин шу отанг. Мен унга фақат хотин сифатида керакман. Толеим паст бўлмаса, келиб-келиб шу бетамизга тегармидим...

Бола ҳеч нарсани эшитмасди. Кўзлари юмулиб бораётган эди. Дераза ойналарини зириллатиб ташқарида шамол гувулларди. Қарсқурс синиб бораётгандек дарахт новдалари бир-бирига урилиб овоз чиқарарди...

Абдували икки кун бетоб бўлиб ётди. Энди унинг кўзларида бўлар-бўлмасга ёш ҳалқалана бермасди.

Эшик ва деразаси зич ёпилган, уй исиб, димиқиб кетганди. Тоза ҳаводан нафас олишни кўмсарди. У ёлғиз ётабериб зерикди, ҳовлига чиқди, устунга суёғлиқ турган велосипедини кўриб, унинг филдирагини айлантриб кўрди, рамага ёпишган чангларни артиб, кўрсаткич ойнага қараб сочларини таради.

— Ҳўв, бу ёққа кел!— ошхона тарафдан ўғай онаси чақирди.— Турибсан-ку, жин ургир. Бунча таранмасанг. Маймун башара юзингга қарайман деб бировнинг кўзи учиб тургани йўқ.

Бола бошини қуйи эгиб, жим турарди.

— Нима, кармисан?— бақириб берди онаси.— Сенларга айёрликни ким ўргатган? Шапкўр отангга овқат ташийман деб тинка-мадорим қуридику! Бугун тушликни ўзинг олиб борасан. Эшитдингми? Намунча

бақрайиб қарайсан! Сенга айтаяпман, ма, тезда элтиб бер, отанг ичини ит талагандай сўкиниб ётгандир.

Бола кўл бўйига етиб келганида, отаси энди насос-моторни юргизаётган экан.

— Тузалдингми?— сўради отаси қўлидан тушликни олиб.

— Ҳим...м-м, — бош силкиди бола.

У то отаси овқатланиб бўлгунча тол соясида ўтирди. Яна боши оғриётганди. Мармартош ҳақида гапирмоқчи бўлди-ю, фикридан қайтди.

— Ма,— ғижимланган беш сўмликни узатди отаси кетишга отланганда.— эртага ароқ олиб кел.

Даштликдан эсаётган гармсел ва узоқ йўл уни толиқтириб қўйганди. Дам-бадам боши айланарди. Лахча чўғни ютиб-юборгандай аъзойибадани куйиб борарди. Сув ичиш учун тўқайга бурилди. Чириган қамиш ва балчиқ ҳидидан кўнгли айниди. Юзасини ўтлар қоплаган, ҳаракатсиз, қорамтир сув ёнига келиб, иккиланиб тўхтади. Ботинолмай ҳовучини тўлғазиб сув ичиб, пича енгил тортгандай бўлди. Чўмилсангу тузаларман, деб ўйлади-да, ечиниб, сувга тушди. Муздек сувда хиёл ўзини енгил ҳис этди. Узоқ, роҳатланиб чўмилди.

Кейин қирғоққа чиқиб, қум устида чалқанча ётганича кўзларини юмди. Ширин, роҳатбахш илиқликни сезиб, мудрай-мудрай ухлаб қолди.

Унинг кўзлари юмуқ, иситмалаб ётарди. Дир-дир титраётган лаблари унсиз пичирларди: «...Сизнинг васиятингизни албатта бажараман. Албатта қабрингизга мармартош қўяман, онажон... Уйдан кетаман, Сомон йўлига қараб кетаман, онажон...»

Бола жиққа терга ботиб кўзини очди. Вақт алламаҳал бўлиб қолган эди. Жуда ҳам очиққанлиги, ҳолсизланиб, бутун бўғинлари зирқираб оғриётганлигини ҳис этди. Угай онасидан роса гап эшитишини ўйлаб, хўрсинди. Кўнгли бузилиб, қилт этиб ютинди.

Велосипедини минишгаям қурби етмай, етаклаб йўлга тушди. Бирдан ўйланиб тўхтади, сўнг ортига бурилиб, тескари тарафга юрди.


Бола аста-секин тепалик устида қорайиб кўринаётган қабристондан тобора узоқлашиб борарди.

Атроф қоп-қоронғи. Кўкимтир осмонда милт-милт чакнаётган юлдузлар орасидан шаҳар тарафга олтин тасмадек чўзилиб кетган Сомон йўлигина ёришиб кўринарди.

Сурхондарё.

Тўлқин

Амма



ҲИКОЯ

Ю нусобод. Тошкент биқинидаги бу боғ-роғларга бурканган ерлар она шахримизга кўрк ва чирой бахш этади. Катта кўчанинг шундоқ ёнгинасида мактаб бор. Мактабнинг орқа томонида, тор кўчада, бор-йўғи беш-олти хонадон яшайди. Кўчанинг энг охирида кичик бир дарвоза қийшайиб турарди. Бу дарвоза менинг баланд бўйли, саксовулдай қотма, меҳрибон аммамларнинг ҳовлиларига олиб киради.

Аммамлар бир ўзлари якка яшардилар. Поччамларни мен танимайман. Бир пайтлар ўриқдан йиқилиб вафот этганлар деб эшитганман. У кишининг қирқи куни аммам қиз кўради. Қизча оёққа тургач, аммам поччамнинг ўрнига колхозга чиқади. Боғда ишлайди, ўроқ ўради, кетмон чopaди. Қизи вояга этади. Уни қариндош-уруғлар кўмагида кўшни колхозга узатади.

Ғани— шу аммамнинг тўнғич невараси. Мендан тўрт ёш катта. Улар бизга кўшни яшашар, аммам кунора келиб, гоҳ бизникида, гоҳ Ғаниларникида ётиб кетардилар. Биз аммамларнинг келишларини байрам қилиб кутиб олардик. Чўнтакларида қуртми, хўрозқандми, нима бўлса, бизга илинар эдилар.

Урушдан кейинги тикланиш йиллари эди. Мен, янглишмасам, тўртинчида, Ғани эса еттинчи синфда ўқир эдик. Илк баҳор кунлари. Аммам бизларникига келдилар-да, Ғани билан мени ёнларига чақириб:

— Ўғилларим, дам олиш куни менга бир оз ёрдам бериб юборсаларинг, озроқ картошка бор, сотиб берсаларинг,— деб қолдилар.

Биз рози бўлдик.

Эрта тонгда Ғани билан аммамларникига етиб бордик. Пешингача ўра ковлаб, картошкаларни икки қопга жойладик. Аммам кўшнилари

билан гаплашиб қўйган эканлар, бизларни аравада Олой бозорига элтиб қўйди. Виж-миж одам. Бозор деганларича бор.

Бозорда картошка деярли йўқ эди. Аммамнинг қўшнилари бош бўлди-ю, сотувни бошлаб юбордик. Фанининг қўли-қўлига тегмайди. Мен ёрдамлашиб турибман. Пулларни аммам бериб юборган бўз халтачага соляпмиз.

Бир танноз аёл икки кило картошка олди. Мен қараб турибман. Пул бергани йўқ. Турди-турди, сўнг Фанига ўшқирди:

— Қайтимини бермайсанми, ҳой бола!

Фани тарози билан овора. Аёл пул берган деб ўйлади шекилли, сўради:

— Неча сўмлик бердингиз, опа?

— Юз сўмлик!

Мен ҳайратдан ёқа ушладим. Жон ҳолатда:

— Пул берганингиз йўқ-ку!— дедим бақириб.

— Ҳой зумраша! Оппоқ сочим билан сенларга ёлғон гапираманми? Қайтимини тезроқ чўз!— ўшқирди аёл. Важоҳатидан қўрқиб кетдик. Ёнимизда сабзи савдо қилаётган аммамнинг қўшнилари гапга аралашди:

— Нима гап?

Мен воқеани тушунтирдим:

— Шошманг-чи, опа!— аёл томонга ўтди қўшни.— Неча сўм бердим деяпсиз?

Аёл ҳамон бўш келмай:

— Юз сўм!— деди такрор.

Қўшни Фанининг қўлидаги пулхалтани олди. Пулларни тита бошлади. Унда битта ҳам юз сўмлик пул йўқ эди.

— Пулингиз қани?— энди зуғум билан сўради қўшни.

— Билмасам, бу зумрашалар бекитганга ўхшайди!— бўшашиброқ гапирди аёл.

— Агар гапингиз рост бўлса,— қўшни дадил-дадил гапира бошлади.— Мен ҳозир милиция чақираман. Ушанда исботлаб берасиз.

Милиция сўзини эшитган аёл:

— Боринг-эй!— деди-ю югургилаб одамлар орасига ўзини урди.

— Қаллоб!— деб қичқирди қўшни. Биз эса ҳангу манг бўлиб қолдик. «Қатта одамлар ҳам алдар эканлар-да!» деб қўйдим ичимда.

Қўшни бизларга ўгирилиб:

— Мана, шунақа, укалар! Уруш сабаб, ёмон кўпайиб кетди. Савдоларингни қилаверларинг. Аммо эҳтиёт бўлларинг. Яна алданиб қолмаларинг,— деб, ўз моли ёнига ўтди.

Кечки пайт савдо яхши бўлди. Икки қоп картошкани пулладик. Қопларни тахлаб қўлтиқладик. Фани пулхалтани, аммам айтганларидек, белига боғлаб олди. Қўшни ҳали сабзисини сотиб бўлмаган эди.

— Майли, кетаверларинг! Мен сотиб бўлиб бораман!— деди у.— Аммо пулга эҳтиёт бўлларинг!

Яёв йўлга тушдик. Юнусободга элтадиган баъзи кўчалар тош, баъзи кўчалар тупроқ. Қоринларимиз ҳам анча-мунча очқаган эди. Икковимиз ҳам жим. Фани ҳуштак чалиб олдинда, мен орқада, гўё сафда қадам ташлаётгандек кетяпмиз. Бир пайт Фани:

— Хаёлимга бир фикр келди, ука!— деб қолди. У ҳар доим менинг отимни айтарди. Ҳозир «ука!» дейиши қандайдир катталарга хос эди. Шунинг учунми, мен ҳам кесатиб:

— Қандай фикр экан, ака!— дедим.

У хохолаб кулиб юборди.

— Шу,— деди у,— Абдумалик, картишка сотиб жуда кўп пул тўплادик. Шундан озроқ бекитиб олиб қолмаймизми? Ойимлар бил-

майдилар ҳам. Кел!— у майса устига ўтириб, белидаги пулхалтани ечди.

— Менга пул керакмас!— дедим.

— Ваҳ-ҳа-ҳа!— кулди у. — Пул керак эмасмиш-а! Фотоаппарат оласан, тентак!— У халтадан пул олиб, менга узатди.

— Йўқ, — дедим қатъий. — Аммам хафа бўладилар.

— Қаердан билиб ўтириптилар. Билмайдилар, дедим-ку! Олавер!— Ғани ҳам ўрнидан турди. Мен олмадим. У қўлидаги пулларни ўз чўнтагига солди-да, менга уқдирди:

— Бўлмасам, чақимчилик қилмайсан!

Мен бош ирғаб тасдиқлаган бўлдим. Қоронғи туша бошлаганда биз аммамларнинг уйларига кириб бордик. Аммам ҳовлида ниманидир ямаб ўтирган эканлар, бизларни кўра ўринларидан турдилар.

— Вой, катта йигит бўлиб қолган болаларимдан ўргилай,— дея бизларга яқинлашиб, қўлтиғимдаги қопларни олдилар.— Сизлардан эндигина хавотир олиб ўтирган эдим. Дастурхон тузатиб, чой дамлаб қўйибман. Сизларсиз томоғимдан ҳеч нарса ўтмади. Қани, уйга киринглар!

Юз-қўлимизни ювиб, уйга кирдик. О, меҳрибон аммагинам! Дастурхонга бор бисотларини тўкибдилар. Ёнғоғу майиз, пистаю бодом. Деярли майиз бўлиб қолган бир бош ҳусайни узум ҳам. Икковимиз роса очқаган эканмиз, нон билан узумни паққос туширдик.

Аммамлар:

— Ош бўлсин!— деб қўйдилар.

Шу пайт Ғанига кўзим тушди-ю, йўлдаги воқеа эсимга тушиб кетди. Ичимдан зил кетдим. Менинг ҳолатимни сезган каби Ғани белидаги пулхалтани чиқариб, аммамларнинг олдиларига қўйди.

— Мана, ойи, бир халта пул бўлди!

— Баракалла, болаларим!— аммам пулхалтани қўлларига олдиларда, бор пулни намат устига ағдариб, тартиби билан тахлай бошладилар.

— Қанча бўпти?

— Санаганимиз ҳам йўқ!— бамайлихотир жавоб берди Ғани. Аммамлар пулларни тахлаб бўлдилар-да, менга узатдилар.

— Ҳисобга тузуксан. Сана!— дедилар.

Мен пулни санаб, бир мингу икки юз етти сўм экан, дедим. Ишонмай, Ғани ҳам санади. Ҳисоб яна шу.

— Менга шу пулдан етти сўмини ажратиб бер!— аммам Ғанига буюрдилар. Мен ҳайрат билан нега бундай қилиптилар, деб турибман. Аммам етти сўмини ич чўнтақларига солдилар-да, қолган пулларни менга узатиб:

— Иккига бўл!— дедилар.

Мен ҳамон ҳайрат билан пулларни иккига — олти юз сўм — олти юз сўмга ажратдим. Нимагадир аммамларнинг кўзлари ёшланди. Киприкларида қалқиган ёшларни яшириш учун ҳилпираган узун енглари билан артиниб қўйдилар. Сўнг иккига ажратилган пулларнинг бирини менга, иккинчисини Ғанига узатдилар.

— Иккаларинг ҳам оналарингга олиб бориб берасан. Сенларга бош-оёқ кийим қилиб беришсин. Худога шукр, менинг ҳозирча муҳтожлик жойим йўқ. Сенлар ял-ял яшнаб юрсаларинг, менинг кўксим баланд бўлади, болажонларим. Бу уруш касофат ҳаммани қийнаб юборди. Замон энди сенларники. Уйнаб-куладиған даврларинг. Ҳеч ўксинмай, кўкракларингни баланд кўтариб юринглар!— аммамнинг кўзлари яна ёшланди.

Мен жовдираб Ғанига қарадим. Бу қарашимда нафрат сезилди шекилли, у беихтиёр йиғлаб юборди.

— Ойи, кечиринг мени. Мен билмасдан...— Ғани чўнтагидаги уч-тўртта ўнталикни аммамнинг олдига ташлади

Аммам воқеани англадиларми, англамадиларми, билмадим, кулиб:

— Вой, тентаккинам-эй! Чўнтагингда қолиб кетибдимми? Майли, ҳечқиси йўқ,— дедилар-да, пулни ёнларига солиб қўйдилар.

Қоронғи тушган эди. Биз кетишга ҳозирландик. Аммам ҳам отландилар. Ўзимизни ёлғиз юбормай, биз билан бирга йўлга тушдилар.

...Воҳ, эртаси кунги мен билан Ғанининг қувончларимиз! Аммам ўзлари бош бўлиб, менга, Ғанига яп-янги костюм-шим ва оқ кўйлак олиб бердилар. Кийиниб олиб, уёқдан-бу ёққа юрамиз. Ўзимизни катта киши бўлиб қолган ҳис қиламиз. Ҳамма бизларга қараётгандек туюлади. Мен, назаримда, биринчи марта янги кийим кийишим эди. Урушдан кейинги оғир йилларда адамларнинг кийимларини ойим менга мослаб берардилар. Бугун эса... Аммам яп-янги костюм-шим олиб бердилар. Бошим осмонда эди.



Дунёда иккита меҳрибон одам бўлса, менинг назаримда, биттаси шу аммам эдилар. Ҳали-ҳали эсимда, троллейбус Тошкентда биринчи марта пайдо бўлган йиллари. Анҳор бекатида турган эдик, ёнимда аммам. Узоқдан троллейбус кўринди. Мен ҳазиллашиб қўл кўтардим. Троллейбус бекатга келиб тўхтади. Хурсанд бўлган аммам:

— Обрўйинг баланд экан. Шундай кап-катта мошина тўхтади-я!— деб елкамга қоқиб-қоқиб қўйдилар ўшанда.

Аммамлар олиб берган ўша костюм-шимдан сўнг жуда кўп хилма-хил кийим-кечакларни кўрдим. Аммо ҳеч қайсиси менга худди ўшандагидек хурсандчилик, худди ўшандагидек завқ бера олмади. Ўшанда аммам олиб берган оқ кўйлак эса оқкўнгил инсонга қўйилган мангулик ҳайкалидай хотирамда қолди.



САБФ



ҲИКОЯ

Норқулов кеч уйғонди. Сабаби оиланинг кенжаси туни билан йиғлаб чиққан эди. Аввалига гўдакнинг бошида эр-хотин парвона бўлишди, тонгга яқин бола сал тингач, Норқулов катта залга ўтиб, диванга ўзини ташлади. Сўнг нима бўлганини билмайди. Шу боис уйғонган заҳоти қовоқлари бодомдек қавариб турган хотинининг ёнига келиб оҳиста сўради:

— Шундан кейин ухладимиз?

— Ҳа, ухлади! — Хотинининг кинояси аниқ сезилди, — киприги илашгани йўқ, азобимни берди. Олинг, бир пас тиззамни ёзай...

Норқулов болани итоаткорона қўлига олди. Гўдак нақ будильникдай чирилламоқда эди. Ота уни бир-икки тебратиб овутди, қайда, баттар биғилларди. Тунда «тез ёрдам» машинасида келган сал тажрибасизроқ фельдшермикин, хаёлидан ўтказди Норқулов. — Болани температураси нормални экан, эртага поликлиникага олиб борасизларда, деб кета қолди. Қизиқ, иссиғи чиқмаса касал эмасмиш, ҳозирги дўхтирларга ҳам ҳайронман! Поликлиника сўзи туфайли кечаги воқеа эсига тушди. «Бугун шунга дуч келиб қолмасам гўрга эди». Авваллари қучоқлашиб кўришиб юрган дўстининг саломига бош ирғабгина «алик» олди. «Вазият шундоқ бўлиб қолди-да, шефни кузатаётган пайт кўришмоқчи бўлиб ўтирибди, ўзням. Эҳтимол, Мухторжон унинг яқиндагина мансабга кўтарилганидан беҳабардир?! У ҳолда нима учун кета туриб «муборак бўлсин», деб қўйди. Табриклагоқчи эди, мен бўлсам қўл ҳам узатмадим, — ҳижолат чекди Норқулов. «Шефни куттириб қўйиб, оддийгина йигит билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашиб ўтирсам қандай бўларди? Шефнинг энсаси қотарди, мендан ихлоси қайтарди» таскин берди ўзига.

Машинанинг устма-уст сигнали Норқуловнинг хаёлини бўлди. Шу пайт ичкаридан хотини чиқиб келди.

— Шофер келдимиз?

— Ҳа, деди Норқулов.

— Йшга кетасизми? Бизни шу аҳволда ташлаб-а? — Гўё эридан бир умрга ажраб қолаётгандек қиёфада гапирди у. — Бир ёқли қилиб кетинг-да, поликлиниками ёки...

Хотинининг гапи унга яна Мухторжонни эслатди. Наҳотки унга ялиниб борса, куни кеча бўлиб ўтган хунук воқеа... Кошки эди орадан анча кун ўтган бўлса. «Ҳа, катта! Бизни ҳам йўқлашга вақт топибсизда, кеча ҳатто сўрашиш малол келувди-ку», деса борми, сўяди-да, бепичоқ сўйгани шу бўлса керак?! Ёки бориб, кел оғайни бўлар иш бўлди, кеча шефни олдида сўрашишга иймандим, деб гапнинг дангалини айтиб кечирим сўрасинми. Аммо бирдан пайдо бўлган ички бир ғурур уни тўхтатди.

— Бе, — деди у ўзича олдинги фикридан ранжигандек бўлиб, — катта бир трестни бошқариб турибман, шу ҳам муаммо бўлди-ю!

Норқулов трестнинг здравпунктига бу йил ишга келган врачни эслаб кўнгли янаям таскин олди. «Нима, ҳаммаси ҳам баббаробар етти йил ўқиган дўхтирда...»

У сўнги фикридан қудратланиб, деразадан кўчага қаради, шофер йигит боядан бери машина ойнасидан тутун пуфлаб ўтирарди.

— Суннат!— деди у. Шофер югуриб келди.— Менга қара, здравпунктимизга ишга келган врачни биласан-а? Исми ким эди, трестни общежитидан жой сўраб юрган эди-ку?

— Ғузорлик болами?

— Яша! Ушани тезда олиб келгин.

Зулук каби қора «Волга» асфальтни кемиргудек бурилгач, елдек учиб кетди. Бир оздан сўнг оқ халатлик йигит гўдакни текшираётган эди. У аввал боланинг ҳароратини ўлчаб, ўттиз етти ярим, деб қўйди.

— Ана, иссиғи ҳам чиқаётган экан, энди нима қиламан, вой шўрим!— Ваҳима аралаш типирчиларди Норқуловнинг хотини.

— Кеча йўқ эди-ку,— гапга аралашди Норқулов.

— Мумкин,— деб қўйди врач, сўнгра у боланинг томир уришини санади, оёқ-қўлларининг ҳаракатига эътибор берди, гўдакнинг бошини силагандек бўлди ва қорнини анча пайпаслади. Кўкрак қафасининг у ер-бу ерига фонендоскоп қўйиб эшита бошлади.

— Хрипи йўқ,— деди врач,— ўпкалари тоза.

— Ростданми?!— Деб юборди Норқуловнинг хотини,— ички аппаратлари соғ бўлса бўлгани!

— Бошини чайқаб йиғламайдими?— сўради врач.

— Ҳа, худди шунақа!— деб юборишди эр-хотин.

— Болани қулоғи шамоллаганга ўхшайди, ЛОРга кўрсатиш керак,— текширувни тўхтатди врач шофер тутган сочиққа қўлини артар экан.

— Ўзим ҳам Мухторжон акага олиб борсаммикин, деб ўйлагандим,— Норқуловнинг хотини унинг гапига қўшилди. Врач ўз фикрини яна қайтарди:

— Мухтор Ниёзович бир кўрсинлар, ҳар ҳолда ёмон бўлмайди.

Шофёр врачни элтиб қайтганда Норқуловнинг хотини гўдакни қайта йўргаклаб тайёр турар, гўё иш енгил кўчадиган бўлди, деб ўйлар эди. Норқулов эса, қарахт ҳолда, «ана холос, у қилма бу қилма, бари бир бўлмади-да»,— деб куюнарди. «Горздрав»га қўнғироқ қилган эди, Баҳром ака йўқ экан. «Облздрав»га телефон қилсаммикин, ҳар бир майда нарсага-я?»

— Нимани ўйлаб қолдингиз? Мухторжон дўстингиз бир кўрсинлар-чи!

Хотинининг гапидан Норқулов чўчиб тушди ва иягини тирнаб деди.

— Шундайку-я... Узинг олиб бора қоласанми?

— Олиб борардим, бошимни санчиғига чидаб турулмаяпман. Яна боламни чинқиртириб, дўхтир қулоғини ювса, биласизку, юрагим слаби, бирор нарса бўлиб қолсам...

Сўнгра у бирдан овозини кўтарди.

— Нима, бола бир менга керакми?! Кечаси билан мижжа қоқмаганим етмаган экан-да. Бир соатда ишхонангизга ўт тушиб кетмас, қанча замингиз бор; главни инженерингиз-чи?!

Норқулов ноилож машинага ўтирди. Иккинчи қаватга у маст кишидек кўтарилди-да, пештоқига «ЛОР» деб ёзилган эшикни очди. Норқулов худди Мухторжонни биринчи кўраётгандек:

— Шуни қулоғини бир қараб юборинг,— деди лоқайд ҳолатда.

— Бемалол!

Мухторжон ҳамишагидек самимий эди. Сўнг у Норқуловнинг тиззасидаги гўдакнинг қулоғига нур ёруғида қаради ва дори томизилган бинт пиликчани қулоғига тиқиб қўйди. Бола бирдан жимиб қолди. Норқулов бир сўз дея олмай, юраги ёмонлигидан пастда кутиб турган хотинининг ёнига тушиб кетди...

Кейинги кунлари болани Норқуловнинг хотини олиб борди. Мухторжон эса, ҳар сафар ҳам, гўё ҳеч гап бўлиб ўтмагандек, сидқидилдан ўз бурчини бажарар эди. Гўдак соғайиб ҳам кетди. Сўнгги марта уни олиб борганда Мухторжон секингина «дадаси қалай», деб қолди. Норқуловнинг хотини эрини сўрайдиганларга айтадиган умумий жавобини берди:

— Ҳа, юрибдилар, ишлари тигиз, отчёт топширишлари керак, комиссия бор... Дугонам билан ўзларинг бир келинлар, болаларни олиб...— Сўнгра у эрининг дўсти билан қуюқ хайрлашиб, хурсанд чиқиб кетди. Уйига келгач, гап орасида эрига деди:

— Дўстингиз сизни сўраган эдилар.

Норқулов ҳеч нима, ҳатто раҳмат дея олмади.



ҲИКОЯ

Уша кунги операция узоқ давом этди-ю, муваффақиятли тугади. Шу сабабдан деярли тўрт соат ажал билан олишганимизнинг оғирлиги сезилмасди ҳам. Бундай пайт пешонадаги терни артиб, ташқарига чиқиш, ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олиш нақадар кўнгилли-ю, бир оздан сўнг бари бир яна беморингни ўйлаб қоласан киши. Фикр айланиб яна асосий мақсад томон келади: Бугунча уйқуда бўлади ҳисоб, эртага азонда ошқозонини ювиш ва яна қон қуйиш керак...

— Баҳром Ражабович, сизга хат бор.

Студент укаларимдан бўлса керак, деб ўйлаб конвертни очдим. Йўқ, нотаниш кишининг фамилияси. Шу боисдан хатни дарров ўқий бошладим. Операциядан ҳориб чиқиб, тушликка анча кеч ўтирган касбдошларим эса, хатга берилганимни кўриб «Муҳаббатномами?», «Ёшлигингиз қолмас экан-да!» каби ҳазиллар қилиб овқатни туширишарди. Мен бўлсам кўзларимни хатдан узолмас эдим. Чунки, бу хат...

— «Хўрматли даволовчи врач,— деб, бошланарди у.— Қай бир нотаниш кимса хат йўллабди, деб ажабланманг. Мен сизни дафъатан таниб, ҳатто яқин бўлиб қолдим. Бу сирни, тўғрироғи айбсиз айбдорлигимни сизга очаётганлигим боиси ҳам шунда. Қисматимни узоқдан бошламасам балки сиз ҳам менда айб йўқлигига ишонмассиз. Мен кўпчилик тенгдошларим қатори воҳамизнинг энг керакли мутахассисларидан бири бўлиб етишдим. Сўнг оилалик ҳам бўлдим. Баъзилардек тўсатдан ўйланиб қолган эмасман. У билан бир неча йил учрашиб, синашиб юриб, ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган бахтга эришдик, деб турмуш қурган эдик. Уғил кўрдик. Афсуски шодлигим узоққа чўзилмади. Уша мудҳиш воқеани, умр йўлига, бахтли ҳаётимга қора чизик бўлиб тушган ўша кунни эсласам менга қанчалар оғир ва уқу-

батли. Уни эслагим келмайди. Бироқ ярам яна янгиланди. Газетада босилган «Номард ота» фельетонини ўқиб қолдим...

Уша фельетон қаҳрамони, яъни мени мудҳиш воқеа содир бўлган куни «Главка»га, Қарши чўли бўйича ишлатиладиган янги техникалар масаласида чақиритилган эди. Бошқармадан билет учун ваколат олиб, аэропортга келдим. Билетни рўйхатдан ўтказиб, шофер иккаламиз тушлик қилдик. Сўнг унга жавоб бериб юбордим. Кеч куз эди. Хазонларни шилдирашиб учираётган кўнгилсиз шамол бирдан довулга айланаиб кетди. Аэропортдагилар рейсни олдин бир соат, сўнг икки соатга кечиктириб қўйишди. Эрталабки мажлисга етолмаслигимни билгач, самолёт билетини тунги поезд билетига алмаштирдим-да, чой-пой ичиб, хотиним ва ўғлим қошида бирпас бўлса ҳам ўтириб келиш учун такси ёллаб уйга қайтдим. Қалитим билан эшикни очиб бемалол уйга кириб бордим... Йўқ, бу ёғини ёзолмайман. Қотиллик ҳам қилиб қўйишим ҳеч гап эмасди, ўшанда. Лекин, бошқа хонада бурчакда ғужанак бўлиб ухлаётган ўғлимни кўриб, кўзларимдан ёш тирқираб кетди. Бориб унинг устини ўраб қўйдим, пешонасидан ўпдим. Анавинга (энди хотиним деёлмасдим) бир сўз айтиб, ўз уйимдан алам билан чиқиб кетдим. Анча вақтгача ҳушсиз ва қарахт бўлиб юрдим. Хаёлимда эса ҳар хил саволлар: «Бу воқеани кўтариб қайси кўчага кирасан?», «Қимдан, қандай қилиб ёрдам сўрайсан?», «Тухматчига ҳам чиқиб қолишинг мумкин». Бу хилдаги саволлар ҳаминиша жавобсиз қолаверди. Охири ўзимча бир қарорга келгандек бўлдим.

— Яхшиси, ҳар кимни ўз виждони суд қилсин!

Кейинчалик мени бошқа фикрлар чалғитар эди: «Бу ҳодиса нима сабабдан рўй берди», «Бирор гуноҳ қилмаган бўлсам, топиш-тутишим ҳам, обрўйим ҳам бировникидан кам эмасди, шекилли». «Ҳатто ўғлимизнинг туғилган куни кечамизни кўпчилик орзу қилган эди-я!»

Бу хилдаги ўйларимга ҳануздаги жавоб тополмайман. Бировнинг юзига қарай олмайдиган бўлиб қолдим. Кунлар ўтган сари дардим баттар оғирлашар, мен бўлсам ҳатто дўстларимдан ҳам узоқлашиб борардим. Бунинг устига бизларни яраштирамоқчи бўлганларнинг кўпайишганини айтмасизми?! Ишдан бўшаб шу жойлардан бош олиб кетдим. Қарши даштининг энг чет участкасида оддий мастер бўлиб ишлаяпман. Бу билан ҳам кўнглим таскин топа олмади.

Мени тақдир олдида қўл қовуштириб ўтирадиган мусичадек беозорлардан экан, деб ўйламанг, тағин. Россиянинг ноқоратупроқ ерларига жўнаётган навбатдаги поезд билан кетиш учун ариза ташлаб қўйганман. Балки тенгимни топиб оларман, балки, мен учун энди турмуш татимас. Буёғи менга қоронғи.

Ҳа, айтмоқчи, интернатура ўтаётган ёш врачга менинг номимдан раҳмат айтинг, сиз операция қилиб, у ўз қонини топшириб, ўғлимнинг ҳаётини сақлаб қолибсиз. Буларни ҳам фельетондан ўқидим.

Сизга битта ўтинчим бор: боланинг соғайиб кетиши учун яна ҳам хизматингизни аямасангиз?! Чунки у менинг фарзандим, менинг ўғлим! Унинг томирларида менинг қоним оқмоқда, буни мен аниқ биламан! Вақти соати келиб ким ҳақ, ким ноҳақлигини шу гўдак билиб олар. Аччиқ ҳақиқатни тушуниб етмаса ҳам розиман, фақат боши омон бўлсин. Сизнинг номингизни ҳар доим ҳурмат билан ёдга олувчи, кўпчилик номард деб атаётган ота — Рўйиддин Қаромов».

Хат мени чуқур ўйга толдирди. Ўйламай, ҳаяжонланмай бўладими? Бир неча кун олдин операциядан чиққан гўдак кўз ўнгимда жонланди... Жавоб ёзсамми? Яхшиси айбсиз айбдор дўстимиз хатини оққа кўчириб, журналга жўнатай. Шунда уни ҳамма ўқийди, жумладан у хотин ҳам.



«КҮНГИЛ МАМЛАКАТИ»ГА САЁХАТ

ВЛАДИМИР ЛУГОВСКОЙ ТУФИЛГАН КУННИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА

Владимир Луговской ҳеч қачон хонанишин бўлган эмас. Шоир-журналист ён дафтари кўлидан қўймай, мамлакатимиз кенгликларини айланиб чиққан, Европанинг қатор мамлакатларида кезган. Унинг шеърлари, одатдагидек, аввало газеталар саҳифаларида ёритилган, ана шундан кейингина алоҳида тўплам ҳолида нашр этилган. Шоирнинг кўз ўнгида дунё бутун қамрови билан намён бўлди, бу ўз ўрнида машҳур совет шоирининг ижодий кўламининг кенглигини таъмин этди. Шимол, Болтиқ бўйи, Кавказ ва Қрим, Снбирь, Ғарбий Европа, Африка, Осиё — унинг асарлари қаҳрамонларининг фаолият майдонини ташкил этади.

Кўп йиллар мобайнида В. Луговской Урта Осиё билан ҳам мустақкам алоқада бўлди ва уни шоирона тил билан «кўнгил мамлақати» деб атади. Осиё уни болалигида ноқ ўзига мафтун қилган эди. Гимназияда ўқиб юрган чоғларидаёқ, хариталарга, қадалиб буюк осий кенгликларидаги тизма тоғлар ва йўллари диққат билан, изчил ўрганганлигини мароқ билан эслайди шоирнинг ўзи ҳам. Кейинчалик у Третьяков галереяси залларида расом Верещагин асарлари қаршисида соатлаб михланиб қоладиган бўлди.

1930 йилда, ниҳоят, орзу рўёбга чиқди. Уша пайтда анча танилиб қолган шоир В. Луговской Л. Леонов, Н. Тихонов, П. Павленко, Г. Санниковлар билан бирга Туркманистонга келди. Бу — Урта Осиёга келган совет ёзувчиларининг биринчи бригадаси эди. Сафардан олинган таассуротларнинг натижаси ўлароқ, «Чўллар ва баҳорларнинг большевикларига» қутилмаган ном билан аталган биринчи шеърый китоб дунё-

га қелди. 1933 йилда худди шу ном билан унинг иккинчи китоби чоп этилди. Шундан бошлаб Луговской ўз ижодини Совет шарқисиз тасаввур эта олмай қолди.

«Чўллар ва баҳорлар»нинг дастлабки икки китоби мамлакатимиз адабий ҳаётида катта воқеа бўлди. Шоир уларга киритилган асарларида Урта Осиё Республикаларида социализм қурилишининг бориши ҳақида, большевикларнинг қандай қилиб чўлларга баҳор олиб келаётганликлари тўғрисида маҳорат билан ҳикоя қилади. П. Антокольский юқоридаги китобларни ўқиб чиқиб, улардан жой олган асарлар «ҳаётни бевосита кузатиш натижасида яратилганли-



гини таъкидлаб, уларни «деяри репортажлар», деб баҳолаб, воқеликдан моҳирлик билан юлиб олинди, ҳеч бир адабий таҳрирларсиз шеърга солинганлигини айтган эди. Шунингдек, — деган эди у яна, — бу «парчалар» мустақил фикрлаш қобилиятига эга кишиларгина амалга оширадиган тарихий-фалсафий умумлашмалар ҳамдир: жанговар публицистика билан теран фалсафийликнинг бирикуви шоир лирикасига такрорланмас ўзига хослик бахш этди.

В. Луговскойнинг шеърӣ репортажлари — қайноқ, ўзгарувчан воқеликнинг муайян манзараларидир.

Кунлардан бир кун, қаторида В. Луговской бўлган чегарачилар гуруҳи ўртоқларини қутқарамиз, деб сувсизликдан нобуд бўлишига озгина қолади (улар босмачиларни қувлашга қизиқиб кетиб, қумликда адашиб қолишган). «Чўл ҳақида баллада» асарида шоир шу тўғрида сўз юритади.

Қуёш юксалгандан юксалиб ҳамон,
Тураб эдик ўлим билан ёнма-ён,

Отлар ювош, ҳеч ким демасди бир

сўз.

Қаҳрамон дўстларни қутқармоқ учун,
Кунни кун демасдан, демай тунни

тун,

Бийдай чўл оралаб борар эдик биз.

Шоир Урта Осие билан илк танишган йилларда ўлка иқтисодий жиҳатдан қолюқ эди. Бир кун Луговской чархпалак айлантириб, сув чиқараётган кўзи ожиз туяни кўриб қолади:

Айланади туя,
Айланади туя,
Чарх урар чархпалак,
Айланар чархпалак.
Тер оқади
Жунлардан чак-чак.

Чархпалакнинг бир маромдаги маҳзун айланиши шоирни кўҳна Осиенинг «Шўрхоклардан оқарган соқол» каби образни яратишга олиб келади ва бу бир умумлашма гап сингари эсда қолади. Бироқ Луговской Урта Осиега бориб, юқоридагидек манзаранигина кўрмади. У Осиеда чархпалақ у омоч ўрнини замонавий техника эгаллаётганлигининг ҳам гувоҳи бўлди. Унинг кўз ўнгида Басала — Қирғиз канали бунёд этилди. Уша пайтда канал жуда тор бўлиб, ундан Луговской ва Тихонов бир тахтани кўприк қилиб ўтишган эди.

Луговской Катта Фарғона канали, «Бекобод» металлургия комбинати қурилишларини ўз кўзи билан кўрган, биринчи машина-трактор станцияларининг фойдаланишга топширилганлигининг ҳам гувоҳидир. Буларнинг барчаси шоир шеърларида қайноқ, ҳаяжонли, романтик тарзда ўз ифодасини топди:

Чумоли ини каби
ҳандақларда одамлар гавжум,
Тўкилаётган шағал...
темирлар жананги... ол байроқ.
Қўлга олар созларин
бахшилар завқ-шавқ билан шу зум,

Меҳнат оҳангига мос

Қўшиқ-ялла бошланар янгроқ.

Қуйидаги шеърда эса бошқа давр, бошқа воқеа ҳақида сўз боради. Шоирнинг «Янги уй» асарида бир қарашда жуда оддий ҳодиса ҳақида ҳикоя қилинади: Шундоққина чўл биқинида қурилган янги уйда биринчи электр чироғи ёнади. Бироқ бу оддий воқеани шоир қалб кўзи билан кўради ва қаттиқ ҳаяжонга тушади, ундан умумлашма хулоса чиқаради: «Сариқ шойи абажурли чироқ» нурини у бурғу узра балққан рамзий қизил юлдуз ёғдусига ўхшатади. Зеро «Қизил гулхан» шеърда шоир юлдуз ҳақида шундай ёзган эди:

Оташин чўл аро ловуллаиди у
Чағмоқлардан ёрқин, порлоқ,
музаффар.

«Янги уй» асарида эса шундай мисраларни ўқиймиз:

Музаффар порлайди ёлғиз дераза
Шундоқ чўл қошида, биринчи уйда.

Юқоридаги мисралардаги образлар мутаносиблиги кўзга яққол ташланади. Ушбу фикримизни шеърнинг якунланувчи сатрлари ҳам тасдиқлайди:

Янги уй, боқурсан, тантанавор, тик
ёвуз юрагига қақроқ чўлларнинг.

Луговской қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган жойларни ўзлаштириб, уруғ қадаётган инсонлар меҳнатини, яшаш тарзини тараннум этади. Оддий абажурлар, дарпардалар унинг кўз ўнгида бутунлай бошқача маъно касб этади: улар шоир асарларида инсоннинг ёвуз табиат устидан эришган буюк ғалабасининг далиллари сифатида ардоқланади.


Чўлга қарши кураш олиб бораётган «наваҳор»нинг куч-қудрати ва матонатини кўрсатувчи ҳар бир нарса, ҳар бир ҳодиса шоирни, биринчи навбатда, қаттиқ таъсирлантиради. «Чўллар ва баҳорларнинг бөлшевикларига» (1948)нинг учинчи китоби — тўрт китобдан иборат эпопеянинг энг «бахорийси»дир. Луговской баҳорий Осие оҳанглигини, ранг ва жилоларини ҳеч қачон мана шу китобни ёзиш пайтидагидек ўткир ҳис қилмаган, ҳаяжонларини шу қадар чанқоқлик билан қоғозга туширмаган эди. Бу китобга киритилган шеърларда лирик қаҳрамоннинг «зангори анорлар» диёрига меҳр-муҳаббати алоҳида жозибали тараннум этилади:

Азизим Осие, мана, мен қайтдим,
Вужудимда қудрат айлар тантана,
Хур-хур елларингдан ёруғ манглайим,
Бағрингда дарахтдек ўсдим дам

сайин.

Қўлларини ёйдим — турибман,
мана,
Ешлик деганлари шу эрур фақат!

Кундалик ҳаёт манзаралари баъзида шоирни ўзига шу қадар ром этадики, натижада бу кўринишларни беҳтиёр юрак орзусига қиёс этиб шеърга солади. Эртак



ОЧЕРКЛАР

Намоз Саъдуллаев

ПРОМЕТЕЙ ВОРИСЛАРИ

3 ШҮРТАН-СИРДАРЕ ГРЭСИ ТРАССАСИДАН ЛАВҲАЛАР

— Э, нималар деясан, дўстим, бобомларнинг айтишича, қадимги Ипак йўли шу ерлардан ўтган... Бу кенг даштлар не-не қарвонларни кўрмаган...

Стоилнинг кўз олдидан академик шоир Ғафур Ғуломнинг кечагина русча вариантида ўқиган «Турксиб йўлларида» шеърида тасвирланган манзаралар ўтди. Хотира-сида қолган сатрларни болгарча талаффузда ўқий бошлади:

Бу йўллар
 кўп қадим йўллардир...
Жаҳоннинг фотиҳи Искандар,
 Рум қайсари,
Қотил Чингиз,
 Боту, Жўжи,
Темурланг
 қолдириб нимсасиз из,
Бу йўллар
 кўп қадим йўллардир.
Конфуци, Шомоний, Ислом ва будда,
Бут ва тасбеҳ юклаган қарвонлар...

— У-ҳўй, ёд ҳам олиб улгурдингми? — сўради Зокир.

— Бутун бир тарих...

— Ҳали, кўрасан,— деди Зокир кўз илғамас чўл бағрини кесиб ўтган трассага тикилиб,— бизнинг мана шу ишларимиз ҳам вақти келиб, келажак учун тарих бўлиб қолади.

— Биламан,— деди Стоил секин ёнбошларкан, бўлмаса бу ҳақда «Правда»дек газетада Петровск, Елец, Уренгой ва Челябинск қаторида ёзишармиди.

— Айтгандай, қани ўша газета?

Стоил Зокирга газетани узатди, Зокир овоз чиқариб ўқий бошлади: «...Истеъ-молчиларга етарли миқдорда нефть ва газ етказиб бериш учун ҳали яна 8 минг 685 километр узунликда трубопроводлар ётқизиш лозим. Улардан энг муҳими — Петровск-Елец, Уренгой-Челябинск, Шўртан-Сирдарё ГРЭСи трубопроводларидир».

— Тўғриси айтганда,— гапга аралашди боядан бўён жим ўтирган Анатолий Рогулин,— сўнгги йилларда республикамызда тоза газ миқдори нисбатан камайиб кетди...

— Бу нима деганинг? — тушунолмади сўради Зокир.

— Нима деганим бўларди? Гапимизнинг мавзуи шу ҳақда борапти-ку? — Рогу-линнинг энциси қотди.

— Анатолий, жуда қизиқсан-а, дарров қизишиб кетасан,— дакки берди Стоил.—

Мен ҳам гапининг маъини чақолмай турибман. Сен, Урта Осиё газ-нефть иншоотлари қурилиши трести бошқарувчиси ўринбосарисан, ахир. Қураётган трассаининг моҳиятини соддароқ қилиб тушунтир.

Улар бир зум жим қолишди. Ниҳоят Рогулин гап бошлади.

— Ҳамма гап боя мен айтган фикрда, сиз бўлсангиз, сўзимни бўлиб қўйдингиз. Кейинги пайтда республикамизда тоза газ миқдори нисбатан камайиб кетди. Бу ҳол таркибида олтингургурт бўлган газ запасларидан саноат усулида фойдаланиш зарурлигини тақозо этмоқда. Чунончи, яқинда Муборакда ана шундай йирик корхона — газни қайта ишлаш заводи ишга туширилди. Ундан Навоий ГРЭСига қувурлар тортилди. Энди навбат Шўртан «зангори олов»ига... Сирдарёгача тўрт юз қирқ икки километр! Ҳазилакам масофа эмас бу!

Мақсад — улкан станцияни тўла қувватда ишлатиш. ГРЭСда ҳозир бир кеча-кундузда етти минг тоннадан зиёдроқ мазут ёқилмоқда. Бу — деярли уч состав поезднинг юки: у Омск, Братск, Ангарск сингари ўнлаб узоқ саноат марказларидан келтириляпти. Натижада, бир тонна мазутнинг нархи йўл харажати билан қўшилиб, йигирма беш сўмга тушаяпти. Бунинг устига мазут етишмаяпти. Оқибатда ўтган йили ГРЭС қувватидан фойдаланиш коэффициенти атиги 47,7 фоизни ташкил этди. Ҳаракатдаги саккиз блокдан тўрттаси ишлади, холос. Пировардида, ҳар бир киловатт соат электр энергиясининг таннарихи 0,7 тийинга етди.

1981 йил охиригача ГРЭСнинг яна икки блоки ишга туширилиши керак. Шунинг учун ҳам партия ва ҳукуматимиз станциянинг барча агрегатларини Шўртан гази билан ишлашга кўчиришни лозим топди.

— ГРЭСда энди энергия ишлаб чиқариш янаям кўпаядиган бўпти-да? — Зокир унинг гапини бўлди.

— Бўлмаса-чи? — Рогулин ҳаяжонланди. — Дастлабки ойларнинг ўзида энергия миқдори ўн миллиард киловатт соатдан ўн уч миллиард киловатт соатга кўпаяди. Ҳар бир кубометр «зангори олов» нархи мазутга нисбатан ўн беш сўм арзонга тушади. Электр энергиясининг таннарихи икки баравар камайд.

Стоил Зокирнинг ўйга толганини кўриб, унга халал бермади. Ўрнидан туриб вагон ўйчалар томон юрди.

Гуриллаган мотор овози Зокирнинг хаёлини бўлди. Машина вагон ўйчалар ёнида тўхтади. Ундан Бухоро газ саноати қурилиши трестига қарашли 1-қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиғи Марат Носиров тушди.

— Мана, лойиҳалар ҳам тайёр, укалар, — деди у йигитларга юзланиб, қизил муқовали папкадан аллақандай чизмани олиб. — Мана ГРЭС, мана Фарҳод посёлкаси, унинг ёнида биз қуражак шаҳарча.

— Шўртан қаерда? — қизиқиб сўради Стоил.

— Мана бу ерда, ўртоқ Велинов. — Марат Акрамович унинг қўй кўзлари, малла сочларига одатдагидек меҳр билан тикилди. — Диаметри 1.020 миллиметрли пўлат қувурлар Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё областлари ва қисман Тожикистон ССРнинг Ленинобод области территорияларидан ўтиб, Сирдарё ГРЭСига олов беради. У мамлакатдаги энг йирик олов йўлларида биридир. Одатда, таркибида олтингургурт бўлган бундай газни хонадонларда ишлатиб бўлмайди. Электростанциялар учун эса у яхши ёнилғи ҳисобланади...

Бир зумда бошлиқ атрофида одамлар кўпайиб қолди. Вагон ўйдан чиққан бетончи Зайнобиддин Султонов Марат Носировнинг гапи тугаши билан унга юзланди:

— Газ таркибидаги олтингургурт қувурларга таъсир қилмасмикан?

— Бу муаммо ҳал этилган, дўстлар, — жавоб қилди Носиров.

— Тўғри, биз ҳам дастлаб қувурларни қалинроқ пўлатдан ясамоқчи бўлдик. Лекин бунда одатдагидан йигирма-йигирма беш фоиз ортиқча металл сарфланаркан. Кейин Муборакдаги сингари Шўртанда ҳам газни қайта ишлайдиган корхона қурмоқчи бўлдик. Бироқ, мутахассислар унашмади. Улар завод қуриш учун кўп вақт керак, ГРЭС эса ёнилғига муҳтож деб туриб олишди. Уйлашиб-уйлашиб, қувурларни вақти-вақти билан кучли ҳаво ёрдамида махсус суюқлик пуркаб, ёғлаб туришни лозим топдик. Шунда газ таркибидаги олтингургурт юпқа пўлат қувурларга у қадар таъсир қилмайди. Қувурлардан эса эллик-олтмиш йил бемалол фойдаланса бўлади. Ярим аср-а! Оз муддат эмас бу! Бу давр ичида давлатимиз оладиган соф самаранинг ўзини бир ҳисоблаб кўринг-чи?

— Марат Акрамович, трассага ҳаммаси бўлиб қанча пул ажратилган? — қизиқсинди Стоил.

— Бир юз тўққиз миллион!

— У-хўй!

— Чакана пулмас... — дейишди бошқалар ҳам.

— Иншоот ўзини неча йилда қопларкан?

— Тўрт йилда! — бошлиқ лўнда жавоб қилди.

Йигитларнинг кўз уриштиришидан «бу қадар катта маблағни қандай қилиб тўрт йилда қоплаш мумкин?» деган саволни англаш мумкин эди.

Носиров бунга тушуниб, сўзида давом этди:

— Ахир ўйланг, ҳар куни трасса бўйлаб ўн беш миллион кубометр Шўртан «зангори олов»и оқиб турса-ю, бир юз тўққиз миллион сўм — тўрт йил учун нима

деган гап? Бутун бошли олов дарёси-ку! Реализациясининг ўзидан ҳар йили йигирма беш-йигирма саккиз миллион сўм соф даромад келади. Энг муҳими, Ўзбекистон қуёши деб аталаётган Сирдарё ГРЭСи тўла қувват билан ишлайди. Бу — юзлаб корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш тобора ортиб боради, деган гап.



Фарҳод шаҳридан қуёш уфққа бош қўйиб, чўл узра кечки шамол эса бошлаганда чиқдик. Кўп ўтмай қоронғу тушди. Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва узоққа чўзилиб кетган йўللар ортда қолди. Бир ёнда нурчилар шаҳри — Ширин, бир ёнда Шўртан-Сирдарё ГРЭСи газ трассаси бунёдкорларининг манзилгоҳи — Фарҳод нур оғушида. Ҳар иккиси ҳам, таъбир жоиз бўлса, XX аср Прометейларига қадрдон маскан. Улар оталар изидан бориб, янги нур дарёлари, олов йўллари яратмоқдалар.

— Трасса мана шу ердан бошланади! — бехосдан хаёлимизни бўлди Марат Носиров. У кўрсатган томонга қарадим. Машина чироғи ёруғида бетон қозиққа қоқилган тахтачадаги «1» рақамига кўзим тушди. — Трассанинг биринчи километри! То икки юзинчи километригача бизнинг трест, ундан нарёғда Урта Осиё газ-нефть иншоотлари қурилиши трести ишляпти. Қаранг, заранг ерлар...

Орага бир неча сониялик жимлик чўкди. Машина тун кўксини ёриб илгарилаб боради, симёғочлар, онда-сонда учраб турган қандайдир дарахлар, ўт-ўланлар, лип-лип ўтар ва бир зумдаёқ орқада қолиб кетарди. Носиров чўнтагидан ён дафтарчасини олиб гапира бошлади:

— Ҳали айтганингиздай, келгусида Совет Шарқи чинакам нуристонга айланади. Атрофимизда озмунча нурухоналар қуриляпти дейсизми? Нурек, Вахш, Қайроққум, Навоий, Сирдарё — буларнинг ҳаммаси янги нур қасрлари!

— Улар орасида энг қудратлиси — Сирдарё ГРЭСи бўладими? — қўшимча қилдим мен.

— Ҳа, Сирдарёга тенг келадигани йўқ. Уни на фақат мамлакатимизда, балки Осиё, Европа қитъаларида энг улкан ГРЭС деб ҳисоблашяпти. Келгусида умумий қуввати тўрт миллион тўрт юз минг киловаттга етади. Ҳар бир блокнинг қуввати қарийб уч Фарҳод ГРЭСига тенг. Тўла ишга тушганда 40 та Фарҳод ҳаракатга келади.

Носиров ён дафтарига битиб қўйган рақамлар тили билан сўзлар, мен эса ёзмоқчи бўлган мавзуйимга эришилган ютуқлар билан бирга трасса қурилиши суръатига халақит бераётган тўсиқлар, муаммолар ҳақида ўйлардим. Сухбатдошимнинг сўзи тугаши билан сўрадим.

— Қийинчиликлар ҳам бордир?

— Бе-е, бўлмас-чи? — гап оҳангини дарҳол ўзгартирди у. — Иш бор жойда қийинчилик бўлмайди, мулла ака. Қурилиш 1978 йилда бошланди. Дастлабки кезларда жуда қийналдик. Уй-жойлар ҳадеганда қурилавермади. Вагон уйчалар етишмади. Қувурлар, техника вақтида келмади, ишчи кучини уюштириш осон бўлмади. Қурилишни бошидан охиригача тўла ўз зиммаларига олган иккала трест ажратилган капитал маблағнинг ҳаммасидан тўла фойдаланмади. Қурилиш-монтаж ишлари бажарилмади.

— Бунга нималар сабаб бўлди?

— Объектив, субъектив сабаблар кўп, — деди у қўйиниб. — Бироқ, факт шуки, белгиланган иш бажарилмади, кўзланган марралар эгалланмади. Лекин, жамоатчилик қараб турмади. Сизга ўхшаган икки-уч муҳбир кетма-кет келиб ошкора ёзишди, маъсalani принципиал қўйишди. Шундан сўнг назорат кучайди. Таъминотчилар тартибга чақирилди. Кучлар марказлашди.

Орадан икки-уч ой ўтгач, аҳвол бутунлай ўзгарди. Биринчи квартал қурилиш-монтаж ишлари плани ўн икки-ю ўндан саккиз миллион сўм қилиб бажарилди. Иккинчи кварталда бу кўрсаткич ўн тўрт миллион сўмга чиқди. Графикда белгиланган ишлар ҳажмидан қарийб бир ярим ойга олдинлаб кетдик.

— Қўшниларингиз қалай? — уни яна гапга тортдим.

— Урта Осиё газ-нефть иншоотлари қурилиши трестини айтяпсизми? Уларнинг иши ҳозир яхши. Мусобақада биздан олдинда. Лекин бошда кўп қийналишди. Уларга тегишли масофанинг кўп қисми пахта майдонларига тўғри келди. Зовур қазиш, қувур ётқишиш, пайвандлаш, изоляция қилиш, устини ёпиш ва текислаш ишларининг ҳаммасини чигит экишгача тамомлашлари зарур эди. Қойил қолиш керак, трест бунинг уддасидан чиқди. Кеча-кундуз ишлади.



Биз Зарбдор посёлкасига етиб келдик. Кечки соат тўққизда барча қурилиш участкаларининг қурувчилари иштирокида ўтадиган радиолетучкага ҳали ярим соатча вақт бор эди. Марат Акрамович вақтдан фойдаланиб, рация жойлашган бино сари юрди. Мен эса ҳовлида тўпланган бир гуруҳ одамларнинг суҳбатини зимдан қулатдим. Трест 1-қурилиш бошқармасининг бошлиғи Виктор Штейнерт қўлига қалам-қоғоз олиб атрофдагиларнинг таклиф ва эҳтиёжларини ёзиб олар, баъзилари билан мунозара қиларди.

— Мана, хўп, сиз айтганча бўлсин,— деди у узун бўйли, мўйловли йигитга қараб,— техника етишмайди, монтажчилар, бульдозерчилар, қувур ётқизувчилар керак, ёздим...

— Умумий овқатланиш ҳақида ҳам гапириш керак, Виктор Александрович,— таклиф қилди, ёшт терувчи Муҳаммад Кенжаев. Унинг гапини кўпчилик «тўғри» дея маъқуллашди... Виктор Штейнерт ён дафтари саҳифасига бу таклифни ҳам ёзиб қўйди:

— Уй-жой қурилишини айтмаса ҳам бўлар-а, вагон уйларимиз бор-у! — луқма ташлади кимдир.

— Кесатма кўп! — жаҳли чиқди бошлиқнинг.— Уй-жой қурилишини ҳамisha айтиб келяпмиз...

— Доимо муаммо, денг! — гап қистирди йигитлардан бири.

— Ҳа, доимий!

Енгил кулги кўтарилди. Виктор Штейнерт ҳам жилмайди.

Марат Носиров зинадан тушаркан кулиб ёнимга келди.

— Йўлимиз бир чиқиб қолди, мулла ака. Мен ҳам сиз билан ҳозир Тошқентга бораман.

— Тинчликми? — сўрадим.

— Топшириқ,— деди у аввалига қисқа қилиб, кейин давом этди.— Ирек Астапович кутяпти, Москвага бирга учарканмиз.

— Сулаймоновми? Шўртан газ кони қурилиши директори?

— Ҳа, худди ўзи.

Мен дарҳол тушундим. Шўртанда бўлганимда Ирек Астапович газ кони иншоотлари ва трасса қурилиши суръатига ҳалакит бераётган бир талай тўсиқлар ва ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар ҳақида сўзлаб берувди. Ушанда у яқин кунларда Москвага — СССР Нефть ва газ корхоналари қурилиши министрлигига бормоқчи эканлигини, борганда ҳам бир ўзи эмас трасса қурилиши вакиллари билан бирга боришини айтганди.

— Вақт қисқа, иш кўп,— деганди у,— камчиликлар, нуқсонлар, муаммолар ҳар қадамда учраб турибди. Қурилишнинг бошланганига тўрт йил бўляпти, сув муаммосини ҳал этолганимиз йўқ. Қирқ етти километр узунликда Толлимаржон — Шўртан сув йўлининг қуриб битказилганига саккиз ойдан ошди. Сувдан дарак йўқ. Қурувчиларга ичимлик сувни Қарши шаҳридан ташиб келтиряпмиз. Ўзбекистон газ саноати Бутуниттифоқ бирлашмаси («Союзгазпром»)га қарашли қудуқ пармалаш бошқармаси раҳбарларига неча бор айтдик, қулоқ солишмаяпти...

Электр энергияси таъминотида ҳам аҳвол шу. Кон иншоотлари қурилиши майдончаларида трансформаторлар ўрнатилиб, узатиш линиялари тортилганига икки-уч ой бўлиб қолди. Бироқ энергия ҳануз йўқ. Область электр тармоқлари корхонасидагиларнинг парвойи палак. Электр линиялари ва ускуналарини монтаж қилиш масъулиятини олган Урта Осиё электр тармоқлари қурилиши («Средаэлектросетстрой») трести 5-бошқармаси коллективнинг иши ҳам баракаси.

— Ирек Астаповични танийсизми? — сўради Марат Носиров.

— Таниганда қандоқ,— жавоб қилдим мен.— Шўртанда у киши билан мириқиб гаплашганмиз.

— Ишчан одам! — таърифлади Носиров.— Утган гап республика Автомобиль транспорти министрлигида бирга бўлдик. Министр билан урушиб кетаёзди.

— Нимага? — сўзини бўлдим унинг.

— Нимага бўларди, машина сўради. Кон территориясида салкам йигирма километр масофага асфальт ётқизилиши керак экан. Юк автомашиналари етишмабди. «Топиб берасиз» деб туриб олди. У деди, бу деди, министрни кўндирди.

Тошқентга алламоҳалда кириб келдик. Марат Носиров билан «Ўзбекистон» меҳмонхонаси ёнида хайрлашдик. У менга Москвадан қайтаётиб, албатта учрашиб ўтажанини, қурилиш масалалари қай даражада ҳал бўлганлигини айтиб ўтишни ваъда қилди.

Аксига олиб ундай бўлмади. Биз учрашолмадик. Сабабини Марат Носировдан қўйидаги мактубни олганимдан сўнг тушундим.

«...Қайтаётиб учрашолмадик, узр,— деб ёзганди у,— Москвадан тўғри Бухорога учишга тўғри келди. Министрлик барча масалада кўмак берди. Ҳозир конда ҳам, трассада ҳам ишлар кўнгилдагидек.

Ўзингиз биласиз, Шўртан газни жуда ноёб. Таркибида конденсат, этан моддалари кўп. Келгусида Толлимаржон, Сирдарё ГРЭСларининг барча қувватларини мунтазам ҳаракатга келтиради. Шу боисдан, ҳозир кон территорияси иншоотлари ва Шўртан-Сирдарё ГРЭСи газ трассасида бунёдкорлик ишлари ҳар қачонгидан қизгин давом этапти. Кон ёнида суюлтирилган газ тайёрловчи йирик станция, йилига беш юз минг тоннагача оқсил моддаси ишлаб чиқарувчи саноат комплекси қурилиши бошлаб юборилди. Газ кони лойиҳа қувватига кўра йилига саккиз миллиард кубометр «зангори олов» бериш имкониятига эга. Ҳозирча бу иншоотларнинг ярмиси ишга тушди, холос. Ҳали яна йигирма саккиз миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилиши, 18,8 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши лозим. Шунингдек, давлатга ўн уч миллион сўм фойда келтирадиган газ қудуқлари пармаланади. Ун биринчи беш йил-

ликда кон қуввати йилига тўққиз-ўн миллиард кубометрга, яқин келажакда эса ўн олти миллиард кубометрга етказилади.

Бухоро, Муборак газ саноати қурилиши трестлари, Урта Осиё электр тармоқлари қурилиши бошқармаси сингари ўнлаб қурилиш-монтаж ташкилотлари бу бунёдкорлик ишларида бир жон-бир тан бўлиб меҳнат қилмоқдалар. Узаро социалистик мусобақада Муборак газ саноати қурилиши трестининг бешинчи, Бухоро газ саноати қурилиши трестига қарашли биринчи қурилиш бошқармалари коллективлари байроқдорлик қилмоқдалар.

— Шўртан газ кони ва Шўртан-Сирдарё ГРЭСи газ трассасини бутун мамлакат қурмоқда. Унда Ватанимизнинг барча республикалари вакиллари қатори қардош социалистик давлатларнинг фарзандлари ҳам тер тўкишмоқда. Рус йигити Николай Маркелов, украин Алексей Сердобенцев, белорус Михаил Куликов, ўзбек Зоқир Турдиев, Йўлдош Пардаев, тожик Муҳаммад Кенжаев, озарбайжон Оллохберди Мажитов, Шафиқ Гасанов, туркман Ибрагим Багаутдинов, Қурбон Нейматов, болгар Стоил Велинов, Дмитрий Тодоров, Христо Опришанов сингари ўнлаб миллат ва элат ўғлонлари бир оила аъзоларидек қон-қардош бўлиб ГРЭС бағрига улкан олов йўлини бошлаб келмоқдалар.

...Ўтган галги келганингиз ҳисоб эмас. Энди бир бафуржа келинг. Танишиб олдик. Сиз кўрадиган, ёзишга арзийдиган, мақтаса мақтагулик ишларимиз кўп.

Салом билан Марат Носиров».

□

Мен ҳали хатга жавоб қайтарганим йўқ эди. Орадән бир неча кун ўтиб, Марат Носировнинг ўзи телефон қилиб қолди. Ҳол-аҳвол сўрашгач, ҳаяжон билан гапириб кетди:

— ...Шу кунларда келсангиз соз бўларди-да! Бугун Шўртан газ конида, тоғлар, даштлар, далалар орқали Сирдарё ГРЭСи томон чўзилиб кетган улкан газ қувури трассасида байрам кайфияти ҳукм сурмоқда. Шўртан газ комплексининг биринчи навбатининг қуриб ишга туширилиши муносабати билан қурувчиларни Леонид Ильич Брежнев қизғин табриклади. Бугун Қаршида бўлиб ўтган тантанали митинг ана шу катта меҳнат ғалабасига олинган табрикномага бағишланди...

...Марат Носиров билан хайрлашиб, унга яқин кунларда, албатта, боришга ваъда қилдим.

Трубкини қўйиб, ҳали ўқишга очиб улгурмаган, иш столим устидаги тонгги газеталарни очиб қарай бошладим. Уларнинг биринчи саҳифасида Марат Носиров айтган табрик чоп қилинганди:

«Азиз ўртоқлар!— дейилганди табрикда.— Сизларни меҳнатдаги катта ғалаба — газ қазиб чиқариладиган ва ташиладиган Шўртан комплекси биринчи навбатининг муддатидан илгари ишга туширилиши билан самимий табриклайман...

Комплексининг иккинчи навбати қурилишини муваффақиятли тугаллаш ва унинг муддатидан илгари ишга туширилиши учун бутун куч, билим ва тўпланган тажрибани ишга соласиз, деб ишонч билдираман. ...Сизларнинг ҳар бирингизга сиҳат-саломатлик ва катта бахт тилайман.

Л. БРЕЖНЕВ».

Сирдарё ГРЭСи, унинг бунёдкорлари, ГРЭС бағрига олов дарёсини бошлаб келаётган шўртанлик Прометей набираларини ўйларканман, кўнглимда замонамиздан фахрланиш туйғуси барқ урди.

Обиджон Жуманазаров

БОЛА БОШИДАН...

Сентябрь ойи оёқлаётган, йиғим-терим авж олган давр. Кексаю ёшнинг тилида пахта. Гўё бутун Ўзбекистон яхлит бир одамга айланган-у, пахта ҳақида уйлаётгандек. Қаерга борманг, ким билан суҳбатлашманг, қайси район, қайси колхоз пахта топширишда нечанчи ўринда бораётгани, қайси механик-ҳайдовчи қанча пахта тергани ҳақида сўз юритилади.

Ана шундай кунларнинг биридэ область газетасининг биринчи бетида шундай хушхабар эълон қилинди:

«Норин районидаги «СССР 50 йиллиги» қолхозининг Мадаминжон Камолов бошлиқ бригадаси аъзолари бир юз ўттиз гектар ернинг ҳар гектаридан ўттиз саккиз центнердан хирмон кўтариб, йиллик халқ хўжалик планини бажардилар. Тайёрланган пахтанинг тўқсон фоизи машиналар бункеридан тўкилди. Бригадирнинг ўзи «Зангори кема»да бир юз саксон тонна пахта терди. Ўз имкониятларини ҳисоблаб чиққан бригада аъзолари ҳосилдорлик кўрсаткичини эллик центнерга етказишга сўз бердилар».

Газетадаги ана шу хабар баҳона бўлдию, бригада бошлиғи Мадаминжон Камолов ҳақида ўйлаб кетдим.

...Андижон ва Наманган области чегарасида жойлашган обод ва сўлим посёлка — Чинободдан Кемабоши қишлоғига разм солганмисиз? Қорадарё ортидаги бу гўзал қишлоқнинг қоқ марказидаги, ёш жиҳатдан, эҳтимолки, водий дарахтлари орасида энг кексаларидан ҳисобланган бу чинорлар ортида икки қаватли мактаб ва магазинлар, муҳташам турар жойлар, бири иккинчисига уланиб кетган боғлар эътиборингизни тортади. Анча йиллар илгари, ҳали мактабга қатнамаган болалик пайтларимизда Чинободнинг чанг-тупроқли кўчаларидан бу ерларга нигоҳимиз тушганида юрак орзиқарди.

Негаки, у йилларда қишлоқ жуда олис кўринар, Чинободнинг шундоқ четиданоқ бошланадиган қамишзорлар жўшиб оқадиган дарёнинг нариги қирғоғига ўтиб яна давом этар, азим чинорлар ҳам гўё бир боғ хашак орасидаги садарайҳон дастасидек кўринарди.

Кемабошида турадиган холамникига бориб юриб, у ерлик болалар орасида қоп-қорагина, юмалоқ, жанжалкаш бола билан дўстлашиб қолдик. Бирга балиқ овлардик, ёғоч от минишиб пойга қилишардик. Айниқса ўша дўстимнинг қачон қараманг, темирларни шалдиратиб юриши мени ажаблантирарди.

Бир сафар балиқ овидан қайтаётганимизда занжирларини шалдиратиб кетаётган трактор ортидан тикилиб:

— Катта бўлсам, тракторчиликка ўқийман,— деганди юраги орзиқиб.— Худди Оқтоев тоғага ўхшаган бўламан!

Бошқа куни улқан «НАТИ» машинасини гуриллатиб кетаётган шоп мўйлаб одамни кўрсатиб мақтанганди:

— Оқтоев тоғамни кўриб ол. Мен ўшанга ўхшаган бўламан!

Ўқувчилик йилларимизда ҳам дўстим Мадамин билан қайта учрашдим. Мен саккизинчи синфга кўчган эдим. Кемабошига бориб Мадаминни сўрадим.

— Энди у сен билан балиқ овламайди, катта йигит бўлиб қолган,— деди холам

кулиб.— Икки йилдан бери тракторчилик қияпти, колхознинг ҳурматли одамларидан, механизатор.

Бари бир, кечқурун Мадаминни топдим. Аввалги бақалоқ Мадамин анча бўй тортган, унга йигит ҳусни уриб қолганди. Биздан ёши каттароқлиги дарров билинибди. Мен билан, аввалига, бепарвороқ сўрашди. Лекин ишларини суриштирганимда жонланди.

— Бугун район механизаторлари кенгашига қатнашдим,— деди оғзини тўлдириб.— Оқтоев тоға бориши керак эди, тоби қочиб ўрнига мени жўнатишди.

Мен дўстимга, эндиликда бир касб эгаси бўлиб қолган одамга ҳавас билан боқардим. У еттинчи синфни битирибди-ю, Оқтоев тоғага ёрдамчиликка ўтибди. Олти ойлик механизаторлик курсини ҳам тамомлабди. Икки йилдан бери руль бошқараётган экан...

Бу орада Қорадарё тўлқин-тўлқин сувни қузатди. Болалик баҳори алдоқчи жаладек «гув» этди-ю, ортада қолди. Талай вақт Кемабошига йўлим тушмади. Ёшликдаги тенгдошлар ҳаётдан ўз ўрнимизни топиб кетдик. Бир тасоّدиф бўлди-ю, болалик дўстимни қайта учратдим.

Редакция топшириғига кўра бошқа областдан келган ўзаро текшириш группаси аъзолари билан ғўза парваришининг боришини кўздан кечириб юргандик. Норин райони далаларини айландик. Қатор хўжаликларнинг ғўза пайкалларини кезиб чиқдик. Ильяч номли колхоздан кейин «СССР 50 йиллиги» колхозини далалари бошланди.

Район хўжаликлари экин майдонларининг тенг ярми захкаш, аввалги ботқоқлик ва тўқайзор ўрнида жойлашган. Шунинг учун анчагина майдонни ўт босган. Айни қурт боқиш мавсуми авжга чиққанидан қўл кучининг камлиги кўзга ташланиб турарди. Бу ҳол, айниқса, «СССР 50 йиллиги» колхозини билинди. Меҳмонларнинг даладаги аҳволдан кўнгиллари тўлмади.

— Дарё бўйидаги бригадани ҳам кўрмайсизми,— луқма ташлади райком ходими колхоз пахтазорларини кезишни тугатай деганимизда.

Область вакили норози бўлди.

— Тўқайзор ўрниними? Шунча хижолат қилганларинг етмайдами? Ёки бизни қамишзор ичида адаштириб ташлаб кетмоқчимисиз?

Райком ходими пичингни сезмагандек очиқ чехра билан деди:

— Бор ишимизни кўрасизлар, камчилигимиз бўлса маслаҳат берарсизлар.

Ильяч номли колхозга қарашли Полвонкўл ва «СССР 50 йиллиги» колхозининг Кемабоши қишлоқлари ўртасидан баланд девордек кўтарилиб ўтган Катта Андижон каналининг чап томонига қараб юрдик. Кўз олдимизда ниҳоясиз, худди суратлардагидек бир текис экин майдонлари бошланди. Кўчат қўл билан териб қўйилгани дейсиз. Май охирламаёқ текис шонага кирибди. Карта ичида ёввойи ўтдан асар ҳам йўқ. Узоқ-узоқларда тракторлар гуриллаб ишлаяпти. Ер бетини қоплаган ғўза пайкаллари ортида, кўёш нурида ойнадек товланиб дарё жимирляпти.

— Тўқайзор ўрнидаги бригада деганингиз шуми? — меҳмонлардан кимдир ажаблангандек сўради.

Бизни чегарада кутиб олган, ўзаро текшириш аъзоларининг ҳар танбеҳидан кейин бутун борлиғидан қайта-қайта тер қўйилаётган колхоз раиси Ёқубжон Қобуловнинг юзига қизиллик югурди.

— Уша бригадаси, Камолов бригадаси.

Энди область вакилининг ҳам чехраси ёришди. Атрофга қизиқиш билан боқаркан, ўз-ўзига гапиргандек секин деди:

— Ажабо, бу бригадангизда ўсиш катта. Уч йил илгари келганимда қарталари ҳам бошқача, ғўзасининг аҳволи ҳам ночор эди. Шу ерга колхознинг бошқа бригадирларини ҳам йиғиб мажлис ўтказгандик, бригада бошлиғига бепарволиги учун ҳайфсан берганмиз. Бригадир ориятли бола экан, танқиддан тегишли хулоса чиқарибди, қисқа вақт ичида далаларида шунчалик ўзгариш ясабди.

Раис беозоргина жилмайди.

— У бригадир бошқа одам эди. Уша йили планини бажаролмай қолган. Вазифасидан бўшатганмиз. Уша пайтда механизаторлик қилиб юрган йигит — Камолов, икки йилдан бери бошчилик қилмоқда бу бригадага. Утган йили планини бир юз йигирма беш фоиз қилиб бажарди. Қишин-ёзин тиним билмайди. Узи механизатор эмасми, комплекс механизацияга мослаштираман, деб қарталарини йириклаштирди, ортиқча ариқ-зовурларни кўмдирди, кераксиз дала йўллари йўқоттирди. Бултур салкам саксон фоиз ҳосил машинада терилди. Унинг ўзи бир юз саксон тонна пахта терди.

Ҳамма бригадага, унинг бошлиғига қизиқиб қолди. Бригадир насосдан хабар олгани дарё бўйига кетган экан. Қарталарни бирма-бир айландик. Чиндан ҳам бу ерда ғўза, умуман дала ишларининг ташкил этилиши ҳавас қилса арзигудек эди. Бригадага биркирилган уч трактор гуриллаб ишлаяпти. Типовой дала шийпониди радиоприёмник, телевизор, кўчма газ плитасидан тортиб колхозчиларнинг ҳордиқ чиқариши учун зарур бўлган ҳамма шарт-шароит муҳайё. Бизни фақат бир нарса — далада ишлаётган колхозчиларнинг кўринмаслиги қизиқтирди.

— Кўшни бригадага ёрдамга кетган,— деди бу саволимизга раис қўли билан шийпон ортида жўшиб оқаётган Қолгандарё томонни кўрсатиб.— 6-бригадамиз ғўза-

сини ўт ўраб қолди. Ҳашарлашиб олиб ташламасак, ўзининг кучи етмайдиган кўринади. Камоловга айтгандик, дарров рози бўлди.

Сал ўтмай, бригадирнинг ўзи ҳам етиб келди. Юмалоқ юзлари офтобда қорайиб чўяндек тобланган йигит. Анча оғир, босиқ, режали эканлиги шундоқ билинади. Бошқалар қатори қўл олишиб сўрашдим. Иккимиз бир дақиқа тикилишиб қолдик. Аммо кўпчилик орасида бўлганимиздан очик гаплашишга иймандик.

Одатдаги савол-жавоблар такрорланди. Ўтган йилда ҳар гектар ердан 35 центнердан хирмон кўтарилганини, бу йил 40 центнердан ҳосил етиштириш учун кураш олиб борилаётганини айтди.

— Бултўр бир йил олдингига қараганда ҳосилдорлик 10 центнер ўсди,— деди бригадир сўзига кўшимча қилиб раис.

— Эски қамишзор ўрнидаги ўтти йўқотишга қандай қилиб эришяпсизлар? — савол ташлади меҳмонлардан бири.

Бригадир Камолов дарров, оддийгина қилиб тушунтирди.

— Бунинг учун кузги шудгорлаш даврида бир ҳафталик, баҳорги ер текислаш вақтида ҳам шунча қийинчилик бўйинга олинса кифоя. Биз шудгорлаш даврида бутун аъзоларимизни ёввойи ўт илдизини теришга чиқарамиз. Қамиш илдизи узун. Шунинг учун шудгорлашни ўртача қирқ беш сантиметр чуқурликда ўтказамиз. Айниқса шудгорлашнинг сифатига алоҳида аҳамият берамиз. Кўкламги ер текислаш вақтида ҳам чизил тишига илиниб қолган илдизни териб ташқарига чиқариб ташлаймиз. Шундай қилинганда ҳам ғўза ниҳоли эркин ўсади, ҳам ёз бўйи иш анча енгиллашади.

Мен бригадирнинг мантқиқли гапларини эшитарканман, болаликдаги қоп-қора, бақалоқ дўстимга орадан йигирма йил ўтгач, қайта дуч келганимни тушундим. У ҳам мени танибди. Хайрлашимиз олдиндан қўлларимни маҳкам қисиб, деди:

— Қачон бафуржа гаплашамиз? Вақт топиб бир келинг, иккита зўр қармоқ топиб қўяман. Бир мириқиб балиқ овлаймиз.

Икковимиз ҳам бор овозда кулиб юбордик.

Кемабошининг асфальт ётқизилган текис кўчаларидан борарканмиз, қишлоқнинг ўтмиши-ю, ҳозирги қиёфасини хаёлан кўз олдимга келтириб қиёсладим. Ўтган йиллар ичида фақат қишлоқ ўзгарибгина қолмай, унинг кишилари ҳам камол топган. Мадаминжон сингари эл-юрт иши йўлида, пахтачиликни ривожлантириш йўлида жон куйдириб танилганлар кўпчиликини ташкил этарди. Бир маҳаллар қишин-ёзин, кечаю кундуз сирли шовуллаб турган, бақалар қуриллаши ҳеч тинмайдиган тўқайзорлар, қамишзорлар орасидаги сассик кўлдан асар ҳам қолмаган, эндиликда у ерларда сўнгсиз пахтазорлар майин силкинарди.

— Эллингичи йилларнинг ўрталарида Қолгандарё ўзани ўзгартирилди. Шундан сўнг қадимий ботқоқлик ва кўллар қурий бошлади,— дея ҳикоя қила кетди бу тўғрида гап кетганда колхоз раиси Қобулов. — Ҳозир қишлоқ атрофидаги мавжуд неча юз гектарлаб тўқайзор экин майдонида айланган.

Шу-шу бўлдию Норинга йўлим тушганида Мадаминжон бошлиқ бригадага ҳам қайрилиб ўтадиган, унинг иш натижаларини суриштириб турадиган бўлдим. Бир гап тўхтаганимда такасоқол, ҳатто қошларигача қордек оқарган қарияга дуч келдим. Сўзамол, суҳбати жонон чоллардан экан. Мадаминжон колхоз идорасига кетганини, тушликка келишини айтишди. Ҳалиги отахон билан тил топишиб қолганимиздан ташлаб кетишга кўзим қиймади. Уйда ёта бериб зерикибди. Икки ойдан бери шу бригадада сувчиларга бошчилик қилаётган экан.

— Аслини суриштирсангиз тракторчиман,— деди отахон.— Оқтоев тоға десангиз, кемабошидагиларнинг катта-ю кичиги танийди,— деди кексаларга хос очкилик билан.— Лекин бизнинг давримиз ўтди. Тракторга осилиб чиқишга бел қаёқда дейсиз. Ҳарна қилсаям, деҳқон боласимиз, пахта етиштиришдаги ҳамма иш бизга беш бармоқдек аён. Қарабсизки, ҳозир сувчилик қияпмиз.

Мен Оқтоев тоғага қарайман-у, «НАТИ»ни гуриллатиб кетаётган шоп мўйловли, азамат гавдали тракторчини кўз олдимга келтираман. Эҳ, йиллар, йиллар! Сизнинг измингизга бўйсунмайдиган, қудратингизга шак келтирадиган куч бормикин дунёда!

1929 йилнинг эрта баҳори. Маҳкам Оқтоев Наманганнинг тош терилган кўчалари ва Кемабошининг сертупроқ йўлларида «Форзон» тракторини гуриллатиб борганида ундан улуг одам йўқдек эди оламда. Ушанда бундан янаги беш ойгина илгари уйланган Маҳкамбойнинг уида қайтадан тўй бошланиб кетгандек бўлди. Маҳкамбой бутун қишлоқ болаларини ортидан эргаштириб ҳовлига кириб келганда, Кемабошининг катта-ю кичиги йиғилганди. Шаҳардан саккиз соатда аранг етиб келган Маҳкамбой толиққанига қарамасдан ҳамқишлоқларига трактор атрофини айланиб экскурсоводлардек бирма-бир кўрсатиб чиққан, ҳаммани хайратда қолдириб, «ўт омоқ»нинг пиликсиз чирогини неча бор ёндириб-ўчирган эди.

Қувонч ва ҳаяжондан тун бўйи йигитнинг кўзига уйку келмади. Неча бор тракторнинг атрофини айланиб чиқди. Ёшгина келинчак Холидахоннинг қўлига қора чироқ тутқазиб қўйиб, тракторнинг бўшаган мурватларини қотирди.

Тонг саҳарда Маҳкам Оқтоев бошқарган тракторнинг гуриллаши қишлоқ аҳлини уйқудан уйғотди. Темир омоқ ер бағрини енгилгина тилимлаб йиғилганларни қойил қолдирди ва биринчи кунидек беш гектар ерни шудгор қилди. Тракторнинг қудратига шубҳа билан қараётганлар ўз фикрларини ўзгартирдилар. Тракторчи Оқтоев ўша дамларда бутун Норинда доврўқ қозонди. Кейин «Жондор», «ХТЗ», «ЧТЗ», «Универсаль»

тракторлари билан колхоз далаларида ишлади. Уша пайтларда Норин районида ном қозонган бармоқ билан санарли тракторчилардан бири сифатида шуҳрат қозонди.

У фидокорона меҳнат қилиш билан бирга ўз касбини ёшларга ўргатиб борди. Улар кўнглида техникага, механизаторликка муҳаббат уйғотди, ўнлаб шоғирдлар тайёрлади. Мадаминжон Камолов ана шулардан бири эди.

Биз Оқтоев тоға билан ўтган-кетганлардан гаплашиб далани бир айланганимизча Мадаминжон келиб қолди. Ҳар доим бутун борлиғидан куч-ғайрат ёғилиб турадиган дўстим бугун бошқачароқ кўринар, анча бўшашган, мени кўриб жилмайишга қанчалик уринмасин, кўзларининг ич-ичидан қандайдир алам сизиб тургандек бўларди.

Дўстимнинг юрагига қўл солдим, хомушлиги сабабларини суриштирдим.

— Ғалати одатларимиз бор-да,— деди Мадаминжон азамат елкалари чўккандек бўлиб, ҳорғинлик билан.— Шарт-шароитни ҳисобга олмаймиз-у, шу усул бошқа ерда қўлланаяптими, сен ҳам мажбурсан, деб тиқиштира берамиз. Тор қаторлаб пахта етиштириш яхши усул. Аммо бу қуруқ, оқ ерларга мос. Ахир, бизнинг ерларимиз захкаш, эски қўлнинг ўрни-ку! Трактор қатор орасини бемалол ораламас, қуёш нури эгатларга эркин етиб бормаса, кўчат юқорига бўй чўзаберади-ю, лекин кузга бориб пахта эмас, ғўзапоя етишади-ку! Наҳотки, шу оддий ҳақиқатни айрим раҳбарларимиз тушунимаса! Бу йил баҳорда бизга ўша схемада чигит экиш буюрилган эди. Мен қулоқ солмагандим. Ахир таваккалчилик қилишга ҳаққим йўқ, мен давлатга пахта етказиб беришим керак. Бугун идорага қақиринди. Райондан келган раҳбарлар билан роса элак-элак қилишди. Консерватив, янгилликни тушунмайдиган одам эмишман...

Дўстим юзидаги аламли жилмайишни кўриб кулишни ҳам, унинг фикрларига шерик бўлишни ҳам билмасдим.

— Кўрасиз, мен ҳақ эканлигимни исботлайман ҳали!

Ушанда Мадаминжоннинг бу сўзлари менга ўзига бино қўйишдек, катта кетишдек туюлганди. Бироқ янглишган эканман. Дўстим ўжарлиги, чўрткесарлиги билан ўзининг ҳақиқий деҳқон эканлигини, ер илмини чуқур эгаллаганлигини кўрсатди. Колхоздагина эмас, районда ҳам биринчи бўлиб йиллик планни бажарди. Захкаш ерда тор қаторлаб чигит эккан бригадалар йиллик топшириқни инқиллаб, аранг удалаган бир пайтда, у бошлик коллектив социалистик мажбуриятни ҳам ошириб адо этди. 105 гектар ернинг ҳар гектаридан 41 центнердан хирмон кўтарилди. Мадаминжон пахтачиликни ривожлантиришдаги фидокорона меҳнатлари эвазига Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

Шу тариқа Мадаминжон ҳар йили сўзининг устидан чиқиб келяпти. Совет пахтачилиги илмида янги саҳифалар очяпти.

Парвозга ўрганган қалб ҳамиша юксакликка интилавераркан. Утган йилнинг кеч кузида у яна янги жасорат сари бел боғлади. Бригадасининг экин майдонлари билан тутшиб кетган, кам ҳосилли бир юз саксон гектар ерни қўшиб олди. Эндиликда унинг ихтиёридаги ер уч юз гектарга етди. Съездлар йилидаги марраси эса ялпи ҳосилдорлик кўрсаткичини қирқ беш центнерданга етказиш.

Яқинда яна бир хушxabар эшитдим. Мадаминжон кўксидеги Ҳурмат Белгиси, Учинчи даражали Меҳнат Шуҳрати, Меҳнат Қизил Байроқ орденлари, қатор медаллар ёнига тағин бир орден «Октябрь революцияси» ордени қўшилибди!

ПУШКИН ВА ХАЛҚ ИЖОДИ

Жаҳондаги барча йирик санъаткорлар ўз ижодини халқ оғзаки ижоди билан узвий боғлагани ва бу бой бадий казнага юксак баҳо бергани маълум. Рус адабиётининг ифтихори ҳисобланган Пушкиннинг ҳам бу ижод чашмасидан чексиз баҳраманд бўлганлиги табиийдир.

Пушкин ижодига фольклорнинг таъсири ҳақида гап кетганда, шоирнинг илк ижоди даврида қадимги рус ҳаётидан олиб ёзилган, яхшилиқнинг ёвуз кучлар устидан ғалабасига ишонч руҳи билан суғорилган, рус қудрати, рус баҳодирлиги улуғланган афсонавий «Руслан ва Людмила» поэмаси, Хон Гарой харамидаги грузин қизи Зарема ва князь қизи Мария тақдири ҳақидаги нақли асосида ёзилган «Боқчасарой фонтани» асари хусусида, унинг манбалари борасида сўзлаш керак бўлади. Шунингдек, яна украин халқ кўшиқлари руҳи билан суғорилган «Полтава» поэмаси, подшоҳлар, умуман ҳоким синфни—дворянларни истеҳзоли танқид этувчи «Шоҳ Салтан ҳақида, унинг азамат ва шавкатли ўғли баҳодир князь Гвидон салтанзода ҳам сулув шоҳқиз оққуш ҳақида эртак», «Олтин хўроз ҳақида эртак», «Балиқчи ва балиқ ҳақида эртак», руҳонийларнинг сатирик қиёфасини чизувчи «Поп ва унинг хизматчиси Балда ҳақида эртак» асарлари, уларнинг бадий қиммати ва халқ эртакларини қайта ишлаш жараёнидаги шоирнинг санъаткорлиги ҳақида ҳам фикр юритиш лозим. Ниҳоят, Пушкин ва фольклор деганда шоирнинг крепостной деҳқонлар кўзғолонига бағишланган «Пугачёв тарихи» асари учун материал тўплаши билан боғлиқ қизғин ижодий фаолиятини ҳам назарда тутиш керак.

Пушкиннинг халқ ижоди билан боғлиқ ҳар бир асари ҳар томонлама чуқур ўрганилиши керак бўлган тажриба мактабидир. Унинг халқ ижодида яқин бўлиши, фольклор асарлари билан қизиқиши бир томондан рус урф-одатининг типик хусусиятларини ўзида ифода этган тўлақонли рус миллий характери яратиш учун кураши билан боғлиқ бўлса, иккинчидан шоир дунёқарашидаги ёвузликка қарши,

жаҳолатга қарши исёнкорлик руҳи, крепостной деҳқонларнинг аҳволига ачиниши, подшо тартибларига қарши чиқиш кайфияти билан боғлиқдир. Чунки халқ ижоди асарларида эрксеварлик пафоси, зулм ва адоватни қоралаш, ҳақиқат учун кураш, ҳалоллик ва мардликни улуғлаш ғоялари акс этган бўлиб, бу хусусиятлар исёнкорлик кайфиятидаги Пушкиннинг руҳига жуда мос келарди.

Агар Пушкиннинг Лицейни тугатган дастлабки йилидаёқ самодержавие ва крепостнойликка қарши кураш зарурлиги ҳақидаги фикрларни илгари сурган, «мустабид» ёвузларга нисбатан нафрат, «вахший хўжайинлар» томонидан ёзилган халққа ачиниш ҳисси билан ёзилган «Эркинлик», «Қишлоқ» шеърлари ва бир қатор сатирик кўшиқлари ҳамда эпиграммаларида шох ва унинг амалдорлари қаттиқ саваланганини эсласак, шоирнинг декабристларнинг Каменкадаги яширин ташкилотига кириш орзусида бўлганига эътибор берсак, золимни ўлдиришга чорловчи «Ханжар» шеъри ва масхарали кулги воситаси билан «табаррук» динга ҳужум қилиб, жамиятнинг ҳамма юқори табақа синфларига исён ўтини ёққан «Гаррилада» поэмасини, декабристларни жазолаган подшоҳни «пасткаш қотил» деб қоралаган «Пайғамбар» шеърини кўз олдимизга келтирсак, унинг ёвузликка қарши курашда эзулик ва қаҳрамонликнинг ҳамиша ёлиб чиқиши ғоялари тараннум этилган халқ ижоди намуналарига мурожаат қилгани бежиз эмас эканига амин бўламиз. Шунинг учун ҳам халқ эртакларини қайта ишлар экан, шоир ўзининг шоҳ тузумига муносабати, унга қарши бўлган нафрат туйғуларини кўпинча эртак мазмунига сингдириб юборади. Унинг кўпчилик шеърий эртакларида эрқарвар кишиларнинг даврдан норозилиги сабабли туғилган эътироз ва қаршилиги ифодаланган. Масалан, «Поп ва унинг хизматчиси Балда ҳақида» асари Пушкиннинг черковга қарши қаратилган илк шеърларидаги фикрларга қатишиб кетади. «Балиқчи ва балиқ ҳақида эртак» асарида кампирни

дастлаб дворянка, сўнг малика сифатида тасвирлар экан, унинг чолга муомаласи орқали олий табақа кишиларининг деҳқонларга нисбатан муносабати қандай бўлганлигини кўрсатади.

Пушкиннинг халқ ижодига яқинлиги унинг болалигидан бошланган эди. Бунинг биринчи сабабчиси шубҳасиз «халқ эртакларини сўзлаб берувчи, халқ ривоятлари, мақол ва маталларга бой нутққа эга» бўлган энагаси Арина Радионовнадир. Пушкин 1824 йилда жануб сургунидан кейин яна Михайловскийга юборилар экан, иккинчи бор қадрдон эртакларига шўнғиб кетади. «Кечқурун энаганим эртакларини тинглайман... У менинг бирдан-бир ҳамроҳимдир — фақат ўшагина мени зериктирмайди», — деб ёзган эди Пушкин дўстларидан бирига. Худди ўша йили укасига ёзган хатларидан бирида бу ҳақда: «Қандай гўзал эртаклар! Ҳар бири бир поэма!», — деб ёзганди ҳаяжон билан.

Пушкин фақат эшитган эртаклари билан чегараланмасдан, халқ орасида юриб, ўзи ҳам фольклор намуналарини тўплашга киришади. Қишлоқ аҳолиси ўртасида деҳқонлар билан суҳбатлашгани, жонли ва образли ибораларга бой халқ нутқини берилиб тинглагани, кўр, гадоиларга қўшилиб, қўшиқлар айтиб халқ орасида юргани, тўплаган халқ қўшиқлари асосида махсус китоб тайёрлагани факти унинг халқ ижоди билан муттасил шуғулланганидан дарак беради. Унинг «Адабиётдаги халқчиллик ҳақида» деган мақоласи эса бу сарчашмани махсус ўрганганлиги натижаси сифатида майдонга келган.

Пушкин ижодий фаолиятида фақат рус халқ оғзаки ижоди билангина қиёясанмасдан, Кавказ ва Шарқ халқларининг бой фольклорини ҳам ўрганган, бу халқларнинг тарихи ҳамданияти билан қизиққан. Унинг қаламида жило олган эртаклар олға сурган ғоялари билан барча мазлум халқлар ҳаёти ва уларнинг орзу-истакларига ҳамоҳангдир. Шу ваздан шоирнинг «Шоҳ Салтан ҳақида эртак» асарини мутахассислар рус халқ эртаги асосида яратилган десалар ҳам, бу мотив Шарқ халқлари оғзаки ижодида ҳам кенг тарқалганлиги аниқ.

Масалан, «Шоҳ Салтан ҳақида эртак» асарни Ислом шоирдан эзиб олинган «Соҳибқирон», Саид Мурод Паноҳ ўғлидан эзиб олинган «Одилхон», Умар шоир Сафар ўғлидан эзиб олинган «Ойларча» сингари ўзбек халқ дostonларига сюжети, олға сурган фикр ва ғоялари жиҳатидан яқин туради.

Шунингдек, ўзбек халқ оғзаки ижод меросида Ёрлақаб бахшидан эзиб олинган «Чорёр», Матназар Жаббор ўғлидан эзиб олинган «Қоракўз ойим», Пўлкан шоирдан эзиб олинган ва 20 минг мисраси сақланиб қолган «Қиронхон», Хоразмда эзиб олинган «Дурапшоҳ» дostonлари ва бир қанча эртаклар мавжуд.

Бундан ташқари қардош халқлар ўртасида оғиздан-оғизга кўчиб юрувчи бу асарларнинг вариантлари, шу версиялар-

даги дostonлар, чунончи, қозоқ халқ оғзаки ижодида кенг тарқалган «Зорлиқ Булат Мунглик», қорақалпоқ халқининг Қўлатат Жунгирдан эзиб олинган «Шаҳриёр» дostonлари ҳам мавжуддирки, бу ҳодиса тарихи, тақдирлари яқин бўлган халқларнинг оғзаки ижоди ҳам ўзаро жузда яқин бўлганлигини, бирининг асарлари, иккинчи халқ ўртасида ўз вариантлари ва янги талқинлари билан тарқалиб, ўз миллатига хос хусусиятлар, воқеа ва деталлар билан бойиб борганлигини кўрсатади. Шу сабабли фольклор асарлари тобора такомиллашиб, ҳар бир халқнинг шароитига мослашиб, шу халқнинг мулкига айланиб қолади.

Бу ерда яна бир нарсани ҳам унутмаслик керакки, биз юқорида тилга олган дostonларнинг ҳаммаси ҳам бир савияда эмас. Булардан «Соҳибқирон», «Ойларча» ва «Шаҳриёр» дostonлари айтувчининг маҳорати билан изоҳланувчи мукамаллиги ва воқеаларнинг изчил ривожланиши, шоирона бўёқларга бойлиги билан ажралиб туради.

Маълумки, ҳар бир халқ ўзига етиб келган оғзаки ижод намуналарини шунчаки такрорламайди, балки ўз зехни, қайғу-ҳасрати, орзу-истаги, идеали, миллий белги ва хусусиятлари, табиий шароитни ифода этувчи воқеалар, айрим деталлар, ранг ва оханлар турли поэтик бўёқлар ҳисобига бойитиб боради. Шарқ халқлари ўртасида кенг тарқалган ушбу сюжетдаги дostonлар ва Пушкиннинг шу мотивдаги фольклор асарлари асосида яратилган мазкур «Шоҳ Салтан ҳақида эртак» асарига қиёясанлашди.

Пушкиннинг эртагида шоҳга бека бўлишни орзу қилиб, урчиқ тасвириб ўтирган уч опера-сингил, урчиқ йигириб нади.

«Соҳибқирон» дostonида эса қинғир подачининг ҳовлисида чархини йигириб ўтирган уч қизнинг бири «Одилхон подшо мени олса, силаб тўн тикардим, етти иқлимда бўлғусиз деса, ўртанчаси, ҳар хил гуллар тикиб, бошига қалпоқ кийдирар эдим, дейди. Бўтакўз оям:

Қойил бўлса мендай санам ишига,
Армон билан тегсам шундай кишига.
Тилию кокил ўғил туғиб берардим,
Подшо бўлғудайин Оқ тош элига,—

дейди.

Пушкин эртагида рус халқига хос хусусиятлар, унинг табиати, урф-одатлари қуюқ бўёқларда тасвирланиб, воқеалар шу миллий заминда ривожланса, «Соҳибқирон», «Ойларча» ва «Шаҳриёр» типидagi дostonларда Шарқ халқлари, хусусан Ўрта Осиё халқларининг ҳаёти учун типик бўлган муҳим белгилар ва шу ўлкаларнинг табиий шароити билан боғлиқ хусусиятлар бўртиб туради.

Бу асарлардаги ўзаро муштарак бўлган, айти чоқда миллий белгилар билан фарқланувчи куйидаги воқеа ва деталлар ҳам эътиборни тортади.

Масалан, Пушкиннинг эртагида фоже

воқеанинг сабабчиси опа-сингил тўнғич ва ўртанча қизлар бўлса, «Соҳибқирон»да Шарқ феодал оилалари учун айниқса характерли бўлган кундошлик, яъни Одилхон шоҳнинг катта хотинларининг ғийбати бўлади. Булар сафарга кетган шоҳга хотиннинг эгизак кучук туғди, деб чопарлар юборди ҳамда Бўтакўз ойимнинг ўғил ва қизларини сахрога олиб бориб ташлатадилар. Болалар кийикни эмиб, бир боғбон ёрдамида омон қолишади. Пушкин эртагида эса опа-сингиллар шоҳга:

Малика туғди бироқ,
На ўғил, на қизалок,
На қурбақа, на сичқон,
Вадбашара бир ҳайвон —

деб мактуб йўллайдилар ва шоҳнинг жавоб мактубини сохта хат билан алмаштириб, шоҳ Салтан буюрган деб, бека ва ўғлини бочкага жойлаб, денгизга оқизадилар. Булар денгиз тўлкини ёрдамида оролга чиқиб, у ерда қароргоҳ топадилар, сулув шоҳ қиз ёрдамида бахт ва иқболга эришадилар. Қоракалпоқ халқ достони «Шаҳриёр»да ҳам шундай манзаралар чизилади.

Бунда ҳам воқеанинг ҳикоя қилиш усули, қаҳрамонларнинг тақдири, саргузашти юқоридаги дostonларга, хусусан Пушкиннинг эртагига яқин туради: уч хурилиқо қизнинг чарх йигириб ўз орзуларини айтиб ўтирганини тинглаган бeфapзанд хон совчи юбориб «оҳим фалакка етса, худойим ёрдам этса, хон талаб этса:

Бир кокили олтиндан,
Бир кокили қумушдан,
Бир ўғилу бир қизни
Мен туғиб берар эдим!»

—деган қизга уйланади. Бу суюкли ёр ваъдага вафо қилиб, хонга қиз ва ўғил ҳадя этади. Лекин разил кундошлар хоннинг сафарга кетганидан фойдаланиб, энага хотинни олтинга кўмиб, фарзандларни ҳовузга ташлатишади. Беҳол ётган онанинг қўйнига кучук ва мушук боласини солишади. Сўнгра улар сафардан қайтган хонга пешвоз чиқиб:

Виздан ортиқ кўрганинг,
Бино қўйиб юрганинг
Туғиб берди бир кучук,
Унга қўшиб бир мушук»,— деб

ғийбатни авжига чиқаришади, ҳийла-найранг билан Гулсорани қувғин қилишади. Бундан кейинги воқеалар бошқа асарлар сингари анъанавий усулда ривожланади. Болалар яхши одамлар ёрдамида жуда кўп бало-офатлардан омон қоладилар, чўлда бир кийикни эмиб, вояга етадилар. Она эса, бир чўпон ёрдамида кудуқда жон сақлайди.

Турли халқлар ўртасида кенг тарқалган яқин сюжетли бундай асарларда ёвузлик, адоваат қаттиқ қораланиб, яхшилик, сабр-тоқат, меҳр-оқибат улуғланган, ана шу туйғулар ҳар бир халқ ҳаёти, кураши, интилиши, орзулари заминда турли усуллар билан ифодаланган.

Пушкин эртаги билан Шарқ халқлари дostonлари ўртасида бу муштараклик — тақдири, қайғу-ҳасратлари, орзу-истаклари яқин бўлган халқларнинг оғзаки ижодида кўчиб юрувчи сюжетлар тўғрисида келган дейишдан кўра, шоирнинг шу халқларнинг тарихи, оғзаки ижодига оид маълумотларга қизиқиб, уларни чуқур ўрганган дейишга кўпроқ асос беради.

Бу борада Ўзбекистон халқ шоири Миртемирнинг қуйидаги сўзларини эслаш ўринлидир: «Пушкин шеърларида умумбашарий оҳанглар бениҳоя кўп, шунингдек, нимаси биландир, шарққа яқинлик, шарқликка тушунгулик жаранг ҳам кўп. Бу, шубҳасиз, буюк шоирнинг Шарқ тўғрисида кўп ўқиганлигидан, Қрим ва Кавказда талай кезганлигидандир. Эҳтимол, Пушкин ўзбек китобхонига шу вайдан ҳам яқин ва сеvimлидир».

Пушкиннинг бошқа халқларнинг оғзаки ижоди билан қизиққанлиги ва таниш бўлганини, унинг архивида украин ва кавказ халқлари кўшиқларининг варианты, қозоқ халқининг «Ромео ва Жульетта»си деб ном олган «Қўзикўрпеш ва Баянсулув» ишқий романтик дostonи ҳақида материаллар сақланганидан ҳам кўриш мумкин. Бу, албатта, халқ ижодига бўлган нигоҳ уфқи кенг эканлигини кўрсатади.


Унинг «Сув париси» дostonи ҳам фольклор асарларига ижодий ёндашиб, уларга ижтимоий мазмун юклаши жиҳатидан характерлидир. Асарда энг олий инсоний туйғуга ҳайкал бўлиб қолувчи бир афсонавий сеvги тарихи зўр эҳтирос билан тасвир этилган. Пушкин сатрлари инсон эркини кишанлаган нопок даврга нисбатан ўтли нидо сифатида жаранглайди.

«Русалка» Пушкин талантининг ниҳоят даражада етуқлигини намоён қилади,— деб ёзган эди В. Г. Белинский,— буюк талант ўз ижодининг камолот чўққисидagi фантастик бир эртақда умумий инсонийлик, ҳақиқий, реал гапларни айта олиши мумкинки, уни ўқиганда мутлақо эртақ эмас, юксак бир трагедия ўқияпман, деб ўйлайсан киши».

Пушкиннинг бу асарига манба бўлган «Мисхордаги сув париси ва чашма ҳақида»ги Қрим халқ эртақлари асосида ўзбек шоири Миртемир 1937 йилда «Сув қизи» дostonини яратади. Орадан ўттиз йилча вақт ўтгач Эркин Воҳидовнинг «Орзу чашмаси» дostonи ёзилди. Шубҳасиз, ўзбек адабиётидаги бу икки асарнинг яратилишида улуғ шоир ижодий мактабининг себоғи катта, яъни фольклордан ўрганиш борасида ҳам у ижодкорларга намуна бўлиб қолди.

Ҳамид Олимжоннинг: «Пушкиннинг фольклорга ва халқ тилига бўлган муҳаббати адабиётни кенг халққа етказиш нияти билан туғилган»— деган фикрида ҳам бу соҳада буюк устоздан ўрганмоқ кераклигини таъкидловчи маъно бор.

Гаффор МУМИНОВ,
филология фанлари кандидати.



ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК

Иброҳим Ғафуров

МУЪЖИЗАЛАР ҲАР КУНИ КЕРАК

Замона шеъриятининг жараёнлари ўлик йўллардан эмас, доимо жонли бир оқимлардан, шу оқимларнинг шиддат ва малол, шодумонлик ва дардларини кўтариб боради. Бу жараёнлар ичида изланиш йўллари кўп. Бу йўлларнинг қай бири шеъриятга, шеъриятнинг юксак бадииятига тезроқ олиб боради ва тезроқ самаралар беради — бунни айтиш қийин. Шеъриятнинг самарага эришадиган йўли битта эмас, кашфиётлар йўли ҳам битта эмас. Лекин шеърият муҳтарам адабимиз Шароф Рашидов айтгандай, фақат талантга бўйсунмади. Шеъриятда қанча талант эгаси бўлса, шунча самара йўли ва йўналиши ҳам мавжуд. Талант йўл солувчидир. Халқ қалбига, халқнинг маънавий тарихига йўл солувчи. Талантлар ўз йўлларини соладилар, Ғафур Ғулом ўз йўлидан боради, Абдулла Орипов ўз йўлидан, Эркин Воҳидов ўз йўлидан. Хусусан, бугунги дostonчилик ҳақида сўз кетар экан, бу мураккаб шеърий ижод соҳасида Асқад Мухторнинг ўзига хос йўли, Мирмуҳсин, Рамз Бобожон, Шукрулло сингари катта қадам шоирларнинг салмоқли тажрибалари, йўллари борлигини яна бир карра қайд қилиб ўтиш керак.

Бу йўлларнинг ҳар бирининг ўз шукуҳи бор. Ҳеч ким энди Ғафур Ғулом йўлини такрорламайди. Шоирларнинг ва айниқса, улуғ ва йирик шоирларнинг йўллари такрорланмас. Лекин бу такрорланмас йўллар мустақил юксаклигида туриб, тарқалиб, бир-биридан узилиб, пароканда бўлиб, бир-биридан нари ва йироқ, бегона бўлиб қолган эмас. Бу йўллар ўз юксак бадиий мустақиллигида туриб бир ерда

албатта бирлашади ва бир гўзал, тенгсиз, қудратли овозга, симфонияга айланади. Уларнинг бирлашадиган ери, уларни бирлаштирадиган ер, қўтлуғ, замин — бизнинг қалбимиз — инсон қалбидир. Бизнинг қалбимизда жаҳоннинг беҳад ранг-баранг шоирлари ўз жозиб мурувватлари, шафқатлари, инсонпарварликлари билан бирлашадилар ва ҳаётимиз саҳифаларини обод ва мунаввар қиладилар.

Бизнинг давримиз маърифатли давр. Бу кунларнинг нафаси маърифат билан киради ва маърифат билан чиқади. Бу кунларда маърифатсиз ва айниқса, маърифий ижодкор меҳнатсиз бир қадам ҳам ташлаб бўлмайди. Партия ўзининг узоқ йиллик тараққиётни назарда тутган йўналишларида маърифий меҳнатга асосий урғунни бермоқда ва буюк режаларни рўёбга чиқаришда халқнинг ижодий маърифий қучларининг қудратига суянмоқда. Янги беш йилликда ижодкорлик меҳнатига қодир бўлган йигирма беш миллион ёшларни вояга етказиш назарда тутилмоқда.

Чунки одамни бахтли қиладиган нарсасиз, одамга қанот берадиган, унга мамнуният бағишлайдиган, ҳаётни тугал онгли изга соладиган нарсасиз — ижодий меҳнат, меҳнатга чинакам ижодий муносабатда бўлиш экан.

Шеърият — дунёни билиш воситаси. Билиш эса маърифат демакдир. Шеърият замонни жуда нозик ҳис қилади ва ўз ранг-баранг изланишларида замоннинг садосига айланади.

«Биз доимо публицистларнинг ишини қилмоғимиз — замонамиз тарихини ёзмоғимиз керак...» деб ёзган эди Ленин 1905

йилда яратган «Инқилоб кунлари» деган туркум мақолаларида. Бу доно гап тугал шеъриятга ҳам тааллуқлидир. Шеърият ўз интилишларида албатта замон тарихини яратади. Бугунги куннинг тарихи эса маърифат ва ижод, ижодкор инсон ҳаётининг тарихидан иборатдир. Замонни шундай тушуниш ва унга шундай қараш, шундай баҳо бериш—назаримда энг тўғри, энг одил тушунча, баҳо ва дунёқараш бўлади.

Шеъриятнинг ва айниқса, дostonчиликнинг маърифатли инсон образини яратишга ва шу йўл билан ўзининг инсон учун ғоятда қимматли бўлган идеалларини олға суришга бўлган кучли интилишларини мана шу ҳоллар билан изоҳлаш ўринли ва зарур.

Нима учун инсоният аввал роман эмас дostonни яратди? Нима учун инсоният ўз тарихи хотирасини проза билан эмас шеър билан, дoston билан рақам қила бошлади? Нима учун сўзлашганда проза билан сўзлаб, хотира яратганда, хотира қолдирганда, шеър истаги тўғилди? Ота Гомер инсониятнинг ўлмас, барча замонлар учун баравар даражада гениал бўлган тарихи ва инсон типларини яратди. Дoston қилиб яратди. У ҳамма нарсани беҳад ва бепоён бир даражада деталлаштириб тасвирлади. Чунки у инсониятга эрмек эмас, абадий бадиий хотира яратётганлигини биларди. У шеърни хотирадан, хотирани тарихдан, тарихни шеърдан ажратиб бўлмаслигини гениал ақл билан ҳис қилган ва тушунган бузруквор шоир эди. Ундан инсониятга дoston аънанаси мерос қолди. Гомер дostonни инсон хотираси ва тарихининг доҳиёна нуқтаси деб билди.

Троя остоналарида узоқ чўзилган уруш бормоқда. Трояликлар данайларни таъқиб қилиб чуқур ровдан ўтмоқчи бўлиб турганларида кўкда каттакон илонни кўтариб учган бургут пайдо бўлди. Илон ҳали ўлмаган, у ҳамон бургут билан олишмоқда. Бирдан у бурғилиб бургутнинг кўксига ниш санчишга улгурди. Бургут оғрикка чидаёлмай илонни ташлаб юборди. Олачипор илон троя жангчилари ўртасига шалопплаб тушди. Улар буни башорат қаби қабул қилдилар ва даҳшатга тушдилар. Саркарда Полидамас паҳлавон Гекторни жангдан қайтармоқчи бўлди. Бургут ўлжасини уясига элтиб болаларига едирилмади, биз ҳам ғанимларни мағлуб қилолмаймиз, деди. Полидамаснинг башоратига жавобан мард Гектор: «Башоратнинг энг яхшиси—ватан учун тик туриб жанг қилмоқдир», деди. Гомер шу қисқагина парчада инсон психикасига, қалъа ҳимоячилари психикасига ва ниҳоят тўддан ажралиб турган, шу тўданинг гултожи бўлган одам Гектор психикасига жуда чуқур назар ташлайди. Оз тасвир, лекин ниҳоятда деталлашган, ўта аниқ даражада деталлашган тасвирда жуда кўп нарсаларни ифодалайди. Шулар билан бирга неча минг йиллар оша бизга жуда замонавий шоир бўлиб кўринади. Бизнинг миллион-миллион жангчиларимиз фашистлар билан

қаттол жанг чоғларида шундай деб ўйламаганмикинлар?! Миллионлаб инқилоб чавондозлари эски дунё калхатларига қарши жангга отланганларида шу калимани тилга келтирмаганмикинлар?! Замон тарихини ёза олган шоирлар ҳамма замонлар учун замонавий бўлиб қоладилар. Гомер ҳам, Навоий ҳам, Гёте ҳам, Пушкин ҳам, Твардовский ҳам шундан далолат беради.

Демак, дostonни биз мавзуси лирик шеърга сифмаган хотира деб айтсак, уни замон тарихининг ойнаси деб ифодаласак, назаримда тўғри қилган бўламиз.

Саксонинчи йилда дунёга келган ўзбек шоирларининг салмоқли дostonларига хос бўлган умумий белгиларни топишни истасак, буни аввало, дostonларнинг қаҳрамонларидан қидирмоқ керак. Бу қаҳрамонларга теран нигоҳ билан қараганда, улар яна Гомер ифодаси билан айтадиган бўлсак, «маърифатли қалбга эга бўлган шахслар эканлиги равшан бўлади.

Бошданок бугунги шоирлар яратган дostonларнинг бош қаҳрамони маърифатли киши деган хулосага келиш мумкин.

Абдулла Ориповнинг бир пайтнинг ўзида «Совет Ўзбекистони», «Шарқ юлдузи», «Гулистон», «Ўзбекистон санъати», Адабиёт нашриётида эълон қилинган «Ҳаким ва ажал» дostonида яратилган Ҳаким сиймоси—унинг бир гўзал рубойисида айтилгандек ердан то Зухал қадар дунёнинг барчи сирларини ечаолган, лекин фақат ажалгагина чора топа олмадим, деб тан олган, беҳад юксак маърифат эгаси Сино эмасми!

Эркин Воҳидовнинг йил бошида «Шарқ юлдузи» журналида «Рухлар исёни» дostonи эълон қилинди. Яқинда бу дoston гўзал бир китоб ҳолида оператив суратда нашр этилди. Рухларнинг исёни — истибод ва жаҳолатга қарши исён, маърифат нури учун, эркинлик, тенглик, инсонлар ўртасида онгли биродарлик ғояси учун исён! Шу исён марказида маърифат эгалари турадилар. Шу исён марказида маърифатли шоир образи олиб чиқилади. Гарчи дoston марказида эрк учун курашган шарқ инқилобий шоири Назрул Исломининг сиймоси турса-да, лекин назаримда Назрул Ислом реал Назрул Исломдан беҳад кенгроқ, рамзийроқ, теранроқ маъно касб этаётганга ўхшайди.

Барот Бойқобилов «Шукӯҳли карвон» асарини ёзди. Бу асарда у ўзининг замонлар шоири Алишер Навоийга бўлган юксак ҳурмати ва муҳаббатини ифодалади. Демак, асар марказида улуғ шоир ва мутафаккир образи туради.

Муҳаммад Алининг бир неча йиллик меҳнати самараси бўлган «Боқий дунё» шеърий романи «Шарқ юлдузи» журналининг аллақанча сонларида эълон қилинди. Асарнинг етакчи қаҳрамонлари Қудрат ва Насриддин ўз даврининг маърифатли одамлари. Бирини муаллим, иккинчиси шоир ва жангчи. Дostonнинг асосий ҳаракат чизигида эса маърифатпарварлик билан инқилобий кўтарилиш ҳақиқатини гавдалантириш туради.

Шоир Рамз Бобожон ўзининг «Юсуф ва Зулайҳо» деган драматик достонини ёзиб тугаллади. Бу достоннинг ўқ қизиги жаҳолатга қарши маърифатли инсоннинг исёнидан иборатдир.

Рамз Бобожон севгиси ҳаё ва иродасидан кучлилик қилган Зулайҳо ва ҳаё ва иродаси севгисидан қудратли чиққан Юсуф образини бугуннинг илғор кишиси кўзи билан қайта кашф қилишга интилади.

Достон тарих ва инсон хотираси, хотиранинг маданий ва курашчан қатламлари билан нақадар чамбарчас бўлиб кетганлигини шу асарларда яхши кузатиш мумкин.

Барот Бойқобилов Навоийнинг йигитлик чоқларини, унинг Самарқандга келиб таҳсил кўрган пайтларини тасвирлайди. Шоир Навоийнинг янги дўстлар ва янги душманлар даврасидаги ҳолатини, мадраса таҳсилларини, шoirлар ўртасидаги мушоираларни, шеър ва тил мунозараларини, Абусайд Мирзо билан Ҳусайн Бойқаро ўртасидаги аёвсиз курашларнинг саҳифаларини, тахт талашларнинг Самарқанд маъносидидаги акс садолари ва Навоий тақдирига кўрсатган таъсирларини, халқнинг улғу шoirга бўлган муҳаббати, сарой курашлари ва можароларини яхши тасаввур қилади ва ўз тасаввурларига илोजи борича китобхонни ҳам ишонтиришга уринади. Асар Навоийнинг мадраса таҳсилини хатм қилиши, «чигатой амири» унвоига сазовор бўлиши, сиёсий вазият ўзгариши билан Ҳиротга қайтиши, халқ дўстларнинг кузатиб қолиши манзараларини ва воқеалари билан хотима топади. Шоир бу воқеаларни тўғри ва хийла теран тасаввур қилади ва тўғри тасвирлайди. Лекин Навоий ҳақида ёзилган бу янги достоннинг бош пафоси унинг ҳар бир сатрида кўриниб турадиган Навоийга муҳаббатдир. Бу шоирнинг ўз авторлик муносабатида ҳам, унинг турлитуман персонажларининг муомаласида ҳам, умуман, достоннинг бутун қурилишида акс этиб туради. Шоир бош қаҳрамонининг руҳий ҳолатлари ичига чуқур кириб бориш, ижодкор шахснинг мураккаб ва нозик кечинмаларини ёритиш ва ифода-лаш йўлидан бормайди. У кўпроқ воқеаларнинг ташқи ривожини ва изчилроқ баёни билан қизиқади. Воқеаларни ривоят қилиш биринчи ўринга чиқади ва асарнинг услуби ва композицияси ҳам шунга кўра ташкил топади.

Барот Бойқобилов бу асари устида роса минг кеча тер тўкканлигини ёзади. Минг кечалик меҳнатнинг натижаси кўриниб турибди. У ўша давр тарихий шароити ва муҳити ичига анча савод ва билагонлик билан кириб боради. Самарқандга келиб таҳсил кўришга мажбур бўлган Навоийнинг ҳолатидаги нозик жиҳатларни бадиий ишонарли ёритади.

Лекин ҳамон шундай улғу бобомиз ҳақида катта ҳажмли шеърый асар дунёга келган ва бугунги куннинг адабий фактига айланган экан, бу ҳақда бир қанча шеърый маҳорат юзасидан айтилиши зарур бўлган принципиал мулоҳазалар ҳам

йўқ эмас. Баротнинг шеърятга ихлос ва ҳурмати балан. У ўзининг чиройли бир сонетида шундай дейди:

Шеърят — бу сирли кеннот.

Башарий орзулар макони.

Оташли армонлар фиғони.

Чақмондек чақнаган хаёлот...

У фикрини мана шундай юксак маъқеда давом эттириб, «шеърят бу — замон имони» деган йирик хулосага келади. Барот Навоийни ҳам шундай имон тимсоли сифатида кўрсатишга аҳд қилади. Лекин бу аҳд ички, жонли руҳий тадқиқотларда эмас, кўпроқ ташқи тавсифлар ва баёнларда кўзга ташланади. Асарда шу йўлдан чекинганда бирдан жонланиш бошланган гўзал парчалар йўқ эмас. Чунончи, Навоий тоғаларининг фожеали қисматлари ҳақида хаёл сурганда ва шундан оғир изтиробларга тушганда, гадодан унинг жозиб сеҳрли байтини тилаб борганларида чиндан унинг руҳида драматик ҳаракатчанлик бошланади. Лекин Барот бу жонланишни изчил давом эттирмайди. Яна воқеаларнинг ривоятига ўтиб кетади... Натижада ниҳоятда нозик феъл, руҳий бир оламга эга бўлган улғу шоир ва инсоннинг кечинмалари дунёси тасвирдан чеккада қолади. Худди мана шу туфайли воқеалар баёнида узунлик, тақрорийлик, ёзса ҳам, ёзмаса ҳам бўладиган нерсалар асарнинг (авторнинг талқинида шеърый романнинг) асосий пафосини юзага чиқаришга халал беради. Кетма-кет, бир-бирига ўхшаш мушоиралар, Навоийни ҳар қадамда қутлашлар, тинимсиз, Навоий ғазалларининг иллюстрация қилиниши — бадииятнинг табиатига зид бўлган узунликлардир. Демокрит: меъёр гўзаллик, меъёридан ўтган ҳар қандай нарса хунук бўла бошлайди, деган фалсафий фикрни қолдириб кетганлигини эсласак, бизнинг мулоҳазаларимиз янада равшанлашади. Мен узунлик ва ортиқчаликларни бадиият табиатига зид бир нарса деб айтаётганим ва таъкидлаётганимнинг сабаби, бу профессионал шоирларимиздан Барот Бойқобиловгагина хос эмас. У бошқа шоирларда ҳам кўзга ташланади. Бу ҳақда ўз ўрни билан тўхталиб ўтамиз.

Муҳаммад Алининг «Боқий дунё» асари жуда катта ва мураккаб давр воқеаларини қамраб олади. Янги замонга мослашиб келаётган бойлар дунёси, чигал Дукчи эшон ҳаракати, халқ фарзанди Намоз воқеалари, уйғонган жадидчилик ва маърифатчилик, мардикорлик фожеалари, Жиззах қўзғолони, Октябрь инқилоби, подшоликнинг қолдиқларига қарши кураш — мана шулар уч қисмдан иборат бўлиб, бу достоннинг асос мундарижаси. Шоир халқимиз тарихида беҳад муҳим аҳамиятга эга бўлган шу унчалар осон бўлмаган воқеаларнинг тарихий мазмунини шоирсона ҳаққоний гавдалантиришга интилади. У мана шу гирдобдай қуюқ айланиб турган тарихий воқеаларнинг маҳсули ўлароқ майдонга чиққан қатор ҳаётий инсон образларини гавдалантиради. Насриддин ва Қудрат воқеаларининг нақ марказида

ҳаракат қилувчи мана шундай қурч образлардир.

Тарихий воқеаларнинг шоирона ҳикоясини ёзишдан кўра шу воқеалар ичида ўсган ва ҳаракат қилган, янглишган, адашган, толган, улоққан, лекин қандай бўлмасин, тарихий ҳақиқатнинг ҳаракатини ифодалаган, унинг мазмунини очиб берган қаҳрамонларни танлаш ва шоирона меъёри билан гавдалантириш анча зўр меҳнатни талаб қилади. Шоирнинг Қудрат ва Насриддин образларини бадиий тўлақонли қилиб ёритиш учун сарфланган ижодий, куч-қуввати бекор кетмаган, ўз самарасини берган.

Шоир асар воқеаларини тутиб турган бу қаҳрамонлар қисматини тарихий перспективада тўғри ёритади. Шу билан уларни чинакам дoston қаҳрамонлари даражасига кўтаради. Насриддин ва Қудрат оригинал инсон характерига эга бўлган қаҳрамонлар каби гавдаланади. Уларнинг бири—Қудрат йирик бойнинг фарзанди, замонасининг ўқимишли ва хийла маърифатли киши. Лекин у беҳад кўрқоқ. Унинг машҳур кўрқоқлиги, Қудрат мансуб бўлган синфнинг азал кўрқоқлигини яхши ифодалайди. Шу билан бирга Қудрат фикр эгаси. Уни доим фикр эзади. У ватан ва миллат тақдирини ўйлайди, лекин ўйлаб ўйининг охирига етолмайди. Охири у мактаб очишга, хотини Ғунчақиз билан биргаликда болаларга илм-маърифат беришга қарор қилади. Қудрат характерида мавжуд яна бир қимматли нарса у доим инсоннинг жамиятдаги ўрни, туғилиш, ўлим ҳақида фикр юритади:

Айлар экан умрин сарҳисоб,
Изн бериб гоҳо хаёлга,
Топа олмас Қудрат ҳеч жавоб
«Инсонманми?» деган саволга.
Йўқ, йўқ, ўзи одамдай одам,
Хўраги соз, ҳар доим пўрим
Ортда қолмай дея дунёдан
Илму фанга берган қалб кўрин.
Бироқ кўрқоқ, журъати йўқ ҳеч!
Илвиллаган кўник каби сус! (7-боб)

Қаҳрамонлар ўз олдиларига мана шундай йзирубди ва ҳаммадан ҳам инсон учун, маърифатли инсон учун муҳим саволларни қўйишлари ва шу саволларни ечишга уринишлари катта аҳамиятга эга. Бу уларнинг маънавий оламини кўрсатишга йўл очади. Қаҳрамонни китобхон кўз ўнгида жозибатор ва жонли шахсга айлантиради. «Боқий дунё» қаҳрамонлари олдида ҳам машҳур Раҳметовни йзирубди га солган савол: «Чора недир?» кўндаланг бўлиб туради. Гарчи бу қаҳрамонлар жаҳоннинг ҳамма мутафаккирларини ўйлатган ва лол қилган бу йзирубди, изловчан саволга жавоб топа билмасалар-да, лекин шу саволнинг ўзини қўйишлари улар тимсолида янги бир одам тарих саҳифасига кириб келаётганлигига ишора қилади. Чунончи, Қудрат ҳамма нарсани маърифат ҳал қилади деган фикрга келади. Эл кўзини тўсган жаҳолат пәрдасини маърифат нури билангина парчалаб ташлаш мумкин

деб хаёл қилади. Шу фикр билан Қудрат жадидларга қўшилади. Жиззахда мактаб очади. Сўнгра Жиззах воқеаларида унинг кўзи охириги фожиали дамда очилади. У ўз кўрқоқлигини енгган дамда оқ офицернинг ўқидан ҳалок бўлади.

Насриддин ҳам анча жозибатор қаҳрамон. У мардикорликнинг жафоларини тортди. Намозга йигит бўлди. Инқилобнинг содиқ жангчисига айланди. Лекин Насриддиннинг ҳам жозибали ва қимматли томони унинг фикр эгаси эканлигида. У Намозга йигитлигининг сўнгида ўзига ўзи ўз уйини талаб юрган нодон ўғри бўлиб кўриниб кетди. Шундан унинг оғир онги уйғонди. Зулм манбани, зулм қилувчиларни кўрадиган ва уларга қарши кураш йўлини англай биладиган киши бўлиб етишди. Насриддин шоир. У бир умр «Туркистоннома» деган дoston ёзишни орзу қилиб ўтди. Лекин бунга унинг фурсати бўлмади. Замон долғалари уни ўз домига тортиб кетди. Лекин унинг ҳаракатлари бекорга кетмади. Янги озод Ўзбекистон дунёга келди. Ёзилмай қолган «Туркистоннома» эвазига янги Ўзбекистон туғилди. Бу асар ўз мавзуси, қамралган давр воқеаларига кўра Ойбекнинг «Улуғ йўл», Назир Сафаровнинг «Наврўз», «Шарқ тонги», Яшиннинг қатор драмалари ва «Ҳамза» романи, «Ҳамид Ғулумнинг «Машъал», «Мангулик» сингари романларига издош ва мавзудош. Лекин асосий қаҳрамонларининг тақдири тарихий воқеалар билан чамбарчас боғланиб кетганидан қаҳрамонлар ўзларини оригинал бир қиёфалари билан жалб қилганидан у худди янги мавзунини кўтаргандай бўлиб туюлади.

Шоир ҳам профессионал қалам соҳиби каби гавдаланади. Балки ҳатто ҳаддан ташқари профессионал ҳамдир. Мен бунини тушунтириб ўтаман. Шеър кўп ўринларда осонлашиб кетганлиги, сифатлашлар, тешбеҳлар тез ва осон қоғозга тушгани, биринчи ўнг келган сифат ишлатавериши кузатилади. Автор кўп ўринларда гоёни воқеанинг мағзига синдириб бериш ўрнига уларни узоқдан узоқ изоҳлашга ва тавсифлашга тушиб кетади. Айниқса, асарнинг учинчи «Бўрон» деб аталган қисмида баёнчилик, изоҳ бериш, такрор кучли. Насриддиннинг хотини рус қизи Валентина эри Насриддинни Харьковга қидириб боради. У билан учрашади. Шу воқеанинг замирида садоқат сезилади. Автор шу ошқора сезилиб турган нарсдан ортиққа ҳаяжонга берилиб, Валентина садоқатини мақтаб кетади:

Валентина садфқати-ей.
Насриддиннинг саодати-ей,
Вутун Харьков сўзлар бу ҳақда,
Севги ҳақда. ҳис-туйғу ҳақда...

Шоир керак бўлмаган ерларда ҳам шавққа берилиб кетади ва натижада асар аста чўзила бошлайди. Рус шоирларидан бири Юрий Кузнецов: «Сифат — руҳия савиянинг энг тўғри кўрсаткичидир. Шоирнинг дунёси қандай бўлса, унинг

сифати ҳам шундай бўлади. Дунёси тор бўлса, сифат ҳам тораяди. Бой бўлса—бойиёди. Ёш шоирларга одатда тароватли, портловчи, шавқдор сифат бериш хосдир», деб ёзади. «Боқий дунё» сифатларига қараганда, мана шу сўзларнинг ҳаққонияти янада равшанлашади. Бунинг сабаби, афтидан, авторнинг ўша ҳаддан ташқари профессионаллашиб бораётганидан бўлса керак. Сифат — дунёқараш экан, айниқса, катта асарлар ёзганда, унинг ўрни, вазифаси жуда билинади ва конкретлашади. Тароватсиз сифатлар дарвор текстдаги сунъийликларни ошкор қила бошлайди.

Менда шахсан, бу асарнинг Дукчи эшон воқеаси билан боғлиқ боблари ва айниқса Жиззах кўзғолони тасвири яхши таассурот қолдирди. Шоир бунда фикрий теранликка, шоирона қурч ва жўшқин тасвирга эришган. Қолган ўринларда воқеалар ёйилиб кетгандай, шоир қамраб олиш олдиндан қийин бўлган ҳодисаларни қамраб олиб акс эттиришга интилади. Шунинг учун ҳам истаса-истамаса чўзиқлик, ёйиқлик, иллюстративлик юзага келади. Бу асар асли уч мустақил қурч дoston ва ёки битта катта эпик дoston тарзида туғилиши керак эди. Воқеаларнинг ўзи шундай шакл танлаш кераклигини кўрсатапти. Бошқаларни билмайману лекин мен дoston деганда, ўзининг фалсафий, ижтимоий инсоний, ишқий теранлиги билан Пушкиннинг «Мис чавандоз» ва Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» асарлари ҳам шакл, ҳам мундарижа эътибори билан идеал дoston деб биламан.

Булар юрак ва ақлнинг чинакам доҳиёна гулларидир. Насллар баъзан шу гуллардан ибрат ва ўзларига умрлик намуна олиб турсалар ёмон бўлмасди.

Агар кўз остига олинган бошқа нарсалар фикр ва ниятни босиб кетмаса, шундай бўлгани ижодкор учун албатта маъқулроқ.

Барот Бойқобилев ва Муҳаммад Алиларнинг асарларида (жанр чегаралари доимо шартли бир ҳодиса эканлигини ва Гоголь «Улик жонлар» эпопеясини поэма ва Алишер Навоий чинакам роман аҳамиятига эга бўлган «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» асарларини дoston деб атаганларини унутмайлик) воқеаларнинг кўлами қаҳрамонларнинг инсоний характер кўламида кенгроқ ва устунроқ бўлиб кетганини қайд қилиб ўтдик. Эркин Воҳидов билан Абдулла Ориповнинг «Рухлар исёни», «Ҳаким ва ажал» дostonларида эса воқеанинг кўлампдан кўра фикр ва фалсафа қудратлироқ. Шартли равишда юқоридаги асарларни уларнинг ички қурилишида воқеавийлик кучлироқ мавқега эга бўлганлигини назарда тутиб ва воқеавийлик ҳаётийлик ҳамда қизиқтирувчанлик билан чамбарчас боғлиқ бўлганда салбий ҳодиса эмаслигини таъкидлаб воқеа-дoston, кейингиларини эса фикр-дoston деб аташ балки ўринли бўларди. Фикри, сўзи, ифодаси гўзал ва

олижаноб Ойбекнинг «Гули ва Навоий» дostonида шундай банд бор:

Афсонанинг кўпдир қуруғи,
Ҳақиқатнинг баъзан уруғи
Уюм-уюм тош ичра гўё
Вир гавҳардай беради зиё.

Абдулла Орипов ҳам, Эркин Воҳидов ҳам афсонадан мана шундай зиё чиқарадилар. Қадим дунё адибларидан Плутарх: «...лекин биз афсоа ва тўқимадан холи бўлган поэзияни билмаймиз», деган эди. Афсона ва реал ҳаёт, тарихнинг қотишмаларидан туғилган бу дostonларнинг бош пафоси жаҳолатга ва истибодга қарши маърифатни, қалбий теранликни улуғлашдир.

«Ҳаким ва ажал» да Мирзо ғаш ва риё, жаҳолатнинг шиддати билан сарой кутубхонасига ўт қўяди. Ут қўйган Мирзо бир ёқда қолиб Ибн Синони айбдор қиладилар, унинг бошига тухмат ёғдирдилар. Сино Бухородан бош олиб чиқиб кетади. Эркин Воҳидов дostonида кишиларни тенглик, биродарликка, тотувликка қақирган Назрул Ислому ўз халқининг душманига чиқарилади, унга нифоқли деган ном тақалади. «Эл учун жон тиккан шоир эл душмани аталди». Эркин Воҳидовнинг дostonида «Жаҳолат тўғрисида ривоят» боби бор. Бунда бир улуғ ҳакимни жаҳолат билан ўтда ёндиришга ҳукм қилдилар. «Дард берган ўзи давоси ҳам ўзидан» деб уни шаккоқка чиқардилар. Ҳакимни ўтга ёқдилар. Ҳаким кўзини даволаб ёруғ жаҳонни кўрсатган киши ҳам келиб у ёнаётган гулханга ўтин ташлади: «Сен кўзимни очиб мени гуноҳкор қилдинг, турмушимни захарга айлантирддинг, кўзим очигу энди йўлда ётган кўрчаллик эътиборим йўқ, қайтадан кўр бўлиб қолганим минг марта аъло эди», дейди. Ҳаким шунда аввало қалблар кўзини очиб кераклигига имон келтиради. Қалбларнинг кўзи очилмаган ерда илму маърифат жаҳолат ва нодонликнинг қурбони бўлади. Абдулла Ориповнинг дostonида ҳам улуғ ҳаким ажалга қарши даво топди. Лекин абадийлик дорусини жоҳил Мирзо чилчил синдириб ташлади. Эҳтимол инсониятга абадиёт дорусининг кераги ҳам йўқдир. Абадиёт доруси табиатдаги абадий янгиликни ва абадий ҳаракатни барбод қилган бўларди. Лекин инсон абадиёт дорусини орзу қилади. Абдулла Орипов эзгулик ва жаҳолатнинг қурашини шартли тарзда шу орзу воситасида ифодалайди. Эзгулик баъзан қанчалар ожиз ва ночор бўлиб қолишини кўрсатади. Шоир Жуманиёз Жабборов ўзининг «Қирқ идишда қирқ дору» деб аталган шеърӣ қиссасида ҳам худди шу афсонани ишлайди. Лекин унинг кичик шеърӣ қиссасида жаҳолат ўртага чиқмайди. Ҳакимга тириклик дорусини ичираётган ва дорунинг қудратли таъсирини кўрган ҳакимнинг шогирди ҳайратдан титраб кетади ва дору шишасини қўлидан тушириб юборади.

Чил-чил синди...

минг йилларнинг

Орзуси синди ҳайҳот?

Табиатнинг қонунига
Зид бордим ё устод?
Сўнгги идиш синди... Инсон
Ётмай эзгу ниятга
Валки шундай бўлганлиги
Бахтдир инсониятга

деган сўзлар билан тугайди Жуманиёз
Жабборовнинг қиссаси.

Икки шоир бир афсонани бошқа-бошқа
талқин қилади, бошқача хулосалар чиқа-
ради. Абадиятга муносабат, инсон ва
абадият темаси Эркин Воҳидовнинг дос-
тонида теранроқ ва таъсирчанроқ очи-
лади. Дашти биёбонда ёлғиз, сувсиз, оч-
наҳор қолган одам саҳроаро бир булоқ-
қа дуч келди. У булоқдан ичмоқчи бўлди.
Лекин шунда бирдан булоқ тилга кирди:

Мени ичган бу дунёда
Мангу яшар безавол...
Аммо мени ичмай туриб
Фикр қилган аввало.
Ҳаётга-ку тўймас кўзинг
Яшайсанми умрбод?
Мангу ҳаёт учун ўзинг
Ярайсанми, одамвод?

Лекин инсоният абадият нима эканли-
гини тасаввур қилолмайди. Шу фавқулод-
да ғалати саволлар, ғалати гаплардан
ташнаком йўловчи ўйланиб қолади. Сувни
ичмайди, лекин сувдонига тўлдириб ола-
ди. Нарироқ бориб у шу сувдан ичган,
минг йиллардан бери ўлолмай фарёд че-
киб ётган бошга дуч келади: «Йўлчи кет-
ди холи бўлиб мангуликнинг ғамидан»
дейди шоир ва яна: «Мангуликдан кечиб
башар Фоний умр танлади», деб қўшиб
кўяди. Абадият доруси кўмга тўкилди...

Эркин Воҳидов ўз достонида гўзал ва
фалсафий теран ривоятлар мазмунини
озодлик учун курашчи Назрул Исломининг
маъюс, лекин эзгу тақдири билан чамбар-
час боғлайди. Ривоятлар ўз қудратли
таъсирчанлиги билан қанчалар жаҳолатга,
нодонлик, зулм балосига қарши қаратил-
ган бўлса, шу ғояни қанчалар ҳиссий юк-
сакликка кўтарса, Назрулнинг қисмати
тўлалигича, ўз фожиона ранглари ва
нафаслари билан нодонлик ва кўрликка
қарши қаратилган исендир. Улуғ Пушкин-
нинг севгилисидан айрилиб телба бўлиб
қолган қахрамони Евгений ҳақида айтган
гапи ёдимга тушади: «Ичидаги азобнинг
шовқини Евгенийни кар қилиб қўйган
эди», дейди Пушкин Петербург кўчалари-
дан телбасаро юрган Евгенийнинг ҳола-
тини изохлаб. Назрул ҳақида ҳам ўзбек
шоири шундай сўзларни айтса ҳақли эди.
Лекин Назрулни жаҳолатга қарши исён
шовқини телба қилиб қўйганди.

Бу дostonлар тарихий ижодкор ва олим
шахслар образини марказга қўйиб, ижод-
корнинг имони масаласини таҳлил ва
тадқиқ қилдилар. Бу маърифий инсон об-
разини гавдалантиришга бўлган тенденция
шеърятимиздаги анъаналарнинг янги
давоми. Илгарироқ маърифатли инсон
образи Ойбек ва Зулфиянинг дostonла-
рида акс этган эди. Шу маънода янги

дostonларимиз бугунги дostonчиликдаги
изланишларнинг ўртасида ва балки катта
йўлда, йўналишида турган асарлар. Ле-
кин мана сўзи илҳомбахш шоир Асқад
Мухтор ўзининг янги ёзган гўзал шеърла-
ридан бирида айтади:

Қалдирғочлар учди Қуддусдан,
Шомдан.

Айвон пештоқидан тинч жой ҳозирла.
Катта мўъжизалар содир бўлгунча
Кичик мўъжизани қадрла.

Бу теран сўзлар бугунги мавзумизга
қанчалар ярашади. Ростдан кичик, аммо
қўлимизда бўлган мўъжизаларни қадрлаб-
гина ва фақат шу йўл билангина катта
мўъжизаларга эришиш мумкин. Шоирла-
римиз томонидан яратилган дostonлар-
нинг шундай мўъжизий томонлари хийла-
гина бор ва биз чин дилдан қадрлаймиз,
уларни катта мўъжизалар ва кашфиётлар-
нинг даракчиси деб биламиз.

Лекин дostonлар доираси биз таҳлил
қилгандан кўра кенгроқ эканлигини унут-
майлик. Ҳамон саксонинчи йил ҳақида
сўзлаётган эканмиз, адолат юзасидан
Назарматнинг «Икки томчи қон», Тошпў-
лат Ҳамиднинг «Гулоб», «Қувғин», Ҳабиб
Саъдулланинг «Қурбонлар», 3. Обидов-
нинг «Умри», Гулчеҳра Жўраеванинг «Зух-
ро юлдузи» каби дostonларини ҳам эслаб
ўтиш ўринлидир. Бу дostonларнинг ҳам-
масида ҳам шоирлар бир фойдали ҳаётий
гап айтишга ҳаракат қиладилар. Лекин бу
гап чинакам шоирона фикр ва шоирона
дардга айланиб улгурмагандан пафос
ноаниқ бўлиб қолади ёки тўғридан-тўғри
ташвиқотга айланиб кетади. Хусусан, Тош-
пўлат Ҳамиднинг дostonи давримизнинг
катта ҳодисаларидан бири—Малик чўл-
ларини ўзлаштириш, сув чиқаришга ба-
ғишланган. Вагонеткалар. Барханлар.
Қўмга ёнбошлаб газета ўқишлар, домино,
шахмат ўйнашлар. Кўчма ошхона. Ҳавас-
корлар концерти. Музоҳоналарда муздай
минерал сувлар. Кутубхоналар. Ғармон
садолари. Чўл эмас, худди истироҳат бо-
ғининг ўзи. Ойсифат деган ҳамшира қиз.
Уни Алишер деган ҳаёлпараст йигит яхши
кўради. Ойсифатни ёши каттароқ бригада
бошлиғи Болта ҳам илтириш пайида.
Лекин Ойсифат отам тенги экансиз деб уни
рад қилади. Шундан сўнг Ойсифат имзо-
сиз хат олади. Хатда Алишер сизни бад-
ном қилиб юрибди, дейилган. Ойсифат
маъюс чўлга чиқиб кетади. Алишер эса
кўзиқорин териб юради. Ойсифат Али-
шерга юринг БАМга кетамиз дейди.
Лекин Алишер шошлмайди. Ниҳоят сув
чиқарадиган насослар ишга тушади. Чўлга
сув чиқади. Бирдан сув тўхтади. Ҳамма
ҳайрон. «Ҳамма дард чекади». Кимдир
гайка отиб насоснинг шестеренкасини син-
дирган! Алишер шартта ечиниб ўзини
сувга отади. Дарё ичида ғаввос каби ке-
зиб, қўлида «гажилган темир олиб чиқа-
ди». Яна қувурлар сувга тўлиб оқади.
Болта келиб Ойсифат билан Алишердан
узр сўрайди. Алишер: Мана энди БАМга
кетсак ҳам бўлади дейди...

Алишер билан Ойсифатлар жасоратига нуқта қўйдим, дейди автор. Лекин олижаноб мавзу бор, жасоратнинг номи бор, доврўғи бор, лекин ўзи йўқ! Шу етишмайди холос! Ваҳоланки, Тошпўлат Ҳамид бу ҳодисаларнинг ичида юрибди. У бошқалардан яхшироқ, ҳаяжонлироқ, ҳаққоний ва ҳаётийроқ ёзса, ҳар жиҳатдан кўтарар эди... Чунки чўлда ижодкорона меҳнат қилаётган кишининг ҳаёти ва ҳаққоний қалби тарихини яратиш ҳали кўп йиллар адабиётнинг чўлқуварлар олдидаги қарзи бўлиб қолади.

Бугунги кунда яратилиб турган янги ўзбек дostonларининг асосий йўналишлари ва асосий замонавий пафоси мана шулардан ибсрат. Шукрки, биз дostonчиликда жуда қадимдан ранг-баранг ва гўзал анъаналарнинг давомчилари ва ўша анъаналарнинг меросхурлари бўламиз. Шоирлар унутмасинларки, улар яра-

таётган дostonлар Навоий ва Гёте, Ғафур Ғулom ва Ҳамид Олимжоннинг ўлмаc асарлари ёнида туради. Улар мана шундай шарафга ҳар жиҳатдан, асарларининг бадиий камолоти ва мундарижа теранлиги билан муносиб бўлмасликлари, яъни бу асарлар қутлуғ замонамизнинг гўзал хотира тарихи каби турмоқликлари, орзумиздир.

Янги дostonлар ҳақидаги сўзимизни яна азиз Асқад Мухторнинг бояги шеърининг сўнги сатрлари билан тугатсак деймиз:

Разм сол, ўйга тол, ҳайратда талпин.
Бир зум лоқайд тепмасин юрак.
Каттасини қуту кичигидан қолма,
Кичик мўъжизалар ҳар қуни керак.

Мўъжиза тилаги ҳар бир ижодкорнинг доимий йўлдошидир.



ИМКОНИАТ ВА ИЖРО

Суннатулла АНОРБОВ. САЙЛИ, Фафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1979.

Ҳарбий ватанпарварлик мавзусида яратилган асарлар қаторига Суннатулла Анорбоевнинг «Сайли» романи қўшилди.

Албатта, ҳар бир асарнинг ўрни унинг адабий жараёнда эгаллаган мавқеи, эстетик-тарбиявий қиммати билан белгиланади. Ҳаётда фақат «яхши» ёки «ёмон» деган қолипларга тушавермайдиган ҳодисалар бўлганидек, ижод намуналари орасида ҳам бир томонлама ва қатъий баҳолашга йўл бермайдиган асарларга ҳам дуч келамиз. Мен «Сайли» романини ўқиб, мулоҳаза юритиб кўриб, шундай қарама-қарши туйғуларни кўнглимдан кечирдим: унинг муваффақиятли, таъсирбахш томонларидан қониқиш ҳосил қилган бўлсам, эътирозли ўринларидан ранжидим. Шу билан бирга, умуман олиб қараганда, «Сайли» ёзувчи ижодида ҳаётни бадий элик планда акс эттиришда, жонли образлар яратишда, уларнинг ички оламини, психологиясини очишда аввалги асарларига, шу ҳисобда «Оқсой» (1961) романига нисбатан ҳийла олға ташланган қадам эканлигини туйдим ва бу асар тўғрисидаги ҳолисона мулоҳазаларимни ўртага ташлашни зарур топдим.

Ёзувчи мамлакатимизда социализм қурилиши йўлларида совет кишиларининг давр синовларига дуч келган бардоши ҳамда матонатини индивидуал инсоний қисматларда гавдалантиришни, ватанпарварлик туйғуларини тасвирлашни мақсад қилади. Роман саҳифаларидан 30-йилларга доир турмуш машаққатлари, Улуғ Ватан урушининг дахшати, суронли йиллари ҳамда ундан кейинги тинч меҳнат жабҳаси ва қундалик оилавий ҳаётда юз берган зиддият ҳамда қийинчиликлар бирма-бир ўтади. Бундай кенг кўлам асарга эпиклик бағишлайди. Романда тасвир қилинган воқеалар жиловини бош қаҳрамон Сайли қисмати билан қаттиқ боғлаш, образлар психологиясини, ички дунёсини очиш йўлидан изчил бориш ёзувчини кун-

далик воқеаларни оддий баён этишдан, асарни беҳуда эпизодлар билан тўлдириб юборишдан сақлайди, сюжетнинг яхлитлигига эришишда муҳим омилга айланади.

Асардаги фазилатлар бош қаҳрамон фаолиятига даҳлдор ўринлардагина эмас, унинг индивидуаллигини ойдинлаштирувчи бошқа образларда ҳам кўринади. Булар орасида ишчилар-тўқимачилар синфи вакили Жалолхон билан милиция ходими—чекистлар сулоласи намояндаси Норқўзи Эсонбоев китобхон қалбида ёқимли туйғу, меҳр уйғотиши билан ажралиб туради.

Жалолхон Намангандаги «Ривожия» номли атлас тўқувчилик артелининг ишчиси. У илғор, фидокор, ўз касбини ардоқловчи-новатор, Сайлидек ёри борлигидан, турмушидан мамнун. Аммо машъум уруш уни оила бағридан, азиз ва қадрдон дастгоҳи ёнидан, тинч яратувчилик меҳнати кучоғидан узоқларга, қонли жангҳоқларга кетишга, қўлга қурол олиб, манфур ёвга қарши курашга ундайди. Жалолхоннинг оғир чекиниш давларидаги алам-изтироблари, ҳужум, ғолиблик онларидаги ғурур ҳислари ҳаётини деталларда ишонарли тасвирланган. Айниқса, унинг артиллерист сифатида кўрсатган матонатлари, ҳарбий техника сирларини пухта эгаллаган жангчи сифатида ўзини мардона тугиши китобхонга руҳ бағишлайди. Бундай ўринлар авторнинг уруш, жангҳоқ ва ҳарбий техника билан алоқадор эпизодларни пухта ўрганиб ҳаққоний тасвирлай олганидан, маҳоратидан дарак бериб туради. Лунда қилиб айтганда, она юртга меҳр-муҳаббати чексиз, самимий, ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиган, довжорак жангчи. Жалолхоннинг мардликлари ҳамда фожиавий ҳалокати моҳирлик билан ифодаланган. Аммо унинг илгари тухматдан қамалишининг эслатилиши жун иллюстрациядан нарига ўтмайди.

Урушдан мажрўх бўлиб қайтган Мир-олим ҳам худди шундай индивидуал образлар қаторида тура олади.

Адабиётимизда тинч турмушимиз побонлари, жасур милиция ходимлари образлари ҳануз муносиб равишда ифода-

ланганича йўқ. Шу ҳақда ўйлаганда, дафъатан асардаги Норқўзи Эсонбоев образи ўзининг тинч ва ёрқинлиги билан қад кўтаришини айтиб ўтиш керак. Ўз ишида фидойи, қонунбузарлик ва жиноятнинг илдизини қирқиш пайида шай турувчи, айни вақтда инсонпарвар ва самимий, довюрак бу кишининг жонли тасвири роман воқеаларига ҳаётиниётчи бағишлаган. Ўзининг ақл келбати, жаёноятчиларга шафқатсизлиги чўрткесар ва тантилиги билан оригинал қиёфага молик бу образ ёқимли таассурот қолдиради.

Ёзувчи Сайлини турмушнинг паст-баланд тўсиқларидан ўтган оғир қисматли образ сифатида талқин этади. У мусибатли очлик йиллари, даҳшатли уруш даври воқеалари фонидида гавдаланади. Унинг шахсий ҳаёти ҳам драматик ҳодисалар гирдобига тушади: кўз очиб кўрган тракторчи эри Жўрабекни коллективлаштириш душманлари разилона ҳалок этишади, ундан қолган ўғли Уктам, очарчилик сабабли, ўзгаларга асранди бўлади, ўзи эса ўғли Фанишерни ортдиради. Севиб-севиблиб турмуш қурган учинчи эри Жалолхонни уруш ўз қаърига ютади. Автор ижтимоий ҳаёт негизидан келиб чиқувчи турмуш ҳодисаларини Сайли психологияси, унинг ички олами тасвири орқали бадиий таҳлил этади. Оғир йиллар ва бевалик устига Фанишерни вояга етказиш ташвишлари, ўзгалар қўлида қолиб кетган Уктамни кўмасаш дарди, Жалолхоннинг қайтиб келмаслигини ҳис этиш, жудолик, синглиси Соттихоннинг ноҳўя хатти-ҳаракатлари Сайли қалбини ўртади. Бироқ ижтимоий муҳит, атрофини ўраган кишилар, бошқаларнинг ҳам бошига келган фожиялар, ҳаммаҳаллар ибратаскини, коллектив меҳнат кучоғида қадр ва обрў топиш Сайлининг бардошини тобловчи, уни илғорликка етакловчи типик шароит ролини ўтади. Ёзувчи ўз қаҳрамони характерини шундай мураккаб шароитларда ишонтирарли тасвирлайди. Натижанда, у асосан, қийин ҳаётий йўл машаққатларини ижтимоий фойдали меҳнат шавқи туфайли, коллектив билан биргаликда енгиб ўтган, бардошли, ишчан она сифатида эсда қолади.

Асарда баъзи иллюстратив ҳолатлар (Сайлининг уруш бўлган жойлардан кўчириб келинган болалардан иккитасини олиб жўнгина тарбиялангани, сайлов чоғида директорга қарши чиқиши кабилар) мавжудлигига қарамай, образлар, асосан, зарур ҳаётий мураккаб ҳодисалар, ички зиддиятли ҳолатлар тўлиқинида гавдалантирилади. Аммо ана шу хусусиятнинг бир хиллик касб этиши—аксар персонажларни ўхшаш қолипда тасвирлашга интилиш автор услубида схематизмни келтириб чиқарган. Бунинг оқибатида ёзувчи кўпчилик образларни зиддиятли сифатлар (ҳам фазилятли, ҳам қусурли)га ўрашга берилади. Аввало бош ижобий образ Сайлининг бир неча бор эрга тегиши ва охири бева қолиши етарли ёритилмаганидан ортиқча ва сунъийроқ чи-

галлаштирилган қисмат бўлиб туюлади. Унинг ўғли Соҳибнинг ўз отаси қотили қўлида ўсиб, «асрандиги» таъналарига қолишдан изтиробларга тушиши, Соттихоннинг сатанг отарчига айланиши бадиий жиҳатдан етарли далилланмаган. Бундай ўринларда автор гўё сунъийроқ мураккабликлар эвазига сохта психологизмни кўзлаётгандек туюлади. Ақс ҳолда ижобий персонажларга беради. Ақс ҳолда оқ, ҳам қора рангларни суркашга эҳтиёж йўқ эди.

Романда том маънодаги салбий образлар ҳам мавжуд. Улар иккинчи даражали персонажлар сифатида кўринади. Муҳаммадшер образи ана шундай. У асосан, қора рангга берилади. У 30-йилларнинг биринчи ярмидаги очарчилик йилларида «Торгсин» дўконига жойлашиб олиб, муҳтож кишиларнинг нонини туя қиланиб, Оғир ва нозик вазиятдан фойдаланиб, Сайлига уйланиб олади. Бу харомхўр давлат омборига чанг солиб қўлга тушади, Сибирь совуғидан панжаларини майиштириб, жисмоний мажруҳ бўлиб қайтади. Бироқ бундан зарур хулоса чиқариб олмайди—характери ўзгармайди. Турмушда бундай тоифалар бор, албатта. Аммо ёзувчи типик шароитнинг характерга таъсир ўтказишини унутмаслиги даркор эди. Муҳаммадшер урушдан кейинги йилларда «Ривожия» артелига хўжалик ишига ўтганидан кейин ҳам юлғичлигини давом эттиради. У яна жиноят кўчасига қадам босар экан, ўтмишдаги қисматларини хаёлига ҳам келтирмайди. Бу ҳол эса мазкур образ талқинида ёзувчи анча жўн йўлдан борганлигини, психологик теранликка эриша олмаганини кўрсатади.

Муҳаммадшерга баҳо беришда Сайли «асли эгри тузалмас» қалбда иш тутади. Чунончи у, Муҳаммадшердан туғилган ихтирочи, тўқимачилар коллективида оғизга тушиб обрў орттириб бораётган ўғли Фанишернинг ўз отасига яқинлашишига интилишидан ҳадиксирайди ва зотиға, «жинсига қалби эканда» (259-бет) деган ташвишдан қалби зирқирайди. Шу ўринда автор Фанишерни тўқимачилар муҳитидаги илғор кишилар, биринчи навбатда онаси Сайли таъсирида харомтомоқ отасининг кирдиорларини мулоҳаза қилдириш, уни психологик ҳолатларда, иккиланиш жараёнларида очиш орқали янада таъсирли, салмоқли образ даражасига етказиши мумкин эди.

Роман композициясидаги паришонлик сюжет ниҳояланган ва характерлар қисмати ойдинлашган сайин кучлироқ сезила боради. Кўп эпизодлар, манзараларнинг ортиқчаллиги яққол кўринади. Чамаси, эпиклиқни зарур драматик моҳият билан таъминлаш, образлар қисматидаги бурилиш моментларини сюжет бўйлаб маромида тасвирлаш меъёрига етарли аҳамият берилмаган.

Романнинг дастлабки бобларида тасвир ритми гализ ва интонацион оҳанги раво эмаслигидан, матн оғир, қийин ўқилади. Бундай ҳол асарнинг эстетик таъсирини бузади.

Айтилган танқидий мулоҳазалар авторнинг заҳматли меҳнатини камситмайди. Чунки романда характерлар психологиясини очишда кўринган маҳорат учқунлари ёзувчининг ижодий тажрибасини яққол кўрсатиб турибди. Бундай сифатлар авторнинг янги ижодий чўққиларни қучиши-

га, китобхон қалбига кўр ва шуқуҳ соландиган, йирик характерлари билан ажралиб турадиган асарлар яратишига ишонч туғдиради.

Бердиали ИМОМОВ,
филология фанлари доктори.

ПАРВОЗ «БАЛАНДЛИГИ»

Н. ХУДОЙБЕРГАНОВ.
ПАРВОЗ ДАВОМ ЭТАДИ.
Фафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент — 1980.

Норбой Худойбергано-нинг янги китобчаси моно-график планда ёзилган асарлар сирасига киради. Муаллиф Одил Ёқубов ижодини таҳлил қилишга, унинг айрим асарларига ҳолис баҳо беришга, бошқа танқидчилар эътиборидан четда қолган томонларини ёритишга интилади. Тўғри, мўнаққиднинг китобдаги ҳамма фикрларига қўшилиш қийин. Бироқ бу фикрлар ўқувчинини адабий жараён, танқидчилик масалалари борасида ўйлашга ундаши аниқ.

Норбой Худойбергано-в ёзувчи босиб ўтган ижод йўлининг турли даврига баҳо бериб, эдиб парвозлари ҳаминча баланд муваффақиятли бўлмаганлигини тўғри қайд қилади. Матбуотда яхши баҳоланган «Муқаддас», «Қанот жуфт бўлади», «Улуғбек хазинаси», «Диёнат» каби асарларини яратгунча Одил Ёқубов мураккаб ўсиш-улғайиш йўлини босиб ўтди.

Норбой Худойбергано-в асарларга муваффақият ва муваффақиятсизлик асосида ётган сабабларни очиш нуқтаи назардан ёндашади. Ҳар бир асар ҳақидаги фикрини адабиёт назарияси масалалари билан боғлиқ ҳолда ривожлантиришга интилади.

Муаллиф ҳақли равишда ёзувчидан кенг умумлашмалар талаб қилади: Акс ҳолда Одил Ёқубовнинг турли даврларда ёзилган барча асарларини унинг ютуғи деб қарашга тўғри келади. Ваҳоланки, унинг «Тенгдош-

лар», «Ота изидан», «Дастлабки қадам», «Икки муҳаббат» сингари асарлари адабий жараёнда сезиларли из қолдиролгани йўқ. Бу уларда ҳаёт ҳақиқатининг бадий ҳақиқатга айланмаганлиги, даврнинг мураккаб ижтимоий проблемалари четлаб ўтилганлиги оқибатида кўринади. Мазкур асарларда улар яратилган даврда мавжуд бўлган «конфликтсизлик назарияси»нинг таъсири сезилади.

«Муқаддас» повести олтинчи йиллар прозасида тасвирланаётган воқеа-ҳодисалар моҳиятининг чуқур таҳлил қилиниши, давр билан ҳамнафаслиги, асосли умумлашмалари, муҳим масалаларни кўтариб чиқиши билан ўзига эътибор тортганлиги тўғри қайд қилинган.

«Парвоз давом этади»да диққатга лойиқ, бироқ қарама-қарши, мунозарали фикрлар учрайди. Китобда ёзувчининг «Қанот жуфт бўлади» повестига кенг тўхталинган. Назаримизда, китобнинг шу қисми анча жонли ёзилган, лекин ҳудди шу қисмда эътироз туғдирувчи фикрлар ҳам кўпроқ.

Мунаққид асар қаҳрамонлари ҳақида узундан-узун ўйласа-да, уларга муносабатно наопақ қолган. Севиб уйланишган Акрам билан Сайёранинг жанжалига иккови ҳам айбдор эканлигини ёзувчи воқеа-ҳодисаларнинг ривожий давомида уқдириб боради. Норбой Худойбергано-в эса, гоҳ Акрамни, гоҳ Сайёрани «ҳимоя» қилишга уринади. Унга ёзувчи кўпроқ Акрамни қоралаётгандай туюлади. Танқидчи асарда «характер мантиқига жиндек зарар

етказадиган айрим деталлар мавжуд» (65-бет)лигини қайд этиб, Акрамнинг ўзига дашном бераверишини, ёзувчининг уни кўпол димоқчи бўлаётганини кўрсатади. Бироқ Акрамнинг ўзига дашном беравериши унинг кўполлиги эмас, ўз хатти-ҳаракатларига танқидий ёндашаётганини кўрсатмайdimи? Юрий Трифоно-внинг «Бошқа ҳаёт» номли повести қаҳрамони Ольга Васильевна ички монолог шаклида берилган ўй-хаёлларида ўзини қанча оқла-масин, эрининг ўлимида ўзини айбсиз қилиб қўри-тишга уринмасин, биз уни қоралаймиз-ку. Одил Ёқубов повестининг қаҳрамон-лари — Сайёра, Акрамнинг руҳий ҳолатлари, дашномлари ҳам шундайлигича тушунилавермаслиги керак. Ана ўшандагина айрим деталлар характер мантиқига зарар етказётгандек туюлмайди. Бошқа бир жойда Норбой Худойбергано-в Сайёранинг ички ўйларини асоссиз равишда ёзувчиники деб юрилади.

Аслини олганда, Сайёра ҳақли равишда танқидчининг анчагина «калтагини» ейиши керак эди. Норбой Худойбергано-в эса, Умарали Норматов билан мунозарара киришиб, Сайёрани «ҳимоя» қила бошлайди. Бу ерда у Сайёранинг хиёнат кўчасига қадам босмаганлигини далил қилиб келтиради. Бироқ қаҳрамонларни баҳолашда уларнинг асар доирасидагина амалга оширган қадамлари, шу қадамлар билан боғлиқ воқеалар билангина чекланмаслик керак. Образларнинг ўй-хаёллари кейинчалик рўёбга ошиши мумкин бўлган кўпгина воқеаларга

шама қилмайдими? «Сайёра кирган йўл хатарли йўл эди. Унинг хаёлида «оғир» ўйлар кезаётганди. Танқидчилик асардаги воқеалар мантиқи бошқа ечим талаб қилаётганини тўғри кўрсатган эди. Ахир мунаққиднинг ўзига ҳам асар финали суст кўринади-ку! Сайёранинг хиёнат йўлига кирмай, тўғри йўлга тушиши, қахрамонларнинг яраштирилиши асардан ташқарида юз бергандек бўлади-ку! Норбой Худойбергановнинг бу асар қахрамонларига берган баҳосига қўшилиш қийин.

Китобнинг «Қанот жуфт бўлади»га бағишланган қисмида танқидчи тез-тез асардан узоқлашиб, турли реакцияларга берилади. Тўғри, асарни таҳлил қилишда айрим ассоциациялар, эпизодларнинг ҳаёт билан қиёсланиши фойдадан холи бўлмайди. Бироқ мазкур қисмда улар меъёрдан ошиб кетган, асарнинг бадий-ғоявий хусусиятларини очишга ҳаммаси ҳам хизмат қилвермайди. «Одил Ёкубов» рашк тарихини, рашкчиларга хос хусусиятларини таҳлил қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган» (57-бет) бўлса, рашк туйғуси ҳақидаги узундан узун ўйларнинг нима кераги бор?

Кўпинча мунаққиднинг қаламини мантиқ эмас, турли реакциялар бошқараётгандай тасаввур туғилади. Бу реакциялар асосида яратилган қатор саҳифалар китобни «семиртиради-ю», асар моҳиятига кириб боришни осонлаштирамайди, мунаққидни фикр юритиши лозим бўлган бошқа муҳимроқ масалалардан узоқлаштиради.

Одил Ёкубов ижодининг муҳим томонларидан бири—чуқур психологик таҳлилда намоён бўлади. Ёзувчининг бу борадаги санъаткорлиги «Улуғбек хазинаси», «Диёнат» каби романларида янги юқори босқичларга кўтарилди. Афсуски, Норбой Худойбергановнинг асарида ёзувчи маҳоратининг шу нуқтаси яхши очилмаган. Китобчанинг спецификасини унутяпсиз, мунаққид ёзувчи ижодининг айрим «саҳифалари»гагина

тўхталяпти-ку, дейиш мумкин. Бу луқма ўзини қисман оқлайди, холос. Гап шундаки, танқидчи ёзувчи психологизмидан сўз очади. Бироқ ўртага ташланган айрим фикрлар ривожлантирилмайди, асарлар мисолида тасдиқланмайди. Ундан ташқари, ўқувчи турли асарларга кам тааллуқли бўлган «олиб қочишлар» (муаллиф бизни кечирсин) ўрнига ёзувчининг асл маҳоратини кўрсатувчи фикрлар кутса, бунинг нимаси ёмон?

«Улуғбек хазинаси» романини таҳлил қилишга киришаркан, Норбой Худойберганов ёзувчининг маҳорати масаласига тўхталади. Шу ерда олиб борилган мунозара психологизм масаласига алоқадор. Танқидчи Иброҳим Фафуров ўзининг «Роман— тарих ойнаси» мақоласида бундай ёзган эди: «У (Одил Ёкубов —Н. Й.) характерларни кенг ва чуқур таҳлил ва тадқиқ қилиш йўлидан эмас, воқеаларни таҳлил қилиш ва воқеалар ичида ҳаракат қилаётган қахрамонларнинг равиш-рафтори, туйғу ва тугёнларини кўрсатиш йўлидан боради». Унинг бу фикрини Норбой Худойберганов қабул қилмайди. Уни ўзинча давом эттириб, жўн хулосаларга боради. У «адабиёт—инсоншунослик» деган ҳаммага маълум иборани қайтаради-да, «воқеаларни таҳлил қилиш»ни асосиз равишда инсоншуносликка қарши қўяди. Иброҳим Фафуровнинг мақоласида инсонни воқеа-ҳодисалар таҳлили орқали тасвирлаш ҳақида гап кетади. Маълумки, инсоннинг бадий тасвири динамик, типологик, аналитик принциплардан келиб чиқиши мумкин. Борди-ю, ёзувчи асарларида ҳаракат, воқеалар устунлик қилса, бу адибнинг инсоншуносликдан узоқ эканини билдирмайди. Унинг асарларида инсон характери шу воқеалар тасвири, таҳлили орқали очилади. Норбой Худойберганов ҳамкасбининг «хато»ларини бўрттириб юборади. Иброҳим Фафуровнинг фикрига бошқа маънода қўшилмаслик мумкин. У Одил Ёкубов ижодида воқеа-ҳодисаларни биринчи планга олиб чиқади.

Бу бошқа масала. Ёзувчи инсоншуносликда аналитик йўлдан боради. Албатта, бундай принцип асосида ҳам воқеа-ҳодисалар ётади. Айтайлик, Лев Толстой асарларида қахрамонларнинг кечинмаларига ўша воқеа-ҳодисалар туртки бўлмайди? Бироқ бу ерда руҳий ҳолат, ҳис-туйғулар воқеликка реакция сифатида туғилиб, кейин мустақил оқимга айланади. Албатта, бу мустақиллик нисбий тушунча. Ҳис-туйғулар оқими тўла мустақиллики ташкил қилиб, реалликдан узилиш сезилса, асар реалстик адабиёт доирасидан ташқарида қолади. Одил Ёкубов асарлари драматизмни туғдирувчи воқеаларга бой. Бироқ бу воқеалар Лев Толстой асарларидаги каби инсон ички оламидан ўтказилади. Ёзувчи инсон ички оламини таҳлил қилади. Адиб маҳоратининг бу хусусияти унинг асарларида ички монолонинг кенг қўлланишини таъминлаган сабаблардан биридир. «Улуғбек хазинаси», «Диёнат» романларида монолог-хотира орқали ёзувчи қахрамонларни ўтмишга кўчиради, монолог ҳикоя қилиш воситаси бўлибгина хизмат қилмайди, у қахрамоннинг ҳозирги руҳий ҳолатини ҳам белгилайди. Аслида муайян воқеанинг эсланишини ҳам шу руҳий ҳолат аниқлайди.

Норбой Худойберганов китобининг «Улуғбек хазинаси», «Диёнат» романларига бағишланган қисми, назаримизда, анча пухта чиққан. Бу ерда асар таҳлилдан четга чиқиш маълум меъёрга эга. Ёзувчи яратган Улуғбек, Али Қўшчи, Мавлоно Муҳиддин, Нормурод Шомуродов, Отақўзи образлари тўла ва чуқур таҳлил қилинади. Бироқ худди шу «Дунё кенгликлари ичра», «Шиддатга шиддат қўшилади» боблари ҳам бутун китобга хос бўлган камчиликдан холи эмас. Бу, адиб ижодини адабий жараёндан узиб тадқиқ қилиши ҳолатида кўзга ташланади. Бир қанча номларнинг эслаб ўтилиши эса манзарани ўзгартирмайди. Танқидчининг услуби ҳақида гапирганда, шуни ай-

тиш керакки, у ёзувчи билан баҳсга киришганида сўзларга эҳтиёт бўлса («жиндек зарар етказадиган айрим деталлар», «нималардир етишмайди»...), ўз ҳамкасблари билан олиб борилаётган мунозараларда тили

аччиқ, кинояли тус олади. Норбой Худойбергенов — ўзбек совет адабиёти масалаларига бағишланган яхшигина китоблар муаллифи. Бироқ «Парвоз давом этади» ҳақидаги тасаввурни умумлаштирсак, бу китобча-

нинг танқидчи ижодидаги ютуқ эмаслигини тан олишимизга тўғри келади. Афсуски, танқидчининг парвози ҳамisha ҳам баланд, муваффақиятли бўлмас экан.

Неъмат ЙУЛДОШЕВ.

ҚИРҚИНЧИ АФСОНА

**ОМОН МАТЖОН.
ҲАҚҚУШ ҚИЧҚИРИҒИ.
[Қирқ афсона]. Фафур
Ғулум номидаги Ада-
биёт ва санъат нашриё-
ти, Тошкент — 1979.**

«Хўш, буюғи ўттиз тўққизта-ку, қирқинчиси қани?!» дерсиз. Қирқинчиси сизга ҳавола, мухтарам китобхон. Хоҳланг ўзингиз тўққинг, хоҳланг эшитган ё ўқиганларингиздан бирортасини қўшиб қўйинг. Ахир ҳаётда кишининг ҳеч бўлмаганда биргина ўз афсонаси бўлиши керак!»

Омон Матжоннинг янги китоби — «Ҳаққуш қичқирғи» ана шу жумлалар билан, ҳар бир китобхонга ўз қирқинчи афсонасини қўшиш ҳуқуқини бериш билан тугайди.

Китобдан ўрин олган ўттиз тўққиз мустақил асарни уч гуруҳга: афсона-ривоят, афсона-лавҳа ва тарихий ҳикояларга ажратиш мумкин. Афсона-ривоят буларнинг қарийб ярмини ташкил этади.

«Алла» афсона-ривояти ўзининг фалсафий муқаддимаси ва хулосасига эга. Алла гўдакларга айтади, уни оналар айтади. У болани фақат ухлатиш учунгина айтиладими? Агар аллани катта ёшдаги одам эшитиб қолса нима бўлади? Аллада биз билмаган қандай мўъжиза бор? Муқаддимадаги ана шу каби саволларга жавоб тариқасида — пурланик қиз Розия ривояти келтирилади.

Онасининг болаларингга алла айтма, деган васиятига кўра алласиз икки суюкли боласидан айрилган Розия учинчи фарзандини ҳам ўлим тўшағида кўради. Эрининг зўри билан Розия

алла айтиб боласини ўлимдан олиб қолади. Вожаб, ўғли энди алласиз ухломайдиган, Розиянинг ўзи ҳам алла айтмасдан ўтиролмайдиган бўлди. Алла унинг боласини ухлатиб, болалигини уйғотган эди. У дугоналари, укалари, онасини эслаб қолди, эслаб қолдигина эмас, фавқулодда соғиниб кетди. Унинг Хоразмда қолиб кетган ўтмиши алла тусида тирилиб, уни даҳшатли ташналик билан ўзига чорлай бошлади.

Розия онасининг илтимосини энди ўзича тушунди. Алла шунчаки яқинларни эсга солар экан, деб ўйлади.

Ривоятдан чиқариладиган фалсафий хулосада «Алла — бизга оналаримизга ҳам катта она бўлган она тупроқдан келаётган садо!» дейилади. Шунинг учун ҳам катта ёшдаги кишилар алла эшитганда, ўзларига унутилай деб турган хотиралар, ўчаёзган болалик лавҳалари сассиз тирилиб келади.

Китобдаги «Ғамхўрлик ёки икки чинор», «Муаллақ тўрғай», «Хум», «Арслон ва қафас», «Хотамтойнинг укаси» ривоят ва лавҳалари ҳам ибратомуз, ҳам рамзий маънога эга.

Булардан айниқса, «Муаллақ тўрғай» ва «Хотамтойнинг укаси» ривоятлари ўз моҳиятига кўра бир-бирига яқин. Биринчи ривоятда «ёш даҳо» тўрғай-ваччанинг осмонда шаҳар қуришга уриниши ва бунга бутун бир тўрғайлар қавмини ишонтириб, уларни бўлмағур иш билан овора қилгани ҳикоя қилинади. Осмонда шаҳар қуришнинг натижаси нима бўлиши ҳаммага маълум. Ривоятдан

шоир шундай хулоса чиқаради.

...Бугун ҳам гоҳ
Мен ҳам даҳо бўлай деб,
Кўп тўрғайлар

муаллақдир —
Кўндан чорлар «сув,
лой!» деб.

«Хотамтойнинг укаси» ҳақидаги ривоятда хотамликнинг шухратига учиб сажийлик қилмоқчи бўлган ва донишманд чол биринчи синовдаёқ шармандасини чиқарган тамағир шухратпараст воқеаси келтирилади. Ривоят хулосасида донишманд чол Хотамнинг шухратпараст укасига ҳотамийлик шухрат эмас, зўр ҳикмат эканлигини, уни табиат ато қилишини айтади. Хотамтой гўдаклигидаёқ онасининг бир кўксини эмиб, иккинчисини укасига кўяр экан. Донишманд дейди:

Сен-чи, онанг бир
кўксини эмизгани дам,
Чапғалингдан
чиқазмасдинг унисини
ҳам!

Муаллақ тўрғай билан хотамлик қилмоқчи бўлган хасиснинг умумий фожиаси уларнинг қайси йўл билан бўлсин шухратга бурканиш учун уринишларидадир. «Ёш даҳо» тўрғай бу шухратга осмонда шаҳар қуришдек мислсиз аҳмоқона «янгиллик» билан, Хотамнинг укаси эса тақлидчилик билан эришмоқчи бўлади. Ҳар иккала ривоятнинг рамзий маъносини равшан, уни ўқиб, замонамизнинг муаллақ тўрғайларию Хотамтой укалари кўз олдимишга келади.

«Ғамхўрлик ёки икки чинор» лавҳасида маънавий-ахлоқий масалалар кўтарилади. Лавҳада бировга ёр-

дам бердим деб, умр бўйи уни ўз соясидан чиқармай диган, унинг доимий миннатдорчилигию раҳматларини эшитиб турмаса кулғаги кичийдиган шахсиятпараст ва худбин одамнинг катта башараси ҳамда бировдан ёрдам кўрдим деб бир умр унинг соясидан чиқолмай, умри тасаннолар айтиш билан ўтадиган мадҳиябоз-мулойим — кўрқоқларнинг фожиаси очилди.

«Комил Хоразмийнинг сулҳ тузишни сўрагани» ҳикояси шоирнинг жиддий муваффақиятидир. Ҳикоядаги мантиқ кучи, фалсафа кудрати ва шеър нафислиги фикримизга далил бўлади. Сулҳ ҳақидаги таклиф тарихий шароит тақозоси эканлигиёқ унинг мантиқ қувватини оширади. Шоир хонга ўз фикрини, сулҳ тузиш заруратини баён қилар экан, дунёнинг кўпгина ишлари биз ўйлаб ҳам кўрмаган кўпгина нафис сулҳлар билан юриб турганлигига ишора қилади.

Ҳикоядаги хулоса ўзининг бугунги кунини ҳам яшамокда. У бевосита Ватанимизнинг тинчликсевар сиёсатига боғланади ва кўп сонли душманларимизга мангу эслатма бўлиб туради.

Китобда Хевага тааллуқли учта афсона бўлиб, шулардан бири «Хевоқ афсонаси»дир. Халқда ҳазрати Нуҳ тўфондан кейин қадам кўйган биринчи қуруқлик ҳозирги Хеванинг ўрни эканлиги ҳақида ривоят бор. Шоир шундан фойдаланган. Умуман, афсона ёмон эмасу, лекин кўпгина жойлари анча болаларбоп чиқиб қолган. Лекин шоирнинг мақсади болаларга афсона айтиб бе-

ришдан иборат эмас эди. Бу эса афсонанинг хулосасида кўринади. Юксакдан қараганда ҳозирги Хеванинг андозаси кемага ўхшаши, ҳатто ўша улуғ тўфонни ҳам нимадир эслатиши гапирилади. Шаҳар чеккасида мавжланиб ётган «қумлар ҳам ўша қадим Буюк сувнинг излари» дейилади. Бу тўғри. Афсона бўйича Нуҳ ўз кемасида барча жонзотларни бир жуфт — бир жуфтдан сақлаб қолган эди. Ҳозирги Хева ҳам йиллар, асрлар, замонлар тўфонларидан ўзининг улуғ деворлари, минораларию гумбазларини сақлаб қолган замонларнинг улкан кемасидир! Унинг Нуҳи эса улуғ инқилобимиз ва унинг фарзанди — замонамиз кишисидир!

«Бир Хева — икки қалъа», «Калта минор фарёди» ривоят-лавҳалари шоирнинг кўҳна Хева ҳақидаги фалсафий мушоҳадалари самарасидир.

Одам — Дешон қалъа,
оруси — Ичон!
Халқимнинг устивор
руҳи — зўр даҳо
Мангулик топгандир
Ичон қалъада.
Уни бузмасин деб
турфа-тур бало,
Қалъа тиклангандир
Дешон далада.

Ота-боболаримиздан қолган оддий гиштдан тортиб улкан минораларгача бир парча девордан бутун бир шаҳаргача, уларнинг барчасига ажодларимиз мангулигининг бир шакли сифатида қараш лозимлиги шу бир ноёб ўхшатмада баён этилади.

Шоир қирқта афсонани бир муқова, бир мақсад остида бирлаштиришдек улкан ишни амалга оширар

экан. Баъзида, ишнинг кўламиданми, шошилиброқ кетгандек бўлади. Бу айниқса баъзи фикрлар шеърини ижросининг хомлигида, байт ва бандларнинг ўзаро боғланмай қолишида кўринади. Масалан, «Акс-садо»нинг кириш қисмида ёш оҳунинг қочиши тасвирланган жойи бор:

Югуради оҳу ёш тўкиб
На рангларнинг фарқига
бормай
Ва на хатар борин
унутиб.

Бунда шоир ўзига-ўзи қарши чиқяпти. Шундай таассурот қолади: оҳу тез югурмаётган экан-да, Ваҳоланки, у «йўл ҳам ахтармай» югурияпти. Иккинчи мисранинг ҳаракатга нисбатан инкор мувозанати бузилган.

«Муаллақ тўрғай»да ҳам худди шунга ўхшаш хатога йўл қўйилади.


Бир жойда оқиллар хор.
Бирда жоҳил таҳсинда.

дейлади. Бунда мисраларнинг тескари нисбат мувозанати бузилади. Танганинг икки томонида бўлиши лозим икки тасвири ҳам бир юзига устма-уст тушиб қолганга ўхшаб қолган бу. Шоир икки жойни оқиллар ва жоҳилларга муносабатига кўра қарши қўймоқчи бўлади. Лекин улар қарши бўлолмай қолган. Ахир, қаердаки жоҳиллар таҳсинда бўлса, ўша ерда оқиллар хор бўлган! Шундай экан байт шоирнинг мақсадига хизмат қилолмаган.

Омон Матжоннинг ушбу китоби ҳали адабиётимизда кўпгина баҳслар ва мунозаралар туғдириши, қанча-қанча «қирқинчи» афсоналарнинг пайдо бўлишига туртки бўлиши табиийдир.

Баҳодир СОДИҚОВ.

Тўнжарчи



Бўлимга
ГАФУР ҒУЛОМ
асос солган

Ёзувчи бўлай десангиз...

«НАЗАРИЯ»

СУЗ БОШИ УРНИДА

Асримиз—адабиёт асри. Қадимдан ижодкор бўлган халқимизнинг бугунги кунда ҳам ижодга, санъатга бўлган қизиқишининг чегараси йўқ. Менга тарновдан шариллаётган сувдай келиб турган мактаблар оқими шуни кўрсатяптики, айниқса, ёшларимизнинг ижод сир-асрорларини билишга қизиқишлари жуда кучли. Аксарият мактабларда улар «Киши қандоқ қилиб шоир ёки ёзувчи бўлиб етишиши мумкин?» ёки «Ёзишнинг қонун ва қоидалари мавжудми?» каби саволлар билан мурожаат қилишади. Мазкур асар ана шу мактабларга жавоб тариқасида туғилди. Ушбу илмий иш ижод гулханида ёнмоқчи-ю, лекин тутантириқ учун чўғ тополмай юрган ёшларга озгина бўлса-да эҳтирос берса, каминанинг боши осмонга етарди.

I БОБ

Адабий дахлиз. Жанр йўллари қаҳрамон учун жой танлаш, портрет, сюжет ва ҳоказолар. тўғрисида.

Адабиёт даргоҳига қадам қўядиган ҳар бир киши «адабий дахлиз»ни босиб ичкари кириши керак. Бу дахлизнинг дарпардасини кўтариб боққан одам қаршида турли хил «йўллар» намоён бўлади. Бу йўллар — жанр йўллари деб аталади. Бу йўлларнинг қайси биридан юришни билмай довдираб қолишингиз турган гап. Сиз бу вақтда бош оғриғи қилиб юрмангда, яхшиси, «Болалар адабиёти» деб аталган йўлакчадан кета қолинг, яъни болалар ҳақида бирон нарса ёзиб ташланг. Чунки бола бола-да, алдас мумкин. Бундан ташқари, болалар: «Ҳаётда бундай бўлмайди», деб ёқаргиздан ҳам тутмайдилар. Бу жанрда қуйидаги маслаҳатларга қулоқ солишингиз ўринлидир:

а) воқеа ўтадиган жой.

Воқеа жойи қилиб дастлаб шаҳарни танлаш керак. Чунки шаҳарлик бола қишлоқлик болага нисбатан анча қув ва учқур, маҳмадонороқ бўлади. Қаҳрамонингизнинг, яъни боланинг, қишлоқда албатта бувиси бўлсин ва бола ёзда қишлоққа бувисиникига дам олиш учун борсин. Бола характери ни очиб учун сизга яна бир тўп ёнғоқ, ёнғоққа ин қурган қўшчалар (қалдирғоч, мусича, каптар ва ҳ. к.), чўзма кўтарган қора-қура қишлоқ болалари, думи кесилган кучукча, эсли тойчоқ ва жамоат ҳамда мактаб ишларини дўндириб қўядиган қизча керак бўлади. Бу қиз ўғил болаларнинг шаҳарлик қаҳрамон бошчилигида тузган барча «операццияларини» чип-пакка чиқариб туради. Шу билан шаҳарлик бола қишлоқда ола-жаҳон ишларни амалга оширади. «Сюжет» деб аталган нарса ана ўшанда ўзидан-ўзи туғилаверади (бу маслаҳатни инкор қилсангиз, болалар ҳақидаги ёзилган баъзи «эгизак» ҳикояларни титкилаб кўринг);

б) қаҳрамон портретини чизиш.

Болаларга хос портрет чизишда новаторлик йўлидан бориш керак.

Бунга намуналар тавсия этамиз.

Ўғил бола портрети: норғул, етти кишининг овқатини ейди. Бўри билан яккама-якка олишади. Устидан паровозни ўткази олади. ЭХМ (электрон ҳисоблаш машинаси) билан «беллашиб», ақлий устунликка эришади ва ҳ. к.

Қизалоқ портрети: лаблари ҳақиқдай, юзи нақш олма; киприклари ўқ, қошлари бахмалдай. Кўзлари кишига хумор боқади ва ҳ. к.

Ишонмасангиз, болаларга атаб ёзилган баъзи эртақларга қаранг.

Бу хилдаги ўхшатишларни ўқиб, ҳазм қила олган ёш китобхонда, ўйлаймизки, балоғатга интилиш жараёни тезлаштири турган гап.

II БОБ.

Илҳом. Шеър ёзиш унга тааллуқли
баъзи кўрсатмалар

Шеър, одатда, кишида кучли эмоционал ҳолат, туйғу вужудга келгандагина ёзилади. Ана шу кайфият — «илҳом» деб аталади. Айтайлик, сиз қаттиқ тиш оғриғига дучор бўлгансиз. Хона бўйлаб секин ихраб юрибсиз. «Тонг қачон отаркин-а?.. Э худо, тонг отиши ҳам шунчалик қийинми!» — хаёлингизда шундай фикрлар чарх урмоқда. Сизда ўзингиз кутмаган ҳолда кайфият пайдо бўлган. Шундай пайтда сиз дарҳол қўлга ручкани олиб, шеър ёзишга киришинг. Шундай ёзингки, ўқиган одамнинг қозиқ тишларигача зирқираб кетсин.

Бу жанрда тер тўкувчиларга қуйидаги маслаҳатлар берилади.

1) шеърда асосий тиргак қофиядир. Шеър ёзувчи киши, албатта, бир ён дафтарчани тўлдириб қофияли сўзларни ёзиб чиқиши керак.

Масалан: Қор, дор, анор, бемор, баҳор, гулзор, мозор, бозор, ғузор, беор, дотор, Гулнора, сетор, қанор, хор-зор, Беломор, хумор, мотор, Гулбаҳор, навбаҳор, ғор, чинор, динор, тор, ор ва ҳ. к.

Масалан, а-а-а-а, а-б-а-б, а-в-в-а ва ҳ. к. лар.

Шеърни шеър қилиб кўрсатадиган асосий хамиртуруш мавзу танлашдир.

Масалан: севги ва муҳаббат, туғилиш ва яшаш, табиат каби мавзулар.

Энди юқоридаги келтирилган кўрсатмаларга қараб ёзилган шеърни келтирамиз ва уни таҳлил қиламиз;

...Далаларда жавлон уриб ёғмоқда оқ қор.

Хотин қайтди, қалбим узра келди-ку баҳор.

Қуёш чиқса, қорлар эриб, парланар ғубор.

Етар! Дехқон бобо! Тур! Ишни бош-лавор!

Бу шеър шоир Пурвиқор қаламига мансуб бўлиб «Хотин ва баҳор» деб номланади. Бевосита шеърни таҳлил қилишга ўтамиз. Хўш, бу шеърни ёзишга шоирга қаердан илҳом келади? Илҳом, шундай пайдо бўлган: шоирнинг хотини қочиб отасиникига кетиб қолган, шоир кечки овқатга нима қилишини билмай, ғамгин ҳолда деразадан ташқарига қараб ўтирибди. Ташқарида эса унинг руҳига мос ҳолатда қор ёғмоқда. Шунда, тўсатдан шоирнинг хотини қайтиб келади. Бундан қаттиқ ҳаяжонланган шоирда кайфият пайдо бўлади, яъни унинг илҳоми келади.

Шеърнинг қофиясига келсак, мазкур шеърнинг қофияси шоир таҳаллусига ҳамоҳанг бўлиб жаранглайди: оқ қор, баҳор, ғубор, бошлавор ва шоир Пурвиқор.

Шеърнинг бош мавзуи—муҳаббат. Шоир

бу мавзуни танлаб тўғри иш қилган. Чунки севги-муҳаббат мавзуси кундалик, зарурий мавзу бўлиб, қанча олдини олинмасин, ҳозирги кунда ҳам қўйди-чиқди масалаларининг кучайиб бораётганлиги ушбу мавзуда ҳали ҳам жиддийроқ қалам тебратишни талаб этмоқда (муаллифнинг ҳам шу кунларда хотини қочиб кетган).

Шоирнинг уddaбуронлиги шундаки, ўз асарига биргина севги мавзусида тўхталиб қолмасдан, уни дехқончилик масалалари билан омукта қилиб юбора олган.

Шоир шеърга реалистик ёндашган. Масалан: шеърнинг биринчи сатрида «оқ қор» деб аталган. Дарҳақиқат, қорнинг ранги оқ. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас.

III БОБ.

ЮМОР, УМУМАН КУЛДИРУВЧИ АСАРЛАР
ЁЗИШ ҲАҚИДА

«...У яхши одам эди, кулишга ҳамма вақт унда жасорат топиларди. Аммо у кулганда, ўзгалар кўз ёшларини тўхтата олмасдилар».

[Япон масхарабози Таонинг қабр тошидаги ёзувдан]

Кулги — яхши нарса. Айниқса, бировнинг устидан кулиш кишига битмас-туганмас завқ бағишлайди. Кулгили воқеа, ҳодисаларни тасвирловчи асарлар адабиётда «юмор» деб юритилади.

Юмор—ё лотинчада, ё грекчада «сув» деган маънони берса керак. Яъни, кулгили асарлар ёзилганда озроқ «сув» қўшилади. Асарни сувлироқ ёзиш учун кўпинча муаллиф дадиллик учун «оқ сув»дан тез-тез истеъмол қилиб туришга тўғри келади.

Кулги, бошқача айтганда, ҳажв жанрининг бошқа жанрлардан қулайлиги шундаки, бу жанр муболаға, метафора, ўхшатишларни ўзига кўпроқ сингдира олади.

Бу жанр соҳибларига маслаҳатларимиз шул эрур:

1. Ҳажв қилиш ҳақида.

Бировнинг устидан кулиш—бу сизга ҳолвайтар ейиш эмас. Биров бор, кулгини кўтаради, биров бор, кулиш қанақалигини сизга кўрсатиб қўяди. Шунинг учун кулмоқчи бўлган одамнингизни олдин обдан ўрганиб, сўраб-суриштириб сўнгра «ҳазил» қилинг, яъни ҳажв қилинг. Яхшиси бу жанрда соавтор излаб топиш маъқулдир. Чунки таёқ зарби икки кишига тушганда, ҳар қалай, зарба пасаяди. Соавторликка энг яхши номзод бу... бошлигингиз бўлиши мумкин.

Ҳажвчиликда яна бир қулай усул ўсимликлар, ҳайвонлар, қўғирчоқлардан қаҳрамонлар ясаб, бемалол улар устидан қаҳқаҳа отиб кулишдир, чунки улар ҳеч қачон сиздан ўч олишмайди.

Муҳаммад ОЧИЛОВ.



6—10 июнь кунлари Ўзбекистонда аънавий пушкинхонлик бўлиб ўтди.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида бу санага бағишланган тантанали кеча уюштирилди.

Кечани **Зулфия** бошқарди.

Шоирлардан **Мирмуҳсин, Шуҳрат, Борис Пармузин, Абдулла Орипов, Гулчеҳра Нуриллаева** ва бошқалар буюк даҳога бағишланган шеърлардан ўқиб бердилар.

Пушкин майдонидаги шоир ҳайкали пойга гулчамбарлар қўйилди. Сўнг бу ерда ҳам пушкинхонлик давом эттирилди.

Ийғилишда Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари **Сарвар Азимов**, Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар Куйбишев район комитетининг биринчи секретари **Р. Расулев** ўртоқлар қатнашдилар.

* * *

24 июнда Осиё ва Африка ёзувчилари билан алоқа қилиш Ўзбекистон комитетининг навбатдаги ийғилиши бўлди. Комитет раиси, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениеси секретари **Рамз Бобожон** ҳисобот доклади қилди.

Воҳид Зоҳидов, Ёқуб Хаимов, Асқад Мухтор, Ҳафиз Абдусаматов, Эркин Воҳидов, Пирмат Шермуҳамедов ва бошқа ўртоқлар доклад юзасидан мунозарага чиқдилар.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари **Сарвар Азимов** яқунловчи нутқ сўзлади.

30 июнь куни Москвада, Катта Кремль

саройида СССР Ёзувчилар союзининг VII съезди ўз ишини бошлади.

СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари **Г. М. Марков** икки съезд ўртасида совет адабиёти қўлга киритган ютуқлар ҳақида, СССР Ёзувчилар союзи Марказий ревизия комиссиясининг иши юзасидан комиссия раиси **В. П. Тельпугов** ҳисобот доклади қилдилар.

Шундан сўнг бу иккала доклад юзасидан мунозара бошланди.

П. Загребельний, Ф. Кузнецов, Ю. Бондарев, Д. Мўлдағалиев, А. Чепуров, Н. Думбадзе, С. Азимов, А. Епишев ва бошқалар съезднинг биринчи куни сўзга чиқдилар.

* * *

4 июль куни СССР Ёзувчилар союзи VII съездида сайланган СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи пленуми бўлиб ўтди. Пленум СССР Ёзувчилар союзининг биринчи секретари қилиб **Г. М. Марковни** сайлади.

СССР ёзувчиларининг VII съезди шу билан ўз ишини тугаллади.

Москвадаги Союзлар уйининг Колонна залида СССР Ёзувчилар союзининг VII съезди олдидан «Адабиётлар дўстлиги — халқлар дўстлиги» мавзусида шеърят кечаси бўлиб ўтди.

Кечада жангчи-шоирлар **И. Дбашидзе, З. Обидов, Шукрулло, М. Танқ, Э. Межелайтис** ва бошқаларнинг шеърлари янгради.

Кечани **А. Сурков** бошқарди.

ЗВЕЗДА ВОСТОКА

июль сониди

Журнал «Ёзувчи меҳнати — партияга, халққа» рубрикаси остида **Сарвар Азимов**нинг «Халқ жасоратини куйлаш — ёзувчи-

нинг олий бурчидир» деган мақоласи билан очилади.

Проза бўлимида **Саид Аҳмад, Сайёр** ва **С. Татурлар**нинг асарлари, поэзия бўлимида **Аъло Хўжаев, Амирқул Пўлканов, Собит Мадалиевлар**нинг туркум шеърлари босилган.

«Публицистика», «Адабий танқид», «Китоблар оламида», «Санъат», «Хорижий Шарқ ёзувчилари» рубрикалари остида ҳам ранг-баранг материаллар берилган.

Бош редактор: Х. АБДУСАМАТОВ.

С. АЗИМОВ, ЗУЛФИЯ, МИРМУҲСИН, Н. НАРЗУЛЛАЕВ,
Х. НИЁЗОВ (бош редактор ўринбосари), У. НОРМАТОВ,
И. РАҲИМ, Т. ТУЛА, УЙҒУН, У. УМАРБЕКОВ, У. УСМО-
НОВ, Р. ФАЙЗИЙ, Н. ФОЗИЛОВ (масъул секретарь),
Ш. ХОЛМИРЗАЕВ, Х. ХУДОЙБЕРДИЕВА, Х. ШАРИПОВ,
Ш. ШОМУҲАМЕДОВ, Х. ФУЛОМ, И. ЮСУПОВ.

Рассом Э. Рўзиев.
Техредактор М. Мирражабов.
Корректор А. Билолов.

На узбекском языке

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

(Звезда Востока)

№ 7

Орган Союза писателей Узбекистана
Ордена Трудового Красного знамени типография издательства ЦК КП Узбекистана,
Ташкент — 1981

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар авторларига қайта-
рилмайди.

Журналдан олинган материалга, «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши
шарт.

Теришга берилди 3.04.81 й. Босишга рухсат этилди 30.06.81 й. Р—03015. Қоғоз форма-
ти 70×108^{1/16}. Қабариқ босма. Физ. листи 15. Шартли босма листи 22,0+0,35 (вкл.).
Нашриёт ҳисоб листи 23,06+03 (вкл.) Тиражи 210075. Заказ № 785.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ
орденли босмаҳонаси. Тошкент—700029, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

© Шарқ юлдузи, 1981.

Ғафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ:
700000. ТОШКЕНТ ГСП, ПУШКИН КЎЧАСИ, № 1.
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» РЕДАКЦИЯСИ.

ТЕЛЕФОНЛАР:

БОШ РЕДАКТОР — 332437, БОШ РЕДАКТОР УРИНБОСАРИ — 330918.
МАСЪУЛ СЕКРЕТАРЬ — 330918, ПРОЗА — 332181, ПОЭЗИЯ, ТАНҚИД ВА
АДАБИЁТШУНОСЛИК — 332479.